# ТАСАВВУФ

## ИЙМОНДАН ЭҲСОНГА

Усмон Нурий Тўпбош



«ЭРКАМ» НАШРИЁТИ



Istanbul 1447 / 2025

© “ЭРКАМ” Нашриёти - 1447 х / 2025

# ТАСАВВУФ

*ИЙМОНДАН ЭҲСОНГА*

Усмон Нурий Тўпбош

**Туркча асл нусха номи:** Îmândan İhsâna Tasavvuf
**Муаллиф:** Усмон Нурий Тўпбош
**Таржимон:** Нилуфар Иброҳим
**Муҳаррир:** Аҳмаджон Собир
**Мусаҳҳиҳ:** Гуласал Қодирова
**Ношир:** Муҳаммад Одил Ҳамид
**Саҳифалаш ва муқова:** Жиҳангир Ташдемир
**ISBN:** 978-625-440-993-6
**Адрес:** Ikitelli Organize Sanayi Bölgesi Mah.
Atatürk Bulvarı, Haseyad 1. Kısım
No: 60/3-C Başakşehir, Istanbul, Türkiye
**Тел:** +90 212 671 0700 pbx
**Факс:** +90 212 671 0748
**Электрон почта:** info@islamicpublishing.org
**Веб-сайт:** www.islamicpublishing.org
**Language:** Uzbek



# ТАСАВВУФ
## ИЙМОНДАН ЭҲСОНГА

Усмон Нурий Тўпбош

«ЭРКАМ» НАШРИЁТИ




(Шамс сураси, 91/1-10)

Жаноби Ҳақнинг улар ҳаққи ичилган қасами борлиқнинг қиймати ва шарафидан далолат беради. Бу қасамдан сўнг ифодаланган Илоҳий ҳукмдан мурод Ўзининг буюклиги ва азаматини кўрсатиш учундир. Бу оятларда келган қасамлардаги ҳолат ҳам шундайдир. Бир фарқи Аллоҳ таоло ушбу Ояти Карималарда устма-уст етти марта қасам деб, ортидан маънони янада қувватлантириш учун “ قَدْ ” (албатта) дея келтираётганидадир. Ана шу кучли таъкидлар ва такрорлардан сўнггина ҳақиқатлар ҳақида билдирмоқда:

**«Нафсини поклаган кимса (албатта) нажотга эришади. Аксинча, уни гуноҳ ва маъсиятлар билан кирлатган кимса эса, муҳаққақ хусронга учрайди...»**

Биз Қуръони Каримда Жаноби Ҳақ нафс тазкиясидан бошқа ҳеч бир хусусда бундай устма-уст етти бор қасам дея келтирмаганлигига диққатимизни қаратишимиз керак. Бу оятларда ҳақиқатга мушарраф бўлмоқ ва зарардан узоқ турмоқ учун инсонга нафс тазкияси қанчалар муҳим ва зарурий эканлиги айтилмоқда.

Қўлимиздаги ***“Тасаввуф. Иймондан эҳсонга”*** номли бу асар Ҳақ дўстларининг Қуръоний ҳақиқатларни сўз, ҳол ва муносабат гўзалликлари орқали изоҳлашларидан иборатдир.

# СЎЗ БОШИ

Инсонга Ўз руҳидан жон пуфлаб улуғлаган, метафизик (инсоннинг воқеликдаги меъёрларга ички ишонч билан оғишмай амал қила олиши, унинг қарашлари ва маслаги) бир тафаккур ва ҳиссиёт теранлигини бахш этган Жаноби Ҳаққа беадад ҳамду санолар бўлсин! Тафаккур ҳамда ҳиссиёт теранлиги жиҳатидан энг мукаммал инсон бўлган, бутун башариятга бир ўрнак шахс ўлароқ бахш этилган Аллоҳнинг бандаси ва Расули Фахри Коинот Пайғамбаримизга, у зотнинг асҳоблари ва аҳлу байтларига беҳисоб салоту Саломлар бўлсин!

Ҳеч шубҳасизки, тасаввуф Исломнинг қалби, ҳаёти, асоси ва руҳоний томонидир. Яъни Ислом оламининг салоҳиятли, комил инсонлари у орқали мўмин кўнгилларда руҳоният, файз ва муҳаббат васфларини юксалтирадилар. Тасаввуф Ислом боғидаги буюк илм ва ирфон дарахтининг таъсир жиҳатдан энг самарали шохларидан бири демакдир. Дарҳақиқат, бугунга қадар тасаввуфга доир икки хил услубда бир неча гўзал асарлар яратилгандир:

1. Юксак ва теран тафаккур соҳибларига (хосларга);

2. Авом халққа хос (уларга хитобан ёзилган).

Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг “Фусусул ҳикам” ва Абдулкарим ал-Жилийнинг “Инсони комил” каби асарлари юксак тафаккур эгаларигина англай оладиган бир савияда ёзилгандир. Баъзи асарларда эса, Мавлононинг “Маснавий”си каби гоҳ мутафаккирларга, гоҳида эса кенг халқ оммасига хитоб қилинади. Бундай ёндашув билан ёзилган китоблар зоҳирий илмларни эгаллаганлар учун манфаатлидир. Улар ўз билимлари даражасида чуқур маънавий бир тафаккурга, файзи Илоҳийга ғарқ бўлган ҳолда Ҳаққа, ҳақиқатга ва маърифтуллоҳга ноил бўла олишлари учундир.

Шу билан бирга “Анворул-ошиқийн”, “Муҳаммадия” ва “Нафаҳотул-унс” каби кенг халқ оммасига қарата ёзилган тасаввуфий китоблар

ҳам бор. Булар шаръий ҳақиқатларни эгаллаган кенг халқ оммаси тасаввуфни тушуна олишлари ва муомала етуклиги борасида маълум бир савияга эга бўлишлари учун муҳимдир.

Тасаввуфий асарлардаги бу ҳар хиллик хослар ҳамда авом халқнинг ўз идрок ва иқтидорлари нисбатида Исломни мукаммал тарзда англаб етишларини, уни ҳаётларига қатъиян тадбиқ этишларини таъминлайди. Шу тарзда инсонлар аввалгиларнинг таъбири билан айтганда, зул-жанаҳайнга айланадилар. Яъни “икки қанотли” бўладилар.

Бор жиҳатлари билан жамиятнинг ҳар бир қатламига хитоб қила олган тасаввуф иқтисодий ва ижтимоий фаровонлик ҳукм сурган вақтларда тамбаллик ва лоқайдликларни бартараф эттира олган. Босқинчилик, зўравонлик, зулм ҳукмрон бўлган қийин даврларда ҳам сиқилган кўнгилларни улвий бир ойна очиб нафас олдиргандир. Ярали кўнгилларга малҳам ва ғамли дилларга тасалли бергандир. Қуриб қовжираган руҳларга кавсар бўла олгандир.

У бир тарафдан гўзал ахлоқ ила ибодатда юксалганларга тавозе ва камтарликни эслатиб турган. Уларни ғурурланиш, кибрга берилиш ва ўзига бино қўйишдан сақлаган. Бошқа томондан гуноҳлар чуқурида бўғилган бандаларга авф, марҳамат ва раҳмат каби жон озуқасини етказиб бера олгандир.

Мўғуллар босқинидан сўнг бутун Онадўли ўлкасини ғам-андуҳли кунлар қоплаб олади. Бунинг натижасида ҳузурсизлик ва изтироблар юзага келади. Бу оғир кунларда тасаввуф халққа таскин берувчи бўлганлиги ҳамда тасаввуфий жараёнлар юксалиб, кўплаб мутасаввифлар етишиб чиққанлиги тарихий бир ҳақиқатдир.

Бугунги кунда ҳам бутун башарият даҳшатли бир ҳузурсизлик ва турли изтироблар гирдобига тортилгандир. Бундай бир пайтда кўнгилларнинг шифобахш тасаввуфий гўзалликка бўлган эҳтиёжини асло инкор қилиб бўлмайди. Зеро атеизмнинг буйинтуруғидан эндигина қутулган, “ярадор бир қуш” мисоли маънавий даволанишга муҳтож бўлган қанчалаб қадрдонларимизнинг руҳлари ва кўнгиллари оби ҳаёт истамоқда.

Тасаввуф гўзал бир бино кабидир. Аҳли иймон қўлидаги воз кечиб бўлмайдиган Исломий бир тажалли, файз ва етуклик неъматидир. У ана шу жиҳатлари билан мусулмонларнинг камолотга эришишлари, ғайри

муслимларнинг ҳидоятга етишлари ҳамда уларга Исломни тўғри бир шаклда кўрсатилишида жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Чунки ҳақиқий тасаввуф қиёматга қадар келадиган наслларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётларини инъикос эттирувчи бир кўнгил ойнасидан иборатдир. Шу сабабли Жаноби Ҳақ ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатлари кўнгилларда неча юз йиллар мобайнида айни ҳаётийлик ҳамда поклик ичида яшади. Бу муҳаббат яшамоқда ва яшайверади.

Бугун ҳам мусулмонларнинг моддий заифликларига қарамасдан Ислом кучли бир шаклда мавжуддир. Ўз таъсирини ҳам давом эттирмоқда. Шу боис Исломнинг ошкору яширин душманлари руҳ ва баданни бир-биридан ажратганларидек, тасаввуфни Исломдан алоҳида қилиб кўрсатишга зўр бериб уринмоқдалар.

Шу сабабдан бу масалани билмаганлар тасаввуф ҳақида ўринсиз хилофликларга тушиб қолишларининг олди олинмоғи, тасаввуфий ҳақиқатлар тўғри бир шаклда ифода қилинмоғи ва янглиш тушунчалар тузатилмоғи жуда муҳим бир зарурат ҳолатига келгандир.

Албатта, бунга фақат заруратлар сабаб деб қарамаслигимиз лозим. Чунки тасаввуфга доир асарлар биз айтиб ўтган гўзалликларни ташна кўнгилларга худди бир дарё каби етказа оладилар. Биз ҳам бу дарёга айни ҳақиқатлар ичидан ожизона бир кўнгил қатрасини тақдим қилмоққа уриндик. Тасаввуф “қол” дан кўра, “ҳол”дир. У сўздан кўра кўпроқ амалга таянади. Бу томчига қиёс асаримиз кўнгилларни “олий” ҳузурга йўналтирмоқ йўлида бир кўприк вазифасини ўтаса, биз ҳам ўзимизни саодатманд ҳисоблаймиз.

Шу ниятда асаримизда тасаввуфнинг умумий мазмунини берганимиздан сўнг, унинг асл мавзусини ташкил қилган маърифатуллоҳ, муҳаббатуллоҳ, тазкияи нафс, тасфияи қалб, тасаввуфий услуб каби тушунчаларни изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Китобда дастлаб Пайғамбар алайҳиссалоту васалламнинг, кейин у муборак зотнинг ворислари бўлган Ислом буюкларининг амалларидан намуналар келтиришга уриндик. Гоҳида фикрларимизни мухолиф қарашларга жавоб тарзида баён этдик. Тасаввуфнинг теран ва нозик томонларига алоқадор шахсларга тўхталмай, фақат мулоҳазаларнинг ўзини ёритдик.

Яна шуни таъкидламоқчимизки, бу асарда ғофил, тасаввуфга хос маънавий тарбиядан узоқ кимсалар (уларнинг жоҳилона, ўринсиз иловалари) нинг бу муборак йўлга ҳеч қандай алоқалари йўқлигини ҳам исбот этдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу асар зоҳирда муаллифнинг, ҳақиқатда эса Аллоҳ дўстларининг таълифидир. Яъни асардаги бутун файз ва гўзалликлар аҳлуллоҳнинг кўнгил оламларидан бизгача етиб келган зуҳурлардир. Бизнинг вазифамиз уларни бугунги кунда лозим кўрилаётган шартларга биноан тўплаш ғайратидан иборат бўлди.

Мана шу эътибор билан асаримизни тайёрлар эканмиз, шубҳасиз аввалроқ ёзилганлардан фойдаланганимиз каби “жонли китоб” ҳолидаги дўстларимиздан ҳам ёрдам олдик. Буни мамнуният ва ифтихор билан қайд этишни истар эдим.

Сўзимиз сўнгида асарда номлари келган Аллоҳ дўстларига, ёрдамлари теккан бутун қадрдонларимизга холис муҳаббатда эканлигимизни билдирамиз. Шунингдек, уларнинг ҳақларига дуода бўлишимиз ҳам виждоний бир бурчимиздир.

**Ё Раббий! Илм ва идрокимиз кифоя қилгудек эмаслигига қарамасдан улуғ тасаввуф олами ҳақида сўз айтишга журъат қилдик. Иншааллоҳ ҳисларимиз ва фикрларимиз азиз ўқувчиларимизга файз беришини насиб этгайсан ҳамда сўнгсиз барокатингни эҳсон айлагайсан!**

**Аллоҳим! Бу ожизона кўнгил хизматимиз воситасида бизни муҳтарам ўқувчиларимиз билан биргаликда лутфу караминг ила сўнгсиз неъматларингга муваффақ айлагайсан! Бу неъматларни ўз шаъни Илоҳиятингга мувофиқ буюклигинг, азаматинг тақозоси билан лутф этгайсан!**

**Амийн!...**

**Усмон Нури Тўпбош**

Ускудар 2002 йил

# БИРИНЧИ БЎЛИМ

## ТАСАВВУФНИНГ МОҲИЯТИ

**А – ТАСАВВУФНИНГ ТУҒИЛИШИ**

**Б – ТАСАВВУФНИНГ ТАЪРИФИ**

1. Тасаввуф -Гўзал Ахлоқ ва Одобдир.
2. Тасаввуф -Нафс Тазкияси ва Қалб тасфиясидир.
3. Тасаввуф -Сулҳи Бўлмаган Маънавий Жангдир.
4. Тасаввуф -Ихлосдир.
5. Тасаввуф -Истиқоматдир.
6. Тасаввуф -Ризо ва Таслимиятдир.

**В – ТАСАВВУФНИНГ МАВЗУСИ**

**Г – ТАСАВВУФНИНГ ҒОЯСИ**

**Д – ТАСАВВУФНИНГ ЛУЗУМИ**

**Е – ТАСАВВУФНИНГ БОШҚА ИЛМЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ**

1. Тасаввуф ва Бошқа Исломий Илмлар
   *а – Тасаввуф ва Калом*
   *б – Тасаввуф ва Тафсир*
   *в - Тасаввуф ва Ҳадиси Сияр*
   *г – Тасаввуф ва Фиқх*
2. Тасаввуф ва Фан Илмлари
3. Тасаввуф ва Адабиёт
4. Тасаввуф ва Гўзал Санъатлар
   *а – Мусиқа*
   *б – Меъморчилик*
   *в – Ҳуснихат*
5. Тасаввуф ва Фалсафа

**Г – ИЛМИ НАФИЙ (Фойдали Илм)**




***“Аллоҳга ишондим дегин ва истиқоматда бўл!”***

**(**قل آمنت بالله ثم استقم**)** ***(Муслим, Иймон, 62)***

# ТАСАВВУФНИНГ МОҲИЯТИ

***Қасамки, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, Аллоҳни кўп зикр қилган (мўминлар) учун Расулуллоҳда энг мукаммал бир намуна бордир.*** (Аҳзоб, 21)

## А. ТАСАВВУФНИНГ ТУҒИЛИШИ

Жаноби Ҳақ инсониятга эҳсон қилган сўнгсиз неъматлари қаторида

...وَنَفَخْتُ فِيهِ مِن رُّوحِي

**“Руҳимдан** (қудратимдан бир сир) **пуфладим”**[1] деб Ўзидан жон жавҳарини, яъни қийматларнинг энг буюги бўлган жонни лутф этган. Бунга жавобан эса, банда Ўз Зоти Илоҳиясига муҳаббат ила бандалик қилмоғини, маърифатидан насибадор бўлиб, вуслатга етишмоғини мурод қилгандир.

Ҳақ таоло бандалари ҳидоятга эришишлари учун уларга бир қанча етук сифатлар инъом этган. Шунингдек, инсонлар орасидан алоҳида фазилатларга эга бўлган баъзи бандаларига ваҳий юбориб, пайғамбарлик ила сийлаган. Пайғамбарлар бўлмаган замонларда эса, вориси анбиёлар орқали бу лутфини давом эттирган.

Раббининг инсониятга мустано бир ёрдамини ифодалайдиган Пайғамбар юбориш ҳолати бутун инсониятни ўз ичига олганлиги учун Ҳазрати Одам алайҳиссалом билан бошлангандир. Ҳазрати Одам ҳам илк инсон, ҳам илк пайғамбардир.

Бу муборак ҳидоят йўли Илоҳий қудрат оқимидаги бир нур шалоласи сингари узлуксиз бир юз йигирма минг Пайғамбар келиши билан

1. (Ҳижр, 29)

қувватлантирилди. Сўнг ҳидоят йўли такомиллашиб бориб, инсоният ўрнатган тараққиёт мувозанати ўзгарди. Даврларнинг ўзига хослиги ва инсониятнинг савиясига мувофиқ давом этган бу силсила сўнгги пайғамбар Ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламда камол топиб, энг баланд чўққига етди.

Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом ўз нурлари билан Ҳазрати Одамдан олдин, жисмониятлари билан бутун пайғамбарлардан сўнг зуҳур этдилар. Нубувват тақвимининг илк ва сўнгги япроғи бўлдилар. Яъни рисолат тақвими борлиқда биринчи бўлган Нури Муҳаммадий билан бошланиб, охирги япроқ Жисмонияти Муҳаммадий билан ниҳоя топгандир. Демак, у зот алайҳиссалом замон эътибори жиҳатидан охирги, яратилиш эътибори жиҳатидан илк Пайғамбардир.

Бутун мавжудотнинг борлиқ соиқи Нури Муҳаммадий бўлганлигидан[2] Жаноби Ҳақ Ҳазрати Пайғамбарни “Ҳабибим” хитобига лойиқ ҳолда яшатди.

Буюк Раббимиз у кишининг мустасно ҳаётларини зоҳиран ва ботинан энг гўзал бир шаклда тарбия қилиб, бутун инсониятга ўз лутфи ила армуғон этгандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари, муборак шахсиятлари, инсон идрокига сиғадиган кўринишлари ва инсоний муомалаларининг ўзиёқ етиб бўлмайдиган чўққи мисол юксакдир. Зеро Аллоҳ жалла жалолуҳу у Муборак Борлиқни бутун инсониятга бир “Усваи Ҳасана”, яъни энг мукаммал бир ахлоқ намунаси сифатида юборгандир.

Шунинг учун, Аллоҳ таоло у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга жамиятда энг ожиз саналадиган “етим гўдак”лик ҳаётини бериб, унинг барча босқичларидан ўтишларини тақдир этди. Сўнг қудрат ва салоҳият назаридан энг юқори бўлган нуқтага, давлат бошқарувида бўлиш ва Пайғамбарликка қадар юксалтирди. Инсоният у зот алайҳиссаломдан ўзи учун намуна олишини, ўз иқтидори ва истеъдоди нисбатида буларни руёбга чиқаришини истади.

Жаноби Ҳақнинг у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар қилиб юборишидан мурод дунёнинг охирига қадар бутун инсонларга ўрнак бўлишлари учундир:



2. (Термизий, Манокиб Алжуний, 1) (406-407 саҳифадаги ҳадиси шариф).



لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن
كَانَ يَرْجُو اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا

**“Қасамки, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, Аллоҳни кўп зикр қилган (мўминлар) учун Расулуллоҳда энг мукаммал бир ўрнак бордир”.** (Аҳзоб, 21)

Демак, бутун инсоният иймоний ва ахлоқий, янада умумий бир таъбир билан айтганда, тасаввуфий муомала мукаммаллигига эришиш учун у Муборак Борлиқнинг ҳаётларини мукаммал тарзда ўрганмоқлик мажбуриятидадир. Ўрганганларига ўз истеъдоди нисбатида эргашмоғи ва бошқаларга ҳам уни етказишни мақсад қилмоғи лозимдир.

Бу эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббат ва у зотнинг руҳониятларига бурканишлик нисбатида амалга ошади. У зот алайҳиссаломнинг руҳониятларидан файзлана олишликда беҳисоб руҳоний насиба ва лутфлар бордир. Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўрнак шахсиятлари, руҳоний ҳаётларидан тоқатимиз етгунига қадар насиба ола билмоқ, у зотнинг ахлоқлари билан ахлоқлана олмоқ дунё ва охиратдаги шарафларнинг энг юксагидир.

Оламларнинг Раббиси Фахри Коинот Муҳаммад алайҳиссаломни зоҳиран ва ботинан энг гўзал бир фитратда яратиб тарбия қилганки, у зот бу Илоҳий тарбия хусусида *“Мени Раббим тарбия қилди ва бу тарбияни қандай ҳам гўзал қилди”* (Суютий, Жомеус- сағир, 1, 12) дея марҳамат қиладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келгач, қирқ йил даҳшатли бир жоҳилият жамиятида яшадилар. Шунга қарамасдан Илоҳий соғломлик, муҳофаза ва тарбия остида улғайдилар. Жоҳилият даврининг ҳеч бир маъсиятига булғанмадилар. Ҳатто нубувватга ҳозирлик сабабидан муборак кўкраклари ёрилиб, қалби шарифлари маънавий файзлар ва нурлар билан зийнатлантирилди.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбарликдан олдин ҳам тавҳид ичида асл бир ҳаётни яшаганлар. Хусусан рисолат вазифаси берилишига яқин қолган вақтларда ўзларини янада Аллоҳ жалла жалолуҳуга ҳақиқий банда бўлишга бағишлаганлар. Нур тоғида узоқ муддат узлатга чекиниб, чуқур тафаккурга чўмганлар. Бу узлатнинг сабаби





зоҳиран халқ ичида тарқалган беҳаёлик, зулм ва пасткашликлардан узоқлашиш эди. Кўнгилларига тушган изтиробларни бутун оламдан беркитиш эди. Ҳақиқат эса, инсониятга абадий машъала бўлган Илоҳий Калом Қуръонни пок қалбли Муҳаммадий воситасида башарият идрокига етказиш учун ҳозирлик саҳифаси эди. Бу лутфу марҳаматлар ила у зот алайҳиссаломнинг қалб оламлари ҳақиқий софликка, ваҳийни қабул қила оладиган савияга эришди.

Ваҳийга ҳозир ҳолга келган у муборак қалбга олти ой давомида маънавий ишоратлар ва илҳомлар рост тушлар шаклида тажалли этди. Шундай қилиб, у кишига Илоҳий сирлар пардаси очила бошлади. Бу давр оддий бандалар учун оғир бир юкни кўтармоқлик каби тоқати имконсиз бўлган ваҳий қабул қилиш даври эди. Фитрий истеъдоднинг юзага чиқиш мавсуми эди. Худди темирни оловда тоблаш каби...

Фахри коинот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарликнинг барча вазифаларини шахсиятлари ҳамда муомалаларида жамлаган эдилар. Насаб ва одоб камолоти, жамол ва камол саодати у зот алайҳиссаломда энг юқори чўққига етган эди. Асҳобларига тасаввуфнинг ўзаги бўлган қалб тасфияси (софлиги) ва нафс тазкияси (поклиги) таълимини бера бошладилар. Пок бир қалб билан Жаноби Ҳаққа бандалик қилишни ва дуоларни ўргатдилар.

Энг гўзал ахлоқда яшаб, инсониятга мукаммал бир намуна бўлдилар. Қирқ ёшга етишлари эса, ўзлари ва башарият учун энг муҳим ўзгариш нуқтаси бўлди.

Бу ҳолат бизга Ҳиро ва Саврдан қолган муқаддас бир меросдир. Зеро Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий қилиб юборилган Илоҳий йўриқлар бошқа маконлар ва замонларда ҳам давом этдирилди. Бу маънавий таълим қалб тасфияси ва нафс тазкиясининг файзли ибтидоси бўлиб қолди.

Ваҳий келмасидан аввал ҳам руҳан ва қалбан маълум бир савияга етишган Пайғамбар алайҳиссалом улвий оламда, етук бир ахлоқда эдилар. Лекин Илоҳий бир таълимот билан Ҳиро ғоридан қайтганларида, эски ҳаётларини фарсаҳ - фарсаҳ ошиб ўтган юксак бир босқичга чиққандилар. Буюк Раббилари билан теран ва қувватли қалбий боғланишга ўтган, тавҳид ва маърифатуллоҳ нурининг бутун зарраларини сингдириб олган, тақво ва хушуънинг чўққисига етгандилар. У зот алай-



ҳиссалом кечалари оёқлари шишгунга қадар кўз ёшлар ичида ибодатда давом этар, кўзлари ухласа ҳам қалблари доимо уйғоқ ҳолда қолар эди. Аллоҳнинг зикридан, доимий назоратда эканликлари тафаккуридан бир он бўлса ҳам узоқ қолмасдилар.

Дарҳақиқат, у буюк Борлиқ Аллоҳ ваҳий қилган, Қуръони Карим ўртага қўйган илм ва ҳикмат мазмуни (муҳтавоси) билан даврнинг етук инсонларини ҳам ожиз қолдиргандилар. Чунки Расулуллоҳ алайҳиссалом ўз ҳаётлари ва амаллари билан у кунга қадар эришилмаган ва қиёматгача эришиб бўлмайдиган бир мўъжиза дарёси ҳолига келгандилар. Қиёматга қадар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган мўъжизали бу ҳол қайта содир бўлмайди. Ҳеч бир мураббий у зот алайҳиссалом муваффақ бўлган гўзал ахлоқ ва тарбияга яқинлаша олмайди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг руҳлари ва кўнгилларидаги бу ҳолат вақт ўтиб, янада юксалди. У зот Маҳбубнинг Ҳабибига тенгсиз икроми бўлган Меърож ила “сўнгсизлик йўлчиси”га айландилар. Ўша кечада ўтиб бўлмас масофаларни ортда қолдириб, Раббиларининг хос меҳмони бўлдилар. Ояти Каримда келтирилганидек:

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن
كَانَ يَرْجُو اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا[3]

Аллоҳнинг Сири зоҳир бўлди.

Аллоҳ таолонинг Исро ва Меърож ўлароқ келган бу буюк икроми бутун башарий пардаларни очгандир. Бу ҳол инсон идрокидан ташқаридаги Илоҳий мезонлар билан амалга ошган бир лутфдир. Исро кечасида башарий маънода макон ва замон тушунчаси ўртадан кўтарилиб, миллиардларча инсон умрига сиғмайдиган бир йўлчилик жуда қисқа бир вақт ичида босиб ўтилгандир.

3. Ҳеч ким яқинлаша олмаган: Ҳз. Пайғамбар (с.а.в) ҳатто Жаброил алайҳиссалом кирмаган ҳудудга, Сидратул мунтаҳога киритилдилар Оятда башар идрокига “бирлаштирилган икки ёй ораси ёки янада озроқ” масофа ўлароқ билдирилган ҳолат, бандага хос талаққуси муҳал ва маҳрам бўлган бир вуслат вуқу топди. Қрн. Нажм сураси, 9





Пайғамбар алайҳиссалом Оламларни, Курси, Арш ва Сидратул мунтаҳо (чегара дарахти) ни ошиб ўтиб, рўятуллоҳ тажаллисига эришдилар. Раббилари билан ҳеч бир воситасиз ва воситачисиз бир шаклда муомала каби мустасно бир неъматга ноил бўлдилар.

Аллоҳнинг лутфи соясида эришилган бу қурбат ва камол сабаб бутун башариятни ҳидоятга етказиш иштиёқи ичида қолдилар. Очиқ-равшан бир динни ёйишда давом этиш ва ўзларига юкланган бу Илоҳий омонатни англашга киришиш у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни чўққилар чўққиси ҳолига келтирган эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вазифалари ижросига тўсиқ бўладиган барча дунёвий таклифларни иккиланмасдан (тараддудсиз) рад этдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳаққа бандалик қилишни ҳамма нарсадан юқори қўяр эдилар. Таблиғнинг илк даврида юз берган ушбу ҳодиса бу ҳақиқатни қандай ҳам гўзал ифода қилмоқдадир.

Мушриклар Абу Толиб воситасида Ҳазрат Пайғамбар алайҳиссаломга хабар юбориб, даъволаридан воз кечмоқликларини сўрашган эди. Ҳазрат Пайғамбар алайҳиссалом бунга жавобан амакиларига шундай марҳамат қилдилар:

*“Амаки! Валлоҳи, Аллоҳнинг динини етказишдан воз кечишим учун қуёшни ўнг қўлимга, ойни эса чап қўлимга қўйиб берсалар ҳам, мен асло бу даъводан воз кечмайман! Ё Буюк Аллоҳ бу динни бутун жаҳонга ёяди ё менинг вазифам тугаб, шу йўлда ҳалок бўламан!”* [4]

Исломнинг Нури туғилишидан роҳатсиз бўлган мушриклар Абу Толиб воситасида қилган ҳаракатлари натижа бермагач, Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай таклиф беришга журъат қилдилар:

“Бой бўлмоқликни хоҳласанг, хоҳлаганингча мол берайлик. Қабилалар ичида сендан бадавлатроқ бошқа кимса бўлмасин!

Йўлбошчилик орзусида бўлсанг, сени ўзимизга раҳбар қилайлик. Маккaнинг ҳокими бўл!

Шояд асл бир аёлга уйланиш фикрида бўлсанг ва Қурайшнинг гўзал аёлларидан қайси бирини истасанг, сенга берайлик!

4. (Ибнул Асир, Комил фиттариҳ, 11. 64).

Сен нимани хоҳласанг, шуни қилишга тайёрмиз. Фақат бу даъводан воз кеч!"

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, у ғофиллар айтган бу барча нафсоний таклифларга жавоб сифатида шундай марҳамат қилдилар:

*"Мен сизлардан ҳеч бир нарса истамайман. На мол, на мулк, на салтанат, на йўлбошчилик, на бир аёл! Менинг ягона истагим ўзингиз сиғинаётган ожиз бутлардан воз кечиб, ёлғиз Аллоҳга бандалик этмоғингиздир!"*[5]

Ҳеч шубҳасиз, бутун инсониятга мисол бўла оладиган бу муносабат баёни иймонда саботли бўлиш ва вазифа масъулиятининг энг етук бир кўринишидир. Мукаммал ва покиза бандалик ҳолидир.

Чунки Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломга қилинган бу хилдаги ўринсиз таклиф ва мурожаатлар дунё бадалига охиратдан "воз кечмоқ" моҳиятида эди. Ҳақиқатан, инсоният тарихи нафсга чорлаб хитоб этадиганлар, охират дунёсидан тўсадиганлар, фонийликка хос ҳою-ҳавасларга бериладиганлар ва ҳисобсиз алданишларга учраганлар билан тўладир.

Оламларнинг Раббисига ҳамд билан бошланган, қалбларни ўткинчи туйғулар ва васвасалардан тозалаган, бутун махлуқотга мутлақ маънода Аллоҳга сиғинмоқни амр этган Қуръони Карим қиёматга қадар инсониятга назарий бир ҳидоят раҳбари бўлиб қолаверади.

Қуръоннинг тафсири моҳиятидаги таққослаб бўлмайдиган ўрнак шахсияти билан инсонларга амалий ҳидоят раҳбари бўлиб келган Пайғамбар алайҳиссалоту васалламнинг изларидан юрмоқлик икки жаҳон уфқини тўлдирган башарий саодатнинг ягона восиласи ва воситасидир. Қандай нарса муқобилида бу буюк неъматдан воз кечиш мумкин?...

Қуръони Карим Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг воситаларида бутун инсониятга икром қилинган бир Китобдир. Илоҳий Калом бўлган бу Китоб инсонни ўзини танишга, асардан муассирга, сабабдан мусаббибга, санъатдан санъаткорга ва махлуқдан Холиққа боришга чақиради. Бу Илоҳий Китоб Аллоҳни кўп зикр қилишнинг ниҳояси, бутун ҳаётини худди Уни кўриб тургандек эҳсон ва тақво туйғулари ичида ўтказишнинг якуни, доимо кузатув остида эканлигини

5. (Ибни Ҳишом, 1, 236).

шуурига сингдиришнинг сўнги Жаноби Ҳақнинг муҳаббат ва ризосига етмоқлик йўли эканлигини таълим беради.

Билишимиз лозимки, Аллоҳга олиб борадиган ягона раҳмат ва муҳаббат булоғи Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббат Аллоҳга муҳаббат, у зотга итоат Аллоҳга итоат, у зотга исён Аллоҳга исён моҳиятидадир.

Булар юқорида келтирилганидек, мавжудотнинг борлиги сабабчиси бўлган, хилқатда илк саналган Нури Муҳаммадийга Яратувчининг муҳаббатидир. Зеро бутун коинот яратилишда илк бўлган Нури Муҳаммадийнинг шарафига ва у зотга бир мазруф ўлароқ яратилган. Нури Муҳаммадийга мазруф бўлган бу коинотнинг Илоҳий лутфларга ноил бўлиш нуқтасидаги чўққиси инсондир. Инсонлик шеъриятининг чўққиси ҳам Муҳаммад алайҳиссаломдир. Инсон бу улкан коинотнинг ичидаги бир митти олам кабидир. Шу сабабдан, у зот алайҳиссалом ҳақларида айни замонда кичик олам деб ҳам баҳс этилади.

У зот алайҳиссалом уруғ ичида яширинган улкан бир чинор, заррада яширин буюк бир курра ва шахс ичида мавжуд бўлган бир жамият каби ўзида бутун борлиқларнинг мусбат ва манфий хулосасини ташиган асос, бир ўзак Борлиқдир.

Бу сифатлар эътибори билан “ашрафи маҳлуқот” бўлган башариятнинг осмонида хаёлга сиғмайдиган юқори бир чўққи борки, у ҳам бўлса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вужудларидир.

У зот билан ёнма-ён бўлганлар Фахри Коинотни ўз истеъдод ва иқтидорлари нисбатида муҳаббат ёки хусуматларига кўра қабул қилганлар. Бу ҳолдаги муҳаббатга кўра қабул қилишда нур, хусуматга кўра қабул қилишда бир олов кўринади.

Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Али билан Абу Жаҳлнинг Муҳаммад алайҳиссаломнинг борлиқларини қабул қилишлари орасидаги фарқ шу тарзда намоён бўлган. Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Али Оламларга Раҳмат бўлган Пайғамбар алайҳиссаломга буюк бир ишқ билан қарай олганликлари учун, моҳиятни англай олиш ва тасаввуфнинг олтин силсиласида илк ҳалқани ташкил этиш шарафига ноил бўлганлар.

Дарҳақиқат, тасаввуф Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётлари билан зоҳиран ва ботинан бутунлашиб, етук муҳаббат

ила жўшмоқликдир. Чунки у Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зоҳиру ботинларининг тажаллисидир. Яъни у зот алайҳиссаломнинг ҳолларидир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг руҳониятларидан ҳисса ола билмоқ ва руҳан у киши билан ҳамнафас бўлмоқ лозимдир. Бошқа бир ифода билан айтганда, тасаввуф ишқ билан бирлашган иймон, важд билан ифодаланган ибодат ва муомала гўзаллигидир. Қисқаси, тасаввуф Одам алайҳиссаломга "руҳ пуфланиши" билан бошланган бир улуғ насибанинг Охир замон Набийсидаги камоли ва муҳаббат тўла қалбларда акс этган файзнинг шабнамларидир.

У Муборак Борлиқнинг тасаввуфнинг асоси бўлган салоҳиятларига, қалбдан қалбга, шахсдан шахсга интиқол (ўтиш, кўчиш) ила етиб борувчи ҳаётлари ва фаолиятларига муҳаббат ила назар ташламоғимиз зарурдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар тарафлама усваи ҳасана (гўзал намуна) бўлганларидек, инсонлар тарбияси ва қалб тазкияси борасида ҳам энг гўзал бир ўрнакдирлар. У зот алайҳиссаломнинг пайғамбар сифатида жуда кўп фазилатлари ва салоҳиятлари намоён бўлган. Бироқ булар ичида энг аввало Жаноби Ҳақ у кишига берган ушбу муҳим тўрт вазифа кўзга ташланади:

**1. Илоҳий ваҳийни қабул қилиб олмоқ.**

Расули Акрам алайҳиссалом аксарият ҳолда Аллоҳ таолонинг Жаброил алайҳиссалом воситаларида юборган Илоҳий Каломини қабул қилишга муваффақ бўлдилар. Жаноби Ҳақнинг лутфи, ваҳий келиши билан боғлиқ бу ҳол Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дорулбақога қайтганларида ниҳояланган.

**2. Қуръони Карим билан нозил бўлган ҳукмлар ва ҳақиқатларни**

Ҳадиси шарифларда ҳамда Сияри Набийда ворид бўлиши юзасидан шарҳламоқ. Расулуллоҳ алайҳиссаломдаги бу илмий салоҳият мужтаҳидлар тарафидан давом эттирилгандир. Илоҳий аҳкомларнинг шарҳ ва изоҳи башарият ҳаётидаги янги эҳтиёжларга муносиб ҳолда, "ижтиҳод" номи остида ҳозирда ҳам давом этмоқда. Баъзан бу шарҳлашларда ноаниқликлар кўринса ҳам, унга ҳамма пайт зарурат борлигини таъкидлашимиз лозим. Бу вазифа ижтиҳод қилиш мақомига эришган олимларга оиддир.

**3. Диннинг амр ва қайтариқларини қонун ҳолида татбиқ қилиш ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятига эга бўлмоқ.**

Бу эса Халифалар (улул амр) тарафидан давом эттирилган.

**4. Инсонларга ички оламларини покламоқлари ва руҳий ҳаловат топмоқлари учун йўриқ бермоқ.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тааллуқли бўлган ваҳийни нақл қилишдан ташқари барча вазифалар у зотни ҳимоя қилганлар тарафидан давом эттирилган. Бу давомийлик қандай матлуб ва мажбурий бўлса, у зот алайҳиссаломнинг инсоннинг ички оламини поклаш вазифалари машойихлар тарафидан қиёматга қадар давом эттирилмоғи ҳам шундай матлуб ва мажбурийдир. Чунки мўминларнинг зоҳиригина эмас, ботини ҳам покланиши фақат ва фақат мана шу шаклда мумкин бўлади. Дарҳақиқат, тасаввуфий усул ва асосларнинг асл манбаи руҳий ҳолатимизни Қуръон ҳамда ҳадисларда келтирилгани сингари ҳар вақту ҳар маконда Набавий ҳаёт йўсинида давом эттирмоқдан иборатдир. Машойихлар буни узлуксиз давом эттиришлари эҳтиёж сабабидандир.

❁

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам ибодат, муомала ва ахлоқдаги зоҳирий ҳамда ботиний фазилатларнинг чўққиси саналадилар. Борлиқ Нури Маккадаги ўн уч йиллик таблиғ ва мужоҳададан сўнг Мадинага Ҳижрат қилар эканлар, у кишига **Савр ғори** кўрсатилди. Бу ерда баъзи тажаллилар рўй берди. Зеро бу ғор Илоҳий ҳикматларга ғарқ бўлмоқ ва қалбий инкишофлар дасрхонаси эди.

Савр ғоридаги мусофирлик уч кечаю уч кундуз давом этди. У киши ёлғиз эмас эдилар. Пайғамбарлардан сўнгра инсонларнинг энг устуни бўлган биродарлари Ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан бирга эдилар. Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу ғорда у зот алайҳиссаломга уч кун ҳамнафас бўлиш шарафига эришгандилар. Бу биродарлари "**иккининг иккинчиси"** (учинчиси Аллоҳ) эди. Борлиқнинг Нури:

لاَ تَحْزَنْ اِنَّ اللهَ مَعَنَا

**"... ғам тортманг: Аллоҳ биз биландир!..."** (Тавба, 40) деб, азиз биродарларига Аллоҳ билан бирга бўлиш (моиййат) нинг сиррини талқин этдилар. Бу ҳолни Орифлар илк ҳуфия зикр таълими, кўнгилларнинг Аллоҳ билан таскин топмоғининг илк кўриниши деб таърифлайдилар. Яъни тасаввуфдаги қалбдан қалбга сир нақли (ўтиши) нинг Ислом тарихида илк зуҳурланган макони Савр ғори ва унинг бахтли қатнашувчиси

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу деб қаралади. Шунинг учун, Ҳазрати Сиддиқ розияллоҳу анҳу қиёматга қадар давом этадиган **Олтин силсиланинг** Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги илк ҳалқаси ўлароқ тан олингандир. Савр ғори эса, бандани моҳиятга, сўнгсиз сирлар фазосига элтадиган қалбий тарбия (**восилу илоллоҳ)** нинг муҳим бир босқичига макон бўлганди.

Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жаҳрий, очиқ зикрни Ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга таълим берганликлари ҳам нақл қилинади. Тасаввуфнинг энг муҳим талқинларидан бўлган зикрнинг таълими шу шаклда бир жиҳатдан Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳуга, бошқа томондан эса, Ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга нисбат этилган.

Аслида тасаввуф диннинг асосини ташкил қилганлиги жиҳатидан Ҳазрати Одам алайҳиссаломдан бошланиб, асри саодатга қадар бутун Пайғамбарларнинг ҳаётларида мавжуд бўлган. Зеро ҳар бир пайғамбарнинг ҳаётида тасаввуфнинг жуда кўп дастурларини топиш мумкин. Бироқ тасаввуфнинг бугунги кундаги илм, сулук (соликнинг тариқат йўлини босиб ўтиши), тариқат сифатида ўртага чиқиши илк бор ҳижрий иккинчи асрда бошланган.

Асри саодатда калом, эътиқод ва фиқҳга оид мазҳаблар ҳали шаклланмаганди. Шу билан бирга мазҳабларнинг зуҳуридан аввал эътиқодий, фиқҳий ва бошқа ҳукмлар мавжуд эди. Улар Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан саҳобаларга таълим ва татбиқ этиларди. Фақат булар илмий усуллар ёрдамида тадвин (тартибга солинмаган) қилинмаган эди.

Маълум бир вақтдан кейин илм (масалан, “фиқҳ” илми) да ном чиқарган буюк олимларнинг ижтиҳодлари талабалар тарафидан ўзлаштириладиган бўлган. Сўнг бу фарқли усулларга “мазҳаб” номи берилгандир. Мазҳаблар буюк олимларнинг исмларига нисбат бериб номлангандир. Ҳанафий, Шофеъий, Моликий, Ҳанбалий каби... Бу мазҳаблар фиқҳий эҳтиёжлар учун бир усул ва йўл ўлароқ кенг омма тарафидан қабул қилингандир.

Бошқа диний илмларда бўлгани каби тасаввуф талқин қилган зуҳд ва тақво ҳаёти ҳам айни шаклда асри саодатда мавжуд эди. Орадан вақтлар ўтган сари бу файзли ҳаётни давом эттирган ва ўзларига яшаш

тарзи қилиб олган Ҳақ дўстлари мўминларнинг дунёга ром бўлишларига, ғафлатга тушишларига тўсиқ бўлиш ғояси билан чиқдилар. Ризо ва Аллоҳга яқинлик учун уларга насиҳат қилдилар. Уларни ғафлатдан уйғотишга уриндилар. Бу зотларнинг бирон йўл очиш ёки бошқа бир ҳаёт услубини йўлга қўйиш каби ғоялари йўқ эди. Мақсадлари Исломнинг негизига биноан гўзал ҳаёт кечириш, ибодатларни Қуръон ва суннатда билдирилгани каби ҳушуъ билан адо этиш эди. Бу зотларнинг суҳбатлари ва насиҳатларидан фойда топган, ҳолларидан ўзларига бир ҳисса олмоқни истаган инсонлар уларни ўзларига маънавий раҳбар деб қабул қилар эдилар.

Бу кишилар ўз маънавий устозларининг насиҳатларини, яъни мўминни руҳий етукликка, истиқоматга эриштирадиган нафсни поклаш ва тарбия усулларини тизимлаштириб, маънавий бир фан ҳолига келтиришди. Натижада, бу устозларнинг исмларига нисбат берилган **тариқат**лар майдонга келди. Қодирия, Мавлавия, Нақшбандия ва ҳоказо...

Тасаввуфнинг ҳар бир тариқати Аллоҳга етишиш, тафаккур ва эҳсон туйғуларига эга бўлишдаги усулига кўра номланган. Тариқатлар ана шу усулларга нисбатан учга бўлинади:

**1. Тариқи Аҳёр** (ибодат ва тақво асосида мукаммаллашган тариқатлар);

**2. Тариқи Аброр (**нафсни меҳнат ва хизмат билан тарбиялашга аҳамият берган тариқатлар);

**3. Тариқи Шуттар** (Ишқ ва важд билан мақсадга етишни ғоя қилган тариқатлар).

Ҳар бир мўмин шу усуллар ёрдамида маънавий покланиш ва руҳий юксалиш учун ўз мижозига уйғун бир тариқатни қабул қилади. Зеро мижозлар ҳар хил бўлганидек, тариқатларнинг турли хил бўлиши ҳам табиийдир.

Жаноби Ҳақ Ояти Каримада:

لِكُلٍّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَ مِنْهَاجاً

**“Ҳар бирингиз учун бир шариат ва минҳож тайинладик”** (Моида, 48) деб марҳамат қилади.

Юқоридаги “минҳож” калимаси луғатларда “мунаввар бир йўл” маъносида келтирилган. Бу эса Аллоҳга яқинлик ниятида сулук қилиб олинадиган бандаликнинг йўли деган маънодадир. Тасаввуфнинг буюк олимлари ҳам “Жаноби Ҳаққа борадиган йўллар махлуқотнинг нафасларини саноғича кўпдир” дейдилар.

**Қуръоний ҳукмлар ҳам учга бўлинади:**

1. Эътиқод (ишонч асослари);

2. Фиқҳ;

а) Ибодат

б) Муомала

в) Уқубат

3. Ахлоқ (фиқҳи қалбий).

Фиқҳи қалбий ички оламнинг ислоҳ қилиниши, яъни ахлоқдир. У эътиқоднинг ва амалий муомалаларнинг ботинини ташкил этади. Амаллар у билан савияланиб, “амали солиҳ” ҳолига келади. Қуръони Каримда қалбнинг мақбул ҳолларини билдирган энг муҳим васфлар:

**Тақво, зуҳд ва эҳсондир.**

**Тақво** Аллоҳга нисбатан масъулият туйғуси билан Илоҳий амр ва тақиқларни ҳаётга қатъий татбиқ этилиши ва қалбнинг муҳофазаланишидир.

**Зуҳд** мосуво, яъни Аллоҳ жалла жалолуҳудан бошқа ҳамма нарсанинг қалбдаги аҳамияти йўқолишидир.

**Эҳсон** мўмин ўзини Илоҳий мушоҳада остида ҳис этиши, муносабатларини назорат остида эканлигини унутмасдан давом эттиришидир.

Ҳадиси шарифда:

(اَالْاِحْسَانُ) أَنْ تَعْبُدَ اللهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ

*“Эҳсон Аллоҳни кўриб турган каби ибодат қилмоғингдир. Зеро сен Уни кўрмаётган бўлсанг-да, У сени аниқ кўрар”* (Бухорий, Иймон, 37, Муслим, Иймон, 1) дейилгандир. Яъни руҳнинг Аллоҳ таоло хусусида бардавом мушоҳада этиш ҳолига келмоғи эҳсондир. Қалб ҳам ҳар лаҳза шу

туйғу ва шуур ичида бўлмоқликни, умр бўйи шу ишончга кўра яшамоқликни ҳаёт қонуни сифатида кўриш орқали юксалади. Дарҳақиқат, қалб шу ҳол шаклланиши билан софиййатга етишади. Тасаввуфдаги ана шу жиҳат қалбнинг ҳузурга эришишини таъминлайди.

❁

Дин мўмин кишини руҳи ҳузурга етган, ички олами пок инсон бўлишини хоҳлайди. Бу эса Ҳаққа бандаликнинг идроки билан бўлади. Исломга кўра мукаммал инсон Аллоҳ ва Расулининг ахлоқи билан ахлоқланган инсондир. Бу мукаммаликка эса, қалб тарбияси билан етишиш мумкиндир.

Қалб жавҳари порлоқ бир ойна каби Ҳақнинг тажаллиларини акс эттирувчи ҳолга келиши учун зикр ўша ерни макон тутмоғи лозим. Қалбнинг бу гўзал ҳол билан Ҳаққа йўналмоғи эса, иймон зуҳури билан бўлади.

**“Зуҳд”, “Тақво”** ва **“Эҳсон”** воситалари билан маънавий тараққиёт йўли очилмаганда ва фақатгина зоҳирий ҳукмлар билан кифояланиш кескин амр этилганда, Аллоҳга восил бўлиш (етишиш) имкони комил инсонларнинг қўлларидан олиб қўйилган бўлар эди. Инсонларнинг сўнгсиз шавқи назардан четда қолган бўларди. Бундай бўлган тақдирда, ҳикмат эгаси бўлган Жаноби Ҳақнинг Илоҳий интизомига нуқсон етказиларди.

Демак, бандanинг Раббисини ҳар лаҳза кўриб турган каби ўзига тартиб бермоғи, ҳаётини шу асосда ўтказмоғи ва Илоҳий мушоҳада қалбида собит ҳолга келмоғи “эҳсон” экан. Бу бир жиҳатдан Аллоҳга яқин бўлган бандаларининг руҳий меърожидир. Шу томонлама эҳсон маънавий, руҳий, ботиний ва Илоҳий ҳақиқатдир. Мутасаввифларнинг мақсадлари ҳам ана шу ҳақиқатга етишмоқликдир. Бу эса Аллоҳ билан боғлайдиган руҳий робитани талаб этади. Соғлом бир ҳолда бу робитани қурган одам Раббининг валий бандаси ҳолига келади. Илоҳий ахлоқ билан ахлоқланади.

Агар банда бу ҳақиқатга эриша олмаса ва мақсадига муваффақ бўлишга шижоати етмаса, тақлид билан кифояланишга маҳкум бўлади.

Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг ахлоқлари ва яшаган руҳоний ҳаётлари саҳоба ва тобеинлар тарафидан намуна, ўрнак қилиб олин-

ди. Бу ҳаётнинг зоҳири ва ботини, кўринган ва кўринмаган, изоҳланган ва изоҳланмаган томонлари аввалги насллардан кейинги наслларга етказилди. Фақат бу шаклда давом этган маънавий ҳаёт бутун умматга эмас, маълум бир жамоага хосланди.

Исломий асос шундай бўлишига қарамай, тасаввуфга бегона кўз билан қараганлар ва салбий муносабат билдирганлар унинг асли ҳақида ҳар хил даъволарни ўртага қўйдилар. Фақатгина товуш ўхшашлигига асосланиб, бу бебаҳо фаолиятни юнонча "ҳикмат" маъносидаги "софос" дан олинганлигини иддао қилганлар ҳам бўлди. Унга исроилий бир тушунча тўқиб чиқарганлар, ҳинд мистицизмига боғлаганлар, ҳар хил ўринсиз қарашларни илгари сурганлар ҳам учради. Булар атаманинг бир хиллиги ёки маъно ўхшашликларига қиёсан айтилган янглиш қарашлардир.

Ислом олимлари "тасаввуф" атамасини аниқ Исломий манбадан олинганлигини таъкидлайдилар. Бу хусусдаги ҳар хил қарашлар орасида тасаввуфнинг покланиш ва танланганлик маъносидаги "сафо", "сафват" ва "истифо" сўзларидан келиб чиққанлигини учратишимиз мумкин. Тасаввуфга оид илк кўриниш "аҳли-суффа" асҳобларига боғлиқлиги ҳам бунга мисол бўла олади. Чунки олимлар тасаввуф атамаси баъзи обидлар ва зоҳидлар кийган "суф" деб аталадиган жун ҳирқа номидан олинганлигини айтадилар.

Шунингдек, илму ирфон таҳсили мақсадида Масжиди Набавийда яшаган, ўзларини "аҳли суффа" деб атаган бу саҳобалар жамоаси Пайғамбар алайҳиссалоту васалламнинг ташвиқотлари билан зуҳд ва тақвода юксалганларини ҳам ёдда тутмоғимиз лозим.

Ҳатто Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобнинг бадавлатларидан бу жамоанинг эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беришларини сўраган эдилар. Бу ҳолат эса, тасаввуфий муносабатларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари қаршисидаги мавқеини ва унинг Набавий бир тасдиққа суянганлигини кўрсатадиган тарихий бир ҳақиқатдир.

Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломдан кейин ҳам ҳаёт бўлган "аҳли суффа" саҳобалар орасида кўтарилган сиёсий ихтилофларда ҳеч қайси тарафга қўшилмаганлар. Улар бетараф бўлганлар. Ҳатто бу ихтилофлар мўминлар орасидаги қардошлик туйғуларини заифлаштиришини ўйлаб,

зуҳд ва тақвога янада маҳкам берилганлар. Ихтилофларга аралашмоқни маънан таҳликали деб билган бошқа баъзи саҳобалар ҳам уларга қўшилганлар. Бу зуҳд ва тақво йўлини тутганларнинг сони кўпайишига сабаб бўлган.

“Суф” калимасидан “аҳли суффа”, уларнинг риёзат ва тақволаридан “тасаввуф” ҳамда “мутасаввиф” атамалари пайдо бўлган. Даврлар ўтиб, бу атамалар кенг қамровли мазмун касб этган.

Ислом олимлари тасаввуфни Қуръон ва суннатга боғлиқ эканлигини асослаганларидан кейин, тақво йўлида юрган мутасаввифлар ҳам ўз асарларида тасаввуфий қарашларни айнан мужтаҳидлар каби шаръий ҳақиқатлар билан қувватлантирганлар. Фақат зоҳирни ўзлаштирган кишилардан иборат бўлган баъзи тариқатларда “нашъа сўфиййа” нинг ғалабаси кузатилган. Бу айрим оёқдан тойилиш ҳолларига сабаб бўлгандир.

Тариқатлар орасида фақат барча шайхлари хожагон бўлганлар, яъни диннинг зоҳирини ҳам эгаллаган олим инсонлар бу оёқ тойилишларидан сақлана олганлар. Тасаввуф тарихида Китоб ва суннат мазмунини давом этдирган Нақшийликка ҳамда унга ўхшаш бошқа шаръий ҳақиқатларга садоқат билдирилган машҳур бир таъриф бордир:

“Циркулнинг маҳкам турадиган оёғи шариатдир. Ташқаридаги оёғининг ўлчови эса, оламни рухсатсиз ўлчашдир”.

Ҳазрати Мавлоно шундай дейдилар:

*“Биз циркуль кабимиз. Бизнинг маҳкам оёғимиз шариатдадир. Биз шу бир оёғимиз билан етмиш икки миллатни кезмоқдамиз”.*

*“Шариат бир шамчироқ кабидир. У бизга ёруғлик бериб, йўл кўрсатади. Уни қўлга олиш билан бу йўл босиб ўтилган ҳисобланмайди. Аммо уни қўлга олмай туриб, йўлга ҳам тушилмайди. Шариатнинг нурида йўлга тушиш ва ана шу йўлдан кетиш тариқатдир”.*

***Тасаввуф моддий-маънавий кирлардан покланмоқ, гўзал ахлоқ ва сифатларни эгалламоқ, диннинг ўзагига уйғун бир ҳолатда яшай олмоқдир.***

## Б. ТАСАВВУФНИНГ ТАЪРИФИ

Тасаввуф яшаган сари тотиладиган ва идрок қилинадиган бир илмдир. Уни чегараланган имконлар ичида мукаммал тарзда изоҳламоқ мушкул. Аллоҳ дўстлари ҳар бурчагидан турли хил нур таратадиган тасаввуф кристалининг фақат ўзларига кўринган томонини эътиборга олганлар. Шу сабабли, тасаввуфга фарқли таърифлар берганлар.

Бу маънавий йўлга мансублар ўз иқтидорлари ва қалбларида намоён бўлган ҳол тажаллилари нисбатида масофа босиб ўтганлар. Шу боис руҳоний оламлари ва кўнгил илҳомларининг ўзларидаги тажаллисига кўра тасаввуфни фарқли қабул қилганлар. Бироқ тасаввуфни ўз фикрларига монанд таърифлаган бу кимсаларнинг барчалари ҳақлидирлар. Биз ҳам ана шу таърифларга асосан тасаввуфнинг моҳияти ҳақида умумий бир фикрга эга бўламиз. Бу таърифларни эътиборга олган ҳолда тасаввуф:

а) мўминларнинг ички оламини тазкия этадиган;

б) маънан етукликка элтадиган;

в) ахлоқи ҳамидияга эриштирадиган;

г) Ҳаққа яқинлаштирадиган;

д) маърифатуллоҳга етиштирадиган бир илмдир дея оламиз.

Ҳақ дўстларидан руҳоний тажаллиларга ноил бўлганларнинг тасаввуф ҳақидаги саноқсиз таърифларидан баъзилари қуйидагичадир:

### 1. Тасаввуф Гўзал Ахлоқ ва Одобдир

Гўзал ахлоқ иймонни тақлиддан қутқаради. Фикр ва муомалага истиқомат берадиган эҳсон туйғусини, яъни Жаноби Ҳақни кўриб тур-

гандек бир ҳолати руҳияни қалбда собитлайди. Демак, гўзал ахлоқ шахсиятни ҳоким ва айрилмас бир унсур ҳолига келтириб, бу ҳолат устида яшамоқдир.

Абул Ҳусайн Нурий:

*“Тасаввуф на шакл, на бир илмдир: у фақатгина гўзал ахлоқдан иборатдир. Агар у шакл бўлса, мужоҳада билан таҳсил этиларди. Агар у илм бўлса, ўрганилар эди. Шу сабабли, бунда фақат шакл ва илм мақсадга етказолмайди. Тасаввуф Ҳақнинг ахлоқига бурканмоқдир”* деб ахлоқ билан узилмас боғлиқликка ишора қиладилар.

Тасаввуф Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўрнак ҳаётларида бу ном билан тилга олинмаган бўлса ҳам, моҳияти ва ҳақиқати эътибори билан мавжуд эди. Гўзал ахлоқдан мақсад Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқи ҳамидиялари билан ахлоқланмоқдир. Раббимиз у зот алайҳиссаломнинг ахлоқлари ҳақида Қуръони Каримда:

وَ اِنَّكَ لَعَلٰى خُلُقٍ عَظِيمٍ

**“Шубҳасизки, сиз улуғ ахлоқ устидадирсиз”** (Қалам, 4) деб марҳамат қилади.

Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳодан Расулуллоҳнинг ахлоқлари ҳақида сўраганларида:

*“У зотнинг ахлоқлари Қуръон эди”* (Муслим, 139, Мусафирун) деб жавоб берганлар.

Банда Қуръон ахлоқи билан хулқланиб, унинг аҳкомлари билан истиқоматланган тақдирда жонли Қуръон ҳолига келади. Қуръони Каримнинг маъносини тафаккур билан тиловат қилмоқ ва ҳукмларига тобе ҳолда яшамоқ гўзал ахлоқнинг энг юқори босқичидир.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар ўлароқ юборилганларидан эътиборан то қиёматга қадар бутун замон ва маконларни нурлантиришга йўлланганлар. Шу эътибор билан у зот алайҳиссаломнинг энг кичик ва маҳрам бўлимларига қадар бутун муомалалари соғлом бир ривоят билан бизларга етказилгандир. Бу интиқол қиёматга қадар узлуксиз давом этиш барокатига мазҳар қилингандир.

Сияри Набийга кўз ташланганда, инсониятнинг камоли ва гўзал ахлоқининг чўққиси Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эканликлари аёнлашади.

Зеро у зот алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам *“Мен бошқа бир мақсад билан эмас, фақат гўзал ахлоқни ёймоқ учун юборилдим”* (Имом Молик, Муватто, Ҳуснил хулқ, 8) деб марҳамат қилиб, ўз вазифаларини таъриф этганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун инсониятга “Усваи ҳасана”, яъни мукаммал бир ахлоқ намунаси бўлдилар.

Қуръони Каримда ахлоқи Муҳаммадий шундай ифодаланади:

**“Қасамки, сиз учун Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ва Аллоҳни кўп зикр қилган (мўмин)лар учун Расуллулоҳда энг мукаммал бир ўрнак (усваи ҳасана) бордир”.** [6]

“Буюк Раббимиз гўзал ахлоқни бир икром сифатида Пайғамбар алайҳиссаломдан бошлаб варосат ул-анбиё[7] воситасида қиёматга қадар узлуксиз давом эттиради. Бу вазифа пайғамбарлар меросхўри бўлган, хусусан Охирзамон Набийси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зоҳирдаю ботинда, илм, амал ва ахлоқ жиҳатидан ворис бўлган ҳақиқий олимлар томонидан бажарилади. Ҳақиқий олимлар Пайғамбарларнинг ворисларидир”. (Абу Довуд, Илм,1)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам *“Мўминларнинг иймон жиҳатидан энг мукаммали ахлоқан энг гўзал бўлганидир”* (Аҳмад Ибн Ҳанбал, Муснад, 11, 250) дея, ахлоқ иймоннинг меваси ва камоли эканлигига ишора қилганлар. Аллоҳнинг дўстлари ҳам ана шу Муҳаммадий ахлоқ билан ахлоқланган маънавият раҳбарларидир.

Абу Муҳаммад Жаририй ҳам *“Тасаввуф гўзал ахлоқни ўзлаштириш ва ёмон ахлоқдан суғурилмоқдир”* деб, яна шу ҳақиқатга ишора қиладилар!

Қалбни гўзал ахлоқ билан зийнатлаб, ёмон хулқлардан сақламоқ абадий саодат йўлидаги мураккаб бир ишдир. Дарҳақиқат, илк мута-

6. (ал-Аҳзоб, 21)
7. Варосат ул -анбиё: пайғамбарларга, хусусан Охирзамон Набийси Расуллуллоҳ (с.а.в.) га зоҳиран ва ботинан; илм, амал ва ахлоқ томондан ворис бўлган ҳақиқий олимлардир. Чунки ҳадиси шарифда: “Ҳақиқий олимлар, пайғамбарларнинг ворисларидирлар” (Абу Довуд, Илм, 1) дейилади.

саввифлардан Абу Ҳошим Сўфий *“Қалбда ўрнашган бир кибрни қазимоқ, тоғларни игна билан қазимоқдан ҳам қийиндир”* деганлар.

Абу Бакр Қаттоний эса, *“Тасаввуф ахлоқдир. Ахлоқ ўз эътибори билан сенда бор бўлган маънавий покизаликдан ҳам устундир”* дейдилар.

Инсоният тарихи пайғамбарларнинг тенгсиз гўзал ахлоқий муомалалари билан тўладир. Бунинг энг гўзал мисолларидан бири шубҳасиз, Ҳазрати Юсуф алайҳиссаломдирлар. У зот Ояти Каримада айтилганидек, очиқ шаклда зулм қилган биродарларига:

**“Бугун сизга таъна қилиб айбламоқ йўқ. Аллоҳ сизни авф этсин! У марҳаматлиларнинг энг марҳаматлисидир”** (Юсуф, 92) деб, авф қилишнинг тенгсиз мисолини кўрсатадилар.

Мутасаввифнинг мақсади қалбини Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом каби дунёдан хотиржам ва Илоҳий тақдирга рози, Айюб алайҳиссалом каби сабрли қилмоқдир.

Мўминларнинг ғами Довуд алайҳиссаломнинг ҳузни (ғами), фақирлиги эса, Ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг фақирлиги ва истиғноси каби бўлмоғи лозим.

Мутасаввиф Ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг муножот асносидаги ғайрат ва иштиёқ тўла кўнгилларига, Коинотнинг Фахри Абадийси бўлган Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалоту васалламнинг ихлосларига, яъни у зотнинг Раббиларига бўлган муҳаббатлари ҳамда самимиятларига эга бўлмоққа ҳаракат қилган кимсадир.

Абу Ҳафс Ҳаддод *“Тасаввуф одобдан иборатдир”* деб, уни гўзал ахлоқнинг энг мукаммал бир хулосаси шаклида таърифлаганлар.

Ҳазрати Мавлоно одоб ҳақида шундай дейдилар:

*“Эй инсон! Билгилки, одоб инсоннинг баданидаги руҳдир. Одоб рижолуллоҳнинг кўз ва кўнглининг нуридир. Агар шайтоннинг бошини янчмоқни хоҳласанг, кўзингни оч ва кўр: шайтонни эзган нарса одобдир. Инсонда одоб бўлмаса, у инсон эмасдир. Инсон билан ҳайвон орасидаги фарқ одобдадир”.*

Мавлононинг бошқа бир байти маъноси шундайдир:

*“Ақлим қалбимдан: “Иймон нимадир?” деб сўради. Қалбим эса, ақлимнинг қулоғига эгилиб: “Иймон одобдан иборатдир” деди”.*

Бошқа бир шоир одобни қандай ҳам гўзал назм қилибди:

*Одоб бир тож эмиш нури Худодан,*

*Кий у тожни омон бўл ҳар балодан.*

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, аввалари такка ва даргоҳлардаги огоҳлантирувчи лавҳалардан бири [8]"адаб ё Ҳув" ёзуви бўлгандир.

## 2. Тасаввуф Нафс Тарбияси ва Қалбни Поклашдир

Инсон фарзанди бу оламга бандалик имтиҳони сабаб келганлиги учун ўлим вақтига қадар нафс деб аталадиган, минг бир хил ҳийлага ундовчи бир иллатга мубталодир. Инсон авлиёликнинг энг баланд даражаларига юксалса ҳам, дунё, нафс ва шайтон учлигидан доимий бир ҳийла, васваса ва тузоқлар билан ҳар лаҳза қарама-қарши ҳолатда туради. Зеро бандаликнинг қиймати ҳам таҳликаларни бартараф этмоқ ва бу фоний оламнинг ўзига жалб этувчи алдовларидан қочмоқдир. Тақвога бурканиб, Ҳаққа йўналмоқдир.

Инсон фитратидаги ёмонлик қилиш майллари (фужур) ни тарбия қилмоқ, тақво уруғларини кўкартирмоқ учун нафс тазкияси ва қалб тасфияси жуда ҳам зарурдир. Бунинг учун ҳар бир инсон ўз истеъдоди ва иқтидори нисбатида Жаноби Ҳақни танимоғи лозим бўлади. Билимини ирфон ҳолига келтириб, амали солиҳларга берилмоғи керакдир. Аллоҳни поклаб, зикр қилмоғи даркордир. Қисқача айтганда, "бандалик" шундан иборатдир. Бандаликнинг "ҳол" га қадар етиб бормоғи эса, инсоннинг нафс тўсиғини ошиб ўтиши билан содир бўлади. Унинг улвий туйғулар билан тўлмоғи ҳам нафс тазкияси ва қалб тасфиясига боғлиқдир. "Восили илаллоҳ[9] дан сўнг, "Лиқоуллоҳ[10]" бўлмоқлик шарафига фақат шу ҳолда етишмоқлик мумкиндир.

Аслий жавҳари эътибори билан қалб бу оламда **"назаргоҳи Илоҳий-"**дир. Яъни Жаноби Ҳақнинг тажаллисига етмоқлик каби буюк бир шарафга муваффақ бўлмоқдир. Бироқ саройдаги "тахт" да султондан бошқа киши ўтирмоғи мумкин бўлмаганидек, вужуд мулкининг саройи ҳукмидаги қалбда ҳам Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса бўлмаслиги лозим.

8. Бу ифода одобга, риояга чақирган танбеҳ бўлгани каби, айни замонда "Ё Аллоҳ одоб лутф эт" маъносидаги бир ниёздир.
9. Дунёда қалбан Аллоҳга етишмоқлик.
10. Охиратда Раббимизнинг жамолига мушарраф бўлмоқлик.

Қалб нафсоний тушунчалардан, чиркин тамойиллардан покланмоғи керакдир. Акс ҳолда қалб Илоҳий лутфларга бекилиб қолади.

Инсон мол-давлатга, фарзандга муҳаббатини қалбидан бутунлай ўчириб юборолмайди. Бу хил муҳаббатлар маълум бир чегарадан ошмаган ҳолда бўлиши шариатга мувофиқдир.

Қалб тасфиясининг аҳамиятини билиш учун қалбнинг моддий ва маънавий ҳаётдаги мавқеига эътибор қаратмоқлик кифоядир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қалбнинг инсон учун ҳаётий аҳамиятини шундай ифодалайдилар:

*“Инсон вужудида бир гўшт парчаси бордир. У яхши бўлса, бутун вужуд яхши, ёмон бўлса, бутун вужуд ёмондир. Билингки, у қалбдир”.* (Бухорий, Иймон, 39)

Ҳазрати Мавлоно қуддуса сирруҳу бир қопнинг остидаги тешикни бекитмай туриб, унинг ичини тўлдиришга уриниш беҳуда ғайрат эканлигини ифода қиладилар. Худди шу каби амаллар ҳам фақат қалб поклигига эришилган тақдирдагина кишининг саодатига сабаб бўлиши аниқдир. Зеро амаллар ниятларга боғлиқдир. Ният эса қалбнинг амалларидан биридир. Шу сабаб ният аниқ бўлиши ва ихлос билан безаниши шартдир.

Бу ҳол Ҳақ дўстлари томонидан амалга ошириладиган қалбий таълим натижасида қўлга киритилади. Ҳақ дўстларининг қалбни тарбиялашдан кўзлаган мақсадлари қалбнинг давомли тарзда Аллоҳ билан бўлмоқ шуурига (эҳсонга) эришмоғи, “тирик қалб” сифатига қовушмоғидир. Қалб бу ҳолга етмоғи учун мосуво бўлмоғи, яъни Аллоҳдан ташқари ҳамма нарсадан покланган бўлиши зарурийдир.

Бу ҳолга етишган қалб нозиклашиб, ҳақиқатларни теранроқ кўрадиган ҳолатга келади. Қалб касофатдан қутулиб, латофатга буркангани нисбатида Илоҳий асмо ва сирларнинг акс эттирувчига айланади. Ана шу тарзда Аллоҳ таолони қалб йўли билан билмоқлик, маърифатуллоҳ ҳосил бўлади. Бу эса илмнинг ирфон ҳолига келмоғи демакдир.

❁

Аллоҳнинг ҳузурига барча маънавий хасталиклардан халос бўлган хотиржам ва пок бир кўнгил, ботини Илоҳий муҳаббат билан тўлдир-

ган ҳолда борганларгина нажотга эришадилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда “Шуаро” сурасининг 88,89-оятларида шундай дейди:

يَوْمَ لاَ يَنْفَعُ مَالٌ وَ لاَ بَنُونَ اِلاَّ مَنْ اَتَى اللّٰهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ

**“...”.** (Шуаро, 88-89)

Яна нафсини покламаган ва Аллоҳнинг зикридан узоқ қолиб қаттиқлашган қалбларнинг ҳалок бўлиши Қуръони Каримда шундай билдирилгандир:

**“... ”.** (Шамс, 7-10)

**“...”.** (Зумар, 22)

Бу Ояти Карималар нурида битилган Абу Саид ал-Ҳаррозийнинг ушбу сўзи нақадар маънолидир:

**“Комил инсон қалбини тозалаб, уни нурга тўлдирган инсондир”.**

### 3. Тасаввуф Сулҳи Бўлмаган Маънавий Жангдир

Жунайд Бағдодий ҳазратларига оид бўлган бу таъриф тасаввуфнинг нафсга қарши бир умр давом этадиган бир мужоҳада эканлигини ифодалайди. Нафсга қарши жиҳод нафснинг шариатда тақиқи бўлмаган барча истакларига моне бўлмоқдир.

Жанглар маълум бир вақт ва маълум бир маконларда бўлиб ўтади. Нафсга қарши кураш эса, умр бўйи давом эттирилиши лозим. Ояти Каримада:

**“..!”** (Ҳижр, 99) дейилади.

Жаноби Ҳақ нафснинг ҳийла ва васвасаларидан қутулмоқ, “ғафлат”-га қарши доимий бир бедорлик ҳолида бўлмоқ ва шу ҳолда бандаликда давом этмоқ хусусида шундай амр қилади:

وَ اذْكُرْ رَبَّكَ فِى نَفْسِكَ تَضَرُّعًا وَ خِيفَةً وَ دُونَ الْجَهْرِ
مِنَ الْقَوْلِ بِالْغُدُوِّ وَ الْاٰ صَالِ وَ لاَ تَكُنْ مِنَ الْغَافِلِينَ

**“..!”** (Аъроф, 205)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари бош бўлган, “Ғазоватул усра” (**“Қийин сафар”)** деб аталадиган **Тобук ғазоти**дан қайтаётганларида шундай дейдилар:

*“Энди кичик жиҳоддан буюк жиҳодга қайтяпмиз”*. Шубҳасизки, бу таърифнинг илҳом манбаи юқоридаги оятлардир. Жуда қийин бўлган бу сафардан кейин ворид бўлган бу сўзлар ҳақида *“Бундан ҳам буюк жиҳод бўладими?”* деб, ҳайрат билан сўраган асҳобларининг саволларига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам *“Ҳа! Энди кичик жиҳоддан энг буюк жиҳодга, нафс билан мужодалага қайтяпмиз!”* деб жавоб берадилар[11].

Асримизнинг тадқиқотчиларидан Р.Гарайди Исломдаги бу кичик ва буюк жиҳод мувозанатининг аҳамиятини шундай баҳолайди:

“Исломнинг маънавий тарбия шакли бўлган тасаввуф инсонни яратилиш ғоясидан узоқлаштириб, нафсига эргаштирадиган турли орзу-ҳавасларга қарши олиб бориладиган ички мужодала демакдир. Бунинг Исломий истилоҳдаги номи буюк жиҳоддир. Мусулмонларнинг динни ҳимоя қилиш ва уни сақлаш учун олиб борадиган ҳамда Аллоҳнинг йўлидан адаштириш мақсадида ўзига ром этадиган бойлик ё янглиш билимларга қарши курашлари эса, кичик жиҳод деб номланади”.

“Инсон ва жамиятнинг саодатини, унинг омонлигини сақлаган нарса бу икки жиҳод орасидаги ўлчовдир”. (Р.Гарауди, 47)

### 4. Тасаввуф Ихлосдир

Амалларни фақат Аллоҳ ризоси учун адо этмоқлик ва уларнинг устига бошқа ғоялар кўланкасини туширмаслик, диний истилоҳда “ихлос” калимаси билан ифодаланади. Аллоҳ таолонинг ризоси учун қалбни поклаб, дунёга берилишдан кечмоқ мусулмонга хос гўзал фазилатдир.

Аллоҳ таолонинг ризосига эришмоқлик учун У буюрган амалларга бошқа амалларни қўшиш ихлоссизлик ва риёкорликдир. У амаллар ҳузури Илоҳийда банда учун фойдасиз бир чарчоқдан ўзга бирор нарса қолдирмайди. Бу эса Аллоҳ наздида амалларнинг мақбул бўлиш шартларидан энг аҳамиятлиси ихлос эканлигини кўрсатади. Ихлос Жаноби Ҳаққа яқинлашмоқ орзусида ҳар турли дунё манфаатларидан қалбни

11. Суютий, Жоми ус Сағир, II, 73.

сақлай олмоқликдир. Ихлос бандаларни энг буюк яхшилик бўлган Илоҳий ризога ноил айлайди.

Аллоҳ таолонинг асл муроди бандалари буюрилган амалларни Ўз ризосига уйғун ҳолда ихлос билан адо қилмоқларидир. Ояти Каримада шундай дейилади:

**“(... Эй Расулим!) Албатта, сенга бу Китобни ҳақ ўлароқ(тўғри мақсадда) нозил қилдик. Динга ҳеч нарса қўшмаган ҳолда Аллоҳга (ихлос билан) ибодат қил!”** (Зумар, 2)

**“Айт: Албатта, мен Унинг динига ҳеч нарса қўшмаган ҳолда Аллоҳга ибодат қилиш( ихлосли шаклда) га буюрилдим”.** (Зумар, 11)

Ҳузури Илоҳийдан қувилган Иблис Ояти Каримада буюрилганидек:

**“Айтдики: Эй, Раббим! Қасамки, мени адаштирганингга қарши мен ҳам ер юзида уларга (гуноҳларни) зийнатлаб кўрсатаман ва уларнинг ҳаммасини албатта йўлдан оздираман. Фақат улардан ихлосли қулларинг мустасно!...”** (Ҳижр, 39-40)

Тасаввуф ҳар нарсани Аллоҳга атамоқ, неъмат ва иззатни Ундан деб билмоқ ва менликдан қутулмоқдир. Инсон қайси ҳол ва мақомда бўлса ҳам, ўзини бошқалардан устун деган хаёлга бормаслиги лозимдир. Аллоҳ таоло Бадр зафари муносабати билан Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай буюради:

فَلَمْ تَقْتُلُوهُمْ وَ لٰكِنَّ اللّٰهَ قَتَلَهُمْ وَ مَا رَمَيْتَ اِذْ رَمَيْتَ وَ لٰكِنَّ اللّٰهَ رَمٰى

**“(Урушда) уларни сен ўлдирмадинг, фақат Аллоҳ ўлдирди. Отган вақтингда сен отмадинг, фақат Аллоҳ отди...”** (Анфол, 17)[12]

Инсон ўзининг ожизлигини ва бандалигини доимо ҳис қилмоғи керак. Ҳар турли неъмат ва муваффақиятнинг Аллоҳ таолодан келган бир лутф эканлигини билмоғи зарурдир. Акс ҳолда амалларининг ажри камайиши ёки бутунлай ажрдан бебаҳра қолиши ҳам мумкин.

12. Аллоҳ Расули уруш асносида кофир қўшини устига ердан бир ҳовуч тупроқ олиб отгандилар ва тупроқ Аллоҳ изни ила уларнинг кўзларини ёпиб, ўзларини шошириб қўйган эди. Бу ояти Карима шу ҳодисанинг орқасидан нозил бўлган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ибодатларида ихлосни йўқотиб, менлик ва ҳаволанишга ғарқ бўлган кимсаларнинг оқибати ҳақида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай марҳамат қилганларини ривоят қиладилар:

*“Қиёмат куни ҳисоби биринчи кўриладиган, шаҳид бўлган бир киши ҳузурга келтирилади. Аллоҳ таоло унга берилган неъматларни хотирлатади. У ҳам эслаб, буларга қовушганини эътироф этади. Жаноби Ҳақ “Сен бунинг учун нима қилдинг?” деб сўрайди. У киши “Шаҳид бўлгунимча Сенинг йўлингда жиҳод қилдим” деб жавоб беради.*

*Жаноби Ҳақ:*

*“Ёлғон сўзладинг. Сен қандай ҳам қаҳрамон одам экан деб мақташлари учун жанг қилдинг. Улар шундай дейишди” дейди. Сўнгра амр қилиниб, юзтубан ҳолда дўзахга отилади.*

*Кейин бошқа бир илм ўрганган, ўргатган ва Қуръон ўқиган бир киши келтирилади. Аллоҳ таоло унга берган неъматларини эслатади. У эътироф қилади. Аллоҳ таоло “Бу неъматларга жавобан сен нима қилдинг?” деб сўрайди. У ҳам “Илм ўргандим, ўргатдим ва Сенинг ризоинг учун Қуръон ўқидим” деб жавоб беради. Жаноби Ҳақ “Ёлғон гапираяпсан. Сен олим дейишлари учун илм ўргандинг. Қандай ҳам чиройли ўқир экан деб айтишлари учун Қуръон ўқидинг. Улар ҳам сен ҳақингда сўзладилар” дейди. Кейин амр берилиб, у ҳам жаҳаннамга отилади.*

*Сўнгра турли хил молу мулк ва имкон берилган киши келтирилади. Аллоҳ таоло унга ҳам берган неъматларини эслатади. У ҳам берилган неъматларни хотирлаб, эътироф этади. Жаноби Ҳақ “Бу неъматларга жавобан сен нима қилдинг?” деб сўрайди. У шахс “Берилишини севганинг, рози бўлганингни ҳеч бир ердан қизғанмадим. Мол-мулкимни фақат Сенинг ризолигингни қозонмоқ учун сарфладим” дейди.*

*Ҳақ таоло “Ёлғон гапираяпсан. Ҳолбуки, сен буларнинг барчасини қандай ҳам мард инсон экан дейишлари учун қилдинг. Сен ҳақингда шундай сўзланди”, дейди. Амр қилинади. У ҳам юзи билан жаҳанамга отилади.* (Муслим, Имора, 152)

Ҳазрати Мавлоно ихлоссиз ибодат қилувчиларга хитобан шундай дейдилар:



“Эй ғофил! Кошки сажда қилган вақтингда юзингни самимият билан Ҳаққа бурсанг эди. “Буюкларнинг буюги бўлган Раббим, ҳар турли нуқсон сифатлардан муназзаҳдир” демоқликнинг маъносини лойиғи билан билсанг эди. Кошки шаклан сажда қилмай, кўнгилдан сажда қила олсанг эди...”

Ихлоссиз ибодат фоний дунё ҳаваси ва маънавий гардлар билан тўладир. Ибодатларни поклайдиган ва Илоҳийлаштирадиган сир бу ихлосдир. Ихлоссиз қилинган амал бандага ҳеч бир фойда келтирмайди. Диннинг иймондан кейинги энг муҳим буйруғи бўлган намоз ибодатини ихлос шартига риоя этмай адо қилганлар бу Ояти Кариманинг даҳшатли хитобидан ҳисоб беришнинг ўйловида қоладилар:

**“...”** (Мааъун, 4-6)

Жунайд Бағдодий қуддуса сирруҳу шундай дейдилар:

“Ихлос амални маънавий кирлардан тасфия қилмоқдир”.

Бошқа бир Аллоҳ дўсти эса:

“Ихлосда иддаоли бўлмоқ бир нав ихлоссизликдир” дейди. Зеро ихлос ва тақвода энг буюк таҳлика мўминнинг ўзини тақво соҳиби деб билмоғидир.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:

*“Динингда ихлосли бўл! Агар шундай қилсанг, оз амал ҳам сенга кифоя қилади!”* (Ҳаким, Мустадрок, IV, 341)

*“Аллоҳ сизнинг суратларингизга, яъни ташқи кўринишингизга эмас, фақат (ихлос ва тақво жиҳатидан) қалбларингизга ва амалларингизга қарайди”.* (Муслим, Бирр, 34)

### 5. Тасаввуф Истиқоматдир

Тасаввуфда Китоб ва суннатга маҳкам ёпишмоқнинг том ифодаси “истиқомат” дир. Аллоҳ таоло бу хусусда ўз Пайғамбарига ва у зот алайҳиссалом орқали биз бандаларига Ояти Каримада шундай буюради:

فَاسْتَقِمْ كَمَآ اُمِرْتَ وَ مَنْ تَابَ مَعَكَ وَ لاَ تَطْغَوْا

**“...”** (Ҳуд, 112)





Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг *“Мени “Ҳуд” сураси қаритди”* (Термизий, Тафсири сура, 56/6) дейишларига сабаб бўлган бу Илоҳий хитоб[13] муфассирларнинг тафсир қилишларича шундай маъно беради:

“Эй Набий! Сиз Қуръон ахлоқи ва аҳкомининг тақозосига кўра ҳаракат қилмоғингиз ва шахсан ўзингиз бир истиқомат ўрнаги бўлмоғингиз керакдир. Ҳаққингизда ҳеч бир шубҳа ва тараддудга ўрин қолмасин! Сиз мушрик ва мунофиқларнинг турли хил сўзларига боқманг. Уларни Аллоҳга ҳавола қилинг! Умумий вазифаларингизда ҳам, хос вазифаларингизда ҳам айнан буюрилганингиз каби истиқоматда бўлинг. Сироти мустақиймдан адашманг!

Сизга ваҳий бўлганларни амалга ошириш қанчалик оғир бўлса ҳам, у амрнинг таблиғ, ижро ва татбиқотида ҳеч бир тўсиқдан қўрқманг! Раббингиз сизнинг ёрдамчингиздир”. [14]

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу бу оят ҳақида шундай дейдилар:

*“Қуръони Каримда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун бу Ояти Каримадан ортиқ шиддатли бир хитоб воқе бўлмагандир”.* (Нававий, Шарҳи Саҳиҳи Муслим, II, 9)

Бу ўриндаги хитоб Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлса ҳам, у зотни бунчалик қайғуга солган нарса фақат шахслари билан алоқадор бўлган истиқомат ўйлови бўлмаган. Зеро у зот алайҳиссаломга **“(Эй Ҳабибим!) Сен сироти мустақийм устидасан”** (Ёсин, 4) деган хабар ҳам келган эди. Бу оятдаги амр мўминларга ҳам тааллуқли эканлигини ҳис этганлари сабабли оят у зотга жуда қаттиқ таъсир қилгандир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий келиши тўхтаганидан сўнг, инсонларни Фахри Коинотнинг раҳбарликларидан бошқа Аллоҳга элтадиган ҳеч бир йўл қолмагандир. Шунинг учун, Аллоҳ таоло Ўз муҳаббати ва мағфиратини Пайғамбарга итоат қилмоқ шартига боғлагандир. Оят Карималарда буюрилади:

13. (Қуртуби) ал Жамил IX, 107.
14. (Элмали Ҳамди Ёзир, Ҳақ дини Қуръон тили, IV, 2829-2830.

قُلْ اِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللّٰهَ فَاتَّبِعُونِى يُحْبِبْكُمُ اللّٰهُ وَ يَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ
وَ اللّٰهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

**“(Эй Расулим!) Айтинг: Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингки, Аллоҳ ҳам сизни севсин ва гуноҳларингизни авф қилсин. Аллоҳ Ғофирдир, Раҳиймдир”.** (Оли Имрон, 31)

**“Айтингки: Аллоҳга итоат қилинг. Пайғамбарга ҳам итоат қилинг... Агар Унга итоат қилсангиз, тўғри йўлни топган бўласиз”.** (Нур, 54)

Зуннун Мисрий қуддуса сирруҳу бу ҳақиқатни шундай баён этадилар:

“Ахлоқида, феъли ва амалларида Аллоҳ Ҳабибининг суннатига эргашган кимса Ҳаққа бўлган севгисини исботлаган бўлади”.

Боязид Бастомий қуддуса сирруҳу эса, “Ҳавода чордона қуриб ўтира оладиган бироркимни кўрсангиз ҳам, у шахснинг Илоҳий амр ва наҳий ҳудудларини сақлаганлигини, суннатга эргашганлигини, Ҳақнинг амрига риоя қилганлигини билмагунча бунинг бир каромат эканлигига ишонманг” дейдилар.

Истиқомат аҳлининг йўли “сироти мустақийм” га лойиқ ҳолда сулукда бардавом бўлганлар ҳақида Қуръони Каримда:

**“Ким Аллоҳга ва Расулига итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллоҳ неъмат берган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар. Ва уларнинг дўстлари қандай ҳам яхши дўстлардир!”** (Нисо, 69) деб марҳамат қилинади”.

Ояти Каримада айтилганидек, “сироти мустақийм” (тўғри йўл) танланган кимсаларнинг йўлидир. Истиқоматнинг асоси иймон ва тақводир. Бу икковининг макони (ўрни) эса қалбдир. Шу жиҳатдан истиқомат қалбдаги иймон ва тақво билан вужуднинг оҳангдош бўлишидир. Қалбдаги иймон ва ихлос истиқоматни бир хилда сақлайди. Уни бардавом қилади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам *“Тил истиқомат устида бўлмагунча қалб, қалб истиқомат устида бўлмагунча иймон мустақийм бўлмайди”* (Аҳмад ибн Ҳанбал Муснад, 111, 198) деб айтадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан насиҳат сўраган бир кишига *“Аллоҳга ишондим де! Ундан сўнг истиқоматда мустақийм*

*бўл!”* (Муслим, Иймон, 62) деб марҳамат қилганлар. Бу билан дин хусусида бир хулоса берганлар.

Истиқоматни муҳофаза қила олмоқ каби юксак бир мақом ва уни муносиб ҳолда ўрнига қўймоқ каби қийин бир вазифа йўқдир. Зеро истиқомат ибодатда ифроту тафритга тушмай, мўътадилликни сақламоқлик ва Ҳақ йўлида саботли бўлмоқликдир. Амалларни буюрилгани каби тоқат етгунича мукаммал шаклда бажармоқликдир. Энг буюк каромат ҳам ана шу истиқоматдир.

Аллоҳнинг дўстлари истиқоматда яшамоқни ўзларига шиор қилганлар. Ҳақиқий истиқомат эса, Фахри Коинотнинг нурли йўлларидан бормоқликдир.

Мавлоно Румий бу ҳақиқатни қандай ҳам гўзал ифодалаганлар:

*“Бу жон танда тургунча, Қуръоннинг бандасиман ва Муҳаммадул Мухтор йўлин тупроғининг чангидирман. Агар биров менинг сўзларимдан бошқа бирор нарсани нақл қилган бўлса, сўзидан ҳам, ўзидан ҳам безордирман”.*

*“Ким Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дастурхонидан бошқа дастурхонга кетса, билгинки, шайтон у билан бир идишдан таом ер. Зеро бу ирфон дастурхонидан бошқа бир дастурхонни танлаган одамнинг бўғзини суяк тилиб юборади”.*

### 6. Тасаввуф, Ризо ва Таслимиятдир

Таслимият бўйин эгмоқ, итоат қилмоқ, таслим бўлмоқ ва эътирозсиз қабул қилмоқ демакдир. Ислом калимаси ҳам айни ўзакдандир. Тасаввуф банданинг Илоҳий истиқомат устида яшай олмоғи ва ҳар нафасда Раббисига янада яқин бўлмоғидир. Ҳақ ризоси учун таслимият туйғуларини кўнгилларга жойлайдиган ҳам тасаввуфдир.

Бу фоний оламни ўраб турган минг бир олам синовлар ва қадар учундир. Ҳақ ризолиги ва таслимият натижасидагина нафсоний алданишларнинг касофати камая бошлайди. Яъни ризо ва таслимиятнинг барокати билан изтироблар одатда сезилмас ҳолга келади. Ҳатто балолар ҳам Раббининг бир илтифоти шаклида қабул этилади. Мўмин учун сурурга айланади.

Таслимият қадарнинг тажаллиларини етук бир розилик ила кутиб олмоқ, тадбирдан сўнг муқаддаротни қабул қилмоқ ва қувониб бўйин эгмоқдир. Бу таслимиятнинг энг гўзал мисоли Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, жигарпорасини қурбон қилишга олиб борган Иброҳим алайҳиссалом билан бўйнини Илоҳий тақдирга сева -сева тутиб берган Исмоил алайҳиссаломда тажалли этгандир.

Қуръони Карим бу икки Пайғамбарнинг таслимиятини бутун инсониятга мисол қилиб кўрсатиб, улар ҳақида:

**“Ҳар иккиси ҳам Аллоҳнинг амрига таслим бўлганлар эди...”** (Соффот, 103) деб марҳамат қилади.

Уларнинг бу таслимиятлари бир ибодатнинг рукнини ташкил қилиш шаклида Илоҳий илтифотга ноил бўлган. Ҳаж ибодати қиёматга қадар келажак умматга ҳар лаҳза таслимиятни таблиғ қилувчи бир тил бўлиб қолади.

Инсон Илоҳий тақдирга, машаққат ва имтиҳонларга сабр ҳамда таваккул билан розилик кўрсатмоғи, Ҳаққа таслим бўлмоғи керакдир. Зеро камолнинг калити балолардир.

Шақиқи Балхий:

“Қийинчиликнинг мукофотини билган ундан қутулмоқни ҳавас қилмас” дейдилар. Бундан огоҳ бўлган Аллоҳ дўстлари ғам ва шодликка бир хил қарар эдилар. Ошиқча шодлик, ошиқча изтироб каби нафсга тузоқ бўладиган нуқталарга чалғимасдан, ризо ва таслимият мақомида камолотга интилардилар.

Таслимиятнинг бир жиҳати “ишқ” ва “Илоҳий муҳаббат”дир. Зеро севганлар севгилиларидан келган ҳар нарсани хуш кўрадилар. Ўз самимиятларини изҳор этиш ва исботлаш ғайратида бўладилар.

Абу Али Рўзборий ушбу қарашдан келиб чиқиб, тасаввуфни *“Кишининг қувилса ҳам севгилиси эшигида тиз чўкиб, садоқат ва таслимият билан кутмоғидир”* дея таърифлайдилар.

Кўнгли ишққа тўлган банда Раббисидан келган ҳар нарсани муҳаббати нисбатида бағрига босади. Иброҳим алайҳиссаломнинг Аллоҳга бўлган таслимияти ва ишқининг тажаллиси дунё оловини бир онда гул боғчасига айлантирганди. Ёқуб алайҳиссалом Илоҳий тақдир қаршисидаги ризо ва таслимиятлари сабаб фарзандлари Юсуф алайҳиссаломнинг

ҳижрони аламини **“Энди менга чиройли сабр лозим”** (Юсуф, 18) дея, сўндиришга муваффақ бўлардилар.

Тасаввуф аҳли пайғамбарнинг йўли бўлган Ҳаққа таслимиятни ҳаётларининг меҳвари (жон томири) га айлантиргандилар. Зеро Робиа Адавия айтганларидек:

“Севган севганига итоат қилади”. Яъни таслимият севгига таянган кўнгилли бир итоат ишидир.

Асҳоби киром ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссаломга бўлган севгилари, итоатлари нисбатида у зотга кўнгил боғлаган эдилар. Севги ва таслимият билан эътирозсиз бўйин эгишлари соясида бутун умматга намуна бўлдилар.

❁

Тасаввуфнинг таърифларига алоқадор бу баёнларнинг илҳоми кўнглимизга ушбу сўзларни келтирди:

**Тасаввуф** - моддий-маънавий ғуборлардан покланмоқ, гўзал ахлоқ ва сифатларга эришмоқ, динга уйғун бир кайфиятда яшай олмоқ ғайратидир. Шу тарзда фақат ақлнинг ўзи билан ечиш мумкин бўлмаган моддий ёки маънавий ҳодисалардаги сирли ҳолатлар ва улкан муаммоларни ҳал эта олиш етуклигига эришмоқликдир. Кўнгилнинг сўнгсиз руҳоний насибалардан олган барокати ила оёқни боғлайдиган нафс тўсиқларини ошиб ўтмоқликка ҳаракатдир. Руҳнинг қамоғи бўлган баданнинг нафсоний хоҳишларини ошиб ўтиб, бутун ҳодисаларнинг ўзагидаги мужаррад ҳақиқатларни англамоқдир. Идрок чегарасидаги (парда ортидаги) жараённинг ибрат ва ҳикмат босқичларини орифона бир услуб ила кузатмоқни таъминлайдиган бир қанча ҳоллар илмидир.

Тасаввуф таърифлари мавзусининг якунида Оқсарой даргоҳининг шайхи Ҳазрат Иброҳим Афандининг машҳур “Тасаввуф манзумаси” ни келтирамиз.

**Бидоятда тасаввуф сўфий биржон бўлмоғи дерлар,**
**Ниҳоятда кўнгил тахтида султон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуфнинг аввали моддийликдан ажралган ва ўзида бир борлиқни кўрмаган, иродасини Ҳаққа таслим қилган бир сўфий бўла олмоқдир. Ниҳояда эса, бутун Илоҳий гўзалликларга эга бўлиб, кўнгил тахтига султон бўлмоқ дерлар”.*

**Тариқатда иборатдир тасаввуф маҳви суратдан,**
**Ҳақиқатда саройи сирда меҳмон бўлмоққа дерлар.**

*“Тариқатда тасаввуф суратнинг маҳв ўлмоғидан иборатдир. Яъни башарий заифликлардан қутулмоқдир. Ҳақиқатда эса, Илоҳий сир саройининг меҳмони бўлмоқ дерлар”.*

**Бу оби гил либосидан тасаввуф орий бўлмоқдур,**
**Тасаввуф сўфий жисми нури Яздон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф тупроқ ва сувдан иборат фоний кийимлардан, қафаслардан қутулмоқдир. Уни покиза бир борлиқ бўлмоқ ва Аллоҳ таолонинг нури ҳолига келмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф кўнгил чироғин У нурга туташтирмоқдур,**
**Тасаввуф чун оташи ишқ ичра сўзон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф кўнгил (шами)нинг чироғини Илоҳий нурлар билан туташтирмоқдир. Чунки тасаввуфни ишқ оташи билан туташмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф ўздин кечиб, номаи борлиқни ёпмоқдур,**
**Тасаввуф аҳли шаръий аҳли иймон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф борлиқ китобини ёпиб, менликдан ажралиб чиқмоқдир. Асл тасаввуф шариат аҳли ва ҳақиқий иймон соҳиби бўлмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф ориф бўлмоқдур ҳакийман одатуллоҳга,**
**Тасаввуф аҳли жумла дардга дармон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф Илоҳий сир, тажаллий ва ироданинг ҳикматларини билмоқдир, орифликдир. Яъни тасаввуф барча дардларга дармон бўлмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф тан тилсимин исм мифтоҳий-ла очмоқдур,**
**Тасаввуф бу иморат куллу вайрон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф бу бадан тилсимини Аллоҳнинг исм калитлари билан очмоқдир. Тасаввуф бу фоний иморатни тамоман йўқ қилмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф сўфий қоли ҳолга табдил айламоқдур бил,**
**Яна ҳар сўзки сўзлар оби ҳайот бўлмоққа дерлар.**

*“Биласанки, тасаввуф сўфийнинг сўзини ва билимини ҳолга айлантирмоқдир. Яна унинг ҳар бир сўзи оби ҳаёт (абадийлик эликсири) бўлур дерлар”.*

**Тасаввуф илми таъбирот ва таъвилотни билмоқдур**
**Тасаввуф жон уйида сирри Субҳон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф буюк бир теранликка эришиб, таъбир ва таъвил илмларига воқиф бўлмоқдир. Инсон, коинот, Қуръон ва Суннатдаги Илоҳий сирларни идрок қилмоқдир. Яна тасаввуф жон уйида Аллоҳнинг бир сирри бўла олмоқлик дерлар”.*

**Тасаввуф ҳайрати куброда маст ва волиҳ бўлмоқдур,**
**Тасаввуф Ҳақнинг сирларига ҳайрон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф Ҳақнинг азамати, қудрати ва гўзаллиги қаршисида буюк бир ҳайрат ва қўрқув ичида ҳам сархуш, ҳам уйғоқ бўлмоқдир. Чунки тасаввуф Ҳақнинг сўнгсиз сирларидан ҳайронлик дерлар”.*

**Тасаввуф қалб уйидан мосуваллоҳни чиқармоқдур,**
**Тасаввуф қалби мўмин арши Раҳмон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф кўнгил саройидан Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсани чиқармоқдир. Тасаввуф мўмин бир қалбнинг Аллоҳнинг арши бўлмоғи дерлар”.*

**Тасаввуф ҳар нафасда шарқу ғарбга эришмоқдур,**
**Тасаввуф авом бу халққа нигоҳбон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф ҳар нафасда шарқу ғарбга эришмоқ, яъни у ерлардаги аҳли иймонни тушунмоқ, уларнинг севинч ва қайғуларига шерик бўлмоқдир. Эҳтиёж соҳибларига хизмат қилмоқдир. Яна тасаввуф бутун халқни кузатиб турмоқлик ҳаракатида бўлмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф жумла жаҳон зарротида Ҳақни кўрмоқдур,**
**Тасаввуф кун каби борлиққа намоён бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф жаҳоннинг бутун зарраларида Ҳақни мушоҳада қилмоқдир. Тасаввуф оламларга қуёш каби бўлмоқ дерлар”.*



**Тасаввуф англамоқдур етмиш икки миллат тилин,**
**Тасаввуф ақл оламига Сулаймон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф етмиш икки миллатнинг тилини билмоқ, яъни ҳар каснинг ҳолини англамоқдир. Тасаввуф ақл оламига Сулаймон бўлмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф урватул-вусқо юкин жон ила чекмоқдур,**
**Тасаввуф мазҳари ояту ғуффрон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф Ҳақнинг инсонга юклаган Илоҳий омонати бўлган Қуръони Карим ва у келтирган масъулиятни жону дил билан кўтармоқликдир. Тасаввуф Илоҳий мағфиратнинг хушхабарини берган оятларнинг мазҳари бўлмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф тасарруф этмоқдур Исми аъзам-ла оламни,**
**Тасаввуф жомеи аҳкоми Қуръон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф бутун коинотни “Исми аъзам” билан тасарруф қилмоқдир. Яна тасаввуф Қуръон ҳукмларини кўнгилда жам этмоқ, яъни жонли бир Қуръон бўла олмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф ҳар назарда Ул зоти Ҳаққа йўналмоқдур,**
**Тасаввуф сўфийга ҳар мушкул осон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф ҳар боқишда Жаноби Ҳаққа йўналмоқдир. Яна тасаввуф сўфий учун бутун қийинчиликларнинг осонлашмоғи дерлар”.*

**Тасаввуф илми Ҳаққа сийнасин маҳзан қилмоғдур,**
**Тасаввуф қатрадин сўфий ҳоли уммон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф кўнгилни Ҳақнинг илмига макон қилмоқ, яъни ладуний илмга эга бўлмоқдир. Тасаввуф бир томчи ҳукмида бўлган сўфийнинг уммон ҳолига келмоғи дерлар”.*

**Тасаввуф “Ла” оловинда бори вужудни ёқмоқдур,**
**Тасаввуф нури “илла” бирлан инсон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф Ҳақнинг борлиги қаршисида бутун мавжудотнинг “Ла”, яъни “йўқ” оловида ёниб кул бўлмоғидир. Тасаввуф “илла” нури билан покланган бир кўнгил соҳиби, Аллоҳни ягона биладиган комил инсон бўлмоқдир дерлар”.*





**Тасаввуф “қул кафа биллаҳ” билан даъват қилиб халқни,**
**Тасаввуф “иржий” лафзи билан мастон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф “Дегилки: Аллоҳ сенга етар!” (Раъд, 43) ояти билан инсонларни Ҳақ йўлига даъват қилмоқдир. Яна тасаввуф “Раббингга қайт” (Фажр, 28) лафзининг завқи билан ўзидан кечмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф кунда бир карра ўлиб яна тирилмоқдур,**
**Тасаввуф жумла олам жисмига жон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф ўлмасдан аввал ўлмоқ сиррини мингларча марта яшамоқ ва қалбан тирик қолмоқдир. Тасаввуф бутун оламнинг жисмига жон бўла олмоқ, яъни бошқа кўнгилларни ҳам тирилтира олмоқдир дерлар”.*

**Тасаввуф зоти инсон Зоти Ҳақда фоний бўлмоқдур,**
**Тасаввуф қурби “авадно” да пинҳон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф инсон ўз борлиғини Ҳақнинг борлиғида йўқ қилмоғидир. Тасаввуф меърож вуслатида зоҳир бўлган ва Ояти Каримада “икки ёйдан ҳам яқин” (Нажм, 9) деб ифода қилинган бир яқинлик ичкарисида ўзини яшира олмоқ дерлар”.*

**Тасаввуф жонни жононга бериб озод бўлмоқдур,**
**Тасаввуф жони жонон, жонони жон бўлмоққа дерлар.**

*“Тасаввуф жонни севгилига бериб, ҳар турли фоний асоратдан қутулмоқдир. Тасаввуф севгилининг жони бўла олмоқлик, яъни унинг тарафидан ҳам севилмоқдир дерлар”.*

**Тасаввуф банда бўлмоқдур, ҳақиқат ҳақ эй Иброҳим,**
**Тасаввуф шаръий Аҳмад дилда бурҳон бўлмоққа дерлар.**

*“Эй Иброҳим! Тасаввуф аслида Аллоҳ таолога банда бўлмоқдир. Бунинг учун тасаввуф Ҳазрати Аҳмад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини ва дастурларини кўнгилда бир ҳужжат айламоқдир дерлар”.*

***Тасаввуфнинг мавзуси бир дарё каби кенг ва терандир. Зеро у инсоннинг нафсига ва руҳига алоқаси бўлган ҳар бир нарса билан боғлиқдир.***

## В. ТАСАВВУФНИНГ МАВЗУСИ

Тасаввуфга ҳар хил шаклда изоҳ ва таърифлар берилиши бир қарашда унинг мавзулари кенглигига асосланади. Чунки тасаввуфнинг мавзуси бир дарё каби кенг ва терандир. Зеро у инсоннинг нафсига ва руҳига алоқаси бўлган ҳар бир нарса билан боғлиқдир.

Банда маънавий йўлчиликда бутун оламларни, ўзи алоқадор бўлган борлиқларни, ҳаётнинг минг хил машаққатли йўлларини босиб ўтади. Бу йўлда у Оламларнинг Раббиси бўлган Аллоҳни топмоқ, Уни қалбан таний олмоқ ва Унга бандалик қилмоқ каби ҳузурли ҳолга етишади.

Биз ҳам бу мавзу дарёсидан сизга икки-уч томчи тақдим этмоқни ният қилдик.

Тасаввуф аввало нафс тазкияси ва қалб тасфияси соясида инсоннинг комил инсон савиясига эришмоқ сайридаги босқич ва ҳолларни мавзу қилиб олади. Бошқа бир ифода билан тасаввуф Ҳақнинг розилигига ва абадий саодатга эришмоқ учун нафс тазкияси, қалб тасфияси, ботиний ва зоҳирий комиллик, сурат ва сийратни поклаш ҳолларидан бахс юритади. Унинг мавзуси таҳаллуқ (ахлоқланиш) ва таҳаққуқ (маънавий ҳақиқатларга соҳиб бўлиш)дир. Эҳсон туйғусини маънавий бир завқ билан тотиган ҳолда яшамоқдир. Шунга мувофиқ тасаввуфнинг асосий мавзуси Вожибул-Вужуд бўлган Аллоҳ таолонинг зоти, сифатлари, бу сифатларнинг бутун коинотда тажалли этишидаги ҳикмат ва сирлар, муроди Илоҳий хусусидаги усул ва асослардир.

Шунингдек, тасаввуф кашф, илҳом, маънавий мушоҳада, важду ишқ каби ботинга, руҳга, кўнгилга ва виждонга тааллуқли ҳол муштараклигида ноил бўладиган улвийликдан сўз юритади.

Хулоса қиладиган бўлсак, тасаввуф Аллоҳнинг исм ва сифатларининг тажаллисини яқийн ўлароқ кўра олади. Маънавий оламдаги босқичларни ва уларнинг ниҳоясидаги “камолот” ни ёритади.

***Тасаввуфнинг ғояси гўзал ахлоқни, яъни марҳамат, шафқат, мардлик, кечиримлилик, шукур каби улвий хислатларни мўминда бир лаззат ҳолига келтира олмоқликдир.***

## Г. ТАСАВВУФНИНГ ҒОЯСИ

Биз тасаввуфга берилган юксак таърифларга ва тасаввуфнинг мавзусига асосланиб, у инсоният учун жуда муҳим, улуғ бир ғояни дастур қилганлигини англашимиз мумкин. Бу ғоя илк Пайғамбардан эътиборан бутун анбиё ва авлиёнинг кўнгил самоларида бир қуёш каби мавжуд бўлгандир.

“Тасаввуф Аллоҳга энг гўзал ва файзли бир шаклдаги бандаликдир”. Шу жиҳати билан у ғояларнинг ғоясидир. Ҳақнинг ризосини комил маънода қозонмоқ учун маънавий хасталиклардан қутулиб, Аллоҳ ва Расулининг ахлоқидан насиба олмоқдир. Яъни нафсни диннинг ҳукмига ром қилмоқ, ибодатларни тақлид ҳолларидан қутқариб, **эҳсон** туйғусига қовуштирмоқдир. Қалбни маънавий юксакликлар истиқоматига йўналтирмоқ ва хотиржам бир қалб билан ризойи Илоҳийга ноил бўлмоқдир.

Башарият тарихида неча марталаб кузатилган ҳақиқат шуки, инсон аслий жавҳари эътибори билан **“аҳсани тақвийм”** (яратилганларнинг энг шарафлиси) мақомидадир. У яратилиш ғоясига бегоналашиб, истиқоматдан айрилганда “” , “ҳайвондан ҳам тубан” аҳволга тушиб қоладиган бир борлиқдир. Ундаги шараф ва қийматни тайинлайдиган ягона муассир **иймон**дир. Иймондан сўнг эса, **ахлоқ келади**. Пайғамбарларнинг тазкия вазифалари эса, инсонларни ана шу хулқ ва шараф билан зийнатлантирмоқ бўлгандир.

Ҳазрат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меросхўрлари бўлган авлиёуллоҳ ҳам, уларнинг шу файзли набавий манбадан олган илҳомлари (ботин илми) ҳам у зотнинг ана шу вазифаларига ворислик ва ваколат мавқеидадир.

Тасаввуф йўлида юрганлар ҳол ва амалда зоҳирий ҳамда ботиний фазилатларнинг меҳвари Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга

том бир боғлиқлик ғайрати ичида бўладилар. Уларни бу йўлга йўналтирган “рижоли маънавия” (Ҳақ дўстлари) ҳам шу йўл билан Пайғамбар алайҳиссалоту васалламнинг бу оламдаги хизматларини давом эттирганлар. Шу сабаб улар *“Ҳақиқий олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир”* (Абу Довуд, Илм, 1) ҳукмининг ичидан жой олгандирлар. Шунга кўра тасаввуфнинг мақсади бўлган маънавий етукликни бу ғоянинг тазаҳҳури (кўриниши) деб айтиш мумкин. Пайғамбар алайҳиссалоту васаллам инсонларда ана шу маънавий етукликни кўришни истаганлар. Зеро маънавий етуклик инсонларни нафсоний ва ёмон ахлоқдан қутқариб, иймон заминига бошлайди. Ахлоқи ҳамидияга олиб боради, яъни гўзал хулқ ила юксалтиради.

Бир ҳадиси қудсийда Жаноби Ҳақ шундай дейди:

*“Бу Мен рози бўлган бир диндир. Бу динга ярашадигани фақат мардлик ва гўзал ахлоқдир. Унга тобе бўлиш неъмати сизга лутф қилинган муддат давомида уни шу икки хислат билан юксалтиринг”.* (Хайсамий, Мажмауз Завоид VIII,20)

Шу эътибор билан тасаввуф гўзал ахлоқни, яъни марҳамат, шафқат, мардлик, кечиримлилик, шукр каби олий хислатларни мўминда бир лаззат ҳолига келтира олмоқликдир.

Яна тасаввуфнинг мақсади истеъдоди борларни зуҳд ва тақво йўлида ўз истеъдодлари нисбатида комилликка эриштирмоқдир. Ўзини англаган ва Раббисини таниган, Ҳаққа яқинлик ҳузурини тотган, нафсининг душманликларига қаршилик қила олган, Раббисига дўст ва комил инсон бўлиш йўлидаги босқичларни босиб ўтишга ташвиқ қилмоқдир.

Қуръони Каримда:

اِنَّا عَرَضْنَا اْلاَمَانَةَ عَلَى السَّمٰوَاتِ وَ اْلاَرْضِ وَ الْجِبَالِ فَاَبَيْنَ اَنْ يَحْمِلْنَهَا وَ اَشْفَقْنَ مِنْهَا وَ حَمَلَهَا اْلاِ نْسَانُ اِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولاً

**“...”** (Аҳзоб, 72) дейилади. Оятда айтилганидек, тасаввуфнинг мақсади фисқ ичидаги инсонни **“зулм”** ва **“жаҳолат”** дан қутқариб, комил инсон ҳувиятига қовуштирмоқдир. “Зулм” нинг зидди “адл” дир. Яъни банданинг амали солиҳ бўлмоғидир. “Жаҳл” нинг зидди эса, “илм” дир.

Ҳақиқий олим бўлиш учун зоҳирий илмга эга бўлингани каби ботиний илмга ҳам соҳиб бўлмоқлик керакдир.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ “Варосат ул- анбиё” зоҳир ва ботин (қалб) илмига соҳиб бўлганлардир” дейдилар.

Инсоннинг нажотга эришмоғи нафсидаги ёмон сифатлардан поклан-моғига, амалларининг “амали солиҳ” га ва илмининг “ирфон” га айлан-моғига боғлиқдир. Шу боис тасаввуф бунга эриштира оладиган даража-да етук одоб ила яшашни мақсад қилиб қўяди.

Авлиё зотлар, яъни Жаноби Ҳақ Ўзига дўст деб билган валийлар иймон ва тақвода камолга эришган, бу мақсадни юзага чиқара олган мустасно инсонлардир.

Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай баён қилади:

اَلاَ اِنَّ اَوْلِيَاءَ اللهِ لاَ خَوْفٌ عَلَيْهِمْ
وَ لاَ هُمْ يَحْزَنُونَ الَّذِينَ اٰمَنُوا وَ كَانُوا يَتَّقُونَ

**“Биласизки, Аллоҳнинг дўстларида қўрқув йўқдир. Улар маҳзун ҳам бўлмайдилар. Улар иймон келтириб, тақвога эришганлардир”.** (Юнус, 62-63)

Қалбда зоҳир бўлган иймон бандани барча ботил ишончлардан қутқариб, Ҳаққа яқинлаштиради. Тақво эса, қалбни мосуводан тозалай-ди. Бундай бир бандanинг қалби энди бир назаргоҳи Илоҳий васфини қозонади. Илоҳий ҳикматлар ва сирлар тажалли этадиган маконга айла-нади.

*“...”. (Шуаро, 88-89)*

## Д. ТАСАВВУФНИНГ ЛОЗИМЛИГИ

Тасаввуф диннинг қалби ва ўзагидир. Бу гўёки бир мевани ичидаги табиий суви мақбул ва лаззатли қилгани кабидир.

Инсонда вужуд ва руҳ бордир. Буларнинг ҳар иккисини ҳам фитратга боғлиқ талаблари мавжуд. Ислом яратилишдан келган бу тамойилларни инкор этмайди. Уларни алоҳида ҳолда қабул қилади. Ўртага қўйилган асосий ўлчовлар атрофидаги мақбул тамойилларни кашф қилмоққа, мардуд (рад этилган) ларини энг кичик ўлчовга туширмоққа ёки мақбул бир ғоянинг амрига қолдирмоққа уринади.

Инсон жисмоний эҳтиёжларига берилиб кетса ва улвийликка оид руҳий талабларига эътиборсиз бўлса, ҳузур ва сокинликка эришмоғи имконсиз ҳолга келади. Дин инсонга моддий ва маънавий олам орасидаги мувозанат дастурини тақдим этади. У инсонни бир тарафдан маънавий иқлимга йўналтирар экан, бошқа тарафдан моддий оламнинг тақозоларидан ҳам тўсмайди. Инсоннинг моддий тамойилларига мужаррад бир маъно ва улвий бир ғоя қўшади.

Инсон фақат жисмининг талабларини ўйлайдиган бўлса ва ҳар нарсага материалистик назар билан қараса, энг ноёб бир ҳодисани ҳам руҳсиз қолиплар ҳолида кўради. Аслида тасаввуфга билдириладиган эътирозларнинг асосида ётган бошланғич тамойиллардан бири ҳам шудир.

Ҳақиқатан, инсон идроки моддий борлиқларнинг тавсифига, маънавий сирлар ва мужаррад ҳақиқатларга жалб қилингандир. Шу сабабли, инсоннинг моддий яратилиши каби руҳининг қаноатли ва қаноатсиз бўлиши масаласида ҳам чигалликлар бордир. Бугун моддий роҳатнинг чўққисида бўлган Ғарб руҳий буҳронлар ва ахлоқий таназзуллар орасида атеизмга тортилмоқда. Ҳатто насронийликнинг маркази бўлган Римда ҳам жуда кўп атеист мавжуддир. Чунки бу инсонлар руҳий ташналикларини қондиришдан маҳрумдирлар. Бунинг замирида эса, Илоҳий манба билан қалбан боғланиш узилганлиги ётади. Зеро инсон қўли билан ўзгартирилган, башарий мулоҳазалар билан шакллантирилган

дин Илоҳий шаффофлигини йўқотади. Қалб ҳузур олиши мумкин бўлган руҳий ҳолатдан жуда ҳам узоқлашади. Диндан ҳаловат олмайдиган бундай қалблар ҳасрат ичида қолади.

Диннинг важҳидан, яъни маънавий ҳаяжонидан маҳрум бир инсон энг муаззам руҳий ҳодисага ҳам моддият нигоҳи билан боқади. Ҳар бир ишни фақат шакл томондан режалаштиришга ҳаракат қилади. Қуп-қуруқ, ичи бўшатилган бир дин тушунчасини ўртага қўяди. Тасаввуф эса, инсонни руҳга йўналтиради. Руҳга ва шахсий истеъдодга уйғун ҳолда қаноат йўлини очади.

Ҳақиқатан, диннинг инсон руҳи қониқиши мумкин бўлган маънавий тарафлари йўққа чиқарилса, у фақат фойда устига қурилган башарий тузилмалар даражасига тушиб қолади. Бунда бандалик ҳаётининг фақат зоҳирий, дунёвий манфаат келадиган тарафига аҳамият берилади. Банда диннинг асл мақсади бўлган қалбан ҳис қилинадиган жиҳатлардан маҳрум бўлиб қолади. Масалан, намоз бир машғулот, рўза парҳез, закот ижтимоий ёрдам маъносидаги моддий манфаатли амалга айланади. Бундай дунёвий фойда масаласига берилиш асл ғояни бартараф этади. Аллоҳга бандалик шартларининг ва адо этиладиган ибодатлар учун зарур бўлган шартларнинг фақат зоҳирий томони қолади. Бу ҳол диннинг ўзагидан узоқ бўлган ғайри Исломий тушунчалар юзага келишига сабаб бўлади. Инсоннинг руҳий эҳтиёжлари ва фитратига тааллуқли бўлган дин туйғуси қондирилмаслигига олиб келади.

Диний вазифаларга қалбан боғланиш йўли тасаввуфий тарбиядир. Инсонлар динда мукаммалликка эришмоққа интиладилар. Бунинг натижасида тасаввуфий тарбияга бориб туташдилар.

❁

Яратилганларнинг энг оддийсидан энг мукаммалига қадар барча яратиқлар сафга терилса, энг юқори чўққини “инсон” эгаллайди. Инсонларнинг фитрий сармояларига таянган истеъдод ва иқтидорлари кўплаб муҳталиф (хилма-хил) савияларни талаб этади. Бу эса дунё ҳаётида ижтимоий мувозанатни сақлаш учун зарурдир.

Жаноби Ҳақ муроди Илоҳийсининг тақозоси ўлароқ, инсонларни зоҳирий истеъдодлари каби ботиний истеъдодлари жиҳатидан ҳам ҳар хил савияларда яратгандир. Бандаларидан тоқатидан ортиғини талаб қилмагани каби берган истеъдоди нисбатида ҳам уларни масъул қилгандир.

Раҳмати ғазабидан зиёда бўлган Аллоҳ таолонинг ниҳоясиз марҳамати бутун махлуқотига баробардир. Шу сабабдан, Аллоҳ таоло мукаллаф бўлган (шариат ҳукмларини бажариши фарз бўлган) шахсларга диний амрларни тақдир ва тайин этишда энг кичик савияни асос қилиб олгандир. Яъни амрларини энг ожиз шахснинг ҳам тоқати етадиган бир савияда бажармоққа буюргандир. Бироқ барчага тааллуқли Илоҳий амрлардан бир оз ортиғини бажаришга фитратан қудрати, хоҳиши ва истеъдоди бўлган кишиларга маънавий инкишоф эшикларини беркитмоқ Илоҳий адолатга зиддир. Бундай инсонларнинг руҳий эҳтиёжлари истиқоматида бир йўл мавжуд бўлмоғи табиий ва зарурийдир. Яъни шаръий вазифаларга қўшимча тарзда қалб оламида ҳам юксалиш истеъдоди бор бўлган мўминларга зуҳд, тақво ва эҳсон билан ҳаракат қилишни таъминлайдиган бир йўл танланиши лозим. Бизга маълумки, бу танланган йўл тасаввуфдир.

Юқоридаги ҳақиқатлар эса, тасаввуф лозимлигини ақлий ва диний томондан асослайди.

❁

Қалбнинг итминонга етишиши, яъни ҳузур, сукун ва саодатга қовушмоғи маънан эришилган савияга боғлиқдир. Зеро қалбнинг илм ва ҳикмат билан тўлмоғи, диннинг юксак ҳақиқатларини эгалламоғи ва банданинг маънан камолотга эриша олмоғи фақат бир қанча амалиётлар натижасида мумкин бўлади.

Башариятга намуна қилиб юборилган пайғамбарлар ҳам ваҳийга муҳаттаб бўлмасдан аввал бир тайёргарлик даврини босиб ўтишган. Зеро қалб латиф маънавий тажаллиларни қабул қилиб оладиган ҳолга келмоғи учун ўзидаги иллатлардан қутулмоғи, ҳассосият қозонмоғи ва юксалмоғи лозимдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарлик вазифаси берилишидан олдин ҳам Ҳиро ғорида эътикофга чекинардилар.[15]

Мусо алайҳиссалом Жаноби Ҳақ билан сўзлашувларидан олдин Тури Синода қирқ кун давомида ўзига хос бир риёзатга кирган эдилар. Юсуф алайҳиссалом Мисрга султон бўлишдан олдин ўн икки йил зиндонда қолдилар. У ерда ғам, риёзат, мужоҳада ва машаққатнинг бутун

15. Эътикоф : Бир ерга чекиниб, вақтни ибодат билан кечириш. Рамазоннинг охирги ўн кунида жомеъга кириб ўзини ибодатга бериш.

босқичларини бошдан кечирдилар. Шу йўл билан муборак қалблари Аллоҳдан бошқа барча истинодлардан ва алоқалардан тамоман узилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърожга чиқишдан аввал “Иншироқ” сурасининг сирига эга бўлдилар. Кўксилари очилиб, қалби шарифлари ювилди. Илм ва ҳикмат руҳонияти билан тўлдирилдилар. Чунки у зот Меърожда ажойибу ғаройиб ҳодисаларга рўбарў бўлиб, инсонга хос идрок билан кўриб бўлмайдиган асрори Илоҳийга шоҳид бўлишлари ва латиф манзараларни кузатишлари керак эди.

Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дунёга келиб кетган инсонларнинг энг покдили эдилар. Буни ҳатто кофирлар ҳам эътироф этишар эди. Шунга қарамасдан Оламлар Раббисининг салтанати ва асрори Илоҳийси кўрсатилиши учун такрор маънавий бир амалиётдан кечирилдилар. “Шаққи-садр” [16] ҳодисаси воқе бўлди. Бу ҳам ботиний ҳаётнинг аҳамиятини ифодалайди. Исмат, яъни гуноҳ қилмаслик сифати билан сифатланган пайғамбарлар ҳам латиф бўлганлари ҳолда Илоҳий ҳузур қабули учун қалб тасфиясидан кечирилгандирлар.

Аллоҳнинг танланган бандалари бўлган пайғамбарлар ҳам қалб тасфиясидан ўтказилар эканлар, бошқа инсонларнинг қалбан покланишга нақадар муҳтож эканликлари янада аниқ бўлади. Зеро покланмаган бир қалб билан Латифга яқинлашиб бўлмайди. Бурни ҳидни сезмайдиган инсон гулнинг ё қалампирмунчоқнинг ҳидидан баҳраманд бўла олмайди. Буғланган бир деразадан тиниқ манзарани кўриб бўлмайди.

Қалб маънавий ҳассосияти ортмоғи, Илоҳий сир ва ҳикматларни очадиган ҳолга келмоғи учун ўзидаги қусурлардан қутулиб латофатга ўралмоғи лозимдир.

16. Шаққи садр: Фахри Коинотнинг малаклар тарафидан “шаққи садр” ҳам дейиладиган бир амалиёт орқали Илоҳий нур ва сакинат ила кўксилари ёрилиб очилиши ва кенгайтирилишидир. Ҳз. Пайғамбар (с.а.в) уч бор шаққи садрга ноил бўлганлар. 2-4 ёшларида содир бўлган ва ҳадиси шарифларда баён этилганига кўра, қалбларидаги қора рангли қон лахтаси чиқарилиб, ўрнига ҳузур ва сакинат қўйилиши. (Крг. Аҳмад, IV, 184-185; Ибни Саъд, I, 112) Иккинчиси ўн ёшларида, бўлган қалбдан кин ва ҳасад чиқарилиб, ўрнига шафқат ва марҳамат қўйилган. (Крг. Аҳмад, V, 139; Ҳайсамий, VIII, 223) Учинчиси Меърожга чиқишларидан аввал, яъни қалб очилиб иймон ва ҳикмат билан тўлдирилган.. (Крг. Бухорий, Баъдиул ҳалқ 6, Анбиё 22-43; Муслим, Иймон 264) Ояти каримада Расули Акрамга бу амалиёт сабаб:
“Биз Сен учун кўксингни очиб кенгайтирмадикми?” (ал -Иншироҳ, 1) дея ишорат этилган.

Аллоҳ таоло ҳам:

**“...”** (Шуаро, 88-89) деб буюргандир.

Қалбнинг салийм ҳолга келмоғи, софликка эришмоғи эса, фақат маънавий тарбия билан юзага чиқади.

Денгизнинг қумлоқ соҳил билан бирлашган ерида, қумлар орасида, ер қаъридан чиққан каби қусурсиз тошлар бўлади. Уларнинг қирралари асрлар мобайнида тўлқинлар урилиши оқибатида ялтираган ҳолга келади. Гранит каби мустаҳкамлашади.

Ҳаттоки, бир олмос маъданининг юзасига уста маҳорат билан ишлов бермасидан олдин у ялтироқ ва шаффоф бўлмайди. Эҳтимол, бир грамм олтинни қўлга киритиш учун бир тонна тупроқни элашга тўғри келади. Яъни ҳар қандай мавжудот бир қатор тарбия ва ишловлар натижасида қийматга эга бўлади. Дарҳақиқат, қалб ҳам оятда айтилганидек, “салийм” сифатига қовушиши учун маънавий тарбияга муҳтождир. Зеро қалб маънавий тарбиядан олдин тобланмаган темир каби бўлади. У исталган шаклни олиши учун аввало оташда тобланмоғи, ғуборлардан тозаланмоғи, кумлардан ажратиб олинмоғи, қаттиқликдан чиқиб юмшамоғи ва урилмоғи керакдир. Бу босқичлардан сўнггина у исталган шаклни олувчи ҳолга келади. Худди шундай қалбга ҳам бу амалиётлар татбиқ этилмаса, қалб камолотга ета олмайди. Қалб камолоти юзага чиққандан сўнг эса, кўз билан кўрилмаган, ақл билан идрок қилинмаган ҳақиқатлар олами қалбан ҳис қилинади. Бунинг учун қалбда тоқат ва қатъийликни юксалтирмоқ лозимдир.

Масалан, спортчи бирор ҳаракат сабаб синган суякларини узоқ вақт давомида машқ қилдириш натижасида осонлик билан тузата олади. Бу вужуднинг бутун кучи битта нуқтага қаратилмоғининг самарасидир. Шунингдек, қалб ҳам Ҳақ таолонинг зикри ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатлари билан етуклашиб, куч олмоқни тақозо қилади.

Жаноби Ҳақ Ояти Каримада:

اِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ اِذَا ذُكِرَ اللّٰهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ
وَ اِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ اٰيَاتُهُ زَادَتْهُمْ اِيمَانًا وَ عَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ

**“Ҳақиқий мўминлар Аллоҳ зикр қилинган вақтда юраклари титраган, уларга Аллоҳнинг оятлари ўқилган вақтда иймонлари зиёда бўлган ва ёлғиз Раббиларига таваккал қилган кимсалардир”** (Анфол, 2) дейди.

Қалблар бу ҳолга келмоғи учун гуноҳлардан буткул тозаланмоғи, маънан бойимоғи зарурдир. Зеро салбий ҳисларга тўла, хом бир қалбнинг Аллоҳ билан лойиқ ҳолда боғланиши мумкин эмасдир.

Бошланғич синф ўқувчиси ҳуқуқ талабасига ўқитиладиган китоблардан бирор нарсани фаҳмлай олмайди. Чунки зеҳн ҳали у етукликка эришмаганлиги сабабли йиллаб давом этадиган илм таҳсилига муҳтож бўлади. Шу сингари қалбнинг ҳам таълим-тарбияси мавжуддир. Ёмон таъсирларга тўла, покланмаган бир қалб Аллоҳга вуслат йўлининг нозик сирларини идрок қилмоғи жуда қийиндир.

Банданинг Аллоҳ ҳузуридаги мақбулияти кўпроқ қалбий инкишофга боғлиқ бўлади. Бунинг учун қалбнинг камолга эришишга, энг аввало маънавий таълимга эҳтиёжи бордир. Бу таълимнинг номи эса тасаввуфдир.

Амалларнинг мақбул бўлиши ҳам қалбга боғлиқдир. Жаноби Ҳақ ибодат ва муомалада қалб кўпроқ қайси сифатда эканлигига назар солади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Аллоҳ сизнинг суратларингизга, яъни ташқи кўринишингизга боқмас, фақат қалбларингизга боқар”* (Муллим, Бир, 33) дейдилар.

Масалан, Аллоҳ учун ибодат ва хизматларга қувват бўлишини қасд этиб таом еса, у ҳам ибодат ҳукмига киради. Бола-чақасига ҳалол ризқ топиш учун ишлаган бир киши ҳар бир қадамида савобга эга бўлади. Чунки қалбнинг амали бўлган ният хайрлидир. Кийим-кечакда ҳам шу кабидир. Масалан, салла ўрамоқ суннати сониядандир. Бироқ салла ўраган одам ўз ботиний ҳаётини ҳам инкишоф этмоғи, шафқат, марҳамат каби ахлоқий сифатлар билан суннатни намоён қилиш лаёқатига қовушмоғи ҳам лозимдир. Зеро бу йўлда шаклнинг ўзигина етарли бўлмайди. Инсон бошқа ахлоқий сифатларга қовушмаган бўлса, у инсонни ужубга (ўзига бино қўйишга) етаклайди.

Юнус Эмро ҳазратлари қандай ҳам гўзал сўзлаганлар:



*“Дарвешлик бўлсайди тож билан хирқа,*
*Биз ҳам олар эдик ўттизта, қирқта”.*

Яна шу каби Исломда тасаттур, яъни аёлнинг ўранмоғи шартдир. Фақат шаклан мастура бўлгани каби руҳан ҳам мастура бўлмоғи лозимдир. Агар тасаттур ғофилларча яланғоч руҳ учун қилинадиган бўлса, нафс фурсат топиб бу тасаттурни бузади.

Айниқса, аёл тасаттури ортидаги аёллик вазифаларини унутмаслиги зарурдир. Чунки аёлга уйнинг интизоми ва зурриёт омонат қилингандир. Қалбан етуклик ва кўриниш уйғун бўлиши лозим. Тасаттур ҳам Илоҳий амрларнинг бир қисмидир. Шунинг учун, Аллоҳга қалбан боғланган бандаси У Зот белгилаган тасаттур ҳудудидан ташқарига чиқолмайди.

Масалан, жомеъ қурмоқ ҳам жуда катта савобдир. Аммо жомеъни қурдирган одамнинг қалбида фахрланиш, кибр билан “Мен буни қилдим, мен уни қилдим” деб ўзига бино қўйиш ва ўзидан ғурурланиш туйғулари бўлса, унинг бу улкан савоби ўз-ўзидан камая бошлайди. Аллоҳ сақласин. Зеро “Мен” деган бандани Ҳақ таоло тубанга туширади. Унга хорлик беради. “Ё Раббий бу сенинг лутфингдир” деганни эса улуғлайди. Демак, инсоннинг амалларини мақбул қиладиган нарса унинг қалбий ҳассосияти экан. Ҳар бир ибодат қалб нозиклиги ила адо этиладиган йўл эса тасаввуф йўлидир. Шу боис унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайди.

Шу ўринда ибодатларнинг бир-бирини тўлдирувчи икки жиҳати борлигини, улар ҳам шаклга ва руҳга эгалигини айтиб ўтишимиз лозим. Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда ибодатларнинг зоҳирий шартларини, ракатларини ва бошқа томонларини билдирмайди. Улар қандай руҳий кайфият ва ички ҳассосият билан адо этилишини билдириб ўтади. Шунинг учун биз, ибодатларнинг шаклига боғлиқ тарафларини суннати сония орқали ўрганамиз.

❁

Мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай бин Салил ҳам зоҳиран ибодат қиларди. Масжиди Набавийда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларида туриб, шаклан намоз ўқир эди. Бундан кўринадики, ибодатларнинг шаклий кўринишини бир мунофиқ ҳам бажара олади. Демак, фақат шаклан қилинган ибодатларнинг Аллоҳ ҳузурида

ҳеч бир қиймати йўқдир. Ибодатларнинг мақбул бўлиши шакл билан руҳнинг муштараклигига боғлиқдир...

Исломнинг шартларидан бўлган намоз, рўза, закот ва ҳаж билан боғлиқ оят ва ҳадислар ўрганилганда, бунинг ҳақиқатлигига ҳеч бир қийинчиликсиз амин бўламиз.

Намоз ибодати ҳақида бир оятда:

**“...Муҳаққақки, намоз ҳаёсизликдан ва ёмонликдан қайтаради”** (Анкабут, 45) дейилади.

Бирор киши намоз ўқиган ҳолда ёмонликлардан сақланмаса, у намоз ҳушуъ билан ўқилмаган бўлади.

Қалблари ҳушуъдан маҳрум ҳолда фақат сурат кўринишида намоз ўқиганлар ҳақида Жаноби Ҳақ шундай марҳамат қилади:

**“Вайл бўлсин у намоз ўқигувчиларгаки, улар намозни ғофилона ўқийдилар”.** (Маъуун 4,5)

Яна бир Ояти Каримада:

**“(Фақат) намозларида ҳушуъ соҳиби бўлган мўминлар ҳақиқатда нажотга эришадилар...”** дейилади. (Мўъминун, 1,2)

Ояти Карималар тақозосича, нажотга эришган мўминларнинг сифатларидан бири ҳам намозни ҳушуъ билан ўқимоқликдир. Намоз комил маънода адо қилиниши учун зоҳирий ва ботиний бутун шартлар ўрнига келтирилмоғи лозимдир. Икки киши айни бир вақтда бир хил намозга турадилар, аммо бу икки намоз орасида ер билан осмон қадар фарқ бўлиши мумкин.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг:

*“Бир кимса намоз ўқийди: фақат намозининг ярми, учдан бири, тўртдан бири, бешдан бири, олтидан бири, еттидан бири, саккиздан бири, тўққиздан бири, ҳаттоки ўндан бири ўзи учун ёзилади”* (Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснад, IV, 321) деб айтган муборак сўзлари ҳам намозда риоят қилиш керак бўлган қалбий ҳолатга ишора қилмоқда.

Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда мўминларнинг сифатларини санар экан:

**“Ва улар намозларида давом этадилар”** (Мўминун, 9) дейди.

Ҳазрати Мавлоно бу Ояти Карима ҳақида зоҳирий маънога ишора ўлароқ шундай илова қиладилар:

*“Намоздан сўнгра ҳам намоздаги ҳолларини давом эттирадилар”.*

Яна шундай дейдилар:

*“Бизга тўғри йўлни кўрсатадиган, ёмонликлардан қайтарадиган намоз кунда беш маҳал ўқилади. Ҳолбуки, ошиқлар доимо намоздадирлар. Зеро ошиқларнинг кўнгилларидаги ишқ ва жигарларини қовурган у Илоҳий муҳаббат на беш вақт билан пасаяди, на беш юз минг вақт билан тугайди”.*

Кўнгли ғафлатдан уйғонган Ҳақ ошиқларининг намозини Юнус Эмро Ҳазратлари шундай тасвирлайдилар:

*Ишқ имомдир бизга, кўнгил жамоат,*
*Дўст юзи қибладир доимдур солат.*

Дарҳақиқат, бир намознинг ўқилиш вақти қарийб ўн-ўн беш дақиқадир. Сўнгра қалб намоздаги каби муҳофаза қилинмоғи лозим. Зеро муҳофаза қилинмаган қалб ғафлатга ботиши, фосиқликка ё куфрга кетиши ҳам мумкин. Аллоҳ сақласин. Шу сабабли, киши намоз ташқарисида ҳам қалбини Жаноби Ҳақ билан машғул қилмоғи шартдир. Ундан ғофил бўлмаслиги керак.

Аҳли ғафлат эса, намознинг ташқариси у ёқда турсин намозда, ҳузури Илоҳийда ҳам ҳушуъ билан бўйин эгишдан маҳрумдирлар. Бу ҳақда ёзилган ушбу қисса жуда ибратлидир:

“Камолот йўлида илгарилаган бир дарвеш кечқурун масжидда намоз ўқир эди. Ёмғир ёға бошлади. Дарвешнинг кўнгли намозда бир лаҳза уйига йўналди. Шу лаҳзада ичида бир овоз уни шундай огоҳлантирди:

“Эй дарвеш! Ўқиган бу намозинг билан биз учун бирор нарса қилмаяпсан! Зеро сен кўнглингни уйингга юбординг, бу ерда эса фақат жисмингни қолдирдинг!..”

Бир ҳадиси шарифда шундай дейилади:

*“Тунлар қанча намоз ўқиганлар борки, уларнинг ўқиган намозларидан насибалари уйқусиз қолишдан иборатдир”.* (Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснад, II, 373)

Демак, кўнгилга доир ҳамма амаллар кўнгилнинг етуклигига бориб тақалмоқда.

Рўза ибодатида ҳам ҳолат намоздагидан фарқ қилмайди. Рўзани ҳам зоҳирий ва ботиний асосларига риоятли равишда тутиш лозимдир. Рўза гуноҳларни супуриб ташлайдиган ибодатдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам *"Ким Аллоҳдан мукофотини кутган ва рўзанинг фазилатларига ишонган ҳолда Рамазон рўзасини тутса, қилган барча гуноҳлари кечирилади"* (Бухорий, Савм, 6) деб марҳамат қиладилар.

Рўзанинг ғояси оч қолдириш эмас. Жаноби Ҳақ:

**"Эй иймон келтирганлар! Рўза сизлардан олдингиларга фарз қилингани каби сизларга ҳам фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсангизлар"** (Бақара, 183) Ояти Каримаси билан рўзадан мақсад тақво эканлигини баён қилади.

Шу жиҳатдан рўза фақатгина меъда эмас, бутун тана аъзолари ва қалб ҳам қатнашмоғи керак бўлган ибодатдир. Инсон Аллоҳ берган неъматларнинг қадрини тафаккур қилиб кўриши, рўзанинг руҳоний томонига эътибор бериши лозимдир.

Рўза инсонда марҳамат, шафқат каби ҳисларни инкишоф қилувчи бир таълимдир. Рўза тутган инсонда бу ҳис ва тушунчалар ғалаёнга келмаса, рўза шаклан тутилаётган бўлади. Бу ибодат асносида ғийбат қилиш ҳам, унинг файзу савобини йўққа чиқариш демакдир.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам *"Қанча рўза тутганлар борки, тутган рўзаларидан уларга қолгани фақат очлик ва чанқоқликдир"* (Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснад, II, 973) деб марҳамат қилганлар.

Бундан кўринадики, рўзада ҳам қалбий ва руҳий ҳаётга эҳтиёж бордир.

Мўминнинг меҳрибонлик тазаҳҳури бўлган закот ибодатида ҳам қалбий ҳасосият буюк аҳамиятга эгадир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мўминларнинг сифатларини санар экан, **"Уларнинг молларида (эҳтиёжини айта олган) сўровчига ва (ҳолини айта олмаган) маҳрумга бир ҳақ бордир"** (Зориёт, 19) дея марҳамат қилади.

Агар мўмин кишининг руҳонияти кучли бўлса (гўё ўз молининг закотини эмас), муҳтож ва маҳрумнинг ўз молидаги ҳиссасини қайтиб

бераётгандек мамнун ҳолда закот беради. Закот олувчига раҳмат айтиб, закотнинг ҳақиқий фазилатига эга бўлади. Чунки олувчи одам берувчи шахснинг фарз ибодатини ўрнига келтиришга васила бўлмоқдадир.

Комил бир мўмин *"Муҳаққақки, садақа муҳтожнинг қўлига тушишидан олдин Аллоҳнинг (Қудрат) қўлидан ўтади"* (Табароний Мужаммия Кабир, IX, 109) [17] ҳадиси шарифининг сиррига мазҳар бўлиш ҳақида ўйлайди. Закот берган инсоннинг моли ҳақиқатан Аллоҳ таолонинг (Қудрат) қўлига берилаётганлигини фаҳмлайди. Бу эса закот ибодатининг камолини таъминлайдиган теран заминдир.

Албатта, бундай назокат ҳам қалбан етуклик билан мумкиндир. Ҳатто буюкларимиз нафақа қилаётганларида, инфоқ қилган нарсаларини гўзал ҳолда безаб беришга эътибор берганлар. Чунки инфоқ аввал Аллоҳга берилади, сўнгра муҳтож бандага интиқол қилинади. Булар Исломни қалбий латофат ва назокат билан яшашликнинг зариф кўринишларидир.

Жаноби Ҳақ ҳам:

**"... Садақаларни Аллоҳ олур...** (Тавба, 104) деб, инфоқда кўрсатилиши керак бўлган ана шу одоб ва назокатга ишора қилмоқдадир.

Қалбий ҳиссиётлардан маҳрум бир ҳолда қошиқ билан узатиб, унинг дастаси билан кўзини чиқарадиган шаклда, инсонни ранжитадиган бир услубда инфоқ бериш унинг ажрини ўз қўллари билан йўққа чиқаришдир. Зеро Ислом нодон, бераҳм ва кўпол инсоннинг хулқини рад этади. Мўмин ҳассос, нозик, рақийқ сифатли инсондир. Бу сифатлар эса қалбий савияга эга бўлмоқ билан боғлиқдир.

Қалбий нозиклик ва закийликлар ҳаж ибодатида яна ҳам яққол кўзга ташланади. Ҳаж шаклий тарафи ҳам ва жисмоний тарафи ҳам муҳим бўлган ибодатдир. Эҳром, тавоф, Арофотдан тушишда Муздалифада вақфада туриш, қурбонлик қилиш, Муздалифага бормоқ каби ибодатлар ҳажнинг шаклий тарафларидир. Ҳажнинг маънавий тарафи эса, Қиёмат ва Маҳшар куни хотирланиши, Илоҳий ҳисоб ҳақида тафаккур қилиниши, ўтган умрнинг сарҳисоб этилишидир.

Мўмин кишилар бошқаларнинг мавқеига қараб айирмачилик қилмайдилар. Бадавлат ё фақир кишилар билан бирга бир сафда елкама



17 Батафсил ўхшаш ривоят учун Бухорий, Тавҳид, 23.

- елка намоз ўқийдилар. Шунингдек, биз инсонларнинг кийинишларига қараб ҳам уларнинг мавқеларини озми, кўпми билиб олишимиз мумкин. Аммо ҳажда бу ҳам йўқ. Миллионларча инсон бир хил оппоқ эҳромга ўранадилар. У ерда дунёвий мартаба, мансаб, нишонлар умуман бўлмайди. Ҳожилар ҳассос ва зариф туйғуларга бериладилар. Шундайки, шариатда мумкин бўлган баъзи нарсалар ҳам эҳромда бўлганларга тақиқ ҳолига келади. Масалан, ўт юлиш, ҳайвон ўлдириш, ов овламоқ, ҳаттоки овчига овни кўрсатмоқ ҳам ман этилади. Ҳажда беҳуда сўзлашувлар, кераксиз машғулотлар тақиқланади. Қалб ҳассосияти юксак бир савияга етиши мақсад қилинади.

Қурбонлик ибодати ҳам зоҳиран ўзига хос бир фаолиятни талаб этади. Бошқа ибодатларда бўлгани каби қурбонликни ҳам қалбдан айтиладиган тўғри ният мақбул ҳолга келтиради.

Бу хусусда Ояти Каримада шундай марҳамат қилинади:

لَن يَنَالَ اللَّهَ لُحُومُهَا وَلَا دِمَاؤُهَا وَلَكِن يَنَالُهُ التَّقْوَى مِنكُمْ

**“Уларнинг на гўштлари, на қонлари Аллоҳга етиб бормайди. Унга фақат тақвойингизгина етади”.** (ал -Ҳаж, 37)

Ояти Каримадан ҳам англанишича, атрофдагилар айблашидан қўрқиб қурбонлик қиладиганлар Аллоҳ таолонинг ризосини қозона олмайдилар.

Ҳазрати Одам алайҳиссаломнинг ўғилларидан бири Қобилнинг ўзи истамай қилган қурбонлиги қабул бўлмаганлиги, Ҳобилнинг Аллоҳга самимият билан қилган қурбонлиги мақбул бўлганлиги ҳақиқатдир.

Бу ҳодиса Қуръони Каримда шундай англатилади:

**“Уларга Одамнинг икки ўғли хабарини ҳақ ила тиловат қилиб бер. Икковлари қурбонлик қилганларида, биридан қабул қилинди, бошқасидан қабул қилинмади. Уларнинг бири: “Албатта, мен сени ўлдиражакман” деди. Бошқаси: “Албатта, Аллоҳ тақводорлардан қабул қилади” деб айтди.** (Моида, 27)[18]

18 М.С.М.Юсуф “Тафсири Ҳилол”

Демак, ибодатлар “мақбул” бўлиши, амаллар “солиҳ” сифатларга қовуша олиши учун қалбий етуклик зарур экан. Бундан энг аввало маънавий тарбия лозимлиги ва қалб тасфия қилиниши шартлиги аён бўлади. Фақат бунинг маъносини яхшилаб тушуниб олмоқ керакдир. Ҳушуъ ва тақво билан ибодат қилолмаслик мулоҳазаси сабабли (қусурли бўлса ҳам), давом эттирилаётган амални тўхтатиш асло тўғри бўлмайди. Амалларни тарк этиш эмас, уларни имкон қадар ихлос, ҳушуъ ва тақво каби қалбий ҳиссиётлар билан камолотга етказишга ғайрат қилиш лозим. Чунки маънавият йўли машаққатларга тўладир. У нафсоний таҳликалар билан курашни талаб этади. Йўл охирига бирдан ва осон бир шаклда етиб бўлмайди. Ҳушуъ маънавий юксалишда бир чўққидир. Чўққига чиқиб олиш эса, қадам-бақадам амалга оширилади. Бу йўлда башарий ирода кучига таянмоқ ҳамда Жаноби Ҳақдан лутф ва карамини сўрамоқ даркор.

Тасаввуф қалбнинг комил бир истиқоматга етмоғини мақсад қилади. Шу сабаб буюк динимизни қуруқ бир қоидалар тизими сифатида кўрмоқ ва уни шу шаклда тақдим қилиш ниятида бўлмоқ хатодир. Хатолар, адашишлар ҳар соҳада бўлгани каби диний илмларда ҳам учрайди. Булар диннинг ўз аҳли тарафидан осонгина тўғирланиши мумкин. Бироқ бу хато ва янглиш фикрларни қасддан диннинг қалбий ҳаёти бўлган тасаввуф илмига боғлаш нотўғридир. Уни чегаралаб кўрсатиб инкор қилмоқ, башарий заифлик ва камчиликларни динга ё тасаввуфга юкламоқ мантиқсизлик бўлади. Яъни тасаввуф ҳақида нотўғри мулоҳазага борадиганлар сабаб тасаввуф тушунчасини инкор этишнинг ҳеч қандай мантиқий изоҳи бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолат худди тиб илмини янглиш ғояларга боғлаганлар туфайли инкор этишга ўхшайди. Бундай тушунчалар ғофиллик билан ёндашиш ёки ёмон ниятларга берилиш оқибатида келиб чиқади.

Тасаввуфни унда яшаётганлигини иддао қиладиган бир неча ёмон ниятли инсонларнинг татбиқотларига қараб тушунмоқ имконсиздир. Тасаввуф истаган кимса тортиб кетаверадиган юк эмас. Унинг аҳли бўлмаган кимсаларнинг ҳаракатларидан юзага келадиган ҳолат билан тасаввуфнинг асли орасида катта фарқ бордир. Бунга инсоф ва мантиқ ўлчовлари билан эътибор берилса, орадаги тафовутни бир қарашда кўриш мумкин.

Тасаввуфни қўпол ўлчовлар билан англаш имконсиздир. Зеро тасаввуф кўнгил уфқига оид бир ҳодиса бўлиб, унинг пойдевори ишқ ва муҳаббатдир. Муҳаббатдан насибасиз кимсаларга бу ҳақда қанча тушунтирилса ҳам фойда бермайди. Бу гўёки кўзлари туғма ожиз инсонга рангларни англатиш каби фойдасиз бир уринишдир. Инсон ўз ички олами ҳақида тафаккур қилишдан қанчалик узоқлашса, шу нисбатда жонсиз тақлидчи бўлишга маҳкумдир. Ичидаги руҳоний оламга шавқ билан шўнғий олмаган, уни танимаган ва файзидан маҳрум бир инсон атрофидагиларга тақлид қилади. Умумий жараённинг таъсирига тушиб қолади. Ўз шахсияти ва феълини кўрсата олмайди.

Илоҳий вуслатга кўнгилнинг сарват, бойлик, шуҳрат ва дунё хаёлидан воз кечиши билан ноил бўлиш мумкин.

❁

Тасаввуф ҳақиқатда инсон илмидир. Дунё ҳаётидан айрилиб ўз руҳида теранлашган инсон ҳикмат ва ҳақиқатлар саройининг эшигига етиб боради.

Қуръони Каримни англаб етган ва уни ҳақиқий иймон йўли ўлароқ кўра олганлар ҳақиқий мутасаввифлардир. Мутасаввиф ўзи яшаётган жамиятнинг диний ҳаёти учун ўзини Аллоҳ олдида масъул дея ҳис қилган инсондир.

Ҳақ дўстларидан Нажмиддин Кубро ҳазратлари талабалари билан биргаликда солиҳ бир зотнинг жанозасида иштирок этадилар. У киши маййитга хитоб қилинганини кўрганларида табассум қиладилар. Талабалари устозларининг бундай вазиятда табассум қилганларидан ҳайратланиб, бунинг сабабини сўрашади. Ҳазрат бунинг сабабини айтишни истамайдилар. Талабалар саволларида маҳкам туриб яна сўрашгач, шундай жавоб берадилар:

“Тушунтираётган кимсанинг қалби ғафлатда қолгандир. Қабрдагининг қалби эса тирикдир. Мени ғофил бир одам қалбан тирик бўлганга изоҳлаб бериши ажаблантирди”.

Худди шунинг каби илм номидан тасаввуфни инкор этишга ҳаракат қилганларнинг ҳоли ҳам, бир қарашда ўликнинг тирикка шарҳлаб бериши каби ҳайратланарли ҳолатдир. Зеро тасаввуф аҳлининг диний ҳаётга умрбоқийлик бериш, келажак наслларга етказиш, халққа тўғри



йўл кўрсатиш, ҳамда Исломни ёйишдаги муваффақиятли хизматлари ва шижоатлари таҳсинга лойиқдир.

Ўтган асрнинг кўзга кўринган Ислом олимларидан Муҳаммад Ҳамидуллоҳ бу ҳақиқатни шундай ифода қиладилар:

“Менинг Исломдаги фаолиятимнинг ривожланиши онгли тарзда кечди. Ҳуқуқий мавзуда олиб борган изланишларим натижасида Ислом ҳақидаги ҳақиқатларни англаб етдим. Исломда исботланмаган ҳар бир нарса рад этилишини тушундим. Дарҳақиқат, мен намоз, рўза каби исломий вазифаларимни тасаввуфий сабаблар билан эмас, фиқҳий сабаблар билан адо этаман. Ўз-ўзимга “Аллоҳ менинг Раббимдир. Соҳибимдир. У менга мана шу амалларни бажаришимни буюрган. Демак, адо этишим керак. Бундан кейинги ҳақ ва вазифаларим бир-бирига боғлиқдир. Аллоҳ улардан фойдаланишим учун менга амр қилди, Унга шукр айтмоқ менинг вазифамдир” дейман.

Ғарб оламида, Париж муҳитида яшай бошлаганимдан бери ҳайрат билан кузатаяпман. Насронийлар Исломни қабул қилмоқдалар. Уларни Исломни қабул қилишга қизиқтирган жиҳат фиқҳ ва калом олимларининг қарашлари эмас, Ибн Арабий ва Мавлоно каби сўфийлардир.

Мендан Исломий бир мавзуда изоҳ сўралганида, ақлий далиларга суяниб жавоб берар эдим. Бироқ менинг бундай жавобим сўровчини қаноатлантирмас эди. Тасаввуфий изоҳ эса, ўз самарасини берарди. Шунинг учун, борган сари ўз таъсир кучимни йўқотдим. Ғазон Хон замонида Хулогу ҳаммаёқни ёқиб, ҳар томонни вайрон қилди. Шундан сўнг, Исломга на қилич, на ақл хизмат қилгандир. Фақат қалб, яъни тасаввуф орқали ғайрат кўрсатилган. Мен бугун Европа ва Африкада Ислом учун хизмат қилаётган нарса ҳам айнан тасаввуф эканига ишондим.

Тасаввуф мавзусида ёзилган баъзи асарларни излаб топиб, ўргана бошладим. Бу менинг қалб кўзимни очди. Шунда Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом яшаган даврларидан бери Исломда мутасаввифларнинг йўли калималар устида бош қотириш ва маъносиз нарсаларга берилиш бўлмаганлигини англадим. Уларнинг усуллари инсон билан Аллоҳ орасидаги энг қисқа йўлдан юрмоқ, комиллик изламоқ эканлигини тушундим. Биз доимо ўзимизга юкланган вазифаларнинг сабабларини ахтарамиз. Аммо бу сабаблар ортидан борганимизда, моддий изоҳлар

бизни мақсаддан узоқлаштиради. Фақат маънавий изоҳларгина қаноатлантиради".[19]

Бу эътирофдан ҳам тушуниладики, Қуръон ва суннатга мувофиқ бўлган тасаввуфни рад этишга уриниш мева берадиган дарахтни тошбўрон қилиш кабидир.

Ҳазрати Мавлоно айтадилар:

*"Агар бурнинг ҳид билмаса, қабоҳатни гулдан қидирма!"*

Эътибор қиладиган бўлсак, инсонларни ислоҳ қилишнинг бугунги давримизга хос тасаввуфий усуллари ва услублари ҳам мавжудлигини кўрамиз. Шариат охират ҳамда дунё учун мукофот ва жазо борлигини айтади. Инсонларни истиқоматлантирмоқ ғоясини қўллайди. Тасаввуф эса, севги, шафқат ва муҳаббатни илгари суради.

Давримизда аксарият инсонлар диндан узоқлашганлар. Улар оғир гуноҳлар, руҳий изтироблар ичида яшамоқдалар. Бу аҳволда қолганлар учун ислоҳ ҳамда қутулиш имконияти авф, кечиримлилик ва шафқат йўлидир. Шу жиҳатдан бугунги замонамиз ҳам тасаввуфий ҳақиқатлар томон бориш, унинг усулларига эътибор қаратиш зарур бўлган даврдир. Дарҳақиқат, Туркияда бўлгани каби ғарб оламида ҳам авф этилган ва шафқат кўрганлар зафар қучаётганларини кўрмоқдамиз. Ақл ва нафс сабаб кирланган руҳларни Илоҳий тасалли бериш мақсадида Исломга таклиф қилиш, жазо бериш учун яқинлашиш ўрнига шафқат ва марҳамат кўрсатиш ҳар вақт энг файзли бир усул бўлган.

Инсонларнинг аксарият ҳолларда оғир гуноҳлар сабаб хор бўлишлари Аллоҳни танимаганларидан, муҳаббатсизлик (ишқсизлик) дан содир бўлади. Тасаввуф шу томонлама қаралганда, Исломий таблиғнинг энг самарали бир воситасидир. Бу борада тасаввуф ўз усулий қоидаларига ҳам эгадир. Чунки инсонлар доимо Абдулқодир Ғилоний, Юнус Эмро, Баҳоуддин Нақшбанд ва Мавлоно сингари Ҳақ дўстларининг муҳаббатли даргоҳларини соғинадилар. Ана шундай муҳаббат соғинчини акс эттирган қуйидаги мисол ҳам диққатга сазовордир:

19 М. Азиз Лаҳбабий, Ислом шахсиятчилиги, Тарж. И.Ҳаққи АКИН, с. 114-115, дип нот 8. ИСт. 1972. Бу дип. хат, Муҳаммад Ҳамидуллоҳнинг муттаржими ёзган. 27 сентябрь 1967 йилдаги матндир. Батафсил қаранг. Мустафо Кара, Тасаввуф Ҳаракатлари. с. 542-543.

Ҳазрати Мавлононинг ошиқларидан бўлган Покистонлик буюк мутафаккир Муҳаммад Иқбол самолёт Туркия чегараларига кириши билан бир муддат оёқда тик туриб қолади. У кишининг ёнидагилар “Нега бундай қилдингиз?” деб сўрайдилар.

Муҳаммад Иқбол уларга шундай жавоб беради:

“Бу тупроқлар Ҳазрати Мавлононинг қабри бор муборак тупроқлардир. Бу муқаддас маконда яшаган миллат неча минг йиллар давомида Исломни ҳимоя қилиб келган миллатдир. Агар турк миллати бўлмаганда, Ислом Араб ярим оролида қамалиб қоларди. Кўнглимда Ҳазрати Мавлонога ва у кишининг ажойиб миллатига нисбатан сўнгсиз бир ҳурмат ва эҳтиром борлиги шу сабабдандир. Уларнинг ҳурмати учун чегарадан ўтишимиз билан оёққа турдим”.

Тасаввуфнинг етук шахсиятларидан бири бўлган Ҳазрати Мавлонога нисбатан ўзгача бир муҳаббат ва эҳтиромга йўғрилган бу мисол у кишининг вафотларидан сўнг асрлар ўтган бўлса ҳам, Муҳаммад Иқболдек буюк мутафаккирни ҳаяжонга солганлигини кўрсатмоқда. Зеро Муҳаммад Иқболнинг шахсияти шаклланишида муҳим ўрин тутган, унинг кўнгил оламини ишқ, муҳаббат, нозиклик, латофат ва маърифат каби хислатларга тўлдириб зийнатлаган улуғ неъмат тасаввуфнинг лузумияти эканлиги асл ҳақиқатдир. Ғарбдан шарққа қадар қанчалаб кўнгилларни муҳаббат билан бирлаштирган, юксалтирган, чўққиларга етказган бир ҳақиқат!... Асрлару наслларни қоплаган бир ҳақиқат!...

***Тасаввуф кўнгил иқлимининг зоҳирий илмлар ва ҳақиқатлар қуршовида янада юксакларга етишмогидир.***

## Е. ТАСАВВУФНИНГ БОШҚА ИЛМЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Инсон табиатида бирор нарсани туб-тубигача текшириш, яъни суриштиришга қизиқиш туйғуси устувордир. Бу табиий туйғунинг натижаси сифатида юзага келган илмлар барча соҳаларнинг ҳақиқатга оид қонун ва қоидаларини текширади. Илм бу изланишлар асносида истар -истамас соҳани янада чуқур ва "ҳикмат" жиҳатидан ўрганган тасаввуф билан бир қанча муштарак нуқталарда учрашади.

Бу боғлиқлик фақат диний илмларгагина хос бўлмасдан коинотнинг физикавий хусусиятларини ўрганадиган илмий фанларга, салийм фитратнинг маҳсули бўлган гўзал санъатларга ва маълум бир жиҳатлари билан фалсафани ҳам ўз ичига олади. Қуйида тасаввуфнинг бошқа илмлар билан муносабатини бешта йўналиш бўйича таҳлил қилиб кўрамиз.

### 1. ТАСАВВУФ ВА БОШҚА ИСЛОМИЙ ИЛМЛАР

Диннинг ғояси инсонга Яратувчисини танитмоқ, мукаллафиятларини (вазифаларини), муроди Илоҳий истиқоматида бўлмоғини, башарий муносабатларни адолат, ҳаққоният, сулҳ ва сукун устида таъсис этмоғини билдирмоқдир.

Ислом тасаввуфининг мақсади эса, мўмин бу вазифаларни руёбга чиқара олиши учун унинг қалбини ҳузурга ва ҳолга етказмоқдир. Диннинг зоҳирий аҳкомларига маънавий замин ҳозирламоқдир. Амалларни маънавий ҳол ичида, комил бир суратда адо этмоғини таъминламоқдир. Шу эътибордан тасаввуфнинг бошқа исломий илмлар билан ички бир узвийлик талаб қилиши табиийдир. Бу ҳақиқатни янада очиқ бир шаклда кўриб чиқиш учун ушбу илмлар ўртасидаги муносабатларга бироз тўхталиб ўтиш фойдали бўлади.

### а. Тасаввуф ва Калом

Калом илми аввало Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларидан, Унинг вахдониятидан баҳс этади. У ақоидга тааллуқли бўлгани учун Исломий илмларнинг энг аҳамиятлиси (ашрафи улум) саналади. Калом илмининг ғояси ҳақни исбот этмоқ ва ботилни рад этмоқдир. Исломга қаратилган танқид ва эътирозларга жавоб бермоқ, Исломнинг ҳақ дин эканлигига инсонларни ишонтирмоқдир.

Тасаввуфнинг мақсади эса, мукаммал сифатларга эга ва нуқсонлардан муназзаҳ бўлган Аллоҳни қалбан таний олмоқ, яъни маърифатуллоҳдир.

Калом илми ақоид билан алоқадор масалаларни Китоб ва суннатни асос қилган ҳолда ақл воситасида ечишга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан Калом олимлари бир қадар файласуфларга ўхшайдилар. Улар “насс” (очиқ Илоҳий ҳукм) ни шариатда тақиқ этилмаган даражада қўллайдилар. Бироқ асардан муассирга тўғри бир идрок чизиғи бўйлаб илгарилайдиган ақл инсонни ҳақиқатга ёлғиз ҳолда етаклаб боролмайди. Бунда қалбан кўра олиш ва туйғуларга суяниш зарурияти ҳам юзага келади.

Тасаввуф ҳам ақлнинг ўзи кифоя бўла олмайдиган масалаларда қалбга мурожаат қилади. Таслимият билан йўлда давом этади. Бу хил масалаларни Қуръон ва суннатга мувофиқ қалбнинг кашф ҳамда илҳом каби зуҳурларига қовуштиради. Шу тарзда ҳақиқатни англаб етмоққа ноил этади.

Калом илми олимларининг фикрича, қалбга доир амалларга ҳамма вақт эҳтиёж кучли бўлган. Шу жиҳатдан юқорида ифода қилганимиздек, Калом илми олимларини мулоҳазаларга асосланадиган файласуфларга қиёс қилиш тўғри эмас. Бу олимлар орасида тасаввуфий қарашларни феълан ёки фикран қабул қилган, амалда қўллаган жуда кўпчилик борлиги ҳам тарихий бир ҳақиқатдир.

Бошқа тарафдан олиб қарасак, ақл ва муҳокамага асосланган зеҳний фаолият моддий оламдаги нарсаларни қўллайди. Далиллар ва қарама-қаршиликлар соясида ҳақиқатга етишмоқликка уринади. Ҳолбуки, бундай ташқи таъсирларга эга бўлмаган метафизик борлиқларга ва уларнинг ҳақиқатига фақат ақлнинг ўзи билан етишмоқ мумкин эмасдир. Бунинг сабаби шундаки, ақл инсонни ҳақиқатга етишиш истагини маълум бир ўлчовда таъминлай олади. Ҳақиқатнинг ақлу идрок билан

етиб бўлмайдиган туйғулар марказига эса, қалбдаги илҳом ва сунуҳат (ўз- ўзини таҳлил қилиш) орқали восил бўлиш мумкин.

Тасаввуф инсонга ақл ета олмаган нуқталарда ҳам тўхтаб қолмасдан янада юксалишга имкон беради. Буни зикриллоҳ соясида, қалбни илҳомга мувофиқ бир замин ҳолига келтириш билан амалга оширилади. Тасаввуф бу барча йўналишларда ақлнинг ўзига таяниш кифоя қилмаслигини билдириб, ақлий фаолият билан банд инсонларни ҳам Калом илми ёрдамида етукликка олиб боради.

Тасаввуф ҳар бир шахснинг истеъдоди фарқли бўлганлиги учун, Калом илмининг оммага йўналтирилган жиҳатларини уларнинг орасидаги энг истеъдодлилар қаноатланадиган савияга келтиради. Мўминларнинг иймонини қувватлантириб, Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги хусусида уларни яқийн илмига қовуштиради.

Бу ҳақиқат ҳақида Калом олими муфассири ўлароқ шуҳрат қозонган Фахриддин Розий шундай баён қиладилар:

“Калом олимларининг усуллари ҳақиқатга етишишга кифоя қилмаса-да, тасаввуфга шўнғишдаги илк қадамдир. Комиллик даражасига етишиш инсондан зоҳирга таянадиган шариат илмларини ўрганишдан тортиб, ҳодисаларнинг ҳақиқатларини англашга суянадиган ботиний илмларгача билишни талаб этади. Шундагина комиллик даражасига муваффақ бўлиш мумкин бўлади”. [20]

### б. Тасаввуф ва Тафсир

Тафсир илми башариятга ҳидоят раҳбари сифатида тақдим этилган Қуръони Каримнинг маъноларини юзага чиқаришни, уларни шарҳлашни мақсад қилган илмдир. Тафсир инсоннинг ички оламини поклаб, камолотга эриштирадиган тасаввуф учун исталган дорилар рўйхатини кўрсата оладиган бир дорихона кабидир. Чунки тасаввуф илми ўрганилаётган мавзуларни ўзига хос усулларда, асосий манба бўлган Қуръони Карим ёрдамида изоҳлаб беради.

20 (Муҳаммад Солиҳ, Зарқон, Фахриддин Розий ва Аронхул Каломил вал Фалсафия, 76). (Муҳаммад Обид ал-Жобирий, Араб Ислом Маданиятининг Ақл тузилши , с. 626дан нақлан.)

Қуръони Карим ибодатларни ҳаётнинг ҳар соҳасида Аллоҳга нисбатан масъулият туйғуси ичида ҳушуъ билан адо қилмоқни амр этади. Зеро Аллоҳни кўп зикр қиладиган, Илоҳий назорат остида эканлигини ҳис этадиган банда албатта ризои Илоҳийга восил бўлади.

Бу мавзуларни ҳассосият билан таҳлил этиш аҳли тасаввуфнинг зиммасидаги хизматлардир.

Аллоҳга қалбан восил бўлишни асосий ғоя қилиб олган аҳли тасаввуф Унга етказадиган ягона йўл бўлган Қуръони Каримни ҳаётларининг мазмунига айлантирганлар. Улар Қуръон устида чуқур тадаббур ва тафаккур этиш амр қилинган оятларни саҳар вақтининг вирдлари ҳолига келтирганлар. Уларнинг нозик маъноларини англаб етиш учун қалбларини поклаш зарурлигига ишонганлар.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари Қуръони Каримдан иборат бўлганлиги учун ахлоқан мукаммалликни мақсад қилган аҳлуллоҳ бутун амаллари ва муомалаларини Илоҳий Каломнинг маъноларига биноан танзим этишга ғайрат кўрсатганлар. Жонли бир Қуръон бўлишга жаҳд қилганлар.

❁

Тасаввуф аҳлининг асосий файз ва илҳом манбаи Қуръони Карим бўлганлиги сабабли мутасаввифларнинг тафсир илмига ҳам катта хизматлари сингандир. Улар ҳам оятларнинг ишорий маъноларини юзага чиқариб, бу илмнинг бойишига ҳисса қўшганлар. Айтиш мумкинки, буюк мутасаввифлар Қуръоннинг тафсирида унинг калималаридаги етук дарёларга шўнғиб, қанчадан-қанча ҳикматларни қўлга киритишга ғайрат кўрсатганлар.

Бу майдонда Илоҳий Каломнинг муҳтавосини башариятнинг калималаридаги торлик доирасига қамамоқ тўғри эмасдир. Тафсир ёзиш ва унга ишорий маъно беришда уч хусусиятга риоя қилинган. Бунда:

1) ишорий маънолар зоҳирий маъноларга зид эмаслигига;

2) бериладиган маънонинг Китоб ва суннатга мувофиқ келишига;

3) ишорий маъно учун лафзларнинг аввали ва охири уйғун бўлишига аҳамият берилган.

Қуръони Карим ишорий тарзда тафсир қилинган асарларга *Абу Абдураҳмон Суламийнинг "Ҳақоиқут-тафсир", Қушайрийнинг "Латоифул ишорат" ва Бурсалик Исмоил Ҳаққининг "Руҳул баён" номли* тафсирларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Буларга илова тарзида Мавлоно Жалолиддин Румий ва Ибн Арабий каби мутасаввифларнинг асарларини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Улар ўз асарларини жуда кўп Ояти Карималарнинг ишорий тафсирлари билан бойитганлар.

Аммо ҳақиқат шуки, Жаноби Ҳақнинг "Калом" сифати кўриниши бўлган Қуръони Каримга қайси жиҳатдан маъно берилса ҳам, бу маъноларни тўлалигича сўзда ифодалаш мумкин эмасдир. Аллоҳ таолонинг зот ва сифатларини мукаммал тарзда эгалламоқ маҳол бўлганидек, Қуръони Каримни ҳам бутун моҳияти билан англамоқ осон эмасдир. Ундан тушуниб англаганларимиз фақат дарёдан томчи кабидир. Ушбу Ояти Карима бу ҳақиқатни гўзал ифода этгандир:

**"...".** (Луқмон, 27)

Жаноби Ҳақ бу ўринда Ўз калималарининг маънолари мағзини инсоният қўллайдиган сўзларнинг маъноларидан юқори қўймоқда. Уларда яширинган маънолар чексиз эканлигини ифодалаб, янада кўпроқ насиба ва ҳисса олиш лозимлигини эслатмоқда. Қуръони Каримнинг бу хусусиятини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам*"...Қуръоннинг олдин кашф қилинмаган маънолари ҳар он юзага чиқади ва ҳеч тугамайди..."* (Термизий Фазоилул Қуръон, 14) дея, муборак сўзлар орқали ифода қилганлар.

Ҳазрати Мавлоно бу хусусда *"Қуръони Каримнинг зоҳирини бир сиёҳдон билан ёзиш мумкин. Бироқ унинг маънолари ичига яширинган сирларни баён этишга дарёлар бир сиёҳ, бутун дарахтлар қалам бўлса ҳам, кифоя қилмайди"* дейдилар.

Юқорида келтирилган оят ва ҳадисдаги ифодалар Қуръон Каримнинг коинотдаги бутун ҳақиқатларнинг комил бир манзумаси эканлигини, барча ҳақиқатлар унда бир асос шаклида борлигини кўрсатади.

Агар бу хил билим ва ҳақиқатлар Қуръони Каримда очиқ ҳолда бўлганда, у сўнгсиз ҳажмга эга бўлиши керак бўлар эди. Шу жиҳатдан Қуръонда баъзи ҳақиқатлар очиқ берилган бўлса, аксарияти далолат ила ифодаланган. Бу сирли ҳақиқатларни фақат истеъдодли, илмда етук, нозикликларни англай оладиган, ақли салийм ва соғлом қалб билангина юзага олиб чиқиш мумкин.

Тафсир усулига доир китобларда муфассирлар билишлари лозим бўлган илмлар саналганда, Аллоҳ таоло мустасно бандаларига бахш этган “ваҳбий илм” ҳам зикр қилингандир. Бу илм Аллоҳ таолога тақво, махлуқотга тавозе, дунёга қарши зуҳд ва нафсга қарши шиддатли кураш билан қўлга киритилади. *“Билганига амал қилганларга Аллоҳ билмаганларини ҳам ўргатиб қўяди”* ҳадиси шарифи ана шу ҳақиқатга ишора этилгандир. (Абу Нуайм, Ҳилё, X, 15)

Аллоҳнинг оятларини англамоқликка монелик қиладиган кибр, ужб, ҳасад, дунё севгиси каби қалбий касалликлар тасаввуфий тарбия ва тасфия билан шифо топмагунча, Қуръоннинг сирларидан ҳисса олиш мумкин эмасдир.

**“...”** (Аъроф, 146) ояти каримаси буни очиқча ифодалайди.

Демак, маънавий тарбия ва тасфия билан қалб оламида комиликка эришилмаган тақдирда, Қуръон, коинот ва инсоннинг сирларидан лойиқ ҳолда ҳисса олмоқликнинг имкони йўқдир.

### в. Тасаввуф ва Ҳадиси сияр

Ҳадис илми Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўз, феъл, тақрир, яратилиш ва гўзал ахлоқларига доир хусусиятлари ҳақидаги илмдир.

Бошқа Исломий илмлар каби тасаввуфнинг ҳам Қуръони Каримдан сўнгра мурожаат қиладиган иккинчи манбаси ҳадисдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини бутун моддий-маънавий томонлари билан кўрсатиб берадиган ҳадислар тасаввуфнинг шаклланишида катта ўрин эгаллаганлигини идрок қилиш қийин иш эмас.

Зеро зуҳд, вароъ, тақво, эҳсон, тавозе, икром, сабр, шукр, таваккул каби қалбга тааллуқли мавзулардаги ҳадислар тасаввуф аҳлининг мулоҳазалари учун тамал тоши бўлгандир. Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг руҳоний ҳаётлари ва амаллари тасаввуф билан ҳадис илмларини бир-бирига яқинлаштириб, бир бутун ҳолга келтиргандир.

Тасаввуфнинг тафсир илмига муносабатида ифода қилингани каби тасаввуф аҳли Аллоҳга яқинлик ва вуслатни ўзлари учун асосий ғоя деб қараганлар. Бу муҳаббатга Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг изларидан бориб восил бўлишлари мумкинлигини жуда яхши билганлар. Ҳар

соҳада у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишни ўзларига шиор қилиб олганлар ва бу нуқтада ҳам суннатнинг бой хазинасидан қона-қона фойдаланганлар.

Фахри Коинотнинг изларидан юрмоқ учун у зот алайҳиссаломни севиш ва ҳар нарсадан азиз билиш зарурдир. Қуръони Каримда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилмоқ ва у кишини севмоқ лозимлигига оид жуда кўп Ояти Карима мавжуддир. Ҳадислар ва сияр манбаларда бу севгига ва у зот алайҳиссаломга эргашишга доир жуда кўп мисоллар келтирилган.

Хоҳ ибодат ва муомала, хоҳ ахлоқ мавзуларида бўлсин қалбий теранлик, назокат ва зарофат жиҳатидан энг олий шахсият ҳеч шубҳасиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Сияр ва ҳадис китобларимиз бу мавзуни ёритадиган ҳисобсиз намуналар билан тўладир.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бизга қадар етиб келган манбаларда у зотнинг муборак сўзларигина эмас, балки барча амаллари энг нозик тафсилотларига қадар асҳоби киром тарафидан нақл қилингандир. Уламоларнинг, солиҳлар ва машойихларнинг амалларидаги мукаммалликлар ҳам Раҳмат Пайғамбарининг сийратларидан ўрганилгандир.

Жаноби Ҳақ Фахри Коинотни инсониятга мукаммал бир ўрнак сифатида тақдим қилган. Шу боис у зот алайҳиссаломга имкон қадар тақлид қилмоқ ҳар бир мўминнинг зиммасига юкланган бурч ва вазифадир.

Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг шахсиятларини муносиб ҳолда ўз ҳаётларига кўчира олганлар шубҳасиз, танланган инсонлардир. Тасаввуфий ахлоқ учун бир меъёр бўлган бу ҳаракатлар хусусида ҳам аҳлуллоҳ томонидан асарлар ёзиб қолдирилган. Бу ҳам машраби суффиянинг суннат ва ҳадисга мукаммал бир эргашишлик ҳолида бўлганликлари ифодасидир.

Биз худди шу сабабдан, тасаввуф аҳлининг файзли ҳаётларидаги гўзалликларни Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларидан бир кўриниш дейишимиз мумкин. Бу давомийлик ҳам ҳадисларни тўлдиришга ёрдам берувчи бир унсурдир. Шу ўринда тасаввуф аҳлининг ҳол ва ҳаракатлари ҳадиси шарифларнинг шарҳи моҳиятида бўлганлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Ҳадислар шу

тарзда назариётдан амалиётга кўчиб, кейинги даврларда ҳам инсонлар ҳаётида давом этгандир.

Тасаввуф бир илм сифатида ўртага чиқишидан олдин эса, “Китобуз зуҳд” асари ҳадис илми билан тасаввуф орасида бир кўприк вазифасини ўтаган.

Тасаввуф аҳли Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларига тақлид этиб яшаганлар. Бу ҳол ҳадиси шарифларга ишора маъноларини бериб изоҳлаш кабидир. Тасаввуф аҳли бу билан ҳадис илмини янада бойитганлар. Шунингдек, баъзи ҳадисшунослар сўфийларни унчалик эътиборга олмасалар ҳам, уларнинг руҳониятларида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини кўриш мумкинлигини қабул қилганлар.

Тарихимизда Ҳаким Термизий, Қушайрий, Ибн Арабий ва Келабозий каби тасаввуфнинг машҳур сўфийлари ҳадисга доир асарлар ёзганлар. Бунинг акси ўлароқ, муҳаддислар, яъни ҳадис илмининг етук олимлари ўз асарларида сўфийларнинг усулларини эътиборга олган ўринлар ҳам бордир.

Масалан, ҳадис илмида энг буюк мавқега эга бўлган ва Қуръони Каримдан кейинги мўътабар диний манба ҳисобланган ҳадис китобининг соҳиби Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳни эсга олайлик. У киши ривоят қилинадиган ҳар бир ҳадиси шариф учун икки ракат истихора намози ўқиб, ҳадиснинг саҳиҳ эканлигига қалбан қаноат ҳосил қилганларидан сўнг уни ёзиб қўйганлар. [21]

Яна бир буюк муҳаддис Аҳмад ибн Ҳанбалнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан тушларида уч ҳадиси шарифни эшитганлари ривоят қилинади.[22]

### г. Тасаввуф ва Фиқҳ

Луғатда фиқҳ билмоқ, англамоқ ва нозик фаҳмламоқ маъносида келгандир. Исломнинг илк даврларида диний ва дунёвий масалалардаги ҳар бир нарса фиқҳ номи билан ўрганилар эди. Бу илм билан шуғулланганлар “фақиҳ”, яъни “олим” дейиларди. “Фақиҳ” сўзи борлиқнинг ва

21 Ибн Ҳожар, Фатхул Борий, 489.Ҳожар, Tağlîku’t-Ta‘lîk, V, 421.
22 (Матмаъул Ҳадис 110), 110 a-112 b.

ҳодисаларнинг ҳикматидан воқиф, диний мавзуларда тўғри ва нотўғри қарашларни ажрата олишга қодир кишини ифода қилар эди.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ “Фиқҳ кишининг диний жиҳатдан тўғри ва нотўғриларни билмоғидир” деб таъриф қилганлар. Инсоннинг саодати ва ҳалокатига сабаб бўлувчи “Раббини тўғри англамоқ” шиори бу илмнинг энг аҳамиятли томонидир. Имоми Аъзам ҳазратларининг “Фиқҳи акбар” (“Энг буюк фиқҳ”) асарлари ана шу эътиқодий масалалар ҳақида ёзилгандир. Талабалар уни ёд олишган. Бу асар даврлар оша бизнинг замонамизгача етиб келгандир.

Фақиҳларнинг асарларида дастлаб эътиқодий масалалар ёритиб борилар эди. Кейинчалик эса бу хусусдаги илмий фаолият кенгайди. Фақиҳлар эътиқодий ва ахлоқий ҳукмларни фиқҳнинг ташқарисида қолдириб, уни фақат амалий ва қазоий ҳукмлар билан чегаралаб қўйдилар. Бугун биз ҳам фиқҳ хусусида айни шу маънони англаяпмиз.

Тасаввуф инсонлар учун манфаатли бўлган қарашларнинг зоҳирий ва ботиний тарафларини билиб олиб, лозим кўрилганларини бажармоқдир.

Фиқҳ таҳорат, намоз ва рўза каби амалий масалаларнинг зоҳирий шартлари тўғри ё нотўғри эканлигини билдириб туради. Тасаввуф эса қалбни поклаб, уни ҳузур, маърифат ва гўзал туйғулар билан безайди. Бу адо этиладиган ибодатлар янада баркамол бўлиши учун мувофиқ замин ҳозирлаш демакдир. Шу эътибор билан тасаввуфни фиқҳ илмининг руҳоний замини маъносида “Фиқҳи ботин” ёки “Фиқҳи виждоний” ҳам дейилади.

❁

Ҳеч шубҳасизки, фиқҳ илмининг ғояси амалнинг мукаммал, яъни Аллоҳ ҳузурида энг мақбул бўладиган бир тарзда адо этилмоғини таъминламоқдир. Бундай мукаммалликка фақат тасаввуфий тушунчалар берадиган руҳий етуклик билан эришилади. Бу эса фиқҳ ва тасаввуф илмлари бир-бирини тўлдириши ҳақида мулоҳаза юритмоқликни тақозо этади. Зеро тасаввуфнинг асл мақсадларидан бири ҳам инсонни руҳоний ҳақиқатлар чўққисига олиб чиқмоқ, унинг амаллари даражасини мукаммалликка етказмоқдир.

Фиқҳнинг асл ғояси бўлган амалларнинг зоҳирий шартларини таъриф ва тадвин қилиш фақат тасаввуфий етуклик билан амалга ошади.

Масалан, намознинг поклик ва таъдили аркон (рукуъ ва саждани мукаммал адо қилиш лозимлиги) каби зоҳирий шартлари қай тарзда бажарилиши кераклигини фиқҳ илми баён қилиб беради. Фиқҳ илмда ҳатто ният қилмоқ шарти хусусида ҳам сўз юритилади. Зоҳирий шартларга риоя қилинган ибодат қабул бўлиши учун қалб риё, ҳасад каби касалликлардан соғаймоғи лозимдир. Аммо фиқҳ бу маънавий томонларни низомлаштиришга эътибор бермаган. Бунинг низомини ҳам тасаввуф йўлга қўйгандир. Ибодатнинг зоҳири каби ботиний шартларини ҳам тасаввуф тарғиб қилгандир. Чунки фиқҳ илми шариатнинг оддий халққа тааллуқли бир тармоғи бўлганлиги учун фақат зоҳир билан машғул бўлади.

Инсонларнинг шариат доирасидаги вазифалари ҳам зоҳирдан иборатдир. Лекин ибодатларнинг қабул бўлиши ёки қабул бўлмаслиги ёлғиз Жаноби Ҳақнинг ўзига аёндир. У Зот зоҳир каби ботиндан ҳам тўлиқ воқифдир. Ботиний покликни бандасида кўрмоқликни аввалдан мурод қилгандир.

Фақиҳлар намоз, рўза ва ҳаж каби ибодатлар билан бирга никоҳ, талоқ, тижорат ҳамда қасос каби амалларнинг ҳукмларини ҳам синчиклаб тадвин (ислом фиқҳини тартиблаш) қиладилар. Натижада, мутасаввифлар буларни зуҳд, тақво ва ихлос каби маънавий муассирлар билан бирга бажарилишига аҳамият берганларига шоҳид бўладилар.

Қуръони Карим ибодатларнинг маънавий тарафига эътибор қаратиб, бандани зуҳд ва тақвода истиқоматлантиради. Албатта, тасаввуф аҳли фиқҳга беэътибор бўлган ёки фиқҳ илми билан етарлича шуғулланмаган дея олмаймиз. Аксинча, Ғаззолий, Ибн Арабий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Имом Раббоний ва Холид Бағдодий каби жуда кўп мутасаввифлар зоҳирий илмда ҳам салоҳиятли бўлганлар. Улар ҳам буюк фақиҳлар сирасига кирадилар.

Диннинг зоҳирий томонини ҳам, тасаввуфий ҳақиқатларни ҳам мукаммал билмаган баъзи инсонлар айрим вақтларда фиқҳ ва тасаввуф орасида фарқлар бор деб, ўринсиз келишмовчиликларни юзага келтиришган. Аммо комил мутасаввифлар билан ҳақиқий фақиҳлар орасида ихтилоф йўқдир. Ихтилофлар, келишмовчиликлар ҳамда тортишувлар фақат ўзини олим деб биладиган жоҳил кимсалар ва “Мен комилликка етганман” деб ўйлайдиган нодон сўфийлар орасидадир.

***Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят (белги) ларимизни кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Сенинг Раббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя қилмасмиди?! (Фуссилат, 53)***

## 2. ТАСАВВУФ ВА ИЛМИЙ ФАНЛАР

Бир қарашда махсус текширувлар билан исботланадиган илмларнинг тасаввуфга ҳеч қандай алоқаси йўқдек туйилади. Аслида эса ундай эмас.

Борлиқ ва ҳодисалар мавжудлигининг ҳикматига, уларнинг ҳолатига тегишли ғоялар асосида олиб бориладиган илмий фаолиятнинг охири метафизик масалага бориб тақалади. Бу эса илмий фанларнинг тасаввуф билан туташадиган нуқтасидир. Чунки тасаввуф коинотдаги бутун борлиқларнинг сирлари ва ҳикматларини, яъни метафизик тарафларини умумий ҳолда таҳлил етади. Уларни тасбит ва тадвин қилади. Инсонни Аллоҳ ва У яратган жонли, жонсиз нарсалар ҳақида ҳар тарафлама қаноатлантира оладиган савиядаги бир илмга, яъни ҳақиқат иқлимига олиб киради.

Илмий фанлар моддий оламни, яъни “ашёи табиййа” ни (табиий нарсаларни) ўрганади. Бу илмларнинг ҳар қандай моддий мавжудотдаги ҳақиқатлари уларнинг Илоҳий томондан тайин этилган хусусиятларидир. Шунга биноан моддий оламга оид ҳар бир кашф Яратувчининг қудрати ва азаматига бир далил ҳолда ўртага чиқади. Шу ўринда илмий фанлар қайсидир маънода Илоҳий мўъжизаларни тушуниб етишга восита бўлганлигини айтиб ўтишимиз керак бўлади.

Аслида Ислом моддани ҳам метафизик ўлчовлар билан бирга ўрганади. Бугунги замонавий илмий фанлар ҳам ана шу изоҳга яқинлашгандир. Зеро моддий оламдаги ҳар бир кашф янги номаълумликларга эшик очади ва инсон мафкурасини сўнгсиз бир масофага тортқилайди. Моддий олам таъсиридаги бундай фаолиятнинг сўнгида эса, баъзи метафизик ҳодисаларга дуч келинади. Айниқса, бизнинг замонамизда бу

илмлар ақлларни ҳайратда қолдирадиган даражага етиб борганлигини айтишимиз мумкин. Бунинг натижасида физикавий ҳақиқатлар метафизика билан юзлашаётганлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Бу ҳақиқатни фақат моддага боғлаган эски материалистлар эса, худди шу сабабли инқирозга учраганлар.

Ўтган асрнинг тақиқловчи қонунларидан бири "Лавуазия" қонуни ўз кучини йўқотганидан сўнг, фалсафа билан дин орасидаги асосий ихтилофли мавзулардан бўлган "материянинг қадим эканлиги" назариясидан ҳам тўла воз кечилган эди. Модданинг бирламчи эмас, балки тасодифий бир кўриниш ва маълум бир энергия эканлиги атомнинг бўлиниши билан исботланди. Шундан сўнг модда деб қараладиган нарса энергиянинг муайян бир қолипда қамалиб туришидан иборат эканлиги аёнлашди. Бундан ташқари, физика, кимё, биология ва астрономиядаги янги кашфиётлар сабаб Қуръони Каримнинг улвий муҳтавосини (Илоҳий мўъжиза эканлигини) исботлайдиган сон-саноқсиз аниқ далиллар юзага чиқди.

Инсон генлари устида ўтказилган янги кашфиётлар ҳар бир инсоннинг ўз шахсига хос махсус коди борлигини аниқлаган. Бизнинг давримизда амалга оширилган шунга ўхшаш кашфиётлар Илоҳий санъатнинг ақлларни ожиз қолдирадиган ёрқин мисолларидир. Шу сабабли, XIX асрда яшаб ўтган Зиё Пошшо:

*Субҳона ман таҳаййаро фий сун ихил-уқул,*
*Субҳана ман биқудротиҳи я, жизул-фуҳул.*

*"Санъати ақлни ҳайратга соладиган, қудрати билан илмда энг устун олимларни ҳам ожиз қолдирган Аллоҳ таолога ҳамд айтаман"* мазмунидаги ҳикматли байтини ёзиб қолдиргандир. Зеро мусулмонлар Илоҳий санъатнинг ажойиботлари қаршисида доим ожиз эканликларини олдиндан билиб келишган. Ҳатто бу илмий фан кашфиётлари қиёматга яқин мўъжизалар савиясига бориб етиши ҳам мусулмонлар учун сир эмас. Лекин ҳар бир янги кашф инсоннинг ожизлигини ва Илоҳий санъатнинг улуғлигини ҳамда ундаги ҳикматларнинг сўнгсизлигини, уларнинг давомийлигини виждонан англаш заруриятини пайдо қилмоқда.

Зиё Пошшо яна инсоннинг ожизлигини қуйидаги мисраларда гўзал тарзда ифода этгандир:

*Бу кичик бир идрок учун мазмун, маъно шарт эмас,*
*Маъно юкин бу тарози (башар тарозиси) ўлчай олмас, тортолмас.*

Дарҳақиқат, борлиқ сирларини идрок этиш мақсади ила уни таҳлил қилган физикавий ҳақиқатлар охири метафизик хусусиятлар билан юзма-юз келгандир. Бу эса илмий фанларнинг тасаввуф билан алоқаси борлигини инкор этиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Аслида Қуръони Карим ҳам жуда кўп ўринда коинотдаги сир ва ҳикматларга диққатни тортади. Ояти Каримада марҳамат қилинади:

سَنُرِيهِمْ اٰيَاتِنَا فِى الْاٰفَاقِ وَ فِى اَنْفُسِهِمْ حَتّٰى يَتَبَيَّنَ لَهُمْ
اَنَّهُ الْحَقُّ اَوَلَمْ يَكْفِ بِرَبِّكَ اَنَّهُ عَلٰى كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ

**“...?!”** (Фуссилат, 53)

Бу оятдаги “уфқлар” калимаси инсонни қуршаб турган ташқи оламга, “ўз нафслари” ифодаси эса, инсоннинг жисмоний ва руҳий яратилишидаги ҳикматлару сирларга ишора қилмоқдадир.

Аллоҳ таоло бандаларини ғафлатдан уйғотиш учун Ояти Карималарда шундай дейди:

**“...”. (?)**

**“...”.** (Ҳаж, 22)

**“...”.** (Духон, 38, 39)

Ҳақ таоло бу қудрати Илоҳийларини билдирганидан сўнг, инсонларни ҳам бошқа борлиқлар каби маълум бир мақсад учун яратганлигини қуйидаги оятда шундай баён қилади:

اَفَحَسِبْتُمْ اَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَ اَنَّكُمْ اِلَيْنَا لاَ تُرْجَعُونَ

**“...?!”** (Мўминун, 115)

Кичик бир заррадан тортиб улкан нарсаларнинг ҳар бир заррасигача Илоҳий санъатнинг ажойиботлари мавжуддир. Асоси инсон бўлган тасаввуф бу ҳақиқатларнинг куллий (умумий) бир моҳият билан ёпили-

шини таъминлайди. Тасаввуфий қарашлар пайдо бўлишининг аввалида эса, “зикриллоҳ” туради. Зеро тасаввуф инсонни риёзат ҳамда қалбга доир вазифалар орқали камолга етказадиган феълий ва илмий бир фандир.

Қуръони Каримда моддий оламнинг ҳикматларига диққатни тортиш ва уларни таъкидлаб баён етиш учун оятлар савол йўли билан берилгандир. Илмий фанлар моддий оламнинг бундай ҳикматларини ўз фаолият соҳасига сиғдира олмайди. Чунки улар ашёларнинг фақатгина физикавий хусусиятларини қамраб олади. Шунинг учун, ҳикматни ҳам ўз ичига олиши мумкин бўлган бир қудратга эҳтиёж бордир. Бундай қудрат бу илмларнинг салоҳият ва имконларидан юқорида бўлиши лозимдир. Бу эса руҳий тамринлар (руҳий сокинлик) бўлиши билан бир қаторда қалбнинг ҳис қилиш қобилиятини кучайтиришни тақозо этади. Инсонга ана шундай ўзгача бир имкон ва салоҳият бахш этувчи мустасно бир уфқ эса тасаввуфдир...

Маълумки, дунё мутасаввифларнинг назарида Асмои Илоҳиййанинг зоҳир бўладиган еридир. Унинг ичидаги ҳар бир борлиқ буюк бир санъат мўъжизасидир. Кундалик ҳаётда кўпчилигимиз рўбарў бўлиб тушунмай ўтиб кетадиган ҳодисаларимиз ҳақида жилд-жилд китоблар ёзиш ҳам камлик қилади. Масалан, тут баргини жайрон еса, у мушкка айланади. Агар уни ипак қурти ейдиган бўлса, ундан ипак ҳосил бўлади. Шундай қилиб, ҳар вақт коинот ҳақида мушоҳада қилганимизда, у биз англай олмайдиган ажойиботлар билан тўла эканлигини тушунамиз. Униб чиққан гиёҳларга, очилган гулларга ва мева берган дарахтларга ибрат назари билан қаралса, уларнинг тупроқдан оладиган ранг, ҳид, таъм каби хусусиятлари ҳақида фикр қилинса, Илоҳий қудратнинг бундай кўринишлари қаршисида ҳайратланмоқдан ўзга илож қолмайди. Қисқаси, мутасаввифлар коинотдаги ҳеч бир нарсанинг беҳуда яратилмаганлигини фақат сўзлар орқалигина эмас, балки бутун қалблари ила қабул қила олганлар.

Қуръон ва инсон каби коинот ҳам Жаноби Ҳақнинг Асмои Илоҳиййасининг зарралари ила майдонга келгандир. Барча илмий фанлар ана шу жиҳатдан ушбу зарраларнинг коинотдаги зуҳурлари бўлган одатуллоҳнинг ҳикматларини изламоққа мукаллаф қилингандирлар. Бу мукаллафиятнинг ижросида эса, мутлақ бир ожизликка маҳкумдирлар. Фақат маънан баркамолликка эришган, ҳақиқий ишқнинг талабларига қалбан молик бўла олганларгина бу сир ва ҳикматларни тушуниш борасида илмий фанлар етиб борган босқичдан илгарилаб кета оладилар. Илмий фанлар ана шу жиҳатдан тасаввуф билан бирлашади...

***Турк адабиётини дунёга келтирган ва уни камолот чўққисига етказган илм тасаввуф илмидир.*** *(Ниҳад Соми Банарли)*

## 3. ТАСАВВУФ ВА АДАБИЁТ

Асл фаолият соҳаси кўнгил олами бўлган тасаввуф кенг қамровли фикр ҳамда бетакрор жўшқин туйғуларни маълум бир услуб ва сўз орқали сатрларда акс эттиргандир. Қанчадан-қанча қалблар ўзлари англаб етмаган маънавият оламига ана шу сатрлар воситасида кириб борганлар. Тасаввуф фақат кўнгилларнигина маънан бойитиб қолмасдан, ўзи етиб борган комиллик воситасида адабиётнинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшган. Адабиётимиз ана шундай жиҳатлар сабаб инсон дунёқараши уфқларини кенгайтира олгандир. Кўнгиллар тубига ва тафаккур кенгликларига закийлик ҳамда нозик бир шуур ила боқа олгандир. Худди шу йўл ила юксак бир бадиийлик чўққисига кўтарила олгандир.

Адабиёт тарихимизда “Такка адабиёти” номи билан юритиладиган содда шаклдаги адабий асарлар ҳам учрайди. Бу асарлар лирик ва таълимий (дидактик) турларга бўлинади. Уларда диний-тасаввуфий қарашлар етук бир шаклда акс этгандир. Аллоҳнинг Биру Борлигини мадҳ этувчи ҳамд, У Буюк Зотга жўшқин илтижоларни ифодаловчи муножот ва Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломга ҳис қилинган ишқ, муҳаббат ҳамда ҳижрон мавзусидаги наът каби адабий турлар халқнинг маънавиятини қувватлантиришда муҳим ўринни эгаллаб келгандир. Шунингдек, бундай адабий турлар дардли ҳамда ҳорғин кўнгилларга таскин бериш, инсонларни гуноҳ, исён ва ғафлатдан узоқлаштириш, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлиш, жамият барқарорлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлгандир.

Юнус Эмронинг мўғул истилолари давридан бошлаб замонамизга қадар етти асрдан буён ўз таъсирини йўқотмай келаётган шеърлари халқнинг иршод ва тасалли манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мутасаввифлар бу хилдаги адабий маҳсулларни элга тақдим этиш орқали Илоҳий жўшқинлик ва шавқни кенг халқ оммасига етказганлар. Шу

сабабли, уларнинг маънавий қадриятлар барҳаёт бўлиб қолиши йўлидаги хизматлари беқиёсдир. Хўжа Аҳмад Яссавий, Ҳожи Байрам Валий, Ашраф ўғли Румий ва Азиз Маҳмуд Худойи қуддисаллоҳу асрораҳум Ҳазароти бу йўлнинг бошловчиларидир.

Аруз вазнида ёзган ва санъаткорона услуби билан эътиборни тортган шоирларнинг асарлари эса, янги йўналишдаги адабиёт юзага келишига сабаб бўлган. Бу даврда насрдан фарқли ўлароқ назмий асарларнинг муваффақияти кўзга ташланган. Назмий асарларнинг бу муваффақияти ортидан "Девон адабиёти" юзага келган. Бу даврдаги адабий намуналарда ҳам тасаввуфий теран тафаккурнинг жуда катта таъсири сезилади. Айниқса, шеъриятдаги жуда кўп рамзлар орқали тасаввуфий нозикликлар юксак бир завқ ила моҳирона бир шаклда ифода этилган.

Адабий турлар ўзига хос руҳий бир жўшқинликни ифодалаш нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланган. Аллоҳ таолони мадҳ этган ҳамдларда оташин бир руҳнинг сўнгсизлик уфқлари томон қанот қоқишини сезасиз. Айниқса, мутасаввиф шоирларнинг ҳамдлари кўнгилга бутунлай ўзгача бир файз беради. Уни иймон фазосининг сайёҳига айлантиради.

Наътлар эса Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган ишқ ва муҳаббатнинг мисраларга тўкилган қайноқ тараннумларидир. Кўнгилларга чизилган муҳаббат суратларидир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга туйилган беқиёс таҳассур (ҳасрат) ва иштиёқ Фузулийнинг наътида қандай гўзал ифода қилингандир:

*Хоки пойина етай деб, бир умрки муттасил,*
*Бошини тошдан- тоша уриб кезар авора сув...*

*(Сувлар Раҳмат Пайғамбарининг оёқлари тупроғига (оёқлари теккан, юриб кезган муборак тупроқ) етайин деб, умр бўйи ҳеч тўхтамай бошларини тошдан- тошга уриб оқмоқдадирлар).*

Мавлоно, Фузулий, Ноилий, Наҳифий, Шайх Ғолиб ва бошқа бир қанча шоирлар ўз асарларини тасаввуфий нашъадан озуқаланган бир кўнгил иқлимида майдонга келтирганлар.

❁

Бу тафсилотлар шуни кўрсатадики, тасаввуфий маъно теранлиги адабиётни янада юксалтириб, ҳақиқатда ажиб бир хазинага айлантир-

гандир. Кенг халқ оммасининг бундай етук маънавий ҳолдан завқланишларига сабаб бўлган шеърият ва адабиётнинг хизматини таърифлаб бериш жуда мушкулдир. Адабиёт тарихчиси Ниҳод Соми Бақарли ҳам бу ҳақиқатни “Турк адабиётини дунёга келтирган, уни камолот чўққисига етказган илм тасаввуф илмидир” деган сўзлар билан ифодалагандир.

Дунёвий бир шоир ўлароқ танилган Надимнинг ана шу ҳақиқатлар чўққига чиққан бир даврда наът битмоғи ва Тавфиқ Фикрет каби бир шоирнинг аввало ҳамдлар ёзиш ила машҳур бўлмоғи бу ҳақиқатнинг асл кўринишларидир.

Бошқача айтганда, адабиётнинг ва хусусан шеъриятнинг инсонларни маълум бир туйғуларга эга бўлишга интилишлари ва тафаккур этишлари учун қўлланилиши мақтовга сазовор бир ҳол эканлиги ҳадиси шариф орқали ҳам собит бўлгандир.

Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо Пайғамбар алайҳиссаломнинг бу мавзуга эътибор қаратганликлари хусусида шундай ривоят қиладилар:

“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айнан шоир Ҳассон бин Собит учун масжидда бир минбар қўйдирдилар. Ҳассон унга чиқиб ўтирар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳажв қилганларга шеър билан жавоб берарди”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу шоир ҳақида *“Аллоҳ таоло Ҳассонни, у Аллоҳнинг Расулини ҳимоя қилган муддатича Руҳул Қуддус билан мададлантиради”* дердилар. (Термизий, Адаб, 70; Абу Довуд, Адаб, 87)

Бу ҳадисда Жаброил алайҳиссаломнинг шеър айтаётган Ҳассон розияллоҳу анҳунинг ёнида бўлганлиги ҳамда Ҳақ йўлидаги шоирга Аллоҳ тарафидан илҳом бахш этилганлиги ва Илоҳий мададга ноил бўлганлиги баён қилингандир.

***Асосий пойдевори тасаввуф билан йўғрилган, яъни раҳм-шафқат, ҳассосият ва теранлик иқлимида барпо этилган санъатлар маданиятларнинг тараққиётига омил бўлганлиги тарихимиздан маълумдир.***

## 4. ТАСАВВУФ ВА ГЎЗАЛ САНЪАТЛАР

Санъат қалбий теранлик ва туйғулар аксининг мушаҳҳас ҳолга келмоғи (шарҳланмоғи) дир. Қайси соҳага тааллуқли бўлишидан қатъи назар барча санъатлар шубҳасиз инсон руҳидаги тафаккур ва ҳис қилишни маълум бир шаклда намоён этади. Санъатда нозиклик ва зарофат руҳий теранлик билан ёнма-ён ҳолатда сайр этади.

Асосий пойдевори тасаввуф билан йўғрилган, яъни раҳм-шафқат, ҳассосият ва теранлик иқлимида барпо этилган санъатлар маданиятларнинг тараққиётига омил бўлганлиги тарихимиздан маълумдир. Дарҳақиқат, тараққий этган миллатлар фақат сиёсат, иқтисодиёт ва ҳарбий соҳалардагина эмас, илм ва санъатда ҳам мумтоз бир мавқега эришганлар. Зеро тарихимизни ҳам ана шундай беқиёс кашфлар безаб турибди. Бизнинг бу гўзал санъатларнинг жуда кўп соҳасида намоён бўлган тасаввуфий мотивларнинг барчаси ҳақида сўз юритишга на кучимиз ва на имконимиз етади. Шунинг учун бу ўринда тасаввуф таъсирида пайдо бўлган баъзи соҳалар хусусидагина қисқача тўхталиб ўтамиз.

### а. Мусиқа

Ислом инсон табиатида мавжуд бўлган хусусиятларни инкор этмаган ва уларни мукаммал бир суратда тартибга келтирган улуғ бир диндир. Инсоннинг табиий хусусиятлари зоҳир бўладиган бадиий санъатнинг турларидан бири мусиқа санъатидир. Унинг яратилиши ва бошқа хусусиятлари на бутунлай рад этилган, на тўлиқ қабул қилингандир.

Мутасаввифлар мусиқанинг инсонга ижобий таъсири бор эканлигини инкор этмаганлар. Уни Исломий қоидалар ва Исломий ахлоқ доирасида қўллаш лозимлигини таъкидлаганлар. Улар мусиқага улвий

бир мақсад берганлар. Яъни мусиқа нафсни эмас, руҳни озиқлантириши лозимлигини айтганлар. Бу сифатга лойиқ кўрилганларини мақтаб, бундай сифатга уйғун бўлмаганларини рад этганлар.

Ҳақиқатан, хайрга йўналтирилган мусиқий товушлар ҳамда ғазал, қасида, илоҳий каби манзумаларнинг мусиқа билан бирга айтилиши руҳий жўшқинликни орттиради. Инсонлар бундай улвиятдан (улуғликдан) завқ оладилар. Бу уларнинг руҳан юксалишларига ҳам сабаб бўлади. Тингловчининг ибодат ва тоатга бўлган рағбатини оширади. Аллоҳни ёдига солади. Инсонга гуноҳлардан сақланишига куч беради. Қалбга соф туйғулар ва файз бахш этадиган куйларни вақти ва жойига қараб тингламоқ албатта фойдадан холи эмасдир.

Мусиқага шу нуқтаи назардан ёндашган мутасаввифлар кўп асрлар давомида бошқа воситалар билан бир қаторда санъатнинг бу соҳасидан ҳам фойдаланганлар. Шу билан бирга мусиқанинг “Тасаввуф мусиқаси” номи билан маълум бўлган бир бўлими пайдо юзага келишига сабабчи бўлганлар.

Бу баҳсда мусиқанинг маънавий бир тарбия воситаси ўлароқ қўлланилишига бутунлай қарши чиққанлар ҳам бўлгандир. Ундан тўлиқ маънавий восита сифатида фойдаланиш таҳдидли ҳолат эканлигини илгари сурганлар ҳам учрагандир. Иккинчи қарашни ҳимоя қилганлар торли мусиқа асбобларини рад этишган. Улар фақат зарбли оҳанг чиқарадиган мусиқа асбобларига ижозат берилиши лозимлигини билдирганлар. Бунга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жангларда аскарларнинг қаҳрамонлик туйғуларини жўштириш ва уларни жасоратга ундаш учун қилган ҳаракатларини далил қилиб кўрсатганлар.

Биз ҳам бу хусусдаги тортишувларни бир четга қўйиб, гўзал оҳанглар ва товушларга шаръий ўлчовлар ичида изн берилганлигини баён этиш билан кифояландик. Ҳатто бундай оҳанглар бетакрор гўзал эканлиги ҳам эътироф этилгандир. Шунингдек, гўзал овоз соҳиблари бўлган муаззинлар янада кўп жамоатни жомеъга жалб қилишга васила бўлганликларини ҳам барча инсонлар жуда яхши биладилар. Зеро Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг азон айтадиган кишини танлашдаги мақсадлари ҳам айнан мана шу маънода бўлгандир.

Масжидга даъват шакли қандай бўлиши кераклиги маслаҳатлашилган кунларда азон ҳақида туш орқали хабар қилинади. Азоннинг қандай

айтилишини ўрганиб олиш ва уммати Муҳаммадга биринчи бўлиб хабар бериш шарафи Абдуллоҳ бин Зайд ҳамда Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳумога насиб этади.

Бироқ Сарвари Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам азонни улар эмас, Ҳазрати Билол розияллоҳу анҳу айтишларини буюрдилар. У зот алайҳиссалом бу билан биз учун ҳам аниқ бир мезонни кўрсатиб бердилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг машҳур муаззинлари Билоли Ҳабаший ҳаётлари давомида бу вазифани адо этганлар. Бунинг сабаби у кишининг овозлари кўркам ва гўзал бўлганлигидир.

Бошқа воситалар каби мусиқанинг ҳам ўзига хос томонлари мавжуд. Бироқ биз уларни фақат яхшиликка қаратилган деб айта олмаймиз. Бизнинг давримизда мусиқа кўпинча нафсоний орзуларга қизиқтириш учун қўлланганлигини кўришимиз мумкин. Аслида бундай сабабларга асосланиб мусиқани бутунлай ман этиш ҳам тўғри бўлмайди.

Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳунинг муридларидан бири бўлган Хўжа Мусофир шундай дейди:

“Хўжа Баҳоуддин Ҳазратларининг хизматларида эдим. Бу пайтда мусиқага жуда берилгандим. Кунларнинг бирида муридлар ўзаро келишиб турли хил мусиқа асбобларини топиб келдик. Сўнг устознинг мажлисларида мусиқа чалиб, у зотнинг бу борадаги фикрларини билмоқчи бўлдик. Шундай қилганимизда, у зот бизга “Биз бу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам этмаймиз” деб айтдилар”.

Шоҳи Нақшбанд қуддуса сирруҳу бу жавоблари билан мусиқага берилиш нафсоний йўлни танлашга олиб бориши мумкинлигига ва бундай нозик масалада эҳтиёт бўлиш зарурлигига ишора қилмоқдалар. Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб бу мувозанатни сақлай олмаган инсонлар тасаввуфнинг ўзагидан узоқлашиб бормоқдалар. Уларнинг иши қуруқ мусиқадан иборат бўлиб қолаётганлиги ачинарлидир. Бу масалада ҳассосият нақадар муҳимлигини янада яхшироқ тушунишга эҳтиёж туғилмоқда.

### б. Меъморчилик

Гўзал санъатлар ичида кўзга кўринган соҳалардан бири шубҳасиз меъморчиликдир. Меъморчилик ҳисоб (математика) ва ҳандаса (геометрия) илмларининг кўнгилга завқ берадиган юксак бир туйғулар ила



уйғунлашмоғидир. Бошқача айтганда, зеҳний ва руҳий истеъдодларнинг муштарак ҳолда тош ва тахталарда жамлаб кўрсатилмоғидир.

Меъморчилик соҳасида катта ютуқларга эришишда ҳам тасаввуф муҳим бир ўринда бўлганлиги маълумдир. Биз агар Сулаймония жомеъ масжиди ва куллиясини тасаввуфий теранлик ила таҳлил қиладиган бўлсак, албатта, у ерда Ислом руҳи акс этганлигини, кўзларни қамаштирувчи руҳоний муҳташамлик борлигини ва баъзи тасаввуфий мотивлар рамзий бир услубда моҳирона ишланганлигини кўрамиз.

Яна бир мисол марказий қуббанинг атрофига жуда мукаммал бир шакл берилганлигидир. Бино ердан аста-секин юксалиб боради. Охирида эса муаззам “Воҳид” га етишади. Марказий қуббанинг ярим қубба билан ва бошқа қуббалар билан уйғунлиги тасаввуфдаги “Ваҳдатда касрат, касратда ваҳдат” “Бирликда кўплик, кўпликда бирлик“ сирининг муҳташам тарзда берилишидир.

Дарҳақиқат, Сулаймония жуда гўзал маъно ва иноят занжиридир. Бу занжир орқали кўплаб босқичлар сўнгида муаззам “Воҳид” га етиб бориш акс эттирилгандир. Жомеъ яккаю ягона Зот бўлган Аллоҳга етишишнинг, яъни Воҳиддан (яккаликдан) яна қайта касратга (кўпликка) қайтишнинг беқиёс гўзал тарзда нозиклик билан ишланган рамзидир.

Бу буюк қубба орқали рамзий шаклда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилгандир. Чунки қуббанинг вазифаси Сулаймония жомеъ масжидида тиловат этилган Қуръони Каримни ва шу ерда қилинган дуоларни ифодалашдир. У кузатаётган кишида гўё Аллоҳ Расули Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Буюк Мавлодан олган амрларини умматларига таблиғ этишларини намоён қилаётгандек таассурот қолдиради.

Шижоат ва буюк эътибор билан бунёд этилган бу тенгсиз обида сукунат ва асолат (асллик) ила мукаммал бир кўринишда бирлашган. Шу тарзда оҳангли бир сулуэт (шакл ва нарсаларни текис юзада яратилган бир хил кўринишдаги тасвири) бино бўлган. Жомеъи шарифнинг кўк сари кўтарилган миноралари қўлларини дуога очиб, Аллоҳга илтижо қилаётган Ҳақ ошиғини эслатади.

Жомеъ ичидаги ҳаво ҳам инсоннинг руҳий ҳолатига ўзгача бир ҳузур беради. Бу ибодат масканини зиёрат қилишга келган турли дин-





ларга мансуб кишилар ҳам бу ердаги руҳоний муҳитнинг жозибасига ром бўлиб тўхтаб қоладилар. Руҳиятлари ором ичра тин олади.

Ривоятларга кўра, бу муаззам иншоотнинг қурилиши Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан туш олами орқали олинган амр асосида бошлангандир. Меъморий жиҳатдан жуда мукаммал тарзда қурилган бундай иншоотларнинг меъморлари уларни то қиёматга қадар туришини ният қилган ҳолда барпо этганлар.

Бошқа бир тарафдан сўфийларнинг масканлари бўлган даргоҳлар, остоналар ва иморатхоналар ўзига хос кўриниши билан Ислом шаҳарларининг манзарасига ўзгача бир файз бергандир.

Булар каби катта-кичик жуда кўп меъморчилик намуналарининг аксариятида фонийлик, оддийлик, тавозе ҳисларининг ифодасини кўриш мумкин. Улар тасаввуфий ахлоқни ва тариқат арконларини таъриф этадиган, ошиқча ҳашаматсиз бир масканлар шаклида қурилгандир. Бундай меъморий асарлар ҳам моддага сингдирилган маъно ва руҳоният кўринишлари билан тўладир.

**в. Ҳуснихат**

Ҳуснихат Қуръони Карим ҳарфларини нафосат мезонларига биноан энг гўзал бир шаклда ва санъат даражасида ёзмоқ демакдир. Қуръони Каримни нозик ҳислар уйғотувчи гўзаллик билан ёзишдир. Шу боис бу бетакрор санъатга фақатгина риққатдан (нозикликдан) туғилган санъат дея таъриф беришимиз мумкин.

Тарих саҳифаларига мурожаат этадиган бўлсак, таккалар ва даргоҳлар ҳам хаттотлик санъатининг ривожланишида муҳим ўрин тутганлигини кўрамиз. Тасаввуфий муҳитларда доимо хаттотлик санъатига қизиқиш кучли бўлган. Улар бу санъатни ўз ҳимоялари остига олганлар. Бундай жойлар жуда кўп ҳуснихат устодлари етишиб чиққан таълим масканларига айланган. Чунки инсонларга ҳақиқатда руҳий сокинлик улаша оладиган, музайян бир нақш каби бўлган бу хат санъатининг ҳар бир намунасини суннатга мувофиқ келадиган фитрий ҳолатга (поклик ҳолатига) кириб ёзиш керакдир. Бу эса хаттотдан покиза бир қалбга эга бўлишни талаб этади.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, хаттотлик санъатида камолга етиш буюк сабр ва таслимият талаб қилади. Хаттотлар иши жуда

машаққатли бир ишдир. Улар доимо комил бир устозга эҳтиёж сезадилар. Хаттотлик санъати ана шундай жиҳатлари сабаб тасаввуф билан муштаракликни талаб этади.

Масалан, қўпол ва асабий бир инсон бирор бир қоралама ёзув ёзса, у ёзув арранинг тишларидек хунук бўлиб чиқади. Бурчаклари қўпол ва синиқ чизиқлар каби кўринади. Чунки у инсоннинг руҳи изтиробдадир. Тасаввуфнинг ғояси эса, нафсларни ислоҳ этмоқдир. Руҳни нафс зулмидан қутқариб, унга нозиклик, ҳассосият ва ҳузур бермоқликдир. Дарҳақиқат, хаттотларнинг руҳий олами ана шундай ҳузур ва оромга, ҳассосиятга муҳтождир. Зеро ҳуснихат фақат ёзув ёзиш санъати эмас, айни замонда руҳларни дидли ва фаросатли бўлишига эришмоқдир. Кўнгилни маънавий туйғулар билан парваришлайдиган санъатдир.

Ҳақиқатан, ҳам руҳий қувватлантириш санъатда доимо буюк ижодкорларнинг етишиб чиқишига замин тайёрлагандир. Хаттотлик санъатининг етук устозларидан бўлган Шайх Ҳамидуллоҳ, Аҳмад Қораҳисорий, Ясоризода, Мустафо Роқим каби инсонлар тасаввуфий муҳитдаги руҳ тарбияси сабаб камолга етишган шахсиятлардир. Тасаввуфий тарбияда етишган бундай шахсиятларнинг руҳий теранлиги ва фидокорлигини кўрсатган мана бу мисол қандай ҳам ибратлидир:

Сулаймония жомеъининг қубба ёзувларини ёзиш вазифаси хаттот Қораҳисорийга топширилганди. Қораҳисорий жомеънинг муҳташамлигига ярашадиган бир шаклда битириш учун фавқулодда ғайрат билан иш бошлайди. Бу иш шу даражага етадики, хаттот охирги чизиқларни тугатганида кўзларининг нури ҳам тугайди. Оламни кўриш ойнаси ёпилади.

Жомеъ битказилиб ибодат учун очилаётган пайтда Султон Сулаймон Қонуний:

“Жомеъи шарифни ибодатлар учун очиш шарафига уни мана шундай муҳташам шаклда қурган ва меъморларимизга бош бўлган Синон афанди муносибдир” дейди.

Бу беқиёс санъатидан аввал тавозуни ўрганишни бошлаган меъмор Синон худди шу лаҳзаларда хаттот Қораҳисорийнинг фидокорлигини эсга олади. Унинг зоҳир амалларда ҳам ўхшаши йўқлигини ва қалбий етукликда ҳам тенгсизлигини таърифлаб, Султонга камтарлик билан шундай дейди:

“Ҳукмдорим! Хаттот Қораҳисорий бу жомеъи шарифни ўз ёзувлари билан зийнатлар экан, кўзларини фидо этди. Бу шарафни унга бахш этинг!..” Шунда Сулаймон Қонуний у ердагиларнинг кўз ёшлари ичида жомеъи шарифни очишни хаттот Қораҳисорийга буюради.

Хаттотлик санъати маълум бир қоидаларга риоя этиладиган маънавий ўлчовлар соясида тараққий этиб борган эди. Шу жиҳатдан Қуръони Карим ва Хулёи Шарифа ёзиш бир чўққидек қабул қилинганди. Анъана ўлароқ фақат ҳуснихат санъатининг чўққисига чиқа олган хаттотларгина Қуръони Карим ва Ҳуляи Шарифа ёзар эдилар. Бу ноёб асарлар шу сабабли руҳларни ва кўнгилларни титрата олган. Ўзининг ҳайратга солувчи жозибаси орқали “Ўқи” амрига ишқ ҳамда завқ ила жавоб бериш василаси бўлган.

Ихлос тўла бир тушунча ва хизматнинг барокати бўлган бу санъат толибларга асрлар бўйи текин, ҳеч бир тўловсиз равишда ўргатиб келингандир. Чунки орага ҳеч қандай моддий манфаатлар аралашмаган. Ҳар бир хаттот бу йўлдаги илмни етказиш хизматини ўз санъатининг закоти деб билган.

❁

Хулоса шуки, *“...Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни яхши кўради...”* (Муслим Иймон, 147) ҳадиси шарифидан ҳисса олган ҳар бир мўмин гўзалликка бепарво бўла олмайди.

Инсон шундан келиб чиқиши ва ўзининг ички оламидаги гўзалликлар боис кибрга берилмаслиги лозимдир. Бу гўзалликларни диннинг асосига мувофиқ ҳолда, эстетик қадриятлар савиясида ифода қилмоғи эса, ғоят табиий бир ҳаракатдир. Шу томонлама Исломий одобга уйғун бу санъатларнинг барчаси доимо тасаввуфий муҳитдагиларнинг ҳимоялари остида бўлган.

Тафаккур ва кўнгил дунёсининг тераникларида тасаввуф билан бирлашган жуда кўп гўзал санъатлар ўз мотивларига тааллуқли тасаввуфий қадриятлар соясида янада юксак бир эстетик дидга, моҳиятан улуғворлик даражасига етди.

***Кўнгил дунёсининг маънавий ҳис-туйғуларисиз, фақат идрокнинг ёрдами ила сўнгсиз ҳақиқатлар оламига кириб боришнинг асло иложи йўқдир.***

## 5. ТАСАВВУФ ВА ФАЛСАФА

Илмий фанлар борлиқни ва ҳодисаларни бирма-бир таҳлил этишга, уларнинг хусусиятларини умумий қоидалар сифатида ифодалашга ҳаракат қилади. Биз буларни “табиат қонунлари” деб биламиз. Бу илмлар илгари сурган барча қонунларни бирлаштирувчи ва уларни инсониятга янада умумий қоидалар ҳолида жамлаб берувчи илм ва тафаккур (инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли) эса, “фалсафа соҳасини” ташкил этади.

Шу жиҳатдан илмлар илми ўлароқ қараладиган фалсафа фанининг ҳақиқатга етишиш мақсадида мурожаат қиладиган ягона воситаси ақлдир. Фалсафий оқимларнинг ҳаммаси ҳам ақлни фалсафанинг бир тармоғи бўлган “рационализм” сингари илоҳ даражасига кўтармаганлар. Баъзи файласуфлар эса, ақлни ҳақиқат излашнинг ягона воситаси сифатида қабул қилганлар.

Ислом ақлни мукаллафият (ибодатларни бажаришга бурчли бўлиш) нинг ошкора шартларидан бири деб ҳисоблайди. Шу билан бирга Исломда ҳақиқатларга эришиш учун фақат ақлнинг ўзи кифоя қилмаслиги ҳам таъкидланади. “Ақлий” деб саналадиган фалсафанинг асоси айни чоғда “нақлий” эканлиги ҳам асослангандир. Исломда тасаввуф улвий бир тушуниш ва мукаммалликни излаш дея тан олингандир. Метафизик ҳақиқатларни билиб олиш орқали “кашф” га қадар етиб борган фалсафанинг фикрий фаолияти “насс” га (очиқ Илоҳий ҳукмга) боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Яъни асосий тасаввуфий тушунчаларнинг бирорта шаръий асосга боғлиқ бўлиши фикрий фаолият ҳам нақлий эканлигини қабул қилишни талаб этади. Ақл ҳам очиқ Илоҳий ҳукмлар каби бир ҳикмат ва илм сифатида қўлланса-да, Исломий ҳукмлар чиқаришда фақат унинг ўзига асосланиб иш кўриш жоиз саналмайди. Шунинг учун, Исломда

ақл мукаммал бир фойда келтиришга йўналтирилиши, ваҳий ёрдамида тарбия қилиниши ва шулар асосида камолотга етказилиши лозимдир. Зеро бу йўлни тутиб кашфга қадар етиб бориш ва қалбий амалларга боғлиқ ҳолда ҳақиқатларга эришиш барча учун жоиздир дейилмайди. Буни оммавий тарзда қабул қилиш ҳам талаб этилмайди. Бу ҳақиқат "Кашф аҳлининг кашфи фақат ўзи учун далилдир. Бошқага далил бўла олмайди!" дея ифодаланади. Бироқ ақлнинг қуввати ва салоҳияти тугаган жойда ҳақиқат ҳам ниҳоясига етади дея даъво қилиб бўлмайди. Ана шу нуқтадан бошланадиган ва сўнгсизлик қадар давом этадиган ҳақиқатларга эришишнинг яна бир тамойили йўққа чиқарилмайди. Чунки бу фитрийдир. Шу сабаб динда ҳам, диндан ташқари тафаккурларда ҳам ҳақиқатга етишнинг бу томонини четда қолдириб бўлмайди.

Маълумки, метафизик масалаларга оид фалсафий тушунчалар муаззам бир куллиётни (фанлар тўпламини) ташкил этади. Аммо файласуфлар фақат ақлга суянганлари учун ўзаро мунозаралардан қутула олмаганлар. Ўртага чиққан ҳар бир файласуф фаолиятини ўзидан олдин ўтганларни инкор этиш ва танқид қилиш билан бошлагандир. Бунда менлик туйғуси ва ўз даъвосини илгари суриш асосий ўринга чиқади. Бунинг асл сабаби эса, ақлнинг зиддиятлардан холи бўла олмаганлигидир.

❁

Дарҳақиқат, ақл бир пичоқ кабидир. У инсонларни ёмонлик қилишга ҳам ундай олади. Солиҳ амалларга ҳам йўналтиради. "Ахсани тақвим" га (банда ета оладиган энг юксак савияга) ҳам ақлнинг ёрдамисиз эришиб бўлмайди. Аммо кўп ҳолларда инсонни "бал хум адалл" га (идрок қилиш жиҳатидан ҳайвондан ҳам пастроқ даражага) туширувчи ҳам ақлдир. Демак, ақлни интизом остига олиш лозим бўлади. Бу интизом эса, ваҳий тарбиясидир. Агар ақл ваҳийга (Аллоҳ таолонинг диний кўрсатмаларига) мувофиқ тарзда назорат қилиб борилса, инсон хотиржамликка эришади. Мабодо инсон бу кўрсатмаларни назорат қилишдан чалғиса, фалокатга қараб кетади. Шунинг учун, ақл ризойи Илоҳийга мувофиқ истиқоматда бўлиши лозимдир.

Ўтмишда баъзи золим кишилар ҳам заковат чўққисига кўтарила олганлар. Бироқ улар ўзларининг ёвуз қилмишларидан заррача бўлса ҳам афсусланмаганлар. Зеро бу зулмкор кишилар учун ўзга инсонларга жабр етказиш ақлли бир ҳаракат каби эди. Бағдодга кириб келиб, Даж-

ланинг сувларида 400 минг бегуноҳ инсонни чўктириб ўлдирган Хулогу ҳеч ҳам виждон азобини чекмаган эди. Ёки Маккада Исломдан олдинги даврда қулдор қулини сўйиб юборса ҳам асло виждони қийналмас эди. Уларнинг назарида ўтин кесиш билан қулни сўйишнинг ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди. Ҳатто буни табиий бир ҳол ва машруъ амал деб билардилар.

Бу инсонлар ҳам ақл-идрокли инсонлар бўлганлар. Бироқ улар ваҳийнинг тарбияси остида бўлмаганликлари учун адашган эдилар. Чунки бундай тарбиядан узоқ бўлиш инсонни адаштиради. Ҳисобсиз жиноятларга бошлайди. Гуноҳ ишларга кўл уришни ҳам оддий бир ҳолат қилиб кўрсатади. Бундай ақл виждонларни кўр қилади. Раҳм-шафқат, марҳамат, ачиниш каби ҳислардан тўсади. Файласуф арбоблар ҳар нарсани ақл билан изоҳлашга ҳаракат қилганлари учун на ўзларини ва на жамоани иршод қила олганлар. Зотан ақл ҳамма ишни кўра оладиган даража қудратли бўлганида, ҳидоят раҳбарлари бўлган пайғамбарларга эҳтиёж қолмас эди. Шу нуқтаи назардан ақл ваҳийнинг раҳбарлигига муҳтождир.

Бу ҳақиқатнинг моҳиятини англаган баъзи файласуфлар ақлнинг ожизлигини эътироф этганлар. Ҳақиқатни излаш учун бошқа воситаларга мурожаат қилганлар. Шундай файласуфлардан бири француз файласуфи Хенри Бергсон (1859-1941 йилларда яшаган) дир. Интуитивизм ва ҳаёт фалсафаси намояндаларидан бўлган бу файласуф “ҳадс” (интуиция, ғайриихтиёрий ҳис, фаҳм-фаросат) ни ҳақиқатга етишишнинг воситаларидан бири ўлароқ қабул қилгандир. Бу сўз “сунуҳоти-қалбия” деб аталган мукошафа аҳлига хосдир. Уларнинг қалбий амалларининг номланишидир.

Бергсон тасаввуфдаги қалбий амаллар ёрдамида қалб поклигига эришган соликнинг маънавий етуклигига ва маълум бир руҳий босқичда муваффақ бўлган ҳақиқатларига эътироз билдириш асоссиз эканлигини таъкидлайди. Тасаввуфий амаллар орқали етиб бориладиган ҳақиқатлар лаборатория тажрибаларига бўйсунмаслигини исботлашга уринади. Бу фалсафанинг кичик бир қисмининг динга ва пировардида тасаввуфга мойиллик хусусияти борлигини кўрсатади. Кўпинча файласуфлар ҳақиқатга етишиш учун ақлдан бошқа бирорта ҳам воситани қабул қилмаганлар. Улар аксарият вақтларини бир-бирларига қарама-қарши бўлган ҳолда ўтказганлар. Анбиёлар ва уларнинг меросхўрлари мавқе-

ида бўлган авлиёлар эса, фақат битта манбадан (ваҳийдан) илҳом йўли орқали файзланганлари учун бир-бирларини тасдиқлаб келганлар.

Буюк Ислом мутафаккири Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейдилар:

“Ўзим олиб борган фалсафий тадқиқларим ва танқидий изланишларимдан сўнг, ҳақиқатларнинг моҳиятига етишда бу илмнинг ўзи етарли эмаслигини тушуниб етдим. Ақл ҳамма нарсани қамраб ололмаслигини, ҳар қандай масаланинг жумбоғини ечолмаслигини англадим”.

Ғаззолий ҳазратларининг ақл ва маърифат орасидаги ҳолларини Нажиб Фозил Қисакурак бир асарида шундай таърифлайди:

“Исломнинг ҳужжати” унвонини олган буюк мутафаккир инсон... У ўзининг онг ва идрокка алоқадор барча илмий ишларини бир четда қолдириб, ҳақиқий маърифат истиқоматига йўналди. Ана шу вақтда “Ҳамма нарса пайғамбарлар Пайғамбарининг руҳоний файзига сиғинмоқдан иборат эканлигига гувоҳ бўлдим. Бундан бошқаси фақат ёлғон ва хаёлдир!..” деган мулоҳазасини билдирди. Ақл эса, чегараланган бир ҳечдир! Жаҳон тенгини билмайдиган бу улуғвор кўринишли инсон жами қалқонларини туширib, пайғамбарлар Пайғамбарининг руҳоний файзига сиғинди. Ҳудудсиз бир руҳий оламни шу йўсинда топа олди”. (Валийлар ўрдаси, 213 б)

Дарҳақиқат, чегараланган бир ақл билан фақат маълум бир нуқтага қадар кўтарилиш мумкин. Аммо барча ҳақиқатлар шу чегаралар ичидаги мазмундан иборатми? Бундан бошқа ҳеч қандай ҳақиқат йўқми? Бу саволларга жавобни фалсафа сингари ғайритабиий тафаккур деб қараладиган, бироқ ваҳий манбасидан озиқлангани учун ундан тамоман ажралиб турадиган тасаввуфнинг кўнгил дунёсидан топиш мумкиндир.

Аллоҳ таоло Ўзи яратган махлуқотидан бири бўлган инсоннинг сифатларини жуда яхши билади. Ақл шунга кўра ҳақиқат йўлидан бориши ва ваҳийга оғишмай амал қилиши керакдир. Ақл эриша оладиган сўнгги нуқтадан ташқарида эса, кўнгил олами ва кашф йўли бордир. Бу оламдаги руҳий баркамоллик ва маънавий ҳисларсиз фақат ақлнинг ўзи билан абадий ҳақиқатлар оламига кириб бўлмайди.

***Билмоқ сайр этмоқ эмас, Ҳикмат ва сирни ечмоқдир.***

## Ж. ИЛМИ НАФИЙ (ФОЙДАЛИ ИЛМ)

Соғлом идрокнинг томир отишига ва бир нарсани ҳар томонлама аниқ билиб олишга **“ирфон”** дейилади. **Ориф** эса, ўзи эга бўлган билимларнинг тубидаги сир, ҳикмат ва Илоҳий зуҳурларга воқиф бўлган ирфон соҳиби демакдир. Бундай етукликка эришолмаган илм эгалари “Олимдир, бироқ ориф эмасдир” дейилади. Бу каби олимларнинг илми собит бир китоб кабидир. Омбордан олиб экилган уруғнинг униб чиқишини ана шу ҳолатга ўхшатиш мумкин. Уруғ фақат тупроққа тушганидан сўнггина намлик сабаб кўкариб чиқишга имкон топади. Ўзини инкишоф этади. Кўкка бўй чўзади ва томир отиб кўпаяди. Шундай бир тарзда эгалланмаган билимлар ҳам фикр уйғотиш ва зеҳндан қалбга ўтиб туйғуларни теранлаштиришга муваффақ бўлолмайди. Шунинг учун, бундай билимларни “китобий билимлар” дейилади**.**

Ўз ўрнида ва тўғри бир усулда қўлланилган тақдирдагина ҳар бир илм фойдали бўлиши ҳақиқатдир. Бироқ инсоннинг икки дунё саодати ва ободлиги учун бу илмларни фақат зоҳирдагина эгаллаши кифоя қилмайди. Ислом бу хатоларни бартараф этиш учун илмнинг фақат хайрли ўринларда қўлланишини истади. Унинг ёмонликка восита бўлишига йўл қўймади. Шу мақсадда кўнгил дунёсини **“илми нафий”** билан зийнатлади.

Дарҳақиқат, марҳум Моҳир Из Хўжа афанди ҳам қалб тубидаги кечинмалардан маҳрум илмнинг нуқсонли бўлишини ва бу нуқсонни бартараф этишнинг ягона чораси маънавий иршод кўриш эканлигини ифода қилиб шундай дейди:

“Қийлу қол (зоҳирий илмлар) ни доимо бир нуқтада тўплашнинг имкони йўқдир. Илмий тадқиқ ҳеч қачон четга суриб қўйилмаса ҳам, асл ҳақиқатдан воқиф бўлмоқлик фақат ўз аҳлининг иршоди орқалигина мумкин бўлади. Шу сабабдан, ўзимнинг ирода зинапояларимни йўл

четидаги бир ишора билан файзи Сомийга (маърифат осмонига кўтарилиш) меърож учун боғладим". (Йилларнинг изи, 396. б)

Ҳақиқатан, маънавий тарбия натижасида эришилган қалбий етуклик инсон идрокини зоҳирий илмлар орқали еру осмон туташган чегарага олиб чиқади. Бу чегара **"маърифат"** уфқидир. Бундай натижа фақат баъзи тасаввуфий тамринлар соясида қўлга киритилади. Буюк бир олим бўлган инсон ҳам бу уфққа етиб борганидан сўнг, ўз ожизлигини англайди. Илми сабаб кибрга берилишдан, манманлик касаллигидан қутулади. Унинг битмас-туганмас ва мураккаб ҳақиқатлар тимсолига тўғри очиладиган тафаккури ҳайратга ва зариф туйғуларга тўлади. Агар ақли салийм ила фикр юритилса, билмоқ фақатгина зоҳирни сайр этмоқ эмаслиги аёнлашади. Бу ҳикмат ва сирни ечмоқ эканлигини тушуниш мумкин бўлади. Ҳақиқатан ҳам, маърифат буюк низомнинг ҳақиқатини англаш ва Илоҳий сирларга огоҳ бўла олмоқликдир.

Ҳазрати Мавлоно инсоннинг абадий саодати учун лозим бўладиган маърифатуллоҳ илмини қўлга киритмоқнинг аҳамиятини ва ундан узоқ бўлганларнинг ғамгин оқибатини қуйидаги ҳикояда жуда гўзал тарзда баён этадилар:

"Бир наҳв олими (тилшунос олим) кемага чиққан эди. Сафар асносида илмига мағрур ҳолда кемачи билан суҳбат бошлади. Кемачига бир қанча савол берди. Ундан "билмайман" деган жавобни олди. Илми билан фахрланган ҳолда "Афсус! Жаҳолатинг сабабли умрингни ярмини бекорга кетказибсан" деб истеҳзо қилди. Бу хил камситишлар кўнгли тоза кемачини ранжитди. Шундай бўлса ҳам, у ўзини вазмин тутди. Наҳвчига бир сўз демади. Шу лаҳзаларда денгизда тўлқин кучайиб, кемани гирдоб ичига торта бошлади. Барчалари бундан хавотирга тушдилар. Кемачи наҳв олимига қараб, "Эй устоз, сузишни биласизми?" деб сўради. Наҳвчининг юзи оқариб кетганди. У даҳшат ичида титраб, "Йўқ, билмайман..." деди. Буни эшитган кемачи ғамгин бир овозда "Наҳв билмаганим учун менинг умримни ярми кетибди, аммо ҳозир сузишни билмаганингиз учун сизнинг умрингизни ҳаммаси бекор кетди. Чунки кемамизнинг бу гирдоблардан қутулиш имкони йўқ. Эй наҳвчи! Бу дарёда наҳвдан кўра сузишни билиш янада фойдали эканлигини билмасмидингиз?.." деди.

Бу қиссадаги наҳв илмидан мурод зоҳирий (дунёга оид) илмлардир. Асл фойдали илм эса, инсоннинг қидирганларига, истакларига жавоб бера оладиган илмдир. Инсониятнинг энг буюк хоҳиши ҳам, ўз вужуди орқали руҳнинг абадий саодатини таъминламоқдир. Бу Аллоҳ ризосига эришмоқ билан боғлиқдир. Аллоҳнинг ризоси эса, комил иймон ва солиҳ амаллар ёрдамида қўлга киритилади. Қиссадан ҳисса шулки, бу фоний вужуд кемаси ўлим гирдобида изтироб чеккан вақтда (дунё билан видолашиш лаҳзалари бўлган ўлим яқинлашган вақтда), асл эҳтиёжга жавоб бермай яшалган, ирфонга айланмаган руҳсиз, қуруқ, фақат нафс роҳатига хитоб қилувчи билимлар фойда бера олмайди.

Шундай экан, ажал келмасидан олдин Аллоҳ ризосини топишга ёрдам бера оладиган барча илмларнинг таърифу тавсифини билмоқ лозимдир. Чунки вужуд кемаси ўлим билан олишаётганида, тупроққа кўмиладиган таннинг роҳатигагина ярайдиган илмлардан мадад кутиб бўлмайди. У лаҳзаларда “қалби салиймга” эҳтиёж бордир. Қалб эса ажал келмасидан аввал нафс тўсиқларини бартараф этиши ва ана шу сифатга лойиқ бўла олиши керак. Бу босқичга етолмаганлар бундай кенг бир дарёда нажот топа олмайдилар. Нафсини ўлган деб биладиган, ўзини ғурур, кибр ва дунё ҳавасидан қутқара олганларни эса, дарё мисоли бўлган бу олам бошида кўтариб юради. Уни ҳалокатдан қутқариб қолади. Бу ҳолатни:

*“Ўлмасдан аввал ўлинг!”* ҳикмати жуда ёрқин бир шаклда ифодалайди. Биз бунинг моҳиятига етишимиз ва ўзимизнинг ботинимиздаги нафсоний тамойилларни энг паст даражага туширишга ғайрат қилишимиз лозим.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу инсон нафсоний хоҳишларини бартараф этиши кераклиги ва вақт-вақти билан ўзини муқораба қилиши лозимлиги хусусида шундай дейдилар:

حاسبوا انفسكم قبل ان تحاسبوا

*“Илоҳий маҳкамада ҳисобга тортилмасингиздан аввал нафсингизни ўзингиз ҳисоб-китоб қилинг!”* (Термизий, Қиёмат, 25) деган огоҳлантиришни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бир олим киши шундай ривоят қилади:

“Юзларидан нур ёғилиб турган бир жамоат ичида Имом Ғаззолийни кўрдим. Устида ямоқ кийим, қўлида обдаста бор эди. Унга:

-Эй Имом! Бағдоддаги Низомия мадрасасининг бош мударрислиги бундан яхшироқ эмасмиди?” - дедим. У менга маъноли боқиб:

–Ирода самосида саодатли тўлин ой пайдо бўлгач, ақл қуёши вуслат (етмоқ) йўлини кўрсатди. Шу сабаб бу йўлни танладим, - деб жавоб берди. (Муҳаммад б. Абдуллоҳ ал-Хони, Адаб, с.9)

Шунинг учун ҳам, инсонни дунё ва охиратда саодат ҳамда осойишталикка етакловчи энг таъсирли илмни, Аллоҳни гўзал бир суратда танимоқ илмини ўрганмоқлик керакдир. Солиҳ амалларни ақл, виждон ва қалб масъулияти билан энг мукаммал даражада бажармоқлик лозимдир. Чунки бундай маъно теранлиги ва баланд идрок мавжуд бўлмаса, манфаатли илмларнинг кўплаб моддий ёки маънавий томондан зарарли натижаларини бартараф этиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, илми нафий бир уфқдир. Агар кишида бу зеҳният бўлмаса, илмлардаги истифода имконлари ҳам қуввадан феълга айлана олмайди. Аксинча, бирор ёмонликка восита бўлади. Бу ҳолатдан қутулмоқнинг ягона чораси қалбни илми нафий билан камолга етказиб, нафс хоҳишини ўлдирмоқдир.

Чунки илми нафий етуклигидан маҳрум одам ҳақ бир йўлдан кета олмайди. Масалан, ҳуқуқ таҳсилини олган инсон адолатли бўлиш ўрнига бир жаллодга, тиббий таълим олган инсон даволаш ўрнига қассобга айланиши мумкин. Илмий қобилиятига қарамай, марҳамат ва муҳаббатдан маҳрум бир бошқарувчи эса, қўл остидагиларга фақат заҳрини сочади. Бундай одамлар илм соясида осонлик билан бир жоҳил жоҳиллиги сабаб берадиган зарардан ҳам баттарроқ зарар бера оладилар.

Юнус Эмро шундай дейди:

*Илм олмоқдан мурод,*
*Ҳақни танимак эрур.*
*Ўқиб уқмаган бўлсанг,*
*Бу қуруқ эрмак эрур!..*

Албатта, ҳар бир инсон дунё ва охират ишларида муваффақият қозониш, моддий ҳамда маънавий томонлама камол топиш учун турли илмларни ўрганади. Бунда энг аввало илми нафий ойдинлиги ва кўн-

гил теранлигига эҳтиёж туғилишини эса унутмаслик лозимдир. Зеро инсонни ғурур ва кибрга етаклайдиган, охир-оқибат ҳалокат гирдобига ташлайдиган бир илм зоҳиран фойдали бўлса ҳам, ҳақиқатда ҳалокатдан бошқа нарса эмасдир. Шунинг учун, Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаноби Ҳақдан илмни доимо бир дуо ила сўрар эдилар. Яъни у зот алайҳиссалом *"Ё Раббий! Сендан илми нафий (фойдали илм) сўрайман! Фойдаси бўлмаган илмдан Сенга сиғинаман!.."* деб дуо қилардилар. (Муслим, Зикр, 73)

Тасаввуф илмининг ҳам асоси саналадиган илми нафий бандани зуҳд, тақво ва эҳсон билан зийнатлантириш ғайратидир. Илми нафий ила зийнатланганларнинг илми маърифат даражасига етгандир.

Ҳазрати Мавлоно шундай дейдилар:

*"Фақат зоҳир олими бўлганлар соҳаларига кўра геометрия, астрономия, шифокорлик ва фалсафанинг нозикликларини биладилар. Аммо булар кўз очиб юмгунча келиб кетадиган, шу фоний дунёга оид илмлардир. Бу илмлар инсонга осмоннинг еттинчи қаватига, яъни меърожга чиқадиган йўлни кўрсата олмайди".*

*"Нафсларига қул бўлган ғофиллар Аллоҳга олиб борадиган водийлар ҳақида ҳеч нарса билмайдилар! Аллоҳга элтадиган тариқат илмини биладиганлар кўнгил аҳли бўлган орифлардир. Улар буни идроклари ила эмас, балки кўнгиллари ила билиб оладилар!"*

Илми нафийдан (илмдаги қалбий етукликдан) маҳрум одамлар қандай илмни ўргансалар ҳам, энг буюк ҳақиқат бўлган Ҳаққа етишишдан маҳрум бўлиб қолаверадилар. Илм қулоқ ҳамда зеҳндан қалбга тушган ва қалбга сингган тақдирдагина соҳиби учун гўзал бир манзарани ҳосил қилади. Фақат шундай бир илмгина суратдан сийратга кўча олади. Яъни гўзал ахлоқ, солиҳ амал ва Аллоҳ қўрқуви зафар қозонишига сабаб бўлади.

Жаноби Ҳақ Ояти Каримада шундай марҳамат қилади:

**"..."** (Тоҳа, 114)

Илм бандaнинг тақвоси ва ҳошият туйғулари (ҳайрати) нинг даражасига қараб ортиб боради.

Зеро Қуръони Каримда яна шундай дейилади:

**"..."** (Фотир, 28)

اِنَّمَا يَخْشَى اللهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمٰؤُا

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам *“Ичингизда Аллоҳ қайтарганлардан энг кўп сақланганингиз (энг тақводорингиз) ва Уни энг кўп билганингиз менман”* дейдилар. (Бухорий, Имом, 13. Адаб, 72)

Салама ибн Язид Жуъфий розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

“Эй Аллоҳнинг Расули! Мен Сиздан жуда кўп ҳадиси шариф эшитдим. Фақат кейин эшитганларим олдин эшитганларимни унутдиришидан қўрқяпман. Менга ҳаммасининг ўрнини босадиган жомеъ (бир жойга йиғувчи) янглиғ бир сўз айтинг” дедим. *У зот алайҳиссалом “Билганларинг хусусида Аллоҳга тақво қил! (Ва уларга амал қил!) Шу сенга етади”* дедилар. (Термизий, Илм, 19/2683)

Демак, илм соҳибининг кўнглига илм етиб бормаган бўлса, у ўз соҳибига Аллоҳни севдира олмаган ва соҳибини Унинг қўрқуви билан яшатмаган бўлса, бу илм соҳибини фақат зоҳирий олим деб биламиз. Бундай олим ҳақиқий бир олим саналмайди.

Имом Ғаззолий қуддуса сирруҳу фақат зоҳирий илмлар билан машғул бўлган, Раббисини унутиб умрини “қийлу қол” (зоҳирий илмларга машғул бўлиш) билан ўтказган кимсаларга шундай хитоб қиладилар:

“Эй ўғил! Калом, мантиқ, балоғат, шеър, сарф, наҳв ва шунга ўхшаш илмларни ирфонга ўтказа олмаган бўлсанг, ҳайф сенга! Қўлингда Аллоҳ жалла жалолуҳу Ўзига ибодат қилишинг учун берган умрни зое қилишдан бошқа нима қолди ?!.”

Ҳақиқатан ҳам, бандани Ҳақ ҳузурида зарарга учратадиган, жаннатга ва Аллоҳ таолонинг жамолига мушарраф этишга фойдаси тегмайдиган бир илм нимага ҳам ярар эди? Инсонни охирида Иблисга, Балъам ибн Боурга, Ҳорунга ўхшатган, унинг қалбини ғурур, кибр, манманлик, бошқаларга юқоридан қараш ва ниҳоят, Ҳаққа исён қилиш каби ёмон сифатлар билан тўлдирган бир илмга илм дейиладими? Асло!

Ислом буюклари илмни шундай таърифлайдилар:

*“Илм идрок қилмоқдир. Идрок юзага чиқмай туриб, илм ҳақиқий илм ҳисобланмайди. Бу идрокнинг интиҳоси эса, маърифатуллоҳдир.*

*Ана шу жиҳати билан маърифатуллоҳ бутун илмларнинг ўзагидир. Бошқа илмлар бу илмга яқинлиги даражасида қадрга эга бўлади".*

Ҳазрати Мавлоно шундай баён қиладилар:

*"Ҳунарли ва билимли одам яхшидир. Бироқ иблиснинг ҳаракати инобатга олинса, унга кўп қиймат бериб бўлмайди! Зеро иблисда ҳам билим бор эди. У Одамнинг тупроқдан яратилганига гувоҳ бўлди. Бунинг фақат зоҳирини кўрди. Аммо ҳақиқатини кўра олмади".*

*"Қанча илм, ақл ва англаш бордирки, ҳақиқат йўлчисига тўсиқ қўяди. Унинг йўлига ғов бўлади. Шунинг учун, файласуфларнинг шарридан сақланган аҳли қалбгина жаннатий бўла олганлар. Эй ғофил! Ғурурдан, ўзингга бино қўйишдан қутул! Кераксиз нарсаларни устингдан отиб ташлагинки, сенга ҳам ҳар лаҳза Илоҳий раҳматлар ёғсин!"*

Ҳеч бир инсон фақат ақли билангина ҳақиқатга етиша олмайди. Зеро коинот ақл билан таҳлил этилганда, ҳисобсиз муаммоларга рўбарў келинади. Ақл дунё ишларини кўришда фойдалидир, бироқ у Илоҳий ваҳийдан файзланмаган тақдирда ҳақиқат йўлида кифоясиздир. Ҳақиқатга етишмоқ йўли ақлга биноан ўтиладиган иймон ва ишқ йўлидир.

Ваҳий орқали тарбия қилинган соғлом муҳокама ҳақиқат томон боришда бандани маълум бир нуқтагача етказа олади. Бу нуқтанинг нариги томонидаги сир ва ҳикматларнинг идрокида эса, фақат кўнгил қанотлари билангина ҳаракатланиш мумкиндир.

Ҳақиқатлар ва сирлар оламининг кашфида ақлнинг ўрни тор бир эшикка ўхшайди. Шунга қарамай, ақлнинг ёрдамисиз ирфонга етишмоқ мумкин эмасдир. Ақлга суянмаган инсон "ориф" га айланиши мушкулдир. Ақл ўз соҳибини ёлғиз ҳолда "ирфонга" ноил қила олмайди. Ақлнинг сатҳида қолиб, динни комил маъноси ила идрок қилиш мумкин эмасдир. Зеро ақл ердан ишқ сари кўтарилиб боришдаги биринчи поғонадир. Ҳазрати Мавлоно бу босқичларни босиб ўтаётган инсонга *"Мустафонинг олдида ақлни қурбон қил"* дейдилар.

Ҳаққа бориладиган йўлда ақл ниҳоя топганидан сўнг, кўнгил важдига эҳтиёж бордир. Аҳлуллоҳ бу борлиқ денгизидан ишқ ила ўтганликларини ифода этадилар. Дарҳақиқат, бу ишқ оҳангларига қулоқ тутсак, улар вуслат важди сабаб шовуллаган ишқ оҳанглари эканлигига амин бўламиз. Аҳлуллоҳ наздида бу вайронага айланган дунёнинг қийма-

ти йўқ бўлгандир. Истиғроқ ҳолидаги ишқнинг нашъаси уларни ўраб олгандир. Шунинг учун улар доимо асл ғояга йўналадилар.

Аллоҳнинг валий бандалари, ҳар бири бир ахлоқ обидаси бўлган пайғамбарлар нафсларни тарбиялаш вазифаларини шахсан ўзлари инсонлар орасида яшаб кўрсатиб берганлар. Кўнгил оламининг буюк шахсиятлари бўлган бу авлиё зотлар ортларидан эргашганларга тўлиқ ўрнак бўла олганлар.

Қалб кўзи очилган мўмин ҳар ерда Раббисининг Илоҳий тажаллилари борлигини мушоҳада этади. Бу ҳол каромат эмас, балки ирфонга айланган бир илмдир. Кўнгилдаги ҳақиқий ишқнинг маҳсулидир. Ҳақ дўстлари ҳам борлиққа Илоҳий ишқ етказган ана шу етуклик ила боқадилар. Коинот Илоҳий қудрат тажаллилари ичра намоён бўлаётганлиги ҳақида фикр юритадилар. Инсонни, ашёларни ва коинотни ўз сиру ҳақиқати ила кўрадилар.

Агар илм қалбдаги бир тикан каби бўлса, унинг ғояси бўлган гулнинг ҳидини қандай билиш мумкин?! Шамоллар, ирмоқлар ва тоғларнинг тилини англай олмаганлар ҳаёт завқини қандай туйсинлар? Гуллар, дарахтлар, чечаклар, қуртлар ва қушлардан ибрат ололмаганлар тириклик тотини қайдан билсинлар?! Улар сўзлаётган Илоҳий санъатни ҳис этолмаслик маънавий олам етук эмаслигининг бир аломатидир.

Саъдий Шеърозий кўнгилларни ҳикматга йўналтириб, илми нафийга шундай даъват этадилар:

*“Кўзи очиқ кишилар назарида дарахтларнинг яшил япроқлари ҳам бир девондир. Ахир ҳар бир зарра Жаноби Ҳақнинг Илоҳий санъатини кўрсатаётганини кўрмаяпсизми?”*

Коинот Илоҳий нашъанинг манбаидан тўлиб-тошган тажаллилардир. Инсон деб аталадиган жумбоқ ҳам, Илоҳий завқнинг мукаммал бир жилвасидир. Инсонни улвий шавққа тўлган бир қалб соҳибига айланишигина камолотга етказа олади. Ҳаллож тошбўрон қилинаётганида ҳам, комил бир қалб излади. Ўз дўсти гул отганидан (кичик бир тошча отганидан) надомат чекди. У шундай аҳволда кетди.

Зеро коинотдаги ҳар бир зарра ва ҳар бир лаҳза бизга Илоҳий нашъадан янги хабар йўллайди. Гўдакнинг кулишидан бир капалакнинг қанот қоқишигача, булбулнинг фарёдидан баҳорнинг ранг ва ифор жумбушига

қадар ҳамма-ҳаммаси Илоҳий нашъанинг минг бир кўриниши бўлмай нима бўлсин?!

Дарҳақиқат, илми нафийнинг энг жозибадор бир усули коинот китобини кўнгил кўзи билан ўқимоқликдир. Оламнинг ҳикмат, ибрат ва Илоҳий зуҳурлардан иборат эканлигининг идрокига етмоқликдир.

Аллоҳ таоло ҳам Ояти Карималарда:

**“...”.** (ад-Духон, 38)

**“...?”** (ал-Мўъминун, 115) деб буюрмоқда.

Шунга биноан ҳар бир илм инсонни ўз яратилишининг мақсадига мувофиқ тарзда ибрат ва ҳикмат сари етакламоғи, коинотдаги Илоҳий эҳтишом (улуғворлик, буюклик) ни тафаккур қилиш ила Яратувчига элтмоғи лозимдир. Жаноби Ҳақ табиатни руҳга шодлик улашадиган ранго-ранг чечаклар билан зийнатлади. Ҳатто буларга эътиборсиз бир тарзда кўз ташлаган кишининг руҳида ҳам, бу ранг-баранглиқнинг инъикосини кўриш мумкин бўлади. Зеро у инсоннинг юзи ана шу инъикос сабаб бирдан ёришади. Наботот дунёсини ўрганадиган ботаника фанида ҳам илми нафий етуклигига эриша олган бир мўминнинг қалби бутун инсониятнинг юзида табассум уйғотадиган бир гулзор ҳолига келади.

Илоҳий санъатни намоён этадиган бошқа бир сирлар хазинаси эса, инсон вужудидир. Бу хазинани кашф этиш орқали илмини илми нафий ҳолига келтира олган бир табиб Яратувчиси сабабли ўз беморига Илоҳий қудрат қаршисида ҳис этиладиган ҳайрат ила тавозе, раҳм-шафқат ва ҳурмат кўрсатиб қарай олиш фазилатига эришади.

Бошқа томондан бир инсон илмда ва дунёвий мавқеларда юксак нуқтада бўлса ҳам, бундай уфққа ета олмаганлиги унинг учун барибир нуқсон саналади. Зеро бир илмнинг қиймати дунё ва охиратда фойдаси тегадиган қалбий етуклик ҳамда ахлоқий мукаммаллик билан ўлчанади.

Юқорида айтилганидек, илми нафийнинг йўли баъзи бир маънавий хислатларнинг кўнгилдан жой олмоғидан иборатдир. Яъни қалб нафс, риё, кибр, бахиллик, таъма, мансабпарастлик каби барча ёмон сифатлардан покланмоғи шартдир. Кейин эса кўнгил тақво, ҳушуъ, марҳамат, сабр, шукур, тавозе, қаноат, зуҳд, парҳезгорлик, Ҳаққа таваккул каби ахлоқи Муҳаммадия билан муттасиф бўлмоғи (тўлмоғи) зарурдир.

Имом Раббоний ҳазратлари илми нафий ила яшалган иқлим ва ҳудуд ҳақида шундай баён қиладилар:

“Эй дин қардошларим! Ҳаммамизга энг керакли бўлган нарса эътиқодимизни Китоб ва суннатга кўра тўғирламоғимиздир. Бидъату залолат аҳли ўз ботил ҳукмлари ҳамда эътиқодларини Китоб ва суннатга уйғун деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, уларнинг эътиқодлари ҳақ ва ҳақиқатдан фарсаҳ-фарсаҳ узоқлардадир.

Диннинг ҳукмларини, ҳалол ва ҳаромни, фарз, вожиб ҳамда суннатларни билмоқ, уларни амали солиҳлар суратида татбиқ этмоқ лозимдир. Фақат булар комил маънода амалга ошиши учун ҳар доим қалбни тасфия қилиш ва нафсни тазкиялаш зарурийдир. Зеро эътиқод тўғри бўлмаган тақдирда, диний ҳукмларни билишнинг бирор бир манфаатли жиҳати йўқдир. Диний ҳукмларни билмаган тақдирда эса, уларга амал қилишнинг фойдаси бўлмайди. Амал қилинмаган тақдирда қалбни тасфия қилиш ва нафсни тазкиялашнинг ҳам ҳеч қандай нафи тегмайди. Тасфия ва тазкия амалга оширилмаган тақдирда эса, эътиқод, амал ва илмдан ҳеч бир манфаат етмайди...

Ана шу энг муҳим асослар ёрдамида яратилган бир заминда илм ва ахлоқ инкишоф ила илми нафий доирасига қадам қўяди. Шундан сўнггина моҳиятан маърифат даражасига етади.

**Эй Раббимиз! Бизларни доимо илми нафий билан ризқлантирмоғингни сўраймиз. Фойдаси бўлмаган ҳар турли илмдан Сенга сиғинамиз!.. Бизларни илми ила амал қиладиганлардан айла! Илмини ирфон ҳолига келтириб, маърифатуллоҳ самоларига юксалган ва ўшандай меърожингга восил бўлган бахтиёрлардан айла!..**

**Амийн!..**

# ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ТАСАВВУФИЙ ТАРБИЯ (САЙРУ СУЛУК)

**А. НАФС ВА УНИНГ ТАЗКИЯСИ**

1. Нафснинг моҳияти
2. Нафснинг тазкияси
3. Нафснинг мартабалари
   - *а) Нафси Аммора*
   - *б) Нафси Лаввома*
   - *в) Нафси Мулҳима*
   - *г) Нафси Мутмаинна*
   - *д) Нафси Розия*
   - *ж) Нафси Марзия*
   - *з) Нафси Комила*

**Б. ҚАЛБ ВА УНИНГ ТАСФИЯСИ**

1. Қалбнинг моҳияти
2. Қалбнинг турлари
3. Қалбнинг тасфияси
   - *а)Ҳалол озуқа*
   - *б)Истиғфор ва дуо*
   - *в)Қуръон ўқимоқ ва унинг аҳкомига тобе бўлмоқ*
   - *г)Ибодатларни ҳушуъ билан қилмоқ*
   - *д)Тунлари бедор бўлмоқ*
   - *ж)Зикриллоҳ ва муроқаба*
   - *з)Расулига муҳаббат ва саловати шарифа*
   - *е)Тафаккури мавт (Ўлимни тушунмоқ)*
   - *к)Солиҳ ва содиқлар билан бирга бўлмоқ*
   - *л)Гўзал ахлоқ соҳиби бўлмоқ*
4. Мусаффо бир қалб билан оламга боқиш

**В. ТАСАВВУФИЙ ТАРБИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ АСОСЛАРИ**

**Г. МУРШИДИ КОМИЛ ВА ИРШОД МЕТОДЛАРИ**

1. Муршиди Комил
2. Иршод усуллари
   - *а)Муҳаббат робитаси*
   - *б)Суҳбат*
   - *в)Хизмат*
   - *г)Таважжуҳ*
   - *д)Дуо*

**Д. ТАСАВВУФИЙ УСЛУБ**

1. Ҳидоят ва раҳмат услуби
2. Ҳилм ва шафқат услуби



***Дарҳақиқат, ким пок бўлса, нажот топадир.*** *(Ал-А'ла: 14)*

# ТАСАВВУФИЙ ТАРБИЯ (*Сайру сулук*)

***Тасаввуф Ҳазрати Пайғамбарга ворис бўлган ҳақиқий мураббийлар томонидан нафс тарбияланадиган ва қалб тасфия қилинадиган маънавий бир мактабдир.***

Инсонлар истеъдод ва иқтидор жиҳатидан ҳар хил савияда яратилгандирлар. Тасаввуфий тарбияда энг аввал соликнинг қалбий истеъдоди ва иқтидори инобатга олинади. Бундай тарбия усулида мижозга ҳам эътибор берилади. Чунки мижозни тўлиқ ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун мижоз Илоҳий амрлар ёрдамида тарбияланади. Сўнг мақсад қилинган етуклик томонга йўналтирилади. Тасаввуфда ҳар бир соликка худди рақамли кўзойнаклар танлангани каби ҳар бир киши учун алоҳида ва бир-биридан фарқ қиладиган тарбиявий усулларни қўллаш йўли танлангандир. Шариатда эса, умумий ва барча учун бир хилдаги қоидалар тартиб этилган. Бу икки ҳолат ўртасида бирон зидлик ёки хилофлик борлигини гумон қилиш нотўғридир. Зеро тасаввуф-шариат муносабати машҳур мисоллар орқали компасга ўхшатилгандир. Бу мисолларда компаснинг собит (ҳаракатсиз) оёғи шариатга, ҳаракатли оёғи тасаввуфга қиёслангандир. Компаснинг икки оёғи орасидаги бўшлиқ эса, муҳотобнинг (тарбияланаётган кишининг) мижози ва истеъдодига кўра кенгайиши ёки торайиши мумкин.

Бошқа томондан тасаввуфнинг бу ҳассос йўл-йўриқлари Аллоҳнинг амр ва наҳийларига риояти иқмол этган (муносиб тарзда риоя қилган) инсонлар амал қиладиган вазифалардир. Шу сабабли, ҳақиқий мутасаввифлар зоҳирий оламларини ислоҳ этганлар. Ички оламлари етуклигига диққат қилганлар. Улар зоҳирдаги камолотни ботиний кашфлар орқали юксалтириш ҳаракатида бўлганлар. Зеро зоҳирнинг ислоҳи ва камолоти ҳам муҳим саналади. Бироқ энг асосийси ички оламни (қалбни) ислоҳ қилиш ва камолотга етказишдир. Чунки ҳаракатларни ирода вужудга келтирса-да, иродани йўналтирадиган нарса ҳис-туйғулар эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Туйғуларнинг ўрни эса қалбдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маънавий тарбияда қўллаган ҳассос дастурларидан бири муҳатобларининг камчилигини ўзларига юклаб огоҳлантириш бўлгандир. У зот алайҳиссаломнинг жуда кўп ҳоллардаги *“Менга нима бўлдики, сизларни бундай кўряпман”* шаклида ворид бўлган қавллари бунинг бир мисолидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор бир одамдан салбий маънодаги номаъқул бир сўз етиб келганида, “Фалончи нима учун бундай деган экан?” деб айтмаганлар. Балки “Инсонларга нима бўлаяптики, улар шундай дейдилар” деганлар. (Абу Довуд, Адаб, 5/4788)

Бундай қалбий нозиклик ва ҳассосият ўлчовларига тобе бўлган кўнгил аҳли барча оғирликни ўз зиммаларига олганлар. Муҳатобларига енгиллик бериш уларнинг шиорлари бўлган. Улар зоҳирдан кўра ботиннинг поклигига кўпроқ эътибор беришган. Қалб тарбияси билан машғуллик уларни гуноҳкорга янада марҳаматли бўлишга ундаган. Зеро улар гуноҳкорни эмас, гуноҳни бартараф этиш дарди билан яшаганлар. Шу сабабдан, инсонларни маъқуллаб бўлмайдиган ишлари ҳақида огоҳлантиришдан олдин суҳбатнинг файзу баракаси билан қалбларни юмшатганлар. Уларнинг қалбларини ислоҳга ҳозир ҳолга келтирганлар.

Ўз нафсларидаги гина ва ғазаб тўлқинларини тиндириб, надоматнинг тотли шабнамлари пайдо бўлишига замин ҳозирлаганлар. Юсуф алайҳиссалом Миср ҳукмдори бўлганларидан сўнг, акалари ёрдам сўраб келишади. Акалари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдириш мақсадида қудуққа ташлаган бўлсалар ҳам, Ҳазрати Юсуф уларнинг илтимосларини эътиборсиз қолдирмаганлар. Ўзларини танитмай, уларга эъзозу икром кўрсатганлар. Бундай қилишлари ҳам қалбий етуклик ва қалб тарбиясига бениҳоя эътиборли бўлганликлари сабаблидир. Ҳолбуки, ўша вақтда ўз қўлларида бўлган ҳукмронлик қудрати билан улардан бемалол ўч олсалар ҳам бўлар эди. Бироқ уларни айблаш ва хижолат қилиш ўрнига, ёмонликка яхшилик билан жавоб беришни лозим кўрдилар. Уларнинг айбу нуқсонларини беркитдилар. Зеро у зот алайҳиссалом ўзларига қилинган ёвузликларни Ҳақнинг ризоси учун унутишнинг тенгсиз фазилатига эга бўлган бир ҳидоят раҳбари эдилар. Ояти Каримада Жаноби Ҳақ Юсуф алайҳиссаломнинг биродарларига қилган бу гўзал муомалаларини шундай баён этади:

**“...”.** (Юсуф, 92)

Бундай асл ва олийжаноб муомала қаршисида акалари ҳам надомат чекдилар. Тавбакор бўлиб, Юсуф алайҳиссаломнинг устун жиҳатларини қабул қилдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ эканликларини тасдиқладилар. Шу ҳолда яхши бир натижага эришилди. Қуйидаги мисол ҳам бу тарбия усулининг бошқа бир кўринишига оиддир:

Бир гуруҳ ғофил ёшлар Дажла қирғоқларида шароб ичиб айланиб юришганди. Ҳақ дўстларидан бўлган Маъруф Кархий қуддуса сирруҳу ўша ердан ўтиб кетаётган эдилар. Улар шайх қилмишларимизни кўриб, бизни баддуо қилади деб ўйладилар. Энди биз қарғишга қоламиз деган фикрдан кайфлари учди. Улардан бири бу ҳолатдан ғазабланиб, чидай олмай ўрнидан турди. Шайхга қараб киноялиовозда "Эй шайх! Тўхтама, бизни шу Дажла дарёсида чўкиб ўлишимизни тилаб, баддуоингни бошла!" деди.

Маъруф Кархий ҳеч ҳам ғазабланмай, босиқлик билан қўлларини дуога кўтардилар. Сўнг:

- Ё Илоҳий! Бу йигитларга дунёда ҳаёт бериб севинтирганингдек, охиратда ҳам тириклик бер, - дедилар.

Кутилмаган бу ҳолдан ажабланган йигитлар:

- Эй шайх! Сиз нима деяпсиз? Биз бу сўзларнинг маъносини тушунмадик, - дейишди.

Ихлослари сабаб қисқа ва содда сўзларига ҳам Жаноби Ҳақнинг барокати берилган Маъруфи Кархий ҳазратлари уларга:

- Болаларим! Ҳақ таоло сизга охиратда тириклик беришни хоҳласа, тавба қилмоғингизни насиб этади, -дея тушунтирдилар.

Йигитлар кутилмаган бу мушфиқона муомала қаршисида аввал нима дейишларини билмадилар. Ўзлари ҳис қилган пушаймонлик ичида бир нафас нафсларининг ҳисоб-китобига толдилар. Инсофга келиб, надомат ила шаробларини тўкдилар. Чолғуларини синдириб ташлаб, тавба қилдилар. Ҳар икки жаҳоннинг саодати ва ободлигига толиб бўлдилар.

Юқорида айтганимиздек, тасаввуфдаги қалбий тарбиянинг яна бир хусусияти ҳар бир одамнинг табиатига кўра ёндашувдир. Яъни бирор бир ислоҳ ва иршод усули татбиқ қилинмоғидир. Тариқатларнинг ҳар хиллиги инсон фитратидаги фарқлар сабаб пайдо бўлгандир. Тарбия ва талқин усулларининг заруратидан туғилгандир.

Масалан, жўшқин мижозли инсон Қодирия тариқатидаги усуллар билан янада қулай тараққийга эришади. Шоир, санъаткор ва романтик табиатли инсонлар Мавлавийликдан ҳузур топадилар. Виқорли ва сокин мижозли кишилар эса, Нақший тариқатида ўзларига уйғун тарбия усуллари орқали янада камолотга эришиш имконини топадилар.

Мижозни йўқ қилиш имконсиздир. Муршиди комиллар соликларнинг мижозларига хос истеъдодлари нафсоний муҳит томонга ҳаракатланишига тўсқинлик қилганлар. Уларни улвий ғоялар сари йўналтириш вазифасини бажарганлар. Ҳар талабанинг маънавий оламдаги шахсий хасталикларига чора бўладиган хусусий даволаш усулларини танлаганлар.

Жоҳилият араблари қиз фарзандларини тирик ҳолда кўмган тош юракли кимсалар эдилар. Бу давр одамлари фақат кучлилар ҳақ деган фикрда бўлганлар. Кучсизларни ҳеч қандай суянчиқсиз, бошпанасиз ва ҳимоядан маҳрум ҳолда қолдирганлар. Улар марҳаматдан насибасиз бир жамиятнинг одамлари эдилар. Ана шу жамоа ҳидоят топиб, Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маънавий тарбиялари билан дунёнинг энг мумтоз инсонлари ҳолига келдилар. Аллоҳ ва Расулига муҳаббатни ҳис қилдилар. Ҳаётларининг ҳар лаҳзасини қалблари пок ҳолда кечирдилар. Ибодатлари ҳушуъ билан тўлди. Бу фазилатли инсонлар ҳақидаги ривоятлар қиёматга қадар мусулмонларнинг тилларидан тушмайдиган, уларнинг кўнгил оламларини нурлантирадиган ахлоқи ҳамиданинг мисоллари бўлди. Улар “Асҳоби Киром” дея сийландилар.

Асҳоби Киром Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларида етук бир маънавий савияга эришадилар. Бу ҳолатни Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу “Биз ейилаётган луқмаларнинг тасбеҳларини эшитадиган ҳолга келган эдик!” (Бухорий, Маноқиб, 25) деган сўзлар билан ифода қилган эдилар.

Дарҳақиқат, тасаввуф Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тазкиялари ва тарбиялари соясида асҳоби киром етишган маънавий савиялардан насибаланишнинг улвий бир йўлидир. Яъни Ҳазрати Пайғамбарга ворис бўлган ҳақиқий мураббийларнинг қўлида нафсни тарбия, қалбни тасфия қиладиган маънавий бир мактабдир. Бу маънавий тарбия мактабига тааллуқли, комил инсон бўлиш йўлида босиб ўтиладиган босқичларга “сайру сулук” деб ном берилгандир.

## ,1. НАФСНИНГ МОҲИЯТИ

Жаноби Ҳақ инсон наслининг отаси бўлган Одам алайҳиссаломни махлуқотнинг энг мукаррами қилиб жаннатда яратгандир. Бироқ Ҳақ таоло Ўзининг шараф ва эътибор ила кўрсатадиган лутфини Ҳазрати Одам ҳамда у зотнинг наслини абадий жаннатда қолдириш билан амалга оширмади. Балки буни истиҳқоқнинг натижасига қараб (бир бадалнинг эвазига) бериладиган мукофот сифатида амалга ошишини ирода қилди.

Бу муроди Илоҳийнинг ҳақиқатлашиши учун Одам алайҳиссалом маълум қийинчиликларга дучор бўлганлар. Зоҳирий сабабга кўра асл Ватанлари бўлган жаннатдан чиқарилганлар. Имтиҳон олами бўлган дунёга юборилганлар. Ҳазрати Одам ҳам, у зот алайҳиссаломнинг насллари ҳам такрор жаннатга қайтишлари учун бир қанча қийинчиликлардан ошиб ўтмоқлари лозимдир. Бу синов уларга жаннат мукофоти ўлароқ берилгандир. Шу сабабли, Жаноби Ҳақ бошқа борлиқлардан фарқли равишда Ҳазрати Одам ва у зотнинг наслини зид тажаллиларга мазҳар қилгандир. Бундан кўзланган мақсад эса, инсонлар тубандан-тубан бўлган **“асфаласофилийн” билан юксакларнинг энг юксаги бўлган “аълои иллийин” орасидаги лойиқ бир мақомда бўлишларидир.** Яъни ашрафи махлуқот бўлган инсон ўз сармояси ва хайр ё шаррга қўллашга имкон берадиган жузъий иродаси билан **“бал хум адал” ни (**ҳайвондан ҳам пастроқ ўринни) ёки **“фаришталардан ҳам устун”** бўлган мавқени эгаллайдилар.

Бу эса банданинг ғайратига ҳамда фитратида мавжуд бўлган ижобий ва салбий сифатлар орасида борадиган курашлар натижасига кўра ҳақиқатлашади. Зеро инсон фитрати бир қатор ижобий хислатлар билан зийнатлангандир. Бироқ унинг фитратига баъзи бир салбий сифатлар ҳам берилиши ана шу ҳикматга боғлиқдир. Тасаввуфий тушунчага асосан, инсондаги ижобий ва салбий сифатлар “ҳайвоний руҳ” ва “султоний руҳ” деб қараладиган марказдан ҳосил бўлади.

**Ҳайвоний руҳ** – инсон ҳаёти давомийлигини таъминлайдиган биологик тузилишга эга бўлган латиф бир кучдир. Бу куч “жон” ёки “нафс” деб аталади. Уйқудаги бир инсонда ҳайвоний руҳ ҳукмининг ижроси давом этганлиги учун, биологик фаоллик ҳам ихтиёрсиз давом этаверади. Султоний руҳ эса, инсон уйғонган лаҳзадаёқ уни (яна қайтиш учун) тарк этади.

Ҳайвоний руҳ баданни ҳаракатга келтирувчи ва уни сўзлатувчи руҳдир. У ҳар хил фаолиятларни амалга оширишга ва уларни ифодалашга сабаб бўладиган, фақат ўлим билангина бадандан чиқадиган руҳдир. Маркази мия ва юрак бўлган бу руҳ баданнинг барча аъзоларига тарқалади.

Ҳайвоний руҳ ўз ҳукмронлигини қон устида қургандир. Агар халқ оламига тааллуқли бўлган ва ҳаракатларнинг бошланғич нуқтасини ташкил этадиган бу руҳ тарбия қилинмаса, инсонга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Султоний руҳ эса, Жаноби Ҳақ инсонга ўз руҳидан пуфлаган руҳдир. Унинг инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган хусусияти ҳам шундадир. Амр оламидан бўлган бу руҳнинг вужуд билан бирга эканлиги инсоннинг ижобий тасарруфларда бўлиши (яхши амаллар қилиши) учундир. Инсон баданига кийдирилган бу руҳ билан бандалик вазифасини адо этади. Тоат-ибодатда бўлади. Солиҳ амалларга йўналади. Бу руҳнинг ўлимдан кейин тананинг чириб йўқ бўлиб кетишига алоқаси йўқдир. Ўлим сабабли унинг фақат бадан устидаги тасарруфи тугайди, холос.

Инсон ўзининг ҳолати ва амаллари йўналишини ичидаги ана шу икки қарама-қарши қутб ўртасидаги зиддият орқали бошқаради. Султоний руҳ ғолиб келса, инсон солиҳ амал ва гўзал ахлоқ томон юзланади. Аксинча, инсонда ҳайвоний руҳ ҳукмрон бўлса, у турли хил гуноҳлар ва ахлоқсизликлар гирдобига тушиб қолади. Инсонга нафсини ўз иродаси билан шакллантириш қобилияти ва имконияти берилгандир. Шу туфайли, у мукофотга ҳам, жазога ҳам рўбарў бўладиган бир борлиқ саналади.

Дунё синовида енгиб ўтиш керак бўлган энг катта тўсиқлардан бири “нафс” дир. Нафс умумий маънода инсонлар дучор бўладиган салбий майлларни эслатади. Ҳолбуки, унинг ўзида бир марварид каби ижобий бир моҳият ҳам бордир. Инсониятнинг вазифаси уни чанг, тупроқ каби салбий томонларини маънавий тарбия билан поклаб, ундаги гавҳарни юзага чиқаришдир.

Бир инсон мусофирчиликдан (сафардан) юртига бўш қўл билан қайтмаслик учун қандай ҳаракат қилса, бу буюк ғурбат диёри бўлган дунёда ҳам охират саодати учун ўшандай ғайрат ва шижоат кўрсатиш керакдир. Зеро ҳар бир инсон охиратдаги абадий саодати ёки хусронини



шу дунёдан олиб кетади. Яъни истиқболдаги тақдирини дунё ҳаётида тайин этади.

Абадий саодат ва омонликнинг асосий шартларидан бири нафсни солиҳ амалларга қувват бўла оладиган ҳолатга етказмоқдир. Ана шундай асосдан маҳрум бўлган нафс ориқ бир отга ўхшайди. Бундай от ўз эгасини кўзланган манзилга олиб бориш ўрнига, жарликка юмалаб унинг ҳалокатига сабаб бўлади. Яхшилаб боқилган от эса, соҳибини энг таҳликали йўллардан ҳам саломатлик билан манзилига етказади.

Ориқ бир от билан орзу қилинган мақсадга етиб бўлмагани каби ислоҳ этилмаган ва назорат остига олинмаган бир нафс билан ҳам ҳаётнинг улвий ғоясини амалга ошириш мумкин эмас.

Ҳақиқатан, нафс махлуқот орасида инсонни мукаррам бир мавқега юксалтира олган ҳамда бунинг зидди ўлароқ асфаласофилийнга тушира олган икки қиррали бир воситадир. У ислоҳ қилинганда хайрга ва ислоҳ қилинмаган тақдирда, шаррга восита бўладиган икки қиррали пичоқ ҳукмидадир. Маънавий иршод ва назоратдан бенасиб ҳар қандай нафс ҳақиқатларни ғафлат билан қоплайдиган азобли бир маҳрумиятнинг сабабидир. Агар инсон юқорида айтилгани каби ўз нафсини тазкия қилишга эришса (тўсиқларга қарамай ёмон хулқларидан қутулса), фаришталардан ҳам ўзиб кета олади. Зеро ҳар натижанинг шарафи унга эришиш учун бартараф қилинган қийинчиликлар нисбатидадир.

Аллоҳ таоло билан банда орасига бир ғафлат пардаси ўлароқ кириб, бандани аслий истиқоматидан узоқлаштирадиган ва қалбларни Аллоҳдан бошқаси билан машғулликка ундайдиган сифатлар ҳам нафснинг доимий сифатларидир. Унинг битмас туганмас турли истаклари ва эҳтиросларига фақат жиддий бир қатъият билан қўлланиладиган тарбиявий усуллар орқалигина қарши туриш мумкин бўлади. Бу эса доимий бир огоҳлик ва қатъиятни талаб этадиган тинимсиз бир мужодалага киришиш демакдир.

Шу сабабли, Сарвари Олам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида:

اَلْمُجَاهِدُ مَنْ جَاهَدَ نَفْسَهُ

*“Ал мужаҳиду ман жаҳада нафсаҳу” (Мужоҳид нафсига қарши курашган одамдир) дейдилар* (Термизий, Фазоилул жиҳод, 2 (Жиҳоднинг фазилати), Аҳмад Ибн Ҳанбал, Муснад VI, 20)

Нафс ўзига қарши киришилган мужоҳада билан ўлмайди. Фақат назорат остига олинади. Зотан матлуб бўлгани нафсни йўқ қилиш эмас, балки уни ҳаддан ошиб кетишининг олдини олишдир. Унинг майлларини Илоҳий ризога мувофиқ бўлган тамойиллар билан чеклаш ва тартибга солишдир.

Бу хусусда Имом Ғаззолий инсонни бир суворийга ўхшатиб, шундай дейдилар:

“Нафс руҳнинг уловидир. Агар инсон нафснинг жиловини қўйиб юборса ва у кетадиган томонга кетса, ҳалок бўлиши муқаррардир. Мабодо уни (Баъзи Ҳинд динлари ва мистик фалсафаларда берилгани каби) ўлдирмоққа ҳаракат қилса, ҳақиқат йўлидаги бу сафарида уловсиз қолади. У ҳолда нафснинг жиловини қўлингда тут ва уловингдан фойдалан!”

Нафс тарбиясида бундай ўлчовга риоя қилиниши айни пайтда набавий усулнинг тақозосидир. Зеро Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ейиш, ичиш ва оила ҳаётида яшашдан кечиб, ўзларини фақат ибодатга бағишлашни истаганларга қарши бўлдилар. Исломда бу хилдаги тажарруд ҳолати (дунёдан батамом узилиб, Аллоҳга рўбарў бўлиш) ва руҳбонлик (таркидунёчилик) мавжуд эмаслигини ўргатдилар. Жамият ичида яшаш ҳолатида амалга ошириш мумкин бўлган руҳий тараққиётнинг йўлини кўрсатдилар.

Жуда ҳам қийин мужодала бўлган бу тарбия жараёнидаги нафснинг ҳол ва мартабаларида бир қанча босқичлар учрайди. Нафснинг энг буюк офатлари эса, табаддулат (ўзгаришлар) асносида ваҳмга ва такаббурликка берилишдир. Бу яширин бир кибр ва ужубдир. Нафсга қарши киришилган мужодалада озгина бепарволик ва сусткашлик пайдо бўлса ҳам, у дарҳол аввалги ҳолатига қайтиб қолади. Зеро у доимо пистирмада бўлгани учун унинг шарридан ҳеч қачон амин бўлиб бўлмайди.

Шу сабабли, ҳар бир мўмин қалбидаги бундай мудҳиш таъсир этувчи ҳолатнинг маънавий ҳаётини ҳалокатга олиб борувчи хавф-хатарларидан доимо огоҳ бўлиши керак. Нафснинг саркашликларига соғлом муҳокама ва ваҳий билан тарбия қилинган бир ирода ила жавоб бериш орқали уни итоат остига олмоқ лозимдир.

Фитратида адашишга мойиллик бўлган инсоннинг нафс тазкияси қандай бўлмоғи лозим? Қолаверса, нафснинг бу тарбия ва тазкиясида қандай босқичлар босиб ўтилади? Энди ана шу икки муҳим масалага тўхталамиз.

***Асосийси, гул табиатли бўлмоқликдир. Яъни бу дунё боғчасида тиконларни кўрганинг, улардан озор топганинг учун тиканлашиш керак эмас. Орага қиш чиллалари кирганда ҳам, уларни баҳор табиати ила қучмоқ ва бутун оламга бир гул бўла олмоқликдир.***

## 2. НАФС ТАЗКИЯСИ

Тазкия луғатдаги покламоқ, тиндирмоқ маънолари билан бир қаторда юксалтириш, тараққий эттириш, барокатлантириш ва файзлантириш каби маъноларда ҳам келади. Шу жиҳатдан тазкия асосан маънавий тарбиянинг бутун сайрини ифода этади.

Нафснинг тазкияси энг аввало уни куфр, жаҳолат, ёмон ҳислар, нотўғри эътиқод ва ёмон ахлоқдан поклашдир. Яъни шаръий шарифга зид ҳар турли эътиқод, хулқий ва амалий янглишишлардан поклай олишдир. Уни поклаб ёмонликлардан ҳимоялагандан сўнг, иймон, илм, ирфон, ҳикмат, хайрли туйғулар, гўзал хулқлар каби тақво хислатлари билан тарбиялаш ва зийнатлантириш лозимдир.

Тасаввуфда тазкия нафснинг истакларини камайтирмоқ, унинг тана устидаги ҳукмронлигини синдирмоқ ва шу тарзда руҳнинг ҳукмронлигига имкон бермоқликдир. Бу ҳам фақат нафсга қарши иродани кучлантирадиган риёзат йўли, яъни еб-ичиш, ухлаш, сўзлашишда мўътадилликка риоя этиш каби усуллар билан таъминланади. Шу сабабли, тасаввуфда нафсни тизгинламоқнинг усуллари киллати таом (оз емоқ), киллати манам (оз ухлаш), киллати калом (оз сўзлаш) дейилади. Булар риёзат билан нафсга ҳукмронлик қилишнинг илк одимларидир. Фақат ҳар хусусда бўлгани каби бу усулларни татбиқ этишда ҳам мўътадилликни қўлдан чиқармаслик лозим. Чунки бадан Аллоҳнинг инсонларга бир омонатидир. Яъни банда нафсини тазкия этар экан, ифрот ва тафритдан сақланиши лозимдир. Унинг адашишларига чек қўяркан, риёзат ва мужоҳадада ҳам мўътадилликдан ажралмаслиги керакдир. Зеро дин

бутун ҳол ва амалларда мўътадил бўлишни буюради. Инсонларни ҳар турли ифрот ва тафритдан узоқ турмоқликка ўргатади.

Нафсни тўлиқ бартараф этиб бўлмайди. Бу ҳол матлуб ҳам эмас. Шунга кўра нафс тазкияланишида нафсоний хоҳишларни Илоҳий амрлар доирасида тизгинлаш лозим бўлади. Нафснинг тарбия ва тазкия қилиниши башарий оқибатнинг фалокатли ёки саодатли ўлароқ амалга ошишини белгиловчи муҳим омилдир. Бундай тарбия ва тазкия учун аввало Илоҳий иродага бўйсуниш, шаҳвоний эҳтиросларҳамда чиркин ҳолатларга қарши туришга ҳаракат қилиш керакдир. Ҳар бир мўмин ўзининг қусури, нуқсони, ожизлиги, ҳечлиги ва жоҳиллигини идрок этмоғи лозимдир. Аллоҳ таолони бор азамати, қудрати ҳамда камоли ила мукаммал билмоғи ва амалларга шу идрок асосида йўналмоғи зарурдир. Агар шуларга амал қилинса, “ёмонликка амр қилувчи” нафс Қуръони Каримда келтирилгани сингари ёмон сифатлардан покланади. Мақбул бир ҳолга келади.

Нафсни тазкиялашга ҳаракат қилмоқ, бу хусусда жиддий бир ғайрат билан сайру сулукка кирмоқ ўз аҳамияти ва мушкуллигига кўра “жиҳоди акбар” деб қабул қилингандир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига жуда ҳам машаққатли кечган “Тобук ғазоти” дан қайтаётганларида, бу “жиҳод” га шахсан ўзлари “Энди биз кичик жиҳоддан буюк жиҳодга қайтяпмиз” дея таъриф берганлар.

Ҳолбуки, қайтаётганлари бу сафар буюк бир ғазот эди. Зеро сафарнинг аввалидан охирига қадар мунофиқларнинг фитналари ва шайтоннинг васвасалари камаймаган эди. Ўша йили шиддатли бир иссиқ ҳукм сурган ва қурғоқчилик бўлганди. Босиб ўтилган йўл ниҳоятда узун ва пиёда юришга ноқулай эди. Бу пайт меваларнинг ҳосилини йиғиш мавсуми тугаган бир пайт эди. Кўп сонли Византия қўшини уларни кутаётганлиги хабари эса, бу ғазотни янада қийинлаштирганди. Ўттиз минг кишидан ошган саҳобийлар қўшини 1000 км масофага бориб, ортга қайтаётганди. Мадинага яқинлашган пайтларида уларнинг одатий кўринишлари ҳам ўзгарган эди. Терилари суякларига ёпишган, соч-соқоллари туташиб кетганди. Баъзи саҳобийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ана шундай бир пайтда айтган сўзларининг ҳикматига қизиқдилар. У зот алайҳиссаломдан ҳайрат ичида *“Ё Расулуллоҳ! Ҳолимиз кўриниб турибди! Бундан ҳам буюк жиҳод бўладими?”* деб сўрадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам *“Ҳа! Ҳозир кичик*

*жиҳоддан энг буюк жиҳодга, нафснинг ҳавойилигига қарши мужодалага қайтяпмиз!”* дея марҳамат қилдилар.

Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, бундай бир кичик жиҳодга қатнаша олмаслик инсонни дунё ҳаётида қанчалар хижолатли ва ночор бир аҳволда қолдиришини англаймиз. Энг “буюк жиҳод” бўлган нафсларнинг тазкияси ҳамда қалбларнинг тасфияси хусусидаги ғафлату бепарволик эрта қиёмат куни ҳузури Илоҳийда инсонни қай даражада қийин ва мушкул бир вазиятга дучор қилишини тушуниб етамиз...

Бу титратувчи ҳақиқат олдида ҳар бир ақлли мўмин ўз нафсини зудлик билан чуқур бир ҳисоб-китобга тобе қилмоққа киришмоғи лозимдир. Эртага кеч бўлмасидан ва Илоҳий ҳисоб келмасидан аввал ўз иродамиз ила ўзимизни ҳисобга тортмоқ мажбуриятидамиз.

Зеро буюк Мавломизнинг Ояти Каримадаги мана бу огоҳлантириши ғоят шиддатлидир:

**“...?”** (Мўъминун, 115- оят)

**“...?”** (Қиёмат, 36-оят)

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

*“Ақлли инсон ўз нафсига ҳоким бўлган, уни ҳисобга торта олган ва ўлимдан кейинги ҳаёти учун қайғурган инсондир. Нодон эса, ўз нафсу ҳавосига тобе бўлган ҳолда Аллоҳдан (хайр) умид қилган кимсадир”.* (Термизий, Қиёмат, 25; Ибн Можа, Зуҳд 31)

Шу жиҳатдан ҳар бир мўмин нафсни тазкия қилмоқлик, жиддий бир маъсулият тушунчаси билан нафсига қарши турмоқлик ўз вазифаси эканлигини билмоғи лозимдир. Киши нафсини тазкия қилишга ҳаракат қилар экан, бу ишнинг аҳамияти ва усулларидан хабардор бўлмоғи ҳам даркордир. Акс ҳолда, “қош қўяман деб кўз чиқариш” мисолида бўлганидек, хатога тушиб қолиши мумкин.

Аллоҳ таоло биз бандаларини нафснинг таҳликаларидан шундай огоҳлантиради:

اَرَأَيْتَ مَنِ اتَّخَذَ اِلٰهَهُ هَوٰيهُ اَفَأَنْتَ تَكُونُ عَلَيْهِ وَكِيلاً

**“...?”** (ал -Фурқон, 43)

Бир ҳадиси шарифларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам *“Умматим устида энг кўп қўрқадиган нарсам, уларнинг нафс истакларига эргашмоқликларидир”* дейдилар. (Суютий, Жоми ус Сағийр, I.12)

Шу боис нафс тазкияси ҳар бир мўмин учун ўта муҳим ҳаётий аҳамиятга эгадир. Буюк бир маъсулиятни тақозо этадиган бир ҳолатдир. Бу маъсулиятни Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда:

قَدْ اَفْلَحَ مَنْ زَكّٰيهَا وَ قَدْ خَابَ مَنْ دَسّٰيهَا

**“...”** шаклида ифода этмоқдадир. (Шамс 9, 10)

Яъни нафсини тарбиялаб, уни тазкия қилган киши омонлик йўлини босиб ўтгандир. Уни ёмонликларга кўмган, раҳм-шафқат кўрсатмаган, ёлғиз ҳолда қолдирган киши эса, абадий бир хусрон ва зиёнга дучор бўлгандир.

Кўриниб турибдики, нафс ҳаддан ташқари кўп ёмон таъсирларга учраса, абадий бир фалокатга сабаб бўлади. Агар у тарбия қилиниб итоат остига олинса, инсон фаришталардан ҳам устун бир мавқега эришади.

Бошқача айтганда, эҳсон, садақа, хизмат каби солиҳ амаллар зоҳиран фақат ўзгаларга фойдаси тегадиган амаллар бўлиб кўринади. Аслида эса улар нафс учун тўғри бўлганини, амалларнинг гўзали ва хайрлисини қалбга сингдириб боради. Чунки яхшиликлар шу шаклда “менлик” да ўрнашади ва руҳ булар билан унсият пайдо этади. Солиҳ амаллар билан биргаликда сўзларнинг энг гўзали ва энг тўғриси бўлган Қуръони Каримни ўқимоқ, унинг насиҳатларини жон қулоғи билан тингламоқ ва аҳкомларига мувофиқ ҳаракат қилмоқ ҳам нафснинг ислоҳи учун энг буюк воситалардан биридир. Ҳаётини тўлиқ Қуръон истиқомати билан зийнатлаган бир банда нафсининг шарридан ва шайтоннинг васвасаларидан қутулиб, ёлғиз Аллоҳ таолонинг ризоси талабида яшашга муваффақ бўлади. Қалби Илоҳий лутф тажаллиларига мазҳар бўла олади. Бу ҳолга етган банда учун энди кўзи кўрадиган, қулоғи эшитадиган зоҳирий иқлимининг ташқарисига маънавий бир ёриқ очилади. Коинот ҳикматли ва улуғвор бир китоб ҳолига келади.

Демак, ҳеч бир мўмин Қуръони Каримдаги Илоҳий амр ва қайтариқлардан ғафлатда қолмаслиги, абадий саодати ва омонлигини таҳликага туширмаслиги лозим экан.

Улуғ Китобимиз Қуръони Каримда нафснинг тазкиясига алоқадор жуда кўп Ояти Карима мавжуддир. Бу оятларда тазкия:

- Аллоҳ тазкияси;
- Пайғамбар тазкияси;
- Инсон ўз нафсини ўзи тазкия қилмоғи шаклида (асосан уч шаклда) очиқлангандир.

### 1. Аллоҳ таолонинг тазкия қилмоғи

Жаноби Ҳақ Ояти Каримада шундай буюради:

فَلاَ تُزَكُّوا اَنْفُسَكُمْ هُوَ اَعْلَمُ بِمَنِ اتَّقٰى

**"...".** (Нажм, 32)

Марҳум Элмалили Ҳамди Афанди бу Ояти Каримани шундай тафсир қилади:

"Ўзингизни гуноҳсиз, қусурсиз ва пок ҳисоблаб мақтанманг! Зеро сизда ҳам ўзингиз билмаган бир қанча камчиликлар бўлиши мумкин. (Ҳақ Дини, VII, 4605)

Бу мавзуда муфассир Алусий ҳам шундай дейди:

"Бу оятнинг «Бизнинг намозимиз, рўзамиз, ҳажимиз бор!» деган бир жамоа ҳақида нозил бўлганлиги ривоят этилади. Банда ужуб ва риё қаршисида андиша қилган ҳолда ўзи адо этадиган ибодату хайрларини яширин тутиши мақбулроқдир. Фақат салбий бир ният қилмасдан шунчаки рағбатлантириш мақсадида айтилса, бунинг ҳеч бир зарари йўқдир..." (Руҳул Маоний, XXVII, 64)

Бошқа бир Ояти Каримада Аллоҳ шундай буюради:

"...". (ан-Нисо, 49)

Бу оятдаги тазкия кишининг ўзини мақтаб поклашга уринишидан иборатдир. Ҳолбуки, тазкия тақвога боғлиқдир. Тақво эса, ботиндаги бир сифатдир. Унинг ҳақиқатини фақат Аллоҳгина билади. Шу жиҳатдан ўз-ўзимизни тазкия қилишимиз эмас, Аллоҳнинг тазкияси мақбул бўлади.

Зеро Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам:

*“Аллоҳим! Нафсимнинг тақвосини бер ва уни тазкия қил! Сен уни тазкия қилганларнинг энг хайрлисисан. Сен унинг валийси ва Мавлосисан” деб дуо қилганлар.* (Муслим, Зикр, 73)

Ояти Каримда буюрилади:

**“…”.** (ан-Нур, 21)

Кўриниб турганидек, Ояти Каримада тазкиянинг Аллоҳга оид эканлиги ифода этилмоқда. Чунки Аллоҳ таоло Ўз фазли ва раҳмати ила бандани тоатларга ҳамда бошқа тазкия воситаларини қўллашга муваффақ этади. Бу борада банда менлик иддаосидан йироқ бўлиши, Илоҳий тазкия соясида эришган камолини ўз қатъияти, фазилати ва ғайратига боғламаслиги лозим. Банда Аллоҳ таоло уни покламагунча, охиратда ҳам поклана олмаслигини англаши керак. Бу тушунча абадий қутулишга қовушишнинг энг муҳим василаларидан биридир. Зеро тазкия гарчи ҳаракат ва ғайрат жиҳатидан инсонга, иршод ва таълим томонидан пайғамбарларга ҳамда уларнинг ворислари бўлган муршидларга нисбат этилса ҳам, бандаларини яратиши ва Илоҳий марҳамат ила уларни тазкияга муваффақ қилиши борасида Аллоҳ таолога нисбат берилиши керак.

### 2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тазкия этишлари

Қуръони Каримда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вазифалари ҳақида шундай дейилади:

كَمَا اَرْسَلْنَا فِيكُمْ رَسُولاً مِنْكُمْ يَتْلُوا عَلَيْكُمْ اٰيَاتِنَا وَ يُزَكِّيكُمْ

**“...”.** (Бақара, 151)

وَ يُعَلِّمُكُمُ الْكِتَابَ وَ الْحِكْمَةَ وَ يُعَلِّمُكُمْ مَالَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ

**“...”.** (Ал-Имрон,164)

Бу оятлардан тушунамизки, Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уч аслий вазифалари бордир:

*а) Аллоҳнинг оятларини инсонларга ўқимоқ;*

Пайғамбарларнинг умматларини ҳақ йўлга даъват этишлари келган ваҳийни ўқиш ила бошланади. Бу вазифа инсонларни умид қилинган мақсадга етказишнинг илк босқичи бўлиб, маълум бир асосни ташкил этади.

*б) Тазкия қилмоқ;*

Тавҳид даъвати нафсларни куфр, ширк ва гуноҳ каби маънавий кирлардан покламоқ, ҳушуъ ва ҳузурга эриштирмоқ ила адо этилади. Зеро олдин жоҳилиятда яшаган асҳоби киром ҳидоят топиб, Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг файзли суҳбатлари ва маънавий тарбиялари ила кўнгилларини пок ҳолга келтирдилар. Шу тарзда дунёнинг энг мумтоз инсонларига айландилар. Уларнинг тиллардан ва кўнгиллардан жой олган фазилатли ривоятлари даврларни ва иқлимларни ошиб ўтди.

*в) Китоб ва ҳикматни ўргатмоқ:*

Бу босқичда эса, эргашиш лозим бўлган қонунлар ва ҳукмларни баён этган Китобнинг, яъни Қуръони Каримнинг таълими келади. Қуръони Карим руҳида теранлаша олмоқ инсоннинг қалбий савиясига боғлиқдир. Зеро Қуръони Карим асл қалб билан ўқилиши ва англаниши керакдир. Чунки кўзлар қалб учун фақат оддий бир восита ҳукмидадир.

Қуръон коинот ва инсон, асмои Илоҳиййа тажаллилари ила майдонга келганлиги учун сўнгсиз бир сирлар хазинасидир. Бу сирлар ва ҳикматлар эса, қалбнинг покланиши ва камолотига кўра идрокда намоён бўлади.

Ҳикматнинг таълими бу барча босқичлардан кейин келади. Зеро Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг ҳикмати ва сирларидан, яъни асмойи Илоҳиййасининг инсон идрокига калом шаклида тажалли бўлишидан фақат покланган қалб соҳибларинигина воқиф айлайди.

Ояти Карималарда тазкия, китоб ва ҳикматнинг таълими бир жойда зикр қилиниши тазкия бўлмаган кишиларнинг илмни эгаллай олмасликларини билдирмоқда. Бу илмга эга бўлсалар ҳам, ундан уларга фойда етмаслигини ифода қилмоқда. Илму ҳикмат шундай бир нур ва зийнатдирки, уни қўлга киритиш учун аввало у ўрнашадиган ер (қалб) кераксиз ва зарарли нарсалардан ҳоли қилинмоғи керак. Шунинг учун Пайғамбарлар аввал оятларни ўқиганлар. Кейин бу оятларга иймон келтирган ва уларга кўнгил берган кишиларнинг нафсларини ортиқча ғуборлардан поклаганлар. Уларнинг қалбларини маънавий кирлардан

тасфия этганлар. Сўнг тазкия ва тасфия бўлган инсонларга китоб ҳамда ҳикмат таълимини берганлар.

Коинотдаги сир ва қудрат оқишларига ҳам ана шундай қалб эгалари ошно бўладилар. Улар ҳақиқий бир ҳикмат манбаи ҳолига келадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вазифаларидан яна бири оятларни ўқиб, ҳаром ва ҳалолни ўргатмоқдир. Нафсларни тазкия ва қалбларни тасфия қилмоқ вазифаси эса, муршиди комиллар воситаси ила (олимлар ёрдамида) қиёматгача давом этади.

### 3. Инсоннинг ўз нафсини тазкия қилмоғи

Бу ҳақда Жаноби Ҳақ шундай дейди:

**“...”.** (Шамс, 7-10)

Ояти Кариманинг тақозоси бўйича фақат Аллоҳ таоло қалбини поклаган (гуноҳларини мағфират этган), файз ва тақво билан тарбия қилинган кимсалар ҳақиқатда нажотга эришган кимсалардир. Ҳақ таолонинг:

**“...”** (Фажр, 29-30) оятидаги башорати юқорида айтиб ўтилган саодатли бандалар ҳақидадир.

Бошқа бир оятда:

قَدْ اَفْلَحَ مَنْ تَزَكّٰى وَ ذَكَرَ اسْمَ رَبِّهٖ فَصَلّٰى

**“...”.** (Аъло, 14-15)

Айниқса, Ояти Каримадаги тартиб эътиборга лойиқдир:

1)Аввал қалбни, кейин баданни ва молни салбий ҳолатлардан гўзал тарзда покламоқлик;

2)Аллоҳ таоло билан банда орасига кирган ғафлат пардаларини олиб ташламоқлик;

3)Ҳалол егуликлар билан таомланган бир бадан ва зокир бир қалб ила ҳушуъ ичида тўлиқ бир ибодат иқлимига кириб, кўнгилни руҳоний лаззатлар билан зийнатламоқликдир.

Муфассир Бурсавий бу хусусда шундай баён этадилар:

“Бу оятда нафсни шариатга тўғри келмайдиган ишлардан покламоқ ва қалбни дунё севгисидан тозаламоқ нисбатида Аллоҳга йўналмоқлик кераклигига, ҳаттоки **Аллоҳдан бошқасини хотираламоқдан сақланмоқликка ишорат бордир”.** (Руҳул баён, X, 410)

Аллоҳ дўстларидан Абу Бакр Ал Қаттоний қуддуса сирруҳу ўлим тўшагида эканларида, қандай амаллари борлиги ҳақида сўралган саволга бу умидларнинг намунаси моҳиятидаги ушбу гўзал сўзлар билан жавоб берадилар:

“Ўлимим яқинлашмаганда, риё бўлмаслиги учун сизларга амалимдан баҳс этмасдим. Тўлиқ қирқ йил қалбимнинг эшигида қоровуллик қилдим. Уни Аллоҳ таолодан бошқасига очмасликка ҳаракатида бўлдим. Қалбим Аллоҳдан бошқасини танимайдиган ҳолга келди”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу юқоридаги оятда келган “тазакка” калимасини “Кишининг **“Ла илаҳа иллаллоҳ!”** демоқлигидир” шаклида тафсир қиладилар. (Қуртубий, Ал- Жомий, XX, 22) Зеро тазкиядаги илк қадам қалбнинг куфр ва ширкдан тозаланмоғидир.

Дарҳақиқат, калимаи тавҳид аввало **нафий** билан бошланади. Яъни **“Ла илаҳа”** дея, бут ҳолига келган нафсоний ҳаваслар, ёмон ахлоқлар ва чиркин одатлар қалбдан чиқариб юборилади. Сўнгра **исбот**ига ўтилади. **“Иллаллоҳ”** демоқ билан бир назаргоҳи Илоҳий ҳолатида бўлган қалб Аллоҳ таолонинг тавҳид нурлари билан тўлдирилади.

Шоир бу ҳақиқатни қанчалик гўзал ифода этгандир:

*Бўл, чиқар ағёрни дилдан то тажалли этсин Ҳақ,*
*Подшоҳ кирмас саройга хона таъмир бўлмасдан.*

*(Кўнгил саройидан Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсани чиқар. Зеро хона тозаланмаса, подшоҳ саройга ташриф буюрмайди).*

Тазкиянинг аҳамияти ҳақида Иброҳим Досуқий қуддуса сирруҳу шундай дейдилар:

“Эй ўғлим! Кундузларингни рўза, кечаларингни намоз билан ўтказсанг, покиза бир ички оламга ва Ҳақ билан холис бир муомалага эга бўлсанг ҳам, асло менлик иддаосини қилма! Асло ғурурга мағлуб бўлиб, нафснинг алдовларига ишониб қолма!. Зеро неча дарвиш нафсининг ҳавосига алданиб ҳалок бўлди”.

Ҳотам Асом қуддуса сирруҳу ҳам шундай дейдилар:

“Муҳташам уй-жойларга, ҳосилдор боғ ва боғчаларга алданма! Жаннатдан ҳам гўзалроқ бир ер йўқдир. Фақат Ҳазрати Одамнинг бошига нима келган бўлса, у жаннатнинг ҳисобсиз гўзалликлари ичидалигида келди. Нафси у ерда абадий қолишни истади. Ман этилган мевага яқинлашди. Муроди Илоҳийнинг ижоби дунёга тушиш билан жазоланди.

Ибодат ва карамотнинг кўплигига алданма! Зеро шунча карамотга эга эканлигига қарамай, Аллоҳ жалла жалолуҳу исми Аъзамни ўргатган Балъам Ибн Боуронинг оқибати қайғули бўлди.

Сен сен бўл! Илм ва амал кўплигига алданиб қолма! Чунки шунчалар илми ва тоатига қарамасдан Иблиснинг бошига нималар келди? Буни билмасмисан? Нафс ва шайтоннинг иғволарига алданиб қолма!

Қулларига марҳамати сўнгсиз бўлган Раббимиз Ояти Карималарда шайтоннинг ҳийла ва тузоқларига қарши ҳушёр бўлишимиз учун шундай буюради:

**“...”.** (Аъроф, 16)

**“...”.** (Ҳижр, 39)

Обидларнинг, зоҳидларнинг ёнидаман деб ҳам ўзингга ишонма! Зеро улар билан бир ерда бўлишнинг ўзигина етарли бўлмайди.

Салаба Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида туйғусиз бир ҳолда иштирок этганлиги учун фожиали оқибатга дучор бўлди.

Пайғамбарнинг фарзанди бўлишига қарамай, Ҳазрати Нуҳнинг ўғли отасининг даъватига эргашмади. Қайсарлик қилиб, ўз фикрида қолди. Шу сабабдан бадбахтликка учради. Натижада, ҳалоқ қилинганлардан бўлди.

Ҳазрати Лутнинг аёли кофир ва фосиқларга бўлган ўртоқлиги, муҳаббати сабабли ёнгинасидаги ҳидоят нуридан насибсиз қолди. Ғафлат ичидаги куфрнинг қоронғуликларига маҳкум бўлди.

Хулоса шуки, илм, амал, мол, фарзанд ва дўст каби суянадиган нимаики бўлса, охиратдаги қутулишинг учун уларга суяниб қолма! Улардан нафсингга асло улуш берма!”

Ояти Каримада **“нафс тўсиғини ошиб ўтиб, қайтариқларидан покланганларнинг нажотга эришганлиги”** ифода қилинади. Шунингдек, бу ифода орқали бир пайтнинг ўзида “тазкия бўлмаганлар, яъни “мен” ликларидан кеча олмаганлар нажотга эришмасликлари мумкинлиги билдирилмоқда.

Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

اِنَّمَا تُنْذِرُ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ بِالْغَيْبِ وَ اَقَامُوا الصَّلٰوةَ
وَ مَنْ تَزَكّٰى فَاِنَّمَا يَتَزَكّٰى لِنَفْسِهِ وَ اِلَى اللهِ الْمَصِيرِ

**“...”.** (Фотир, 18)

Ояти Каримада пайғамбарларнинг фожиавий оқибатлардан огоҳлантириш ва қўрқитишларни кўрмаганлари ҳолда қалблари Аллоҳнинг қўрқуви ила тўлиқ бўлган, намоз ўқиган ва зоҳирларини ибодат билан зийнатлаган умматларига фойдалари тегиши баён қилинмоқда.

Гуноҳкор киши гуноҳининг жазосини фақат ўзи тортади. Бирор кимса унга шерик бўлолмайди. Қилинган хайрлар ҳам фақатгина эгасига фойда беради. Покланган инсон ҳам фақат ўзи учун покланади.

Оятдаги “тазакка” ҳошиятуллоҳ (Аллоҳдан қўрқув) ва намозни ҳушуъ билан ўқиш маъноларини ўз ичига олади.

**“...”** (Фотир, 28) ояти кишининг ҳақиқий билимга эга бўлгандан сўнг, Аллоҳга нисбатан қалбий титраш ичида бўлишини ифодалайди. Раббисини танимаган ва Ундан қўрқув туймаган кимсаларнинг қалблари ўликдир. Бундай одамларга огоҳлантириш ва насиҳат таъсир қилмайди. “Ёсин” сурасининг 70- оятида “Пайғамбар Қуръон билан (қалблари) тирик бўлганларни огоҳлантирсин...” дея, буюрилиши ҳам шу хусусдадир. Яъни кишининг ботинида қўрқув (ҳошият) ва зоҳирида ҳушуъ ила ўқиладиган намоз бўлиши керакдир.

Гуноҳлардан покланишнинг натижаси жаннат ва унинг юксак даражаларидир. Оят Каримада марҳамат қилинади:

**“...”.** (Тоҳа, 75-76)

Аллоҳдан бошқасига кўнгил боғлашдан қутулишнинг мукофоти жаннатдан ҳам юқори бир ноилият бўлган Жамолуллоҳ неъматидир. У



ерда Аллоҳ таолонинг таърифга сиғмайдиган гўзал жамолининг тажаллилари зуҳур этади. Ким ўз иродаси ва ихтиёри ила лойиқ бир шаклда У Зотга йўналса, Ундан (Аллоҳдан) бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган ҳолга келади. Аллоҳни танимоқ, яъни маърифатуллоҳ ҳам нафс тазкия қилингандан кейин нафснинг ҳақиқатини ўрганиш билан бошланади. “Нафсини билган Раббини билур” ҳақиқатида шу маънога ишора этилгандир.

Кўпчилик инсонлар моддий нарсаларга берилиб, руҳларини нафсоният тўлқинларида қорайтирган пайтларда нафс эҳтиросларидан беҳожат бўла олган комил бир зотнинг раҳбарлигига бўлган эҳтиёж янада ортади. Шу боис Ҳақ дўстлари саналадиган маънавият султонларининг қалбларни тирилтирадиган насиҳат ҳамда тавсияларидан, уларнинг ўрнак бўладиган ибрат ва ҳикмат тўла ҳаётларидан ўзимизга ҳиссалар олмоғимиз лозим.

Миллий тарихимизнинг зоҳир оламида бўлгани каби маънавият оламида ҳам чўққи шахсиятлардан бир бўлган Ёвуз Султон Салим Хоннинг йўлларимизни ёритадиган ушбу ҳаракати нақадар диққатга сазовордир:

У зафарлардан зафарларга ноил бўлган Миср сафаридан қайтар экан, Истамбул халқи ўзини катта бир ҳаяжон билан кутаётганлигининг хабарини эшитади. Шаҳарга яқинлашиб қолганлигига қарамасдан лашкарларини Чамличанинг орқа томонида дам олдиради. Истамбулга бирдан кирмайди. Неча муаззам лашкарларга ғолиб бўлган Султон нафсига енгилиб қолишдан қўрқиб, минг бир андиша билан Ҳасан Жонга:

“Тоғажон! Қоронғу тушсин, ҳамма уйига кириб кетсин. Шундан сўнг Истамбулга кирайлик. Фоний олқишлар, зафар байроқлари ва илтифотлар бизнинг нафсимизни мағрурлантириб ерга туширмасин!..” дейди.

Ниҳоят, оқшом чоғи қоронғи тушганидан сўнг, яширинча аста-секин шаҳарга кирадилар. Зеро у ҳукмдорлик ва салтанатнинг нафсни тузоқларга туширишига қарши уйғоқ турадиган Султон эди. Бир валий зотнинг муқаддас нафаси билан иршод топиш дунё салтанатидан ҳам қийматли эканлигини ифода этадиган мана бу байт жуда ҳам машҳурдир:

*Подшоҳи Олам бўлмоқ*
*Бир қуруқ ғавғо эмиш.*
*Валий зотга шогирд тушмоқ,*
*Жумладан аъло эмиш.*

Ҳар бир мўмин тез-тез ўз нафсини ва ботиний дунёсини сўроққа тутмоғи керакдир. Тарозида тортган каби ўзининг руҳий ҳолатини жиддий бир шаклда тартибга солиб, назорат қилиб бормоғи лозимдир.

Руҳият илмида бунга “ботиний тафаҳҳус” (нафс муҳосабаси) дейилади. Инсон ҳеч бўлмаса бошини ёстиққа қўйганида, бир кун (йигирма тўрт соат) нинг ҳисоб-китобини қилмоғи даркор. Буни одат қилган одамнинг хатокор бўлишдан қутулиши осонлашади.

Имом Ғаззолий ҳазратларининг бу хусусда берган ушбу насиҳатларига қулоқ тутайлик:

“Мўмин киши бомдод намозидан сўнг (кун бошланмасидан аввал), ўз нафси билан бир муддат ёлғиз қолиши лозимдир. У билан баъзи аҳдларни қилмоғи ва бир қанча шартлар устида келишмоғи керакдир. Чунки бир савдогар сармоясини ҳамкорига топшираётганида ҳам шундай аҳдлашади. Бу орада уни баъзи нарсалардан огоҳлантиришни ҳам унутмайди. Инсон ўз нафсига ҳам шу тарзда:

“Менинг сармоям умримдир. Умрим тугагач, сармоям ҳам, фойда ҳам тугайди. Аммо бу бошланган кун янги бир кундир. Аллоҳ таоло бу кунни ҳам менга икром қилиб берди. Агар У менинг ҳаётимга нуқта қўйса, яна бир кунгина бўлса ҳам ортга қайтаришини орзу қилар эдим. Шу бир кунда ҳам турли хил солиҳ ва хайрли амалларни бажаришни хоҳлардим” дея танбеҳ бермоғи зарур. Сен буни ҳозир тасаввур қилиб кўр! Айтайлик, сенга ўлим етди ва ортга қайтарилдинг. У ҳолда бугун гуноҳ ва маъсиятга умуман яқинлашма! Бу куннинг бирор лаҳзасини ҳам зое этма! Зеро ҳар нафас баҳосиз бир неъматдир.

Шуни яхши билгинки, бир куннинг кеча ва кундузи йигирма тўрт соатдир. Қиёмат куни инсоннинг олдига ҳар кун учун йигирма тўрт дона беркитилган сандиқ келтирилади. Банда ўша соатда Аллоҳнинг лутфи ила амалларининг мукофоти сифатида берилган ичи нурга тўла қутини кўриб, жуда ҳам севинади. Агар унинг бу севинчи жаҳаннамдагиларга улашилса, улар жаҳаннам азобини умуман сезмас ҳолга келадилар.

Банда иккинчи қутини очганида, унинг ичи қоп-қоронғи эканлигини кўради. Ундан бадбўй ҳидлар чиқади. Бу эса исён билан ўтказилган вақтдир. У бундан шунчалик қаттиқ хафа бўладики, агар бу хафагарчилик жаннат аҳлига тарқатилса, улар бу қайғудан жаннат завқини йўқотадилар.

Учинчи қути очиб қаралганда, унинг ичи бутунлай бўш бўлиб чиқади. Бу уйқу ёки мубоҳ нарсалар билан ўтказилган соатлардир. Кичик бир хайр ажрига ҳам жуда муҳтож бўлинадиган у кунда имкони бўла туриб буюк бир фойдани йўқотган савдагорнинг ҳасрати каби ҳасрат чекади. Ундан ҳам баттарроқ афсусланади. Вақтини бекор ўтказганлиги учун изтиробда қолади.

Хитоб:

“Эй нафсим! Фурсат борида сандиғингни яхши нарсаларга тўлдир! Ҳеч ҳам бўш жой қолдирма! Танбалликка берилма! Агар шундай қилсанг, улуғ мартабалардан қуйи тушасан!”

Баданнинг аъзолари ҳам нафснинг ёрдамчилари мавқеидадир. Инсон уларга вазифаларига қараб хос тавсияларда бўлмоғи ва бу омонатларни ёмон ишларга жалб қилмасликни қалбига сингдирмоғи керакдир.

**Кўз**ни ҳаромдан ва қалбни банд этадиган бефойда нарсаларга қарашдан сақламоқ лозимдир.

**Тил**ни ғийбат, бўҳтон, ёлғон, чақимчилик, мақтанчоқлик, бошқаларни маломат қилиш, хушомад каби “офати лисон” деб аталадиган ёмон сифатлардан тўсиб, доимо зикрда бўлишга ва яхши сўзлар сўзлашга машғул қилмоқлик зарурдир.

**Меъда**ни ҳаром ва шубҳали таомлар истеъмолидан сақламоқ керакдир. Уни ҳалол луқмалардан ҳам энг кам даражада фойдаланишга ўргатмоқ даркор.

Инсон ҳар ҳаракатида жуда кўп мубоҳ нарсаларга рўбарў келади. Мақсадсиз киришиладиган машғулотлардан воз кечиш энг мувофиғидир. Чунки Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам *“Кераксиз нарсаларни тарк қилмоғи инсоннинг яхши мўминлигидандир”* деб марҳамат қилганлар. (Термизий, Зухд, 11, Ибни Можа, Фитон, 12)

Демак, нафс бу каби тушунчалар билан доимо ғафлатдан уйғоқ бўлмоғи лозимдир.

Нафсни ҳисобга тортганда, бир жиҳатни эътиборсиз қолдирмаслик керак. Яъни инсон бажарадиган амали Аллоҳ учунми ёки ўз нафси учунми эканлигини билмоғи зарурдир. Чунки инсон вақти-вақти билан Аллоҳ учун солиҳ амаллар қилганман деб ўйласа-да, қалбидаги туйғуларига бўйсунган бўлиши мумкин.

Қалб нафс тазкияси натижасида “соғлом” ҳолга келади. Қалби салийм босқичларида ушбу уч ҳолатга эътибор берилади:

1. Ҳеч кимсани хафа қилмаслик. Бу тақво аҳлининг ҳолидир. Бунда қалб нафснинг ёмонлигидан ҳимояланади. Гўзал ахлоқ юзага келади.

2. Ҳеч кимдан хафа бўлмаслик. Бу эса, муҳаббат аҳлининг ҳолидир. Ўткинчи мақтовларга эътибор беришнинг аҳамияти йўқолмоғидир. Буни худди қуёш нури қаршисида бошқа бир ёритувчи ва тўсувчи нарсалар аҳамиятсиз бўлиб қолишига ўхшатиш мумкин.

Шоир бу хусусда шундай баён этади:

*Жаҳон боғида эй ошиқ мақсади шул инсу-жиннинг -*

*На кимса сендан ранжисин, на сен бир кимсадан.*

3.Дунё манфаати билан охират манфаати баробар келганда, Охиратни танламоқ ва Илоҳий ризоликни мақсад қилмоқликдир.

Бу фикрларимизнинг хулосаси шуки, Аллоҳ таоло бир имтиҳон олами бўлишини мурод қилган бу дунёда ҳар бир инсоннинг қаршисига нафс тўсиғини қўйгандир. Инсонга нафс сабаб юзага келадиган қийинчиликларни енгиш ва ўз-ўзини назорат қила олиш қобилиятини бергандир. Нафс – яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам сабаб бўлиши мумкин бўлган бир воситадир. Бундан ташқари, нафсни муваффақиятлар эшиги деб ҳам айта оламиз. Чунки банда уни ўзига тобе қила олса, нафс у учун бир қувонч манбасига айланади.

Нафс тазкиясининг барокати эса, дунёда ҳеч бир нарсага қиёс қилиб бўлмайдиган даражада муаззамдир.

**Жаноби Ҳақ жумламизни нафсига ғолиб келганлардан айласин!**

**Амийн!**

***Нафсини ёмонликлардан тасфия қила олган инсон Яратувчининг санъаткорона яратилган бир мўъжизасидир. Зеро у бутун жамоли тажаллийларнинг кичик аксидир.***

## 3. НАФСНИНГ МАРТАБАЛАРИ

Маънавий тарбия ва комилликка эришиш йўлидаги нафснинг ҳол ва мартабалари машҳур таснифларга кўра, етти қисмга бўлингандир:

### а. Нафси аммора

Нафси аммора бандани Раббисидан узоқлаштирадиган, ёмонликларни қилишга қизиқтирадиган энг бузуқ ҳолатдаги исёнкор нафсдир. “Аммора” – кўп буюрувчи деганидир. Бу сифатга эга бўлган нафснинг ягона мақсади ҳою ҳаваснинг ўлчовларига татмин (рози бўлиш) дан иборатдир. Шаҳватнинг асири ва шайтоннинг ўйинчоғидир. Кайф-сафо ва гуноҳга ҳарис бўлган нафсдир. Нафснинг истаклари бўлган шаҳватларга қарши мужодалага киришмай, унинг орзуларига тобе бўлган ҳолда шайтоннинг йўлига кириб кетиш нафси аммора савиясида бўлган кимсаларнинг аҳволидир.

Аслида, нафси аммора соҳиби учун шайтондан ҳам таҳликалироқдир. Буни Ибн Атоуллоҳ ал -Искандарий шундай изоҳлайдилар:

“Сен аслида ўз нафсингдан қўрқ! У нафс сенга қарши ҳаракат қилади. Бунинг устига у ўлимга қадар ҳам ўз соҳибидан айрилмайди. Шайтон ҳам ҳеч бўлмаса, Рамазон ойида инсондан ажралади. Чунки Рамазонда шайтонлар кишанланади. Шунга қарамай, Рамазон ойида ҳам жиноятлар, ўғриликлар ва ахлоқсизлик ҳолатлари учраб туради. Бу ҳолат шайтоннинг алдовлари сабабли эмас, балки нафс йўлдан оздирганлиги учун юзага келади”.

Жаноби Ҳақ шундай дейди:

إِنَّ النَّفْسَ لَأَمَّارَةٌ بِالسُّوءِ

**“...”.** (Юсуф, 53)

Бошқа бир тарафдан инсоннинг маънавий оламдаги мавқеи эътиборидан нафси аммора ҳайвонот оламидаги заҳарли илонга ўхшатиляпти. Шубҳасизки, бундай ташбеҳлардан мурод нафснинг таҳликаларига ва фожиали томонларига диққатни тортмоқликдир.

Шоир Навийзода Атоий бу ҳақиқат ҳақида шундай сўзлайди:

*Хулқи бадлар охир бориб бир илонга айланур,*

*Ул илонлар шоҳи эрса нафси аммора эрур.*

*“Ёмон ахлоқ бир илонга ўхшади. Бу илонларнинг шоҳи эса, нафси амморадир”.*

*Ана шу жиҳатдан соғлом ақл соҳиби бўлган ҳар бир мўмин нафси аммора билан доимий бир жиҳод ҳолида бўлади.*

Бундай жиҳодда ақл ва ирода қиличини ғафлат қинига солиб қўймоқдан ортиқроқ зарар йўқ. Зеро нафс кўплаб улвийликларга мазҳар бўлган қанчалаб инсонларнинг бир онлик ғафлатидан ҳам фойдаланиб қолади. Уларга беадад зарар етказади. Бадбахт бўлиб қолишларига сабаб бўлади. Фақат Аллоҳ сақлаган ва Унинг Ўзи ёрдам қилган бандалар бундан мустаснодир.

Дарҳақиқат, Миср азизининг аёли Зулайҳо билан Ҳазрати Юсуф алайҳиссаломнинг ўртасида кечган қуйидаги ҳодиса жуда ибратлидир:

Қуръони Каримда баён қилинишига кўра, Юсуф алайҳиссалом гўзаллиги зиёда, кўркам бир йигит бўлиб улғаядилар. У зотнинг бундай кўркам кўринишлари яшаётган уйларининг хоними Зулайҳонинг фикри бузилишига олиб келади.

Жаноби Ҳақ Ояти Карималарда бу ҳодисани шундай билдиради:

**“...”.** (Юсуф, 22-24)

Юсуф алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг лутфу карами билан маънавий ёрдамларга ноил бўлган эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу каби нафси амморани енгиш мавқеида бўлганликлари учун Зулайҳога майл этишдан қутуладилар. Биз ожиз бандалар ҳам Жаноби Ҳаққа тақво ила йўналишга, ўз нафсимизнинг ёмонлигидан ва таҳликали ҳолларидан узоқ бўлмоқликка мажбурмиз.

Аввалги саҳифаларда айтиб ўтилгани сингари биз ҳам шу ҳикматга биноан Буюк Раббимиз буюрган оқибати фожиали бир қатор хулқлардан ўзимизни сақламоғимиз даркор.

Масалан, бир эркакни ўзига ҳалол бўлмаган бирорта хотинга шаҳват билан қарамоғи зинога кириш эшикларидан биридир. Бу шунинг учун ман қилингандир. Бошқа барча ёмон феъллар учун ҳам шундай ҳукм қилингандир.

Ҳақиқатан, бу воқеа буюк ибратларга тўладир. Шу ўринда абадий қутулишнинг бадали ҳукмидаги дунёвий синовлар қийин ва шиддатли кечганлигини, кўпгина ҳодисалар кетма-кет содир бўлганлигини ҳам айтиб ўтмоғимиз лозимдир. Шундайки:

Юсуф алайҳиссалом гўзаллиги тилларда достон бўладиган даражадаги фариштадек бир йигит эдилар. У зотдаги гўзалликни кўрган заҳоти аёлларнинг хаёллари чалғир эди. Ҳатто ўзлари ҳис қилмаган ҳолда бармоқларини ҳам кесиб олар эдилар. Агар Юсуф алайҳиссалом хунук ва шаҳвоний туйғулари сўнган бир чол бўлганларида, бу имтиҳон бунчалар қийин кечмасди. Ушбу ҳодиса ҳам бу қадар таъсирли ҳодиса бўлмас эди. Бунга муқобил Зулайҳо ҳам ҳақиқатда бойлик ва шуҳрат чўққисида, шаҳватнинг асирлигида эди. У ҳам ёши ўтган, бечораҳол бир аёл бўлганида, Ҳазрати Юсуфнинг имтиҳонлари ҳам осон бўлар эди.

Ҳолбуки, у ҳам ёш ва кўпчиликни ром эта оладиган жозибага эга гўзал бир аёл эди. Бунинг устига хонанинг эшиги ҳам маҳкам ёпилганди. Иккалалари одамлардан панада ёлғиз қолган ва гуноҳ қилиш осон бўлган бир пайтда Зулайҳо Ҳазрати Юсуфга қатъий бир овозда **«Олдимга кел!»** деб, хунук бир ишга чорлаган эди. Буюк Раббимиз Юсуф алайҳиссаломнинг қанчалаб мустаҳкам иродаларни ҳам эрита оладиган бундай бир қийин вазиятда қолган ҳолатларини **“Агар бурҳонимиз (далил ва ёрдамимиз) бўлмаганда, у ҳам майл этарди”** деган сўзлар билан ифода қилгандир.

Ҳазрати Юсуф алайҳиссалом қаршиларидаги бундай жозибали ҳолнинг тузоғига тушмаслик учун ҳақиқий бир тақво билан “Маазаллоҳ” дедилар. Бундай ҳолатда ягона чора “Аллоҳга сиғиниш” эканлигини англадилар. Бу ҳам Илоҳий ёрдам етиши учун тақво зарур эканлигини кўрсатмоқда. Яъни нафси амморанинг шиддатли истакларига қарши

тура олиш фақатгина тақводорлик ҳис- туйғулари қувватланиши билан мумкин бўлади.

Ҳақиқатан бир эркакнинг умри давомида рўбарў келиши мумкин бўладиган имтиҳонларининг энг оғирларидан бири ёшлик, гўзаллик, бойлик каби ҳар турли жозиба ҳамда имконга эга бир аёлдан келадиган даъват ва илтифотга "йўқ" дея олмоқдир. Бунинг устига бундай даъват ёлғиз қолган ҳолда билдирилса, янада қийиндир.

Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида ҳеч бир соя бўлмайдиган қиёматнинг шиддатли куни ҳақида айтадилар. Аллоҳ таоло етти тоифа инсонга аршнинг соясидан жой беришини ва бу тоифалардан бири:

*"Гўзал ва обрў соҳибаси бўлган бир аёлнинг бирга бўлиш истагини " Мен Аллоҳдан қўрқаман..." дея, рад этган навқирон..."* эканлигини билдирганлар. (Бухорий, Азон, 36)

Зеро инсоннинг энг катта заифликларидан бири илтифотга енгилиб, ўзини идора қилиш кучини йўқотмоқлигидир. Лекин Ҳазрати Юсуфда бундай бўлмади. Тақволари ва тарбия қилинган нафслари комил бир мақомда бўлганлиги сабабли, у зот алайҳиссалом Илоҳий ҳимояга ноил бўлдилар. Нафси амморанинг қаршисида мағлуб бўлмадилар.

Ибратга лойиқ яна бир жиҳат эса, Зулайҳо Ҳазрати Юсуфни зиндон билан қўрқитганида ҳам у зот алайҳиссаломнинг бу чорловга рози бўлмаганларидир. Зеро Зулайҳо ўз мақсадига эриша олмаса, Ҳазрати Юсуфни зиндонга ташлашларини буюришини айтади. Ҳолбуки, Юсуф алайҳиссаломнинг покланган нафслари у зотга тақвони илҳом қилганлиги учун **"Эй Раббим! Зиндон уларнинг менга даъват қилаётган нарсасидан ёқимлидир"** дедилар.

Айниқса, У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳга **"Агар уларнинг ҳийласини мендан узоқлаштирмасанг, мен уларга майл қилувчи жоҳиллардан бўлиб қоламан"** дея қилган илтижолари буюк бир тақвонинг нишонасидир. Чунки Юсуф алайҳиссалом ўзлари тушиб қолган вазиятдан қутулишнинг ягона чораси бўлган зиндонни танладилар.

Бундан кўринадики, инсонни гуноҳларга тортқилайдиган бу барча дунёвий жозибаларнинг "Менинг олдимга кел" деган чорловларига бас келадиган, уларнинг чақириқларига қаршилик қила оладиган ягона куч

ўша лаҳзаларда “Мазааллоҳ” демоқликдир. Чексиз қудрат эгаси бўлган “Аллоҳ таолога сиғина олмоқлик” дир.

Қуръони Каримда нафси амморанинг офатларидан сақлайдиган энг кучли қурол тақво эканлиги билдирилгандир. Шунингдек, муқаддас китобимиз Қуръони Каримда нафснинг ҳақиқатини кўрсатган бир воқеа ҳам баён этилгандир.

Мусо алайҳиссаломга Тури Синода пайғамбар эканликлари таблиғ етилди. Кейин эса:

**“...”** дейилди**.** (ал-Қасос, 31)

Азиз ва Жалил бўлган Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга Ўз қудратини асо орқали кўрсатди. Мусо алайҳиссалом эса, ана шу асо воситасида Аллоҳнинг қудрати ила унсият этдилар. Аллоҳ у зотни пайғамбар ўлароқ тайин этиб, Ўзига яқинлаштирди. Мусо соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сўзлашганида, баъзи ҳолатлардан огоҳлантирди. У зот алайҳиссаломга хитобан шундай деди:

**“...”.** (Тоҳа,17)

Мусо алайҳиссалом эса:

**“...”** дея жавоб бердилар. (Тоҳа, 18)

Аллоҳ жалла жалолуҳу:

**“...”** деб буюрди. (Тоҳа, 19)

Ҳазрати Мусо дарҳол амрни адо этдилар. Бу ҳолат Қуръони Каримда **“...”** (Тоҳа,20) дея ифодаланган.

Буни кўрган Мусо алайҳиссалом қочишни бошладилар. Аммо Аллоҳ таоло шундай буюрди:

**“..!”** (Тоҳа, 21)

Баъзи муфассирлар Мусо алайҳиссаломнинг қўлларидаги асоларини ерга отишларига оид оятнинг тафсирида бу ҳодисани иршод маъносида эканлигини баён этадилар. Яъни бу Ҳазрати Мусонинг ички оламларига тааллуқли бир иршод бўлган дея изоҳлайдилар.

Мусо алайҳиссалом фоний муносабатлари, суянадиганлари ва бошпаналари борлигини зикр қилганларида, Аллоҳ жалла жалолуҳу улардан воз кечишларини амр этди.

Бу ўринда нафс ва нафсга боғлиқ бўлган нарсалар буюк бир илон тимсолида кўрсатилди. Мусо алайҳиссаломга нафснинг ҳақиқати билдирилди. У зот алайҳиссалом аввалига бундан қўрқдилар. Чўчиб қочдилар. Ҳазрати Мусога бўлиб ўтган ҳодисага ишора қилиб, шундай дейилди:

“Эй Мусо, бу илон Аллоҳдан бошқа нарсаларга ихлос қилиш хусусида огоҳлик бермоқда. Бу нафсоний сифат ўз соҳибига шаклланган бир суратда кўрсатилганда, у инсон бундан қўрқиб қочади. Сен энди тавҳид сифати билан сифатлангансан. Сенинг бир асога таянишинг, таянадиган ҳамда ёрдам зарурлигида фойдаланадиган бир нарсанг борлиги қандай қилиб тўғри ва ўринли бўлиши мумкин?.. У асодан мен учун бошқа фойдалар ҳам бор дейсанми?..

Тавҳид йўлидаги илк қадам сабабларни тарк этишдир. Яъни мутлақ таваккул ва таслимиятдир. Сен энди ҳар қандай талаб ва истаклардан воз кеч!”

Яна шундай буюрилади:

“Ҳақ нидосини эшитган ва Унинг жамоли нурини кўрган киши Аллоҳдан бошқа нарсага таваккул қилмайди. Аллоҳнинг фазлу карамидан бошқа ҳеч нарсага суянмайди. Шу ҳолда нафснинг хоҳишлари ва васвасаларидан узоқлашади!”

Бу фоний туш оламининг беш дақиқали сохта лаззатлари учун инсонга ҳақиқий саодатни ва абадий охират салтанатини тарк этдириб, уни жаннатдаги энг устун мақомга етиш ўрнига асфаласофилийнга туширган ҳам яна шу нафси аммарадир.

Нафси аммарага енгилган инсон ҳатто ўзини қутқариши мумкин бўлган ҳақиқатлар қаршисида ҳам ўз билганидан қолмай, кибрга берилади. Атрофдагиларга камситиш назари билан қарайди. Ёлғон, ғийбат ва бекорчилик билан машғул бўлишдан завқланади. Исломда тақиқланган чиркинликлардан қутула олмайди. Бундай инсонлар қисқагина бу дунё ҳаётининг ўткинчи ва нафсоний лаззатлари учун жаннату Жамолуллоҳни, абадий саодату омонликни бутунлай эсдан чиқарадилар. Зеҳнларидаги бу ҳол сабаб бир қатор йўқотишларга учрайдилар. Улар қалб кўзлари пардали, жоҳил ва ғофил инсонлардир.

Нафси аммарада султоний руҳ бутунлай ҳайвоний руҳнинг асири ҳолига келади. Руҳ инсонийлик сифатларини йўқотади. Ҳайвоний сифатлар ҳокимга айланади.

Бу каби инсонлар ҳақида Ояти Каримада Жаноби Ҳақ шундай буюради:

**“...”.** (Аъроф, 179)

Бундайлар шу ҳолларида ҳам Аллоҳнинг марҳаматига ишонадилар. Ўзларини шу ишончлари билан овутадилар. Ғафлат туғёни ичида гуноҳларда давом этадилар. Улар Аллоҳ таолонинг азобидан қутулишларига амин бўлгандек:

“Ҳаром амалнинг ҳаром эканлигини билган ҳолда қилиш куфрга олиб бормайди! Вақти келганида, тавба қилиб оларман!” деган тушунча билан ўзларига тасалли берадилар. Ўзларининг ана шундай сароб хаёлларига ишониб алданадилар.

Аслида бу каби тушунчалар гуноҳ амалга ошишини хоҳлаган ва уни одатий ҳол сифатида кўрсатишни истаган нафснинг шайтоний васваса-ларидир.

Ҳолбуки, Жаноби Ҳақнинг огоҳлантириши нақадар буюкдир:

**“...”.** (Луқмон, 33)

Бошқача айтганда, нафси амморанинг ғафлатига тушиб қолган инсонлар охиратларини қутқарадиган хайр ва ҳасанот ишларида ҳам ғайрат кўрсатмайдилар. Ёмонликлардан сақланиш хусусида қатъиятсиз бўладилар. Агар кичик бир хайр қилсалар ҳам, бу кўзларига катта бўлиб кўринади. Доимо шу билан мақтаниб юрадилар. Улар ўзлари қилган ёмонликлардан пушаймон бўлсалар ҳам, бу надоматлари ҳол ва ҳаракатларида бир лаҳзалик хайрли ўзгаришга ҳам васила бўла олмайди. Чунки улар бундай васила қувватидан маҳрумдирлар.

Бу мартабадаги мўмин инсон даволанишга муҳтож бир касал кабидир. У нафси амморадан қутулиб, нафси лаввомага ўта олиши учун маънавий даволанишда бардавом бўлиши керак. Бунинг учун энг муҳим усул ўзини жиддий бир шаклда ҳисобга тортмоқликдир. Банда азамат ва жалол соҳиби бўлган Раббининг ҳар нарсадан хабардорлигини, қабрдаги саволларни, маҳшаргоҳдаги ҳисобни, жаҳаннамдаги шиддатли азобни ўйлаши ва тавбага қасд қилмоғи керакдир.

Бироқ банда тавба асносида Жаноби Ҳаққа фақат сўз билан муножот қилиши эмас, балки қалбан пушаймон ҳам бўлиши зарур. Буни буюк бир самимият билан ифода этиши лозим. Тил тавба қилсаю аммо

қалбда фурсати билан яна ўша гуноҳга қайтиш орзуси устун бўлса, бу тавба мақбул эмасдир. Билакс, бу мунофиқнинг тавбасидир. Тавбага муҳтож тавбадир. Бир томондан тавба қилган ҳолда бошқа томондан гуноҳларда давом этиш, тавба сабаб етган мақомини писанд этмаслик ва уни жиддий қабул қилмасликдир.

Тавба чин дилдан пушаймон бўлиб, бошқа бирор марта қайтмаслик шарти билан ёмон одатлардан воз кечишдир. Жаноби Ҳақдан мағфират тилашдир. Шунингдек, банданинг нафси амморадан қутулиш учун камида энг зарур шаръий аҳкомларга риоя этиши, калимаи тавҳиднинг руҳи ва ҳақиқатида теранлашмоққа ҳаракат қилишидир.

Қалбдаги бир бут ҳолига келган ва бандани Раббисидан ғафлатда қолишига сабаб бўлган барча ҳою ҳаваслар, Аллоҳдан бошқа жами мақсадлар "**Ла илаҳа**" дейиш билан қалбдан тўлиқ сидириб олинмоғи лозимдир. Сўнгра қалбнинг покланган заминида "Иллаллоҳ" ҳақиқатини маҳкамлашга, кўнгилни фақат Аллоҳга хос бўлишига ғайрат қилинмоғи керакдир.

Банда шу шаклда ўз ожизлигини ва ҳечлигини идрок этмоғи, иймон борасида тақлиддан ҳақиқатга қараб тараққий этишга ҳаракат қилмоғи зарурдир. Иймоннинг қалбда ҳақиқий маънода ўрнашиб қувватга эришмоғи эса, бандани солиҳ амалларга ва натижада улвий мавқеларга етаклайди.

### б. Нафси Лаввома

Нафси аммарасини пушаймонлик ила ҳисоб-китоб этиб, унинг ёмон ҳол ва ҳаракатларидан қутулиш учун ғайрат кўрсатганлар тўғри нафси лаввома томон йўл оладилар.

Бундай одамлар нафси аммарадаги каби "Нима бўлганда ҳам Аллоҳ кечиради" тушунчаси билан овуниш ғафлатидан нисбатан покланганликлари учун ўзларига тасалли беролмайдилар. Шу боис нафсларини қоралаб, пушаймонлик билан тавбаю истиғфорда бўладилар. Гоҳида илми сабабли бирор бир натижага ета олмаганлар ҳам илм ва ирфон мажлисларида кўз ёш тўкканча тавба қиладилар. Бироқ шундан сўнг ҳам ёмонликларга қайтадилар.

Лавм қилмоқ – маломат қилмоқ ва айбламоқ демакдир. Нафси лаввома қилган ёмонликлари, Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига

нисбатан бепарволиклари сабаб ўз хатоларидан пушаймонлик туйганлиги, виждони азобланганлиги учун ўзини қаттиқ танбеҳлаган нафсдир. Бу мартабада бўлган киши нафси амморадаги хулқларининг баъзиларидан тавба қилиб қутулгандир. Яъни ғафлатдан бир оз узоқлашган ва гуноҳ қилиш истаги камайган кишидир. Бироқ бу ҳислар етарли даражада бўлмаганлиги учун такрор гуноҳларга тушишдан ўзини қутқара олмайди.

Султоний руҳ ҳайвоний руҳнинг асоратидан қутулиб, ундан фориғ бўлганлиги учун гуноҳлар ортидан дарҳол пушаймонликни ҳис этади. Банда ўз нафсини огоҳлантириб, истиғфорга машғул бўлади. Фақат нафс ҳануз мағлуб қилинмаганлигидан тавбада тўлиқ ҳолда сабот кўрсата олмайди.

Бундай кишилар ёмонликлардан виждонан роҳатсиз бўлсалар ҳам, ташқаридан келадиган салбий таъсирларни рад эта оладиган кучга эга бўлмайдилар. Шунинг оқибатида гуноҳлардан қутулолмайдилар. Масалан, дўстларининг кўнглини оғритишдан қўрқиб, гуноҳ йўлларга кириб қоладилар.

Бундайларнинг аксарияти қилган ҳасаноти билан масрур (шод), ёмонлиги билан маҳзун (ғамгин) бўлганлардир. Улар шаҳвоний истакларининг тошқинларидан ўзларини сақлаш ва унга қарши туришга ҳаракат қиладилар. Тавбага мойилликлари кучайиб боради. Қалблари анча нурланганлиги учун ғафлатдан уйғоқ ҳолда бўладилар. Бу каби кишиларда Аллоҳ таолонинг амрларига боғлиқликни ва солиҳ амалларининг ортганлигини кўриш мумкин. Уларнинг аксарият амаллари фақат Аллоҳ учундир. Бироқ Илоҳий илҳом бахш этадиган ҳузур ва сукунга ҳали том маънода қовушмаганликларидан Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларини ич-ичларидан одамлар билишини хоҳлайдилар. Яъни уларда нафси амморанинг баъзи ёмон ахлоқлари ҳануз давом этаётган бўлади. Шу боис банда бу ҳоли туфайли ўзини ўзи қоралайди.

Нафс восил бўлган бу босқичнинг номи Қуръони Каримдаги:

وَ لاَ أُقْسِمُ بِالنَّفْسِ اللَّوَّامَةِ

**“Лаввома (пушаймон қилувчи) нафсга қасам ичаманки”** (Қиёмат, 2) оятида баён этилгандир.

Инсоннинг ўз нафсини маломат қилмоғи, яъни нафсини шиддат билан айбламоғи, фақат қуруқ сўзлар билан воқе бўлса, бундан кутилган натижа юзага чиқмаслиги аёндир. Зеро “лаввома” ва “аммора” мартабалари орасида ниҳоятда ҳассос ва нозик бир чегара бордир.

Инсоннинг ботинида нафсини озгина лавм этмоғи сабабли бир кибр ҳоли сезилса, у ерда ҳамон яширин ҳолда нафси амморанинг ҳукмронлиги давом этаётганлигидан дарак беради.

Оят Каримада Жаноби Ҳақ:

وَ لَقَدْ خَلَقْنَا ٱلْاِنْسَانَ وَ نَعْلَمُ مَا تُوَسْوِسُ بِهِ نَفْسُهُ
وَ نَحْنُ اَقْرَبُ اِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ

**“...”** дейди**.** (Каҳф, 16)

Инсон шу тарзда нафсини лавм этаркан, нафси амморанинг яширинча тасарруфотидан ўзини сақламоғи ва ғафлатда қолишдан қаттиқ чекланмоғи лозимдир. Чунки баъзи инсонлар фитратлари шундай бўлганлиги учун эмас, балки бошқалар уларни “мутавозе” инсон деб билишларининг нафсоний истаги сабаб мутавозе бир феъл-атворда кўринишга интиладилар. Шу тариқа ўз нафсларини зўриқтирадилар. Бу самимиятдан йироқ ва риёкор ҳол аслида “тавозунинг фахри” дан иборатдир.

Тавбада саботкор бўлмоқ ва ёмон феъллардан поклана олмоқ фақат маънавий тарбия билан мумкин бўлади. Агар лаввома мартабасидаги нафс маънавий тарбия ортидан борган ва солиҳларга эргашган бўлса, ёмон феъллардан қутулади. Бу феъл-атворлар кейин ҳам қайтмайди. Бироқ қалбдаги кин, ҳасад, кибр каби баъзи ёмон сифатлар қолади.

Нафси лаввомадан қутулиб, нафси мулҳимага ўтиш маънавий тарбиянинг муҳим бир усули “робита” орқали давом эттирилади. Яъни нафси мулҳимага ўтаётган банда ҳар бир ҳол ва ҳар бир амалида ҳаромдан сақланади. Илоҳий амрларга риоя этишда маънавий тарбияга раҳбар қилинган муршиди комилнинг қўлидан тутиши керак бўлади. Бунда у маънан ва ҳар он муршиди комилнинг қўлидан тутиш тушунчаси ҳамда кўнгил бирлиги туйғулари ила ҳаракат қилиши лозимдир.

Шунингдек, нафсини доимо ҳисобга тортмоғи ва ўзидаги ёмон хулқларнинг ҳар бирини тадрижий бир суратда тарк этишга қарор қил-

моғи ва тавба этмоғи керакдир. Бундан ташқари ана шу ёмон ҳисларнинг акси ва муқобили бўлган гўзал ахлоқ билан ахлоқланишга уринмоғи зарур. Масалан, кибрга мағлуб бўлган бўлса, тавозе ва маҳвиятга бурилмоғи лозимдир. Кин ва ҳасад билан хасталанган бўлса, мўмин бирodарларини ўзидан устун кўришга одатланмоғи, уларнинг қусурларидан олдин ўз қусурлари билан машғул бўлмоғи даркор. Мўминнинг мўмин учун бир ойна эканлигини ёдда тутмоғи зарур. Ёмон кўз билан қараганда ёмонликни, яхши кўз билан қараганда эса, гўзалликларни кўриши мумкинлигини билмоғи керак. Дин қардошларининг ҳам фақат гўзал жиҳатларига эътибор қилиши даркор. Яна бу мартабада Аллоҳ таолонинг зикрида бардавом бўлиши, маъсиятга қарши огоҳ туриши ва қалб оламини муҳаббатуллоҳ нурлари билан ойдинлатмоққа ғайрат этмоғи лозимдир.

### в. Нафси Мулҳима

Нафси амморадан пушаймонлик ҳис этиб, нафси лаввомага юксалган мўмин бу босқичда ҳам тавба ва истиғфорга юз тутади. Гуноҳлардан сақланган ҳолда маънавий иршодга кўнгил беради. Нафсга қарши мужоҳада ила нафси мулҳима мартабасига эришади.

Банда бу мартабада Аллоҳнинг лутфи ила хайр ва шаррни ҳассос бир суратда ажрата олиш ва шаҳвоний туйғуларнинг ҳаддан ошишига қарши туриш қатъиятига эришади. Қалбни Аллоҳдан ғофил қиладиган ҳар бир нарсадан узоқлашади. У энди халқ назаридан кўра, Ҳақ назаридаги мавқеининг андишаси билан тўлади. Қалбидаги иймон ҳақиқатлари кашф бўлиш ҳолига келади.

Нафснинг бу мартабаси Қуръони Каримдаги **“...”** Шамс сурасининг 7-8-оятларига асосланиб, “мулҳима” деб номланади**.**

Нафси мулҳима илҳомга эга бўлган нафсдир. Нафснинг бу босқичида истиқоматда бўлганлар Илоҳий амр ва тақиқларга яширин риоя этиш барокати ила ладуний ҳақиқатлардан, маърифат ва кашфдан бир оз насибадор бўла бошлайдилар. Банда ишқ ила руҳлар оламига йўналган бир ҳолга келади. Тарафи Илоҳийдан баъзи илҳомларга ва қисман Раббоний шабадаларга эга бўла оладиган бир ҳолга етишади. Лекин бу илҳом шабадаларининг Раҳмоний бўлган бўлмаганлигини англаб олиш учун бир маънавий раҳбарнинг назоратига эҳтиёж туғилади. Зеро бу

мужоҳадада нафс енгилаётган ва султоний руҳ ғолиб келаётган бўлса ҳам, у қалбни банд қилишда давом этади. Яширин ҳийла ва васвасалар ила султоний руҳни мавқеидан туширишга ҳаракат қилади.

Шу сабаб мулҳима мартабасидагиларнинг Жаноби Ҳаққа таваккул ва таслимиятлари комил маънода эмасдир. Яъни бу пайтда зоҳирий ва феълий камолот ҳануз ботинда ҳақиқатлашмаган бўлади. Ёмон ва хунук сифатлар феъл-атворда кўринмаса ҳам, улар ҳали бу мартаба соҳибини бутунлай тарк этмаган бўлади. Зоҳирий сабаб ва иллатлар оламидан ҳануз ҳақиқат иқлимига кўчиб ўтилмаганлиги сабабли тараддуд, диққат бўлиш, юрак сиқилиши, ваҳима ва жўшқинлик ҳолатлари бўлиб туради. Ҳали таслимиятнинг ҳузур ва саодатига эришилмаган бўлади. Кўнгиллар бугуннинг ва келажакнинг орзу-истакларига боғлиқ ўйларнинг изтиробида қоладилар. Бугуннинг ризқига ноил бўлган бўлсалар-да, эртанги ризқларининг ўйлови ичида яшайдилар. Зоҳиран Жаноби Ҳақнинг “Раззоқ” сифатини қабул қилсалар ҳам, қалбларидаги андиша ила ўзлари сезмаган ҳолда бу сифати Илоҳиййага ишончсизлик ҳолатига тушадилар. Бундай вазиятда Аллоҳнинг тақдирига ризолик, Унга таслимият ва таваккул тақлидий бир шаклда қолади. Улар ҳануз буни қалбан тасдиқлай олмайдилар. Бироқ бу босқичда нафснинг хоҳишларини тарк этиб, уни имкон қадар тарбиялашга муваффақ бўладилар. Бироқ ҳайвоний руҳ мағлуб бўлган бўлса ҳам, ҳали султоний руҳга хос соф ва гўзал ахлоқ тўлиқ шаклда барқарор ҳолга кела олмайди. Чунки нафс истаклари ва нафсга маъқул келмаганларни тарк этишнинг (риёзат ва мужоҳаданинг) ўзи билан гўзал ахлоқни сингдириб бўлмайди. Булар билан биргаликда “зикриллоҳ” га ҳам эҳтиёж борлигини унутмаслик керакдир. Агар қалб дунёвий андиша ва жўшқин ҳисларга бандлар бўлса, зикрнинг сафосига ва қалб хотиржамлигига эришиб бўлмайди. Зикриллоҳнинг одобига риоя қилишда аҳлуллоҳнинг маънавий иршоди ва раҳбарлиги зарур бўлади.

Қачонки, банда бир даво ё бошқа бир мақсад ила эмас, чуқур бир завқ ва лаззат ҳолида, ишқ ҳамда важҳ ичида Раббини зикр қила бошласа, у шу лаҳзаларда зикрнинг ҳақиқий сафосига ноил бўлади. Айни дамда Раббоний илҳомлар орқали коинотнинг сирларидан воқиф бўлади. У ерда тажалли этган Илоҳий қудрат оқимларидан ҳайратга тушади. Кўнгли хотиржам тортади.

Жаноби Ҳақ:

اُدْعُ اِلٰى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحِكْمَةِ وَ الْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ

**“Раббингни йўлига ҳикмат ва чиройли мавиза билан чақир!”** (Наҳл, 125) дея марҳамат қилган оятидан ҳисса олади. Сўзлари гўзал ва ҳикматли бўла бошлайди. Чунки у энди Аллоҳ таолонинг илҳом ила сийланган бандалари қаторига ўтади. Мана шу ҳолга етгандан сўнг, ҳайвоний руҳ (нафс) султоний руҳнинг амрларига бўйсуниш орқали салбий сифатларнинг иғвосидан қутула бошлайди. Унда сабр-тоқат ва бағрикенглик сифатлари кучаяди. Тавозе, қаноат ва жўмардлик юқори даражага етади. Бироқ бу мартабадаги нафс соҳиби “Мен шундай бир даражага эришдим” деган бир фахрланиш туйғусига берилади. Шу ғафлати сабаб кибр ва манманлик каби салбий сифатларидан холи бўла олмайди.

Шу сабабдан нафси мулҳимадаги бир мўмин доимо Илоҳий мушоҳада остида эканлигини билиб, ҳол ва ахлоқида тавозе ҳамда фонийлик туйғусини кучайтириши лозимдир. Дунё ҳаётига охират хаёлидан узоқлашмай назар сола олиш уфқига етмоғи зарур. Сўнг шу ҳолда тафаккури мавт (ўлим ҳақида тафаккур қилиш) нинг етуклигига йўналмоғи керак бўлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Ўлимни кўп эсланг! Чунки ўлимни эслаш инсонни гуноҳлардан поклайди. Дунёга нисбатан зоҳид қилиб қўяди. Агар бойлигингизда уни эсласангиз, бойликнинг офатларини кетказади. Агар фақирликда эсласангиз, ҳаётингиз билан хушнуд қилади”.* (Суютий, Жомеъус- Сағир, 1)

Нафси ана шу мартабага етган солиҳлардан бўлган Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу қуйидагича насиҳат қиладилар:

*“Ҳисобга чақирилмасингиздан аввал ўзингизни ҳисобга тортинг. Амалларингиз Илоҳий тарозида тортилмасдан олдин уларни ўзингиз тарозида тортинг! Ҳеч бир амалингиз сирлигича қолмайдиган Жаноби Ҳақнинг ҳузурига бормай туриб, у буюк маҳкамага ҳозирланинг! Шубҳасиз, дунёдалик вақтида нафсини ҳисоб-китоб қилган одам учун қиёмат кунидаги ҳисоб осон бўлур”.* (Термизий, Қиёмат 25-24.59; Ибн Касир, Тафсир, 1-27)

### г. Нафси Мутмаинна

Жаноби Ҳақнинг амрларига лойиқ равишда эргашган, У ман этган нарсалардан қаттиқ сақланиш билан маънавий хасталиклардан қутулган, ҳақиқий ва қувватли бир иймон билан ҳузур, сукун ҳамда “итминон” га эришган нафс мутмаинна нафсдир.

Агар қалб зикриллоҳ барокати билан шубҳаю тараддуддан тозаланса, ҳар он шукур ва сано ҳолида бўлади. Ёмон ва чиркин сифатлар ўз ўрнини гўзал ахлоққа бўшатиб беради.

Камолотнинг юқори босқичига етган ва бутун башариятга намуна бўлган Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юксак ахлоқлари таърифсиз бир завқ ила ҳаётимизга кўчгандир. Нафси мутмаинна мартабасидаги банданинг қалби сабр, таваккул, таслимият ва ризо билан тожлангандир. Мутмаинна орифи биллаҳ бўлган, тақво ва яқийн аҳлининг нафсидир. Бундай одамларнинг кўнгиллари доимо Ҳақнинг зикри билан машғулдир. Улар шариат аҳкомларининг ботинидан ҳам воқиф бўлганлардир.

Имом Раббоний ҳазратлари “Нафси мутмаиннага қадар қилинган ибодатлар ва бандалик тақлидийдир. Нафси мутмаиннада эса, булар тақлиддан таҳқиққа айлангандир” дейдилар.

Аллоҳга бандалик қилишда таҳқиққа қадар юксалиш эса, шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифат тартибидаги “ҳақиқат мартабаси” га восил бўлмоқлик демакдир. Эришилган бу камолот босқичи ўзи билан бирга масъулият тушунчасини ҳам юзага келтиради. Бандани юксак бир ҳассосият соҳибига айлантиради. Шундайки, шаръан оқил ва болиғ бўлмаганлар диннинг ҳукмларини адо этишга масъулиятли ҳисобланмайдилар. Масъулият фақат оқил, болиғ бўлганларга оиддир. Шунингдек, тасаввуф тариқатларидан бирортасига кирган бир солик ҳам сайру сулукини тамомлагунга қадар масъум бир гўдак каби қабул қилинади. У тариқат одобига доир қусурлари билан хуш кўрилади. Чунки тариқатда солик фақат сайру сулукини тамомлаган онида рушдга эришади. Шариат каби тариқат одоби бўйича йўл қўйилган қусурларга ҳам масъул бўлади. Лекин “ҳақиқат” жиҳатига доир камчиликларга ҳануз масъул саналмайди. Бу масъул эмаслик ҳолати мутмаинна мартабасига қадам қўйган чоғда масъулиятга айланади. Зеро банда айнан мутмаиннада “ҳақиқат” жиҳати билан рушдга эришган бўлади.

Шу боис шариатда мубоҳ бўлган баъзи нарсалар тариқатда кичик гуноҳ саналади. Тариқатдаги кичик гуноҳ бўлган нарсалар эса, ҳақиқат ва маърифатда буюк гуноҳ каби жиддий ва муҳим ҳисобланади. Масалан, шариатда тўйгандан кейин емоқ исроф бўлса, тариқатда тўйгунча емоқ исрофдир. Ҳақиқатдаги кифоят миқдори Аллоҳнинг ҳузуридан ғофил бўлган ҳолда емоқдир. Ҳақиқатда ана шу ҳол исроф саналади. Маърифатда эса, буларга қўшимча равишда неъматлардаги Илоҳий тажаллийларни кўрмасдан емоқ исрофдир. Зеро Жаноби Ҳақ ҳар нарсада Ўз Борлиғига бир ишорат белгилаб қўйгандир. Бошқа барча хусусларда ҳам ҳолат шу кабидир.

Нафси мутмаинна мартабасидаги банда Аллоҳ таолонинг тавфиқ ва инояти ила ҳақиқат, сакинат ва "яқийн" га қовушгандир. Дунё ғами ва андишалардан қутулиб, баъзи кашф ҳамда илҳомларга ҳам эга бўлгандир. Яқийн очиқ ва равшан илмни ифода этадиган бир калимадир. Яқийнда шубҳага ўрин йўқдир. Қалб ҳар бир нарсанинг ҳақиқати хусусида очиқ ва равшан бир илмга эга бўлган ҳолда эканлигидир. Яна яқийн иймон қуввати билан очиқ кўрмоқни ифода этади. Қушайрий яқийнни уч хил таърифлайдилар:

"Бу мартабада қалбнинг устидаги ғафлат пардалари кўтарилгандир. Кўнгиллар борлиқдаги ҳақиқатларни айнал яқийн мартабасида мушоҳада қилиш ҳолидадир. Яъни қалб тараддуд ва шубҳалардан тозаланган, ҳақиқий бир таслимият билан тўлиқ итминон ва ҳузурга эришгандир. Бу ҳолга эришган бир банда диний мукаллафиятларни ҳам зоҳиран ва ҳам ботинан тараддудсиз ҳолда қабул қилиб, гўзал бир шаклда адо этади.

Бунинг устига бу қабул ва ишонч шунчалар соғломдирки, жумлаи олам бир бўлиб ишонган нарсасининг зиддини иддао этса ҳам, унда жуда кичик бир иккиланишни ҳам пайдо қила олмайди. Чунки у моддий ва маънавий оламни фақат ҳақиқат деразасидан кузатади. Бундайлар иймонлари сабаб ҳеч қандай ҳасрат ва мужодаладан чўчимайдилар. Зеро Қуръони Каримда қиссаси баён этилган Фиръавннинг сеҳргарлари ҳам Ҳазрати Мусо алайҳиссалом кўрсатган очиқ мўъжизалардан сўнг, мутмаин бир қалб билан Аллоҳга иймон келтирганлар. Иймонларидаги қатъиятларини жонлари баҳосида муҳофаза этганлар. Золим Фиръавн агар улар иймонларидан қайтмасалар, қўл ва оёқларини кесган ҳолда хурмо дарахтига осдириш билан таҳдид қилган. Бироқ улар бунга парво ҳам қилмай, ўз эътиқодларига содиқ қолганлар.

**“...”** (Аъроф, 125-126) деб, буюк бир иймон ҳаяжони ичида жонларини фидо этганлар.

Зеро бу мақомда кўзларни тўсиб турган башарий нуқсонлар ўрнини латиф туйғулар эгаллайди. Улар ҳақиқат нури зуҳур этгач:

يَآ اَيَّتُهَا النَّفْسُ الْمُطْمَئِنَّةُ

**“Эй итминонга эришган хотиржам нафс”** (Фажр, 27) шаклидаги Илоҳий хитобга ноил бўладилар.

Кўриниб турганидек, нафси мутмаиннадан паст мартабадаги нафслар Илоҳий илтифотга муяссар бўлмаганлар. Фақат итминонга эришган нафси мутмаинна ва ундан юқори мартабадаги нафслар бунга мазҳар бўлгандирлар.

Бундай илтифотга ғайрат ва шижоат кўрсатиб, нафсни итоат остига олган ҳолдагина эришиш мумкиндир. Мутмаиннага ноил бўлган Аллоҳнинг саодатли бандалари навбатма-навбат уч юқори мартаба (розия, марзия ва комила мартабалари) томон йўналадилар. Улар ўзлари эришган восилликлар нисбатида Ҳаққа яқинлик ва вуслат етуклигига муваффақ бўладилар.

### д. Нафси Розия

Ҳамиша Ҳаққа йўналмоқ сурати ила яшаган, У зот билан баробар бўлиш шуурига эришган, Унинг ҳикматини англаган ва ҳукмига бўйсунган нафс нафси розиядир. Бу нафс Аллоҳ таолодан рози бўлиб, хушнуд ҳолга келгандир. Бундай мартабага юксалган банда ўз иродасидан воз кечиб, Ҳақнинг иродасида фоний бўлгандир.

Қуръони Каримда:

اِرْجِعِى اِلٰى رَبِّكِ رَاضِيَةً مَرْضِيَّةً

**“...!”** (Фажр, 28) оятидаги **“Сен Ундан рози бўлган ҳолингда Раббингга қайт”** ҳукмида шу мақомга ишорат қилингандир.

Бу ризо ҳоли Ҳақдан келган барча ғамлар ва синовларга нисбатан сабрли бўлмоқ ва бу хусусдаги Аллоҳ иродасини бажонидил қабул қилмоқликдир.

**“..!”** (Бақара, 155)

Бу Ояти Каримада ифода қилинган **“сабр қилувчилар”** қаторида бўлишга фақат Жаноби Ҳақнинг тақдирига (у тақдир умид қилгани ва кутганидек бўлмаса ҳам) рози бўлмоқ ва асло исёнга тушмаслик билан эришилади. Зеро нафси розия Илоҳий ироданинг хайр ёки шарр ўлароқ тажалли этган қадар ҳукмларининг барчасига тараддудсиз таслим бўлганлар ва асло шикоят қилмаганларнинг мақомидир.

Бу мақомнинг синовлари бошқа мақомлардаги синовларга нисбатан яна ҳам оғирдир. Зеро инсон маънавий юксалгани сари синовлари кўпайиб боради. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

*“Инсонлар ичида энг шиддатли балоларга учраганлар пайғамбарлардир. Сўнгра уларга яқинлик даражасига қараб бошқа инсонлардир. Инсон диндорлиги ўлчовида балоларга рўбарў бўлади”.* (Термизий, Зуҳд боби, 57-ҳадис)

Инсон фақат нафс тўсиқларидан ошиб ўтганидан сўнг, турли балолар ва машаққатларга муносиб ҳолда сабр қила оладиган, уларни берган Зотдан рози бўладиган бир ҳолатга эришади. Булар маънавият йўлининг жилғаларидир. Зеро улуғ мукофотлар ҳамиша мужодала, сабр, сабот ва таҳаммуллар ортидан келади.

Бу мартабадаги мўминлар назарида ҳаётнинг ғаму шодлиги бир хилдир. Чунки улар дунёга кўнгил боғланмаганлар. Шу сабаб ҳаётнинг қувончлари ва ғамлари улар учун бир хил ҳолга келгандир. Улар нима тақдир қилинган бўлса ҳам, яхши ёки ёмон бўлсин ҳаммасини Жаноби Ҳақдан деб рози бўладилар. Қуйидаги мисралар бу ҳолатни қандай ҳам гўзал ифодалайди:

*Хушдир менга келса Сендан,*
*Ё ғунча гул ёхуд тикан!*
*Ё ҳилъату ёхуд кафан,*
*Қаҳринг ҳам хуш, лутфинг ҳам хуш.*

Ғоятда осон бир йўл билан англатилган бу шеърдаги ҳақиқатларни ҳаётга қўлламоқлик катта куч ва енгилган нафс билан қўлга киритилади. Фақат розия мақомида бу каби сўзларни нафсидаги борлиқ хаёли ёки тақлид қилиш истаги билан бепарво тарзда ўринсиз айтишдан сақлан-

моқлик керакдир. Чунки бундай ҳолатда улар даъво моҳиятига эга бўлади. Агар Аллоҳ таоло бандаси сўзлаган бу сўзлар самимий ёки самимий эмаслигини имтиҳон қиладиган бўлса, кўп бандалари бу синовда адашишдан қўрқишади.

Розия мақомидаги бир банда асрори Илоҳиййадан хабардор бўла бошлайди. Ваҳдати Илоҳийни комил маънода идрок этиб, маънавий оламидаги етукликни мушоҳада қила олиш ҳолига ноил бўлади. Жаноби Ҳақнинг исм ва сифатларининг алоҳида равишдаги тажаллиларига муяссарлик ила шарафланади. Унинг шахсияти хайр, гўзаллик ва ҳақиқатни тарқатувчи бир файз манбаи ҳолига келади. Илоҳий амр ва қайтариқларга ҳузур ила эришади. Ибодатлар холис Аллоҳ учун адо этилганлиги сабабли асло ҳорғинлик бермайди. Зеро ҳорғинлик берадиган ибодатлар ортида ё мартабалари ошишига ёки каромат ва кашфга ноил бўлиш истаги ётган бўлади. Агар инсон фақат шундай ҳолга эришиш истагида бўлса, ўша истакларнинг ўзи унинг йўлини тўсади. Барча меҳнатларини зое этади. Бу ҳол содир бўлса, зикр ва фикрни унутдирадиган бир ҳорғинлик ҳам келади. Шунинг учун сайру сулукнинг бошидан охирига қадар Аллоҳ ризосидан бошқа мақсадни кўзламаслик керак.

Ҳақ таоло бизга шоҳ томирларимиздан ҳам яқиндир. Муҳими, биз ҳам бу яқинликни ҳис этишимиз ва Раббимизнинг яқинлигига ноил бўла олишимиздир. Шунда Жаноби Ҳақ ҳам биздан рози бўлади. Шундай экан, биз, бандалари ҳам Унинг йўлида ғайрат кўрсатишимиз, тақдири ва қазосига рози бўлишимиз, Илоҳий имтиҳонлари зуҳур этган чоғ комил бир шаклда қаршилай олишимиз лозимдир. Энг асосийси, Ундан рози бўлмоғимиз керакдир.

### г. Нафси Марзия

Розия мартабасида бўлганлар бу мартабанинг файзларидан тўлиқ фойдалана олишлари учун Жаноби Ҳақ ҳам улардан рози бўлмоғи лозим. Яъни бу мартабада банданинг Аллоҳдан рози эканлигининг ўзи камлик қилади. Зеро мукаммал бир камолотга етмоқлик учун Аллоҳ ҳам бандасидан рози бўлмоғи керакдир.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг Ҳақдан розилигимиз Унинг буюк ризосини қозона оладиган қатъият ва гўзалликка эга бўлмоғимиз билан мумкиндир. “Марзия” сифати Аллоҳга нисбат берил-

гандир. Агар банда Аллоҳ ризосига эриша олса, амалларининг барокати сабабли унга ҳам шу сифат билан нисбат берилади. Бунга кўра нафси розия Аллоҳдан рози бўлганларнинг мақоми бўлса, нафси марзия Аллоҳ ҳам ундан рози бўлган кишиларнинг мақомидир.

Жаноби Ҳақ бандасидан хушнудлик ила рози бўлган нафси марзияда ёмон хулқлар бу нафс соҳибини батамом тарк этади. Гўзал хислатлар ва ахлоқи маъзиятлар бўй кўрсатади. Яъни Яратувчи берган шафқат, марҳамат, муҳаббат, мардлик, кечиримлилик ва ҳассосият каби туйғулар бир лаззат ҳолига келади. Бу мартабадаги бир мўмин нафсини энг гўзал шаклда муҳосаба ва муроқаба қилади. Ҳар нафасда борлиқ ва менлик ҳолатларини кузата бориб, шайтоннинг ҳийлаларига қарши ҳимоясиз қолишдан сақланади.

Яна бу мартабадаги банда ҳар қандай вазиятда ҳам бутун борлиғи билан Ҳаққа таслим бўлган ҳолда бўлади. Аллоҳдан келган каҳр ёки лутф тажаллиларининг ҳар иккисига ҳам ризолик кўрсатганининг барокати сабаб Илоҳий ризо хушхабарини олади. Боқий оламга кўчар экан, унга жаннат ҳилъати (жаннат либоси) кийдирилади.

Юқорида зикр қилингани каби **“Сен Ундан У сендан рози бўлган ҳолингда Раббингга қайт”** (Фажр, 28) оятидаги (Раббинг ҳам сендан рози бўлган ҳолингда) ҳукм шу ҳолда ҳақиқатга айланади.

“Баййина” сурасининг 8- оятида:

رَضِيَ اللّٰهُ عَنْهُمْ وَ رَضُوا عَنْهُ

**“...”** дейилади. Бу ҳам ўша ҳақиқатнинг ўзгача бир ифодасидир.

Бу ҳол ва ҳақиқатларга ноил бўлган бир банда ҳодисаларни “ҳаққал-яқийн” мартабасидан кузатади. Аллоҳнинг изни билан баъзи ғайб сирларидан огоҳ бўла бошлайди. Жаноби Ҳақ ризо, таваккул ва таслимиятлари сабабли бундай бандаларнинг “Кўрган кўзи, эшитган қулоғи, сўзлайдиган тили ва тутар қўли” бўлади. Уларнинг ҳолига, сўзларига ва гўзал ахлоқларига таъсир қувватини эҳсон этади. Яъни улар нафси розия мақомида мушоҳада қилган камолот зуҳурларини энди шахсан ўзларидаги нафси марзияда тотадилар. Ана шу ҳоллар билан ҳолланадилар. Энди уларнинг хулқ-атворларида сабр, таваккул, таслимият ва ризо каби хислатлар устунлик қилади.

Пайғамбарларнинг буюк ахлоқларида ҳам бу гўзал ҳолларга доир бир қанча мисоллар бордир. Ҳазрати Ёқуб алайҳиссаломга устма-уст мусибатлар келгандир. У зот шу сабабли ўз ҳолларини **“Менга тушгани фақат сабри жалийлдир”** (Юсуф, 18) дея баён этгандирлар.

Чидаб бўлмас хасталик ва балоларга рўбарў бўлган Аюб алайҳиссалом аёлларининг “Раббингга дуо қилки, бу изтиробли ҳолинг тугасин” шаклидаги талабига “Ҳақ таоло менга саксон йил сиҳатли бир умр берди. Ҳали шунча йил касал бўлмай туриб сиҳат исташдан ҳаё қиламан” деган жавобни берадилар.

Иброҳим алайҳиссалом ҳам ўтга отилаётганларида ёрдам учун келган фаришталарга “Ўтни ёндирган ким? У менинг ҳолимни билади. Сиздан ҳеч бир талабим йўқдир!” дейдилар. (Қрг. мад, Зухд, с. 80; Табарий, Тарих, I, 242; Ибн Асир, ал-Комиш, I, 99)

Аслида нафс тазкияси йўлида босиб ўтилган босқичлар шулардан иборат бўлса-да, камолот аҳли зиммасига юкланган хизматлар эътиборидан яна бир босқич бордир. Бу босқичдаги нафсга нафси комила ёки нафси софия дейилади.

### д. Нафси Комила (Нафси София)

Нафси комила тазкия натижасида тозаланган соф, улвий ва етук нафсдир. Бу барча маърифат сирлари тўлиқ таҳсил этилган ва Аллоҳ таоло томонидан ваҳбий ўлароқ лутф қилинган бир мақомдир. Ҳақ таоло тарафидан ато этилгандир. Фақат бундай мақом ҳаракат ила қўлга киритилмайди. Нафси комила мақоми тақдир сири билан боғлиқ Илоҳий бир инъомдир.

Иршод хизмати тўлиғича нафси комилага эришганларга ҳадя қилинганлиги учун бу мақом “иршод мақоми” ҳам дейилади.

Жаноби Ҳақ бу мақомдагиларнинг ҳол ва ҳаракатларидаги мукаммаллик орқали инсонларни ғафлатдан огоҳлантирувчи бир таъсир яратади. Бундай зотлар бир фосиқ кимса билан кўришиб қолсалар, унинг ҳолини англаб етадилар. Ундаги қалбий хасталикларнинг дорисини ҳол тили билан ўзига билдирадилар. Агар фосиқ кимсанинг қалби муҳрланмаган бўлса, иймонга келади ва пушаймонлик ила ғафлатдан уйғонади.

***Қалб хайр ва шарр, тақво ва фужур, яъни малакий ва шайтоний кучлар курашадиган бир саҳнадир. У умр бўйи фаришталарга хос ана шундай фазилатлар ва шайтоний майллар ила тўлқинланиб туради.***

## Б. ҚАЛБ ВА УНИНГ ТАСФИЯСИ

### 1. ҚАЛБНИНГ МОҲИЯТИ

Диннинг асосий ғояси Ҳаққа банда эканлигининг идроки ва шуурида бўлган фикри теран, зариф инсонларни камол топтирмоқдир. Бу мақсаднинг ҳосил бўлмоғи фақат ва фақат Ҳаққа бандалик қилишни лойиқ даражада идрок эта олиш ва амалга ошира билишга боғлиқдир. Инсон қалбидаги улвий ҳаяжон, Аллоҳдан қўрқув ва Аллоҳнинг ризолиги учун қилинадиган амаллар сабаб камолотга, маънан юксак бир савияга етади.

Қалб (юрак) баданий ва руҳоний оламимизнинг марказидир. Унинг дунё ҳаёти давомида асосий бир вазифаси бордир. Юрак инсон вужудидаги миллиардларча хужайранинг ҳар бирига тоза қон етказиб бериши керакдир. Агар бу фаолият тўрт сониядан кўпроқ муддатга узилиб қолса, ўша ҳужайраларнинг ҳаёти тўхтайди.

Тана яшаши учун жуда муҳим бўлган юрак айни замонда инсоннинг ҳиссий қудрат ва қобилиятларининг асосини ташкил этадиган маънавий бир жавҳардир. Бунга кўра юрак узвият (вужуд аъзолари) томонидан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам инсон борлиғининг султони саналади. Бу шундай даражадаки, бир тафаккур маркази бўлган мия ҳам, ундан содир бўлган ҳиссиётнинг таъсири остида фикр юритади. Демак, юрак ўзининг сезиш қобилияти билан (бунинг ичига нафас олиш ҳам киради) асосий бир вазифани бажаради. Ўзига хос бу қобилияти орқали танадаги барча аъзоларга ҳокимлик қилади. Масалан, ҳаяжонланган одамнинг қўллари титрайди, юрак уриши тезлашади. Ҳар қандай ташқи таъсир тўғридан-тўғри тафаккур ва иродага, пировардида эса, ҳаракатлар таъсирида

қўзғатиладиган ҳисларга (марҳамат, ғазаб, муҳаббат каби ҳисларга) ён беради. Бу барча инсонлар томонидан кузатилган бир ҳақиқатдир.

Қалб маънавий эътибори билан ҳақ ва ҳақиқат компасидир. Бу вазифа унга Жаноби Ҳақнинг тайинлаши билан юклангандир. Лекин у яратилиш мақсадининг акси бўлган бир ҳолатга тушиб, бу фитрий вазифадан узоқлаштирилган чоғда салбий сифатларга яқинлашишдан қутула олмайди. Бундай ҳол юз берган тақдирда у ўз соҳибининг дунёси ва охирати обод бўлишига эмас, балки ҳар иккисининг ҳам барбод бўлишига сабабчи бўлиб қолади. Шу сабабдан уни яратилиш ғоясига кўра йўналтира оладиган таъсирларга тобе этиш лозим бўлади. Унинг муроди Илоҳийга бўлган мақсадли тамойилларини қувватлантириш эса, башарий тарбиядаги жуда муҳим бир масала саналади.

Аллоҳ таоло қалбнинг дунёвий лаззатларга алданган ҳолда ўз соҳибини боқий оламдан маҳрумият ичида қолдирмаслигини истайди. Ояти Каримада биз бандаларини огоҳлантириб:

**“..!”** (Фажр, 5) дея марҳамат қилади.

Ҳазрати Мавлоно қуддуса сирруҳу эса, инсон яратилишининг асл моҳиятидан адашмаслиги учун нафсоний орзуларини тизгинламоғи кераклигини шундай ифодалайдилар:

*“Вужудингни ортиқча парваришлаб, келишган бир вужуд соҳиби бўлишга уринма! Чунки у охирида тупроққа бериладиган бир қурбондир. Сен бор эътиборингни қалбинг парваришига қарат! Зеро юксакларга кетадиган ва шарафланадиган фақат удир”.*

*“Танангга ёғли ва ширин овқатларни озроқ бер. Чунки уни (баданни) керагидан ортиқча парваришлаган инсон нафсоний орзуларга тушиб қолади ва сўнгида разилга айланади”.*

*“Руҳга маънавий озуқалар бер! Унга етуклик билан тушуниш, нозик бир шаклда англаш каби руҳий озуқалар бергинки, у борадиган жойига кучли бўлиб борсин”.*

Луқмони Ҳаким ҳам ўғилларини ғафлатдан огоҳлантириб, шундай насиҳат қиладилар:

*“Ўғлим! Дунё тубсиз бир дарёдир. Ориф бўлмаган олимларнинг жуда кўпчилиги бунда ҳалок бўлдилар. Бу дарёда сенинг кеманг Аллоҳга мутмаин бир қалб билан иймон келтирмоқлик бўлсин. Кеманинг йўна-*

*лиши эса, тақво ва ибодат сари бўлсин. Денгизларда сайру сафар қилдирадиган бу кеманинг елкани таваккул бўлсин. Фақат шу йўсиндагина қутулишингдан умид бордир".* (Байҳақий китоб, Зуҳд, с.73)

Юрак тана учун қанчалар муҳим бўлса, маънавиятнинг маркази бўлган қалб ҳам руҳоний ҳаёт учун шу даражада катта бир аҳамиятга эгадир. Лекин инсонни инсон қиладиган унинг сурати (ташқи кўриниши) эмас, балки руҳий баркамоллигидир. Шу сабаб қалбнинг маънавий роли ҳар томонлама устундир. Қалб ўзидаги маънавий сифатлар, инжа сирлар ва ҳикматлар соясида инсоннинг "инсонлик" моҳиятига ва фазилатига эришишини таъминлайди. Бу борада у ягона муассир (яратувчи) саналади. Шу ҳикматга биноан иймон "тил ила иқрор" дан олдин "қалбан тасдиқ" ила пайдо бўлади. Эътиборлиси, ақл ёки тушунча орқали қабул қилиш эмас, қалб билан "тасдиқ" этишдир.

Борлиқнинг асл моҳияти ҳисобланадиган инсонда хайр ва шарр, улвият ва тубанликка мойиллик ҳамда бошқа майллар табиатан бир жойда мавжуд бўлади. Шу каби инсоннинг моҳияти бўлган қалбда ҳам бу қарама- қарши мойиллик ва майллар бирга жамлангандир. Ҳақиқатан, у малакий тасарруфлар каби шайтоний ўзгаришларга ҳам очиқдир. Айтиш мумкинки, қалб хайр ва шаррнинг, тақво ва фужрнинг, яъни малакий ва шайтоний кучларнинг мужодала соҳасидир. У умр бўйи ана шу малакий ва шайтоний сифатлар тажаллиси ила тўлқинланиб туради.

Энди эса, малакий ва шайтоний сифатларнинг қалблардаги тасарруфи қай шаклда эканлигига тўхталсак:

Малакий сифатлар қалбга иймон, гўзал хислат, солиҳ амаллар, махлуқотга шафқат, ибодатларни ҳушуъ билан адо этмоқ каби руҳоний ҳолларга соҳиб бўлмоқлик имконини беради.

Шайтоний сифатлар эса, қалбга куфр, шубҳа, ёмон ахлоқ, шаҳват, эҳтиросларга берилиш ва ҳавойилик каби ёмон ҳолларни келтирилади.

Фақат ибодат ва зикриллоҳ соясидагина шайтон қалбдан узоқлашади. Қалблар зикриллоҳ ила ҳузур ва сукунга эришади. Зикр билан ҳузур ва сукунга эришган қалбда иймон томир отади. Сўнг иймоннинг кучайиши билан энг улуғ хотиржамлик даражасига юксалади. Шундай бир он келадики, лоҳут (идрок ва мушоҳада қилинмайдиган) ва носут (идрок ва мушоҳада соҳасига кирган) оламига томон очилган дераза бу қалб соҳибига оламларнинг сирларини аён эта бошлайди. Коинот бу барча сирлари билан мутолаа қилиш учун ҳозирланган бир китоб ҳолига келади.

Малакий ва шайтоний васфларнинг мужодала соҳаси бўлган қалб бу курашда ғолиб бўлган тарафнинг сафларига қўшиладиган, уларнинг сифатларига ўранган, ўзгарувчан бир тузилишга эгадир. Қалб башарий иродага итоат ва таслим бўлишлик хусусида бошқа аъзолардан фарқ қилади. Бу хусусияти билан қалб идишнинг шакли ва рангини олиб, унга қараб ўзгарадиган сувга ўхшайди. Кўнгил аҳли ҳам таржиҳ (танлов) қатъияти ила қалбдаги ижобий сифатлардан фойдаланиб, омонлик иқлимига қовушади.

Ояти Каримада келтирилади:

**“...”.** (Тавба, 119)

**“...”.** (Анъом, 68)

**“...”.** (Нисо, 140)

Ирода дастлаб унга таъсир этувчи ижобий ёки салбий таъсирларни аниқлаш, белгилаш ва афзалини танлашда қўлланилади. Бу ҳолатда юрак болалар ўйинчоғига (парракка) ўхшайди. Чунки қалб сўзининг луғатлардаги муқобили “бирор бир нарсани зиддига ўзгартириш, шакли ва рангини ўзгартириш” деб берилгандир. Унинг бу маънолари ҳам инсоннинг энг асосий аъзоси бўлган юракдаги ўзига хосликни тасдиқлайди.

Ҳадиси шарифда айтилади:

*“Қалб шамолларнинг бўм-бўш бир ерда қуш патини у ёқдан бу ёққа учиргандаги ҳолатга ўхшайди”.* (Ибн Можа, Муқаддима 10. Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснад IV,408)

Асри саодатда бўлиб ўтган ушбу ҳодиса қалбдаги “ўзгариш” хусусиятини ғоят очиқ бир суратда ифодалайди:

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу бир куни Ҳанзала розияллоҳу анҳуга рўбарў келиб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Ҳанзала розияллоҳу анҳу жуда ҳам ҳаяжонланган бир ҳолатда:

– Ҳанзала мунофиқ бўлди, – дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу:

- Субҳоналлоҳ! Бу қанақа гап? - деганларида, Ҳанзала розияллоҳу анҳу шундай давом этдилар:

- Биз, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бўлганимизда, у зот бизга жаннат ва жаҳаннамни эслатадилар.

Ҳаттоки, биз у ерларни кўз билан кўраётгандек ҳолга тушамиз. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидан чиқиб, бола-чақамиз ва дунё ҳаётига машғул бўламиз. Пайғамбар алайҳиссаломдан эшитганларимизнинг жуда кўпини (У зотнинг суҳбатларида бўлган вақтимиздаги файз ва руҳониятимизни йўқотамиз) унутамиз.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу:

- Аллоҳга қасамки, бунга ўхшаш ҳоллар бизда ҳам бўлади, - дедилар.

Шу вақт уларнинг иккалалари ҳам туриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордилар. У зот алайҳиссаломга ўзларининг аҳволларини билдирдилар. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*-Жоним қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, агар менинг ҳузуримда бўлган ҳолингизда бардавом бўлсангиз, албатта, мажлисларингизда, йўлларингизда ва ётоқларингизда фариштлар сиз билан қўл бериб кўришар эдилар, - деб айтдилар. Сўнгра (уч маротаба такрорлаб):*

*– Ё Ҳанзала, баъзан ундай, баъзан бундай бўлади, – дедилар”*
(Муслим, Тавба, 12)

Яъни ҳам охиратнинг ҳақиқат ва сирларига тўла ҳолда бандаликни адо этмоқлик, ҳам дунё ҳаётида дунёвий вазифаларни бажармоқлик лозимдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалбдаги “талвин”, яъни бир ҳолдан иккинчи бир ҳолга ўтишлик хусусиятини шу тарзда изоҳлаб берганлар. Тасаввуфнинг дастлабки мақсадларидан бири ҳам, қалбдаги бу “талвин” ҳолини суҳбат ва зикрнинг барокати билан “тамкин” (истиқоматдаги барқарорлик) ҳолига ўзгартирмоқдир. Яъни қалбни Илоҳий истиқоматга йўналтириб, ўша ҳолат устида барқарор қолишига эришмоқдир.

Саҳобалар орасида Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу бу ҳолнинг энг гўзал мисолидир. У кишининг Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам билан меърож ҳодисаси юз берганда, ҳеч иккиланмай тасдиқлаганларини қалблари тамкин ҳолига етганлиги билан изоҳлаш мумкин бўлади. Мушриклар меърож ҳодисасида дарҳол ёлғон сўзлашни бошлагандилар. Уларнинг мақсадлари мўминлар қалбига шубҳа ва васваса уруғларини экиб, уларни иймондан чалғитмоқ эди. Шу сабабдан, кўп саҳобаларнинг олдиларига борганлари каби Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ҳам ёнларига боришди. У кишига ҳам қатъий бир равишда:

-Эшитдингми? Сени яқин одаминг осмонларга чиққанлигидан гапираётган эмиш. Бунга нима дейсан? – дейишади.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу буюк бир иймон ичида уларнинг бадбахтликларини яна бир бор ўзларига асослаб бердилар. Мушрикларнинг қулоқларига улар ҳали эшитмаган ушбу ишончли жумлаларни нақшладилар:

**“У нима деса тўғридир!.. Чунки у асло ёлғон сўзламас! Мен унинг ҳар бир келтирган сўзига олдиндан ишонаман!”** (Ибн Ҳишом, ас-Сийрат, II-31)

Ширкнинг намояндалари ўзларининг иғво ва васваса ташаббуслари мувафаққиятсизликка учраганлигидан ғазабланиб, яна қўллари бўш ҳолда қайтдилар.

Фаришталар яхшиликка истеъдодли этиб яратилганлар. Шайтонлар эса, фақат ёмонлик ва иғвога ҳаракат қиладиган борлиқлардир. Инсонлар уларнинг орасидаги бир мавқега қўйилганлар. Шу сабабли, инсон қалбини ифрот ва тафритдан муҳофаза этиши керакдир. Шайтоний бир ҳолатга тушмасликка ҳаракат қилиши ва ўзини башарият тоқати етмайдиган нисбатда бўлган фаришталарга қиёсламаслиги лозимдир. У ўз фитрати талаб қиладиган мувозанатни ва маълум бир мезонни сақлаши зарур.

Инсонларнинг ҳаётда энг муҳим вазифалари ва энг жиддий машғулотлари аниқ ҳамда сўнгсиз бир истиқбол бўлган “ўлимдан кейинга” ҳозирланиш бўлиши керакдир. Бу фақат қалбнинг ҳақиқатини англамоқ, уни ёмонликлардан ҳимояламоқ ва руҳоний таъсирларга тобе қилмоқ ила мумкин бўлади. Зеро дунёдаги мувозанат ва омонлик, охиратдаги ҳузур ва саодат салийм бир қалб соҳиби бўла олишга боғлиқдир. Бундай қалб эса, “салийм”, яъни яратилишдан келган пок ва фитрий хусусиятларини йўқотмаган, динида мустаҳкам бўлган бир қалб демакдир. Расулу Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак оғизлари ила:

*“Ҳар туғилган гўдак Ислом фитратида туғилади. Сўнгра ота-онаси уни (диний ишончларига кўра) ё христиан, ё яҳудий, ё мажусий қиладилар...”* (Муслим, Қадар, 22) дея ифодалайдилар. Бу ҳақиқатдан аён бўладики, қалбнинг фитрий ва салийм эканлиги “Ислом” дандир. Фақат қалб баъзи бир салбий таъсирларга дуч келган вақтда унинг салиймлиги бузилиб, истиқоматини йўқотиши мумкин.

Маънавий иқлимларнинг файзли ҳавосини тотган сари руҳоний зуҳурларга тўлган қалбларда эса, гўзал ахлоқ, амали солиҳ ва маънавий ҳоллар юзага келади. Банда фақат шу суратда фитратидаги “аҳсану тақвийм” сирига эга бўлади. Ҳодисаларга ва борлиқларга қарашда бир теранлик ва фаросатга эришади. Бу эса, оятда ишорат этилганидек, “қалб кўз” ининг пардалари очилиб, нариги тарафларни кўрадиган ҳолга келмоқлиги демакдир. Шубҳасиз, бундай кўра олиш кўзнинг кўриш соҳасидан ташқарисидаги ҳақиқатлар учун муҳимдир.

Қалб кўзи очилиб, тарбия ва иршод олмоқликни чин кўнгилдан ният қилган истеъдодли кишилар Ҳақ йўлида илгарилаш учун жиддий бир ғайратга киришадилар. Бироқ буни самимият билан орзу қилмаганлар, яқийн мартабасига етиш истагидан ғофил бўлганлар анбиё ва авлиёнинг сўзларига қулоқ солмайдилар. Қайсарлик қиладилар. Такаббурликка берилганлари сабабли қалблари қаттиқлашади. Қоронғу ботқоқликларда қолиб, фосиқлашадилар. Улар қай томон бориши тайин бўлмаган баъзи оми инсонларга ачинадилар. Бироқ ўзлари дучор бўлган маънавий кўрликнинг фалокатидан огоҳ бўлмайдилар.

Инсон ўзига Илоҳий амр ва наҳийлар таклиф этилган бу синов дунёсида фақат ижобий хислатлар эмас, балки салбий сифатларга ҳам мойил қилинган бир шаклда келгандир. Ирода ва ихтиёр соҳиби қилингандир. Бу ирода ва ихтиёрнинг қандай намоён бўлиши ҳам тайин этилгандир. Ирода ва ихтиёрнинг қай ҳолатда бўлишини инсоннинг ижобий ва салбий ҳаракатлари кўрсатади. Қалб ҳам ташқи ҳамда нафсоний таъсирлар остида қолиб вақти-вақти билан яратилиш ғоясидан узоқлашади. Соҳибининг абадий истиқболини таҳликага тушрадиган бир ҳолга келади. Бу ҳам инкор қилиб бўлмас бир ҳақиқатдир.

Нафсониятнинг таъсири остидаги қалблар куфр, ширк, ахлоқсизлик, шаҳвоний эҳтиролар ва васваса хулқи билан тўладилар. Бундай қалблар яраталиш мақсадининг акси бўлган беҳуда нарсаларни истайдилар. Улар улвиятни (буюкликни) кўра олмайдилар. Бундайлар Қуръоний таъбир билан “Бал хум аъдал” дейилгандир. Яъни улар ҳайвондан ҳам пастроқ мавқега тушиб, дунё ҳаётини ғафлат сароблари ичида зиён билан кечирадилар. Бу хилдаги қалблар иллатли ва даволанишга муҳтож ҳолатдадирлар.

***Бизнинг муомалаларимиз қалбимиз тасвирини шакллантиради. Бу муомалалар қалбимизнинг тўлқинларига кўра белгиланади.***

## 2. ҚАЛБНИНГ ТУРЛАРИ

Қалб умумий тасниф эътиборига кўра уч турга бўлинади:

а) яратилиш моҳияти ва хусусиятини муҳофаза этадиган қалблар;

б) муҳрланган ва ўлик қалблар;

в) хаста ва ғофил қалблар.

### а. Яратилиш моҳияти ва хусусиятини муҳофаза этадиган қалблар

Бундай қалблар зикр соясида ғафлатдан уйғонган зокир қалблардир. Улар нафсга руҳоният ҳоким бўлганлиги учун иймон нури билан тўлгандир. Муҳофазакор бу қалб соҳиблари Ояти Карималарнинг тақозосини адо этмоққа муваффақ бўлгандирлар:

**“...!”** (Аҳзоб, 41 оят)

**“...”.** (Музаммил, 8)

**“...”.** (Нур, 37)

Бу ҳолатдаги қалбга соҳиб бўлган бандаларда Ҳақ таолонинг жамолий асмосининг тажаллилари ғолиб келгандир. Ана шундай бир қалбга соҳиб бўлганлар Аллоҳ жалла жалолуҳунинг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва Қуръони Каримнинг ахлоқи билан ахлоқланиб, камолотга эришган кишилардир. Бундай кишиларнинг қалби Аллоҳ ва Расулига ҳис қилинган ишқ, важд ва муҳаббат барокати билан нафсоний тамойиллардан ажралиб, мосувонинг (Ундан бошқасининг) қийматини йўқотгандир. Бу нав қалблар Қуръони Каримда “қалби салийм” (соғлом қалб), “қалби муниб” (Аллоҳга йўналган қалб) ва “қалби мутмаин” (итоатли қалб) сифатлари билан эсланган. Жаноби Ҳақ қошида мақбул

бўладиган соғлом, муниб ва мутмаин қалб турларини қисқача шундай изоҳлашимиз мумкин:

**Қалби Салийм** нафсоний тамойиллардан ва уларнинг тасаллутидан (аралашувидан) ҳимояланган, тозаланган қалблардир. Шунингдек, бу қалблар Аллоҳ таоло томонидан пок бир фитрат (табиат) билан бирга эҳсон этилган ҳамда бандасидан унинг муҳофазаси талаб қилинадиган қалбдир.

Қалблар бу софлик ҳолига тасаввуфнинг тазкияи нафс ва тасфияи қалб каби усуллари орқали эришади. Шу тариқа банда гуноҳларнинг ҳукмронлигидан халос бўлади. Латифлик ҳокимиятига эришади. Дарҳақиқат, Илоҳий нурлар ичидаги бундай бир қалбда руҳониятнинг камолоти (нурларни бир нуқтага жамлаб, ўт чиқара оладиган тошойна сингари бўлган руҳониятнинг камолоти) барча нафсоний ҳавас ва маъсиятларни ёқиб кул қилади. Бу ҳол "қалби салиймга" эгаликдир. Жаноби Ҳақнинг ҳузурида ҳусни қабул этиладиган ҳам шу қалбдир.

Аллоҳ таоло Ояти Каримада марҳамат қилади:

**"...".** (Шуаро, 88-89)

Шоир Бағдодли Руҳий бу ҳолатни шундай ифодалайди:

*Кутмагилки, эй Ҳожи, сендан зару сим истарлар,*
*Явма ла- янфауда, қалби салийм истарлар.*

*Маъноси: "Эй Ҳожи! Молинг ва болаларинг ҳам фойда беролмайдиган ҳисоб кунида сендан олтин, кумуш исташади деб ўйлама! Сендан фақатгина қалби салиймни хоҳлайдилар.*

**Қалби Муниб (Ҳаққа йўналган қалб)** эса, доимо Ҳаққа томон йўналади. Фоний манфаатлар асоратидан қутулиб, ишқ шавқидан ва боқий дунёнинг иштиёқидан баҳраманд бўла оладиган бир ҳолга келади. Қалб Илоҳий қудрат зуҳурининг ва улвий ҳаяжонларнинг таъсирида қўрқувда қолади. Оят Каримада айтилади:

**"...".** (Каҳф, 32-33)

**Қалби Мутмаин** эса, иймон ҳузури ила гўзал ахлоқнинг камолига йўналган қалбдир. У ибодатлардан ва тақлиддан қутулиб, таҳқиқий ҳолга (ҳақиқатни излаш ҳолига) келгандир. Қалб зикр билан нурланиб, нафсга руҳоният ҳоким бўлгандир. Иймон жавҳари ҳиссиёт маркази

бўлган қалбда тараддудсиз бир ҳолатда ўрнашгандир. Қалб “таҳқиқий иймон” ва “ризо” ҳоллари билан ҳузур, сукун ва итминонга (хотиржамликка) эришгандир.

اَلاَ بِذِكْرِ اللهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ

**“...”** (Раъд, 28) оятида буюрилган ҳол ҳақиқатга айлангандир.

Бу оятдан Аллоҳ зикридан узоқ қолган қалблар ҳаловатсизлик изтиробидан ҳеч қачон фориғ бўлмасликлари ва ҳақиқий ҳузурга қовуша олмасликлари маълум бўлади.

Салийм, муниб ва мутмаин сифатларга эга бўлган қалбнинг аломатлари риққат, (нозиклик) махлуқотга марҳамат, кўз ёши, ҳолига рози бўлиш, ҳақ ва хайрга хизмат, ёмонликдан қочиш, насиҳат ва иршодга йўналиш, Илоҳий ишқнинг моҳиятини англаш иқтидори ила тўла бўлишдир.

Қалбга оид бу савиянинг сармояси холисона “дуо ва истиғфор” билан бир қаторда “ҳалол луқма” га диққат этмоқликдир. Бу сармоя фақат амали солиҳ ёрдамида сақланади. Инсон ҳеч қачон гуноҳлардан тўлиқ равишда узоқлаша олмайди. Гуноҳга берилиш эса, қалбнинг ҳассосиятини сўндиради. Уни ҳақиқатга қарши маънан кўр ва кар ҳолга келтиради. Қалб ижобий тажаллиларга эга бўлиши учун истиғфор ва дуога берилмоқлик шарт бўлади.

Шу ҳикматга кўра, тасаввуфий дарслар истиғфор билан бошланади. Чунки Мажалланинг машҳур қоидасида айтилгани каби “Дафи мафосид, жалби манофийдан авлодир”. Яъни ёмонликларни бартараф қилмоқлик яхшиликларни жалб қилишдан ҳам муҳимдир. Энг биринчи навбатда ана шунга эътибор қилиш керакдир.

Аҳлуллоҳ ҳалол луқма хусусида сўз кетганда, “Аллоҳ ҳалол еганнинг қалбини нурлантириб қўяди. Қалбидаги ҳикмат булоқларини тилига оқизади” деб айтадилар.

Амали солиҳ эса, қалб эга бўлган даражани муҳофаза қилмоқлик ва қўлда тута олмоқликнинг таъминотидир. Ҳақ таолодан келган жузъий илтифотлар фақат ана шундай қалб соҳиблари учундир.

Булардан ташқари, Аллоҳнинг нури билан зийнатланган тирик қалблар ҳам бордир. Бундай тирик қалб соҳиблари пайғамбарлар ва Улуғ Зот бўлган Ҳақ таолонинг дўстларидир. Уларнинг қалбларини муҳаббати Илоҳиййа тирилтирганлиги сабабли, улар ҳар икки дунёга ҳам илтифот назари билан қарамайдилар. Ҳатто кўз қирларини ҳам ташламайдилар.

Аллоҳ таоло пайғамбарлари ва уларнинг меросхўрлари мавқеидаги уламо ҳамда авлиёларга бир вазифа юклагандир. Яъни уларни инсонларнинг қалб кўзларини беркитган ғафлат пардаларини очмоқ, гўзал ахлоқ ва холисона ибодатларга ташвиқ ила қалбларини тирилтирмоқ ҳамда уларни восили Илаллоҳ этадиган маърифатуллоҳга жалб қилмоқлари учун "доруссалом" даъватчиси этиб тайинлагандир.

Соликлар қалбий тарбия натижасида камолотга эришадилар. Қалблари доимий равишда Аллоҳ билан бирга бўла олиш ҳолига (эҳсонга) етишади. Сўнг шулар сабаб "тирик қалб" сифатини қозонадилар.

### б. Муҳрланган ва ўлик қалблар

Бу хилдаги қалблар зокир ва тирик қалбларнинг батамом зидди бўлиб, улар учун иймонга доир насиб эшиклари муҳрлангандир. Муҳрланган бундай қалблар ўлик қалблардир. Уларнинг жаҳаннам чуқурлари каби бир чуқур бўлган қабрлардан фарқи йўқдир. Бундай қалблар пайғамбарлар, авлиёлар ва солиҳларнинг қалбларини акси бўлган қалбларидир.

Нафсоний иштаҳаларидан ўзга бирор бир талаблари қолмаган бу каби қалб соҳибларининг дунёда емоқ, ичмоқ, ҳою ҳавас ила умр ўтказмоқдан бошқа мақсадлари йўқдир. Уларнинг ҳаётдаги мақсадлари ҳайвонларнинг хоҳишларидан фарқ қилмайди. Аксинча, улардан ҳам пастроқ даражададир. Жаноби Ҳақ Ояти Каримада буюради:

**"...".** (Муҳаммад, 12)

Бошқа бир Ояти Каримада эса, шундай дейилади:

**"...".** (Фурқон, 44)

Яшаш тарзларини фақат нафсоний амалларгагина боғлаганлар бир умр хусронда ўтадилар. Уларнинг охиратдаги ҳоллари эса, тасаввурга сиғмас даражада фожеавий кечади. Бундай кимсалар инсоннинг ботини-

да яширинган сирлардан ҳам, ҳаётдаги сиру асрорлардан ҳам, коинотдаги ибратли нақшлардан ҳам бехабардирлар. Улар ўзлари залолатга дучор бўлганлари етмагандек, қудратлари нисбатида қўл остиларидаги кимсаларнинг ҳам залолатига сабаб бўладилар. Дунёда Аллоҳнинг мулки ва неъматлари ичида яшаганлари ҳолда бу неъматларнинг Соҳибини инкор этиш, Унинг амрлари ва қайтариқларини менсимаслик каби улкан бир ношукурлик ичида қоладилар. Ҳақ таоло бундай инсонлар ҳақида шундай дейди:

**"...".** (Ёсин, 77)

**"...".** (Бақара, 18)

**"...".** (Намл, 80-81)

Дарҳақиқат, бундай кимсаларнинг қалблари қулфланган ва муҳрланган эканлиги оятларда аниқ кўрсатилгандир.

Қуръони Каримда бу ҳақиқат ҳақида яна:

خَتَمَ اللّٰهُ عَلٰى قُلُوبِهِمْ وَ عَلٰى سَمْعِهِمْ وَ عَلٰى اَبْصَارِهِمْ غِشَاوَةٌ
وَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ

**"..."** (Бақара, 7) дея келтирилгандир.

Бу ҳолат бутун инсониятни қўрқув билан сескантирадиган Илоҳий бир сир ва ҳикматдир. Ҳар бир инсонда ҳам "Ҳадий" (ҳидоят), ҳам "Мудилл" (залолат) сифатларидан бир насиба борлиги учун дунёдалик вақтида қалби муҳрланишини ва ҳидоят эшиклари Илоҳий ирода ила беркитилишини ақлга сиғдириб бўлмайди. Зеро Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдирмоқ сингари ёмон бир ният билан йўлга чиққан Ҳазрати Умарга, Ҳазрати Ҳамзани шаҳид этган Ваҳшийга ва ҳатто у муборак саҳобийнинг жасадини парчалаб, очкўзлик билан жигарини тишлаган Абу Суфённинг хотини Ҳиндга ҳам ҳидоят эшиги бекитилмагандир.

Қуръони Каримда қалблари муҳрланган кимсалар ҳақида баҳс қилинса-да, улар номма-ном келтирилиши мумкин эмасдир. Бунинг оқибати ноаниқдир. Чунки Фиръавннинг сеҳргарлари сингари залолатда яшаб, умрларининг охирида ҳидоятга эришганлар ҳам бўлган. Ҳорун ва

Балъам бин Боура каби ҳидоят устида яшаб туриб, сўнггида ўз дафтарини зиён ила ёпганлар ҳам бордир.

Шу ўринда биз Қуръони Каримда қалблари муҳрланганлар сифатида эсланганлар баъзи бир **“зулм”, “куфр”** ва **“фисқ”** каби гуноҳларни содир этган кимсалар эканлигига эътибор беришимиз лозим. Зеро Аллоҳ таоло бундай гуноҳкор кимсалар ҳақида Қуръони Каримнинг йигирма олти жойида **“Аллоҳ уларни ҳидоятга эриштирмас”** деб айтгандир. Бу оятларнинг ўн иккитаси золимлар, саккизтаси кофирлар ва олтитаси фосиқлар ҳақида нозил бўлгандир. Бироқ бу гуноҳлардан воз кечиб, самимий бир кўнгил билан Аллоҳга йўналган бандаларига ҳидоят эшиги ҳамиша очиқдир.

Золимлар дунёдалик вақтида қалблари муҳрланишдек оғир жазога учраган бадбахт кимсалардир. Ҳидоятдан маҳрумликнинг бу учта гуноҳ ортидан зикр қилиниши бундай маҳрумиятнинг сабаблари тўғрисида мулоҳаза юритишга ундайди. Бу мулоҳазалар сўнгида эса, ҳақиқатни Аллоҳга ҳавола қилишдан ўзга чора йўқлигини ва ана шу уч хил гуноҳни содир этишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз кераклигини тушунамиз.

Бошқача айтганда, қадар номаълум эканлиги ва унга кўп қизиқиш билдиришимиз жоиз эмаслиги бир қанча ҳикматларда келтирилгандир. Шу боис, бу ҳақда чуқурлашишдан сақланишимиз лозим бўлади. Инкор этиб бўлмайдиган яна бир ҳақиқат шундаки, қалблари муҳрли ва қулф ҳолида қолган кимсалар учун Ҳаққа ва хайрга олиб борадиган эшиклар беркилгандир. Улар ҳақиқий инсонийлик ва маънавий ҳаёт билан алоқалари узилган кимсалардир. Уларнинг қалбларидаги муҳр ва қулфни йўқота оладиган ягона қудрат соҳиби улар унутган буюк Мавлодир. Аллоҳ таоло биз бандаларини бундай ғафлатга тушиб қолишдан огоҳлантириш мақсадида:

**“...”.** (Ҳашр, 19) дея марҳамат қилади.

Оятда Аллоҳни унутган кимсалар ўз шахсиятларини ҳам унутиб, маҳрумликда қолганликлари таъкидланаяпти.

Ҳақиқатда кўр каби бўлган бу хил қалблар пайғамбарларнинг, анбиё ва авлиёнинг даъватларини ва ҳидоят машъалаларини нафсоний орзуларининг акси бўлганлиги учун эътироз билан қаршилайдилар. Бундай даъватлар ва ҳидоят машъалаларидан узоқда қолиш бахтсизлигига йўлиқадилар. Нафсларининг алдамчи талқинлари билан ўлим ва

охирати бўлмаган бир хаёл дунёсини қуриб, ўша ерда овунишга ҳаракат қиладилар.

Кўршапалаклар табиатан қоронғуликни севишга мойил бўлганликлари каби булар ҳам шахсиятларида яширинган салбий сифатлар сояси остига кириб олиб, ўз нодонликларини саодат деб гумон қилиш бадбахтлиги ва жасадларининг ҳаммоллиги ичида яшайдилар. Уларнинг бу ҳоли шоир Меҳмед Акифнинг:

*Иймон-бир гавҳардир, Аллоҳ-да буюк!*
*Иймонсиз, занг юрак кўксингда бир юк!*

байтини хотирлатмоқдадир.

Худбинлик ва иймонсизликнинг ботқоғига ботганлар ўлим лаҳзаларининг қўрқинчли зилзилаларидан, ўлим фариштасининг оловли зарбаларидан уйғонадилар. Бироқ ҳақиқат оламида уларнинг бу уйғонишлари бирор наф келтирмайди. Улар бундан ҳеч қандай фойдани қўлга киритолмайдилар. Чунки мукаллафият (бурчли бўлиш) Одам Ато авлодлари учун қаршисига ўлим фариштаси келганлигини кўрадиган лаҳзаларига қадардир. Ўша ондан бошлаб инсонга берилган имконият тугайди. Сўнг бу имконни қайта қўлга киритиб бўлмайди.

У вақтдаги пушаймонлик ва надомат худди Фиръавннинг ўлими олдидан кеч қолганлигини тан олиб, саждага бош қўйгани каби фойдасиздир. Бундай кимсаларнинг оқибатлари жасадларни ютгани сари иштаҳаси зўраядиган жаҳаннам оловларининг қучоғидир.

### в. Хасталанган ва Ғофил қалблар

Булар соғлом ва ўлик қалблар орасидаги мутаввосит (воситачи) бир мавқедадирлар. Буларнинг ҳоллари вужуди касал инсонларнинг изтиробли ҳаётига ўхшайди. Уларнинг на дунёвий ҳаётларида бир оҳанг, на ичларида бир ҳузур бордир. Ички оламларидаги мавҳумлик ташқи оламларини, ташқи оламларидаги тартибсизлик эса, ички оламларини салбий таъсир остида қолдиради. Шуурларидаги чалкашлик ҳам барча ҳол ва амалларига таъсир этади. Шубҳа, қарорсизлик, тутуруқсизлик гирдобларида бўғилган бу хил хаста ва ғофил қалблар жаҳолат, шаҳват ва эҳтирос сабабли ахлоқсиз ҳолатларга тушиб қоладилар. Улар бу ахлоқсизликларга ҳар он рўпара бўлишдек маънавий иллатга мубталодирлар.

Аллоҳ таоло бу ҳақдаги Ояти Каримада:

**“...”** (Бақара, 10) деб буюргандир.

**Шубҳа** ҳақиқат сари бора олмай, файзли бир руҳоний ҳаётдан маҳрум қолиш касаллигидир. У қалбларга маънавий ўлим санчиқларини келтиради. Шунингдек, қалбга таскин бера оладиган иймоний истиқрордан (барқарорликдан) маҳрумлик уларни доимий бир ҳузурсизлик хасталигига дучор қилади.

**Жаҳолат** ҳақиқатдан маҳрум қолишликнинг изтиробини ҳис этмайдиган даражадаги кўрлик, заволли ва зулмат қоплаган бир йўлдир. Бу ҳол инсонларни эгаллаб олганидан кейин, уларни охири мутлақ хусрон ва фалокат бўлган йўлда юргизади.

**Шаҳват ва эҳтиослар** қалбнинг ўз инжалигини йўқотиб туйғусизланиши натижасида тўйиш нималигини билмайдиган истакларнинг ҳукми остида қолиш касаллигидир. Бу хилдаги касаллик билан яшаган кимсаларнинг қарор топадиган ягона жойи сукунат маконларидир. Сарвларнинг қоронғи сояси остидаги қабристонларнинг қора тупроғидир.

**Ахлоқсизлик** қалбдаги **маънавий саратон** касаллигидир. Унга вақтида даво қилинса, Аллоҳнинг изни билан шифо топиши мумкин. Қалбнинг яна бир қўрқинчли хасталиги қўполликдир. Бу хасталик зариф ва латиф инсоний туйғулар ҳамда руҳоний аксларнинг нозик қирраларини ҳис этишдан маҳрумликдир. Бундай қалблар итоатни билмайдиган, иршод овозини тинглай олмайдиган, инграш ва фарёдни эшитмайдиган, марҳамат ва шафқат нималигини ҳис этмайдиган қалблардир. Тошлар ҳам бу қалбларга қараганда юмшоқроқ, ҳароратлироқ ва севимлироқдир. Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда бу ҳақиқатни шундай ифодалайди:

**“...”.** (Бақара, 74)

Ояти Каримада қалбнинг қаттиқлиги Аллоҳни хотирламаслик ва узоқ вақт Илоҳий ҳақиқатлардан маҳрумликда қолишнинг табиий натижаси эканлиги айтилмоқда.

Яна бир Ояти Каримада Буюк Зот бўлган Аллоҳ таоло шундай буюради:

**“...”.** (Зумар, 2)

Хаста ва ғофил қалблар билан бажарилган амаллар Ҳақ наздида ўз қийматини йўқотади. Қалблар Ҳақ нури билан ойдинлашмаса, кўр

ва ҳиссиз бўлиб қолади. Коинотдаги Илоҳий сирларни фош этган минг бир нақшни ҳам, борликдаги бошқа аломатларни ҳам кўра олмайдиган ҳолга келади. Ояти Каримада Жаноби Ҳақ **"..."** (Ҳаж, 46) амри ила ибрат назари қалблар учун тирилтирувчи ва уйғотувчи мавқеда эканлигини баён қилмоқда. Қалб нури ила нигоҳ ташламагунча, кўз ойнаси бирор вазифага яроқли бўлмайди. Зеро буғланган деразанинг ортидан очиқ бир манзарани кўриш мумкин эмасдир.

Қалбнинг бепарво қаралган кичик касалликлари ўрнини тўлдириш мумкин бўлмаган катта йўқотишларга ва ҳатто уларнинг маънан ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, қалблар буюк бир иймон мустаҳкамлиги ичида муҳофаза қилинмоғи зарурдир. Ҳар бир соҳиби қалб уни Аллоҳнинг иродасига таслим этмоғи керакдир. Чунки Жаноби Ҳаққа тўлиқ бир маънода таслим бўлган инсонни Яратгандан ўзга бошқарадиган ва идора қиладиган ҳеч бир куч йўқдир.

Қуйидаги ҳадиси шариф қалб муҳофазаси зарурлигини жуда гўзал тарзда ифода этгандир:

أَلاَ وَإِنَّ فِى الْجَسَدِ مُضْغَةً إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ
وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ أَلاَ وَهِىَ الْقَلْبُ

*"Инсон вужудида бир эт парчаси бордир. У пок бўлса, бутун бадан пок бўлади. Агар у бузилса, бутун вужуд бузилади. Огоҳ бўлинг, бу эт парчаси Қалбдир".* (Бухорий, Иймон, 39)

Бу дунё Жаноби Ҳақнинг имтиҳон ва таклиф саҳросидир. Унда турли хил синов шамоллари эсади. Инсон қалбини турфа хил таъсирлар остида қолдириб, бир у тарафга, бир бу тарафга тортқилайди.

Дунё имтиҳон макони ўлароқ тақдир қилингандир. Дунёда бунинг табиий бир натижаси сифатида бир-бирига зид ҳодисалар юзага келади. Бу ҳодисаларнинг тўфонлари қалбни қуриган бир япроқ каби супуриб ташламаслиги учун қалб унинг бу таъсирларидан муҳофаза қилинмоғи зарурдир. Бу эса, қалбнинг Аллоҳ таолонинг Илоҳий нусрати ва ёрдами каби эсувчи ширин шабадаларга таслим бўлмоғини тақозо этади. Бунга фақат Аллоҳга илтижо қилиш, Унинг амр ва қайтариқларига итоат ҳамда таслимият кўрсатиш билан эришилади.

***Қалб бир тиниқ сув кабидир. Фақат у ёмон амаллар ва гуноҳларга булангач, ҳеч нарса кўринмайдиган бир ҳолга келади. Бу ҳолда маънавият инжуларини ва ҳақиқат нурларини кўра олишлик учун у сувни тиндирмоқлик лозимдир.***

## 3. ҚАЛБНИНГ ТАЗКИЯСИ

Салийм, муниб ва мутмаин қалбларнинг эришган савияларидаги ҳолатларини муҳофаза қила олиш, хаста қалбларни даволаш ва абадий маҳрумият билан муҳрланган қалблар ёмон оқибатларга дучор бўлмасликлари учун риоя қилиниши керак бўлган аниқ шартлар қуйидагилардир:

а) Ҳалол озуқа

б) Истиғфор ва дуо

в) Қуръон ўқимоқ ва унинг аҳкомларига тобе бўлмоқ

г) Ибодатларни ҳушуъ ва қўрқув билан адо этмоқ

д) Кечаларни бедор ўтказмоқ

е) Зикриллоҳ ва муроқаба

ж)Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат ва саловату шариф айтишда бардавом бўлмоқ

з) Тафаккури мавт

к) Солиҳ ва содиқлар билан бирга бўлмоқ

л) Гўзал ахлоқ соҳиби бўлмоқ.

Бу шартлар жиддий бир тарзда ғайрат ила татбиқ қилинмоғи керак. Бунинг учун аввало уларни аниқ бир шаклда тушуниб олиш ва аҳамиятини идрок қилмоқ лозимдир.

### а. Ҳалол озуқа

***Иброҳим Дасуқий қуддуса сирруҳу шундай дейдилар: "Эй қардошларим! Ҳаром еган пайтингизда ҳикмат ва маърифат ҳақида бирор нарсани қўлга киритаман деб ўйламанг".***

Ибодатлар руҳни озиқлантирадиган маънавий озуқалар ва вужуднинг моддий озуқалардан олган куч- қуввати билан адо этилади. Шунга биноан ҳалол озуқа руҳоният ва файзда акс этаркан, бунинг зидди бўлган ҳаром ва шубҳали озуқалардан қалб қаттиқлиги, ичи торлик ва ғафлат пайдо бўлади. Ҳалол озуқа билан солиҳ амаллар орасида маҳкам бир боғланиш борлиги маълумдир. Дуонинг қабулида ҳам ҳалол озуқанинг аҳамияти жуда каттадир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу хусусда шундай дейдилар:

*"Эй инсонлар! Шубҳасиз, Аллоҳ пок ва ҳамма нарсадан бенуқсон (муназаҳ) дир. Шунинг учун, ҳалол (тайб) ва тозасидан бошқасини қабул қилмайди. Аллоҳ таоло пайғамбарларга буюрганларини мўминларга ҳам буюрди.* Ояти Каримада айтилади:

**"...".** (Мўъминун, 51)

**"...".** (Бақара, 172)

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам (оятларни тиловат қилиб бўлганларидан сўнг) узоқ бир сафарга чиққанлиги туфайли сочлари тартибсиз, ҳар ёғи чанг бўлган ҳолда қўлларини осмонга кўтариб, "Ё Раббий! Ё Раббий!" деб дуо қилган бир одам ҳақида сўзлайдилар:

**"Бу одам ҳаром билан озуқаланаётган ва егани, ичгани, кийгани ҳаром бўлса, дуоси қандай ижобат қилинсин?!"** (Муслим, Закот, 65)

Кўнгил аҳли бўлган Ҳақ дўстлари қалб оламларининг кашфи учун шу икки жиҳатга катта аҳамият берганлар:

**"Еяётганингизда оғзингизга кираётган нарсага, гаплашаётганингизда оғзингиздан чиқаётган сўзга эҳтиёт бўлинг!"**

Қуйидаги ҳадиси шарифда ҳам ҳалол ва ҳаром хусусида ниҳоятда эҳтиёткор бўлишимиз кераклиги жуда ҳам гўзал бир тарзда баён қилингандир:

“Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

*“Шубҳасиз, ҳалол аниқдир. Ҳаром ҳам аниқдир. Фақат бу иккиси орасида (ҳалол ёки ҳаром эканлиги) аниқ бўлмаган бир қанча шубҳали нарсалар бордирки, жуда кўп инсонлар буни билмайдилар. Шубҳали нарсалардан сақланган киши дини ва ҳайсиятини сақлаган бўлади. Бундай нарсалардан сақланмаган бир кимса эса, вақт келиб ҳаромга йўлиқади. Бу ҳолат худди бошқа кишига тегишли бўлган дала атрофида подасини ўтлатган чўпоннинг ҳолати кабидир. Чунки пода ҳар онда ўша далага кириши мумкин. Дала эгаси учун доимо шу хавф мавжуд бўлади. Диққат қилинг! Ҳар бир подшоҳнинг ҳам кириши мумкин бўлмаган бир ери бордир. Унутмангки, Аллоҳнинг тақиқлаган ери ҳаром қилинган нарсаларидир”.* (Бухорий, Иймон, 39.)

Аллоҳнинг амрига рози бўлган, итоат ва таслимият ҳолидаги қалблар ҳикмат, хайр ҳамда файз манбаи бўлади. Буларнинг зидди бўлган ҳаромлардан, шубҳали нарсалардан сақланмаган қалб ва баданлар бошидан охиригача бир ёмонлик манбаи, ахлоқсизлик уясига айланади. Бу эҳтиёткорлик ва ҳассосият хусусидаги мисоллар нақадар ибратлидир:

“Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг бир қуллари бор эди. Қуллари топган даромадининг бир қисмини у кишига берарди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу у келтирган егуликлардан ҳам ер эдилар. Қуллари бир куни ишлаб топган пулига егулик келтирди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу у берган нарсани ея бошладилар. Шу пайт қуллари:

-Еяётган нарсангиз нима эканлигини биласизми? - деб сўради. Абу Бакр розияллоҳу анҳу унинг очиқлашини истаб:

–Нима эканлигини ўзинг айт-чи? - дедилар. Шунда қуллари:

-Фолбинликдан хабарим бўлмаса ҳам, жоҳилият даврида фолчилик қилганман. Ўша пайтда бир одамни алдаган эдим. Бугун у билан рўбарў келиб қолдик. У фол кўрганинг ҳаққи дея, сиз еяётган нарсани берди, - деб айтди. Буни эшитган Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу бармоқларини бўғизларига тиқиб (ўзларига озор берган ҳолда), еганларининг ҳаммасини чиқариб ташладилар. (Бухорий, Манокубул Ансор, 26)

Бошқа бир ривоятга кўра эса, қуллари:

-Бир луқма шунчалар азият чекишга арзийдими? – деб сўрайди. Ҳазрати Сиддиқ унга жавобан:

– Жоним чиқишини билсам ҳам, у луқмани чиқариб юборардим, - дейдилар. (Аҳмад б. Абдуллоҳ ат -Тобарий, Риёзун Надра II, 140-141)

Ҳизр алайҳиссаломнинг Ҳақ дўстларидан бўлган **Абдухолиқ Ғиждувоний** қуддуса сирруҳуни зиёрат қилишлари асносида ораларида кечган ушбу суҳбат ҳам жуда ибратлидир.

Ҳизр алайҳиссалом Ғиждувоний ҳазратлари икром ила келтирган таомларни емас, дастурхондан ўзларини тортар эдилар. Абдухолиқ Ғиждувоний қуддуса сирруҳу ҳайрат билан:

- Бу таомлар ҳалол таомлардир. Сиз нимага емаяпсиз, - дедилар.

Ҳизр алайҳиссалом бу саволга шундай жавоб бердилар:

- Ҳа, булар ҳалол луқмадир. Лекин уларни бир ғофил киши жаҳл қилган ҳолатда пиширгандир".

Кўриниб турганидек, ейилаётган ҳар бир нарсанинг ҳалоллигидан ташқари, қандай ҳолати руҳияда пиширилганлиги ҳам муҳим экан. Юқоридаги ривоятдан инсоннинг ҳол, ҳаракат, муомала ва ибодатлари руҳониятига таъсир қилганлиги тушуниляпти. Бу озуқаларга нисбатан ҳам эътиборли бўлиш кераклигини англатмоқда.

Солиҳ инсонлар озуқалар хусусидаги бу ҳассосиятлари билан бозордан олинадиган озуқавий маҳсулотларни уйга ёпиқ суратда олиб келишга ташвиқ қилганлар. Зеро олинган озуқага "назар тушмаслиги" лозимдир. Яъни муҳтож ва ғариб кишиларнинг ўксик ҳамда ғамгин назарлари тушмаслиги керакдир. Улардан олинадиган қувватда юқоридаги ҳолатларнинг салбий таъсирлари бўлмаслиги зарур.

Мўмин исрофдан, ҳаром ва шубҳали бўлган нарсалардан сақланмоғи, ҳалол неъматлардан фойдаланишда тасарруф мувозанатини ҳимоя қилмоғи керак.

Ояти Каримада:

**"..."** (Исро, 26-27) дея буюрилмоқдадир.

"Маснавий" да Ҳазрати Мавлоно ҳалол луқманинг бадан ва руҳга таъсирини мажозий бир услубда шундай ифодалайдилар:



*“Кеча тунда илҳом бизга бошқача тажалли этди. Чунки меъдага тушган шубҳали луқма илҳом йўлини тўсди. “*

*Нафсинг истаган шубҳали озуқалар сени Ҳақ йўлидан тўсади. Улар оёғингга ботган тиканлар кабидир. Шу сабаб луқмага эътибор бермаганлар осийлардан бўлдилар.*

*Эй бадан! Сенинг ичингда шундай бир гўзал гул борки, уни сақлай олсанг, ундан атрофга ёйилган гўзал ҳидлардан, ҳисобсиз ирфон ва маърифат гулистони майдонга келади”.*

Абдулқодир Жийлоний қуддуса сирруҳу (Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин) ҳам луқманинг қалб тасфиясидаги аҳамиятига эътибор қаратадилар:

“Ўғлим, назар солгин! Ҳаром ейиш қалбни ўлдиради. Луқмалар борки, қалбни нурлантиради. Луқмалар борки, уни зулматга чулғайди.

Яна луқма борки, сени дунё билан банд қилиб қўяди. Луқма бордирки, уқбо-охират билан машғул этади.

Луқма бордирки, сени ҳар икки дунёнинг ҳам зоҳидига айлантиради. Луқма бордир, сени дунё ва охиратнинг Холиқига (яратувчисига) йўналтиради. Ҳаром емоқлик дунёга боғлаб, сенга гуноҳларни севимли кўрсатади.

Мубоҳ емоқлик охират билан машғул этиб, сенга тоатларни севдиради. Ҳалол емоқлик эса, қалбингни Мавлога (Аллоҳга) яқинлаштиради. Ейиладиган нарсаларнинг таъсирини фақат маърифатуллоҳ билан билиш мумкиндир. Маърифатуллоҳ китоб-дафтарда эмас, қалбда бўлади. Маърифати Илоҳиййа қалбга махлуқдан эмас, Холиқдан эҳсон қилинади. Бу эса, тавҳиди Илоҳиййани тасдиқ этиш ва Илоҳий ҳукмларга амал қилишдан сўнг юзага келади”.

Иброҳим Досуқий қуддуса сирруҳу эса:

“Эй қардошим! Ҳаром еяётган вақтингизда ҳикмат ва маърифат ҳақида бир нарсани қўлга киритаман деб ўйламанг” дейдилар.

Яна ҳалол озуқага доир Саид Қосим Табризий қуддуса сирруҳунинг Убайдуллоҳ Аҳрор қуддуса сирруҳуга айтган сўзлари ҳам жуда аҳамиятлидир.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари шундай ҳикоя қиладилар:

“Бир куни Саид Қосим олдимга келиб, “Ота! Негадир замонамизда ҳикмат ва ҳақиқатнинг намоён бўлиши камайиб бормоқда! Ҳозирги давримизда ботин тасфияси жуда ҳам кам инсонларда қолгандир. Камол ботин тасфиясидадир. Ботин тасфияси эса, ҳалол луқма ейиш билан мумкиндир. Бу даврда ҳалол луқма жуда оздир. Ботини тасфияланган инсонлар йўқ кабидир... Қандай қилиб бундай инсонларда Илоҳий сирлар тажаллий этсин?” деб куйинди”.

### б. Истиғфор ва Дуо

***“..?” (Фурқон, 77)***

Бошлаб пайғамбарлар, кейинчалик авлиёлар, солиҳлар ҳамда содиқлар машаққатли кечган кунларида ҳам, хотиржам тортган дамларида ҳам, ғам-қайғуга ботганларида ҳам, хурсандчилик чоғларида ҳам доимо Жаноби Ҳаққа илтижо қилганлар. Унга ёлвориш ҳолида бўлганлар. Чунки пайғамбарларда ҳам “zelle”, ихтиёрсиз қилинган хатолар кузатилган. Шунинг учун бандanинг дуо ва истиғфордан беҳожат бўлишини тасаввур қилиб бўлмайди. Дуо ва истиғфор ҳақиқий моҳиятига кўра, чуқур бир надомат ва илтижо маъносини ўз ичига олади. Улар Аллоҳга яқинликнинг энг таъсирли воситасидир. Араб тилида намознинг дуо маъносидаги “солат” калимаси билан ифодаланишининг бир ҳикмати ҳам, унинг таъсирли бир дуо ва ниёз моҳиятида эканлигидир. Шунингдек, дуонинг аввали истиғфордир. Аллоҳ таолодан авф сўрамоқдир.

Авфи сўралган гуноҳни қайта такрорламаслик лозим бўлади. Зеро талаб қилинадиган шаклда истиғфор айтган киши қатъий бир қарорга келиши ва ҳақиқатдан пушаймон бўлиши керакдир. Ана шундагина қалб ҳис-туйғуларни хиралаштирадиган ғуборлардан тозаланади. Ҳақиқат қаршисидаги порлоқ бир ойнага айланади. Қалб фақат шу суратда файзиётга (файз, нуроний бир тажаллига) очиқ бир ҳолатга келади.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларда гуноҳлар натижасида қорайган қалбларнинг истиғфор билан ойдинлашишини ҳам баён этгандирлар. У зот алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадиси шарифларида қалб тасфиясига доир иршод ва танбеҳ мазмунидаги сўзлар нақадар ўринли сўзлангандир:

*“Банда бирор бир хато қилганида, қалбига бир қора нуқта урилади. Агар банда гуноҳни тарк этиб, истиғфорга суянган ҳолда тавбага йўналса, қалби жилоланади. Агарда бундай қилмаса ва такрор хатоларга қайтса, қалбидаги қора нуқталар кўпаяди. Сўнг у қора нуқталар бутун қалбини эгаллайди*“.

Ҳақ таоло:

كَلاَّ بَلْ رَانَ عَلٰى قُلُوبِهِمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ

**“Йўқ, уларнинг қилган касблари қалбларига моғор бўлиб ўрнашиб қолгандир”** (Мутоффифун, 14) деб, зикр қилган ҳолат шу ҳолатдир”. (Термизий, 83)

Оламга кўнгил кўзи билан қарай олсак, бутун махлуқот Илоҳий неъматларга шукрдан олдин ўз ожизлигини эътироф этиш мавқеида эканлигини кўрамиз. Ирода соҳиби бўлган ва бу ироданинг фаолияти давомида хатодан ҳеч вақт тўлиқ холи бўла олмайдиган инсон фарзанди учун истиғфор Аллоҳга яқинлашиш йўлида босиладиган биринчи қадамдир.

Дуо марҳамати Илоҳиййага чорловчи асос хусусияти ила тақдирдаги балолардан асровчи буюк бир таъсир кучига эгадир. Юқорида бошқа бир сабаб билан айтиб ўтганимиздек, барча тариқатлардаги маънавий дарслар истиғфор билан бошланади.

Дуонинг аҳамиятига боғлиқ Ояти Карималарда келтирилади:

قُلْ مَا يَعْبَؤُا بِكُمْ رَبِّى لَوْلاَ دُعَاؤُكُمْ

**“...”.** (Фурқон, 77)

**“...”.** (Бақара, 186)

**“...”.** (Аъроф, 55)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

*“Аллоҳга дуо қилишдан ҳам қимматли бир нарса йўқдир. Дуо ибодатнинг (бандаликнинг) асосидир”.* (Термизий, Даовот, 1)

*“Ташвиш ва машаққатларга учраган пайтида дуоси қабул бўлишини истаган киши тўкислик ва ҳаловатда бўлган вақтларида ҳам кўп дуо қилсин”.* (Термизий, Даовот, 9)

“Кимгадир дуо эшиклари очилган бўлса, билингки, унга раҳмат эшиклари ҳам очилгандир”. (Термизий, Даовот,101)

*“Аллоҳ таолога қабул қилинишига ишонган ҳолда дуо қилинг. Шуни билингки, Жаноби Ҳақ ғофил бир қалб билан қилинган дуони қабул қилмайди”.* (Термизий, Даовот, 65)

Ҳадиси шарифнинг тақозосига кўра, ғофил бир қалб ила нотўғри услубда қилинган дуоларнинг Аллоҳ наздида қабул бўлиши ҳақида гумон қилиш шайтон алдовидан бошқа нарса эмасдир.

Имом Раббоний қуддуса сирруҳу (Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин) ҳам бу ҳақда:

“Бу бир урушдир. У икки қўшиннинг иттифоқи билан қозонилади. Уларнинг бири Ғазо лашкари (сарҳад қўшини) бўлса, бошқаси лашкари дуодир” деганлар.

Зеро асҳоби киром ҳам жиҳодга кетаётган пайтларида ўзлари дуо қилиш билан бирга Асҳоби Суффадан ҳам дуо олар эдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Бир мўминнинг бошқа бир мўмин ҳаққига унинг ўзи йўқ вақтда қилган дуосидан тезроқ қабул бўлувчи дуо йўқдир”* деганлар. (Термизий, Бирр, 50)

Кўплаб инсонлар дуоси қабул бўлиши умид қилинадиган кишилардан дуо истайдилар. Ҳолбуки, дуонинг қабулини таъминлайдиган асосий мотив дуо қилаётган инсоннинг ихлос ва самимият ила сўрашидир. Бир инсоннинг гарчи гуноҳлари бор бўлса-да, мўмин биродари учун ихлос билан юракдан дуо қилиши Аллоҳ наздида мавқеига кўра ундан анча олдинда бўлган бошқа бир инсоннинг кўнгилдан қилинмаган дуосидан хайрлироқдир. Гуноҳкор бандани Аллоҳ тарк этади деб тушунмаслик керак. Агар шундай бўлганида, гуноҳкорларнинг хатоларини гапирмоқ “ғийбат” дейилмас эди. У катта гуноҳлар қаторига қўйилмасди. Шу боисдан, Аллоҳнинг бандаларидан бирининг кўнглини кўтариш ва унинг самимий дуосини олишнинг аҳамиятини идрок қилмоқлик лозимдир.

Асҳоби киром Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламдан “Энг мақбул дуо қайси дуо?” дея сўрашди.

У зот алайҳиссалом *“Кечанинг сўнгги қисмида ва ҳар фарз намозининг ортидан қилинадиган дуодир”* дедилар. (Термизий, Даовот, 78)

Дуонинг қабули учун хоҳиш-истакни сўз орқали ифодалаш кифоя қилмайди. Қалб бу калималарнинг маъноларини мулоҳаза этиб, улар қабул бўлиши учун титроқ ила илтижо қилиши лозимдир. Дуо агар гуноҳнинг авф этилиши хусусида бўлса, у гуноҳга қайтмаслик ҳақида қатъий қасд қилмоқ ва мустаҳкам иродага суянмоқ керакдир. Шунингдек, гуноҳнинг авфи учун қилинган дуода қалб танланган калималардаги маънога тегишли ниятлардан титроққа тушиш ҳолида бўлиши лозимдир.

Бундан ташқари, дуоларнинг Ҳақ ҳузурига кўтарила олишини таъминлайдиган сабаблар (истиқомат ва амали солиҳлар) га ҳам аҳамият бериш зарурдир.

Ояти Каримада шундай буюрилади:

**“...”.** (Фотир, 10)

“Хавф” ва “ражо”, яъни “кўрқув” ва “умид” орасида дуо қилмоқликка ҳаракат қилиш лозимдир. Дуо ва истиғфор алоҳида шахсларга ҳам, бутун бир миллатга ҳам омонлик олиб келади. Бошларига келиши мумкин бўлган мусибатларни йўқ қилади. Қалбни хасталиклардан халос бўлиши ва дуонинг қабули хусусида Ҳазрати Мавлоно қуддуса сирруҳу шундай бир гўзал ифода келтирадилар:

*“Надомат чўғига тўлган бир кўнгил ва намланган кўзлар ила дуо қил! Тавбага берил! Зеро гуллар қуёшли ва намли ерларда очилур!”*

Тавба қилмоқ Ҳазрати Одам алайҳиссалом ила бошлангандир.

У зот алайҳиссалом ўз тавбаларида:

رَبَّنَا ظَلَمْنَا اَنْفُسَنَا وَ اِنْ لَمْ تَغْفِرْ لَنَا وَ تَرْحَمْنَا
لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ

**“...”** (Аъроф, 23) дея илтижо қилдилар. Бу дуо Ҳазрати Одамдан кейин қиёматга қадар келадиган авлодларга бир истиғфор намунаси бўлиб қолди.

Аллоҳ таоло қалблар ғафлатдан уйғониши ва маънавий хасталиклардан шифо топиши учун ўз бандаларини тавбага даъват қилиб шундай дейди:

**“...”**. (Таҳрим, 8)

Қалбнинг Аллоҳга йўналиши ҳамда буюк бир савия қозонишида дуо ва истиғфор жуда ҳам аҳамиятлидир. Қалб турли хил таъсирлар сабабли ҳар лаҳзада ўзгариши ва Ҳақдан узоқлашиши мумкин. У ҳидоятдан айрилмаслиги учун инсоннинг дуога суянишдан бошқа чораси йўқдир. Бу хусусда Раббимиз бандаларига қуйидагича дуо қилиш таълимини бергандир:

رَبَّنَا لاَ تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ اِذْ هَدَيْتَنَا وَ هَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً
اِنَّكَ اَنْتَ الْوَهَّابُ

**“...”.** (Ол-Имрон, 8)

Ҳар бир мўмин киши бу Илоҳий таълимотни ҳаётининг вирди (доимий зикри) ҳолига келтириши лозимдир.

Сарвари Коинот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тез-тез шундай дер эдилар:

يَا مُقَلِّبَ الْقُلُوبِ ثَبِّتْ قَلْبِى عَلٰى دِينِكَ

*“Эй қалбларни буриб юборадиган Зот! Қалбимни дининг устида собит қил”.* (Термизий, Қадар, 7- боб)

Дуо – қалблар покланишининг энг муҳим воситаларидан биридир. Қуйида келтириладиган Ояти Карима ҳам дуонинг қалб тазкиясидаги аҳамиятини гўзал бир тарзда ифода этгандир:

**“...”.** (Ҳашр, 10)

Чунки олдин мақсад сари боришга тўсиқ бўлган салбий ҳолатларни бартараф этиш ва шу орқали қалб заминини асл моҳиятга ҳозирлаш лозим бўлади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қалбни туйғусизлик ҳамда салбий ҳислардан тазкия қилиш учун Аллоҳга илтижо ва ёлвориш ҳолида бўлиш кераклигини ўз шахслари орқали шундай билдирадилар:

*“Аллоҳим! Фойда бермайдиган илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, тўймаган нафсдан ва қабул бўлмайдиган дуодан Сенга сиғинаман*”. (Муслим, Зикр, 73)

*“Аллоҳим! Оқ либосни кирдан поклаганинг каби қалбимни ҳам гуноҳлардан тозалаб, тиниқ (дур каби тиниқ) айла”.* (Даовот, 39)

Қалби салиймга эришиш фақат Раббимизнинг лутфу марҳамати ила бўлади. Дарҳақиқат, Ҳақ таолога салийм бир қалб тақдим этишга муваффақ бўлган Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом яширин нарсалар ошкора бўладиган маҳшар кунида хижолат бўлмаслик учун У Зотга шундай ёлворар эдилар:

**“..!”** (Шуаро, 87-89)

Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам мукаррам аждодлари Иброҳим алайҳиссалом каби Раббига айни шаклда илтижо ила дуо қилар эдилар.

*“Аллоҳим! Сендан тўғри сўзлайдиган бир тил ва салийм бир қалб сўрайман”.* (Термизий, Даовот, 23)

Бошқа тарафдан дуода такрор ва сабот ҳам аҳамиятлидир. Дуонинг энг камида уч марта сабот ила такрорланмоғи набавий усулдир.

Самимий дуо асло рад этилмайди. Лекин баъзи истаклар самимий бўлишига қарамасдан гоҳида “қадари мутлақ” қа (тақдиримизда битилганига) мувофиқ келмайди. Бундай ҳолатларда дуоим қабул бўлмади деб, тушкунликка тушмаслик лозимдир. Аксинча, дуода бардавом бўлмоқ керак. Зеро дунёда ижобат қилинмаган дуоларнинг ажри охират кунида берилади.

### в. Қуръони Карим ўқимоқ ва унинг ҳукмларига тобе бўлмоқ

***Қалбимизнинг Қуръон руҳониятидан файз олиб, ҳикмат ва сирларга тўлиши уни ўқиётган пайтимиздаги қалбий савиямизга боғлиқдир. Ҳақ таолонинг инсонни Қуръонга муҳаттаб қилмоғи лутф ила берган улуғ икромларидан биридир.***

Руҳ ва баданнинг ҳақиқий ҳузур ҳамда сукунига оид мукаммал ўлчовлар ҳам Қуръони Каримнинг файзли иқлимидагина мавжуддир. Инсоннинг саодати ва омонлиги ана шу комил ўлчовлардан оладиган ҳиссаси нисбатида бўлади. Қуръоннинг руҳониятига сиғинмасдан унга орқа ўгирганлиги туфайли мувозанатини йўқотган киши инсонлик қадр-қимматини ҳам йўқотади. Бу неъматларга нисбатан нонкўрлик қилиб, ҳою ҳавас гирдобида ўзини ҳалок қилишга ўхшаш ҳолдир.

Қуръон яраланган руҳларга, ҳорғин кўнгилларга шифо ва тасалли бергувчи Илоҳий ҳикматлар манбаидир. «Ўлим» нинг даҳшатли ва муқаррар ҳақиқати мўмин банданинг Раббисига қовушишига сабаб бўладиган Илоҳий лутф, “шаби аъруз” (никоҳ кечаси) дир. Буюк Раббимиз Илоҳий каломини бутун инсониятга шундай тақдим этади. Бу иймонли хизматкорга Раббиси билан учрашиши учун ваҳий воситасида «шаби арус» (тўй кечаси) тартибидаги чораларни кўрсатадиган Илоҳий иноятдир.

يَآ اَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَتْكُمْ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّكُمْ
وَ شِفَاءٌ لِمَا فِى الصُّدُورِ وَ هُدًى وَ رَحْمَةٌ لِلْمُؤْمِنِينَ

**“...”.** (Юнус, 57)

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида шундай дейдилар:

*“Ҳар бир зиёфат қилгувчи зиёфатига келишларини (инсонлар келишини) хоҳлайди. Уларнинг келишидан мамнун бўлади. Қуръон ҳам Аллоҳнинг зиёфатидир. Ундан узоқ турмангиз!”*

*“...Қуръон ўқинг! Чунки Аллоҳ ичида Қуръон бўлган бир қалбга азоб бермайди...”* (Доримий, Фазоилул Қуръон, 1)

*“Ҳақиқий Қуръон аҳли аҳлуллоҳдур. Улар Аллоҳнинг хос бандаларидур”.* (Ҳаким, Мустадрок, 1, 743)

Зикриллоҳ ва Қуръон тиловатидан маҳрум қалблар қалб қаттиқлигига дучор бўлишади. Саҳобаи киромлардан бўлган Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу зиёратларига келганларга “Қуръон ўқишда бардавом бўлинг! Асло узоқ муддатга Қуръон ўқишни тарк этманг! Акс ҳолда,



олдингилар каби қалбингиз қаттиқлашади” дея тавсия қилар эдилар. (Муслим, Закот, 119)

Қуръони Каримнинг ҳайвонот ва малоикаларни ҳам ўз таъсири остига олиши баён этилган ушбу ҳадис жуда ибратлидир:

“Усайд ибн Ҳудайр розияллоҳу анҳу айтадилар:

Бир кеча Бақара сурасини ўқиётган эдим. Отим ёнбошимда боғлиқ турарди. Бир пайт отим безовталана бошлади. Сурани ўқишдан тўхтадим. От ҳам тинчланди. Давом эттирганимда, отим яна безовта бўла бошлади. Ҳатто ўғлим Яҳёни босиб юбормасин деб хавотирланганимдан уни олдимга олдим. Шу аснода осмонга қараганимда, қандилларга ўхшаган бир нарсаларни кўрдим. Кейин улар юқорилаб кўздан ғойиб бўлишди.

Эрталаб бўлиб ўтган воқеани Расулуллоҳ соллаллоҳу алйҳи васалламга айтганимда, у зот менга:

-Ўқи, эй Усайд! Ўқи! - деб буюрдилар... Сўнгра:

-Эй Усайд! Кўрганларинг нималигини биласанми? – деб сўрадилар. Мен

–Йўқ, – дедим.

-*Улар сенинг Қуръондан қилган тиловатингни тинглагани келган фаришталар эди. Агар сен тиловат қилишда давом этганингда, улар тонггача сени тинглашар эди. Фаришталар инсонлардан яширин қолмас, инсонлар ҳам уларни кўрар эдилар,* – дедилар. (Бухорий, Фазоилул Қуръон, 15)

Қуръон инсонга нозил бўлгандир. У “кўнгил инсони” учун теран бир тафаккур хазинасидир. Қуръоннинг руҳониятидан узоқ қолишнинг натижаси тўлиқ ва абадий зарардир. Қуръондаги ҳикмат, ибрат ва асрор дарёсидан ғофил қолганларга Жаноби Ҳақ шундай дейди:

اَفَلاَ يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْاٰنَ اَمْ عَلٰى قُلُوبٍ اَقْفَالُهَا

**“...?”** (Муҳаммад, 24)

Яна Ояти Каримада айтилади:

**“...”.** (Луқмон, 27)





Қалбимизнинг Қуръон руҳониятидан файз олиб, унинг ҳикмати ва сирларига тўлиши биз эга бўлган қалбий савияга боғлиқдир. Шу сабабли Қуръонинг ҳақиқатига етиш учун қалбни ҳозирламоқ лозимдир. Зеро бир ҳидоят раҳбари бўлган Қуръони Карим ўзига яқинлашганни қалбидаги нияти ва ҳолатига кўра, ҳам иршодга ҳам идлолга олиб борадиган моҳиятга эгадир. Буюк Раббимиз ҳаққи ила ўқилган Қуръон оятлари мўминларнинг кўнгилларига таъсир кўрсатиши туфайли юзага келадиган жўшқин ҳолат шундай баён қилинади:

**“...”.** (Зумар, 23)

**“...”.** (Анфол, 2)

Қуръони Каримдан муносиб ҳолда фойдаланишнинг биринчи шарти унга эҳтиром билан яқинлашмоқдир. Чунки бу эҳтиром Қуръонга бўлган эътиборнинг бир кўринишидир. Дарҳақиқат, Қуръони Карим қиёматга қадар башариятнинг эҳтиёжларини қондира оладиган мукаммалликни ва ҳақиқат сирларини ўз ичига олган муҳташам бир йўлбошчи ўрнидадир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг бу хусусиятини шундай баён этади:

**“...”.** (Исро, 9)

Қуръони Карим қиёматгача йўлбошчи ўрнидаги Илоҳий бир китоб бўлганлиги учун унинг соясидаги ҳар бир мўмин боқий дунё эшигига етгунга қадар Қуръон ҳукмларига ва Қуръон ҳаётига содиқ қолиш мажбуриятида бўладилар. Бу дунёда қалбий саодат ва саломатликка ноил бўлиш, охиратда Ҳақ таолонинг ризосига эришиш ва Илоҳий неъматларга ғарқ бўлиш фақат мана шу шаклдагина мумкиндир. Қуръони Каримдан лойиқ ҳолда манфаат топиш уни қалбдан ўқий олмоқлик нисбатида амалга ошади.

Юқорида таъкидланган қалбий ҳолат қуйидаги ҳадиси шарифда жуда гўзал ифода қилингандир:

“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръон тиловати учун қандай овоз ва қандай қироат гўзалдир деб сўралганида, у зот шундай марҳамат қилганлар:

*“Қуръони Карим қироатини эшитганингизда, сизда Аллоҳдан қўрқув ҳиссини уйғотган кишининг овози ва қироатидир”.* (Доримий, Фазоилул Қуръон, 34)

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуни даҳшатли ҳолга туширган ва ҳидоятларига сабаб бўлган ҳодиса сингиллари Фотиманинг уй ичида ҳушуъ ила Қуръони Каримни ўқиганлигидир.

Ояти Карималарда бизга Қуръони Каримни қандай ҳолатда ўқиш лозимлиги ҳам ўргатилгандир:

**“...”.** (Сод, 29)

**“...”.** (Музаммил, 4)

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу “Бақара” сурасини ўн икки йил деганда мукаммал тарзда ўқиб тугатганлар. Шундан сўнг шукрига қурбонлик қилиб, бир туяни сўйганлари ривоят қилинади. (Куртубий Ал-Жомеъ)

Абдуллоҳ Ибн Умар розияллоҳу анҳу эса, “Бақара” сурасини саккиз йилда тугатганлар. (Муватто, Қуръон, 11)

Саҳобаи Киром Қуръонни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўн оят-ўн оят қилиб ўрганганлар. Ўн оятдаги амр ва ҳикматларни тўлиқ тушуниб олмасларидан кейинги ўн оятга ўтмаганлар. Қуръонда келтирилган илм ва ҳикматлар сабаб шундай комил ҳолга келганлар. (Аҳмад, 410)

Улар Аллоҳнинг Китобини тиловат қилганлари ва унинг қироатига эътибор берганлари учун эмас, балки Қуръоннинг ботинидан ҳисса олганлари, аҳкомларига тобе бўлганлари ҳамда ахлоқи билан ахлоқланганлари туфайли эътиборга лойиқдирлар.

Ислом тарихидаги асри саодатдан сўнг, энг савияли даврни бошдан кечирган Усмонийлар давлати Қуръони Каримга буюк бир эҳтиром барокати сабаб вужудга келганлигини унутмаслик лозимдир. Дарҳақиқат, у давлатнинг асосчиси Султон Усмон Ғозий Ҳазратлари Шайх Адабалининг хоналарида бир кечани уйқусиз ўтказганлиги, деворда осиқлик Қуръонга ҳурматсизлик бўлмасин деган фикрда бўлганлиги ҳақидаги ривоят кенг тарқалгандир.

Бундан ташқари, унга таҳоратсиз қўл теккизмаслик тўғрисидаги диний асос ҳам шундай бир эҳтиром вожиблигини таъкидлайди. Исломий ахлоқ доирасида Қуръони Каримни бел соҳасидан пастда тутмаслик ҳам муҳим саналади. Қуръонни ёддан айтишдан ташқари унинг ёзувларини кўриб ўқиш ҳам, у билан боғланадиган муносабатнинг бир

воситасидир. Бунга амал қилиш мақбул ва ҳатто савоб амал ҳисобланади. Шунинг учун, Қуръони Каримга ҳурмат кўрсатишда хатога йўл қўймаслик керакдир. Уни имкон қадар оз-оздан бўлса ҳам, доимо ўқиб боришга одатланиш зарур. Шунингдек, Қуръони Каримни « ٱقْرَأ » **(Ўқи)** дейилган амр билан нозил бўлишидаги ҳикматни ҳам ҳеч қачон ёддан чиқармаслик лозим. (ал-Алақ, 1)

Қуръони Каримни ўқишда хатога йўл қўйиб бўлмаслигининг яна бир аҳамиятли жиҳати қироатсиз намоз саҳиҳ саналмаслигидир.

Умавийлар халифаси Сулаймон Ибн Абдулмаликнинг халққа илк мурожаати шундай бўлган эди:

“Эй Аллоҳнинг бандалари! Сиз Аллоҳнинг Китобини ўзингизга раҳбар тутинг! Унинг берган ҳукмига рози бўлинг. Унга амал қилинг! Чунки Қуръон тонг ойдинлиги тун қоронғусини кетказгани каби шайтоннинг қўйган тузоғи ва ҳийласини бартараф этади. (Байҳақий, Китобуз-Зуҳд, с.61)

Буларнинг барчасига эътибор қаратадиган бўлсак, Қуръони Карим билан яқин бир алоқа ўрнатишимиз ҳаётимиз учун нақадар муҳимлигини тушунишимиз осонлашади. Раббимиздан қалбларимиз Илоҳий Каломнинг сурур ва нашъаси билан тўлиб-тошишини сўрашимиз кераклигини англаймиз.

Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай бир дуолари бордир:

*“...Раббим! Ҳар бир бандангга ўргатган, Китобингда нозил қилган ёки Ўз ҳузурингда яширган гўзал исмларинг ҳурмати Сендан Қуръонни кўнглим баҳори, қалбимнинг нури, ғам-аламларимнинг чораси этишингни сўрайман!..”* (Аҳмад Ибн Ҳанбал, Муснад, 391)

### г. Ибодатларни ҳушуъ ила адо этмоқ

***“Аллоҳга Уни кўриб тургандек ибодат қил! Зеро сен Уни кўрмасанг ҳам, У сени доимо кўриб туради”. (Бухорий, Иймон, 37)***

Ибодатлар бандanинг Раббиси билан азалда аҳдлашган аҳдига вафо қилиши ва Унга содиқ эканлигининг исботидир. Бандалик шартлари

ичида Жаноби Ҳаққа энг кўп яқин бўлинадиган ибодат лаҳзалари бу вуслат онларидир. Вуслат онлари инсоннинг дунё ҳаётига оид барча дардларини кўнглидан чиқармоғидир. Соҳибининг ризоси учун адо этиладиган амаллар ила руҳни ҳаловатга чўлғовчи хос бир оламдир. Чунки намозда Аллоҳу Акбар деб қўлларнинг такбирга кўтарилиши барча нарсани орқага ташлаб, ёлғиз Аллоҳга йўналишнинг ифодасидир.

Ибодатлар инсонларни ўлимдан кейинги қайғули ўйлардан озод қила оладиган энг таъсирли шифо ва тасалли манбаидир. Улар боқий дунё учун йиғиладиган сармояларга олиб борадиган ягона йўл, ягона бир руҳий иқлимдир. Барча ибодатлар ўз хусусиятларига кўра қалбий мувозанат ва қалб саломатлигини таъминлашга хизмат қилади. Улар эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган бир файз манбаидир.

Ибодатлар кўнгилга ҳузур бера олмоғи учун ҳушуъ ила адо этилмоғи шартдир. “Ҳушуъ” Аллоҳ ҳузурида қалбий ҳузур ва сукун, Унга бўлган муҳаббат ва қўрқув туйғулари ила тура олмоқликдир. Буюк Султоннинг ҳузуридаги қўрқув сабаб ибодатга ихлос қўймаганлар билан муносабатларни узмоқ фақат Ўзигагина ибодат қилмоқ учун яратилганлигининг шуурига эришмоқдир.

Ибодатлар ичида энг улуғвори ва барча хайрларни ўз ичига олгани бу “**намоз”** дир. Намоз Аллоҳнинг бандаларига берган энг буюк ҳадяларидан биридир. Ҳадиси шарифда келтирилади:

*“Агар бир мўмин гўзал таҳорат олса, сўнг ўрнидан туриб бошдан охир қалби ва бутун борлиғи билан намозга юзланса, том бир ҳузур ва ҳушуъ ила икки ракат намоз ўқиса, жаннат унга вожиб бўлади”.* (Муслим, Таҳорат, 17)

Ҳақиқатан, инсон учун руҳий етукликка эришиш йўлида намознинг ўрнини босувчи ҳеч қандай ибодат йўқдир. Инсон бундай ҳушуъ ила намоз ўқимоқ учун Ҳақдан бошқа барча нарсани кўнглидан йироқ тутмоғи ва нафсининг истакларини унутмоғи керакдир.

Сулаймон Дороний қуддуса сирруҳу (Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин) айтадилар:

“Агар менга икки ракат намоз ўқимоқлик ёки Фирдавс Жаннатига кирмоқликни танлаш имкони берилса, мен икки ракат намоз ўқимоқликни танлар эдим. Чунки Фирдавс Жаннатига кириш истаги фақат нафсим

хушлайдиган бир истакдир. Икки ракат намоз ўқимоқ эса, Раббим билан бирга бўлмоқлик шарафидир".

Намозга турган бир одам намоздан бошқа ҳеч бир нарса билан машғул бўла олмайди. Намоз уни ҳар хил мосуво нарсадан тўсиб қўяди. Ҳақиқий бир намозда қалблардаги пардалар кўтарилади. Ҳақиқат нурлари зоҳир бўлади. Ҳақ таоло билан баробарлик сабаб таърифсиз бир вуслат юзага келади. Бошқа ибодатларда эса, бундай ҳол содир бўлмайди. Масалан, рўзадор киши бозорда сотувчилик қилиши ёки харид учун бориши мумкин... Ҳаж қилувчи киши ҳам шундайдир. Аммо намоз ўқийдиган киши (мусаллий) на сотувчи бўла олади, на олувчи... У фақат мусаллийдир. Яъни жисмонан ҳам, маънан ҳам ҳузури Илоҳийда бўлишга мажбурдир.

Ҳақиқий бир намоз берадиган файз ва руҳ мўминни нафсоний хоҳишларнинг гирдобига тушиб қолишдан қутқарадиган, ҳузури Илоҳийда турганлигини ҳис этдирадиган ҳамда доимо кузатув остида эканлигини эслатиб турадиган фазилатли ибодатдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қиладилар:

" Аллоҳга Уни кўриб тургандек ибодат қил! Зеро сен Уни кўрмасанг ҳам, У сени кўриб туради". (Бухорий, Иймон, 37)

*"Намозингда ўлимни хотирла! Чунки намоз ўқиётганида ўлимни эслаган кишининг намози комил ва гўзал намоз бўлади. Намозни сўнгги намозини ўқиган киши каби ўқи! Шундан сўнг пушаймонлик келтирадиган ҳар бир нарсадан йироқ тур!"* (Дайламий, Муснад, 431.1)

Ояти Каримада ҳақиқий бир намоз хусусида шундай марҳамат қилинади:

**"...".** (Анкабут, 45)

Намознинг ёмонликлардан асрай олиши намоздаги хушуъ ва ҳузур ҳолининг намоздан кейин ҳам давом этмоғига боғлиқдир. Агар намоз ўқийдиган кишида бундай муҳофаза борлиги сезилмаса, у ҳақиқий маънода мусаллий эмасдир.

Ояти Каримада бу шаклда намоз ўқиганлар ҳақида нозил бўлган Илоҳий таҳдид нақадар ачинарлидир:

**"...".** (Маъуун, 4- 7)

Шу боис намозининг таъдили арконларига риоя қилмаган киши ҳузури Илоҳийда турганлигини сезмайди. Агар унинг ақли тижорати ёки бошқа дунёвий машғулотлари ҳақидаги фикрлар билан банд бўлса, ўқиган намозидан кутилган файзлар юзага чиқмайди. Бундай намозлар фақатгина мажбуриятдан қутулиш ва ўз зиммасидаги қарзини адо этишни таъминлайди.

Аллоҳ таоло ҳақиқий ва комил маънодаги намозни Ояти Каримада шундай изоҳлайди:

**“...”.** (Мўъминун, 1-2)

Саҳобалардан бўлган Абдуллоҳ бин Сиҳҳир розияллоҳу анҳу Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоздаги ҳолларини қуйидагича тасвирлайдилар:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни намоз ўқиётганларини кўрдим. Йиғлаётганликлари сабабли кўксиларидан қозондаги нарса қайнаётганига ўхшаш бир овоз эшитиларди”. (Абу Довуд, Солат, 156-157. Аҳмад Ибн Ҳанбал, Муснад, IV,25)

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу намозга турганларида бирдан кўринишлари ўзгарарди. Ҳатто ўз вужудларидан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам узоқлашар эдилар. Бир жангда оёқларига ўқ тегади. Шу ўқни у киши намозга турган пайтларида чиқариб олишади. Зеро Ҳазрати Али ана шу ҳолатларида ўқни чиқариб олишдаги оғриқни ҳис этмасликларини билар эдилар.

Дунё билан алоқани бутунлай узган ҳолда, бу тахлит намоз ўқий олишликка нечта бандаси муяссар бўлди экан?

Намозни бундай бир мукаммаллик ила ўқий олмаганлар ҳам умидсизликка тушиб, уни тарк этмасликлари керак. Зеро бундай намозларни давом эттириш ҳам, энг камида фарз бўлган қарзни узишга ярайди. Бундай мусаллийнинг истиқомати ҳам вақт ўтиб, қай бир даражада комилликка эришиши мумкин. Ҳар кун беш вақт аниқ тартибда адо этиладиган намоз инсоннинг вақтини бир дастурга тобе қилиб, уни интизомли ҳаёт тарзига кўниктиради. Инсондаги маъсулият туйғусини оширади.

Ҳаёти бу қоидаларга мослашмаган одамнинг ботиний оламида меъёр, ҳузур, сакинат хусусида бирор тушунча бўлмайди. Шу билан бирга намоз иймон учун кучли маънавий ҳимоя, тафаккур учун теран-

лик, қўрқиш онлари учун тасалли, хурсандчилик вақтларида улвий бир лаззатдир. Намоз руҳониятга суянч бўлувчи, қалбга нашъа ва софлик улашувчи, Илоҳий унсиятни зиёда этувчи файз ва барокатларга тўла бир ибодатдир.

Ҳаёт курашида зарур бўлган сабр, ирода ва нафс истакларига қарши курашиш каби хислатларни кучайтириб, ахлоқни мукаммаллаштирадиган яна бир ибодат эса рўзадир.

**“Рўза”** дан кўзда тутилган асл мақсад доимий бир ибодат шуури ичида нафс хоҳишларига қарши мужоҳадага киришиш ва нафсни назорат остида тутиб, унинг таъсирини яксон эта олишдир.

Рўза инсонни сабр-бардошли, қаноатли ва машаққатли пайтларда матонатли бўлиш каби ахлоқий фазилатларга ўргатади. Шу билан бирга маҳрумлик ва очлик ила неъматларнинг қадрини эслатади. Бойлар ва фақирларга баробар очликни торттириб, уларни бир нуқтада тенглаштиради. Шулар воситасида бой одамларга йўқсиллар, оч-наҳор бечораларнинг ҳолини эслатади. Марҳамат ҳиссини ривожлантиради. Бу эса, инсонлардаги миннатдорлик туйғуларини қувватлантиради.

Рўза инсондаги тақво ҳисларини жонлантириб, қалбий софликни орттиради. Ояти Каримада шундай келтирилади:

**“...”.** (Бақара, 183)

Иродани тарбиялашда рўзадан ҳам таъсирлироқ бирор усул мавжуд эмас. Ирода ҳам инсондаги табиий ва нафсоний тамойилларнинг ҳаддан ошишига ҳамда уларнинг адашишларига қарши қўйиладиган асосий воситалардан биридир.

Ҳазрати Мавлоно қуддуса сирруҳу боқий дунё неъматларига бу дунёда оз емоқлик ила эришмоқ имконини шундай ифодалайдилар:

*“Инсоннинг асл озуқаси Илоҳий ишқ ва ҳикматдир. Шу сабабдан унга ҳаддан зиёд тана озуқасини беришлик мувофиқ эмасдир”.*

*“Инсон асл руҳоний озуқасини унутиб, тана озуқасининг ўйловига тушганлиги учун роҳатсизланади. Чунки тўйишни билмайди. Эҳтироси сабаб юзи сарғаяди. Оёқлари титраб, қалби беҳаловат ҳолга келади. Ҳолбуки, ер юзининг озуқаси қаерда-ю, сўнгсизликнинг озуқаси қаерда?!”*



*“Аллоҳ шаҳидлар ҳақида “...улар-тирик, Раббилари ҳузурида ризқланмоқдалар” дея марҳамат қилади. У маънавий озуқа учун на оғиз, на бадан бордир”.*

Рўзанинг ҳақиқатига етишмоқ ва руҳониятидан наф олмоқлик учун унга зарар берадиган барча нарсалардан узоқлашмоқ зарурдир. Ҳадиси шарифда айтилади:

*“Рўза фақат емоқ, ичмоқ ва бошқа нарсалардан тийилмоқлик эмасдир. Комил ва ажри зиёда бўлган рўза фойдасиз сўз, ғийбат гаплар, ҳамда ёмон ахлоқдан воз кечмоқликдир”.*

*“Бирор киши сизга қарши жоҳилона ҳаракатда бўлса, унга мен рўзадорман!” денг”.* (Ҳоким, Мустадрок 1, 595)

Рўза ибодати нафсоний хоҳишларни жиловлайди. Бой инсонларнинг ҳам иродаларини тарбиялайди. Сарватга ром бўлиш натижасида юзага келадиган адашишларга чек қўяди. Закот муҳтож кишиларда бойларга нисбатан кин ва ҳасад каби салбий ҳислар ортишининг олдини олади. Ҳаётимиздаги ижтимоий муносабатларни барқарорлаштириб, инсонларни бир-бирларига муҳаббат билан боғланишларига хизмат қилади. “**Закот”** айнан шунинг учун фарз қилингандир. Исломнинг ижтимоий қонунларида бой ва фақирлар орасидаги муҳаббатни таъминлаш, ҳасад ва хусуматни кетказиш учун **“Закот ва инфоқ”** ибодати жуда ҳам муҳимдир.

Бой бир инсон молини қаердан топганлиги, қаерга сарфлаганлиги, молнинг ҳалол ё ҳалол эмаслиги, закот ва садақасини берган бермаганлиги юзасидан Аллоҳнинг ҳузурида оғир бир ҳисоб беради. У бойлигининг муайян бир қисмини фақирларга беришга амр қилинганлиги учун моддий жиҳатдан буюк бир имтиҳонга тортилади. Бошқа бурчлари қаторида бу имтиҳондан ҳам ўтиб, синалган тақдирдагина ризои Илоҳиййага ва жаннат неъматларига ноил бўла олади.

Қуръони Каримда закот ибодатининг йигирма етти жойда ҳам диннинг асоси бўлган намоз билан бирга зикр қилиниши уни катта аҳамиятга эгалигини кўрсатиб турибди.

Закот имкони бор одамнинг муҳтож бўлганга Аллоҳнинг амри билан берадиган маълум миқдордаги қарзидир. Қуръони Каримда айтилади:

**“...”.** (Зориёт, 19)





Шу жиҳатдан закот нисоб миқдоридан ортиқча бўлган молнинг муайян бир миқдорини эҳтиёжмандларга беришдир. Яъни Илоҳий бир бериш ҳолига келиб қолган ҳисобдаги молнинг ҳалолланишидир. Шунда молнинг закот ўлароқ олинган қисми маълум бир миқдорда жамиятдаги муҳтож инсонларга тарқатилади. Бу орқали бой инсоннинг сарвати тозаланади Жамиятда мувозанат, адолат ҳамда ижтимоий тенглик юзага келади. Бунинг ҳақиқатини тушуниб олиш учун **"...Закотини берганлар нажот топди"** (ал-Аълаа, 14) Ояти Каримасига боқиш кифоядир.

Яна бу ҳақда сўз борганда, закот сўзининг "тазкия", яъни "поклаш" маъносида келиши ҳам эътиборни тортувчи бир жиҳатдир. Закот Аллоҳнинг бой-бадавлат бир инсонга озгина миқдорда юклаган қарзидир. Ҳолбуки, инфоқ ва садақаларда бундан ортиғи буюрилмагандир. Фақат бунга қодир бўлган бой кишиларни рағбатлантириш учун уларга бериладиган савоб ва мукофот айнан рўзадаги каби яширин тутилгандир.

Аллоҳ таоло олдинги умматлардан фарқли равишда уммати Муҳаммаднинг гуноҳларига бирга-бир, ҳасанотига (амали солиҳларига) эса, бирга ўн нисбат бергандир. Бунга қўшимча етти юзга қадар, ҳатто ундан ҳам зиёда ажр берилувчи амаллар бордир. Бироқ рўза ва инфоқнинг (эҳсоннинг) мукофотига бериладиган савоб оширилиши мумкинлиги яширин тутилган. Ҳақ таоло Ояти Каримада буюради:

**"...".** (Тавба, 103)

Ояти Каримада закот ва инфоқнинг ҳам молни ҳалоллайдиган, ҳам қалбни поклайдиган икки жиҳати мавжудлиги баён этилмоқда.

Аллоҳ таоло Ояти Каримада Илоҳий таҳдид ила шундай дейди:

**"...".** (Тавба, 34)

**"...".** (Тавба,35)

Дунё молига бўлган муҳаббат қалбга ўрнашиб қолса, киши бу молни инфоқ қилиш мажбуриятини унутади. Натижада, муҳтожнинг ҳаққи бузилади. Бундай ҳолларнинг оқибати қайғули бўлиши юқорида келтириб ўтилган Ояти Каримадаги огоҳлантиришдан ҳам маълум бўлмоқда. Бошқача айтганда, фақат икки неъмат учун "фитна" таъбири қўлланади. Бу икки неъмат **фарзанд** ва **мол-давлат**дир.

Ҳақ таоло фарзанд ҳамда мол-давлатга бўлган муҳаббат бутун қалбни эгаллаб олишининг хатарини Қуръони Каримда шундай таърифлангандир:

**“...”.** (Тағобун, 15)

Фитнадан сақлайдиган асосий тушунча ҳам мол-давлатга бўлган муҳаббатнинг қалбга ўрнашишидан сақланмоқликдир. Закот инфоқ ва садақани Илоҳий амрларга лойиқ ҳолда адо қилишдир. Бунга эса дунёга бўлган муҳаббат қалбда томир отишига имкон бермаслик ва унинг бир омонат эканлигини юракдан ҳис қилишлик орқали эришиш мумкин. Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилган Илоҳий таҳдидлар ҳақида ҳам яхшилаб ўйлаб кўрмоқлик керакдир. Закотга қўшимча қилиб берилади-ган садақа ва инфоқлар учун мажбурий бўлган қирқдан биридан кўра кўпроқ инфоқ қилишга ғайрат қилмоқлик лозимдир.

Ояти Каримада шундай марҳамат қилинади:

وَ يَسْئَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ قُلِ الْعَفْوَ

**“...”.** (Бақара, 219)

Шукр этувчи мард ва сахий бойлар билан сабрли ва ҳайсиятли (иззатини сақлайдиган, номус қиладиган) фақирлар инсоний шарафда ва Илоҳий ризода баробар мавқедадирлар. Исломда фақат кибрга берилган хасис бойлар ҳамда ўзларини исёндан халос қила олмаган сабрсиз фақирларгина қораланадилар.

Закот мол-давлат эгаларининг хулқий шукрлари ифодасидир. Шукрнинг неъматларни орттириши эса, Илоҳий бир ваъдадир. Аллоҳ буюради:

لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَاَزِيدَنَّكُمْ

**“...”.** (Иброҳим, 7)

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам инфоқ қилишни севардилар. Бошқаларни ҳам шунга ундар эдилар. Бир ҳадиси шарифда шундай келтирилади:

*“Эй инсон фарзанди! Нафақа қилки, сенга ҳам нафақа қилинсин!..”* (Бухорий, Нафақот, 1)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мардлик мусулмонларнинг асл табиати бўлишини орзу қилардилар:

*“Фақат икки кишига ҳавас қилинади. Биринчиси, Аллоҳ мол берган ва молини ҳақ йўлида сарф қилишга муваффақ қилинган кишидир. Иккинчиси эса, Аллоҳ илм берган ва илмига амал қилиб, уни бошқаларга ўргатган (илмини инфоқ қилган) кишидир”.* (Бухорий, Илм, 15)

Хулоса шуки, инсон дунёга мойил қилиб яратилгандир. Дунё моли эса, нафсни ўзига тортувчидир. Унга алданганлар тўйишни билмайдилар. Давлати кўпайгани сари инсоннинг ҳирси ортиб боради. Муҳтарисга (манфаат кишисига) айланади. Кўзини мол-давлат ҳирси тўсиб қўйган инсонда марҳамат ва шафқат ҳисси камаяди. Инфоқ қилиши қийин кечади. Нафси унга “Яна ҳам бадавлатроқ бўлсанг, кейин хайр ва инфоқ қиласан” дея иғво қилади. Уни шу йўл билан алдайди.

Бундай инсон жисмонан роҳатга эришса-да, руҳан касал бир инсон кабидир. Зеро *“Эртага қиламан деганлар ҳалок бўлди!” дейилгандир.* Закот эса, дунёга нисбатан ҳарис бўлиш хасталикларининг давосидир.

Аллоҳ таоло Ояти Каримада ўлим онида уйқудан уйғонган каби ўзига келган инсоннинг абадий пушаймонлик билан шундай дейишини билдиргандир:

رَبِّ لَوْلاَ اَخَّرْتَنِى اِلٰى اَجَلٍ قَرِيبٍ فَاَصَّدَّقَ وَ اَكُنْ مِنَ الصَّالِحِينَ

**“...”.** (Мунофиқун, 10)

Закот ва садақа беришда одобга риоя қилиш муҳимдир. Айниқса, берувчи киши олувчига нисбатан миннатдорчилик ҳиссида бўлиши керак. Чунки олувчи уни фарзи бўлган бурчдан қутқариб, ажрга эга қилмоқдадир. Айни пайтда берилган садақалар берувчи киши учун хасталик ва мусибатларни қайтарувчидир. Яшиндан ҳимоя қилиш учун кемалар, миноралар ва катта биноларга ўрнатиладиган бир қурилма кабидир. Садақани ҳассос бир кўнгил билан муҳтож инсонга тақдим этишнинг аҳамияти Ояти Каримада шундай баён қилинади:

**“..!”** (Тавба, 104)

**“...”.** (Бақара, 264)

Барча мавжудотлар Аллоҳнинг мулкида яшаб ризқланадилар. Аллоҳ таоло ер юзидаги бир ҳовуч тупроқни давомли ўзгартириш орқали ҳисобсиз жонзотни озиқлантирадиган бир озуқа омбори шаклига олиб келгандир. Мавжудот ичида ақл ва идрок ила зийнатланган ягона борлиқ эса инсондир. Шундай экан, улар Раббиларининг мўмину кофир, ожизу қодир ҳолдаги ҳамма жонзотларни тўйдираётганлигини идрок қилмайдиларми?! Бу ҳақиқат қаршисида кимнинг молини кимдан қизғанаётганларини ўйлаб кўрмайдиларми?!

Ҳақ таоло борлиқни муҳаббат сабабидан яратгандир. Шу муҳаббатнинг ҳурмати боис бандаларига жуда кўп икром, эҳсон ва лутфлар кўрсатади. Зеро муҳаббатнинг табиий кўриниши фидоийликдир. Ошиқ севганига нисбатан шу севгиси ўлчовида фидойилик кўрсатишни завқли бир вазифа деб билади. Бу ҳол ошиқнинг маъшуқи учун жон беришига қадар етиб боради. Ошиқнинг ўзи бу жонфидолигини ҳис ҳам қилмайди. Аллоҳ учун Унинг махлуқотига инфоқ этиши ҳам севганига бўлган гўзал бир муҳаббати сабаблидир.

Бу моддий ибодатлар сирасига моддий ва баданий ибодат бўлган “**Ҳаж”** ибодати ҳам киради. Ҳаж Набийлар силсиласининг биринчиси Одам алайҳиссаломдан охир замон Набийсига қадар кўнгилларда энг азиз хотираларни жонлантириб, иймон жавҳарини яшнатгандир. Ҳаж:

**“Ўлмасдан аввал ўлингиз!”** сиррига етишмоқлик воситасидир. Маҳшарга қиёс улвий бир ибодатдир.

Ҳаж ибодатининг дунёвий ва уҳровий жуда кўп ҳикматлари бордир. Ҳақиқий ҳаж Аллоҳнинг туганмас раҳмати намоён бўладиган, авф ва мағфиратга эришган мусулмонларнинг баркамол иймони, ишқу ҳаяжони умумлашадиган муҳташам бир ибодатдир.

Ҳаж нафс ва борлиқ кийимларидан халос бўлиб, руҳий юксакликка кўтарилмоқдир. Нафсоний бўронлардан қутулишга киришмоқдир. Ҳаж инсон руҳининг оҳангини, иқлимини, рангини ва аслини топиб берадиган, қалбни маънавий файз ёмғирлари билан поклайдиган руҳоният зуҳурларига тўла бир ибодатдир. Мўминларнинг қибласи бўлмиш Каъбаи Муаззамадан кўзланган мақсад ҳам намоздир. Зеро Ҳақ таоло Қуръони Каримда **“Сажда қил ва яқинлаш!”** (Алақ, 19) дея буюргандир. Айни пайтда бутун олам мусулмонлари муштарак ҳолда йўналаётган

нуқта ҳам шу макондир. Яъни Ислом дунёси илдиз отган жойдир. Инсоннинг назари Илоҳий тушадиган ери қалб бўлса, бунинг коинотдаги тажаллигоҳи (тажалли этадиган жойи) Каъбадир. Бу маскан коинот ичида гўё инсон вужудидаги қалб кабидир. Шу сабабли, ҳажда аввало Каъбанинг муҳташамлигини идрок этмоқлик лозимдир. Ҳаж ибодати ҳассос бир қалб ила адо қилиниши керак бўлган ибодатдир.

Ҳаж инсонни қалбий закийликка йўналтирадиган бир дастурдир. Чунки ўзига хос машаққатли ва эҳтиёткорликни талаб этадиган бу ибодатда Аллоҳнинг махлуқотини ранжитмаслик шарт қилингандир. Ҳаж шафқат, марҳамат ва муҳаббат зуҳури ила тўладир. Ҳаж оппоқ эҳромлар ичида фаришталарнинг латофатидан ҳисса олишлик ғайратидир. Зеро эҳромда бўлган пайтда ов қилинмайди. Бирор бир ўт, бирор қил, ҳатто қасддан бўлса ҳам қўпорилмайди, "...ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жидал (жанжал) йўқдир... (Бақара, 197) Фақат Яратувчи ҳурмати учун яратилганларга шафқат кўрсатиш, марҳамат ва назокат бордир.

Ҳар бир жон ўлимнинг таъмини татиб кўришга мажбурдир. Ўлимнинг вақти бир ҳукмга боғлиқ тарзда инсон нафасининг саноғи ва дақиқасига қадар тайин қилингандир. Ажалнинг тақдим ва таҳримини башарий қудрат билан идрок этиб бўлмайди. Бу очиқ-ойдин бир ҳақиқатдир. Ажалдан қочиб қутулганлар ҳақида ҳеч бир хабар эшитилмаган. Ҳажга кетиш имконига эга бўлганлар бу хусусда мулоҳаза қилиб кўришлари, ҳаж ибодатини адо этишда дангасалик ва лоқайдликдан қатъиян сақланишлари лозимдир. Акс ҳолда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шу даҳшатли танбеҳларига рўбарў бўлишади:

*Еб-ичишга ва масрафларга (харажатларга) қодир бўлган бир инсон Байтуллоҳга бориб ҳаж қилмас экан, уни яҳудий ва насроний бўлиб ўлишига ҳеч бир тўсиқ йўқдир".* (Термизий, Ҳаж, 3)

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг юқоридаги танбеҳлари ҳаж фарзини адо этишнинг барча шартларига қодир бўла туриб, ғафлатлари сабаб бу ибодатга беэътибор бўлганлар ачинарли бир аҳволда қолишларини ва Илоҳий азоб чекишларини очиқламоқда.

Мусулмонларнинг гуноҳлардан поклайдиган ва қалбларни тасфия-лайдиган ҳаж ибодатидан бебаҳра қолишлари жуда катта йўқотишдир!..

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

*“Ҳар ким Каъбаи Муаззамага ҳаж нияти билан келиб, фосиқлик ва беадабликка берилмасдан ҳажни адо этса, хонадонига онасидан янги туғилгандек гуноҳсиз ва пок ҳолда қайтади”.* (Муслим, Ҳаж, 438)

### д. Кечаларни иҳё этмоқ (ибодатда бедор ўтқазмоқ)

***Тўлдир яна шаробдан, тўлдир яна, яна бер,***
***Тунни тўхтат эй дўстим, унга тургил ҳали де!***
***Уйқуга ургил занжир, бенаф кечмасин дамлар,***
***Туннинг шавқин билурми бедор бўлмаганлар?!***

Кечаларни бедор ўтказмоқлик инсоннинг ўз ботинига йўналиши, кундузнинг моддий ва маънавий занжирларини узиши, тун сукунатига бурканиши билан мумкин бўлади. Зеро кундузлар кечанинг руҳий сиҳат ва истироҳатини беришдан узоқдир. Туннинг неъматини билмаганлар кундузнинг хайрини ҳам англаб етишлари мушкулдир. Кечанинг Илоҳий ва маънавий манзараларига кириш учун ундан онгу шуур ила фойда олмоқлик керакдир.

Қалб аҳли учун кечанинг сукунатидан файзлироқ вақт бўлмайди. Кечанинг аниқ бир қисмини уйғоқ кечириб, унинг файз ва барокатидан насиба олиш лозимдир. Бу хусусда Ояти Каримада шундай буюрилади:

تَتَجَافٰى جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَ طَمَعًا
وَ مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ

**“...”.** (ас-Сажда, 16)

**“...!”** (ал-Инсон, 25-26)

Ҳақ таолонинг кечага берган қиймати ва унда жойлаштирган сирлари саноқсиздир. **“...”** (ал-Иншиқоқ, 17), **“…”** (аз-Зуҳо, 2) ва **“..!”** (ат-Таквир, 17-18) шаклида қасам дея келтирилган бу хусусдаги сирлар бизнинг идрокимизга ва қалбларимизга беадад ҳақиқатларни кўрсатиш учун очилган бир дераза (ойна)дир.

Етукликка эришган мўминлар учун кечалар ўзидаги сукунат ва файз сабабли жуда қийматли бир ғаниматдир. Бу ғаниматнинг қийматини билганлар кеча ярмидан сўнг (бутун махлуқот истироҳатга чекинган,

оламни теран бир сукунат қоплаган бир дамда), энг файзли бир вақтда дуо, ибодат ва илтижолар ила Раббиларига йўналадилар.

Ҳазрати Мавлоно кечалари ҳис қилганлари ишқ ва важдни ўз "Девони Кабир" ларида шундай мисралар воситасида кўнгилларга тўкадилар:

*Ишқи Илоҳий ила қадаҳни тўлдир, соқий!*
*Мастонага нон сўзин сўзлатма, қўйгил соқий!*
*Ташна қалблар қонсинлар, ичсинлар оби кавсар,*
*Дарёдаги жонлиқлар сувдан бошқа не истар.*
*Тўлдир яна шаробдан, тўлдир яна, яна бер!*
*Тунни тўхтат эй дўстим, унга тургил ҳали де!*
*Уйқуга ургил занжир, бенаф кечмасин дамлар,*
*Туннинг шавқин билурми бедор бўлмаганлар?!*

Аллоҳ таоло кечаларни бедор ўтказган ва саҳарларда Аллоҳ қўрқуви ила ибодатда бўлган бандалари Илоҳий неъматларга эришишлари ҳақида шундай марҳамат қилади:

كَانُوا قَلِيلاً مِنَ الَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ وَ بِالْاَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ

**"...".** (аз-Зорият, 17-18)

**"...".** (ал-Фурқон, 64)

Бошқа бир Ояти Каримада Жаноби Ҳақ айтади:

**"..."** (аш-Шуаро, 218-219)

Бу Ояти Карима ҳақида Қозий Байзавий шундай дейдилар:

"Уммат учун беш вақт намоз фарз қилиниб, тунги намоз суннат ҳолига келтирилган бир пайтда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобнинг аҳволини ўрганиш учун кечаси ҳужраи саодатларидан ташқари чиқадилар. Асҳобнинг уйлари атрофида айланиб, у уйлар Қуръон тиловати, зикр ва тасбеҳ овозлари туфайли ари уялари каби шовқинли бир ҳолда эканлигига гувоҳ бўладилар". (Анварут Танзийл, IV, 111)

Жаноби Ҳақ саҳар вақтидаги зикрга бошқа вақтлардагидан кўпроқ қиймат бергандир. Зеро саҳарларда зикр ва ибодат билан машғул бўлиш бошқа вақтдагидан кўра қийинроқдир. Шу сабабли саҳар вақтидаги иҳё бандanинг Раббисига нисбатан холисона муҳаббатининг бир ифодаси-

дир. Кўнгилдаги муҳаббати Илоҳиййанинг шиддати қанча зиёда бўлса, кечки намоз ва тасбеҳотга рағбат ҳам шу даражада намоён бўлади. Шу жиҳатдан кечки намоз ва тасбеҳлар севгили ёр билан суҳбат қилмоқлик моҳиятига эгадир. Барча инсонлар ухлаган чоғда бедор бўлмоқлик Мавлои Муталнинг раҳмат иқлимига кирмоқликдир. Мағфират, муҳаббат ва маърифат мажлисига дахлдор мустасно бандалардан бўлмоқлик демакдир.

Агар бир мўмин кечадан шуурли бир тарзда фойдалана олса, саҳардаги зикрнинг руҳониятидан насиба ола билса, унинг кечалари кундуз кунларидан ҳам ойдинроқ ва хайрлироқ бўлади. Шуурсиз ва уйқуга маҳкум ўлароқ ўтказилган кеча эса, тошлар устига, денгизга, чўлларга ёққан ёмғир каби фойдасиздир. Ўрнини тўлдириш қийин бўлган бир йўқотишдир. Бундай бир кечанинг кундузи ҳам маънан қоронғуликдир.

Саҳарда бошлаган тавҳиднинг руҳонияти кунларимиз ва кўнгилларимизни асрай олса, иншааллоҳ охирги нафасимиз ҳам (дунёдаги ҳар нарсага охир бўлган ўлим они ҳам) калимаи тавҳиднинг руҳонияти ила “шаби арус” га айланади.

Абдуллоҳ бин Амр бин Ос розияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига шундай танбеҳ берганларини билдирганлар:

*“Эй Абдуллоҳ! Фалон кимса каби бўлма! Чунки у кеча ибодатида давом этарди. Энди эса туролмайдиган бўлди”.* (Бухорий, Таҳажжуд, 19; Муслим, Сиём, 185)

Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоби киромга хитобан шундай маҳамат қиладилар:

*“Кеча ибодатига диққат қилинг! Чунки у сиздан олдинги солиҳ кишиларнинг одатидир. Шубҳасиз, кеча ибодатига туриш Аллоҳга яқинлашишга василадир. Бу (ибодат) гуноҳлардан сақлайди, хатоларга каффорат бўлади ва бадандан дардларни кетказади”.* (Термизий, Даовот, 101)

Кечани тўлиқ уйқу билан ўтказмасдан орада бир уйғониш инсон вужудининг сиҳати учун ҳам аҳамиятли эканлигини тиббиёт исбот этгандир. Тўғри, узоқ давом этган уйқудан уйғонганлар бош оғриғидан қутуладилар. Чунки уйқу чоғида нафас олиш секинлашади. Тунги уйқу бўлинганда эса, тана ҳаракатланади. Бу нафас олиш жараёнини нормал-

лаштиради. Улар оз ухлаганларига қарамасдан уйқудан янада соғлом бўлиб турадилар.

Шунингдек, ёши катта инсонларда ўлим кўпинча тонгга яқин рўй беради. Шунинг учун, шифокорлар “саҳар вақти” га ўлим соати номини берганлар. Бунинг сабаби инсон чуқур уйқуга кетган чоғда юракнинг ҳаракати секинлашишидир. Бу соатда уйғонган кишилар агар совуқ сув билан таҳорат олсалар, уларда бутун тана аъзоларининг вазифалари мўътадил ҳолга келади.

Диний амрларни дунёвий фойдалар учун эмас, Аллоҳга бандаликни амалга ошириш мақсадида бажариш лозимдир. Шунда улар учун дунёвий фойдалар ҳам бўлади. Намоз, рўза ва бошқа ибодатларда ҳам ана шундай саноқсиз ҳикматлар ва дунёвий манфаатлар бордир. Бу ибодатларнинг мавжудлик сабаби эмас, балки фойдали қўшимча таъсиридир.

### f. Зикриллоҳ ва муроқаба

***“...”. (ар-Раъд, 28)***

Бир қарашда “инсон” калимаси ҳам “нисён” кабидир. “Нисён” зикрнинг (хотирлашнинг) зидди бўлиб, унутувчанликни ифодалайди. Бу инсоннинг энг катта заифликларидан биридир. Бу ҳақиқат халқ орасида “Ҳофизайи башар нисён билан маълулдир” зарбулмасали орқали ҳам ифодалангандир. Нисённи яксон қилишнинг энг асосли йўли зикрдир.

Инсон яратилиш мақсадига мувофиқ яшай олиши учун руҳлар Базми Аластда Раббилари билан қилган аҳди мийсоққа содиқ қолишлари ва Яратувчиларини асло хотирларидан ҳамда кўнгилларидан чиқармасликлари лозимдир. Шу сабабдан, инсоннинг фитратида мавжуд бўлган “нисёндан” келадиган зарарларнинг ўрнини қоплаш учун “Аллоҳга бандалик қилиш” тушунчасида бўлишга ва ҳар нарсадан кўпроқ “зикр” га эҳтиёж бордир. Зеро такроран бажарилган ҳар бир нарса идрок ва онгдаги ўз ўрнини қувватлантиради.

Ҳақ таоло банданинг ташқи кўринишига эмас, балки қалбига назар солади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир мўмин назари Илоҳий тажалли этадиган қалбини ғафлатдан ҳимоялаб, зикр билан машғул қилишни вазифа деб билиши керакдир. Бандалик вазифаларидаги аҳамияти сабабидан зикр калимаси Қуръони Каримда икки юз элликдан ортиқ ўринда

келгандир. Жаноби Ҳаққа ҳақиқий маънода бандалик қила олиш ва шу тарзда маърифатуллоҳга етишиш зикрнинг қалбда эгаллаган мавқеи ва ҳис қилишдаги теранлиги нисбатида бўлади. Шу боис “маърифатуллоҳ”, яъни Раббининг ҳақиқатига қалбан ноил бўлиш илмнинг энг фазилатлиси саналгандир. Чунки инсонга асл лозим бўлган илм шудир.

Жаноби Ҳақ бандалари зикрнинг руҳониятидан ғофил бўлмасликлари учун бу хусусдаги Оятларнинг баъзи ўринларида шундай буюргандир:

اَلَمْ يَأْنِ لِلَّذِينَ اٰمَنُوا اَنْ تَخْشَعَ قُلُوبُهُمْ لِذِكْرِ اللهِ
وَ مَا نَزَلَ مِنَ الْحَقِّ

**“...”.** (алҲадид, 16)

**“...”.** (ал-Анкабут, 45)

**“...!”** (ал-Бақара, 152)

Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломни Фиръавннинг ёнига таблиғга юборар экан, уларга:

**“...”** (Тоҳа, 42) деб буюриб, зикрдан ғофил қолмасликларини амр этгандир.

Шубҳасиз, Аллоҳни зикр этиш “Аллоҳ” лафзини фақат калима сифатида такрорлаш эмас, унинг инсон қалбида макон топишидир.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:

*“Аллоҳни зикр қилган кимса билан зикр қилмаганнинг мисоли тирик ва ўлик кабидир”.* (Даовот, 66)

*“Аллоҳни севишнинг аломати Аллоҳни зикр қилишни севмоқдир”.* (Суютий, ал-Жомеус Сағийр, II, 52) Чунки зикрдан узоқ кимсалар Аллоҳ севгисидан ҳам узоқ бўлганликлари учун Илоҳий таҳдид остида бўладилар. Ояти Каримада буюрилади:

**“!..”** (аз-Зумар, 22)

Бу таҳциддан қалби солийм бўлмоқлик учун давомли зикр ҳолида бўлиш лозимлиги Жаноби Ҳақ томонидан шундай баён этилгандир:

**“..!”** (ал-Аъроф, 205)

Яна Ояти Карималарда зикрдан узоқлашишнинг хатарини ифодалаш мақсадида шундай буюрилган:

**“...”.** (аз-Зуҳруф 36-38)

**“...”.** (Тоҳа, 124)

**“...”.** (Тоҳа, 125)

Аллоҳ таоло яна:

**“...”** деб буюради. (Тоҳа, 126)

Гўзал ахлоқ ва хислатлар фақат Жаноби Ҳақдан қўрқадиган, Уни қаттиқ севадиган ва кўп зикр қиладиганларга хосдир. Аллоҳ таоло буюради:

**“...”.** (Исро, 44)

Фахри коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр ва зикр мажлисларининг фазилати ҳақида ҳадиси қудсийда шундай дейдилар:

“Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Бандамга Мен ҳақимдаги гумонига кўра муомала қиламан. У Мени зикр қилса, Мен ҳам уни зикр қиламан. У Мени ўз ичида зикр қилса, Мен ҳам уни яна зикр қиламан. У Мени жамоат ичида зикр қилса, Мен ҳам уни жамоатдан хайрлироқ бир жамоат ичида зикр қиламан”. (Бухорий, Тавҳид, 15)

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни асҳоби киромларига хитоб қилиб:

“Аллоҳ наздидаги энг ҳалол амалларингиз, энг юксак даражаларингиз, олтин ва кумуш садақа қилишингиздан ҳам аълороғи ҳамда душманларингиз билан тўқнашиб, уларнинг бўйниларига қилич чопишингиздан, улар ҳам сизнинг бўйнингизга қилич солишларидан яхшироғининг хабарини берайми? - деб сўрадилар. Саҳобаи киром:

-Хабар беринг, эй Аллоҳнинг Расули! - деб жавоб беришди. Шунда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

-*Аллоҳни зикр қилмоқдир,* - деб марҳамат қилдилар. (Термизий, Даовот, 6)

Зикриллоҳ фақат инсон ёлғиз қолганида эмас, жамоат ҳолида ҳам адо этилиши мумкин. Муовия розияллоҳу анҳу масжидда ҳалқа ҳолида ўтирган бир жамоатнинг ёнига келдилар ва:



–Нима учун бу ерда тўпландингиз? - деб сўрадилар. Улар:

–Аллоҳни зикр қилмоқ учун тўпландик, - дея жавоб беришди. У киши яна:

–Аллоҳ ҳаққи ростини айтинг. Сизлар бу ерда фақат Аллоҳни зикр қилиш учун ўтирибсизларми? -дедилар. Жамоатдагилар:

–Ҳа, фақат шу мақсадда ўтирибмиз, - деб айтишди. Шунда Муовия розияллоҳу анҳу:

–Мен сизнинг сўзингизга ишонмаганлигимдан қасам ичишингизни сўрамадим. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мен қадар яқин бўлган бирор киши мендан озроқ ҳадис ривоят этмаган, - дедилар.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалқа ҳолида ўтирган саҳобаларининг ёнларига келиб, улардан:

*–Бу ерда нима учун ўтирибсизлар? - деб сўрадилар*. Улар:

–Бизга Исломият насиб этганлиги, буюк бир лутфга эга бўлганлигимиз сабабли Аллоҳни зикр қилиш ва унга ҳамд айтиш учун ўтирибмиз, - деб жавоб бердилар. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*–Аллоҳ номи учун рост сўзланг. Ҳақиқатан ҳам, сиз бу ерда фақат Аллоҳни зикр қилиш учун ўтирдингизми? - деб сўрадилар*. Ҳалқадагилар:

–Ҳа, валлоҳи фақат шу мақсадда ўтирдик, - дейишди. Шунда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

–Мен сизга ишонмаганимдан қасам ичишингизни сўрамадим. Аллоҳ таоло фаришталарга сиз билан фахрланишини билдирди. Жаброил менга шу хабарни келтирди. Шунинг учун сизлардан сўрагандим, -дедилар. (Муслим, Зикр, 40)

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоби киромнинг камолоти ва қалбий истеъдодига кўра зикр таълимини берардилар. Умму Ҳоний (Ҳонеъ) билан ораларида кечган бу суҳбат бунга жуда гўзал мисол бўла олади:

Абу Толибнинг қизи Умму Ҳоний розияллоҳу анҳо Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб:

–Ё Расулуллоҳ! Мен қариб, кучдан қолдим. Менга ўтирган жойимда қилинадиган бир ибодат тавсия қилинг? - деди. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:



*–Юз марта “субҳоналлоҳ”, юз марта “алҳамдулиллаҳ” ва юз марта “Лаа илаҳа иллаллоҳ” дегин! - дея марҳамат қилдилар*. (Ибни Можа, Адаб, 56; Аҳмад б. Ҳанбал, Муснад, VI, 344)

Зикрлардан асосан калимаи тавҳид жамоа орасида зикр қилинади. Бунинг ҳам ўзига хос томони бордир. Саҳобалардан Шаддод бин Авс розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда шунга ишорат қилингандир:

“Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эканлигимизда, у зот бизга қараб:

*–Ораларингизда бирор бегона киши борми? - деб сўрадилар*.

Расулуллоҳ алайҳиссалом “бегона” деганларида, аҳли китобни назарда тутган эдилар. Биз бунга:

–Йўқ, эй Расулуллоҳ! - дея жавоб бердик.

Шунда Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам эшикларни беркитишни амр этиб, шундай буюрдилар:

-Қўлларингизни кўтариб, “Лаа илаҳа иллаллоҳ”, -денг!

Шаддод бин Авс розияллоҳу анҳу бу зикр мажлисининг давомини шундай хотирлайдилар:

Биз қўлларимизни бир муддат кўтариб, “Лаа илаҳа иллаллоҳ” деб зикр қилдик. Шу орада Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини туширдилар. Сўнг шундай дуо қилдилар:

“Аллоҳим, Сенга ҳамд бўлсин! Мени “шу жумла” билан юбординг. Уни ўрнига келтириб, айтишни амр этдинг. Бунга муқобил менга жаннатни ваъда қилдинг. Сен ваъдангдан асло қайтмассан!”

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

–Сизларга хушхабар бўлсин! Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло сизларни мағфират қилди, -дедилар”. (Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснад, 124)

Бир бошқа ҳадиси шарифда шундай дейилади:

“Лаа илаҳа иллаллоҳ” калимаси Аллоҳ наздида энг улуғ калимадир. Ким уни тўлиқ ихлос ва ишонч билан айтса, Аллоҳ уни жаннатга киргизади. Ким унга ишонмаган ҳолда фақат тили билан айтса, жони ва моли қўриқланади. Аллоҳга рўбарў бўлган вақтида, Аллоҳ ҳам унинг ҳисобини қўриқлайди”. (Ҳайсамий, Мажмауз-Завоид, 1.26)





Ҳар лаҳза зикриллоҳ ва муроқаба шуурида бўлиш лозим эканлигини ифода этувчи ушбу ҳадиси шариф ҳам диққатлидир:

“Аллоҳни унутиб, кераксиз баҳсларга киришманг! Чунки Аллоҳ унутилган суҳбатлар қалбни қаттиқлаштиради. Аллоҳдан энг узоқ бўлган одам ҳам, “қалби қаттиқ” одамдир. (Термизий, Зуҳд, 62)

Зикриллоҳ таълими, ташвиқи ва талқини Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари тарафларидан жуда кўп васила ила маълум қилингандир. Шу сабабли, бу ибодатнинг файзидан узоқ қолиш катта бир йўқотишдир. Уни ҳаққи ила адо этган киши уҳровий неъматларга ноил бўлади. Аксинча, ундан узоқлашган кимса надомат ила маҳрумият ичида қолади.

Дунё ҳаётида Раббимизни қанчалик кўп ва қанчалик чуқур ҳис этган ҳолда ёдга олсак (зикр қилсак), эрта охиратда Илоҳий вуслатга шу нисбат билан ноил бўлишимиз муҳаққақдир.

Севганлар севганларини ўзлари ҳис қилган муҳаббатларининг шиддати нисбатида эслашга эҳтиёж сезадилар. Бошқа тарафдан бундай ёд этиш севилганга нисбатан муҳаббатни ҳам орттиради. Иймоннинг ҳаловатидан (таъмидан) улуш олганлар бу йўналишда даражаларини оширганлари сари уларнинг зикрлари ҳам, Буюк Зот бўлган Аллоҳга етишишга бўлган истаклари ҳам зиёдалашади.

Нафсоний ва руҳоний иштаҳалар орасида катта бир фарқ бордир. Ейиш-ичиш каби нафсоний иштаҳалар еган сари сўниб бораркан, руҳоний иштаҳа янада кўпаяди. Бу ташналикни кетказиш учун тузли сув ичишга ўхшайди. Ҳар бир ичилган сув ташналикни яна орттиради. Бундай кишилар ҳар ҳол ва ҳар имкон ила доимий бир зикр ҳолига киradилар. Осмонлару ернинг яратилишидаги нозик ҳикматлардан хабар топадилар:

**“...”.** (Ал-Имрон, 191)

Ҳаётни иймон ва ишонч билан давом эттириш, Илоҳий мўъжиза ва хотиржамликка эришиш, сўнг комил бир иймон билан Ҳаққа қовушишнинг йўли доимий зикр билан кечади. Зеро инсон қандай яшаса, шундай ўлади. Кейин ўша ҳолатда тирилтирилади.

Ҳадиси шарифда ҳам “Инсонлар қандай ўлган бўлсалар, қиёмат кунида худди ўша ҳолда тирилтириладилар” дейилгандир. (Муслим, Жаннат, 73)

Инсон ўзи яшаган ҳолат устида ўлади ва ўлган ҳолати устида тирилтирилади. (Миновий, Файзул Қодир V, 663)

Коинотнинг Эгаси, Борлиқнинг Нозими бўлган Жаноби Вожибул Вужуднинг борлигига ишонч ҳамда Унга муҳаббат даражасини англашда ҳеч бир нарса инсонга ўз ҳиссиёти ва тафаккури қадар ёрдам бера олмайди. Зеро Ояти Каримада буюрилгани каби:

اَلاَ بِذِكْرِ اللهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ

**“...”** дир. (Раъд, 28)

### в. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат ва саловати шарифа

***“...”. (ал-Аҳзоб, 56)***

Яратилишнинг бир мўъжизаси бўлган Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламни башарий истеъдод ва тоқат доирасида тўлиқ англаб бўлмайди. Бизнинг дунёмиздан олинадиган таассуротлар буни тушунтиришга етарли эмасдир. Уммонни бир қадаҳга сиғдиришнинг иложи бўлмагани каби Нури Муҳаммадийни ҳам идрок қилиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни ифодалаш учун Ояти Каримада шундай буюрилади:

اِنَّ اللهَ وَ مَلٰٓئِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ
يَآ اَيُّهَا الَّذِينَ اٰمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَ سَلِّمُوا تَسْلِيمًا

**“...”.** (ал-Аҳзоб, 56)

Ояти Каримадаги Илоҳий фармон юзасидан Фахри Коинотга салот ва салом келтириш зарурийдир. Бу Ҳақ таоло тарафидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан бутун уммат бажариши мурод қилинган ва амр этилган маънавий йўриқдир. Жаноби Ҳақнинг саноқсиз малаклар билан бирга у кишига “салот ва салом” да бўлиши у буюк Пай-

ғамбарнинг фазлу камолига бир иймон талаби билан яқинлашишдир. Зеро Раббимиз Ояти Каримада шундай буюргандир:

**“...”.** (Оли-Имрон, 31)

Мўмин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни севиши туфайли адаб туйғуларини ҳис қилганида, руҳини нафсга оид барча нопоклик ҳамда турли тасаввурлардан бўшатганида, у зотнинг муҳаббатлари ва ўрнак шахсиятларидан ҳисса олиш йўлига кирган бўлади. У зотнинг муборак шахсиятларидан ҳисса олган кўнгил аҳли Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари ила қанчалар гўзал ўрнак кўрсатгандирлар.

Муҳаббатнинг манбаи бўлган Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатига эришганлар қиёматга қадар уммати Муҳаммаднинг дўсти ўлароқ яшайдилар. Улар фоний ҳаётларидан кейин ҳам фақат раҳмат ва дуоларда ёд этиладилар. Бу буюк ҳолга эришган Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг беадад ошиқларидан иккисининг ҳоли шундайдир:

“Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам дини мубийнни кенг ёйиш ва ўргатиш мақсадида атрофдаги қавмларга муаллимлар юборар эдилар. Фақат юборилган баъзи муаллимларга хиёнат қилинганди. Булардан бири Ражий воқеасида бўлиб ўтганди:

Аъдал ва Қареъ қавмлари Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламдан Исломни ўргатадиган муаллимлар сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн кишидан иборат бир ҳайъат юбордилар. Қофила (карвон) Ражий деган жойга борганида тузоққа туширилдилар. Уларнинг саккизтаси шаҳид бўлди. Иккитаси асир олиниб, Маккали мушрикларга таслим этилдилар.

Асир олинган саҳобалар Зайд ва Ҳубайб розияллоҳу анҳумо эдилар. Икалалари ҳам золим мушриклар тарафидан шаҳид этилдилар. Шаҳид қилинишларидан олдин Зайд розияллоҳу анҳудан:

–Ҳаётингни асраб қолиш баҳосига ўрнингда Пайғамбаринг бўлишини истармидинг? -деб сўрашди.

Зайд розияллоҳу анҳу бу саволни сўраган Абу Суфёнга ачиниш билан қараб:

–Бола- чақам орасида бўлган Пайғамбаримнинг бу ерда бўлишини исташ у ёқда турсин, у зотнинг оёғига тикан ботишига ҳам асло кўнглим рози бўлмайди, - деди.

Абу Суфён бу муҳаббат қаршисида музлаб қолиб:

–Ҳайратланарли ҳол! Мен дунёда Муҳаммаднинг асҳоби уни севгани қадар бир- бирини севган икки кишини кўрмадим, - деди.

Сўнгра Ҳубайб розияллоҳу анҳунинг ёнига бордилар. У кишига динларидан воз кечсалар, қутулишларини айтдилар.

Ҳубайб розияллоҳу анҳу:

–Дунёни берсангиз ҳам динимдан қайтмайман! - дедилар.

Зайд розияллоҳу анҳуга берган саволларига Ҳубайб розияллоҳу анҳудан ҳам айни жавобни олишди.

Ҳубайб розияллоҳу анҳунинг шаҳид қилинишларидан аввал биргина тилаклари бор эди:

“Ҳазрати Пайғамбарга муҳаббат ила салом йўллаш!..” Лекин ким орқали юбориш мумкин? Ёнларида бирорта ҳам мусулмон одам йўқ! Кўзларини маҳзун бир тарзда осмонга тикиб, илтижо қилдилар:

–Аллоҳим! Бу ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саломимни етказадиган бирор кимса йўқ. У зотга саломимни Ўзинг етказ”.

Ўша вақтда асҳоб билан Мадинада ўтирган Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Унга ҳам саломлар бўлсин” маъносидаги *“Ва алайҳиссалом” деганларини атрофдаги барча эшитди. Асҳоби киром ҳайрат билан* “Ё Расулуллоҳ! Кимнинг саломига жавоб бердингиз?” деб сўраганларида, *“Қардошингиз Ҳубайбнинг саломига” деб жавоб бердилар.*

Сўнг кофирлар ҳар икки саҳобани ҳам оғир қийноқлар остида шаҳид қилдилар. Шаҳид қилинаётганда, Ҳубайб розияллоҳу анҳунинг сўзлаган ушбу сўзлари жуда маънолидир:

“Мусулмон киши учун қандай ҳолатда ўлиш қайғули эмас!..”

Саҳобанинг иймони, ишқи ва жасорати шундайдир!.. Бу каби қийноқлар ҳақида эшитиш бизни даҳшатга туширади. Бироқ Аллоҳ ва Расулуллоҳнинг ошиқлари бундай бир манзара қаршисида асло сесканмас эдилар. Бутун дардлари Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васал-

ламга юзланиш эди. Уларнинг ихлос ва муҳаббатлари, саломлари ўз эгасига етказиларди. Салом юборадиганларнинг энг буюги эса, Жаноби Ҳақдир...

Асҳобнинг Ҳазрати Пайғамбарга бўлган ҳасрат ва муҳаббатини ифода этадиган ушбу мисол ҳам биз учун жуда ибратлидир:

“Абдуллоҳ бин Зайд ал-Ансорий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, “Ё Расулуллоҳ! Сиз менга нафсимдан, молимдан, фарзандимдан ва аҳлимдан ҳам севимлидирсиз. Агар мен учун ёнингизга келиб сизни кўриш каби бир неъмат бўлмаганида, ўлишни орзу қилардим” деб йиғлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Нима сабабдан йиғлаяпсан?” деб сўрадилар. Ансорий “Ё Расулуллоҳ! Бир кун сиз ҳам, биз ҳам ўлишимиз аниқлигини ўйлаяпман. Сизнинг пайғамбарлар билан бирга юксак мақомларда бўлишингизни, биз эса (агар жаннатга кирсак ҳам) паст мақомларда қолишимизни билиб (сизни кўролмаслигимизни ўйлаб) йиғлаяпман” деган жавобни берди. Марҳамат уммони Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уни тинглаб, сукут этдилар. Бу вақтда Ояти Карима нозил бўлди:

“..!” (ан-Нисо, 69)

Абдуллоҳ бин Зайд ал-Ансорий розияллоҳу анҳу боғда ишлаётган вақтларида ўғиллари нафаси бўғзига тиқилган куйи ёнларига келди. Катта бир қайғу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари хабарини берди. Бу қайғули хабардан қотиб қолган Ансорий “Аллоҳим! Кўзимни олки, бундан кейин ягона севганим Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа кишини кўролмайин” дея дуо қилди. Абдуллоҳ бин Зайд ал-Ансорийнинг дуоси қабул бўлди. Шу вақтдан бошлаб у кишининг кўзлари кўрмай қолди.

Ишқ ва муҳаббат икки қалб орасидаги бир ҳаракат чизиғидир. Севганлар ҳеч қачон севганларини кўнгилларидан чиқармайдилар. Тилларидан туширмайдилар. Севганларига жонларини ва молларини беришга тайёр ҳолда ўз фидокорликларининг ҳузури ичида яшайдилар. Сўнг шу аҳволларида вафот этадилар. Ояти Каримада буюрилади:

“...”. (ан-Нур, 56)

“Севган севганининг ҳар бир сифатига мафтун бўлади”. Мана шу дастур усваи ҳасана бўлган Ҳабиби Кибриёга ҳар томонлама эргашиш ва

у зотга тобе бўлишнинг шартдир. Бу ишқ ишонч ва тобеликнинг, Ҳаққа бўлган муҳаббатнинг асосини ташкил этади.

Калимаи тавҳидда “Ла илаҳа иллаллоҳ” дан кейин, “Муҳаммадур Расулуллоҳ” жумласи келади. Ҳар бир калимаи тавҳид ва ҳар бир саловати шарифа Ҳаққа муҳаббат ҳамда яқинликнинг сармоясидир. Дунё ва охират ҳаётининг саодатига, барча маънавий ютуқларга ана шу муҳаббат сармояси билан эришилади. Олам Илоҳий муҳаббатнинг намоён бўлишидир. Бу зуҳурнинг асл жавҳари “Нури Муҳаммад” дир. Зоти Улуҳиётга олиб борадиган ягона йўл ҳам, у зотга бўлган муҳаббатдир.

Ибодатдаги руҳоният, муомаладаги зарофат, ахлоқдаги назокат, кўнгилдаги латофат, сиймолардаги нури малоҳат, лисонлардаги салоҳият, туйғулардаги нозиклик, назарлардаги теранлик каби барча гўзалликлар у Борлиқ Нурига бўлган муҳаббатнинг қалбларда акс этган нуридир.

Ҳазрати Мавлоно қандай ҳам гўзал ифодалайдилар:

“Кел эй кўнгил! Ҳақиқий байрам Жаноби Муҳаммадга вуслатдир. Чунки жаҳоннинг ойдинлиги у муборак Борлиқнинг жамоли нуридандир”.

Илоҳий файз ҳамда барокат қалбга нақш бўлиши учун ҳар бир замон ва ҳар бир маконда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан робитани (боғланишни) кучайтириш лозимдир. У зот алайҳиссаломнинг руҳониятларидан ҳисса олмоғимиз учун эса, саҳар вақти айтиладиган саловати шарифанинг аҳамияти каттадир.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқатлари билан яшаган Ҳақ дўстлари салоту салом келтириш ва бу восита орқали Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинлашишнинг фазилатларини қуйидагича изоҳлаганлар:

1. Кишининг амри Илоҳийга эргашиши Жаноби Ҳақ фаришталарининг саловатига мувофиқдир. (Яъни инсонлар ҳам улар каби саловат айтган бўладилар). Ояти Каримада келтирилади:

“...”. (ал-Аҳзоб, 56)

Аллоҳнинг, фаришталарнинг ҳамда умматнинг саломи ва саловати маъно жиҳатдан фарқли эканлиги аниқдир. “Аллоҳнинг салоти” Ўз Набийини раҳмати ила юксалтирмоғидир. “Фаришталарнинг салоти”

Ҳазрати Пайғамбар учун истиғфор ва дуодир. Мўминларнинг салоти эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақларига дуо қилишларидир.

2. Гуноҳларнинг авф этилишига воситадир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:

“Ким менга бир марта саловат келтирса, Аллоҳ у кимсага ўн саловат айтади. Ўнта хатосини кечириб, ўн даража юксалтиради. (Насоий, Саҳв, 55)

3. Қиёматда Расулуллоҳга яқин бўлишликка восита бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Қиёмат кунида инсонларнинг менга энг яқин бўладиганлари кўп саловат айтганларидир” дейдилар. (Термизий, Витр, 21)

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саловат айтганга жавоб бериб турадилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

“Аллоҳ салом берган кимсанинг саломига алик олишим учун руҳимни менга қайтаради”. (Абу Довуд, Маносик, 96)

5. Ҳар бир саловат айтган одамнинг исми Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга билдирилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Ер юзида Аллоҳнинг кезиб юрувчи фаришталари бордир. Улар умматимнинг саломини ўша лаҳзадаёқ менга етказишади” деб айтадилар. (Насоий, Саҳф, 46)

6. Салоту-салом айтган кимса Аллоҳ ва Расулининг муҳаббатини бошқа муҳаббатлардан юқори қўйгани учун у зот алайҳиссаломнинг ахлоқлари билан ахлоқланади. Ёмон хулқидан қутулиб, фазилатга эришади.

7. Набийи Акрамнинг у инсонга муҳаббати ортгани каби унинг ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббати ортади. Бу ҳол бардавом бўлади.

8. Аллоҳ таолонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва бизга эҳсон қилган лутфлари беҳисоб кўп бўлса-да, биз саловату салом ила Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамда ўзимизнинг устимиздаги ҳаққимизни оз бўлса ҳам ўтай оламиз.

9. Аллоҳ таолонинг раҳмати бизга етиб келишига сабаб бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Ким менга бир марта салоту салом айтса, шу сабабли Аллоҳ таоло унга ўн баробар марҳамат қилади” дейдилар. (Муслим, Салот, 70)

10. Унутилган сўзларни хотирлашга сабаб бўлади.

11. Дуоларнинг қабулига восита бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоздан сўнг ҳамд ва салоту салом айтмасдан дуо қилган бир одамни кўриб, “Бу одам шошқалоқлик қилди” деб айтдилар. Сўнгра у одамни олдиларига чақириб, шундай дедилар:

“Бирингиз дуо қилганингизда олдин Аллоҳ таолога ҳамду сано айтсин, кейин менга салоту салом келтирсин. Кейин нима тилаги бўлса, шуни айтсин. Ўзи истаган шаклда дуо қилсин” деб марҳамат қилдилар. (Термизий, Даовот, 64)

Бошқа бир ҳадиси шарифда айтилади:

“Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловату салом юбормасдан туриб дуо қилган инсон ўз мақсадига ета олмайди”. (Мунзирин, Ат-тарғиб ва Тарихий, III. 165)

12. Илоҳий ғазабга рўбарў бўлишдан сақлайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

“Олдида менинг исмим зикр қилинган ҳолида менга саловат айтмаган одамнинг бурни тошга ишқалансин”. (Термизий, Даовот, 100)

13. Аллоҳ таолонинг Набийсига саловат айтган бандaнинг амаллари Унга етиб боради. Аллоҳ унинг ҳам дунёдаги, ҳам охиратдаги ғамларини кетказади.

Убай Ибн Каъб розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

“Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

-Ё Расулуллоҳ! Мен сизга жуда ҳам кўп саловат айтаман. Ажабо, буни яна қанча кўп айтишим керак?- деб сўрадим. Пайғамбар алайҳиссалом:

-Истаганингча айтишинг мумкин,- деб айтдилар. Мен яна:

-Дуоларимнинг тўртдан бирини салоту шарифга айирсам бўладими?- дедим.

-Хоҳлаганингча айтавер. Яна ҳам кўпроқ айтсанг, ўзинг учун яхши бўлади,- дедилар у зот алайҳиссалом. Шунда мен:

-Ундай бўлса, дуоларимнинг ярмини ажратайми?- дедим.

– Истаганингча айт. Яна ҳам кўпайтирсанг, ўзинг учун хайрлидир!-деб буюрдилар.

Мен:

–У ҳолда учдан иккиси етадими? - деб сўрадим.

–Истаганинг қадар. Аммо яна кўпайтирсанг, сен учун яхши бўлади,- деб айтдилар.

–Ундай бўлса, дуога ажратилган вақтнинг ҳаммасига сизга саловати шарифа келтирсам қандай бўлади?- деганимда:

–У тақдирда Аллоҳ бутун қийинчиликларингни кетказади. Гуноҳларингни кечиради,- деб марҳамат қилдилар”. (Термизий, Қиёмат, 23)

Салоту салом айтмоқ Ҳазрати Пайғамбарнинг руҳониятлари билан боғланмоқликни ва у зотнинг нурларидан баҳраманд бўлмоқликни таъминлайди. Бу саловатларнинг мукофоти эса, бандaнинг Ҳазрати Пайғамбарга бўлган ихлоси ва муҳаббати миқдоридадир.

“Ё Расул! Эй Набий, сўнгсиз салот ва салом сизга бўлсин!..”

### г. Тафаккури мавт (ўлимни англаш)

***Дунёда ўлимдан қочадиган на бир замон, на бир макон, на қабрдан такрор қайтадиган бир имкон ва на қиёматнинг шиддатидан сиғинадиган бир бошпана бордир...***

Инсон ҳаёт оқимида яшаш севинчи ва ўлим ҳадиги сингари икки қарама-қаршилик ичида тўлқинланиб туради. Доимий бир оқим ҳолатида бўлган ҳаёт ва ўлимнинг ҳақиқий маъноларини идрок қилмай туриб, яратилишнинг сиру ҳикматини, инсоннинг ҳақиқий моҳиятини англаш мумкин эмасдир.

Сўзсиз ҳар бир жон эгасига келадиган ўлим бутун борлиқ ечмоқликка мажбур бўлган бир муаммодир.

“Мулк” сурасининг 2- оятида:

اَلَّذِی خَلَقَ الْمَوْتَ وَ الْحَیوةَ لِیَبْلُوَکُمْ اَیُّکُمْ اَحْسَنُ عَمَلاً

**“...”** дея буюрилади.

“Анбиё” сурасининг 35-оятида эса:

**“...”** дейилгандир.

Дунё Илоҳий иймон дарсхонаси, ўлим эса зарурий бир кўчишнинг қонунидир. Ҳазрати Мавлоно “Тирилмоқ учун ўлинг!” дейдилар.

Қалбнинг тирилиши фақат нафсониятдан воз кечиш билан мумкин бўлади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам “Бутун завқларни томиридан йўқ қилувчи ўлимни кўп эсланг!” деб айтадилар. (Термизий, Қиёмат, 26)

Тафаккури мавт ўлим келмасидан олдин ўлимни эслашдир. Нафсониятдан йироқлашиб, бутун ғайрат ва иродаси билан Раббининг ҳузурига ҳозирланишдир. Бу ҳол иймонга таянадиган тафаккур ва шуур ҳолидир.

Инсоннинг битмас-туганмас дунёвий хоҳишлари, фоний умид ва тасаллилари қабр устидаги тупроққа тушган япроқлар йиғимидир. Қабристонлар фоний ҳаётларини тугатган ота-она, бол-чақа, севимли қариндошлар, дўсту биродарлар рўйхати билан тўладир. Дунё ҳаёти хоҳ саройда ўтсин, хоҳ сомонхонада, барибир ҳаммамизнинг мажбурий чиқиш йўлимиз қабрдир. Ундан қочиб қутуладиган на бир замон, на бир макон бордир.

Ояти Каримада шундай буюрилади:

**“...”.** (Жумъа, 8)

Ўлим сукутга чўмган қабрларга қўйилган тошдир. У ҳол тили билан сўзлаётган оташин бир насиҳатчидир.

Қабристонларнинг шаҳар ичида, йўл чеккаларида ва жомеъларнинг ҳовлиларида бўлиши инсонларнинг тафаккури мавт ила (ўлимни тафаккур қилиш орқали) дунёларини тартибга солишлари учундир. Ўлимнинг қўрқинчли юкини калималарнинг кучсиз елкалари кўтара олмайди! Ўлимнинг қаршисида барча кучлар охирига етади.



Дунё алдовчи бир саробдир. Охират эса, ўлимсиз бир ҳаётдир. Умуман олганда инсон ҳаётнинг минг бир жилва ва кўринишлари ичида ойналардан кўринган ёлғоннинг асири бўлгандир. Ҳар лаҳза ўз ёлғонлари билан бевафолигини давом эттирувчи бу дунё инсонлар алданиб қоладиган бир макондир. Агар дунё шундай бир макон бўлмаса, нима у? Инсон бундан ибрат олмасми?

Ҳар бир фоний борлиқнинг ёшлиги ва тириклиги вақт тегирмонида доимий равишда эзилмоқдадир. Охират ҳақиқатидан хабарсиз яшалган ҳаётда нафсоний орзуларни ҳаракатлантирадиган дунёвий илтифотларга, фоний ўйинчоқларга алданиб қолмоқ буюк ва сўнгсиз истиқбол қаршисида нақадар қўрқинчли алданишдир!..

*Ғофилона бир ҳаёт недир?*
*Болаликда бир ўйиндир у.*
*Ёшлик чоғин эҳтиросидир,*
*Етукликнинг ғофил ўйи у!*

Қарилик қўлдан кетган нарсалар учун чекиладиган ҳасрат, минг бир турли изтироб ва надоматдан иборатдир.

Ўлим инсоннинг ўз қиёматидир. Надоматга тушганлардан бўлиб қолмаслик учун қиёматимиздан аввал уйғонайлик! Зеро ҳар бир фонийнинг номаълум бир замон ва маконда Азроил билан рўбарў келиши муқаррардир.

Ўлимдан қочадиган ер йўқ. Демак, инсон вақт ўтмасдан **“Аллоҳга шошилинг...”** (аз-Зориёт сураси, 50) оятидаги хитобдан насиба олмоғи ва раҳмати Илоҳиййани ягона сиғинадиган жой деб қабул қилмоғи керакдир.

Ўлимнинг энг аниқ тушунчаси ўлганларнинг кўкариб қолган лабларида қолиб кетган, ечилмайдиган сукутнинг сиррида яширингандир. Ўлимнинг насиҳат этувчи балоғати қаршисида дунёдан бериладиган жавоблар фақат кўз ёшлар ва қуруқ ҳиққиллашлардир. Бир неча кун мусофир бўлинадиган бу дунёга алданиб қолиш қанчалар нохушдир.

Инсон ҳар кун жанозаларга борган ҳолда ўлимни ўзидан узоқда деб билади. Ўзини ҳар лаҳзада фоний бўлган омонатларнинг эгаси деб ўйлади. Ҳолбуки, инсон руҳига жасад кийдирилиб, бир эшикдан (дунё эшигидан) киргизиб юборилганидан бошлаб ўлим йўлчисидир. У йўлнинг ҳозирлик кўриш маконига киргани ҳолда кўпинча бу ҳақиқатдан





ғафлатда қолади. Бир кун келиб, руҳ жасаддан ажралади. Охират эшиги бўлган қабрда бошқа бир катта йўлчиликка кузатилади.

Ҳар бир лаҳза бизни ҳақиқат тонгига яқинлаштираётганини ушбу Ояти Карима гўзал ифода этгандир:

**“...?”** (Ёсин, 68 оят)

Ояти Каримада инсонга энг гўзал бир шаклда насиҳат қилинмоқдадир. Зеро бу фироқ дунёсининг сифати бевафоликдир. У ўзининг берганларини яна қайтариб олади. Бир кун юксалтирса, эртаси куни жарликнинг тубига улоқтиради.

Дунё бир кўланка кабидир. Қачон уни ушламоқчи бўлсанг, сендан қочади. Сен қочсанг, этагингни қўйвормайди. Ортидан югурган нарсаларингга энди эга бўламан деганингда, умр тугаб қолади.

Дунёга кўнгил берган инсон ожиз бўлиб қолади. Вақти келса, дунё инсоннинг қадр-қийматини пастга уради. Унинг васваса ва қутқулари тўхтамайди. Дунё ўзига боғланганларни осонлик билан қурбон қилади.

Дунёда ўлимдан қочадиган на бир замон, на бир макон, на қабрдан такрор қайтадиган бир имкон, на қиёматнинг шиддатидан сиғинадиган бир бошпана йўқлигини тушунмоғимиз лозимдир...

Бир саҳобий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллламдан “Қайси мўмин ақллироқдир, Ё Расулуллоҳ?” деб сўради. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам “Ўлимни кўп эслаб, ўлимдан кейинги ҳаётга яхши тайёргарлик кўрган инсон ҳақиқатда энг ақлли инсондир” деб жавоб бердилар. (Ибн Можа, Зуҳд, 31)

Яна Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Ўлимни ва ўлгандан сўнгра жасад ҳамда суякларнинг чиришини эсланг. Охират ҳаётини истаган инсон дунё ҳаётининг зийнатларини тарк этади”. (Термизий, Қиёмат, 29)

Фузайл ибн Иёз айтадилар:

“Инсонларга насиҳат учун ўлим кифоядир”.

Асҳоби киромдан бирлари вафот этганди. Дўстлари уни мақтаб, кўп ибодатда бўлганлигини сўзладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг сўзларига қулоқ тутиб турардилар. Улар сўзларини тугатганларидан сўнг, Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Сиз айтаётган одам ўлимни кўп эслармиди? – деб сўрадилар. Улар:

-Йўқ, – деб жавоб беришди. Пайғамбар алайҳиссалом яна:

–У нафсининг кераксиз ва ортиқча истакларидан воз кеча олармиди? – деб савол бердилар.

–Йўқ, ё Расулуллоҳ! – дейишди унинг дўстлари.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

-Унда дўстингиз сиз айтганчалик эмасдир, – дедилар. (Ҳайсамий, Мажмауз-Завоид 308-9)

Абдуллоҳ бин Умар розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

“Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мени нуқиб, “Дунёда гўё бир ғариб, ҳатто бир йўловчи каби бўл! Ўзингни ўликлардан ёки қабр аҳлидан сана!” деб буюрдилар”.

Тобеинларнинг буюкларидан Мужоҳид ибн Жабр раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар:

“Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ушбу ҳадиснинг нақлидан сўнг, шундай насиҳат қилди:

“Эй, Мужоҳид! Тонгга етганингда, нафсингга оқшомдан сўз айтма! Оқшом бўлгач, нафсинг билан эрталабдан баҳс қилма! Хасталикдан аввал сиҳатингдан, ўлимдан аввал ҳаётингдан фойдалан! Эй Аллоҳнинг бандаси, ахир сен эртага қандай ҳолда бўлишингни (ўликми, тирикми бўлишингни) билмайсан!” (Термизий, Зуҳд, 25)

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу “Ер ҳар куни инсонга шу **ўн ўгит**-ни эслатиб туради” деб, уларни бирма-бир келтирдилар:

Эй одамзод! Ҳар куни устимда айланиб юрасан. Ҳолбуки, қайтишинг менгадир!

Сен устимда турли гуноҳларни қиласан. Ҳолбуки, ичимда азобланишинг бордир!

Менинг устимда ўйин-кулгига бериласан. Ҳолбуки, ҳали ичимда йиғлайдиган вақтинг келади!

Устимда хурсанд бўлиб юрасан. Ҳолбуки, ичимда хафа бўлишинг аниқдир!

Бугун сен устимда мол тўплайсан. Ҳолбуки, ичимда пушаймон бўлишинг ҳам бор!

Сен устимда ҳаромни ҳам ейсан. Ҳолбуки, ичимда қуртлар сени ейди!

Устимда фахр билан юрасан. Ҳолбуки, ичимда хор ва фақир бўлишинг бордир!

Тағин сен менинг устимда мамнун ҳолдасан. Ҳолбуки, ичимда ғам ва ҳузун билан бўғиласан!

Устимда юрганингда ойдинда юрасан. Ҳолбуки, ичимда қоронғуликда қоласан!

Сен устимда кўпчилик ичидасан. Ҳолбуки, ичимга ёлғиз ўзинг кирасан! (Ибн Ҳожар Асқалоний Мунаббиҳот, 37)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига ҳикмат ва фасоҳат аҳли бўлган Қусс ибн Соида ҳақида сўз очиб, у кишидан эшитганларини уларга сўзлаб бердилар:

“Қусс ибн Соидани Уккоз бозорида кўрган эдим. Унинг бир туя устида ўтирган ҳолда инсонларга шундай деб айтаётганини эшитгандим:

“Эй инсонлар! Билингки, ҳаётга келган инсон бир кун вафот этади. Бундан ўзингиз учун ибрат олинглар! Яшаган ўлади. Рўй бериши керак бўлган ҳодисалар рўй бераверади. Ёмғирлар ёғиб, ўтлар ўсади. Дунёга келадиган фарзандлар ота-оналарининг ўрниларини тўлдирадилар. Сўнгра ҳаммалари дунёдан ўтиб кетадилар. Бу ҳодисаларнинг кети узилмайди. Улар бир-бирини таъқиб этади. Кўкда хабар бор. Ер юзида эса, ибратли амаллар бордир. Еримизнинг усти ёйилган бир тўшак бўлса, кўк юзи юксак бир томдир. Унда юлдузлар сайр этади. Денгизлар ҳам бир кун мавжланишдан тўхтайди. Келган борки, бу заминда қолмайди.

Ажабо, борганлар борган жойларида хушнуд бўлганлари учун у ерда қоладиларми ёки уларни олиб қолишадими? Ё улар уйқуга шўнғийдиларми?

Эй Ийод қабиласи! Қани ота-боболарингиз? Қани муаззам безатилган кошоналар, тошдан уйлар қурган Од ва Самуд қавми? Мол-дунёларига мағрур бўлиб, қавмига “Мен сизнинг энг буюк Раббингизман!” дея хитоб қилган Фиръавн ва Намруд қани?

Ер уларни ўз тегирмонида майдалаб, кукун қилди. Уларнинг суяклари ҳам чириб битди. Қурган уйларидан бирор нишон қолмади. Бу



уйларнинг ўрнини энди итлар эгаллагандир. Асло улар каби ғафлатда қолманглар! Уларнинг йўлидан бормanglар!

Ҳар нарса фонийдир. Фақат Ҳақ таоло Боқийдир. Ўлим ирмоғининг кирадиган жойлари кўп, аммо чиқиш жойи йўқдир". (Байҳақий, Ибн Касир).

Ҳаёт саҳнасининг охирги пардаси бўлган ўлим инсонларнинг оқибати хабарини берувчи бир ойна кабидир. Банда нафс салтанатида молу дунё мақсади ила яшаса, қабр унга қоронғи бир даҳлиз бўлиб кўринади. Ўлимни эслаш ҳам уни тасаввур қилиб бўлмас даражада азоблайди. Нафс тўсиқларини ошиш ва ўлимни тафаккур қилиш натижасида инсон руҳи фаришталар каби пок бир босқичларни босиб ўтади. Ўлим тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада муаззам бўлган Раббига етишишнинг мажбурий бир шарти эканлиги аён бўлади.

Кўпчилик инсонларни совуқ титроққа соладиган ўлим, бундай инсон учун севгилисига етмоқликнинг ҳаяжонига айланади. Бу каби ўлимлар тасаввуф йўлининг буюкларидан Мавлоно Жалолиддин Румийнинг таъбири билан айтганда, "шаби аруз" (тўй кечаси) дир. Бу йўл башарият учун энг даҳшатли воқеа бўлган ўлимни гўзаллаштирувчи йўлдир. "Ўлимни гўзаллаштирмоқ" учун эса, нафс тўсиқларини ошиб ўтмоқлик керакдир. Бунинг учун тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, зикр, таважжуҳ, сабр, муроқаба (дунёвий истаклардан покланган қалбга мутлақ хотиржамлик етмагунича ўз-ўзини назорат қилиш) ва ризо каби қалбий ҳоллар билан етукликка элтувчи илм зарур бўлади.

Қалбнинг бу сифатларга етмоғида ўлим ҳақидаги тафаккурнинг аҳамияти беқиёсдир. Бу хусусда Робий ибн Ҳусайн шундай дейдилар:

*"Қалбим ўлимни хотирламоқдан узоқлашиб, фасодга учрашидан қўрқаман. Агар ўзимдан аввалгиларга мухолафатда бўлишимни билганимда, ўлгунимга қадар қабристонда ўтирардим".* (Байҳақий, Китабуз-Зуҳд, с. 212)

Нафсоният ва руҳоният эҳтиёжлари орасидаги қалб бу фоний дунёни тарк этаётган борлиқ каби тўлқинланиб туради. Охират йўлчилигининг бошланғич нуқтаси эса ўлимдир. Бу йўлчиликка чиқишдан аввал қалбни маърифатуллоҳ билан ўлимга тайёрламоқ, ўлим ҳақидаги қайғули ўйлардан қутулмоқ ва қалб саломатлигини таъмин эта билмоқ лозимдир. Инсон "Ўлимдан аввал ўлмоқ" дейилишининг сиррига етганидан кейин ўзидаги нафс устунлиги ўрнига комил маънода Аллоҳга муҳаббат ва итоатга эришади.





### д. Солиҳлар ва содиқлар билан баробар бўлмоқлик

***"...". (ат-Тавба, 119)***

Қалб мосуводан ҳимоя қилиниши ва доимо хайр амалларга ошно бўлиши учун кўнгил аҳли (руҳониятидан файз олинадиган кишилар) ила ришта боғламоқлик лозимдир. Солиҳ ва содиқ инсонлар билан ёнма-ён бўлиш зарурдир.

Қалб тананинг бошқа аъзоларидан фарқлидир. У атрофидаги таъсирларга кўра ҳаракатланади. Қалб уларга тобе бўлиш ҳолатидадир. Шунингдек, қалб ўз ички ҳолатининг рангига, шаклига ва оҳангига ўралади. Бу қалбда маълум таъсирларнинг томир отаётганлиги ва ўрнашаётганлигидан дарак беради. Чунки кейинчалик унда ижобий ёки салбий таъсирлар юзага келади. Бу таъсирлар аввалгиларига ўхшаш ёки уларнинг зидди бўлиши ҳам мумкин. Бироқ қалб бошидан яхши таъсирларга тобе этилмаса ва маълум бир ҳолатга келтирилмаса, у катта таҳлика остида қолади. Зеро ташқи таъсирлар натижасида муҳаббатга эришган қалб кейин ҳам шу муҳаббат таъсирида бўлади. Ундаги рад этишга бўлган мойиллик эса, нафрати қай даражада эканлигига боғлиқдир.

Шу сабабли, инсоннинг маънан юксалиши ёки тубанлашишида муҳаббат ва хусумат ўз ўрнида қўлланилиши жуда муҳим таъсирга эгадир. Дарҳақиқат, муҳаббатни ҳақли бўлганига лойиқ кўра олиш ва хусуматни ўрнида қўллаш ўз соҳибини юксалтиради. Бунинг аксича, муҳаббати ва хусуматини лойиқ бўлмаганга кўрсатган инсон муносабати нисбатида бадбахт бўлади. Бунга асосан, маънавий жиҳатдан камол топиш учун Аллоҳнинг солиҳ бандалари билан бирга бўлиш ва уларнинг таъсир доирасида яшаш муҳимлиги юзага чиқади. Бундан фақат суҳбатдошга бўлган муҳаббат нисбатида баҳраманд бўлиш мумкиндир. Руҳий теранликка бегона бўлган баробарликдан эса, баъзида озроқ, баъзида кўпроқ манфаатдор бўлинади. Бу ҳолат эса, шарт деб қараладиган натижани ҳосил қилмайди. Шу хусусдаги Боязид Бастомий қуддуса сирруҳудан нақл қилинган қуйидаги ҳикоят жуда ибратлидир:

"Муридларидан бири Боязид Бастомийдан "Афандим, жунли кийимингиздан бир парча берсангиз, табаррук қилиб ёнимда олиб юрсам!.." деб сўрайди. Бастомий ҳазратлари унга "Ўғлим, сен истиқоматда бўл-

масанг, Боязиднинг ҳирқаси тугул, терисини кийиб юрсанг ҳам фойда бермайди!..” дейдилар”.

Бутун коинотда тенглашиш тамойили мавжудир. Бу борлиқнинг асли ягона эканлигидан юзага келган бир ҳолатдир. Шунингдек, бу умумий тенглашиш тамойили физикавий ҳолатлар учун ҳам, руҳий ҳолатлар учун ҳам бир хилдир. Масалан, бир хонанинг қайсидир бурчагида шишадаги ўткир ҳидли бирор суюқлик тўкилса, унинг ҳиди бутун хонага тарқалади. Ҳаводаги зарралар ўзининг одатий ҳолига келгунга қадар, бу ҳидни шимиб олган ҳаво зарралари бошқа зарраларга ҳам таъсир этади. Иссиқ-совуқ каби барча зидликлар учун табиий бўлган айнан шу ҳолат физикавий қонундир. Фақат бу қонун инсон ҳаётида намоён бўлиши учун бир хилликка эришиш воситасига эҳтиёж туғилади. Бу восита муҳаббатдир. Халқ тилида бу “Қалбдан қалбга йўл бордир” дея ифодаланади.

Кўп ҳолларда кучли ва ғайратли инсонлар заиф кишилар учун илҳом манбаи бўладилар. Инсон табиатида мавжуд бўлган тамойиллардан бири ҳам ана шу тақлид ҳиссидир. Бола ҳам бошида ўз феъл-атворини шундай ҳислар орқали ифодалашга уринади. Бу тамойил унинг ҳаёти давомида оз ёки кўп даражада доимо мавжудлигича қолади. Шу нуқтаи назардан солиҳлар ва содиқларнинг ибодатидаги ҳушуъ, ахлоқларидаги юксак савия, шафқат, марҳамат, руҳий нозиклик ҳамда теранликлар уларнинг атрофларидаги кишиларда бу ҳолга тақлид қилиш ва кузатиш ҳиссини уйғотади. Аввалига жоҳилиятда яшаган саҳобийлар ҳам тенгсиз бир намуна шахсият бўлган Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан туйган ана шундай ҳислари сабаб юксалганлар.

Биз зоҳирий оламдаги мушоҳадаларимизга кўра ҳар қандай фан ўқитувчиси ўқувчиларига ўзини севдира олса, у фан ўқувчилар учун ҳам осон бўлишини биламиз. Бу ўқувчига ҳузур ҳам беради. Чунки муҳаббат заҳматларни раҳматга ўзгартирадиган сеҳрли бир ролни ўйнайди. Муҳаббат бериб бажарилган машғулот қанчалик оғир бўлса ҳам, осонлик билан амалга оширилади. Севимли бўлмаган бир иш эса, янада машаққатли бўлиб туюлади. Киши руҳида муҳаббатнинг зиёда бўлиши йигирма ракатли таровиҳ намозини ҳам осон қилиб қўяди. Аксинча, муҳаббатсиз ўқилган тўрт ракатли тонгги намоз (бомдод намози) ҳам кишига оғирлик қилиши мумкин. Бу каби амаллардаги оғирлик ва тамбаллик ҳам муҳаббат етишмаслигининг бир натижасидир. Ушбу мисоллар таҳлил қилинганда, солиҳлар ва содиқлар билан мулоқот

меҳр-муҳаббат туйғуларига тўла бўлиши аёнлашади. Бу ҳол сеҳрли таъсирга эга бўлганлиги учун маънавият йўлидаги кўплаб ўтиш қийин бўлган қияликларни бартараф этади.

Бошқа томондан, қалб хотиржамлигини сақлаб қолиш учун ғофил ва фосиқ кимсалар билан мулоқот қилишдан қатъиян узоқлашиш лозимдир. Масалан, мол сўйиладиган қассобхонадаги гўштнинг устидан ўтадиган шамол унинг ҳидини атрофга ёяди. Нафасни бўғиб, қалбларни торайтиради. Зеро шамол турганда, ахлат ва чиқиндиларнинг ёмон ҳидлари теварак-атрофга ёйилади. Бу ҳиддан нафас қисади. Кишининг руҳи сиқилади.

Шайх Убайдуллоҳ Аҳрор қуддуса сирруҳу бу хусусда дўсту ёронларига шундай насиҳат қиладилар:

“Ағёр ва бегона кишилар билан бирга бўлиш қалбга шикаст етказади. Руҳга беҳузурлик ва паришонлик беради”.

Боязид Бастомий қуддуса сирруҳу бир куни ич-ичларидан шундай бир паришонлик ва ҳузурсизликни ҳис этдилар. Ўзларини бу паришон ҳолдан қутқара олмадилар. Сўнг мажлисдагиларга “Атрофингизга бир қаранг-чи, бегоналар борми?” дедилар. Мажлис аҳли ён-атрофларига қараб, ҳеч кимни топа олмадилар. Боязид Бастомий ҳазратлари ҳамма жойга яхшилаб қараб чиқишни тайинладилар. Уларга “Қайтадан қидириб кўринглар. Асолар турган жойга ҳам қаранглар” деб айтдилар. Мажлисга келганлар яна қидиришга тушдилар. Улар охири бир ғофил кимсанинг асосини топиб олдилар. У асони олиб ташқарига чиқариб қўйдилар. Шундагина Боязид Бастомий қуддуса сирруҳунинг кўнгиллари жойига тушиб, хотиржам тортдилар.

Бир куни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ҳузурларига келган яқинларидан бирига “Сендан бегона ҳид келаяпти” дедилар. Кейин “Балки сен бирорта бегонанинг кийимини кийгандирсан” деб қўшиб қўйдилар. У киши ҳайрат билан “Ҳа, тўғри” деди. Кейин бориб кийимини алмаштириб келди.

Баъзи нохуш ҳоллардаги бу сирорат хусусияти ижобий ҳолатларда ҳам айнан шундайдир. Бунинг энг гўзал мисоли Юсуф алайҳиссалом билан оталари Яъқуб алайҳиссалом ораларида юз бергандир. Ҳазрати Яъқуб ўғиллари Юсуфда ўзларидаги хислатлар борлигини кўриб, у зотга бошқа фарзандларидан кўпроқ эътибор қаратдилар. Қалбларига

сингдирилган бу муҳаббат орқали ҳатто олислардан ҳам ўғилларига хос ҳидни ажрата олдилар. Ўзлари Канъон элида бўлган ҳолларида Мисрдан келтирилган Юсуф алайҳиссаломнинг кўйлакларининг ҳидини билдилар. Ҳолбуки, у зотдан бошқа ҳеч ким у ҳиддаги сирни ҳис қилмаганди. Кўйлакни келтирган Яъқуб алайҳиссаломнинг бошқа бир ўғиллари Яҳузо ҳам буни билмаганди. Ҳазрати Яъқуб бу кўйлакни кўзларига суртганларида, кўзлари кўра бошлади. Бу ҳол ашёга ҳам сироят бағишлаган руҳоният ва робитанинг намоён бўлишидир.

Маънавий ҳоллар жонсиз ашёларга ҳам таъсир кўрсатиши маълумдир. Шу сабабли, бу ашёлардан ҳам нозиклигига ҳеч бир шубҳа бўлмаган инсон қалбини ҳимоялаш жуда зарурийдир.

Яна бу хусусда улуғ зотлар шундай дейдилар:

“Инсонлар бажарадиган амалларнинг қиймати жонсиз борлиқлар сабаб ҳам ўзгаради. Бунга кўра турли хил чиқиндилар тўпланган бир ердаги ибодат билан амали солиҳ ва хайрларга тўла макондаги ибодатнинг қиймати бир- биридан жуда фарқлидир. Шу туфайли, Ҳарами шарифда ўқилган бир намоз бошқа ерларда ўқилган намозлардан жуда устундир”.

Бундай муборак маконлардаги файз ва руҳониятга муқобил шундай бир маконлар ҳам борки, у ерларда ёмонлик ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Ўта машаққатли Табук сафаридан қайтишда асҳоби киром салқинлаб олиш ва ташналикларини қондириш учун Ҳижр Водийсидаги самуд қавмининг кўшкларига (тошларни ўйиб қурилган кўшкларига) киргандилар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Аллоҳ таоло бу маконда самуд қавмини ҳалок қилгандир. У қаҳрдан бирор ҳисса келмаслиги учун бу ерлардан сув олманглар”* деб буюрдилар.

Асҳоб:

“Ё Расулуллоҳ! Сув мешларимизни сув билан тўлдирдик. У сувдан хамир ҳам қордик” деганларида, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Сувларни тўкиб ташланг. Хамирларни туяларга едиринг!”*дея амр берганлар. (Бухорий, Анбиё, 17)

Бунга ўхшаш ҳодисалар турли руҳий ҳолатлар ҳам жонсиз борлиқларга ўз таъсирини кўрсатишига ёрқин бир мисол бўла олади.

Қалбий истеъдодларни кашф этиш ҳамда камолотга етказиш учун солиҳлар ва содиқларнинг гўзал ҳолларидан файз (маънавий қувват) олишга ғайрат қилиш лозимдир. Бундай ижобий ўзгаришларнинг энг гўзал шакли маънавий суҳбатларда юзага келади. Луқмон алайҳиссаломнинг фарзандларига берган қуйидаги тавсиялари ҳам бу хусусда эътиборлидир:

*“Эй ўғлим! Олим кишилар билан бирга бўл ва уларнинг суҳбатидан узоқлашмасликка ҳаракат қил! Зеро ёмғир тупроқни жонлантиргани каби Аллоҳ таоло ҳам қалбларни ҳикмат нури билан жонлантиради”.* (Аҳмад б. Ҳанбал, Китобуз -Зуҳд, hd. no: 551)

Мана бу ҳадиси шарифда ҳам шу каби суҳбатларнинг аҳамияти ва мўминни юксак маънавий даражаларга етказа олиши жуда гўзал тарзда ифода этилгандир:

“Аллоҳнинг уйларидан бирида Аллоҳнинг Китобини ўқиш ва ўзаро музокара қилиш учун тўпланган жамоатнинг устига тўлиқ бир сукунат чўмади. Уларни Аллоҳнинг раҳмати қоплайди. Фаришталар уларни ўраб оладилар. Аллоҳ таоло уларни Ўзининг ҳузуридагилар орасида зикр қилади”. (Абу Довуд, Витр, 14; Ибни Можа, Муқаддима, 17)

Абу Идрис ал -Ҳавлоний шундай дейдилар:

Шомда Умаййа жомеъига кирганимда, у ерда юзи порлаб турган бир йигит ўтирганини кўрдим. Унинг атрофида бир қанча инсонлар тўпланган эдилар. Улар бир нималар ҳақида сўзлашардилар. Баҳсли ўринларда эса, ўша ёш йигитга мурожаат этардилар. У билдирган мулоҳазаларни қабул қилар эдилар. Мен у ердагилардан унинг Муоз бин Жабал розияллоҳу анҳу эканлигини билдим.

Эртаси куни жомеъга вақтли бордим. У йигит мендан ҳам олдин келганди. Намоз ўқирди. Намозини тугатишини кутдим. Сўнг олдига бориб, салом бердим. Унга “Валлоҳи, мен сени Аллоҳ учун яхши кўраман” дедим. Муоз розияллоҳу анҳу уч марта “Ҳақиқатан Аллоҳ учунми?” деб сўради. Мен ҳам ҳар сафар “Ҳа, Аллоҳ учун” дея жавоб бердим. Шунда у кийимимдан тутиб, мени ўзига яқинлаштирди. Кейин:



“Сенга хушхабар бўлсин! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан ривоят қилиб, *“Менинг ризом учун севган, бир ерда ўтирган, бир- бирини зиёрат қилган ва ўзларини Менинг ризомга бағишлаган кишиларга муҳаббатим вожиб бўлади”* деб буюрганларини эшитдим” деди”. (Имом Молик, Муватто, Шаар, 5 5)

Жаноб Ҳақ Ояти Каримада шундай буюради:

يَآ اَيُّهَا الَّذِينَ اٰمَنُوا اتَّقُوا اللّٰهَ وَ كُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ

**“..!”** (ат-Тавба, 119)

Ҳоллардаги тартиб юқорида кўрсатилганидек, муҳаббат ва унга берилган қиймат нисбатида амалга ошади. Содиқлар ва солиҳлар билан унсият ҳолида бўлиш (уларни севиш ва уларга яқин бўлишга ҳаракат қилиш) камолотга етишнинг ва шу тамойилни қувватлантириш орқали орзу қилинган натижага эришишнинг муҳим шартидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам содиқлар билан бирга бўлишнинг аҳамиятини шундай бир мисол билан ифодалайдилар:

*“Яхши дўст билан ёмон дўстнинг мисоли мушк ишлатадиган ва жун кийим киядиган одам кабидир. Мушк соҳиби сенга унинг ҳидидан икром этади. Ҳатто сен мушкни ундан сотиб олсанг ҳам бўлади.*

*Темирчининг асбобига тегадиган бўлсанг, кийиминг ёниши ёхуд устингга унинг ҳиди ўрнашиб қолиши мумкин”*. (Бухорий, Сеҳр, 38)

Дунё ҳаётида солиҳлар билан яқин муносабат муҳим бўлгани каби қабрда ҳам улар билан қўшни бўла олиш аҳамиятлидир. Бу хусусда Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

*“Ўликларингизни солиҳ инсонлар орасига дафн қилинг!”* (Дайламий, Муснад, I, 102)

Эҳтиёжларни ҳам солиҳлар воситасида таъмин этиш лозимлиги ушбу ҳодисанинг баёни орқали гўзал равишда тушунтирилгандир:

Ибнул Фиросийнинг айтишларича, у кишининг оталари Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга “Эҳтиёжимни бирор кишидан сўрайми?” деб савол беради. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалоту васаллам

унга *“Йўқ, сўрама! Агар жуда сўрашга мажбур бўлиб қолсанг, солиҳлардан сўра!” деб жавоб берганлар.* (Абу Довуд, Закот, 28; Насоий, Закот, 84)

Яна Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

*“Яратган Зотнинг бандалари орасида зикр калитлари саналадиган кишилар (Аллоҳ зикрининг калитлари) бордир. Инсонлар уларни кўрганлари ҳамон Аллоҳни хотирлайдилар”.* (Ҳайсамий, X, 78)

Қози Шурайҳ ҳазратлари Ҳазрати Умарга мактуб ёзадилар. Мактубларида у кишидан ҳукм чиқаришда нималарга эътиборли бўлиш хусусида сўрайдилар. Умар розияллоҳу анҳу Қози Шурайҳ ҳазратларига қуйидаги жавобни ёзиб юборадилар:

“Сен аввало Аллоҳнинг Китоби бўйича ҳукм чиқар! Агар ундан тополмасанг, Аллоҳ Расулининг суннатлари ила ҳукм қил! Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатидан ҳам топа олмасанг, солиҳлар берган ҳукмлар ёрдамида ҳукм бер! Излаганинг солиҳлар берган ҳукмлар орасида ҳам бўлмаса, ўзинг ҳукм беришда давом эт. Агар буни истамасанг, бир муддат ҳукм беришни орқага сур! Орқага суриб ҳукм беришинг сен учун янада хайрли бўлишига ишончим комил. Вассалом”. (Насоий, Kudât, 11/3)

Бир дарвеш Боязид Бастомийга “Мени Аллоҳга яқинлаштирадиган бир амал тавсия қил” деганида, Боязид қуддуса сирруҳу унга шу насиҳатни лойиқ кўрдилар:

“Аллоҳнинг валий бандаларини сев! Сен шундай севки, улар ҳам сени сева олсинлар. Уларнинг кўнгилларидан жой олишга ҳаракат қил! Чунки Аллоҳ таоло ориф зотларнинг қалбига ҳар куни уч юз олтмиш марта назар солади. Аллоҳ назар солганида, сени ўша ерда топсин!..”

Шу сабабдан, тасаввуфий тарбияда солик мансуб бўлган жойга, унинг содиқларга бўлган муҳаббати поклигига ва орада боғланиш борлигига (робитага) эътибор қилингандир. Бу доимий бир қоида ҳолига келтирилгандир. Гуноҳ ва маъсият йўлига кирган инсон бу қалбий боғлиқликнинг беқиёс таъсирлари сабаб жуда кўп маънавий йўқотишлардан халос бўла олади. Шу билан бирга қалбий робитанинг барокати ёрдамида хайр йўлидаги кўплаб маънавий ютуқларга ноил бўлади.

Робита муҳаббатнинг шиддати ила қалбан сезиш ва ҳис этишда юксак бир маънавий даражани вужудга келтиради. Бундай даражага етган шахсиятларда **“бирлашиш**” истиқоматидаги бир руҳий олди-берди бошланади. Бу олди -берди муносабатларида олувчи ҳолатида бўлган мўминлар фойда топиб, берувчи ҳолидаги солиҳ ва содиқлар маълум зарар кўришлари ҳам мумкин. Файз манбаи бўлган солиҳларнинг ҳузурларига нопок ҳолда ва чиркин аҳволда келганларнинг покланиш ҳолатлари гўё бир хизматчининг кирли кийимини ювишга ўхшайди. Иршод салоҳиятига соҳиб бўлган солиҳ зотлар эса, тарбия қилишлари керак бўлган инсонлардаги маънавий кирлик ва хатоларни денгиз каби кенг кўнгил оламларида эритиб юборадилар. Бундай зотлар таъбир жоиз бўлса, жамиятда тасфиянинг вазифасини бажарадилар. Уларни худди чириб гўнг ҳолига келган бир қатор моддаларни ранг-баранг гулларга, лаззатли меваларга айлантирган наботот оламига қиёслаш мумкин. Асл ҳолат шундай бўлса-да, иршодга салоҳиятли ҳар бир солиҳ ва содиқ зотнинг ҳаётида ҳам узун ёки қисқа бир узлат даври бордир. Бу фақат Раббига яқинлик истагидан эмас, айни пайтда ҳаётнинг чиркинликларидан бир муддат ёлғиз қолиш эҳтиёжидан ҳам келиб чиқади.

Унсият билан юзага келган муҳаббатнинг охири севганнинг севгани борлиғида йўқ бўлишидир. Ҳазрати Мавлоно қуддуса сирруҳу фақат ишқ натижасида пайдо бўладиган бу ҳолни шу сўзлар билан ифода этадилар:

*“Денгизга қовушган бир наҳрнинг (дарёнинг) наҳрлиги битади. У ўзи кирган денгизнинг бир қисмига айланади. Еган бир парча нонимиз баданимизда эриб, вужудимизнинг бир парчаси ҳолига келади. Севган бир кишининг борлиғи ҳам ўзи туйган муҳаббатининг шиддати қадар севганида йўқолади”.*

Давомида Ҳазрати Мавлоно бу тенглашиш ва йўқ бўлишнинг руҳий ҳолатини шундай баён қиладилар:

*“Ишқ келди. У қон каби томирларимга, бутун вужудимга тўлди. Мени мендан олди, борлиғимни севги билан тўлдирди. Вужудимнинг бутун жузларини шу ишқ қоплади. Мендан менга қолгани биргина исмдир. Қолгани эса, Удир...”*

Тасаввуфдаги “фанофиллоҳ**”** ва **“бақобиллоҳ”** дейиладиган ҳолат ана шудир. Фақат бундай муҳаббатуллоҳ истиқоматига етмоқлик учун

қалб унга мос бир лаёқат ва салоҳиятга эришмоғи лозимдир. Бу эса, башарий муҳаббат ва робитани амалда қўллаш орқали қўлга киритилади. Бироқ бу даражадаги муҳаббатуллоҳ ила камолотга етиш учун қалб унга тоқат қилиш қобилиятига ҳам эга бўлмоғи даркор. Шунингдек, бунга суҳбат орқали ҳам эришмоқлик мумкин бўлади.

Бу қалбдаги ҳозирлик жараёни бўлганлиги сабабли, бундай инсоний ишққа муроса кўзи билан қаралади. У ишқ "мажозий ишқ" номи билан аталади. Мажозий ишқ худди бир кишининг оиласига бўлган муҳаббати кабидир. Ишқнинг маъно ва савиясини аниқлаб олишда Ҳазрати Мавлононинг ушбу сўзларини ёдда тутиш керакдир. Ҳазрати Мавлоно шундай дейдилар:

*"Сен инсофли бўл! Ишқ яхши бир нарсадир. Уни задалаган сенинг ёмон хислатингдир. Сен шаҳватга ишқ исмини қўйгансан. Эҳ! Қанийди, шаҳват билан ишқ орасида қанчалик узоқ бир масофа борлигини билсанг!.."*

*"Илоҳий ишқ ва важд мўминни уйғоқ тутади. Дунёвий ва шаҳвоний ишқ эса, инсонни нодонга айлантиради. Уни сарсон этади. Ишқ сув ҳамда тупроқдан яратилган инсоннинг мавжланмоғи ва ёнмоғидир. Томирларда қоннинг айланиши (ҳаётнинг давом этиши) эмас, жигарнинг ишқда қовурилиши муҳимдир"*.

Башарий ишқнинг чўққисида ошиқ муҳаббатидаги шиддат нисбатида севгани билан бирлашишга муваффақ бўлади. Тасаввуфда муриднинг муршидига бўлган муҳаббати маълум бир савияга етиб, муршидининг борлиғида йўқ бўлишига "фано фиш шайх" дейилади.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўладиган ҳар бир суҳбатдан алоҳида бир важд ва истиғроқ ҳолини туяр эдилар. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузурларида бўлганларида ҳам, у зотга бўлган муҳаббатлари ва ҳасратлари таскин топиш ўрнига янада ортиб борарди.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам*"Абу Бакрнинг молидан фойдаланганим қадар ҳеч бир кишининг молидан фойдаланмадим"* деганлар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ эса, Аллоҳнинг Расулига бўлган ишқлари ила ўз менликларидан кечдилар. Расулуллоҳнинг борлиқларида фано бўлдилар. Бу набавий илтифот сабаб "муҳаттаб" сифатида қабул қилиндилар. Бундай қабул қилинишнинг асосида мав-



жуд бўлган ўзгача бир ҳис сабаб руҳнинг аслиятида яшатувчи оташ сингари изтиробни туйдилар. Ана шу ғайритабиий бир ҳол ичра “Мен ҳам, молим ҳам фақат ва фақат сизга оид эмасмизми, Ё Расулуллоҳ!..” дедилар. (Ибн Можа, Муқаддима, 11)

Ҳазрати Мавлононинг “Олтинми? Жонми?.. Ё бир нафис маржонми? Улар бир севгили учун сарфланмаса, бир севгига фидо қилинмаса, бошқа нима ҳам қилинарди?!” деган сўзлари билан ифодаланган ҳақиқат айнан у кишининг ҳолини кўрсатиб турибди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан Ҳазрати Абу Бакрнинг ўрталарида яна бир ҳолат юз бергандир. Бир куни кўнгиллар султони Фахри Коинот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хасталикка чалинганларини эшитган Ҳазрати Сиддиқ ҳам қийналганларидан ётиб қолганлар. Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам бу бирлашиш сабабини *“Абу Бакр мендандир, мен ҳам унданман. Абу Бакр дунёда ва охиратда қардошимдир”* (Дайламий, Муснад, I, 437) дея изоҳлаб, зоҳирий оламдаги бирлик ва қалбдан қалбга оқиш ҳоли воқе бўлганлигини айтганлар.

Ҳазрати Абу Бакрнинг бу ҳолларига яна бир мисол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлим тўшагида ётган вақтларида рўй берган-дир. У зот алайҳиссалом ана шу вақтда “Барча эшикларни беркитинглар, фақат Абу Бакрнинг эшиги қолсин!” (Бухорий, Асҳобун-Набий,3) деган илтифотлари билан иккалаларининг ораларидаги қалбий оқим бирлашганлигини билдирганлар.

Шайх Саъдий Шерозий ҳам бу каби ҳолатларнинг таъсири ҳақида қуйидаги фикрларни айтадилар:

“Асҳоби Каҳфнинг ити содиқлар билан бирга бўлгани учун шараф қозонди. Унинг номи Қуръони Каримда ва тарих саҳифаларида ёдга олинди. Лут алайҳиссаломнинг хотинлари эса, фосиқлар билан бўлганлиги учун куфрга дучор бўлди.

Аҳли ғафлат билан унс – ёнма-ён бўлишнинг қалбга берадиган зарари ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

“(Охир замонда) Умматимдан бир қисм инсонлар динда фақиҳ эканликларидан даъво қиладилар. Қуръон ҳам ўқийдилар. Бироқ “Биз ҳукмдорларнинг олдиларига борамиз. Улар берган дунё бойликларидан фойдаланамиз. Бу нарсаларни динимизга аралаштирмаймиз” деган





сўзларни ҳам айтадилар. Ҳолбуки, ундай бўлмайди. Тиканли дарахтдан фақат тикан олинганидек, бу инсонларга яқин юрганлар ҳам улардан фақат салбий сифатларни оладилар". (Ибн Можа, Муқаддима, 23)

Солиҳ ва содиқлар билан бирга бўлиш, улар таъсирида бирлашишнинг мисоли Шайх Саъдийнинг "Гулистон" номли асарларида ҳам келтирилгандир:

"Бир киши ҳаммомга кирди. Ҳаммомда дўстларидан бири унга ювиниши учун гўзал ҳидли бир лой берди. Бу лойдан руҳни ором олдирувчи нафис бир ҳид таралар эди. Уодам лойга "Эй хушбўйли, сенинг бўйингдан маст бўлдим. Айтгин-чи? Мушкмисан, анбармисан?" деди. Лой "Мен мушк ҳам анбар ҳам эмасман. Билганингиз каби оддий бир тупроқман. Фақат бир гул тувакда ҳар куни гулнинг шабнамлари ила намланар эдим. Сиз ҳис этаётган, кўнгилларга қувонч улашувчи бу хушбўйлик ўша гулларга оиддир" деб жавоб берди".

Бу мисолда кўнгилларини самимийлик, таслимият ва тавозе билан Аллоҳ дўстларининг олдига ёйганларга ишора қилинмоқда. Дарҳақиқат, уларда ўзлари истаган гўзаллик тўла намоён бўлади. Уларнинг кўнгиллари бир тажаллигоҳ ҳолига келади. Гўёки осмондаги ойнинг ўз нури бўлмаса-да, қуёшга қараганида юзида нур акс этгани, қуёшнинг хусусиятидан ҳисса олгани каби бошқалар ҳам бундай инсонлардан ҳисса оладилар. Улар башариятнинг шафқатсизликдан қорайган кечаларини ёритувчи ёрқин чироқларга айланадилар.

### ё. Гўзал ахлоқ соҳиби бўлмоқ

> ***"Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ савоб йўқдир. Аллоҳ таоло қабиҳлик қилган, ножўя сўз сўзлаган кимсалардан нафратланур". (Термизий, 62)***

Аллоҳ таоло инсонни нозик дид ва олий истеъдодлар ила зийнатлагандир. Инсоннинг асл қиймати ҳам Аллоҳ яратган табиатини кўнгил оламида яшатиши ва гўзаллаштириши нисбатидадир. Инсон фақат ана шу сабабдан юксалади.

Агар инсоннинг ёмон сифатлари таъсирсиз бир ҳолга келса ва у гўзал хулқ ила безана олса, сурати ҳамда сийрати ила асл инсон бўла

олади. Руҳоният тўла қалблар гўзал ахлоқ, солиҳ амал ва маънавий ҳолларнинг зоҳир бўлишига сабаб бўлади. Банда буларга эришиш орқали ўзининг энг гўзал суратда яратилган борлиқ эканлигини кўрсата олади. Агар бунинг акси бўладиган бўлса ва қалбда нафсоният ғалаба қилса, бу ҳолат куфрга, ширкка, ёмон ахлоқ ва шаҳватпарастликка олиб боради. Натижада, қорайган бу каби қалблар Раббисини унутиб, яратилиш ғоясининг акси бўлган истиқоматга йўналади. Ҳатто баъзида махлуқотдан ҳам тубанлашади. Коинотнинг Холиқи яратганлари бундай тубанликка бормасликлари ва Раббиларига қайтишлари учун уларга шундай танбеҳ беради:

يَآ اَيُّهَا الْاِنْسَانُ مَا غَرَّكَ بِرَبِّكَ الْكَرِيمِ الَّذِى خَلَقَكَ
فَسَوّٰيكَ فَعَدَلَكَ فِى اَيِّ صُورَةٍ مَا شَآءَ رَكَّبَكَ

**“...?”** (Инфитор, 6-8 оятлар)

وَ اللّٰهُ يَدْعُوٓا اِلٰى دَارِ السَّلاَمِ

Яна Раббимиз Қуръони Каримда:

**“...”** дейди. (Юнус, 25)

Бироқ фонийларнинг даъват қилинишлари ҳам унинг ижобатига боғлиқдир. Зеро барча инсонлар бир хилда даъват қилинмайдилар. Улар ўз лаёқатларига қараб чақириладилар. Раббимизнинг Доруссалом чақириғига ҳам фақат соғлом қалб билан жавоб қилинади. Ҳақиқий маънода инсонлик сифати билан яшашнинг ягона шарти эса, дин ва ахлоқнинг олий мақсадларига эришмоқликдир.

Инсониятнинг камолоти ва гўзал ахлоқининг энг юқори чўққисидаги мисол бу Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Жаноб Ҳақ у зот алайҳиссаломнинг бу сифатларини таъкидлаб, шундай марҳамат қилади:

**“...”.** (Қалам, 4)

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифда:

“Мени Раббим тарбия қилди ва тарбиямни гўзал айлади” дея лутф этганлар. (Суютий, Жомеъус Сағир, 1.12)

“Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ савоб йўқдир. Аллоҳ таоло қабиҳлик қилган, ножўя сўз сўзлаган кимсалардан нафратланур”. (Термизий, Бирр, 62)

“Мен гўзал хулқларни мукаммал қилиш учун юборилдим”. (Имом Молик, Муатто, Ҳусни Хулқ, 8)

Тарихда ҳаёти ҳар тарафлама, энг нозик (зарра қадар ҳаракати ҳам), ўрганилган зот Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У зот алайҳиссаломнинг барча сўзлаган сўзлари, феъллари ва ҳис-туйғулари баён қилингандир. Тарихда бир шараф лавҳаси ҳолида ёзилгандир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдаги “Усваи ҳасана” (ўрнак шахсият) бутун бир башарият учун гўзал намунадир.

Жаноби Ҳақ Ояти Каримада:

**“...”** деб буюради. (Аҳзоб, 21)

Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбий ҳаётларидан ва гўзал хулқларидан насибаланмоқ зарурийдир. Бу эса фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббат ва у зотнинг руҳониятларига бурканиш нисбатида ҳақиқатга айланади. Бундай таъсир ва маънавий ўзгаришлар сабабли мўминда марҳамат, шафқат, икром, саховат, кечиримлилик, ўз имконини бошқа бир дин қардоши билан баҳам кўришлик хислатлари пайдо бўлади. Саҳобаи киромлар, авлиёлар, солиҳлар ва содиқлар бундай ҳолнинг энг гўзал намуналаридир. Бу қалблари нозик ва идроклари баланд мўминлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари билан хулқланиш учун парвона каби у зотнинг руҳониятлари атрофида бўлишга интилганлар. У зотда фоний бўлишни дунёнинг энг буюк неъмати деб билганлар. Улар шу йўл билан Илоҳий лутфларга ғарқ бўлганлар. Асрлар давомида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Усваи ҳасана”ларидан насибаланган мўминлар иймонларини мукаммаллаштириб, чўққига кўтарила олганлар. Фитратларидаги Илоҳий нашъаларни камолга етказиб, инсоният учун муқаддас бир машъала бўлганлар.

Хаста ва ғофил қалбларга дармон бўлувчи энг таъсирли восита Расулуллоҳ алайҳиссаломга бўлган муҳаббатдир. Қуйида у зотнинг яра-

тилишларига хос улуғворликка, хулқлари ва хатти-ҳаракатларига оид баъзи мисолларни келтириб ўтамиз.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак юзлари юзларнинг энг гўзали ва энг покизаси эди. Яҳудий олимлардан Абдуллоҳ ибн Салом Пайғамбар алайҳиссалом ҳижратда бўлган пайтларида қизиқиш у зотни излаб келади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак юзларига қараб, “Бундай юзли киши ёлғончи бўлмайди” дея иймонга киради. (Термизий, Қиёмат) Чунки у зотдаги гўзаллик, ҳайбат, руҳоният ва латофат шу даражада эдики, Аллоҳнинг пайғамбари эканликларига доир ҳужжатга эҳтиёж йўқ эди.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор нарса маъқул келмаса, дарҳол сиймоларидан сезилар эди. Мамнун бўлган ҳолатларида мамнунликлари ҳам билиниб турарди.

Илк яратилган Нур у зотнинг Нуридир. Жисмларида ҳаётийлик, кучли бир ҳаё, буюк бир азм жамланган ҳолда эди. Ёпинғичга ўранган бир бокира қиздан ҳам одобли эдилар. У зотнинг қалбий теранликларини изоҳлаш имконсиздир. Расулуллоҳ алайҳиссалом кўп гапирмас эдилар. Ҳар бир сўзлари ҳикмат ва насиҳат эди. Сўзлаганларида асло ғийбат қилмас, барчага ақл ва идрокига мос сўз сўзлардилар. Мулойим ва тавозели эдилар. Баланд овозда кулмасдилар. Доимо юзларида табассум бўлар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган одамни бирдан ҳайбат босарди. Ул зот алайҳиссалом билан ҳамсуҳбат бўлган одам ошиқу муҳиб (муҳаббатли) бўлиб қоларди.

Даражасига кўра ҳар бир фазилат эгасига эҳтиром назари билан қарардилар. Қавму қариндошларига ниҳоятда меҳрибон эдилар. Уларни ортиғи билан икром қилардилар. Аҳли байтларига ва асҳобларига қандай муомала қилсалар, бошқа инсонларга ҳам худди шундай лутф билан муомала қилардилар. “Сизлардан ҳар бирингиз ўз нафси учун хоҳлаганини мўмин биродари учун ҳам хоҳламагунича комил мўмин бўла олмайди” дер эдилар. (Бухорий, Иймон, 7. Муслим)

Хизматкорларини ҳам кўп ҳолларда хушнуд қилардилар. Еганларидан едириб, кийганларидан кийдирардилар. Мард, икром соҳиби, шафқат ва марҳамат эгаси, керагида жасур, керагида ҳалим эдилар. Берган ваъдаларига вафоли, сўзларига содиқ, ахлоқлари гўзал, ақл ва

закийликда эса, жумла инсонлардан устун ва ҳар қандай мадҳу саноларга лойиқ эдилар.

Сийратлари мукаммал, муборак вужудлари тенгсиз гўзал эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо чуқур тафаккур ичида бўлар эдилар. Заруратсиз сўзлашмасдилар. Кўпинча сокинлик ҳолатида бўлардилар. Бир гапни бошласалар, чала қолдирмасдилар. Уни тўлиқ равишда айтиб тугатардилар. Оз сўз билан кўп маънони ифода қилардилар. Сўзлари дона-дона бўларди. На ортиқча ва на кам эди. Табиатан юмшоқ феълли бўлишларига қарамасдан ниҳоятда салобатли эдилар. Ранжиган вақтларида ўрниларидан турмасдилар. Ҳаққа эътироз билдирилишидан ва ноҳақлик қилинишидан ташқари бирор ҳолатда жаҳл қилмасдилар. Бирор бир инсон бефарқлик билан ноҳақликка қўл урганида қаттиқ хафа бўлардилар. Ҳақ ўз ўрнини топмагунча хафагарчиликлари аримасди. Ҳақиқат юзага чиққач, хотиржам тортардилар. Асло ўзларини ҳимоя қилиб, бирор киши билан тортишмасдилар. Бировнинг хонасига изн олмагунча кирмасдилар.

Уйларига келгач, вақтларини учга бўлардилар:

1. Аллоҳга ибодат қилишга;

2. Оилага эътибор қаратишга;

3. Ўзларига.

1. Ўзлари учун ажратган вақтларини авому хос барча инсонларга бағишлардилар. Улардан бирортасини эътиборсиз қолдирмас, ҳаммасининг кўнглини олардилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир ҳол ва ҳаракатлари зикриллоҳ билан бўлар эди. Бир жойга ўтиришни эмас, балки масжидларнинг ҳар ерида ўтиришни одат қилган эдилар.

Жойларга ва мақомларга қудсият (муқаддаслик) бермасдилар. Мажлисларда такаббурлик каби ҳоллардан сақланардилар. Қайси мажлисда қаер бўш бўлса, ўша ерга ўтирардилар. Бошқалар ҳам шундай қилишини орзу қилардилар. Ким у зот алайҳиссаломдан бир эҳтиёжи учун бирор нарса сўраса, сўраган нарсаси аҳамиятли бўлиш-бўлмаслигига қарамас эдилар. Унинг илтимосини бажармасдан тинчланмасдилар. У инсоннинг эҳтиёжини ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаса



гўзал сўз (чиройли муомала) ила кўнгил олардилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча инсонларнинг дардкаши эдилар.

Инсонлар қандай мақом ва мавқеда (бой, камбағал, илмли, илмсиз ёки олим) бўлсалар ҳам, ул зот алайҳиссаломнинг ёнларида инсонлик жиҳатидан баробар муомалага эга бўлардилар. Бутун мажлисларидан ҳалимлик, ҳаё, сабр, таваккул ва омонат каби фазилатлар жой оларди. Бировни айб ва нуқсонлари учун камситмас эдилар. У инсонга танбеҳ бериш эҳтиёжи туғилганда, уни хафа қилмай оқилона бир йўл билан билдирардилар.

“Мусулмон биродаринг фалокатга йўлиқса, севинч билан кутиб олма! Аллоҳ таоло раҳмати билан уни фалокатдан қутқариб, сени мусибат билан қарши олади. Имтиҳон қилади” (Термизий, Қиёмат, 54) дер эдилар.

Ҳеч кимсанинг айби билан машғул бўлмаганлари каби бировнинг айбини ахтармоқни ҳам тақиқлар эдилар. Зеро бошқалар ҳақида гумонга бориш ва жосуслик Илоҳий амр билан ман этилгандир.

“Инна баъдоз зонни исм” (...чунки баъзи гумонлар гуноҳдир). (Ҳужурот)

Савоби умид қилинган масалалар сабабли бошқаларни гапирмасдилар. Суҳбат ва мажлислари Илоҳий ишқ билан (яъни Аллоҳнинг ишқида) кечар эди.

Ул зот алайҳиссалом сўзлаганларида атрофларидаги кишилар жон қулоқлари билан тинглардилар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бу ҳолни “Уларнинг бошларига бир қуш қўнгану у соатлар давомида учмай тура олади” деган сўзлар билан ифодалаган эдилар. Расули Акрамдан саҳобаларга ўтган одоб ва ҳаё шу даражада эдики, улар пайғамбаримиздан савол сўрашдан ҳам ҳаё қилардилар. “Қанийди, чўлдан бир бадавий келса ва у зот билан суҳбат қилса, биз ҳам баҳра олардик” дейишарди. Яъни у зот алайҳиссаломнинг руҳониятларидан баҳра олардик дердилар. (Ибн Саъд 1. 4.425. Ҳайсамий 9-13)

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу у зот алайҳиссаломнинг марҳамат ва шафқатларини шундай ифодалайдилар:

“Биз бир жангда Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламдан кофирларни баддуо қилишларини сўрадик. Расулуллоҳ алайҳиссалом





“Мен лаънатлаш учун юборилмаганман. Оламларга раҳмат қилиб юборилганман” дедилар”. (Муслим, Бирр, 87)

وَ مَا اَرْسَلْنَاكَ اِلاَّ رَحْمَةً لِلْعَالَمِينَ

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида “Сизни фақат оламларга раҳмат қилиб юбордик” (Анбиё, 107) дейилади.

Ҳақ дўсти Аҳмад Рифоий ҳазратлари ўзларининг маънавий фарзандларига (шогирдларига) шундай насиҳат қилардилар.

“Эй ирфон толиби бутун борлиғингни ҳақ йўлида сарфла! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргаш! Кеча-кундузингни ҳушуъ ва ҳузуъ иқлимида, гўзал муомалада ўтказ! Ана шундай қилиш билан маърифатга эришасан. Акс ҳолда, ундан бир насиба ололмайсан. Унинг ҳоли билан ҳоллана олмасанг, нуқсонли бир банда бўласан!”

Бу ўринда биз қисқача хулоса қилишга уриндик. Бизнинг бу сўзларимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юксак даражадаги хулқлари ва сийратлари гўё бир дарё бўлса, у дарёдан идрокимизга томган бир шабнам кабидир.

Аллоҳга етишишликнинг сири Аллоҳнинг Китобига ва Борлиқ Нурининг суннати саниярларига, яъни юксак ахлоқ ва муомалаларига холис бир қалб билан яқинлашишдир.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳиссиётларидан баҳраманд бўлишнинг асоси ҳам у зотга муҳаббат ва у зотнинг душманларига нафратдир.

***Бу олам ақл эгалари учун сайри бадоий (Илоҳий тажалли, Илоҳий интизом ва Илоҳий санъатни ибрат билан томоша қилмоқлик), нодонлар учун эса, емоқ-ичмоқ ҳамда шаҳватдан иборатдир.***

## 4. ОЛАМГА МУСАФФО БИР ҚАЛБ БИЛАН БОҚИШ

Қалби доимий равишда тасфия қилинган қалб соҳиби Аллоҳнинг лутфу карами ва тасаввуфий вазифалар орқали йўл ниҳоясида сурати инсон бўлса-да, сийрати фаришталар даражасида бўлган юксакликка етади. Бу ҳолга етганларнинг баъзилари фазодаги ҳисобсиз юлдузлардан бири каби ўз оламларида яшайдилар. Ташқи дунёга нисбатан тўлиқ бир мажҳулият ҳисси ичида бўладилар. Шунинг учун, биз уларни била олмаймиз. Баъзилари эса, зиммаларига топширилган ижтимоий вазифалар сабабли бошқаларга маълумдирлар. Улар ўз замонларида келажак учун ҳидоят машъаласига айланадилар. Башарий ҳаётдаги ўз вазифаларини давом эттириш билан бирга воқелик сирридан ҳам насиба оладилар. Ҳодисалар ортидаги сабаблар занжирининг ҳақиқий сабабидан, муроди Илоҳиййанинг сирридан воқиф бўла бошлайдилар. Ҳақиқатга воқиф бўлганликлари туфайли ҳузур ва хотиржамлик ичида яшайдилар. Ҳар хил хаёлларга берилиш каби бир қанча инсоний заифликлардан озод (ҳимояланган) ҳолда бўладилар. Энди улар учун «манфаатсиз ва маънисиз» нарсалар аҳамиятсиздир. Улар “Яратувчи туфайли яратилганга яхши муносабатда бўл» ҳикматининг ўлчови билан яшай бошлайдилар. Руҳий етуклик сабаб оламга ибрат, муҳаббат ва ҳайрат туйғуларига тўлиб назар ташлайдилар. Қудрати Илоҳиййанинг тажаллисидан тааж-жубга тушадилар. Қуёшнинг чиқишидан, қуёш нурларининг турфа рангда жилоланишидан ҳайратга ғарқ бўладилар. Улар ҳатто илонга ҳам ана шу кўз билан қарайдилар. Шунинг учун, бошқалар сингари ундан сесканиш ўрнига илон терисидаги нақшлардан, оёқлари бўлмаса ҳам жуда тез ҳаракатланишидан ажабланадилар.

Бу ҳақ дўстлари маҳлуқотга муҳаббат ва ҳикмат назаридан қараганликларидан ваҳший ҳайвонлар тажовузидан саломатдирлар. Чунки

муҳаббатнинг ўзига эргашганни (муҳотобини) итоат қилдириши худди замонамиздаги “радиациянинг таъсири” кабидир. Бошқа инсонларда коинотдаги ажойиботларни кўришлик ҳоли оддийдир.

Дарҳақиқат, оддий бир инсон бирор бир рассомнинг чизган асарини томоша қилар экан, қаршисидаги коинотни ва унинг Холиқини юқоридаги инсон каби ҳис қила олмайди. Оддий сурат кўриш каби томоша қилади.

Мусаффо қалб эгаси бўлган Ҳақ дўстлари эса, рассомнинг машҳур бўлиш мақсадида чизган асарлари қаршисида таажжубга тушмайдилар. Бунинг ўрнига асл санъаткор (Аллоҳ) нинг асарларини ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қиладилар. Қудрати Илоҳия томонидан табиатда яратилган Илоҳий санъатни кўриб, завққа тўладилар. Оддий тупроқдан униб чиққан ўсимликларнинг турли шаклдаги япроқлари ва гулларига, манзарали дарахтларга, гулларнинг турфа рангларига, уларнинг ифорига, мевали дарахтларнинг сархил меваларига эътибор қиладилар. Бор- йўғи бир ҳафта умр кўрадиган капалакларнинг қанотларидаги нақшларга, инсоннинг яратилишидаги мўъжизаларга қараб қувонадилар. Ҳисобсиз Илоҳий сирларга ва уларнинг “лисони ҳол” ила қиладиган баёнларига ўз идроклари орқали қулоқ тутадилар.

Бундай инсонлар учун бутун коинот ўқилишга ҳозир турган бир китоб кабидир. Улар сатрлардаги илмларни ошиб ўтиб, садрдаги илмга етиб борганлардир. Уларнинг бири бир замонлар “Салжуқли” мадрасасида китобларга кўмилиб, дунёдан узилган куйи ўзи билан овора бўлиб қолган мударрисдир. Яъни кўнгли ишққа тўла Шамс исмли дарвешнинг иршод назари таъсирида юрагига чўғ тушган ва Илоҳий ишқ ила ёна бошлаган Мавлонодир. Шу йўл билан ишқ дунёсида қайтадан туғилганидан кейин, зоҳирий илмга оид китобларнинг ботинига шўнғиган, коинотнинг сирлари ва нақшларини ўқий бошлаган ҳазрати Румийдир. Ана шундан сўнг инсон, коинот, Қуръондаги сир ва ҳикматларни фош қилувчи бир фарёднома бўлган “Маснавий” номли шоҳ асар пайдо бўлгандир.

Бу каби ҳолларга ошно бўлмоқ фақат мўминнинг ўз қалбидаги ишқи, истеъдоди ва иқтидорини кашф этиши нисбатидагина мумкиндир. Бундай қалб соҳиблари қалбларида Илоҳий тажаллилар намоён бўлганлиги туфайли юксак даражаларга етишганлар.



Ҳазрати Мавлоно бу даражадаги мусаффо бир қалбнинг қийматини башарий ирода ила ўз сўзларида шундай баён этадилар:

*“Каъба бунёди Халили Азар аст,*
*Дил назаргоҳи Жалили Акбар аст.*

Яъни “Каъба Азар ўғли Халил тарафидан қурилгандир. Кўнгил эса, Буюк Аллоҳнинг назаргоҳидир” деганлар.

Сўфийларга оид маноқиб (гўзал маъноли) китобларда кўнгилнинг Каъбага қиёсланиши жуда кўп учрайди. Бу ҳолат “**зубдаи-коинот**” (борлиқнинг гавҳари) бўлган инсоннинг қалбини Каъбанинг мавқеига ўхшатиш сабабидандир.

Дарҳақиқат, уларнинг иккаласи ҳам тажаллигоҳи Илоҳий бўлганлиги сабабли асл ҳолат бир хилдир. Бу манқибаларда кўнгилни каъбага ўхшатиш қисман ошиқона бир жўшқинлик ва қисман кўнгилни бу ҳолга келтиришнинг аҳамиятини англатиш учундир. Мақсад шу хусусиятга рағбат қилдиришдир.

Кўнгилни тажаллийгоҳи Илоҳий ҳолига келтирганлар ҳақида Ибн Умар Каъбаи Муаззамага хитоб қилиб, “Сен нақадар Буюксан (эй Каъба)! Сенинг шаънинг Улуғдир. Бироқ ҳақиқий бир мўминни Аллоҳ наздидаги шарафи сендан ҳам устундир” дейдилар. (Термизий, Бирр, 85) Қалб иймоннинг ўрнидир. Комил бир мўмин қалбини Каъбадан ҳам афзал эканлигини Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг сўзларидан ҳам англаб олса бўлади.

Ҳазрати Мавлоно ҳам буни “Агар сенда басийрат (қалб кўзи очиқ) бўлса, кўнгил каъбасини тавоф қил! Тупроқдан яратилган Каъбанинг асл маъноси кўнгилдир” дея баён айлайдилар.

“Жаноби Ҳақ кўриниб турган Каъбанинг тавофини гуноҳлардан покланган, тоза бир кўнгил каъбасини қўлга киритишинг учун фарз қилгандир”.

“Агар Аллоҳнинг назаргоҳи бўлган бир кўнгилни оғритиб қўйсанг, Каъбага яёв ҳолда борсанг ҳам, эришган савобинг кўнгилни синдирганинг гуноҳига тенг келмаслигини яхши билгин!”

Абдулқодир Жийлоний қуддуса сирруҳу шундай баён қиладилар:

“Кўнгил фақат мосуводан покланган, маърифатуллоҳ толиблари учунгина каъба бўла олади”.

Бу ҳақда Исмоил Ҳаққи Бурсоий шундай дейдилар:

“Қалбга кирган кимса Каъбага кирган кимсадан ҳам устундир”.

Шу сабабли, солиҳ инсонларга ва Аллоҳ дўстларига “Бизни кўнглингиздан чиқарманг!” дейилади. Инсонлар улардан шу тарзда файз ва ҳиммат истайдилар.

Имом Раббоний қуддуса сирруҳу ҳазрати инсоннинг “Кичик бир коинот” эканлигини шундай ифодалайдилар:

“Инсон Оламнинг кичрайтирилган бир хулосасидир. Шунга биноан Оламда бор бўлган нарса борки, унинг намунаси бўлган инсонда ҳам мавжуддир”.

Бу юқорида баён қилганимиздек, “яхши” ва “ёмон” бўла олишликнинг ҳақиқатига ишорадир.

Диннинг амрлари ва тасаввуфий вазифаларнинг асл мақсади инсонда ёмонликни имкони борича таъсирсиз ҳолга келтириб, хайрнинг ғалабасини таъминлашдир. Шунинг учун, барча аъзоларни Илоҳий амрларга итоатда тутмоғимиз керакдир.

Бу хусусда қалбга алоқадор амаллар ва вазифалар ҳар нарсадан аҳамиятлидир. Чунки ҳиссиёт маркази бўлган қалб тафаккурга, тафаккур ниятга боғланади. Демак, иродага боғлиқ ҳаракатларнинг ҳақиқий (асл) соиқи қалбдир. Қалбда ўрнашиб, томир отувчи ҳиссиётлардир.

Қалб хоҳиш-иродага нисбатан мустақил бир аъзодир. Шунинг учун, уни Илоҳий амрларга бўйсундириш бошқа аъзоларни бўйсундиришдан муҳимдир. Юқоридаги хаста қалблар учун кўрсатилган даволаш йўлларига оид зарурий ҳаракатлар бунинг исботи учун кифоядир. Албатта, қўлга киритиладиган ҳар бир натижанинг қиймати унга етишиш учун қилинган сабр ва машаққатлар нисбатида бўлади. Шу боис Аллоҳ наздида қалбни қатъият ила назоратга олиш ва итоатда тутиш орқали адо этилган амалларнинг қиммати баланддир.

Бунга муваффақ бўлганларга Аллоҳ таоло фаришталарга хос, баъзан ундан ҳам устун хислатларни лутф қилиши ҳам шу ҳикматга асосланади. Юрак ва унинг маънавий борлиғининг номи бўлган кўнгил инсоннинг саодати ва саломатлигини таъминлашда жуда аҳамиятли эканлиги

сабабли кишиларнинг кўнглини ранжитиш бутун тасаввуф аҳли тарафидан катта гуноҳ саналади.

Ҳазрати Мавлоно кўнгилларни синдирган инсонларни шундай огоҳлантирадилар:

“Сен бир сомон чўпи қадар қадрламаган синиқ бир кўнгил Аршдан ҳам устундир. Курсидан ҳам, Лавҳдан ҳам, Қаламдан ҳам!... Кўнгилни паст кўрма! У хор кўринса ҳам, жуда устундир. Синган кўнгил Аллоҳ назаргоҳидир. У жуда муборак қилиб яратилгандир. Икки юз парчага парчаланган кўнгилни таъмирламоқ Аллоҳ наздида бир қанча хайру-ҳасанотдан аълодир... Жим! Агар икки юз хил тил билан баён қилмоқчи бўлсанг ҳам, кўнгилни барибир англатиб бўлмайди”.

Инсон вужудининг султони мавқеидаги қалб Илоҳий тажаллилар макони ўлароқ афзал кўрилгандир. Юқорида бошқа мисоллар орқали айтиб ўтганимиздек, иймон учун “қалб билан тасдиқ” шарти қўйилган. Ояти Каримада ваҳий тафаккур марказига эмас, сезги маркази бўлган қалбга йўналтирилгани зикр қилингандир:

نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ ٱلاَمِينُ عَلٰى قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنْذِرِينَ
بِلِسَانٍ عَرَبِيٍّ مُبِينٍ

**“...”.** (Шуаро, 193-195)

Бошқа барча тадбирлардаги каби қалб одобида маълум бир даражага эришиш ҳам Аллоҳнинг иноят билан бўлади. Бунга дунё неъматларидан воз кечиш орқали муваффақ бўлиш мумкин. Зеро башарий ғайрат ва амали солиҳлар маънавий замин ташкил қилиши билан бирга Илоҳий лутф ҳамда ёрдамлар учун ҳам бир восита ўрнидадир. Шу сабабдан банда бу йўлга кирганда, Аллоҳнинг лутфу карамига умид боғламоқлиги лозимдир. Бу умид туфайли у озми-кўпми даражада Илоҳий лутфларга эга бўлиши аниқ ҳақиқатдир. Аллоҳ таолонинг бандасига қиладиган лутфлари бандасининг шижоати нисбатида юзага чиқади. Қадимдан шундай сўз бордир:

“Инсон бирор нарсани қўлга кирита олмаса, уни тўлиқ қўлга киритишдан воз кечмаслиги керак”. Қалб тарбиясида ҳам худди шундай

ҳар бир вазифани охирига етказиш лозимдир. Дангасалик ва тамбаллик билан ташлаб қўйиш тўғри бўлмайди.

Тасаввуфда “Ота ҳиммат, фарзанд ғайрат” дейилади. Яъни устозидан ҳиммат кутаётган шогирд оз бўлса-да, бир ғайрат эгаси бўлмоғи лозим.

“Нафсини билган Раббисини танир” ҳақиқатининг тақозоси ҳам Илоҳий буюклик қаршисида ожиз ва “ҳеч” эканлигини идрок қилишдир. Лутфу карами кенг бўлган Аллоҳ таоло бандаси амалларни самимий ва холисона адо этишини кутади. Зеро бу курашда ғайрат кўрсатиш бандадан, тавфиқ эса Аллоҳдандир. Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг бир бандасидан сўрайдиган ҳисоби ҳам у ноил бўлган Илоҳий лутфлар нисбатидадир. Муҳими, бир банда ўзи ноил бўлган неъматлар нисбатида ҳаққа ва хайрда бардавом бўлишидир.

**Ё Раббий! Бизларнинг кўнгил ойнамизда ҳақиқат нурларини, икки жаҳоннинг сир ва ҳикматларини жилолантир! Кўзларимиз ва кўнгилларимизни боқий оламда жамолингга мушарраф бўлишлик ила нурлантир!**

**Амийн!..**

***Инсон маълум бир қалбий вазифаларга ва ҳассосиятга риоя қилиш, номаъқул сифатлардан узоқлашиш ва асл инсонийликка етиш натижасидагина камолотга эриша олади.***

## В. ТАСАВВУФИЙ ТАРБИЯНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Тасаввуф аҳлининг буюкларидан Абдухолиқ Ғижвоний қуддуса сирруҳу ҳазратлари бу борада баъзи бир усулларни қўллаганлар. Хусусан сайру сулук усулида нуқсонлардан қутулиб, комил инсон даражасига етишишни мақсад қилган солик маънавий тарбияда маълум усулларга риоя қилиши алоҳида аҳамиятга эгадир:

1. Хуш дар дам (Ҳар бир олиб чиқарилган нафасда маънавий уйғоқ бўлмоқлик).

2. Назар бар қадам (Оёқ бармоғининг учига қараб юрмоқ).

3. Сафар дар Ватан (Ҳар қадамда Ҳаққа юрмоқ).

4. Хилват дар анжуман (Халқ ичида туриб ҳам, Холиқ билан бирга бўлмоқ).

5. Ёд кард (Қалбни Зокир ҳолига келтирмоқ).

6. Боз гашт (Матлуб ва мақсуднинг фақат Аллоҳ ризоси учун бўлмоғига эришмоқ).

7. Нигоҳи дошт (Шайтоний ва нафсоний хавотирдан сақланмоқ).

8. Ёд дошт (Ўзини доимо Аллоҳ ҳузурида деб билмоқ).

8. Вуқуфи замоний (Ҳар он ўзини кузатмоқ ва вақт қадрини билмоқ).

10. Вуқуфи ададий (Зикрнинг ҳисобига диққат қилмоқ ва ададига риоя этмоқ).

11. Вуқуфи қалбий (Қалбнинг доимо зикри Илоҳий билан машғул бўлмоғи ва зикрда қалбга йўналмоқ).

Энди ана шу қийматли усуллар ҳақида бироз изоҳ бериб ўтамиз.

**1. Хуш дар дам**

Бу ҳар олиб чиқарилган нафасда маънавий уйғоқ бўлмоқликдир.

Мавлоно Садиддин Қошғарий шундай дейдилар:

“Бир нафасдан иккинчи нафасга ўтилаётганда ғафлатга тушмаслик ва доимо Аллоҳ ҳузурида бўлмоқликдир”.

Зикр асносида ҳам, бошқа пайтларда ҳам ҳар нафас уйғоқ турмоқлик керакдир. Бу Аллоҳдан ғофил қолмаслик учундир. Нафасларни бу ҳолда ғафлатдан қутқармоқ қалбга ҳузур бахш этади. Ҳар бир нафас олиб чиқаришда қалбнинг Аллоҳ билан бирга бўлмоғи У Зотга итоат баракаси орқали нафасларни жонлантира олишга боғлиқдир.

Бир инсоннинг қалби Аллоҳ билан баробарликнинг ҳузурига ва шуурига эришгач, бунга боғлиқ ҳолда бошқа пайтларда ҳам ислоҳ ҳолати вужудга келади.

**2. Назар бар қадам**

Назар бар қадам оёқ учига қараб юрмоқлик демакдир. Солик кўзи ва кўнгли атрофга ортиқча чалғиб қолмаслиги учун йўлда оёқларининг учига қараб юрмоғи лозим бўлади. Чунки керагидан ортиқча бефойда муносабатлар қалбнинг ҳузурини кетказади. Ҳақ билан банданинг орасини тўсади. Бу усул Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юриш усулларидир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофга ортиқча қарамас эдилар. Оёқлари учига қараб гўё юқоридан пастга тушаётган каби виқор билан юрардилар. Назар бар қадам усули Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламдан намуна олишдир.

Дарҳақиқат, кўз қаерга қараса, кўнгил ўша ерга оқади. Кўз гўё бир фильмни суратга оладиган камера кабидир. У қалбни кўп вақт беҳуда нарсалар билан машғул қилади. Бу қарашлар кўнгил архивидан бекорга жой эгаллайди. Кўнгил паришонлик ҳолатидан халос бўлиши учун унга бошқа нарсалар киритилмаслиги керак. Шунинг учун, юрганда оёққа қараш лозимдир. Чунки соликнинг қалби мосувога (Аллоҳдан бошқа нарсаларга) дуч келганида, васваса бошланади. Ғафлатга тушиб қолиш ва ғофиллар билан бирга юриш оқибатида улар қалбининг қаттиқлиги, ёмон ахлоқлари ва бузуқ фикрлари солик қалбига ҳам таъсир қилади. Бу

эса жуда ҳам таҳликалидир. Шу боис солик иложи борича тавозе аҳлига ярашадиган одоб ва услуб билан оёғининг учига қараб юрмоғи керакдир. Бошқа вақтларда ҳам назарига диққат қилмоғи лозимдир.

Оёқ учларига қараб юрмоқликда тавозе, одоб, ҳаддини билмоқ, кўзини ҳаромдан сақламоқ ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга боғлиқлик бордир.

**3. Сафар дар Ватан**

Сафар дар Ватан бир муршиди комил томон боришлик қасди билан чиқилган сафар асносида соликнинг ёмон хулқлардан ва гуноҳлар касофатидан покланиши, гўзал ахлоқ ва латиф туйғулар ила аслий ўзлигига йўналишидир. Солик ҳеч қачон ўзининг маънавий ҳолидан қониқмаслиги керакдир. Яна ҳам гўзал бир ҳолга етмоқлик учун ҳаракат қилмоғи лозимдир. Яъни бир мақомдан яна ҳам юксак бошқа бир мақомга сафар қилишлик ҳаракатида бўлмоғи даркор.

Абу Усмон ал -Мағрибий шундай дейдилар:

“Солик ҳою ҳавасини тарк этиб, ибодат ва итоатга қайтмоғи даркор.

“Сафар дар Ватан” дан қасд қилинган нарса ниятдир. Бу бир мамлакатдан бошқасига қилинадиган сафар эмас, балки инсоннинг ўз ички оламида Аллоҳ таолога етмоқлигидир.

Солик бир муршиди комилни топгач, зоҳирий сафарни қолдиради. Ботиний сафарни бошлайди. Солик сайру сулук усули орқали Иброҳим алайҳиссалом каби “Мен Раббимга кетаяпман” (Саффат, 99) дея, ҳар қадамида Раббисига кетаётганлигини ҳис қилиш ҳолига етишади.

**4. Хилват дар анжуман**

Хилват дар анжуман халқ ичида туриб, Холиқ билан баробарлик сезгисини сақламоқликдир. Яъни соликнинг зоҳирда инсонлар билан машғул бўлса-да, ботинда Ҳақ таоло билан бирга бўлишлик ҳолатига эришмоғидир. Бунда солик атрофдагиларга билдирмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бўлади. Бу вақт давомида башарий ҳаётнинг тақозоларини ҳам ортга сурмайди. “Қўл ишда, кўнгил ёрда” (“Даст ба кору дил ба ёр”) ҳикматига амал қилади.

Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда бундай қалб эгаларини шундай сифатлайди:

رِجَالٌ لاَ تُلْهِيهِمْ تِجَارَةٌ وَ لاَ بَيْعٌ عَنْ ذِكْرِ اللهِ وَ اِقَامِ الصَّلٰوةِ
وَ اِيتَاءِ الزَّكٰوةِ يَخَافُونَ يَوْمًا تَتَقَلَّبُ فِيهِ الْقُلُوبُ وَالْأَبْصَارُ

**"...".** (Нур.37)

Нақшийликда суҳбат ва ижтимоийлашмоқ асос қилиб олингандир. Шу сабабдан улар фақат бир ерда хилватга кириш эмас, зоҳиран одамлар ичида бўлса ҳам қалбан Аллоҳ таоло билан холи бўлишликни мақбул санаганлар.

**5. Ёд кард**

Бу қалбнинг Зокир ҳолига келмоғидир. Нафи исбот йўли билан ("Лаа илаҳа иллаллоҳ" зикри билан) қалбдаги бут ҳолига келган бутун кирлар чиқарилгандан сўнг, қалбда ягона мақсад Аллоҳ эканлиги фикри мустаҳкамланади.

Зикрнинг латиф ҳарорати қалбдан бутун вужудга ёйилиши натижасида инсоннинг сезгиларида яширинган олий туйғулари жонланиб, бир сезги ҳолига келади. Бу унинг муомаласида акс этадиган даражага етади. Зеро зикри ва фикри Аллоҳда бўлган бир инсоннинг марҳамат, сабр, сахийлик, кечиримлилик каби Ҳақ таоло томонидан бериладиган хислатлардан насибасиз қолмоғи мумкин эмасдир. Буларнинг барчаси комил бир инсон бўла олмоқликнинг мажбурий шартларидандир.

Шунингдек, қалбнинг зикр билан уйғоқ ҳолга келтирилмоғи тасаввуфнинг энг муҳим усулидир.

**6. Боз гашт**

Боз гашт матлуб ва мақсуднинг фақат Аллоҳ ризоси учун бўлмоқлигидир. Нафи исбот зикрининг охирида "Илоҳий анта мақсуди ризока матлуби", яъни "Аллоҳим мақсадим фақат Сендирсан ва истагим фақат Сенинг ризолигингдир" деб қилинган зикрнинг тафаккурида теранлашмоқликдир. Бу нафи исботнинг маъносини таъкидлаб, тавҳид сирини қалбда ҳақиқий маънода ўрнашмоқлиги учундир. Барча мақсад ва орзуларни бартараф этиб, қалбни хотиржам ҳолга келтиришдир.

Бошқа томондан, зикр каби маънавий бир вазифа ёрдамида мартабаларни ошиб ўтиб, кароматларга эга бўлинади. Кўнгилга келадиган ҳар



хил васвасалардан тамоман қутулиб, асл мақсад Аллоҳнинг ризосига эришиш эканлиги тушунчаси кўнгилга яна бир бор нақш этилади.

Бу суратда қилинган зикрнинг маъноси сезгиларга яхши ўрнашиб, ҳаётда акс беради. Ўткинчи ва беҳуда ишлар эътибордан тушиб, ҳамма нарсада Илоҳий лутфлар мушоҳада қилина бошлайди.

**7. Нигоҳи дошт**

Нигоҳи дошт шайтоний ва нафсоний хавотирдан сақланмоқликдир. Кўзни кераксиз нарсаларга қаратишдан, ақлни ёмон тушунчаларга кириб қолишдан муҳофаза қилмоқ ва Аллоҳнинг назари тушадиган жойни (Ҳақнинг тажаллигоҳи бўлган қалбни) доимо назоратда тутмоқдир. Мосувонинг (Аллоҳдан бошқа нарсаларнинг) у ерни эгаллаб олишига монелик қилмоқдир.

Тасаввуфнинг яна бир мақсади ҳадиксираш ва фосиқ хаёллардан сақланмоқликдир. Бу эса, жуда ҳам мушкул вазифадир. Бунга эришган кимса тасаввуфнинг ҳақиқий самарасини қўлга киритган бўлади.

**8. Ёд дошт**

Ёд дошт бандanинг доимо Жаноби Ҳақнинг ҳузурида эканлигини ёдда тутмоғи ва шу ҳис билан ўз ҳаракатларига диққат қилмоғидир. Бунга “муроқаба” дейилади. Овқат ейганда ҳам, туриб ўтирганда ҳам Аллоҳ ҳақида тафаккур қилиш ва У зот билан суҳбатлашиш муроқабадир.

Аллоҳ таоло Ояти Каримада:

**“...”** (Каҳф, 16) дейди.

Шу сабабдан эҳсон туйғусини, Жаноби Ҳақнинг бандасини ҳар лаҳза кўриб, ҳар ҳолини назорат қилиб турганини ёддан чиқармаслик лозим. Ҳақиқатан, бу туйғу гуноҳларга қарши соғлом бир зирҳ (тўсиқ) кабидир. Зеро бир инсон ўзини Илоҳий ҳузурда ҳис этган ва қалби Аллоҳ билан бирга бўлган ҳолда қандай ҳам гуноҳ қилсин?

**9. Вуқуфи замоний**

Бу ҳар бир соат ҳузурда ёки “ғафлат” да ўтаётганлигини ҳисоб-китоб қилмоқлик ва вақтнинг қадрини билмоқликдир.

Солик вақтнинг қийматини англаб, беҳуда нарсаларни тарк этмоғи ва вақтини энг қимматли нарсага сарф қилмоғи керакдир. Вақт қадрини





билгани сари тез-тез нафсини ҳисобга тортмоғи лозимдир. Бошқача айтганда, вуқуфи замоний соликнинг ҳар он ўз ҳолидан хабардор бўлмоғидир. Ҳолига шукр қилиш ила амал қилмоғи кераклигини билмоғидир.

Аслида ҳам солик ҳар кеча-кундуз ўзи адо этган амалларни назорат қилмоғи, солиҳ амалларга муяссар қилган Аллоҳга шукр этмоғи, яхши амалларни адо этишга янада кўпроқ ғайрат қилмоғи, хатолари учун тавбага берилмоғи ва истиғфор ҳамда пушаймонлик ила Аллоҳга юзланмоғи лозим бўлади. Аллоҳ берган умрнинг жуда қийматли ва ғанимат эканлигини билмоғи, бор кучи билан маънавий уйғоқлик ичида ҳушёрликка интилмоғи зарурдир. Ҳаётини сарҳисоб қилиб, муваффақ бўлганлари учун шукр келтирмоғи даркордир. Ғафлатда ўтказилган вақти учун тавба қилмоғи лозимдир. Доимо истиғфор ҳамда шукрда давом этиш ҳолида бўлмоғи керакдир.

Ҳар бир лаҳза ва ҳар бир вазиятни ҳисобга олмоғи, хотиржамликда ўтган ҳар лаҳзаси учун миннатдор бўлмоғи ва бепарволик билан ўтказилган вақтлари учун тавба қилмоғи зарур. Дарҳақиқат, ғафлатдан сақланган кишининг ўтмишидан хавотири бўлмайди. Келажак учун қилинадиган васвасалардан қутулиб, яшаётган ҳолини жонлантириши лозим бўлади. Бу тасаввуфдаги “Ибнул вақт” (сўфий вақтнинг ўғлидир) тамойилига мос келади.

**10. Вуқуфи ададий**

Зикрнинг ададига риоя қилишга эътиборли бўлиш лозимдир. Муршиди комиллар соликнинг маънавий ҳолига қараб маълум миқдорда зикр берадилар.

Шу сабабли, солик зикр асносида диққатини бошқа нарсага қаратмаслиги ва васвасага тушмаслиги учун муршиди айтган саноқнинг меъёрига риоя қилмоғи керакдир. Зеро зикрда муайян бир ўлчов (санок) бўлмаса, баъзан зеҳний ва қалбий хузурсизликлар ҳам юзага келиши мумкин. Бу ҳолат ҳамма нарсада бўлгани каби зикрда ҳам ортиқча меъёр ва ўлчовга аҳамият бермасликдан туғиладиган хатоларнинг биридир.

Шу боис зикрни ҳам адад эътибори билан тўлиқ ҳолда ва энг гўзал бир суратда адо этишга ғайрат қилмоқлик лозим. Чунки зикрда саноққа риоя қилиш фақат санашдан иборат бўлмайди. Зикрдаги саноқнинг меъёри қалбни теранлаштиради. Бу зикрнинг мазмунига монелик қилмайди. Аксинча, бундай қилиниши зикрни қувватлантирадиган бир шартдир.

Дарҳақиқат, зеҳн ҳар хил тушунчалар билан тўлган, қалб ҳам турли ўй-фикрлар билан ҳузурсиз бўлган бир ҳолда қилинган зикрда саноққа риоя этиш мумкин бўлмай қолади.

Шунинг учун, ақлни тарқоқликдан сақлаш, зикр вақтида диққатни жамлаш, зикрнинг маъноси устида фикр юритиш ва зикрнинг ададига риоя қилиш бу вазифага жиддий тарзда қарашнинг бир ифодасидир.

**11. Вуқуфи қалбий**

Вуқуфи қалбий қалбнинг ҳар вақт зикри Илоҳий билан машғул бўлмоғидир. Бунда эҳсон туйғуси доимий бир шуур, доимий бир фаросат ҳолига келади. Бу усулда солик ҳар фурсатда қалбини кузатмоғи, унинг қай ҳолда эканлигига эътибор бермоғи керакдир. Зеро зикрда талаб қилинадиган асосий нарса қалб зикрда эканлигини унутмаслигидир. Зикр оғиздан қалбга етиб бормайдиган қуруқ лафзларни такрорлашдан иборат эмас. Шу сабаб зикр асносида “муроқаба” ҳолида, бутун диққатни зикр қилинаётганга қаратган ҳолда бўлмоқлик зарурийдир. Улуғ зотлар зикрда вуқуфи қалбий шартлигини айтадилар. Яъни бундан диққатни қалбга йўналтирмоқликни кўзда тутадилар.

Зикрнинг ҳақиқатини тотиш бутун борлиғини ва хусусан қалбини Аллоҳга йўналтиришни тақозо этади.

Қуръони Каримда келтирилади:

وَ اذْكُرِ اسْمَ رَبِّكَ وَ تَبَتَّلْ اِلَيْهِ تَبْتِيلاً

**“...”.** (Музаммил, 8)

## D. МУРШИДИ КОМИЛ ВА ИРШОД ЙЎЛЛАРИ

Маънавият йўлида илгарилаган бир мўмин кўплаб лутфларга сазовор бўлади. Бу йўлдаги мўмин инсоннинг қалби бир денгиз кабидир. Денгизнинг сувлари эса, баъзан тинч, баъзан нотинч бўлади. Унда узоқ давом этадиган тўфон (довул) лар ва пўртаналар (кучли денгиз тўлқинлари) кузатилади. Энг йирик ҳалокатли тўлқинлар эса цунамидир.

Шиддатли тўфонлар баланду паст тўлқинлар билан кечади. Шу сабабдан денгизни кечиб ўтиб, соҳилга саломат етиб олиш учун кема мустаҳкам бўлиши керак. Кемадагиларнинг қобилиятли бир капитанга ҳам эҳтиёжлари бўлади. Агар капитан тўлқинлар асносида кемасини яхши бошқара олмаса, кема денгизга чўкиб кетади. Йўлга чиқилаётган пайтда олдиндан бундай ҳолат юз беришини билиб бўлмайди. Фақат бу денгизда суза бошлагач, раҳмоний ё шайтоний эканлиги номаълум бўлган ва бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўзгарадиган баъзи маънавий жилвалар зуҳур қила бошлайди. “Инқибоз” ва “инбисот” (умид ва маънавий шодланиш) каби бир қанча ҳолатлар рўй беради. Бундай пайтда бу ҳолатларга чора топа оладиган қобилиятли, комил бир муршиднинг раҳбарлигига эҳтиёж туғилиши табиийдир. Ҳар бир мўмин бу даражага эришиш учун ўзини бир кузатув остига олмоғи ўта муҳим эканлигини ҳам англамоғи керакдир. Умматга энг буюк намуна шахс бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбий ҳаётларини давомли тарзда ўз ҳаётига татбиқ этмоғи лозимдир. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳаққа таслимиятларини, бало ва ташвишлар қаршисида сабр ҳамда шукр ҳолида бўлганликларини, неъматлар дарё каби олдиларида оққанда ҳам, ўзларини беҳожат сезганликларини, тавозелари ва “ҳеч” ликларини ҳис этганликларини имкон қадар яшатишга эътибор бериши зарурдир. Мўмин қалбни кашф этиш йўлидаги тўсиқларни ошиб ўтиш учун Пайғамбар меросхўри бўлган олимлар, орифлар ҳамда муршиди комилларнинг раҳбарлигига тавозе ва одоб билан мурожаат қилмоғи, уларнинг тавсияларига жону дилдан эргашмоғи лозимдир. Ҳақ дўстларининг яқинида ва уларнинг тарбияси остида бўлиш неъмат эканлигини англамоғи керакдир. Зеро ўз нурини қуёшдан олган Ой қуёшнинг

борлигига бир далил бўлгани каби Нури Муҳаммадий билан нурланган валийлар ҳам Ҳазрати Пайғамбарнинг меросхўрларидир.

Тасаввуф инсон табиатидаги оз ё кўп даражада бор бўлган маънавий истеъдодни кашф қилмоқликдир. Ҳар бир кўнгил таъбир жоиз бўлса, тагида нефть бор ерга ўхшайди. Фақат сандаж (нефть борлигини билиб берадиган асбоб) билан кўрилмагунча ер ҳеч қачон ўзидаги нефтни ташқарига чиқариб бермайди.

Ер остидаги нефть Жаноби Ҳақнинг инсонга берган мукофотидир. Бу ҳам худди ақл сингари ҳар инсонда ҳар хилдир. Инсондаги маънавий истеъдодни кашф этиш учун сандажни ерга урадиган ва ўша жавҳарни очиққа чиқариб берадиган инсон муршиди комилдир. Нефтни юқорига чиқариб олишда ўша асбоб мустаҳкам бўлиши (бирон тошга урилганда синмаслиги учун) ва нефть бор минтақага олиб борилиши керакдир.

Маънавий раҳбар (муршид) иқтидорли ва таъсир ўтказа оладиган бўлиши жуда муҳимдир. Шу ўринда биз ҳам бунинг баъзи аҳамиятли жиҳатлари устида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Муршиди комил қуйидагиларга эга бўлмоғи керакдир:

### 1. Китоб ва суннатга тўлиқ эргашмоғи

Муршиди комилнинг ҳаёти ва амаллари Қуръони Карим ҳамда суннати Набавийдан иборат бўлмоғи, уларга боғлиқлиги энг юқори даражага етмоғи даркордир. Бу худди муршиди комилнинг қор ёққан даладан ўтган раҳбарининг оёқ излари устидан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қадам босиб юрмоқлиги кабидир. Шунинг учун муршиди комил “Варосат ул-анбиё” (Пайғамбарнинг меросхўри) дейилади. Албатта, бундай бир боғлиқликда нафсоний ҳаётни яшаб бўлмайди.

### 2. Сўзи ва ҳоли билан Аллоҳни эслатмоғи

Аллоҳнинг валий бандалари Асмои Илоҳиййанинг тажаллиларига комил равишда эга бўлиб, жамолий сифатлар билан ҳулқланганлари учун атрофдаги кишиларга доимо Аллоҳни эслатадилар.

اَلَّذِينَ إِذَا رُئُوا ذُكِرَ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ

Саҳобалар Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламдан “Аллоҳнинг валий бандалари кимлар?” деб сўрайдилар. У зот алайҳиссалом “Аллоҳнинг валий бандалари юзларига боққанда Аллоҳ таолони хотирлатган кишилардир” дея марҳамат қилганлар. (Ҳайсамий “Мажмаъуз- Завоид” X, 78: Ибни Можа, Зуҳд, 4)

Аллоҳ дўсти (муршиди комил) нинг сиймоси муҳатобининг кўнглига ҳузур бермоғи, уни маънавий бир оламга ташимоғи, Ҳақни ва охиратни хотирламоғига сабаб бўлмоғи керакдир. Чунки улар Аллоҳнинг сифатлари ва Расулининг ахлоқи билан ахлоқланганлар.

Жаноби Ҳақ “Роҳман” ва “Роҳийм” дир. Валий зотлар ҳам Аллоҳнинг шу сифатлари каби марҳаматлидир.

Жаноби Ҳақ “Сатторул уюб” дир. Шунинг учун, валий зотлар ҳам инсонларнинг айбларини қидирмайдилар. Уларнинг камчиликларини яширадилар.

Жаноби Ҳақ Кариймдир. Шу боис авлиёуллоҳ ҳам марддир. Улар ҳам инсонларга икром қилишдан завқ оладилар.

Жаноби Ҳақ Ғофурдир. Авлиёлар ҳам хатоларни авф қилувчидир.

Жаноби Ҳақ Ҳалиймдир. Авлиёлар ҳам Ҳалиймдир.

Муршиди комиллар Аллоҳнинг дўстларидир. Шу сабабли, улар бошқа инсонлардан жуда кўп жиҳатлари билан ажралиб турадилар. Уларнинг қалблари Аллоҳга яқиндир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг изларидан юрганликлари учун уларнинг дуолари бошқа инсонларнинг дуоларидан янада мақбулдир. Улар вужудлари зокир ҳолга келганлиги ва қалблари нурланганлиги учун кирган ҳар жойларини ойдинлата оладилар.

Мўмин солиҳ бир инсон билан самимий мулоқотдан маънавий таъсир олади. Солиҳ инсон билан бирга бўлиши унинг руҳига ҳузур бағишлайди. Ҳар бир мўмин киши учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлишни тасаввур қилиш энг гўзал бир ҳолдир. Бир мўминнинг Пайғамбарлар султонининг маънавий ҳайбатига муҳотоб бўлмоқлик шарафидан оладиган маънавий насибасини таърифлашнинг имкони йўқдир. Муршиди комиллар ҳам Пайғамбар алайҳиссаломнинг изларидан юрганликлари, суннатга комил ҳолда тобе бўлганликлари, Набавий ахлоққа жуда яқинлаша олганликлари учун

Аллоҳ ила Расулидан келган маънавий ҳайбат ва файзнинг ўчоғидирлар. Инсон ток урганда титрагани каби ҳақиқий муршид ҳам инсоннинг руҳини бир оз титратмоғи, сўнгра уни тирилтириб маънавий уфқларга олиб бормоғи лозимдир.

### 3. Маънавий тайинга асосланиши

Бир зотни муршид қилиб белгилаш учун бир неча одам тўпланмоғининг ўзи етарли бўлмайди. Пайғамбар алайҳиссаломдан бошланган бу вазифага тайинлашда аввало саҳиҳ силсила билан боғланиш ва тайинланаётган муриднинг муршидидан изн олиш лозимдир. Унинг изнли бўлишига муршиди ижозат бермоғи керакдир. Бу вазифа ана шундай изн билан бошланмаса, ўртада алоқа узилади. Шунинг учун, салоҳиятли бир муридни тополмаган муршид ўзига ўринбосар қолдира олмайди. Айримлари эса, Ҳолиб Бағдодий каби бир неча муршидни ўринбосар этиб тайинлайди. Бунинг ҳикматини Аллоҳ билувчидир. Демак, қалб етуклашмоғи ва маънавий ҳақиқатларни олувчи бир ҳолга келмоғи учун ҳақ дўстларининг раҳбарлигига эҳтиёж бордир.

Бир неча муҳим огоҳлантиришлар:

Юқорида айтиб ўтилган хусусиятларга эга бўлган муршиди комиллар Аллоҳнинг дўстлари ҳамда танланган бандалари бўлганликлари сабабли уларга нисбатан одоб ва ҳурматда камчиликка йўл қўймаслик талаб қилинади. Улардан маънавий фойда олмоқ лозимдир. Бироқ ҳурмат ва одоб кўрсатишда, маънавий фойда олишда талаб қилинган чегарадан чиқмаслик ва ҳаддан ошишдан сақланмоқлик даркор. Зеро барча пайғамбарлар ҳам, солиҳ инсонлар ҳам аввало бир бандадирлар. Аллоҳ таоло уларга маърифат дарёларидан илм, ҳикмат каби ниманидир насиб этган бўлса, улар фақат шунга эгадирлар. Бир вақт келадики, уларнинг кўзлари ва кўнгилларига икки жаҳоннинг сирлари очилади. Бир вақт келадики, кўзларига бир қадам наридаги нарса ҳам кўринмайди.

Шайх Саъдий “Гулистон” номли асарларида шундай ривоят қиладилар:

“Бир киши Ҳазрати Ёқубдан “Эй қалби мунаввар, доно Пайғамбар! Юсуфнинг кўйлаги ҳидини Мисрдан келаркан ҳис қилдинг, нима учун ёнбошингдаги қудуққа ташланган Юсуфни кўролмадинг?” деб сўради. Ёқуб алайҳиссалом унга “Бизни бу хусусда эга бўлганимиз “Илоҳий

насиба” гўё бир яшин кабидир. Шунинг учун, у бизга баъзида аён бўлади. Баъзида эса, ҳеч нарса кўринмайди” дедилар.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни ўзлари ҳам билмайдиган нарсалар ҳақида сўраб келган инсонга “Иншааллоҳ” демасдан, “Эртага кел, жавобини айтаман!” дедилар. У зот алайҳиссалом ваҳийнинг келишига ишондилар. Бироқ эртаси куни Илоҳий ваҳий келмади. Бу ҳол ўн беш кун давом этди.

Ниҳоят Илоҳий ваҳий орқали шундай марҳамат қилинди:

“(Расулим!) “Иншааллоҳ” демасдан, ҳеч нарсани эртага қиламан дема!” (Каҳф, 23-24)

Шу огоҳлантиришдан кейин ваҳий келиши давом этди. (Ибни Косир III, 83)

Бу ўлчов ҳатто Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қўлланган экан, демак, унинг барча бандалар учун қанчалик аҳамиятли эканлигини яхшилаб тушуниб олмоқ лозимдир.

Шу боис “Аллоҳнинг севган бандаси дуо қилганида аниқ қабул бўлади ёки у инсон бир хастага дам солганида хаста шифо топади” дейилмайди. Зеро бу хусусдаги амаллар ҳар икки тарафнинг ихлоси ва Жаноби Ҳақнинг муродига мувофиқ бўлмоғи керакдир. Шунда мақсад ҳосил бўлади.

Шунингдек, барча дуо ва илтижолар фақат шу дунёдагина қабул бўлмаслигини ҳам билиб олишимиз лозимдир. Бу дуолар охиратда ҳам кўрилишини, уларнинг ижобати Аллоҳ иродасига боғлиқ эканлигини эсдан чиқармаслигимиз даркор.

Яна бир муҳим жиҳат пайғамбарлар ва авлиёларнинг турли хил қобилият ҳамда иқтидорга соҳиб эканликларидир. Уларнинг бирида яққол кўринган хусусият иккинчисида айни савияда бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли, бу зотларнинг ҳар бирларидан бир хил қобилият ва иқтидорни кутиб бўлмайди. Бошқа бир аҳамиятли жиҳат эса, пайғамбарларнинг ҳам турмуш қурганликлари ҳамда турли хил вазифаларга эга бўлганликларидир. Шу боисдан уларнинг бирида ажралиб турадиган хислат бошқаларида бу даражада бўлмаслиги мумкин.

Қуръони Каримда билдирилгани каби Мусо алайҳиссаломга бир илм берилган эди. У илм Ҳазрати Ҳизрда йўқ эди. Ҳазрати Ҳизрга берилган илм эса, Ҳазрати Мусода йўқ эди.

Айни шаклда Абдулқодир Жийлоний Ҳазрати Мавлоно бўла олмаганлари сингари Ҳазрати Мавлоно ҳам Ҳазрати Жийлоний бўла олмайдилар. Зеро уларга берилганлар ва улардан талаб қилинган хизматлар бошқа-бошқа хизматлардир. Аммо ҳаммаларининг олдиларидаги асл мақсадлари бандалик ва маърифатдир. Чунки Раббига кетар йўллар махлуқотнинг нафасини саноғича кўпдир.

Яна бир муҳим масала эса, пайғамбарлардан ташқари ҳеч бир бандaнинг Илоҳий кафолати йўқлиги хусусидаги ҳақиқатдир. Фақат пайғамбарларгина Илоҳий таъминот остидадирлар. Яъни бир банда энг баланд чўққига чиқа олса ҳам, ҳар лаҳзада оёғининг тойиб кетиши хавфи бордир. Дарҳақиқат, бир вақтлар солиҳ инсон бўлган Балъам Ибн Боур кейинчалик нафсига эргашиб, абадий зарарга тушган эди. Бу ҳодиса Қуръони Каримда шундай билдирилади:

وَاتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ الَّذِيَ آتَيْنَاهُ آيَاتِنَا فَانسَلَخَ مِنْهَا فَأَتْبَعَهُ الشَّيْطَانُ فَكَانَ مِنَ الْغَاوِينَ وَلَوْ شِئْنَا لَرَفَعْنَاهُ بِهَا وَلَكِنَّهُ أَخْلَدَ إِلَى الأَرْضِ وَاتَّبَعَ هَوَاهُ فَمَثَلُهُ كَمَثَلِ الْكَلْبِ إِن تَحْمِلْ عَلَيْهِ يَلْهَثْ أَوْ تَتْرُكْهُ يَلْهَث

**“...”** (Аъроф, 175-176)

“Қосос” сурасида билдирилган Қоруннинг қиссаси ҳам шундайдир. У ҳам жуда солиҳ бир банда эди. Аллоҳ таоло уни ўзи ишониб суянган, кибрланиб ғафлатга ботишига сабаб бўлган молу дунёси билан бирга ерга ютдирди.

Банда қайси маънавий мақомда, қайси мартабада, қандай ҳолда бўлишидан қатъий назар нафс доимо пистирмада пайт пойлаб туради. У фурсат топиши билан кўнгилларга зарар етказади. Шунинг учун, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга “Раҳматингдан умидворман. Кўзимни очиб-юмгунимча ҳам мени нафсимнинг ҳавоси билан яккама-якка қолдирма! Ҳар ҳолимни ислоҳ эт! Шубҳасиз, Сендан ўзга илоҳ йўқ!” дея илтижо қилардилар. (Абу Довуд, Одоб, 100-101)

Аллоҳнинг дўстлари ҳам доимо шу ҳадиси шарифнинг тақозоси ичида яшардилар. Ҳеч қачон “Биз ўз вазифамизни тугатдик” деган хаёлга бормасдилар. Зеро сайру сулукдан ўтиб бўлганлар ҳам агар шундай хаёлга борсалар, ярим йўлда қолиб кетадилар. Шу сабаб улар ҳамиша “Мен ҳали хомман” дея, ўз нуқсонларини кўра олганлар. Ожиз ҳолда қолган пайтларида эса, махфий равишда илтижо қилишдан тўхтамаганлар.

Шундайки, Пайғамбарлар Сартожи бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кечалари оёқлари шишгунга қадар намоз ўқирдилар. Бунинг сабабини сўраган Оиша розияллоҳу анҳога “Ё Оиша, шукр этгувчи банда бўлмайинми?” дер эдилар. (Муслим, Мунофиқун, 79)

Уммаҳотул мўмининнинг ривоятларига кўра, Фахри Коинот **“...”** (ан-Наср, 3) оятидан сўнгра, олдингидан ҳам кўпроқ ҳамду сано билан машғул бўлганлар. Шундай экан, Ҳақ йўлида ҳеч ким қайси бир даражада бўлишига қарамай, ҳеч қачон бандалик масъулиятидан қутулолмайди. Амалларида бирон камчиликка йўл қўя олмайди. Яъни фарзлар, вожиблар, суннатлар, ҳарому ҳалол амаллар, мубоҳлар, мустаҳаблар ҳамда бошқа барча Илоҳий дастур ва мукаллафиятлар (мажбуриятлар) банданинг бўйнига қўйилган бурчи бўлиб, улар ўлим вақтига қадар олинмайди.

Шу сабабдан, ҳақиқий муршиди комиллар бир умр **“...”** (Ҳижр, 98) амри остида яшайдилар.

Бундай маънавий раҳбарлар халққа қилган хизматлари учун бирор бир нарса талаб қилмайдилар. Ҳатто Раббиларига бандалик қилганлари учун ҳам бир мукофот кутмайдилар. Чунки қилган амали солиҳларига тескари бир иш қилишлари ўз даражаларини туширишини яхши биладилар. Шу эътибор билан Ҳазрати Али ва Ҳазрати Фотима ўзлари рўзадор бўлган ҳолларида, биринчи кундаги ифторликларини эшикларига сўраб келган бир мискинга, кейинги кун бир етимга, учинчи оқшомда бир асирга бериб юборишади. Уч кун пайдар-пай сув билан ифторлик қилишади. Яна ифторликни олганлар раҳмат айтганларида, “Биз буни сиздан раҳмат эшитиш учун қилмадик. Ягона мақсадимиз Раббимизнинг ризолигидир...” дейишади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муршиди комиллар ўрнак шахсиятга мисол бўлганлари ҳолда пайғамбарларнинг қалб оламининг тарбияси

ва тазкиясига доир вазифаларини давом эттирган буюк зотлар саналадилар. Аллоҳнинг буюк сифатларини билувчи бу Ҳақ дўстларининг иймонлари эҳсон даражасига етгандир. Улар илму ладун, ҳикмат, маърифат ва бошқа неъматлар бахш этилган зотлардир. Бироқ ҳеч бирлари саҳоба даражасида эмаслар. Албатта, саҳобалар ҳам пайғамбарлар мартабасида, пайғамбарлар эса, Ҳазрати Мустафо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам даражасида эмаслар. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, Ҳақ таолонинг бандаси ва элчисидирлар.

Шу ҳақиқатга асосан инсонларга ошиқча баҳо бермай, барчаларига ўз ҳолларига нисбатан муносабатда бўлмоқ керакдир. Яъни Байсал Қороний ва ҳатто Имом Аъзам ҳам ҳеч қачон саҳоба даражасида бўла олмайдилар. Баъзи бир ғофилларнинг ўзларига устоз деб билган инсонларини саҳобалардан, ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам ортиқроқ даражада ҳурмат қилишлари ва уларга қаттиқ боғланиб қолишлари хатодан ҳам оғир бир залолатдир. Бу залолат Аллоҳнинг тақсимотига тескари муболаға ичида ҳақиқатдан узоқлаштирилган ифрот (ҳаддан ошиш) дир. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай нотўғри ҳолларга тушишнинг олдини олиш учун инсонларни ғофилона мадҳу санолардан қайтарганлар. Мадҳ қилувчининг бир таъмаси бўлишини назарда тутиб, “Унинг юзига тупроқ сепинг!” деб айтганлар. (Аҳмад Ибн Ҳанбал, Муснад, VI, 5) Чунки нафсни ҳаракатлантирадиган ортиқча мақтовлар қалбнинг ҳалокатига қўйилган имзолардир.

***Борлиқ оламлар муҳаббат ва робита билан оёқда туради. Чунки робита бутун борлиқнинг ўзагини ташкил этадиган муҳаббатнинг зоҳир бўлишидир. Муҳаббатнинг софлиги ва барҳаётлигидир.***

## 2. ИРШОД УСУЛЛАРИ

### а. Муҳаббат - робита

Тасаввуфнинг асоси ва ғоясига эътибор қаратадиган бўлсак, унда сайр ва сулукнинг негизи “муҳаббат” эканлигини, ниҳояда юзага келадиган ғоя эса “адаб” эканлигини кўрамиз. Булардан “муҳаббат” восита, “адаб” эса натижадир. Бу воситанинг ва ниҳоядаги натижанинг аҳамияти ҳақида қанча гапирилса ҳам оздир.

Бирор борлиққа ҳис қилинган муҳаббат кучайганда, ушбу борлиққа яқинликнинг қуввати даражасида албатта бир улуш тегади. Бу улуш яқинлик, ўхшашлик ёки алоқадорлик нисбатида бўлиши мумкин.

Масалан, муршидни ортиқ даражада севган бир мурид муршиднинг амалларига ўхшаш амалларга эга бўлганларга ҳам (гарчи уларнинг амалларида ноқислик бўлса ҳам) муҳаббат ҳис қилади. Чунки улар бу амаллари билан муршидни эслатиб турадилар. Муршидининг бир яқини билан учрашса, уни Каъбадан яқинда қайтган бир ҳожи мисол илтифотларга ғарқ қилади. Муршиди ишлатган ҳар қандай ашёга эга бўлиш унинг руҳида ниҳоясиз бир сурурни майдонга келтиради. Бу ҳолат Увайс Қараний Ҳазратларининг Ҳазрат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам берган ҳирқани елкаларига илган вақтдаги саодатдан туйган сурурлари кабидир.

Муҳаббат ортиб бориши билан севилган борлиққа “нисбат” кайфияти ҳам ўзгариб боради. Бу муҳаббат бора -бора энг қувватли нисбатга етса ҳам, муршид учун энг заиф нисбатда қолаётгандек туюлади. Шу ўринда муҳаббатнинг марказидаги севилган борлиқ яқин ва узоқ бутун нисбатларни ўз ичига оладиган бир доира шаклида кенгайиб боришини

ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Бу чексиз кенгайишнинг тасаввуфдаги номи “ишқи мутлақдир”.[23] Бу ҳол Юнус Эмро:

*Ҳар яралмиш, ҳар борлиқни,*
*Хуш кўр сен Яратган учун*

мисраларида ифода қилгани каби яратилиши, амаллари ва фазилатлари қандай бўлса ҳам, Яратганнинг ҳурмати учун бутун махлуқотни муҳаббат ва марҳамат билан қучоқлай олиш ҳолидир. Бу ошиқ ета оладиган охирги босқичдир. Бу босқичга қадар ўтилган деярли ҳар нуқтадаги ҳолнинг ифодаси эса, “ишқи мажозийдир”.

Солик муршидига ишқ ва муҳаббат билан боғланганида, ана шу “мажозий ишқ” бошланган бўлади. Ҳа, бу ишқи “мажозий” дир. Чунки бунда қалб қурбат ила Аллоҳга боғланганлиги учун ҳақиқий маъшуқ Ундан ўзгаси бўлолмайди. Бошқа севилганлар саройга чиқиладиган бир нарвон пояларининг ҳоли каби насибага эга бўлганлардир. Булар қалбнинг муҳаббатуллоҳга тайёрланиши йўлидаги машқлар ҳукмидадир. Таъбир жоиз бўлса, бу “Лайли” нинг “Мавлога” эришмоқлик шижоатидир. Шу шижоат ила ришта боғлашга киришишнинг энг файзли босқичи ҳақиқий бир муршиди комилга яқинлашиш ва у билан биргаликда муҳаббатнинг маънавий ҳаяжонини яшашдир. Бунинг энг самарали кўриниши эса робита саналади. Муҳаббатнинг бундай ҳеч бир алоқаларга ўхшамайдиган, юксак даражадаги бир шиддатга дуч келиши “робита” дир. “Робита” нинг айнан ўзидир.

“Робита”нинг луғатдаги маъноси “боғламоқ”, “алоқа” демакдир. Шу жиҳатдан коинотда робитасиз бирор жонзот йўқ. Ҳар нарса бир-бири билан боғлиқлик ҳолидадир.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, робита борлиқнинг ўзагини ташкил қилган муҳаббатнинг бир кўринишидир. Муҳаббатнинг софлиги ва боқийлигидир.

Уч хил робита бор:

23 Қуръони Каримда мўминларнинг Аллоҳга бўлган севгиси энг юқори даражада бўлиши кераклиги وَ الَّذِينَ اٰمَنُوا اَشَدُّ حُبًّا لِلّٰهِ “Мўминларда Аллоҳ севгиси ҳар қандай севгидан ҳам кучлидир” (ал-Бақара, 165) ояти билан баён қилинади. Бу даражадаги севги тилимизда “илоҳий ишқ” шаклида ифода этилади.

**1- Табиий *робита***

Табиий робита шахснинг яқинларига ҳис қилган муҳаббатидир. Бу табиий равишда боғланишнинг кўринишидир. Бир онанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббати каби муҳаббатдир.

**2- Оддий (бефойда) *робита***

Оддий робита шайтоний йўллар ва тақиқланган ишларга боғланишдир. Бу бир қиморбознинг қалби мунтазам қимор билан машғул бўлиб, бола -чақасини ҳам унутиши кабидир.

**3- Улвий *робита***

Кўнгилда тасдиқланган эътиқод ва улвий туйғулар билан инсонни Аллоҳга олиб борадиган василалар орқали боғланиш улвий робитадир. Қалби Аллоҳ нури билан жилоланган ва мушоҳада мақомига эришган кишиларнинг руҳониятидан баҳраманд бўлиш учун уларга эргашиш ёки маънан улар билан бирга бўлишдир.

Шу ўринда ушбу боғланишларнинг охиргисига изоҳ бериб ўтамиз. Бу боғланиш солик муршиднинг илмидан тўла баҳраманд бўла олиши учун кўнглида унинг муҳаббатини доимий равишда пок тута олишини ифода этади.

Тасаввуфий илм усулларидан бири бўлган робита турли тариқатларда номи ва татбиқ шакли билан озми, кўпми фарқ қилади. Бироқ муршиднинг мурид кўз олдида жонланиши ва мурид нинг муршиди хислатларини хотирлаб улвий туйғуларга берилиш ҳоллари умумийдир. Муршидга нисбатан ҳис қилинган ҳурмат ва муҳаббатнинг бу шаклда доимо соф тутилиши мурид нинг маънавий ҳаётини юксалтиради.

Инсон зоҳирий таъсирларга берилувчан бир борлиқдир. Баъзи хасталикларда бўлгани каби банданинг “ҳол” ларида ҳам берилувчанлик хусусияти бор. Зеро руҳ билан руҳ орасидаги маънавий алоқа ҳаётнинг инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатларидан биридир. Маълум бир шахсларнинг шижоатлари ва шахсиятларидаги қувватли руҳий майллар уларга яқин бўлганларга истеъдодлари нисбатида кўп ёки оз даражада кўчиб ўтади. Бу кўчиш банда эришган “ҳол”нинг мусбат ёки манфий бўлишига боғлиқ эмас. Ҳар бир ҳолатда кўчиш пайдо бўлади. Орада муҳаббат ва алоқа, унсият боғланишлари бўлишининг ўзи етарлидир.

Масалан, эътибор топган, роҳат-фароғатга етишган ва фидокор инсонларнинг маънавий ҳоллари улар яшаган жамиятга ҳам таъсир қилади. Муҳаббатнинг бир кўриниши бўлган бу боғланиш ахлоқий фазилатларга доир руҳий алоқаларнинг ортиши ва ҳар томонлама намоён бўлиши учун ҳам муҳимдир. Шу сабабдан мустаҳкам эътиқодли ҳар бир мўмин киши, ҳар бир тақво соҳиби солиҳ кишиларга муҳаббат қўйишлари ва улар билан узвий бир ришта боғлашлари лозим. Ҳол кўчиши энг гўзал тарзда юқори даражага етишига ҳаракат қилишлари керак.

Шу ўринда бир ҳикматни келтириб ўтамиз. Тоза ва гўзал бир кийимга лой сачрашидан озорланган ақл ваҳий нури шояд уни покласа дея умид қилади. Бироқ гуноҳлар билан қорайган қалблар ва ғаразли хаёллар эгаллаган руҳлар кўп ҳолларда бунга эътибор қилмайдилар. Ўзларида унга қарши ҳеч қандай таъсирни сезмайдилар. Чунки нафсоний ва шайтоний таъсирлар ортидан маънавий беҳушлик ҳолатида бўлганлари учун руҳий тушкунликка тушмайдилар. Шу сабаб улар қалб кўзларини очишлари, инсон учун абадий фойда ва зиён келтирадиган ташқи омиллар борлигини билиб олишлари лозим бўлади. Зеро ижобий таъсирлар ҳамда салбий равишда амалга ошириладиган таъсир (шахсдан кўчириш) қаршисида қолган инсон ўз танловини қилишга ҳақлидир. Аллоҳ таоло ҳам бу танловнинг энг тўғриси ҳақида Қуръони Каримда шундай хабар беради:

**“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқинг ва содиқлар билан бирга бўлинг!..”** (ат-Тавба, 119)

Биз Жаноби Ҳақ бу ояти каримада қулларига **“Содиқ бўлинг!”** деб буюрмаганлигига, балки тақвонинг муҳофазаси учун **“содиқлар билан бирга бўлишни”** амр этганлигига эътибор қаратишимиз керак. Чунки содиқлик йўлига қўйиладиган илк қадам содиқлар билан бирга бўлиш, улар билан муҳаббатли бир яқинликни тақозо етади. Демак, содиқлик бу ҳолатнинг табиий бир натижаси бўлади. Чунки “Узум узумга қараб қораяди” дейилиши ҳам ушбу ҳақиқатнинг бир ифодасидир.

Нафсни енгишда солиҳ ва содиқ кишилар билан бирга бўлиш нурланиш сингари тушуниш имконсиз бўлган, аммо натижаси аниқ кўринадиган бир таъсирга эгадир. Солиҳ инсонлар муҳитида бўлганда уларнинг ҳол ва амалларини тушуниш (мушоҳада қилиш) ҳамда нуроний чеҳраларига боқиш ҳам ана шу таъсир сирасига киради. Бундан маънавият буюкларининг ҳузурларида бўла олиш буюк бир неъмат эканлиги аён-

лашади. Чунки ҳоллар сирлидир. Биз гул боғчасида кезган инсоннинг кийимига гуллар ифори сингиб кетишини жуда яхши биламиз. Худди шу каби солиҳлар мажлисини ҳам бир бозорга, руҳларнинг маънавий харидлари бозорига қиёслашимиз мумкин бўлади.

Хожа Убайдулоҳ Аҳрор Ҳазратлари шундай дейдилар:

“Қуръони Каримнинг:

**«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга тақво қилинг (Аллоҳдан қўрқинг) ва содиқлар билан бирга бўлинг!» оятидаги «бирга бўлинг!»** амри доимий бир суратда бирга бўлишни ифодалайди. Бу оятда бирга бўлмоқ аниқ бир тарзда зикр қилинган. Унда бирга бўлмоқликнинг икки жиҳати, феълий (амалий) ва ҳукмий томони эътиборга олинган. Феълий жиҳатдан бирга бўлиш содиқларнинг мажлисида қалб ҳузури билан муносиб равишда ёнма-ён иштирок этишдан иборат бўлганидек, ҳукмий биргалик ҳолати уларнинг ғайбга боғланиш ҳолларини тахаййул қилмоқдан иборатдир”.

Ҳақ дўстлари билан зоҳирий бирга бўлишда улвий туйғуларнинг бардавомлиги жуда зарур. Шунинг баробарида уларнинг ўзлари бўлмаганларида ҳам бу туйғуларни қалбий яқинлик ила давом эттириш керак бўлади. Аммо Ҳақ дўстлари билан ҳамма вақт ҳам амалларда бирга бўлишнинг имкони бўлмайди. Шу боис қалбий яқинликни давом эттириш учун робитага эҳтиёж туғилади.

Биз тасаввуф илмида мунтазам суратда бирга бўлишнинг баъзи фойдадан холи томонлари ҳам борлигини айтиб ўтган эдик. Зеро бундай биргалик ҳолатида бир неча муридлар бир муршиди комилнинг қўл остида бўладилар ва ғафлатлари сабабидан бирор ҳисса ололмайдилар. Аксинча, узоқ диёрлардаги бир қанча муридлар ўз муршидларига нисбатан ҳис қилган ҳурмат, ҳасрат, ишқ ва боғлиқликлари сабабидан кутилмаган насибалар, гўзал ҳоллар, илҳомлар ва маънавий туйғуларга ноил бўла оладилар. Буюкларнинг: “Ямандаги ёнимда, ёнимдаги Яманда” деб айтган сўзлари ҳам асосан шу нарсани ифодалайди. Энг муҳими мурид қаерда бўлса ҳам, қалби яқинлик туйғусини йўқотмаслигидир.

Бироқ маънан саботли инсонларнинг атрофидагиларни ўз ҳолидан ҳоллантириш истеъдоди ҳар қанча юксак даражада бўлмасин, бунинг ўзигина етарли бўлмайди. Чунки тасаввуфдаги ҳол ўзгариши шундай бир маънавий жараёнки, унда кўриб таъсирланишдан беадад фойда ҳосил бўлади. Бу мур-

шиди комилнинг қатъияти, муриднинг истеъдоди ва муҳаббатининг савиясига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳеч бир мурид фақат мурид бўлиш билан айни даражага ета олмайди. Бу муриднинг ҳақиқий муридга айланиши, унинг истеъдоди ва муҳаббатининг даражасига боғлиқ бўлади. Буни бир мисол билан айтиш лозим бўлса, бир кишининг сув тўлдириш учун идишини кичик бир кўлмакка ёки чексиз – чегарасиз уммонга ботириши орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ҳар икки ҳолда ҳам фақат идишнинг ҳажми қадар сув олади. Шу сабаб муриднинг истеъдодини шакллантириб бориш лозимдир.

Юнус Эмро Ҳазратлари қандай гўзал баён этганлар:

*Чашмалардан қадаҳинг,*
*Тўлдирмоқдан қўрқсанг гар.*
*Фойда йўқдир унда сен,*
*Минг йил турсанг ҳам агар.*

Робита ва мурoқаба (кузатиб туриш) ларда мурожаат қилинадиган яна бир усул силсилаи шарифанинг[24] ўқилишидир. Бу солиҳлар ёдга олиниши билан қалбларга тушиши умид қилинган раҳмат ва у даҳоларнинг гўзал ҳоллари инъикосидан ҳисса олиш учундир. Буюк олимлардан Суфён бин Уяйна:

“Солиҳлар зикр қилинган мажлисларга раҳмат тушади” деб марҳамат қилганлар. (Ажлуний, Кашфул Ҳафо, II, 70)

Аллоҳ дўстларининг ҳаётлари акс этган турли китобларни мутолаа қилиш ҳам уларга муҳаббат билан яқинлашган кишиларнинг гўзал бир илҳом олишлари учундир.

Ҳазрати Пайғамбар соллалоҳу алайҳи васалламга боғланган Аллоҳ дўстларининг силсиласи билан кўнгиллар файз топиши робитанинг асл мақсадидир. Тўғридан- тўғри бир электр симини ушлаганда титраган инсонлар каби, бу робитадаги энг охирги киши ҳам айни электр оқимидан истеъдодига яраша бир ҳисса олади.

Муршидга ҳузурида бўлганда кўрсатилган одоб ва муҳаббатни у йўқ пайтида ҳам кўрсатилиши, робитанинг муршид ахлоқи билан ахлоқланиш даражасига етиши “**фано фиш -шайх**” дир.

24 Силсилаи Шариф Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в) га қадар боғланган муршидлар занжирида берилган исмлардир.

“Фано фиш -шайх” мақомининг янада юқорисида “**фано фир-Расул”** мақоми бордир. Ислом самосининг юлдузлари мавқеидаги асҳоби киромнинг баъзилари Ислом билан шарафланмасдан аввал фитратга тескари бир ҳаётда яшардилар. Улар ҳидоят топганларидан сўнг Аллоҳ Расули соллалоҳу алайҳи васалламнинг туйғуларини ўзларида акс эттириш билан дунёнинг энг фазилатли инсонлари ҳолига келдилар.

Муршиди комилнинг кўнглига Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламдан силсила ҳолида оқиб ўтган файз соликларнинг кўнгилларига робита ва суҳбат билан кўчади. Уларнинг кўнгилларида ўрнашади. Шу туфайли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўрнак шахсиятлари муриднинг истеъдоди нисбатида унда акс этади.

Бу мартабада бўлганлар ҳаётининг ҳар онида Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бўлган каби амал қилиб, у зотнинг ахлоқлари билан бутунлашадилар. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган робитани, яъни боғлиқликни қувватлаштириш учун намоз, саловат ва суннати сонияга кўнгилларидаги соғлом бир севги ҳамда яқинлик ила киришадилар.

**Фано фир- Расул** ҳоли энг гўзал бир шаклда Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуда бўлганлиги бизга маълумдир. Ундаги бу ҳол қаршисида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам:

*“Абу Бакр мендан, мен ҳам Абу Бакрданман. Абу Бакр дунё ва охиратда қардошимдир”* деб марҳамат қилганлар. (Дайламий, Муснад, I, 437)

Бу ҳадиси шариф қалбий яқинликни жуда гўзал ифода этмоқда.

Қалбий боғлиқликнинг янада юксак даражаси эса, **фано филлоҳ** мақомидир. Қуръони Каримдаги:

وَهُوَ مَعَكُمْ اَيْنَ مَا كُنْتُمْ

**“Қаерда бўлсангиз ҳам бўлинг, У сиз билан биргадир...”** (ал-Ҳадид, 4) ва **“Биз инсонга шоҳ томиридан ҳам яқинмиз!”** (Қоф, 16) оятларининг сирига лойиқлик ила ноил бўла олиш ана шу фано филлоҳ мақомига етишиш билан мумкин бўлади.

Жаноби Ҳақда фоний бўлган бир муршиди комилнинг қалби асмои илоҳиййанинг тажаллиси, жилоси билан файзлангандир. Шу жиҳатдан

қараганимизда муршиднинг қалби нур шуълаларини бир нуқтага йиғадиган линза (таралаётган нурни синдирувчи шаффоф жисм) кабидир. У бундай тажаллиларнинг барокати билан бутун ёмонликларни ёқиб кул қила олади. Мурид ҳам робита орқали бу барокатдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунда муриднинг қалбида нафсоний ҳиссиёт ва менлик туйғулари ўрнига комил бир инсоннинг ҳоли ўрнашади. Қалбни ишғол қилган дунёвий ҳар нарса ташқарига чиқарилиб, қалб муносиб мавқега олиб келинади.

Мурид билан муршид орасидаги бу ҳол мурид учун бирлашиш истиқоматида бўлишнинг, уни ривожлантиришнинг бир асоси демакдир.

Ҳадиси шарифда:

*"Киши севгани билан биргадир..." деб марҳамат қилинади*. (Бухорий, Адаб, 96)

Қуръони Каримда келтирилган "Асҳоб-и Каҳф" қиссаси[25] шу жиҳати билан жуда эътиборлидир. Асҳоб-и Каҳфнинг ити Қитмир солиҳлар ва содиқларга қўриқчилик қилгани учун унга ҳам садоқат ҳисси кўчиб ўтган. У ҳам содиқлардан бўлиб жаннатга киради.[26] Бир ит содиқларга қўриқчилик қилиш билан шу даражага эришган экан, ҳақиқий бир мўмин ҳам Аллоҳнинг дўстлари ва солиҳларга муҳаббат боғлаш ортидан қандай мавқега етиши аён бўлади.

Бу ўринда тасаввуфда аҳамиятли бўлган робита билан алоқадор бошқа бир баҳсни ҳам келтиришни истаймиз.

**Робита-и Мавт (Тафаккури мавт):**

Тасаввуфда ўлимни эслаш билан робита ўрнатмоққа "тафаккури мавт" дейилади. Ўлим ҳақида тафаккур қилиш инсоннинг амалларига ва у эришадиган ҳолга таъсир кўрсатади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:

اَكْثِرُوا ذِكْرَ هَاذِمِ اللَّذَّاتِ يَعْنِى الْمَوْتَ

25 Каҳф сураси, 9-26 оятлар

26 Қаранг: Hakkı Bursevî, Rûhu'l-Beyân, V, 226.

*“Барча завқларни илдизидан йўқ қиладиган ўлимни тез- тез хотирланг!”* (Термизий, Зуҳд, 4)

Ҳақиқатан тафаккури мавт инсонни ҳузурсиз қилган нафсоний орзуларни ва дунё севгисини камайтиради. Чунки дунёнинг келиб кетувчи мол-дунё, мартаба, мавқе ва нафсоний гўзалликларини ортиқ даражада севмоқ, уларга кўнгил боғламоқ ғафлат каби маънавий хасталикларнинг бошидир. Қалбимизни бу каби боғлиқликлардан асраш учун қабрга тушадиган чоғимиз ва қабрда бошимиздан кечадиган аҳволимиз хусусида тафаккур қилишимиз лозимдир. Булар бизни самимий бир тавбага ва ибодатларни ҳушуъ билан адо этмоққа чақиради. Дунёвий эҳтиролардан, беҳуда ҳою-ҳаваслардан ҳимоя қилади. Мунтазам қилинган зикр ҳамда дуоларимиз охират азобидан халос бўлишимизга ва боқий саодатимизга васила бўлади.

Ислом буюклари ғофил қалбларни уйғотиш ва ўлик кўнгилларни тирилтириш учун бу йўналишда жуда кўп насиҳатлар қилганлар. Ҳар вақт халқни огоҳлантириб келганлар.

Ҳатто Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу ўғиллари Ҳасан розияллоҳу анҳуга васиятларида шундай мурожаат қилганлар:

“Эй ўғлим! Ўлим ҳақида ҳар вақт эсла ва ўлимни эслаш билан қалбингни тарбияла! Ҳар бир нарса охир-оқибат йўқ бўлишини унутма ва бу йўқликка сен ҳам боришинг учун қарор келишини бил! Қалбингга дунёнинг эҳтимолий таҳликаларини вақт- вақти билан хотирлат!”

Вақт тўғри бир чизиқ каби оқиб ўтмаслиги учун келадиган кунларимиз оғриқли ва қайғули ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар эҳтимолий ёхуд муқаррар бўлади. Шунинг учун бундан ғофил қолмаслик керак.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам шундай насиҳат қиладилар:

“Эй ўғил! Истаганингча яша, барибир ўласан! Истаганингни сев, барибир айриласан! Истаганингни қил, барибир бир кун ҳисобини берасан!..

Эй ўғил! Мақсадинг руҳингни юксалтириш, нафсингга ҳоким бўлиш, жисмингни ўлимга ҳозирлашга ғайрат қилиш бўлиши керак. Чунки охирги борар манзилинг қабр бўлади. Қабрдагилар «Қачон келасан?» деб кутмоқдалар. У ерга асло озуқасиз бора кўрма!”



Умар бин Абдулазизнинг охирги хутбасидаги насиҳатларида эса шундай ўринлар бор:

“Эй инсонлар!

Даҳшат сочадиган қиёмат куни ёмондир. Сирри Жалолга эга бўлган Пайғамбарлар ва муқарраб малаклар ҳам у жазо кунининг даҳшатидан титрайдилар. Жалоли Илоҳийнинг рўпарасида кимда тоқат ва чидам қолади?

Шу билан бирга Аллоҳнинг чексиз ва кенг раҳмати сабаб умидсиз ҳам бўлманг!

Шубҳасиз, эртага маҳшарда саломат бўлмоқлик бугун Аллоҳдан қўрққан, куфр ва исёндан сақланган, боқий дунёни фоний дунёга алмаштирмаган инсон учундир. Бунинг аксини қилганлар алданадилар, умр сармоясини лойиқ бўлмаган ишларга сарф қиладилар ва бўш қўл билан қоладилар.

Бугун ўтмишдагиларнинг ўрнига сизлар келдингиз. Сизнинг ўрнингизга ҳам албатта, бошқалар келадилар!..

Келганлар кетадилар, кетганлар қайтмайдилар. Бу ихтиёрсиз кетиш, борлиқдаги бу оқиш Жаноби Ҳаққа томон оқишдир.

Орамиздан айрилиб, охиратга сафар қиладиганларни ҳар кун кузатаяпсиз. Абадий истироҳатгоҳларига олиб бораяпсиз. Улардан ҳеч ибрат олмаяпсизларми?! Уларни қора тупроқ остида ётоқсиз, ёстиқсиз, якка ва ёлғиз қолдириб кетаяпсиз. Ўлим азобини тотган, абадий дунёга кетганларнинг ҳоли на қадар ачинарли, ибратли бир ҳолатдир. Улар ўзларига нотаниш бир оламга борганлар. Севганларидан айирилганлар, бу ўткинчи ҳаётнинг ғафлатидан уйғонганлар. Ҳақиқатга гувоҳ бўлганлар. Бироқ энди ҳамма нарса тугаган, қуш уясидан учган. Эваз ва тадорик сабаблари қўлдан кетгандир. Қўлларида хайрли амалларидан бошқа бирор нарса қолмаган. Улар жазо кунида гуноҳлари сабаб кўзлари катта-катта бўлиб, қийинчилик тўла ҳоллари билан оқибатларини кутадилар. Паришон бир суратда келиши аниқ бўлган маҳшар даҳшатидан титрайдилар”.

Ўлим бошқа бир оламда уйғониш ва ҳақиқатдан воқиф бўлиш сабабидир. Аммо у оламдаги уйғониш бирор фойда келтирмайди. Шу сабабли инсон ўлимидан аввал ғафлат пардаларини йиртиб, уйғонмоғи лозимдир.





Тафаккури мавт муридни эҳтиролардан, дунёга бел боғлашдан ва ҳар хил нафсоний майлларга илтифот қилишдан сақлайдиган бир восита саналади. Шу боис тасаввуф тариқатларида нафсга ғолиб келиш мақсадига эришиш учун тафаккури мавт усулига мурожаат қилинади.

### b. Суҳбат

***Бу суҳбат ва зикр мажлислари илоҳий раҳмат бўлмиш ёмғирнинг сакинатни соғина-соғина ёғмоғи кабидир. Улар бизнинг дунёмизнинг жаннат боғчаларидир.***

Муршиди комилларнинг соликни руҳи ва қалбига таъсир қилиш мақсадида қўллайдиган энг муҳим воситаларидан бири “сўз”, яъни суҳбатдир. Нафсини тазкия эта олган, қалбини тасфия қила олган бир кишининг яшаган ҳоли ифодаланган туйғулар албатта кучли бўлади. Шубҳасиз, ана шундай туйғулар ва ихлос билан сўзланган сўзлар ўз манзилига, муҳаббатли қалбга йўл топа олади. Муҳаббатга тўла қалбда хайрли таъсирлар ҳосил қилади.

Суҳбатни таъсирли қиладиган энг асосий омил эса, “ихлос”дир. Калималарга юкланган қатор маъноларни ихлос билан муридига етказа олган муршиди комилнинг амали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари давом этаётганидан далолат беради. Мутаассир этадиган “ихлос” ли бу ҳолат қаршисидаги муридга талқин қилаётган нарсасини ҳақиқатдан ўргата олиш ва у ҳам бунга амал қилишини чин қалбдан исташдан иборатдир.

Сўз таъсирли бўлишининг бошқа бир сабаби эса, сўзнинг мухтасарлигидир. Сўзни мухтасар бир шаклда ифода қилишда мақсадга энг уйғун калималарни танлай олиш жуда муҳим. Бу қудратнинг чўққиси эса, Қуръони Каримдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада бўлган даврларида машҳур араб шоири Имул Қайснинг қизига “Залзала” сурасини ўқиб берадилар. Балоғат ва фасоҳат нима эканлигини жуда яхши билган бу аёл ҳайратдан қотиб қолиб:

“Бундай бир сўз қулнинг сўзи бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қайси яратилган (инсон) бу даражада бир сўз сўзлашдан ожиздир (қодир эмас).

Ер юзида бундай калом бор экан, бундан буён отамнинг шеъри Каъбада туриши тўғри эмасдир. Илтимос, бориб уни у ердан олинг ва буни ўша ерга осинг!" деб айтади.

Шу сабабли ҳадиси шарифда:

اِنَّ مِنَ الْبَيَانِ سِحْرًا

*"Дарҳақиқат, бир хил сўзлар сеҳр (сеҳр каби таъсир кучига эга) дир" деб келтирилади*. (Бухорий, Никоҳ, 47) Демак, сўз қалбда сеҳрловчи бир таъсирни юзага келтира олар экан.

Шу нуқтаи назардан сўз ва иршод, яъни суҳбатнинг аҳамияти улуғлигини таъкид этмоғимиз лозим. Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг суҳбатларидаги барокат нимада эканлигини етарлича англамоғимиз керак. Бунинг учун ўша суҳбатлар бўлиб ўтган аср нима сабабдан инсоният тарихида "саодат асри" дейилишининг ҳикматларини тушуниб етмоқ кифоядир. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир суннати муаққадалари бўлган бу суҳбатлар ҳозирда ҳам барча тариқатларда ва хусусан Нақшбандийликда, қалбдан қалбга файз ўтишида алоҳида бир мавқега эгадир.

Сўзнинг қудрати, унинг инсонга ижобий ёки салбий таъсир этиши тўғрисидаги Юнус Эмронинг ушбу мисралари нақадар маъноли:

*Сўз ила тугар талош,*
*Сўз ила кетадир бош,*
*Сўз ила заҳардир ош -*
*Бол ё ёғ эрур бир сўз.*

Шу ўринда асҳоби киромнинг ҳолатларига ҳам эътибор қаратайлик. Уларнинг чўл тупроқларига ўхшаган кўнгил оламлари Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мажлисларидаги маънавий иқлимнинг раҳмат ва барокат сувларига йўғрилди. Усти тупроқ билан беркитилган тенгсиз фазилат ва маъно уруғлари намлик ила ҳаёт топди. Қалбдан қалбга (садрдан садрга) акс берган бу муҳаббат ва руҳоният алмашинуви сабаб юлдуз шахсиятлар кашф қилинди. Жоҳилият даврининг марҳаматсиз, виждонсиз, қиз фарзандларини тириклайин тупроққа қўмадиган даражада бағритош, ҳақ ва ҳуқуқ танимас инсонлари эриб йўқ бўлдилар.

Улар айни шаклда, фақат бу сафар кўзлари ва кўнгли ёшга тўла, жонкуяр, нозик, рақийқ (ожиз қул) ва ҳассос бир кишиларга айландилар.

Шу ўринда “саҳобий” ва “суҳбат” калималари бир ўзакдан ташкил топганлигини ҳам айтиб ўтмоғимиз лозим. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоби киромлари у зотга нисбатан ҳис қилинган муҳаббат, ҳурмат ва одобда энг мукаммал намуна бўла олдилар. Уларнинг ораларидаги маънавий суҳбатлар жараёни ҳам жуда муҳташам эди. Улар ноил бўлганлари бу мушаррафлик сифатини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларидан топган ҳузур ва одоб ҳолини:

“Ўзимизни худди бошимиз устида бир қуш бору биз қимирласак, у учиб кетадигандек ҳис қилар эдик”[27] шаклида ифода этардилар.

Бу инсонлар Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсиятлари ва буюк ахлоқларини борган ҳар жойларига ўзлари билан олиб бордилар. Улар қиёматга қадар даражалари давом этадиган тенгсиз фазилат намуналари бўлдилар. Ояти каримада бу ҳақда Буюк Роббимиз шундай дейди:

**“Биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ва уларга яхшилик билан эргашган зотлар (Аллоҳ улардан рози бўлди) ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) уларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк қутилишдир”.** (Тавба: 100)

Ибодат важди[28] ҳолатида кечган барча суҳбатлар Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам суҳбатларининг акси кабидир. Зеро маънавий фойданинг маркази шу зот эдилар. Руҳий ҳаяжонларга тўла суҳбатларнинг нақл қилиниши эса, у марказдан тарқалган бир ёғдудир. Шу туфайли бир банданинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нурларидан бирор Ҳақ дўсти воситасида насиба олиши (бу нур айни марказдан бўлгани сабаб), шахсан Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларидан олинган каби файзлидир. Бу худди

27 Қрн. Абу Довуд, Суннат, 23-24.

28 Важд, вожид ёки экстаз, луғатда «руҳнинг дунёвий борлиқдан узилиши, жўшқинлик билан кечган ҳоли” ўлароқ келтирилади. Бу кишининг ақли ва ҳофизаси ўзида бўлса-да, борлиғига (дунёвий, жисмоний борлиғига) алоқадор ҳеч бир боғлиқлик бўлмаган, бошқалар билан ўзидан ташқари бир алоқа ёки борлиқ каби (хаёл, руҳ, илоҳ ва бошқа) боғланиладиган нодир онг ҳолларидан биридир. .

бир шам билан бошқа шамлар ёки қандилларнинг ёқилиши кабидир... Қандилларни ёққан ва улар воситасида атрофни ойдинлатган олов айни оловдир. Банда бу қандилларнинг энг охиргиси билан ойдинланса ҳам, бу ёришиш доимо илк манбани акс эттириб туради.

Бу суҳбат ва зикр мажлислари илоҳий раҳмат бўлмиш томчи-томчи бўлиб ёққан сакинат ёмғирлари кабидир. Улар бизнинг дунёмизнинг жаннат боғчаларидир. Ҳадиси шарифда келтирилади:

*"Бир жамоа Аллоҳни зикр қилиш учун бир жойга йиғилсалар, малаклар уларнинг атрофини ўраб оладилар. Аллоҳнинг раҳмати уларни қоплайди, устларига сакинат инади ва Аллоҳ таоло уларни йиғилганлар орасида зикр этади".* (Муслим, Зикр, 39)

Содиқлар ва солиҳларнинг бундай мажлисларини ғанимат деб билиш лозим. Чунки бу мажлислар жаннатни эслатади, уларда илоҳий ишқ билан порлаган кўзлар ва кўнгиллар яшириндир.

Кўнгил кишилари, солиҳлар ва орифлар бу суҳбатларда қалбларидаги муҳаббат, ишқ ва важдларини кўнгилларга кўчирадилар. Қалбларидаги сирларнинг нури жамоатнинг юз-кўзларида акс этади. Кўнгиллар ўз қобилиятлари ва истеъдодлари нисбатида бу инъикос ҳамда маънавий ўзгаришлар натижасида ҳақиқат нурлари билан тўладилар. Бу худди атиргуллар, чиннигуллар ва бошқа ноёб гуллар безаб турган бир боғча устидан эсган тонгги шабаданинг борадиган манзилига ана шу ифорларни элтгани кабидир. У ердаги кўнгилларга баҳор ифори ила сакинат ва ҳаловат олиб боргани сингари файзли ҳолдир.

Жаноби Ҳақ ояти каримада буюради:

وَ ذَكِّرْ فَاِنَّ الذِّكْرٰى تَنْفَعُ الْمُؤْمِنِينَ

**"Сен уларга насиҳат бер. Чунки насиҳат мўминларга фойда беради".** (аз-Зорият, 55)

Бу ояти каримани комил маънода яшаган Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*"Дин насиҳатдан иборатдир"* деб марҳамат қилганлар. (Бухорий, Иймон, 42)

Насиҳатнинг икки маъноси бор. Бири хайрга даъват, бошқаси эса самимиятдир.

Абдуллоҳ бин Равоҳа розияллоҳу анҳу асҳоби киромдан бирларини кўрганида:

“Кел (қардошим!) Аллоҳ учун бир муддат ўтириб, Раббимизни поклаб эсга олайлик (Уни зикр қилайлик)” дерди.

Бунинг нима эканлигини тушунмаган бир саҳобий бориб ҳолатни Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга етказди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

*“Аллоҳ Абдуллоҳ бин Равоҳага раҳматини ёғдирсин. У малаклар мадҳ айтадиган зикр мажлисларини жуда севади”* [29]*деб жавоб бердилар.*

Суҳбатнинг аҳамияти нуқтаи назаридан ушбу ҳадиси шариф ҳам жуда муҳимдир:

Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келди ва:

“Эй Аллоҳнинг Расули! Сизнинг сўзларингиздан фақат эркаклар фойда топадилар. Бизларга ҳам бир кунни ажратсангиз ва биз ўша куни бир ерда тўпласак. Аллоҳ Сизга ўргатганларидан бизга ҳам ўргатсангиз!” деди.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Хўп фалон куни ана шу ерда тўпланинглар!” дедилар.

Аёллар тўпландилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, Аллоҳ ўзларига ўргатганлардан уларга ҳам ўргатдилар. (Бухорий, Илм, 36)

Бу суҳбатларнинг барокати билан бутун умматга намуна бўладиган оналар ҳолига келган саҳобий хонимлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришга кечикканлар ёки узоқ вақт кўрмаганларни булардан огоҳ этар эдилар. Ҳатто Ҳузайфа розияллоҳу анҳунинг онаси бир неча кун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмаганлиги учун у кишини койийди. Ҳузайфа розияллоҳу анҳу бу ҳақда шундай дейдилар:

Онам мендан:

“Пайғамбаримиз билан охирги марта қачон кўришдинг?” деб сўради. Мен:

29 Қрн. Аҳмад б. Ҳанбал, Муснад III, 265.



“Бир неча кундан бери у зот билан кўришмадим” дедим. Онам мендан жуда хафа бўлди ва қаттиқ уришди. Мен:

“Жаҳл қилманг! Ҳозироқ Расулуллоҳнинг ёнига бораман. У зот билан бирга шом намозини ўқиб, сўнг мен учун ҳам, сиз учун ҳам истиғфор айтишини сўрайман” дедим. (Термизий, Манoқиб, 30; Аҳмад б. Ҳанбал, Муснад, V, 391-2)

Буюклардан Муҳаммад Зиёуддин қуддиса сирруҳу Ҳазратлари вақт-вақти билан кичик болаларни олдиларига тўплар, улар билан суҳбат қилардилар. Шундай бир суҳбатдан сўнг аёли у кишидан:

“Улар ҳали кичик бўлсалар, суҳбатни тушунишадими?” деб сўради.

Ҳазрат шундай жавоб бердилар:

“Улар ҳали жуда оз фойда оладилар. Менинг асл мақсадим, уларнинг бир нарса тушуниши эмас. Суҳбат мажлислари Аллоҳнинг раҳматини тортади. Мен ана шу раҳматга эргашмоқчиман. Бу болалар васила...”

Буюк валий Шоҳи Нақшбанд қуддиса сирруҳу:

“Бизнинг тарбия йўлимиз суҳбат устида қурилади. Бундан хайр олмоғимиз Аллоҳ учун солиҳ инсонлар билан бирга бўлмоғимиздадир. Зеро улар билан суҳбатда бардавом бўлишгина ҳақиқий иймонга қовушишни насиб қилади”.

Олимлардан Жаъфар бин Сулаймон раҳматуллоҳи алайҳ ҳам солиҳ инсонлар билан бирга бўлишнинг ўзига келтирган фойдаларини шундай эслайди:

“Қалбимда бир қаттиқлик ҳис қилганимда, ўрнимдан турибоқ Муҳаммад бин Восийнинг ёнига борар эдим. Унинг мажлисига қўшилар, юзларига боқардим. Шу йўл билан қалбимдаги қаттиқлик кетар, ичимда ибодат нашаси ортарди. Елкамдан босиб турган тамбаллик мени тарк кетар ва бир ҳафта шу нашъа билан ибодат қилардим”.

Умар бин Абдулазиз розияллоҳу анҳу:

“Мадинанинг фақиҳларидан Убайдуллоҳ бин Абдуллоҳ билан бир мажлисда бўлиш, менинг учун бутун дунёдан севимлироқ ва хайрлидир. У кабилар билан ёнма-ён ўтириб суҳбат қуришдан ақл нурланади, қалб ҳузурга эришади. Бунинг ортидан одоб қўлга киритилади” дер эдилар.

Буюк валий Абул Ҳасан Шазалий қуддиса сирруҳунинг талабаларидан бири суҳбатларни тарк этганди. Бир кун Ҳазрат ўша талабалари билан учрашдилар. Ундан:

“Нима сабабдан биздан айрилдинг, суҳбатларимизни тарк этдинг?” деб сўрадилар. Талабалари:

“Бу вақтга қадар сиздан олганларим менга етади, энди сизга эҳтиёжим қолмади” деб жавоб берди.

Бу ҳолатдан хафа бўлган Шазолий Ҳазратлари уни шундай огоҳлантирдилар:

“Эй фарзандим! Агар бир кишининг бировдан олган файз билан кифояланиши тўғри бўлса, Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан олган файз билан кифояланиши керак эди. Ҳолбуки, у Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этгунларига қадар у кишидан айрилмади...”

Фақат Абу Бакр розияллоҳу анҳу эмас, бутун асҳоби киром Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларига алоҳида бир иштиёқ билан шошар ва ундан файз олар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳар бир васила билан асҳобларини шунга ташвиқ этардилар. Зеро у зотнинг энг муҳим тарбия усулларидан бири суҳбат эди.

Суҳбат билан ноил бўлинадиган гўзалликларни қўлга киритишга иштиёқли бўлишнинг муҳим томони суҳбатнинг замони ва заминига диққат қаратишдир. Бу мавзуда Абдуллоҳ ибни Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни зериктирмаслик ва насиҳат бериш учун энг уйғун вақтни қўллардилар”. (Бухорий, Илм, 11)

Асҳоби киромдан Абу Воқид ал -Лайсий розияллоҳу анҳу шундай ҳикоя қилади:

Бир куни бир гуруҳ инсонлар билан бирга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Шу аснода эшикда уч киши кўринди. Бири ичкарига кирмасдан орқага қайтди. Иккитаси эса ичкарига кириб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келишди. Сўнг бири ҳалқага қўшилди. Иккинчиси бўш жой қолмаганлиги учун ҳалқанинг орқасидаги бошқа бир бўш жойга ўтирди.

Бироз вақт ўтгач, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суҳбатнинг бир ўрнида шундай марҳамат қилдилар:

*“Сизга шу уч кишининг ҳолини англатайми? Ҳалқада ўтирган биринчи киши Аллоҳ таолога сиғинди. Аллоҳ ҳам уни ҳимоясига олди.*

*Иккинчисига келсак, у киши Аллоҳдан ҳаё қилди, одобга суянди. Аллоҳ таоло ҳам у қулидан ҳаё қилди. Уни азобидан халос қилди.*

*Ичкарига кирмаган бошқасига келсак, у бу мажлисдан юз ўгирди. Аллоҳ ҳам ундан юз ўгирди”.* (Бухорий, Илм, 8)

Бу ҳадиси шарифдаги ҳикматни идрок қилган Исломнинг буюк шахслари илм чўққисида бўлсалар ҳам, доимо Ҳақ дўстларининг мажлисларида кўнгилларини юксалтирганлар. Ҳеч қачон бундай мажлислар ва суҳбатларда бўлишдан қочмаганлар. Ҳатто буюк мазҳаб имомларидан бўлган Аҳмад бин Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ тез -тез буюк валий Бишри Ҳафий қуддиса сирруҳунинг ёнига борар, у билан суҳбат қиларди. Аҳмад ибн Ҳанбал бутунлай у кишига боғланган эди.

Бир сафар талабалари шундай дедилар:

“Эй имом! Сиз Қуръон ва суннат илмларида мужтаҳид (мустақил равишда диний ақидавий ва ҳуқуқий масалалар бўйича хулоса бера оладиган, ҳукм чиқара оладиган шахс) бир олимсиз. Шунга қарамай, бундай оддий бир инсоннинг ёнига бориб келишингиз сизга ярашадими?”

Буюк имом:

“Ҳа, санаб ўтган хусусларингизда мен ундан яхшироқ биламан. Аммо у Жаноби Ҳақни мендан яхшироқ билади ва танийди” деб жавоб бердилар.

### с. Хизмат

***Мақбул бир хизмат ихлос, марҳамат ва фидокорлик тўла бир кўнгил билан махлуқотга эътибор қаратиш ва шу орқали Аллоҳ ризосини қидиришдир. Хизмат аҳли миналанган майдонда юрган каби бир сезгирлик (ҳассосият) ва назокат билан муомалада бўлишга диққат қилишлари лозим. Зеро уларнинг қаршиларидаги ҳамсуҳбатлари назаргоҳи -илоҳий бўлган кўнгиллардир.***

Тасаввуфий тарбияда хизматнинг аҳамияти жуда буюкдир. Тавозе, табиат ва махлуқотга бўлган шафқат туйғусининг кўнгиллардан ўрин олиши хизмат йўли билан кечади. Шу нуқтаи назардан барча муршиди комиллар соликларининг тарбиясида хизматни муҳим бир восита этиб белгилаганлар.

Ислом ахлоқининг асосини ўрганадиган бўлсак, Аллоҳга муҳаббат ва ихлос билан йўналишнинг ягона нишонини ҳам ҳеч шубҳасиз **"хизматда"** да топамиз. Зеро «хизмат қилган ҳимматга ноил бўлади» дастури доирасида хизмат кўнгилларни илоҳий чўққиларга етказувчи тенгсиз бир улвий пиллапоядир.

Бу шундай бир пиллапояки, илоҳий вуслат ҳамда сўнгсиз мукофотга эришган пайғамбарлар ва авлиёлар ана шу пиллапоядан чиқиш билан юксалганлар. Яъни Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир умр:

*"Бир қавмнинг пайғамбари уларга хизматкор бўлганидир..."* (Дайламий, Муснад, II, 324) ҳадиси шарифининг хос бир намунаси бўлганлар.

Шунга кўра бошқа кишилар учун ҳам чўққига чиқиш ва боқийликка эришишнинг йўли самимий бир кўнгилга хизмат қилишда эканлиги аён бўлади. Баъзи ҳолларда илоҳий ризога мувофиқ қилинган кичик бир хизмат кўплаб нафл ибодатлардан устун бўла олади.

Иссиқ жуда шиддатли бўлган бир сафарда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамроҳлари билан бир манзилда тўхтайдилар. Бу вақтда бир неча саҳоба рўзадор эдилар. Қолган бир неча саҳоба эса рўза тутмагандилар. Рўзадорлар чарчаганларидан ухлаб қолдилар. Рўза тутмаганлар рўзадорларга таҳорат учун сув ташидилар. Уларга сояда дам олишлари учун чодирлар қурдилар. Ифтор вақти бўлганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*"Бугун рўза тутмаганлар кўпроқ ажрга ноил бўлди" деб марҳамат қилдилар*. (Муслим, Сиём, 100-101)

Умматга бир қанча бундай хизмат қандилларини узатган Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубо масжиди ва Масжиди Набавий қурилганда асҳобларининг илтимослари ва монеъ бўлишларига қарамай, муборак елкаларида тош таширдилар. Борлиқ Нуридаги бу юксак тавозе ва хизмат руҳи бутун уммат учун тенгсиз бир намуна эди.

Аслида ҳам у зотнинг бутун ҳаётлари бошидан охиригача Ҳаққа, инсониятга ва бутун махлуқотга хизмат билан кечгандир.

У муборак борлиқни ўзларига ўрнак билган барча бахтиёр инсонларнинг ҳаётларида ҳам хизмат энг чиройли сифатлардан бири бўлиб қолмоқда. Яъни ҳар бир Ҳақ ошиғи ва Пайғамбар алайҳиссаломни севган ҳар бир кўнгил аҳли хизматдандир. Бу аҳли хизмат осмондаги ой ва қуёшга ўхшайдиларки, атрофни ёритганларида ўзларининг порлоқликлари янада ортади. На кузнинг, на қишнинг сўлғинлиги уларга бирор зарар бера олади. Бошқа бир ифода билан айтганда, улар узун йўллардан минг бир жонзот (ҳайвонот, дарахтлар, сунбуллар, булбуллар ва гуллар) га хизмат қилиб оқиб ўтган бир ирмоқ кабидирлар. Уларнинг борадиган манзиллари фақат ва фақат жононнинг сўнгсизлик ва вуслат дарёсидир.

Бу ҳақиқатга ошно бўлганлар ўзлари халққа подшоҳ бўлсалар ҳам, бир ходим, бир хизматкор ўлароқ танилганлар. Бунга муборак ҳудудлар салтанатига омонат қилинган Буюк Усмонли давлатининг подшоҳи Ёвуз Султон Салим Хонни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Султон Салим Хон имом хутбада ўзини “Макка ва Мадинанинг ҳокими” деганида ёшли кўзлар билан унга эътироз билдиради. “Аксинча, Макка ва Мадинанинг хизматчиси” дея имомнинг сўзларини тузатади. Султоннинг бундай тузатиш киритиши давомли бир хизматда бўлиш ва Аллоҳга қуллик қилишнинг асл моҳиятини том маънода тушуниб етганлигидан дарак беради.

Убайдуллоҳ Аҳрор қуддиса сирруҳу маълум мартабаларга эришувларидаги хизматнинг барокатини таъкидлаб, неъмат шукри қабилида шундай дейдилар:

*“Биз бу йўлдаги масофаларни фақат тасаввуф китобларини ўқиш билан эмас, балки ўқиганларимизни имкон қадар татбиқ қилиш ва халққа хизмат этиш билан босиб ўтдик. Ҳар ким ўзи учун бир йўлни танлайди, биз ана шу хизмат йўлини танладик”.*

Бу иқрор фақат билишнинг ўзи кифоя қилмаслигини, Ҳақ ошиқлари билганларини хизмат орқали элга тўлиқ етказишлари лозимлигини ифода этади.

Бироқ амалга оширилган хизматнинг Ҳақ ҳузурида мақбул бўлиши баъзи вазифаларнинг астойидил бажарилишига боғлиқдир. Бунга кўра хизматдан мурод ихлос, марҳамат ва жонкуярлик лиммо-лим бўлган

бир кўнгил билан Аллоҳ ризосини излашдир. Яъни хизмат ҳеч қандай нафсий бир манфаатни кўзламасдан самимий бажарилиши ва у билан охират саодатини қозониш мақсад қилиниши лозимдир. Шундай қилинган тақдирдагина Ҳадиси шарифда келтирилганидек, «яримта хурмо» ҳам абадий қутилишга васила бўла олади.

Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари шундай дейдилар:

“Бир кун бозорга боргандим. Бир оч киши ёнимга келди ва:

“Очман, мени Аллоҳ ризоси учун тўйдирасанми?..” деди.

Ўшанда ҳеч бир имконим йўқ эди. Фақат бир эски бош кийимим бор эди. Уни олиб, бир ошхонага бордим. Ошпазга:

“Шу бош кийимимни ол. Бу эски бўлса ҳам, тоза бош кийим. Ювилган идишларингни қуритасан. Фақат бунинг эвазига шу оч инсонни тўйдира оласанми?” дедим.

Ошпаз фақир кишига овқат берди. Сўнг бош кийимимни ҳам қайтариб бермоқчи бўлди. Ошпазнинг илтимосларига қарамай уни қайтариб олмадим. Ўзим ҳам оч бўлганим ҳолда у фақир тўйгунигача кутдим.

Кейин Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари Жаноби Ҳақнинг лутфи билан буюк бир сарватга соҳиб бўлдилар. Далаларида мингларча ишчи ишлайдиган бўлди. Аммо у муборак зот хизматдан асло қочмас эдилар. У кишининг ўзи бойлик даврларидаги ҳоллари ҳақида шундай ҳикоя қиладилар:

“Самарқандда Мавлоно Қутбиддин Мадрасасидаги тўртта хаста одамнинг хизматини бажаришни ўз зиммамга олгандим. Уларнинг хасталиклари кучайиб, кўп вақт ётоқда қолганлари учун ётоқлари кирланиб қоларди. Мен уларни қўлларимда ювар эдим. Хасталарнинг ич кийимларини ҳам кийдириб қўярдим. Узоқ вақт хизмат қилганим учун уларнинг касалликлари менга ҳам кўчди ва ётоққа тушдим. Шу ҳолимда ҳам тоғорада сув келтириб, хасталарнинг тагларини тозалашда, кийимларини ювишда давом этдим”.

Буюклар ҳаётидаги Ҳақ йўлида инфоқ ва хизмат фазилатига доир мукаммал амаллар бизлар учун гўзал бир намунадир. Бир мусулмон қанчалик бой бўлса ҳам, моддий имконларининг ҳаққи ва бадалини фақат маънавий қатъиятини орттириш, қалбий ҳаётини савиялантириш нисбатидагина бера олади. Маънавиятда юксалиш баробарида зуҳд



ҳамда тақво ўлчовларига риоя қилмоқ ва бойлигига қарамасдан комил бир тавозе соҳиби бўлмоқ учун Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратларининг қиссаларидаги каби мукаммал бир даражага эришмоқлик лозим бўлади.

Хизматда маълум бир мартабага эришиш ҳақидаги мушоҳада эса, Ҳақ дўсти Маъруф Каҳрий ҳазратларининг ушбу қиссаларида баён қилинади:

Кекса ёшли ва қийналган бир мусофир хасталаниб, Маъруфи Каҳрий ҳазратларининг ҳузурларига келади. Бу бечора одамнинг сочлари тўкилган, юзининг ранги учган, вужуди бир жангал каби эди. Маъруфи Каҳрий ҳазратлари бир ётоқ тўшаб, хастанинг истироҳатини таъминлайдилар.

Бу хаста киши изтиробининг кучлилигидан инграр, фарёд қилар ва фиғон чекарди. Тундан тонгга қадар ўзи бир дақиқа ҳам ухламас, фарёдлари билан уй аҳлидан ҳам ҳеч кимни ухлатмас эди. Бунинг устига беморнинг ҳоли борган сайин оғирлашарди. У инжиқлик билан уй ичидагиларга жабру ситам етказиб, уларни роҳатсиз қила бошлайди. Унинг бу қўпол табиати ва ёмон муносабатига чидай олмай уйдаги бир-икки киши бошқа жойга кўчиб ўтадилар.

Маъруфи Каҳрий кечалари ухламасдан бу инжиқ хастанинг эҳтиёжларини қондиришга ва унга астойидил хизмат қилишга ҳаракат қиладилар. Фақат бир кун уйқусизликдан жуда қийналганлари учун ихтиёрсиз равишда ухлаб қоладилар. У кишининг ухлаганини кўрган ғофил хаста эса, ўзига шафқат ва марҳамат билан қучоқ очган бу солиҳ зотга ташаккур айтиш ўрнига ёзғира бошлайди. Ўз- ўзига:

“Бу қандай дарвеш бўлди!.. Зотан бу кабиларнинг шон-шуҳратлари зоҳирда, ҳақиқатда эса риёкорлар. Ҳар ишлари ҳавойидир. Булар зоҳиран тоза кўринадилар, аммо ичлари кирдир. Бошқаларни тақвога ундаб, ўзлари унга амал қилмайдилар. Шу туфайли бу одам ҳам менинг ҳолимни тушунмасдан ухлаб қолди. Ўз қорнини тўйдириб ухлаб қолган киши, тонгга қадар кўзларини юммаган бечора хастанинг холини қаердан билади!..” дейди.

Маъруфи Каҳрий бу оғриқли сўзларни эшитсалар-да, сабр ва карам кўрсатадилар. Эшитмасликка оладилар. Лекин у кишининг сабри тўлган аёли бошқа чидай олмайди. Маъруфи Каҳрийга паст овозда шундай сўзларни сўзлайди:





“Бу тарбиясизнинг нималар деганини эшитдингиз. Энди уни бу уйда бошқа қолдира олмаймиз. Бизга янада кўпроқ қийинчилик келтиришига ва сизга жафо этишига йўл қўймайлик. Айтинг, бу ердан чиқиб кетсин ва бошқа бошпана топсин. Яхшилик унинг қийматини билганга қилинади. Нонкўрларга яхшилик қилиш, бу ёмонликдир. Бу уларнинг хулқини янада бузади. Фикри бузуқ кишининг боши остига ёстиқ қўйилмайди. Бундай золимларнинг бошлари тош ёстиқда бўлиши керак”.

Аёлининг бу сўзларини сукут билан тинглаган Маъруфи Каҳрий табассум билан шундай дейдилар:

“Эй хонимим! Унинг сўзлаган сўзлари сени нега хафа қилади?.. Бақирган бўлса менга бақирди, тарбиясизлик қилган бўлса менга қилди. Унинг нохуш сўзлари ҳам менга хушдир. Ўзинг кўриб турибсан, у доимий бир изтироб ичида қолган. Қара, бечора бир нафас ҳам ухлолмайди!.. Билсанг, асл шафқат ва марҳамат бундай кишиларнинг жафосига чидай олишдадир...”

Шайх Саъдий эса, мана бу қиссада қуйидагича насиҳат қиладилар:

*“Хизматдаги фазилат ўзингни бақувват ва соғлом кўрмоғинг, шукрона ила заифларнинг озорига чидамоғингдир”.*

*“Муҳаббат билан тўлган қалб афв этувчи бўлади. Агар сен фақат қуруқ бир суратдан иборат бўлсанг, ўлганингда жисминг каби исминг ҳам ўлади. Агар карам соҳиби ва аҳли хизмат бўлсанг, руҳинг танангни тарк этганидан сўнг ҳам умринг фидокорлигинг ва кўнгилларга кирганинг қадар давом этади. Кўрмайсанми? Каҳрда бир неча мақбара бор. Бироқ Маъруфи Каҳрийнинг мақбарасидаги зиёратчиси каби кўп зиёратчиси йўқ”.*

*Аҳлуллоҳ қандай* гўзал сўзлаган:

“Тасаввуф ёр бўлиб, бор бўлмасликдир”. Яъни ҳамманинг юкини кўтармоқ ва бошқа кишига юк бўлмасликдир.

Қиссадан ҳисса шуки, марҳамат ва фидокорлик хизматлари билан умматга раҳмат эшиклари изланади. Бир ҳикматнинг қиймати у амалга ошиши учун сабр қилинган фидокорликнинг ўлчамига ва уни бир ибодат сифатида ижро қилинганлигига боғлиқдир.

Хизматнинг яна бир шартли томони фақатгина Аллоҳ ризосини ўйламоқлик ва уни қабул қилувчиларни озорламаслик, камситмаслик

услубида бажарилишидир. Бу борада Абдуллоҳ бин Мунозил қуддиса сирруҳу: “Хизматдаги одоб хизматдан кўра азиздир” деб айтади.

Ҳазрати Мавлоно ҳам бу ҳақиқатнинг исботи сифатида:

*“Аллоҳ ишқи учун ҳаракат қил, Аллоҳ ишқи учун хизматда бўл. Халқнинг қабул қилиши ёки рад қилиши билан сенинг нима ишинг бор? Бу фоний дунё бозорида сенга кўп фойда берадиган бир харидор ўлароқ, Аллоҳ кифоя эмас ми? Аллоҳдан оладиганинг қаршисида инсонларнинг берадиганлари нима ҳам бўларди!.. Шундай экан кўзинг ва кўнглингни инсонларнинг миннатдорчилигига эмас, Аллоҳдан келадиган иноятларга қарат!..” дейдилар.*

Тасаввуф йўли кўнгиллардаги яқинликнинг гўзал ва улуғвор бўлишини истайди. Амир Кулол Ҳазратлари ўз талабалари Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳуга шу хусусда сўзлаб, табиатидаги нафсоний хоҳишларни бартараф этиши учун ушбу тавсияларни берадилар:

*“Кўнгил олишга интил, кучсизларга хизмат қил! Заифларни, кўнгли синиқларни ҳимоя қил! Бундай кимсаларга эл-улусдан бирор нарса келмайди. Уларнинг кўпчиликлари қалблари пок, тавозели бўладилар. Аммо чорасизлик ичида қолиб кетадилар. Шундай кишиларни қидириб топ ва уларга хизмат қил!”*

Шоҳи Нақшбанд қуддиса сирруҳу тасаввуф йўлини босиб ўтишнинг илк йилларида ғурур ва кибрни енгмоқ, “ҳечлик” ҳолига етишмоқ илинжида бемор кишилар, изтиробда қолган инсонлар ҳамда яралар ҳайвонларга хизмат кўрсатганлар. Етти йил мобайнида ақл бовар қилмайдиган хизмат ҳаётини бошдан кечирганлар. Одамлар ўтадиган йўлларни ўзлари тозалаганлар.

Бу ҳақда шундай ҳикоя қиладилар:

“Узоқ вақт устозим амр этган йўлдан бордим. Барча хизматларни бажаришга уриндим. Менлигим шу ҳолга етдики, йўлда Аллоҳнинг бирор махлуқоти рўпара келганда жойимда тўхтаб турадиган, унинг йўлдан ўтиб кетишини кутадиган бўлдим. Бу ҳоли етти йил давом этди. Бу хизматимга жавобан кутилмаган бир марҳаматга эришдим. Яъни махлуқотнинг ҳазин овоз чиқариб, Ҳаққа илтижо қилаётганини ҳис этадиган ҳолга келдим”. Юқоридаги бу мисолимиз Холиқнинг махлуқотига Унинг муҳаббати билан назар солиш, уларга фидокорона хизмат этишнинг ёрқин бир кўринишидир.

Жаноби Ҳақ ояти каримада солиҳ мўминлар ҳақида:

**“…Улар хайрда бир -бирлари блан мусобоқалашадилар”** (Оли Имрон, 114) деб буюради.

Солиҳ мўминларнинг бу хайр мусобақасидаги энг муҳим хизмат ўринлари эса вақф муассасаларидир. Инсониятнинг энг чўққисида бўлган пайғамбарлар, валийлар ва уларнинг тарбиясида камолга етган мўминлар бунга пойдевор қўйганлар. Улар кўнгилларидаги иймон ҳаяжонини дунёнинг тўрт тарафига етказганлар. Тарихимизнинг энг қимматли саҳифаларини ҳам ана шу инсонлар тўлдирганлар.

Албатта, хизматлар турли хилдир. Аллоҳ ризоси учун ғайрат билан бажарилган ишларнинг барчаси хизмат тушунчаси доирасига киради. Муҳими, бунда баркамол кўнгил соҳиблари хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин ўз лаёқатлари, истеъдод ва иқтидорлари ўлчовидаги бир хизматни амалга оширадилар. Зеро Аллоҳ таоло ҳар кимга ўзига мос бир хизматни тақдир этганю Уни яратилишига кўра бирор ишга лойиқ қилиб яратган. Бунинг учун моддий-маънавий томондан лозим бўладиган имконларни ҳам бағишлаган.

Шу ўринда жуда ибратли бир ҳолни ҳам эсга олиб ўтишимиз лозим. “Вадо хутбаси”да қарийб бир юз йигирма минг саҳоба бор эди. Булардан юз мингдан ортиқ саҳобий дунёнинг турли бурчакларига тарқалиб кетдилар. Ўзларини илоҳий ризо йўлидаги хизматга бағишлаб, ўша ерларда вафот этдилар. Ҳазрати Усмон ва Аббос розияллоҳу анҳумонинг ўғиллари Самарқандда вафот етганлари учун уларнинг зиёратгоҳлари Самарқандда, кўпгина саҳобаларнинг қабрлари эса Истанбулдадир. Макка ва Мадинада қолганларнинг кўпчилиги Ислом маркази бўлган ана шу маконларни ҳимоя қилиш хизматларини бажарганлар.

Холид бин Зайд Абу Айюб ал- Ансорий Ҳазратлари қарийб саксон ёшида, кекса ҳолига қарамай икки марта Истанбул шаҳри деворларигача келадилар ва шу ерда вафот этадилар. У кишининг бу ерлардаги инсонларни ҳидоятга чақириб, дунё ва охират саодатига қовуштиришлари жаҳоншумул бир ғайратнинг юзага чиқишидир.

Хизмат ишқи ва охират ободлиги учун кураш бу кишиларни дунёнинг тўрт тарафига йўллаган эди.

Хизмат руҳининг муаззам мисолларидан яна бири эса, Ваҳб бин Кабша розияллоҳу анҳу бўлдилар. Бу муборак саҳобийнинг мақбараси

Хитойдадир.[30] Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини Исломни тарғиб этиш учун Хитойга юборган эдилар. Ҳолбуки, у замондаги уловлар билан борилганда Хитой бир йиллик масофада эди. Бу саҳобий у ерга бориб узоқ вақт динни ёйиш вазифаларини адо этадилар. Сўнг кўнгилларини соғинч ўртаб, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳасратларини босиш умидида Мадинага қайтадилар. Бир йил давом этган машаққатли бир йўлчилик ортидан Мадинаи Мунавварага восил бўладилар. Фақат Аллоҳнинг тақдири сабаб Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом вафот этганликлари учун у зотни кўра олмайдилар. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзларига амр қилинган хизматнинг муқаддаслигини идрок этиб, такрор Хитойга йўл оладилар. Хизматда пайтлари ўша ерда вафот этадилар.

Албатта, бу иймон тушунчаси билан тоқат қилинадиган ва фидокорона бир хизматнинг намойишидир. Бу порлоқ юлдузлар бизнинг ишқимиз ва руҳимизни ойдинлатдилар. Биз учун абадий қутулиш йўлларини кўрсатдилар.

Ҳеч шубҳа йўққи, саҳобаи киром бу мартабага Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг беқиёс тарбиялари нури билан эришганлар. Улар шу тўққиз кўрсатмага қатъий риоя этиб, шундай шарафга ноил бўлганлар:

1. Аллоҳга хизмат (амр ва талабларни севиб адо қилиш);

2. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат (у зотга кўнгилдан муҳаббат ҳис қилган ҳолда, суннати сония бўйича яшаш);

3. Ислом буюкларига хизмат (меҳр бера олиш ва садоқат кўрсатиш);

4. Она -отага хизмат (“уфф” демасдан уларнинг ризоларини қозониш);

5. Фарзандларга хизмат (солиҳ бир фарзандни камолга етказиш вазифасини адо этмоқ);

6. Қариндошларга хизмат (силаи раҳм ва уларга эҳсон қилиш);

30 Хитойнинг Чанжоу шаҳрида ҳам Саъд бин Ваққос розияллоҳу анҳуга нисбат берилган бир жой бор. Бу ерлардаги аҳоли Саҳобаи киром ва аҳлуллоҳнинг қабрлари бўлган ҳудудларни ва уларнинг диний туйғуларини ҳимоя қилиб келганлар. Бу тарихий бир ҳақиқатдир. Марказий Осиёнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Туркистон каби ҳудудларида бунга мисол бўладиган зиёратгоҳлар кўплаб учрайди.

7. Мўминларга хизмат (қайғу ва севинчларига ошно бўлмоқ);

8. Бутун инсониятга хизмат (қўл ва тил билан уларга фойда келтириш);

9. Махлуқотга хизмат (бутун борлиқни шафқат қаноти остига олмоқ).

Бу хизматлар адо этилиши хусусидаги Али Ромитаний Ҳазратларининг ушбу ифодалари жуда ибратлидир:

*“Миннат билан (юзига солиш билан) хизмат қилган кўпдир. Хизматни неъмат деб билганлар эса жуда оздир. Сиз хизматда бўлиш имконини қўлга киритишингизни бир неъмат билинг. Агар қилган хизматингиздан ўзингиз қониқсангиз, бошқалар ҳам сиздан мамнун бўладилар ва шикоятчингиз озаяди...”*

Бу ўринда руҳимизнинг саломатлиги, яъни ҳузур ва сакинатга етмоғимиз ана шу хизматлар орқали қўлга киритилиши айтилмоқда. Ибодат маъносидаги табиий бир хазинага эришишимиз мумкинлиги таъкидланмоқда. Шу сабабли хизмат руҳи ва сурурига соҳиб бўла олган бир мўмин ҳар қандай шароитда ҳам бунга фурсат топа олади. У Аллоҳ ризоси учун кўрсатадиган бу фидокорлигида дунёвий манфаатлар ортидан югурганларнинг ғайрати ва ҳавасидан ортиқ ғайрат кўрсата олади.

Банданинг қалбида ишқ иқлимидан озиқланган хизмат орзуси бўлиши уни сўнгсизлик сайёҳига айлантиради. Унинг қалби Ҳажжожи Золимнинг қаҳридан узоқлашади, Юнуснинг шафқат ҳиссига бурканади. Шу руҳ билан эришилган илм, маданият ва ахлоқий етуклик бандани сархуш этувчи бир абадийликка қовуштиради. Шундан сўнг самимийлик ва ҳақиқат ила адо этилган бу хизмат сабаб қалбий етукликнинг бир шоҳ асари яралади. Биз ана шундай етук қалбларни “назаргоҳи илоҳий” деб атаймиз.

Умрни қалбий барокатдан узоқ ҳолатда ўтказиш жуда катта йўқотишдир. Кўнглини ҳақиқий хизмат ишқи билан тўлдира олганлар эса, нақадар бахтлидирлар!

### d. Таважжуҳ

Таважжуҳ (юзланиш) муршиднинг бор маънавий кучини мурид-нинг қалбига йўналтириши ва шу шаклда унга ҳол кўчиришидир. Яъни муршиди комилнинг гўзал ҳолларини муридига кўчиб ўтишидир. Бундай кўчиш орқали муршид мурид-нинг руҳи ва қалбини эгаллайди. Бу



йўл билан руҳ ва қалбни тасарруф этишнинг аслий ва фаръий бўлган кўплаб воситалари мавжуддир.

Биз ана шу таважжуҳ воситаларидан - “кўз” (назар) ва “ўз” хусусида баҳс этамиз.

***Кўз (Назар):***

Кўз боқиш воситасидир. Бу шаклда юзага келадиган таъсирни ифодалаш учун “кўз” сўзи қўллаганда, кўзнинг бажарган вазифаси “назар” (қараш) эътиборга олинган бўлади. Бироқ халқ орасида “назар” калимаси узоқроқ муддат қараб турмоқ билан ҳосил бўладиган таъсирга нисбатан ишлатилади. Устига устак бу таъсир фақат салбий бўлиши назарда тутилади. Назар ёки “исобати айн” дейилганда, бир кишининг қараши билан ҳосил бўладиган моддий ёки маънавий зарар ифодаланади. Ҳадиси шарифларда назарнинг бу турига шундай таъриф берилади:

*“Кўз тегиши (назар) ҳақдир”.* (Бухорий, Тиб, 36)

*“Назар инсонни қабрга, туяни қазонга туширади (ўлдиради)”.* (Суютий, ал-Жомеи Сағир, II, 60)

Шу маънода назарнинг таъсири ҳақидаги билимлар ва у ҳақда мушоҳада қилиш ҳаржи олам дейилади. Яъни бу ҳаммага маълум бўлган ва қабул қилинган бир ҳақиқат демакдир. Аммо кўз орқали ўтадиган таъсир одамлар ўйлагани каби ҳар доим ҳам зарарли бўлмайди. Бу таъсир фойдали томонлари билан ҳам намоён бўлиши мумкин. Бунинг сабаби қараётган кўздан қабул қилувчига йўналтириладиган **шуа – нур**нинг моҳиятини тўлиқ англаб бўлмаслигидир. Зеро пайдо бўладиган таъсир ҳам шуанинг салбий ё ижобий сифатда эканлигига боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда шуа (нур) ҳақидаги физикавий билимлар жуда ҳам ривожланган бўлиб, улар бундай таъсирни илмий бир ҳақиқат каби қабул қилишимизни талаб этади.

Бизнинг давримизга келиб кашф этилган “лазер” ҳам шуанинг бир туридир. Унинг ёрдамида қалин темирлар кесилаётганлиги, турли лазерли амалиётлар ўтказилаётганлиги ҳам барчага аён бўлган бир ҳақиқатдир. Шунингдек, шуа қаршисидаги баъзи жисмларда (айниқса,

унинг нур юзасидаги рангларида) белгилар кўриниши ҳам аввалдан маълумдир.[31]

Кўздан чиққан шуа (нур) қаршисида ҳосил бўлган таъсир қараган ё қаралган кишида ҳамма вақт ҳам бир хил даражада бўлмайди. Хоҳ салбий, хоҳ ижобий қувватли бўлсин, кўзлардан чиқадиган шуа (нур)лар суҳбатдошларга бир хил таъсир қилмайди. Зеро айрим кишилар жуда таъсирчан бўладилар, баъзилар эса кўп ҳам таъсирланмайдилар. Одамлар боқиши салбий таъсирга эга бўлган кишиларни (кўзидан салбий шуа чиқадиган кишиларни) "назарчи" деб атайдилар. Бундайларнинг назаридан ҳимояланишга ҳаракат қиладилар.

Назар ҳақиқати баъзи ҳайвонларда ҳам бўлади. Масалан, заҳарли илоннинг боқиши шу қадар ўткирки, бу назар ҳомиласи бор аёлнинг ҳомиласи тушишига ва ҳатто бир неча инсоннинг ўлимига ҳам сабаб бўла олади.[32]

Халқ илмий томонини билмаса-да, ҳиссий ёки нақлий (ривоятларга кўра) жиҳатдан биладиган "назар" тушиши ҳолати тасаввуфда ҳам муҳим саналади. Айниқса, бу ҳолат соликнинг маънавий тарбияси учун жуда аҳамиятлидир. Зеро муршиди комиллар риёзат ва қалбий покланиш натижасида назарларидаги таъсир кучини ҳадди аъзамийга олиб чиқишга эришган кишилардир. Бу салоҳият ва қудратга ворис бўлиш ҳуқуқи уларга Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўтиб келгандир.

31 Баъзи кутубхоналарда ўқиш столлари устига яшил матолар тўшайдилар. Бу кўзлар чарчамаслиги учундир. Чунки инсоннинг кўзи денгизга ва уфққа қараганида қандай тинчланса, яшилга қараганида ҳам шундай тинчланади. Ёзда кўпчилик инсонларнинг оқ кийим кийишлари, бу ранг қуёш нурларини орқага қайтариши сабаблидир. Қора рангнинг нурларга қарши реакцияси эса, бунинг бутунлай аксидир. Қуюқ рангли кийим қуёш нурларини қайтара олмайди, балки ўзига ютади. Шу туфайли бундай кийим инсон вужудини иссиқ тутади. Бундан ташқари докторлар касалхонада тозалик рамзини билдирадиган оқ рангли кийимларда бўладилар. Амалиёт хоналарида шиша рангига яқин яшил кийимлар кийишади. Бу ҳолат яшил ранг кўзларни чарчатмаслиги ва тинчлантириш хусусиятига эгалигига асосланган. Шунингдек, сариқ ва мовий рангларнинг ҳам шуани жалб қилиш қобилияти бор. Қараш болаларга зарар бермаслиги, яъни халқ таъбири билан айтганда "назар тегмаслиги" учун уларга тилла ёки мовий рангли мунчоқ тақиб қўйишади.

32 Қрн.Бухорий, Баъдул халқ, 14.

Инсоният маънавий камолотининг аввалида пайғамбарлар силсиласи туради. Кейинги ўринда эса, бу юксалишдаги беқиёс хизматлари учун “саҳобаи киром” ни тилга оламиз. “Саҳоба” сўзи “суҳбат” сўзи билан ўзакдош бўлиб, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириш шарафига эриша олган кишиларни билдиради. Улар у зот алайҳиссаломнинг файзли суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар. Саҳобалар эришган шон- шараф ва эътиборнинг бир сабаби “Пайғамбар алайҳиссалом билан суҳбатлашмоққа мушарраф бўлганларининг барокати” дандир. Бунинг асл сабаби эса, у муборак борлиқнинг “назарларига муҳаттаб бўлиш” (у зотнинг ўзларидан қабул қилишга мушаррафлик) ҳолатидир. Бу ўринда “саҳобалик” нинг турли мезонлари хусусида мулоҳаза юритилмаса ҳам, улар эришган энг муҳим жиҳатни айтиб ўтмоғимиз лозим. Улар иймон келтиришни истаган бир инсон сифатида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтиришга мушарраф бўлганлар. Шунингдек, у зот алайҳиссаломга қарамоқлик ва назарларига муҳаттаб бўлмоқлик ҳолатига ноил бўлганлар.

Авлиё зотлардан бўлган энг юқори мартабадаги бир валийни ҳам энг паст мартабадаги бир саҳоба билан асло қиёслаб бўлмайди. Зеро саҳобалар билан улар орасида Пайғамбар алайҳиссаломнинг назарларига муҳаттаб бўлиш орқали эришилган ва бошқа ҳеч қандай йўл билан етишиш мумкин бўлмаган катта бир фарқ бордир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин келган мусулмонлар бу назарга муяссар бўлмаганлари учун саҳобийлик мақомига эриша олмаганлар. Яна Ҳазрати Пайғамбар даврларида яшаб саҳобийлик шарафига етганларни кўрган мўъминлар “тобеин” бўлиш билан шарафланганлар. Уларни кўрганлар эса, “тобеъ тобеин” бўлиш шарафига муваффақ бўлганлар.

Башарият маънавий камолотига ўз ҳиссаларини қўшган авлиё зотлар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маънавият водийларидаги тасарруфлари (маънавият водийларидаги эгалик ҳуқуқи) га ворис саналадилар. Шу туфайли улар бошқалар билан қиёслаб бўлмайдиган бир салоҳият ва иқтидорга эгадирлар. Бир муршиди комилдан лойиқ даражада фойда олиш учун унинг севганларидан бўлишнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун у зотнинг нурли назарига муҳаттаб бўлишнинг шарафи ва файзига эришиш шартдир.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:



*“Мўъминнинг фаросатидан сақланинг! Чунки у Аллоҳнинг нури билан боқади”* (Термизий, Тафсир, 15) *дея, ҳар бир мўъминнинг фаросати иймони нисбатида бўлишига ишорат этганлар.* Комилликка эришган бу мўъминларнинг, яъни авлиё зотларнинг фаросатлари бошқаларга нисбатан қувватли эканлиги ҳам эътиборлидир.

Ҳадиси шарифда “Сақланинг!” дея огоҳлантирилади. Бу “Комил мўъминларнинг ҳузурига яширин манфаатлар ва кўнгил ғуборлари билан борманг, чунки улар тенгсиз бир фаросат ила сиз яширишга уринган нарсаларни ҳам кўрадилар” деганидир. Зеро назари бу қувватга эришган зотларга зоҳирий пардалар йўқлиги учун ҳақиқатлар аниқ бир шаклда намоён бўлади. Бундан олимнинг қаршисида тилни тийиш, орифнинг қаршисида эса кўнгилни муҳофаза қилиш лозимлиги аёнлашади. Бунга амал қилиш диннинг бир одобига риоя этиш билан баробардир.

Муршиднинг тарбия усули сифатида қўллайдиган энг унумли воситаларидан бири кўз (назар) бўлганлиги учун соликлар муршиднинг назаридан баҳраманд бўлмоқликни энг саодатли ҳол деб биладилар.

**Бир хотира**

Имом Ҳатиб лицейида ўқиган йилларим эди. Ўша пайтларда Аҳмаджон исмли қалби гўзал бир инсон билан танишдим. У инсон Покистондан келган эди. Аҳмаджон Шомий Афанди Ҳазратларига боғланиб қолганди. Раҳматли отам Мусо Афанди қуддуса сирруҳуни ҳам жуда яхши кўрарди. Ҳеч ҳам ёнларидан айрилишни истамасди. Шомий Афанди Ҳазратларини зиёрат қилиш учун Туркияга тез-тез келиб турар эди. Бизникига келганида эса, боғимиздаги меҳмонхонада қоларди.

Аҳмаджоннинг кўнгли шу қадар теран бир муҳаббат билан тўла эдики, Шомий Афанди Ҳазратлари билан суҳбатлаша олмаган кезларида ҳам у кишини кўриш иштиёқи билан ёнарди. Ҳазрати Шомийнинг уйлари атрофида айланиб юрарди. Бир оқшом ўзининг бу муҳаббати қай тарзда пайдо бўлганлигини шундай ҳикоя қилиб берди:

“Бир ҳаж мавсуми эди. Равзаи Мутаҳҳарадаги Асҳоби Суффада ўтирган эдим. Бир пайт нурли сиймосига қараган кишига Аллоҳни хотирлатадиган ғоят зариф бир зот нуроний кишилар қуршовида шу томонга келдилар. У киши қаршимда тўхтаганларида мен ғарибга ўзгача бир **назар** билан боқдилар.



Малакнинг кўзлари каби бу кўзлар назаридан бир онда бошқа бир иқлимга, бошқа бир дунёга кириб қолгандек бўлдим. Ҳамма нарса ўзгарди. Менга таъсир этган бу маънавий ҳисдан ўзимни йўқотар ҳолга келдим. Бир лаҳзада бу файзли инсонга мафтун бўлиб қолдим. Бироз ўзимга келгач, дарҳол у зотни излаб топишга қарор қилдим. Фақат Равзаи Мутаҳҳарада одам кўплиги сабабли у кишини топишимнинг имкони бўлмади.

Кейин шу ердан қайтиб ўтсалар керак деган хаёлга бордим. Ўша жойда у кишини кута бошладим. Аллоҳга шукрки, умидим пучга чиқмади. Жуда ҳам севиниб кетдим. Сўнг уларнинг ортларидан кузатиб бордим. У кишининг ёнидагилар мени тиланчи деб ўйладилар. Улардан бир неча киши менга садақа бермоқчи бўлишди. Аммо уларнинг қўлларидан ҳеч нарса олмадим. Аслида бой-бадавлат инсон бўлмасам ҳам, у солиҳ зотнинг назарлари барокатидан дунёга тааллуқли ҳамма нарса кўз ўнгимда ўз қийматини йўқотган эди. Мен энди ўзгача бир қаноат дарёсига ғарқ бўлгандим.

Ниҳоят улар бир уйга етиб бордилар ва ичкарига кирдилар. Мен ҳам уларнинг орқаларидан шу уйга кирмоқчи бўлдим. Табиийки, у зот билан бирга келганлар мени танимаганлари учун бунга қаршилик қилдилар. Бироқ орифлар султони Ҳазрати Шомий ортга қайтиб, мени ҳам ичкарига таклиф этдилар. Мен шу уйдаги суҳбатда бу буюк зотнинг бир неча тажаллиларига, **назар** ва **таважжуҳларига етишдим**.

Алҳамдулиллаҳ, у назар ва таважжуҳлар сабаб менинг бутун ҳаётим ўзгарди. Гўзал бир оламга эврилди. Мен энди бутунлай ўзга бир инсонга, жуда латиф ва боқий бир дунёнинг инсонига айландим.

Ҳозирда ҳар йили бироз пул тўплаб, шу ерларга келишни орзу қиламан. Зеро у зотнинг назарларидан, у зотнинг таважжуҳларидан баҳраманд бўлиш кўнглимнинг энг буюк маънавий ютуғи ва ягона қувончидир”.

***Ўз (негиз):***

Муршид мурид нинг руҳи ва қалбини тасарруф этиш учун фойдаланадиган энг самарали восита “ўз” дир. Бу “қуддуса сирруҳу” деб тилга олинадиган валийларнинг “сир” ларини қўллаш билан юзага келади.





Бундай воситанинг моҳиятини фақат уни қўлланганлар биладилар. Бу восита тасаввуфнинг ҳол қисмига алоқадор бўлиб, қол (сўз) қисмига оид бўлмаганлиги учун китоблардан ўрин олмаган.

**е. Дуо**

Муршиди комилнинг соликни йўналтириш учун мурожаат қиладиган воситаларидан яна бири дуодир. Бу ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мурожаат этишдан келиб чиққан бир ҳолатдир.

Бизга Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг мусулмон бўлишларидан илгари, тасаввур этиш мумкин бўлмаган энг мудҳиш ёмонликни амалга оширишга жазм этганликлари маълумдир. У киши Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломни ўлдирмоқчи бўлганлар. Бироқ Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдинроқ қилган дуолари барокати билан бундан воз кечганлар ва ҳидоятга эришганлар. Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида бунга ўхшаш воқеалар жуда кўп бўлган.

Саҳобалар Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан Тоиф қамалида мусулмонларга жуда кўп зарар келтирган Соқиф қабиласини бад дуо қилишларини сўрайдилар. Аммо Раҳмат Пайғамбари бўлган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ҳидояти учун дуо қиладилар. Бу дуонинг барокати сабаб қисқа бир муддатдан сўнг, Соқиф қабиласидагилар Исломни қабул қилишади. Уларнинг ўзлари Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузурларига келишади.[33]

Шайба исмли саҳобий бу воқеани қуйидагича ҳикоя қилиб беради:

“Ҳунайн куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда жангда иштирок этдим. Мен бир мусулмон сифатида Пайғамбарга эргашганлигим учун эмас, балки Ҳавозин қабиласи Қурайшга қарши аскар тўплаши ва жанг қилиши қийинлигини билганлигим учун жангга кирган эдим. Жанг пайти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эканлигимда у зотга:

“Мен оқ-қора (ола- була) отларни кўраяпман” дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

33 Қрг. Ибни Ҳишом, ва -Сийра, IV, 103.



“Шайба*! Мусулмонларга ёрдамга келган отларни фақат кофирлар кўради*” дедилар. Сўнгра елкамга қўлларини қўйдилар ва:

“*Ё Раббий! Шайбага ҳидоят бер*” деб марҳамат қилдилар. Иккинчи ва учинчи маротаба айни дуони такрорлаб елкамга урдилар. Учинчи марта елкамдан қўлларини олганларида ер юзида менга у зотдан севимлироқ бошқа бир киши йўқ эди”. (Ибни Касир, ал Бидоя, IV, 333)

Машҳур ровий Абу Ҳурайра ҳар вақт онасини иймон келтиришга ундайди. Бироқ у кишининг онаси Исломни қабул қилишга унамайди. Охирида Ҳазрати Пайғамбарнинг дуолари барокати билан ҳидоятга эришади.[34]

Дуонинг бу самарали таъсири Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ворисларида ҳам аъзамий дуо даражасидадир. Бу эса барокатли бир тасарруф (эгалик қила олиш) ҳамда ислоҳ воситасидир.

Дуо ҳар ҳолатда бир натижа ҳосил қилади. Агар дуодаги талаб “қадари мутлақ” сабабли натижасиз қоладиган бўлса, унга мос илоҳий икром охиратда тажалли этади. Булар хусусида ҳам ҳадиси шарифларда собит этилгандир.[35]

Шунингдек, дуо бир барокат бериши учун юксак салоҳиятли ва солиҳ бир кишидан содир бўлиши ҳам шарт эмас. Дуо холисона ва жиддий бир мақсад билан қилинган бўлиши лозим. Бу ҳолда бир гуноҳкор мўминнинг мўмин биродари учун қилган дуоси ҳам қиймати баланд бир дуо бўла олади. Зеро Жаноби Ҳақ бандаси қанчалик гуноҳкор бўлмасин, ундан воз кечмайди. Агар шундай бўлганида, айбли бир қулининг хатосини айтишни “ғийбат” санамас, буюк бир гуноҳ деб айтмас эди.

Шу сабабли “**Ҳасбал башар”** –гуноҳдан омонда бўлолмаган кишиларнинг “Мен қилган дуо ижобат бўлмайди!” деган тушунчага келиб қолишлари, уммати Муҳаммадга ва севганларига дуо қилмай қўйишлари тўғри амал саналмайди. Энг гуноҳкор бир қул ҳам бошқа бир киши учун холисона дуо қила олса, албатта ижобат бўлиши мумкин. Жаноби Ҳақ Ўзи истаган қулининг дуосини қабул қилади.

Бу ўринда дуонинг бошқа хусусиятлари борасида ҳам бир оз сўз юритиш фойдали бўлади:

34 Қрн Муслим, Фазоилус саҳоба, 158.

35 Қрн. Аҳмад бин Ҳанбал, Муснад, III, 18.





Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар доим мўминлар бир -бирларини ўзи борлигида ҳам, ўзи бўлмаган пайтда ҳам дуо қилиб туришларини тавсия этардилар. Пайғамбар алайҳиссалом умра зиёратига чиқиш учун изн сўраган Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга:

*“Бизни ҳам дуо қилшни унутма қардошим!”* деб, у кишидан дуо сўраганлар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бундай илтифотли муомаладан кейинги аҳволини:

“Гўё бутун оламлар меники бўлгандек севиндим” дея ифодалаганди. (Термизий, Даоват, 109; Абу Довуд, Витр, 23)

Шубҳасиз, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ қаршисида махлуқотнинг энг шарафлисидирлар. Бироқ Борлиқнинг Нури шундай шарафга эга бўлсалар-да, ўз асҳобларидан дуо қилишини илтимос қилганлар. Бу ҳолат камолотга етган авлиё зотларнинг мақом эътиборидан ўзларидан паст савияда бўлганларнинг дуоларидан ҳам фойда топа олишларига бир ишоратдир.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга:

*“Тобеиннинг энг хайрлиси Увайс исмли бир кишидир. У Аллоҳга қасам этса, Жаноби Ҳақ уни албатта қасамига содиқ қилади. Агар сизлардан биринг из у билан учрашса, у сизлар учун ҳам мағфират сўрашини унга етказсин”* [36] *деб марҳамат қилганлар.* Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳам Увайс Қараний Ҳазратлари билан учрашганларида дуо қилишини сўраганлар.

Расулуллоҳ алайҳиссалом умматга фазилат ва тақво соҳиби бўлган солиҳ зотлардан (балолар ва қийинчиликлар бошдан ариши ҳамда хайр етишини тилаб) дуо сўрашни тавсия қилганлар.



36 Қрн. Муслим, Фазоилус саҳоба, 223-225.



***Сен (доим) мағфират йўлини тут, яхшиликка буюр...***




## Е. ТАСАВВУФИЙ УСЛУБ

### 1. ҲИДОЯТ ВА РАҲМАТ УСЛУБИ

Муршиди комиллар тасаввуфда иршоднинг мазмуни қанчалар муҳим бўлса, услуби ҳам шунчалик аҳамиятли эканлигини жуда яхши билганлар. Бу борада ҳам набавий йўлни тутиб, кўплаб ҳидоятларга эришганлар. Соликлар маънавий тарбияда етукликка эришишлари учун уларга шафқат ва марҳамат билан ёндашишни ўзларига дастур қилиб олганлар. Шу йўсинда анчагина самарали натижаларни қўлга киритганлар. Ҳақ дўстларининг ҳаётлари бу мавзуга алоқадор саноқсиз мисолларга тўладир. Қуйида улардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

Буюк мутасаввиф Иброҳим Ҳаққи Эрзурумли Ҳазратнинг ушбу қиссаси жуда ибратлидир:

“Рамазони шарифда Иброҳим Ҳаққи Ҳазратни ваъз ва насиҳат қилиш учун бир қишлоққа таклиф қиладилар. Қишлоқдагилар у кишини олиб кетиш учун бу вазифаларни маълум бир ҳақ эвазига бажарадиган ғайридин бир хизматчини юборишади. Хизматчи билан бирга у киши учун бир от ҳам жўнатишади.

Иброҳим Ҳаққи Ҳазратлари у билан бирга йўлга чиқадилар. Уловлари битта бўлганлиги учун у киши Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу каби “ахлоқи ҳамидия” усулини қўллайдилар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу қуллари билан Қуддусга бораётганларида шу усулда туяга навбатма-навбат миниб кетганлар.

Ғайримуслим хизматчи қайта-қайта:

“Қишлоқдагилар бу ҳолатни кўрсалар, мени уришадилар. Иш ҳаққимни ҳам бермайдилар!” деб эътироз билдиради. Ҳазрат:

“Болам, охирги нафасда ҳолимиз нима бўлиши ноаниқ! Сен қишлоқликлар танбеҳ беришларидан андиша қиляпсан, мен эса Аллоҳ ҳузурида

бериладиган буюк ҳисобдан қўрқаяпман!..” дедилар. Сўнг отга навбат билан миниш талабини ўртага қўйдилар.

Ҳикмати илоҳий... Қишлоққа кирар эканлар, Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг мисолида бўлгани каби навбат хизматчига келди. Қишлоқдошларидан қўрққан хизматчи ҳаққидан воз кечганини айтиб, Ҳазратдан отга ўзлари минишларини қайта -қайта илтимос қилди. Бироқ Иброҳим Ҳаққи Ҳазратлари:

“Навбат сеникидир!” дедилар. Қишлоққа отнинг олдидан юриб, кириб бордилар.

Халқ бу ҳолни кўриб, хизматчининг атрофини ўраб олди ва:

“Эй динсиз! Ёш бўлишингга қарамасдан отга ўзинг миниб олиб, оқ соқолли кекса устозни пиёда қолдирдингми?! Сенинг садоқатинг шуми? Биз сенга шундай ўргатганмидик?!..” дея унга оғриқли сўзлар айтдилар.

Иброҳим Ҳаққи Ҳазратлари уларга вазиятни изоҳлаб бердилар. Шундан сўнг қишлоқдагилар хизматчини айблашдан тўхтадилар. Улардан бири ғайридин хизматчига қараб:

“Эй одам! Бу қадар фазилатни ўз кўзинг билан кўрдинг ва бошингдан ўтказдинг! Энди мусулмон бўл!” деди.

Хизматчи бир- икки дақиқа жим турганидан сўнг, у ерда ҳозир бўлганларга шу ибратли жумлаларни сўзлади:

“Агар сиз ўзингизнинг динингизга даъват қилаётган бўлсангиз, асло рози бўлмайман! Бироқ шу муборак зотнинг динига даъват қилаётган бўлсангиз, у динга йўлда эканлигимизда иймон келтириб бўлган эдим!..”

Бағрикенг бир Ҳақ дўсти тарафидан келтирилган бу мисол ҳидоят ва раҳмат услубини ўртага қўймоқда. Инсоннинг асл борлиғига қараб муомала қилиш яратилганга Яратган назари билан қарай олмоқликдир. Шу сабабли солиҳ кўнгиллар инсонни Жаноби Ҳақнинг ер юзидаги “халифаси” ва оятда баён қилингани каби Раббилари: **“Ўз руҳидан (қудратидан бир сир) пуфлаган”**[37] борлиқ деб биладилар. Инсон гуноҳлар сабаб қанчалик кирланган бўлса ҳам, Аллоҳнинг дўстлари яратилишидаги мукаммаллик сабаб унга орқа ўгирмайдилар. Инсондан осонгина умид

37 Қрн. Саждa сураси, 9.



узмайдилар, аксинча у ҳам умидини узмаслиги учун ҳаракат қиладилар. Бу ҳақиқатан инкор қилиб бўлмайдиган ақлий ва ҳиссий бир сабабдир.

**“Роҳман ва Роҳийм”** исмлари Қуръони Каримда энг кўп келтирган исмлардир. Ҳатто жами маҳлуқотига марҳаматли Зот, барчага бирдек меҳрибон ва неъмат берувчи маъноларида келган “ар-Роҳман” исми билан бир сура ҳам нозил қилинган. Унинг илк ояти “ар-Роҳман” деб бошлаган.

Шу жиҳатдан инсонга кўнгил дарчасидан, яъни ҳидоят ва раҳмат услуби нуқтаи назаридан яқинлашиш илоҳий ризога мувофиқ келадиган бир йўлдир. Бунинг самараси ниҳоятда барокатли бўлиб, бу услуб энг юксак даражадаги улвий гўзалликларни бардавом этувчи хусусиятларни ўз ичига олади.

Чунки бу услуб уни татбиқ қилганга ҳам, у татбиқ этилган инсонга ҳам ўзгача бир латофат, етуклик, муҳаббат ва Ҳаққа рағбат хислатларини юксалтирувчи бир воситадир. Юнусларни Юнус, Мавлоноларни Мавлоно қилган барҳаётлик омилидир. Маънан ўлаётган неча-неча хаста руҳларга бир оби ҳаёт кабидир.

Шунинг учун тасаввуфнинг мазмуни ҳам, унга оид услублардан фойдаланиш ҳам Исломни тарғиб қилишда доимо катта аҳамиятга эга бўлган. Муғуллар истилоси Онадўлининг ижтимоий низомини бузган бир даврда Мавлоно ва Юнус Эмро Ҳазратлари каби буюк мутасаввифлар камолотга етган эдилар. Улар бу даврда осойишталик ва ҳузур булоқлари бўлганлари тарихий бир ҳақиқатдир. Шунингдек, бу мутасаввифлар тушкунликка тушиб қолган халқнинг қонаган яраларига шифо бўлганлар. Ҳорғин кўнгилларга тасалли берганлар. Улар неча ғофилларга нажот кутган хасталар каби муносабатда бўлганлар ва ҳар вақт “кин ва нафрат” ила муомала қилишдан узоқда яшаганлар. Юнус қандай гўзал сўзлар сўзлаган:

*Мен келмадим даъвий* [38] *учун,*
*Менинг ишим севги учун,*
*Дўстнинг уйи кўнгиллардир,*
*Кўнгиллар топмоққа келдим!*

38 Даъвий-даъво, иддао.

Бу буюк шахсиятлар кўнгилларни обод этмоқ учун келганлар. Шу боис улар инсонларга фақат кўнгил даричаларидан боққанлар. Ён- атрофларига доимо муҳаббат ва шафқат ҳисларини ёйиб, неча-неча адашганларнинг ҳидоятларига сабабчи бўлганлар. Агар улар бундай гўзал ва фаросатли хулқларига зид амаллар қилганларида, кўп инсонлар билан алоқа бутунлай узиларди. Чунки уларнинг етук шахсиятлари билан оддий инсонлар орасида чуқур бир маънавий жарлик бор эди. Шунинг учун уларнинг Ҳақни таблиғ қилиш имконлари зое кетарди. Бу илоҳий муродга мос келмайдиган амал бўлар эди. Зеро Жаноби Ҳақ бандалари ичидаги ботқоқликлар қуритилишини истайди. Инсоният тарихи давомида шу мақсад учун минглаб пайғамбарлар юборилган. Уларга кўнгилларни энг гўзал услубда тазкия қилишлари амр этилган.

Яна инсонларга лутф сифатида келган аҳлуллоҳ ҳам уларнинг маънавий тарбиясида шу ғояга мувофиқ равишда набавий услубни давом эттирганлар.

Шафқат ва марҳаматнинг ягона манбаси бўлган Буюк Раббимиз бандалари ҳақ динга даъват этишлари лозимлигини ва унинг таъсирли бир усулини шундай баён этмоқдадир:

**“...”** (ан-Наҳл, 125)

**“....”** (Фуссилат, 33-34)

Тавсия қилинган бу илоҳий услуб амалга оширилгач, тарихда қанча тиконлашган руҳлар гулга айланган ва зиндон каби қалблар нурга ғарқ бўлгандир.

Ана шу ҳақиқатга асосланган Ҳазрати Мавлоно қуддиса сирруҳу ишончсиз ёки гуноҳкор бўлса ҳам, барча инсонлар тўғри йўлдаги истиқоматда бўлишлари муҳимлигини ва бу борада лозим кўриладиган услубни шундай талқин қилади:

*“Қоп-қора ва нурсиз темир ҳам тозалангач, жилолана бошлайди. Бу жилоланиши ундаги кирликни кетказади! Бир ойна темирдан бўлса ҳам, жилоланса юзи порлайди. Унда шакллар ва суратлар кўринади”.*

*“Кўнгил шаҳрининг сувини чайқатмасанг, у ерда ой ва юлдузлар айланиб юрганини кўрасан! Ирмоқнинг суви булғанса, унда ҳеч бир нарсани кўролмайсан! Инсонлар ана шу ирмоқ сувига ўхшайдилар”.*

Ҳазрати Мавлоно қиёс этганидек, инсоннинг руҳи шаффоф бир сув кабидир. Бу сув ёмон амаллар ва гуноҳлар билан булғанса, ҳеч нарса кўринмайдиган (лойқа) ҳолга келади. Бундай ҳолатда маънавиятнинг дуру гавҳари ва ҳақиқат нурини кўриш учун сувни тиндириш лозим бўлади. Бинобарин худбин ва нафсоний туйғуларни тарбия этиб, одамларни ҳузурга етказмоқлик тасаввуфнинг асл ғоясидир. Бунинг пировардида жамият ҳам тинчлик ва осойишталикка эришади. Зеро Жаноби Ҳақ инсонни нозиклик, зарифлик ва улвий теранликлар билан зийнатлаган. Инсоннинг асл қиймати ҳам бу фазилатни қалб оламида жонлантириб, камол топтиргани нисбатидадир. Маънавият тўла қалблар гўзал ахлоқ, амали солиҳ ва маънавий ҳоллар кўриниш берадиган бир майдондир. Шу тариқа банда энг гўзал бир шаклда, яъни "аҳсани тақвим" сифатида яратилганлигини амалда намоён этади.

Куфрга кетиш, ширкка берилиш ва гуноҳ қилишда қанчалик узоққа борган бўлмасин, ҳеч бир инсон ҳидоят даъватидан бебаҳра қолмаслиги лозим. Улар ҳам бу даъватни қабул қилишдан маҳрум этилмасликларига эътибор қаратишимиз керак. Бунинг асри саодатдаги саноқсиз мисолларидан бирини келтирамиз.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидан бирини амакилари, Ҳазрати Ҳамзани ўлдирган Ваҳшийни Исломга даъват этиш учун юборадилар. Ваҳший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жавобан:

"Ё Муҳаммад! Аллоҳ "...." (ал-Фурқон, 68-69) дея, Ўз ҳукмини билдирган. Шундай экан, сен мени қандай қилиб Исломга даъват эта оласан? Ахир шунча гуноҳ қилган бўлсам, мен учун қандай қутулиш йўли бўлиши мумкин?" деди.

قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ اَسْرَفُوا عَلٰى اَنْفُسِهِمْ لاَ تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللهِ
اِنَّ اللهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا اِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

Бу ҳодиса борасида Аллоҳ таоло: "....." (аз-Зумар, 53) оятини нозил қилди.

Ваҳший ояти каримадаги хушхабардан ниҳоятда севинди ва:

“Раҳматинг нақадар буюк эй Раббим!” деганча, тавбаи насуҳ этди. Сўнг ўзи ҳам, дўстлари ҳам мусулмон бўлдилар.

Уҳудда Ҳазрати Ҳамза розияллоҳу анҳуни ўлдирган Ваҳший энди бутунлай бошқа бир инсонга айланди. Ҳазрати Ваҳший розияллоҳу анҳу бўлди. У бундай ҳидоят ва мағфиратнинг маънавий ҳисси ҳамда авф умидида бошланаётган бир фитнанинг олдини олди. Хавф-хатар борлигини англаган ҳолда Пайғамбарлик иддаосида бўлган Мусайламатул Каззобни ўлдирди.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларидаги саҳобий:

“Ё Аллоҳ Расули! Бу авф ва марҳамат фақат Ваҳший учунми? Ё барча мусулмонларга ҳам тааллуқлими?” деб савол берганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Бутун мусулмонлар учундир”*[39] деб марҳамат қилдилар.

Тавбаи насуҳга йўналган кўнгиллар ривоятда келтирилгани каби ҳақиқий ва комил маънодаги марҳамат ҳамда муҳаббатнинг энг гўзал ифодаларини Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганлар. Инсонлар тасалли, шифо ва фараҳ бера оладиган сўзларни у зотнинг муборак лафзларидан билиб олганлар. Чек-чегарасиз авф ва муҳаббат денгизини ҳам, унинг умид соҳилини ҳам **“Борлиқ Нури”** нинг севгилари орқали кўрганлар. Улар гуноҳлари ҳаддан зиёд бўлишига қарамай, **“Эй менинг қулларим!”** шаклидаги мушфиқона илоҳий хитобга ноил бўлганлар. Бу ноиллик ҳам Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳурматлари сабаблидир.

Шу боисдан режаларимизнинг энг муҳим томони Аллоҳнинг раҳмати ва марҳаматига ноил бўлмоқлик эканини англаб, умид берувчи бир услуб билан ҳаракат қилишимиз лозим. Бундай йўлдан боришимиз жамиятимиз учун ҳам фавқулодда бир аҳамиятга эгадир. Чунки бизнинг жамиятимиз замонанинг моддиятга боғлиқ турли салбий таъсирлари остида қолган. Бу жамият ғарбдаги каби руҳий инқирозлар даврини бошдан кечирмоқда. Бундай ҳолатда инсонларни ақлий курашларга тортиш тўғри бўлмайди. Аксинча, уларнинг руҳий ҳолатларини ҳис эта олиш ва шу орқали уларга яқинлашиш энг мақбул йўлдир. Зеро кўпчи-



39 Bkz. Heysemî, Mecmau’z-Zevâid, X, 214-215.

ликнинг онгу шуури янглиш тушунчалар ёрдамида шаклланган ҳолдадир. Шу сабаб уларни “баҳс ва тортишув” билан кўндиришнинг имкони бўлмайди. Чунки салбий тушунчалар ақлий далилларни қабул қилишга монеълик қилади.

Қалблар ҳақиқатга ошно тутина олишлари учун аввало бағрикенглик лозимдир. Бу юксак ботиний тамойиллар камолга етишининг яна бир самарали услуби саналади.

❁

Биз хато, исён ва гуноҳларга ботган бир инсонни танқид қилишдан, айблашдан ва диний амрларни бажаришини сўрашдан аввал унинг қалбини забт этишга уринмоғимиз лозим. Бу бизнинг энг устивор вазифамиз бўлмоғи керак. Бунинг учун шахсий яқинлик ва муносабат таклифининг заминини яратувчи дўстона бир алоқа ўрнатиш зарур бўлади. Муҳаттаб, яъни қабул қилувчи инсоннинг қалбини ҳузурли ҳолга келтиргандан сўнггина хатолар секин-секин тузатиб борилади. Айниқса, моддий рағбат ва маънавий илтифотлардан уйғонадиган руҳий алоқанинг барокатли самарасини эътиборга олмоқ керак. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам гуноҳ туманлари билан бўғилган кўнгилларга самовий бир дарича очиб, тоза нафас берувчи бир икром сифатида: ***“Шафоатим умматимдан энг катта гуноҳ содир қилганлар учундир”*** (Абу Довуд, Суннат, 20) дея нозик бир жиҳатни баён этганлар.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гуноҳкорларга нисбатан айтилган бу муносабатлари ва ифодаларини Ҳазрати Мавлоно қандай гўзал изоҳ қилади:

*“Хаста ва ярадор кишилар тузалиш учун дори қидирадилар. Қаерда бир дард бўлса, даво ўша ерга боради. Қаерда паст ва чуқур ер бўлса, сув ўша ерга оқади”.*

*“Сенга раҳмат ва марҳамат суви керак бўлса, сен ҳам шундай излаб бор!”*

Бироқ дори ва малҳам таъсир этиши учун аввалambор яра микроблардан тозаланиши даркор. Буни хаста кўнгилларнинг гуноҳ микробидан тозаланишига, яъни тавба суви билан покланишига қиёслашимиз мумкин. Демак, дори охирида берилади. Покланишдан кейин шафоат содир бўлади.

Бошқа бир ҳадиси шарифда келтирилганидек:

*“Гуноҳларига (надомат билан) тавба қилган, ҳеч бир гуноҳ қилмаган кабидир!”* (Ибни Можа, Зуҳд, 30) дейилиши бир тарафдан хушхабар маъносидадир. Бошқа томондан шу хабарнинг шартини ифодаловчи марҳаматнинг зоҳир бўлишини англатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳидоят ва раҳмат услубидаги улвий нозикликка барча пайғамбарлар каби уларнинг ворислари бўлган авлиё зотлар ҳам риоя қилганлар. Шунга кўра иймоннинг илк меваси марҳамат деб қаралади ва Аллоҳга бандалик қисқача шу икки мезон атрофида таъриф этилади. Булар:

“Таъзим ли-амруллоҳ”, яъни Аллоҳнинг амрларини эҳтиром ила адо этиш;

“Шафқат ли-халқуллоҳ”, яъни Яратганнинг ҳурмати учун яратилганларга шафқат ва марҳамат кўрсатиш.

Аллоҳ дўстларидан Фузайл ибн Иёзнинг ҳоли шу мезонлар асосида яшаган мўъмин кўнглининг гўзал бир мисолидир:

“Унинг йиғлаб турганини кўрганларида: “Нима учун йиғлаяпсан?” дедилар.

У: “Менга зулм қилган бир бечора мусулмонга ачинганимдан йиғлаяпман! Менинг бор қайғум қиёматда унинг хор бўлишидандир...” деди.

Ҳазрати Мавлоно бу комил инсонларнинг раҳмат ва марҳаматга ундаган жиҳатларини изоҳлар экан, шундай дейди:

*“Раҳмат денгизлари жўшган бир вақтда, тошлар ҳам бу оби ҳаётдан баҳраманд бўлади. Вақти келганда юз йиллик ўликлар қабрдан чиқадилар, бу пайтда шайтон руҳли қора сиймолар ҳам ҳурлар рашк қиладиган гўзал бир малакка айланадилар”.*

Нақл қилинишига кўра, Иброҳим ибн Адҳам Ҳазратлари бир сархуш одамнинг ҳидланган ва булғанган оғзини ювди. У кишидан нега бундай қилганлигини сўраганларга шундай жавоб берди:

“Бу одамнинг Аллоҳ таоло номини зикр этиш учун яратилган тили ва оғзини ҳидланган ҳолида қолдирсам, ҳурматсизлик бўлади...”

У одам сархушликдан кўзини очганида: “Хуросон зоҳиди Иброҳим бин Адҳам оғзингни ювди...” дедилар. Бу ҳолатдан уялиб кетган сархуш

одамнинг кўнгли уйғонди ва: “Ундай бўлса, мен ҳам тавба қилдим...” деди.

Бундай бир ҳолга етишган Иброҳим бин Адҳам Ҳазратларининг тушида Ҳақ тарафидан шундай сўзлар айтилди:

**“Сен Биз учун унинг оғзини ювдинг, Биз сен учун унинг қалбини ювдик!..”**

Жаноби Ҳақ Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг шахсларида бутун умматга Қуръони Каримда шундай буюради:

**“Сен(доимо) авф йўлини тут, яхшиликка буюр...”** (ал-Аъроф, 199)

Бу амрни татбиқ қилиш хусусида шубҳасиз, Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам бизлар учун энг гўзал ва мукаммал бир ўрнакдирлар. У зотдаги гўзал ахлоқ, марҳамат ва авф кўринишлари одатда малакларни ҳам ҳайрон қолдирадиган, эришилмас бир юксакликдадир. Шулардан бири:

Макка фатҳ этилган кун Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам умумий бир авф ва омонлик эълон қилдилар. Йиллар давомида зулм ва душманликдан бошқа бирор нарсага шоҳид бўлмаган Макка у кунги буюк бир авф байрамида таърифсиз муҳаббат ва марҳамат кўринишлари ичида яшади.

Бироқ маккаликлардан Фадоли исмли бир шахс бу гўзалликка соя солишни истади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлдиришга қасд қилиб, у муборак зотга яқинлашди. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ниятини сезсалар ҳам, ундан ғазабланмадилар. Ҳеч бир ҳаяжонга берилмай, унга шафқат ва раҳмат қанотларини очдилар. Хотиржамлик билан Фадолидан:

*“Сен Фадолимисан?”* деб сўрадилар.

Фадоли: “Ҳа!” деб жавоб берди.

Шунда у “**Раҳматан лил -Оламийн”**:

*“Эй Фадоли! Хаёлингдаги нарсадан тавба қил ва истиғфор айт!” деб марҳамат қилдилар ва* муборак қўлларини Фадолининг кўксига қўйдилар.

Ўша ондаёқ Расулуллоҳ алайҳиссаломни ўлдириш фикридан қайтган Фадолининг қалби иймон нури билан тўлди. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам у учун бир онда яратилганларнинг энг севимлиси ҳолига келдилар.[40]

Шубҳасиз, бу ҳол **“Сени ўлдиришга келган сенда тирилсин!”** шаклида ифода этилган баркамол бир хулқ ва етукликдир. Ислом тарихидан бунга ўхшаш жуда кўп мисолларни келтириш мумкин. Ҳазрати Умар ва яна кўпчилик бу гўзал услубнинг қийматли мевалари бўлганлар.

Ҳазрати Мавлоно шундай дейди:

*“Аллоҳ раҳматининг камоли ва карам дарёсининг тўлқинланиши натижасида ҳар бир тақир ерга ёмғир ёғади, ҳар бир сувсиз ерга сув келади!”*

*“Эй ҳидоятга чақирган! Ёмон кўзнинг дориси, меҳрибон кўздир! Яхши кўз ва гўзал боқиш ёмон кўзни оёғи остида эзиб йўқотишини билгил. Яхши кўз ва тоза назарнинг устунлиги Аллоҳ раҳматининг ғазабидан устун эканлигидандир. Раҳматдандир. Ёмон кўз қаҳрдан, яъни лаънатдан келади. Бинобарин, гўзал боқиш Ҳақнинг раҳматидан бўлганлиги учун ёмон кўзнинг устидан ғолиб бўлади. Бу ҳол ҳадиси қудсийдаги: «Раҳматим ғазабимдан кўпроқдир»* (Бухорий, Тавҳид, 55) *баёнининг намоён бўлишидир. Билгинки, Аллоҳнинг раҳмати ҳамма вақт қаҳридан устундир. Шу туфайли барча пайғамбарлар ўзига қарши чиққан душманларидан устун кела олганлар”.*

*“Кейин шуни ҳам билки, балони кетказишнинг чораси ситам ва зулм қилмоқ эмас. Унинг чораси авф қилмоқ, кечирмоқ ва карам айламоқдир. «Садақалар балони даф этувчидир»*[41] *набавий огоҳлантириши сени уйғонтсин. Хасталик ва балоларни даволаш усулини яхшилаб ўрганиб ол!..”*

*“Бироқ золимларни авф этмоқ мазлумларга зулм қилмоқ эканлигини унутма! Ҳақсизларга ва ҳар турли ёмон инсонларга ачинмоқлик заиф инсонларни савалаш, уларга марҳамат кўрсатмаслик билан баробардир!”*

40 Ибни Ҳишом, ас-Сийра, IV, 46;Ибни Касийр, ас-Сийра, III, 583.
41 Қрн. Термизий, Закот, 28; Суютий, ал-Жомеус сағийр, I, 108.

Бу мувозанатни гўзал бир шаклга келтирмоқ керак. Чунки Аллоҳ кечирувчи ва марҳамат соҳиби (Ғофурур -Роҳийм) бўлиш билан бирга, зулм ва ҳақсизлик кўрган инсонлар учун ҳаққа тажовуз этадиганлардан интиқом олувчи (Азизун Зунтиқом) иззат эгаси бўлган Зотдир.

Шунинг учун Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида:

*"Уришаётган икки биродарингизни кўрганингизда, золимга ҳам, мазлумга ҳам ёрдам қилинг"* деб буюрганлар. Бир саҳобаларининг:

"Ё Расулуллоҳ! Мазлумга ёрдам бериш кераклигини тушундик. Аммо золимга қандай ёрдам бера оламиз?" деган саволига:

*"Унинг ҳам зулмига монеъ бўлишлик билан..."* (Бухорий, Икроҳ, 7; Муслим, Бирр, 62) деб жавоб берганлар.

Хулоса қилиб айтмоқчи бўлган фикримиз шуки, бугун бу оламдаги кўплаб инсонлар қаторида бизнинг ўлкамиздагилар ҳам эътиқод тарафлама ярали бир қуш кабидирлар. Биз уларнинг яраларини ҳассослик ила силамоғимиз, марҳамат ва муҳаббат ила уларга яқинлашмоғимиз зарурдир.

Албатта, бу вазифаларни юқорида моҳиятини очиб берган услубимиз орқали амалга оширишимиз мумкин бўлади.

***Гуноҳкорга бўлган муносабатни гуноҳга юкламаслик, гуноҳга бўлган душманликни эса, гуноҳкорга тақамаслик лозимдир. Шу онгу шуурга эга бўлган мўъмин таблиғ ва иршод услуби сифатида "мулоҳазани ўзига, муносабатни ўзгага" йўналтириш услубини танлайди.***

## 2. ҲИЛМ ВА ШАФҚАТ УСЛУБИ

Инсонга бир мутасаввиф кўзи билан боқиш унинг гуноҳлар билан кирланган ҳолатига эмас, балки аслига эътибор ва илтифот этишни талаб қилади. Тасаввуфий услубнинг гуноҳни четда қолдириб, гуноҳкорни хуш кўриши ва уни марҳамат билан кучоқлашининг чуқур бир ҳикмати ҳам айнан шундадир. Ҳақиқий мутасаввиф гуноҳкор инсонни қаноти синган қушдек шафқат ва эътиборга муҳтож бир борлиқ деб билади. Унинг тушкун руҳига таскин бериш кераклигини, сиҳат ва ҳузурга етиши учун ёрдам лозимлигини ўз қалбида ҳис қилади. Чунки Холиқ учун махлуққа кўрсатиладиган раҳм-шафқат ва бағрикенглик муносабати мўъминларни камолга етказувчи, эзгу фазилатларга эриштирувчи энг қувватли бир таъсирдир.

Хабарларда келтирилишича, асҳоби киромдан Абу Дардо Ҳазратлари Шомда қозилик қилардилар. Бир куни у киши одамлар гуноҳкор кимсани қарғаётганларини эшитиб қолиб, улардан:

"Сизлар қудуққа тушган бир одамни кўрсангиз, нима қилар эдингиз?" деб сўрадилар.

Улар:

"Қудуққа арқон ташлаб, уни чиқариб олишга ҳаракат қиламиз" деб жавоб беришди. Шунда Абу Дардо Ҳазратлари:

"Ундай бўлса, бу кимсага оғир сўзларни айтманг. Сизга қулайлик берган Аллоҳга ҳамд айтинг. Гуноҳ қудуғига тушган бир биродарингизни қутқаришга ҳаракат қилинг" дедилар.

Улар ҳайрон қолиб:

“Сен бу гуноҳкорга нисбатан душманлик ҳис қилмайсанми?” дейишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларини олиб, камолга эришган Абу Дардо Ҳазратлари шу ҳикматли жавобни бердилар:

“Мен унинг ўзига ва шахсиятига эмас, гуноҳига душманман. У гуноҳни тарк қилганида, яна менинг дин биродаримдир”.[42]

Бу мисолда Абу Дардо Ҳазратларининг мўъмин кўнгилларга етказишни истаган жуда теран ҳикматлари бордир. Ҳикмат эгалари Жаноби Ҳақнинг амри ва ризоси ила уларни кўнгилларга етказишга муваффақ бўлиб келишган. Шунингдек, улар Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ислом тарихида ҳамиша етуклик дастури, ҳидоят воситаси сифатида қараладиган юксак ахлоқларидан ўрнак олганлар. Ҳидоятнинг сурури ва нурига сабаб бўлган, умматнинг солиҳ амаллари тупроғида илдиз отган бу улвий учқунлар шу йўсинда тасаввуфий бир услуб ҳолига етиб келгандир.

Бу услуб гуноҳкорни гуноҳи ичида бўғиб қўймай, унга яхши муомала қилмоқлик шижоатидан иборатдир. Уни авф, марҳамат ва муҳаббат иқлимидаги тавба дарёсида поклаш ғайратидир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Жаҳл каби энг ашаддий мушрикларга ҳам шундай нозиклик билан муомалада бўлганлар. Суҳбатдошларининг гуноҳ чуқурларини кавлаб, разилликларини юзларига солмаганлар. Қабиҳлик қилганларни ҳам аста-секинлик билан иймоннинг нажот ва саодат дарёсида покланмоққа чақирганлар.

Жаноби Ҳақ иймон ва тавбага суянган кишининг аввалги гуноҳларини кечиришини, ҳеч бир гуноҳи йўқ каби муомала қилишини билдирган. Ҳатто бандасининг самимияти нисбатида у гуноҳларнинг ҳаммаси савоб дафтарига ўтказилиши бизга бу хусусда йўл кўрсатадиган буюк бир ҳикмат машъаласидир. Ояти каримада буюрилади:

**“.....”** (ал-Фурқон, 70)

Бу буюк марҳаматдан насиба олмаганлар ўзларига ҳам, инсониятга ҳам душмандирлар. Марҳамат ва шафқат нелигини билмайдиган бундай

42 Bkz. Abdurrazzâk, Musannef, XI, 180; Ebû Nuaym, Hilye, I/225.

ғофиллар ўзларининг боқий насибалари йўлини ёпиб қўйган, ҳалокатга юз тутадиган кимсалардир.

Марҳамат булоғига етишган Мавлоно ва Юнус каби Ҳақ дўстлари эса, инсонларга ҳам дўст бўла олганлар. Улар ҳар бир киши тарафидан, ҳатто бўриларию қушлари ила бутун бир коинотдаги махлуқлар тарафидан севилган юзлари нурли, бахтиёр жаннат гулларидир. Бу ориф зотлар тиконлар устида ҳам оламга гўзаллик тарқата олганлар, ярали кўнгилларни даволаганлар. Энг муҳими гул табиатли бўла олмоқликдир. Яъни дунё боғчасидаги тиконларни кўриб, улардан ранжиб тиконлашмоқ керак эмас. Аксинча, боғ орасига қиш чилласи каби синовлар кирганида ҳам баҳор иқлимлари ила уларни қучмоқ, бутун оламга бир гул сингари бўлмоқ жуда фазилатлидир... Ҳазрати Мавлоно қандай гўзал ифода этганлар:

*“Ой тундан қўрқмаганлиги, қоронғуликдан қочмаганлиги учун ёғду сочади. Гул ҳам тикан билан хушмуомала бўлганлиги учун хушбўй ифор таратади”.*

*“Бу ҳақиқатни гулдан ҳам эшит. Боқгил, у нима дейди: Тикан билан бирга бўлганимдан нега ғамга тушайин, нега қайғуга ботайин? Мен у ёмон хулқли тиконнинг хулқига чидаганим учун табассум этмоқни ўргандим. У сабаб оламга гўзалликлар ва хуш ифорлар ёймоқлик имконига эга бўлдим...”*

Ашраф ўғли Румий Ҳазратлари бу ҳолга эришиш учун зарурий бўлган услубни бир байтда шундай хулоса ила берадилар:

*У дўст учун оғуларни,*
*Шакар каби ютмоқ керак!..*

❁

Саҳобалардан бири ичкиликка мубтало бўлган бир кимсани лаънатлайдилар. Буни эшитган Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар:

*“Уни лаънатламанг. Аллоҳга қасам билан айтаяпман, бу одам ҳақида мен билган бир нарса бор. У ҳам бўлса, унинг Аллоҳ ва Расулини севишидир”.* (Бухорий, Ҳудуд, 5)

Рамазон ўғли Маҳмуд Шомий қуддиса сирруҳу Ҳазратнинг бир талабаси бошидан ўтган руҳий тушкунлик туфайли азият чекар эди. У сархуш бир аҳволда устозининг эшигига келади. Эшикни очган киши:

“Бу нима аҳвол? Қайси эшикка келганингни биласанми?” дея таъна қилади. Бундан озорланган талаба унга:

“Мени марҳамат билан қучоқлайдиган бошқа бир эшик борми ўзи?!..” деб чорасизлигини билдиради.

Бу гапларни эшитган Шомий Афанди дарҳол эшик олдига келиб, кўнгли яраланган талабасини ичкарига таклиф қилади. Уни ҳаёт саройига олиб киради. Шогирдининг вайрон бўлган кўнглини марҳамат, шафқат ва муҳаббат билан жонлантиради. Кўнгил нозиклиги ила мағфират топган бу талаба барча салбий сифатларидан қутулади. Даврлар ўтиб, солиҳлар сафига ҳам киради.

Аллоҳ дўстларида кузатилган “Махлуқотга Холиқнинг шафқат назари ила боқа олмоқлик” ахлоқи ҳамидаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу жаҳоншумул ҳадиси шарифларида қанчалар гўзал тарзда ифода этилмоқдадир:

*“Нафсим қўлида бўлган Қодир Аллоҳга қасамки, сизлар бир- бирингизга марҳамат қилмагунингизча жаннатга киролмайсизлар”.*

Асҳоби киром:

“Ё Расулуллоҳ! Ҳаммамиз ҳам марҳаматлимиз” дейишди. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“(Мен айтаётган) марҳамат, сиз тушунганингиз каби фақат бир-бирингизга бўлган марҳамат эмас. Аксинча, бу барча махлуқотга тўкис раҳм-шафқат кўрсатишдир. Ҳа, бутун махлуқот учун бекаму кўст марҳамат кўрсата олишдир!..”* деб айтдилар. (Ҳоким, Мустадрак, IV, 185)

Инсон асл ғоясидан қанчалик узоқлашса ҳам, унинг “инсон” лик хусусиятининг ўзи буюк бир шараф соҳиби эканлигидан дарак беради. Унинг аслий жавҳаридаги буюкликдан хабарсиз ҳолда гуноҳ ботқоғига ботиши худди Каъбаи Муаззама деворидаги Ҳажарул асваднинг у ердан ерга тушиб кетиб, чанг ва ғубор ичида қолиши кабидир. Бу ҳолатга ҳеч бир мўмин лоқайд қарай олмайди, албатта, виждони қийналади. Ҳажарул асвад шундай ҳолатда бўлса ҳам, мўъминлар унга бўлган ҳурматларидан воз кечмайдилар. Уни дарҳол чанги ила қўлларига оладилар. Кўз

ёшлари билан тозалаб, аввалги буюк мавқеига эҳтиром билан қўйиш учун ўзаро мусобақалашадилар. Чунки унинг жаннатдан чиққанлигини ва моҳиятидаги асл қийматни англаб етган бўладилар. Ҳолбуки, инсон ҳам Ҳажарул асвад каби жаннатдан чиққандир. Инсон содир этган гуноҳлари сабабли қанчалар тубанликка тушса ҳам, унинг асл моҳияти боқийдир.

Буни бошқа бир мисол билан ҳам изоҳлашимиз мумкин. Биламизки, ҳеч бир лаёқатли шифокор ўз беморига “Нима учун касал бўлдинг?” деб озор бермайди. Киши ўзининг айби билан хасталанган бўлса ҳам, буни беморнинг феъли ё заифлиги оқибати деб билади. Бундай шифокор касалликни келтириб чиқарган сабабни ўйлаб ғазабланиш ўрнига, беморнинг изтироб ва аламларини кўз ўнгига келтиради. Сўнг вақтни бой бермай, уни буюк бир марҳамат ва шафқат билан даволашга йўналади. Бунга ўзини масъул деб билади. Мутасаввифлар ҳам шифохонадаги бир шифокор каби жамият ичида кезиб юрадилар. Улар ҳам ахлоқ ҳакимлари сифатида шамчироқ кўтарган инсон сингари йўлдан адашганларнинг йўлларини ёритадилар.

Бундай бир ҳаёт давомийлигини бериш ва дин йўлидан тойган гуноҳкор инсонни гуноҳ ботқоқлиги ичидан қутқариш улвий саодат василасидир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳайбар фатҳи асносида, жанг майдонининг ўзида Ҳазрати Алига берган танбеҳлари эътиборга моликдир:

*“Ё Али! Бир кишининг сен сабаб ҳидоятга эришиши энг қимматли дунё моли бўлган қизил туяларга эга бўлишингдан ҳам хайрлидир”.* (Бухорий, Жиҳод, 143)

Бу ҳақиқат бир ояти каримада шундай ифодаланган:

وَ مَنْ اَحْيَاهَا فَكَاَنَّمَا اَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا

**“.....”** (ал-Моида, 32)

Бу бир иймон масаласидир. Шубҳасиз, инсоний туйғу ва тушунчаларнинг хатога йўл қўйиш жиҳатидан энг оғири куфрдир. Куфрга кетган инсонни мулойимлик билан қутқариш имкони бор. Жаноби Ҳақ Мусо алайҳиссаломга Фиръавн иймонга келиши учун “қавли-лаййин”, яъни юмшоқ сўз билан хитоб қилишларини амр қилгандир.

Зеро ҳидоятга чорловчи инсон энг буюк ютуқлар билан боғловчи кўприк вазифасидаги савобли амални бажаради. Бинобарин, Аллоҳ таоло Фиръавннинг куфрдаги зўравонлигидан ғофил эмас эди. Агар гуноҳкор киши куфрда Фиръавн даражасида бўлса ҳам, уни осиб ўлдирмоқ таҳдиди билан қўрқитмаслигимиз керак. Бунинг ўрнига мулойимлик билан сўзлашимиз, қадр-қимматни сақлашимиз ва юксак илоҳий кўрсатмаларга риоя қилишимиз лозим. Ҳазрати Мавлоно қандай гўзал баён қилади:

*“Аллоҳнинг: «Эй Мусо! Фиръавнга сўзлайдиган бўлсанг, фақат мулойимлик билан сўзла. Унга ҳалимлик билан муомала қилмоқ керакдир!» деган сўзини яхшилаб англаб ол!”*

*“Зеро қайнаган мойга сув тўксанг, ўчоқни ҳам, қозонни ҳам хароб қиласан...”*

فَبِمَا رَحْمَةٍ مِنَ اللهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ
لَانْفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсларида бутун умматга қарата айтилган ушбу ояти каримада ҳам, Жаноби Ҳақ ана шу ҳақиқатни баён қилади: “**...”** (Оли Имрон, 159)

Бу услубдан фақат гуноҳкор ва кофирларга ёрдам бериш учун фойдаланилмайди. Бундай услуб исломга амал қилиб яшаётган инсонларнинг заиф томонлари ва қусурларига қарши курашишда ҳам қўлланилади. Зеро нуқсонни тузатишга уринаётган инсон суҳбатдошига нисбатан қўпол ва кескин муомалада бўлса, уни ранжитиб қўяди. Бу ҳол кўзлаган мақсадига бутунлай зид натижаларни юзага келтириши мумкин.

Ҳозирда шу тариқа хатолари кўрсатилган баъзи инсонлар ўз ота-оналарига қарши чиқмоқдалар. Кўп ҳолларда тоқатсизлик қилмоқдалар. Уларнинг бошқаларга нисбатан сабрли бўла олишлари жуда қийиндир. Бундай ҳолларда сўзланган ҳақ сўзлар ҳам кўнгилларга бир пичоқ тиғи каби ёмон таъсир кўрсатмоқда, ўзининг фойдаси ва жозибасини йўқотмоқда. Ҳазрати Мавлоно шундай деди:

*“Бирор айбинг учун ўз отанг азият етказса ҳам, у кўзингга бир махлуқ каби йиртқич ва ваҳший бўлиб кўринади...”*

*“Бу ҳолат унинг озори ва жафосига сабаб бўлган дард таъсирида юз бермоқда. Отангнинг озори ва жафоси, яъни танбеҳи сенинг яхши бўлмоғинг учун бўлса ҳам, сенга унинг кўнглидаги марҳамат ва ачинишни махлуқ каби кўрсатмоқда...”*

Инсон руҳиятидаги бундай ҳолатни унутмаслик лозим. У нақадар гуноҳга ботган бўлса ҳам, унинг қийматли бир борлиқ эканлигини англаб ҳаракат қилиш шартдир. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Инсоннинг бир мусулмон биродарига менсимасдан қараши гуноҳ содир этгани кабидир” деганлар*. (Муслим, Бирр, 32)

Бу ҳадиси шарифнинг ҳикматини англаган **Базмиолам Волида Султон** хизматчилари синдирган буюмлар ҳаққини тўлаш мақсадида Шомда бир вақф қурдирган. Бу гўзал амал Волида Султоннинг хизматчилари қалби озорланмаслиги учун қилинган бўлиб, бизга ҳам бағрикенглик уфқини кўрсатмоқда.

Шунинг учун мўъмин таблиғ ва иршодда **“мулоҳазани ўзига, муомалани бошқага”** йўналтириш услубини қўллаши лозимдир. Зеро Аллоҳ таоло буюради:

**“.....”** (ал-Ҳужурот, 12)

Бу илоҳий таълимотлар истиқоматида яшаган комил инсонлар дунёни ҳеч қачон уқбо жабҳасидан айро кўрмаганлар. Улар буюк ахлоқ ва фазилат соҳиблари бўлганлар.

Маънавият подшоҳларининг изидан бориб, тарихда муносиб из қолдирган дунё султонларидан бири Усмон Ғозийдир. Унинг маънавий ҳомийси Шайх Адабали Ҳазратлари султонга ва ундан кейин келадиган давлат бошқарувидаги одамларга тавсиялар бериб борганлар. Оила аъзоларидан бошлаб, қуйидан юқорига қадар ҳар бир ходимга берилган бу тавсиялар жуда ҳам теран ва маънолидир.

*“Эй ўғил! Сен Бексан! Бундан кейин ғазаб қилмоқ бизга, ҳалимлик сенгадир... Кучлилик бизга, кўнгил олиш сенга... Айблаш бизга, чидаш сенга... Ожизлик, адашиш бизга, хуш кўрмоқлик сенга... Баҳслашиш, тортишишлар, тушунмовчиликлар бизга, адолат сенга... Ёмон кўз, ҳадсиз оғиз ва ҳақсиз талқин бизга, кечириш сенгадир...”*

*“Эй ўғил! Бундан кейин бўлиб ташламоқлик бизга, бутунлаш сенга... Тамбаллик бизга, огоҳ этмоқ, шижоат бермоқ, ривожлантирмоқ эса сенгадир....”*

Инсонлар сизга қарши нотўғри бир иш қилсалар ҳам, уларни Аллоҳ учун муқаррар авф этмоқни билиш ўринлидир. Зеро бу тенгсиз насиҳатлар Аллоҳнинг қулларига ҳар доим шафқат, марҳамат ва муҳаббат билан боқа олмоқ фарзини адо этишни кўрсатиб бермоқда. Кўнгил саховатига ҳамда улвий фазилатларга эга бўлишни намоён қилмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жамоанинг айбдор кишисини билсалар ҳам, одатда уни ранжитмаслик учун худди билмайдигандек бутун жамоани ўша нуқсондан огоҳлантирар эдилар. Баъзан эса суҳбатдошларининг хатолари уларга ярашмай турганлигини ҳис эттириш мақсадида:

*“Сизларни нега бу ҳолда кўраяпман, менга ўзи нима бўлди?”* [43] деб мурожаат қилардилар... Ўзларини одатдагидан ўзгача руҳиятда (янглиш кўраётгандек) тутар эдилар.

Бу айбдорларни уялтирмаслик ва камситмаслик услубидир, тасаввуфни тўғри тушуниб яшай олганларга тааллуқли бир сифатдир. Чунки Аллоҳ йўли кўнгил бузиш эмас, кўнгил тузиш билан кечади. Юнус Эмро бу ҳақда жуда гўзал сўзлаган:

*Кўнгил Тангрининг тахти,*
*Тангри кўнгилга боқди.*
*Икки жаҳон бадбахти,*
*Ким кўнгил йиқар бўлса!*

(Қалб Раҳмоннинг аршидир. У бандаларининг қалбига боқади. Кимки кўнгилларни вайрон этса, дунё ва охиратда ҳасратда қолади).

Ҳақиқатан айбу қусурлари учун қораланган, нуқсонлари сабаб хорланган бир қанча одамлар ана шу услуб ва идрок барокати ила қайтадан раҳмат иқлимига кирганлар.

❁

43 Қаранг: Бухорий, Маноқиб: 5, Иймон: 3; Муслим, Намоз: 119; Абу Довуд, Хотам: 4, Адаб: 14; Ибн Ҳиббон, Саҳиҳ: -Ж. 4, -Б. 534.

Нақл қилишларига кўра, Жунайд Бағдодий Ҳазратларининг бир талабаси бор эди. Бир куни уни ўз обрўйига доғ тушрадиган бир ҳолатда тутиб олишди. Бундан жуда уялган талаба у ердан кетиб қолди. Кейин бирор марта ҳам даргоҳга келмади. Кўнгил уйи хароб бўлган бу талаба орадан бир муддат вақт ўтгач, ҳамфикр биродарлари билан бозордан ўтиб кетаётган Жунайд Бағдодийни кўриб қолди. Устозини пайқаб қолган талаба хижолат бўлганидан у ердан тезда узоқлашди. Ҳолатни сезган Жунайд қуддиса сирруҳу ёнидаги суҳбатдошларига қараб:

“Сизлар кетаверинглар, менинг инимдан бир қуш қочган!” деб, талабасининг орқасидан борди. Ортига ўгирилиб қараган талаба устози ўзини кузатиб келаётганини кўрганида янада ҳаяжонланди ва қадамларини тезлаштирди. У юраверіб, охири боши берк бир кўчага кирди. Уялаётгани учун шошилиб, ғайри ихтиёрий равишда бошини деворга уриб олди. Рўпарасида устози турганини кўрганида эса, ранги ўчган куйи бошини эгиб олди. Жунайд қуддиса сирруҳу:

“Ўғлим! Қаерга кетаяпсан, кимдан қочаяпсан? Бир устознинг талабасига ёрдами ва ҳиммати аслида шундай қийин кунларда, мушкул аҳволда қолганида билинади” деди. Сўнг унга шафқат кўрсатиб, ўзи билан даргоҳга олиб кетди. Устозининг бундай марҳаматли муносабатини кўрган талаба унинг оёқлари остига йиқилди. Ўзининг бу ишидан афсусда эканлигини айтиб, тавба қилди.

Бу ҳолат бир инсон қанчалар гуноҳкор бўлса ҳам, унга ўз отаси каби шафқат ва марҳамат билан яқинлашиш маънавий иршод (тўғри йўлга солиш) даги барокатли натижалардан бири эканлигини кўрсатиб турибди.

Бошқа тарафдан қараганда мусулмон киши хато ва камчиликларни авф эта олишдан ташқари ёмонликка яхшилик билан муомала қилишни ҳам билиши керак. Зеро бировдан ёмонлик кўрган бўлса ҳам, уни ислоҳ бўлиши ва ҳидояти учун дуо қила олиш етук бир мусулмоннинг ўзига хос фазилатидир.

Шу ўринда фикримизга мос бир мисолни келтириб ўтамиз. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифда бўлган пайтларида ўзларини тошбўрон қилганларни ҳидоят топишлари учун дуо қилганлар. Уларни бад дуо қилишни хоҳламаганлар. Шунингдек, у зот ўзлари олиб келган диннинг иззатини сақлаш учун Маккадаги инсонларга



ҳам ҳеч қачон жаҳл қилмаганлар. Улар ғазаби илоҳийга учраб, ҳалок бўлишларини истамаганлар. У ердаги инсонларнинг ҳар бири ҳидоятга келишини сўрашлари эса, кўплаб адашганларнинг нажот топишларига сабаб бўлган.

Ҳадиси шарифда шундай дейилади:

*“Сизга яхшилик қилганларга яхшилик қилиш, ёмонлик қилганларга ёмонлик қилиш фазилат эмас. Асл фазилат сизга ёмонлик қилганларга ўзи каби жавоб қайтармай, унга яхшилик қила олишдадир”.* (Термизий, Бирр, 63)

Зеро душманга яхшилик қилинса, у дўстга айланади. Агар у ўртада бўлса, яхшилик қилган кишига яқинлашади. Яқин муносабатда бўлган бўлса, муҳаббати зиёдалашади.

Бугунги кунда моддиятнинг шафқатсиз ҳукмронлиги остида қолган, кучли маънавий инқирозга учраган инсонлар руҳий ҳаловат топиш истагида ана шундай тасаввуфий мулоҳазаларни маъқул кўрмоқдалар. Шунингдек, Ислом динини тақдим этиш ва талқин қилишда тасаввуфий услублардан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Ҳозирда Ғарбдаги ҳидоятга эришган элита қатламдагилар руҳларидаги маънавий бўшлиқни тўлдириш учун аксарият ҳолларда Ҳазрати Мавлоно ва Ибн Арабий каби буюк мутасаввифларнинг асарларига мурожаат қилмоқдалар. Яъни Ғарб оламидаги энг машҳур Исломий асарларнинг аввалида ҳам тасаввуфий асарлар турибди. Шу боис:

*“Кел!..*
*Келгил!..*
*Ким бўлсанг-да, ёнимизга албатта, кел!*
*Кофирми ё бутпараст ё мажусий бўлсанг ҳам кел!*
*Бу даргоҳ, бу Ислом даргоҳида умидсизлик йўқ,*
*Юз бор тавбангни бузсанг ҳам, сен албатта, қайтиб кел!”*

Деб чорлаган Мавлононинг бутун инсоният оламини қамраб олган қалбий кенгликларига бугун ҳам эҳтиёжимиз бордир.

Мавлоно Ҳазратларининг бу бағрикенглик билан қилган даъватларидан асл мақсад инсонни ўз жавҳари билан таништиришдир. Сўнг уни раҳм -шафқат ва марҳамат ила нажот сари йўллаб, Ислом билан шарафлантирилади. У инсон аввалги ҳолида қолиб кетмаслиги учун





ҳаракат қилмоқ лозим бўлади. Зеро бу ўриндаги асосий мақсад у инсоннинг ички оламини тузатмоқликдир. Ишлатиладиган бирор буюм бузилса, таъмирловчи устага олиб борилади. Бу зотларнинг кўнгил даргоҳлари ҳам ана шу таъмирчининг устахонасига ўхшайди. Бундай кўнгил даргоҳларида қилинадиган иш хатокор инсонларнинг хатоларини тузатишдир. Шунинг учун кўпинча айбу нуқсонлари бор ана шундай инсонларга қарата хитоб қилинади. Уларни дину иймонга даъват этилади.

❁

Исломий ҳаёт заифлашган ва кўплаб инсонларнинг диний мезонларга доир қусурлари кузатилаётган бир даврда суҳбатдошларга тасаввуфий бир жонкуярлик, марҳамат ҳамда бағрикенглик билан муомала қилиш зарур бўлади. Зеро бундай ёндашув гуноҳ, фитна ва исён ҳар томонидан ўраб олган бу каби кишиларнинг нажот топишларига ёрдам беради. Бу барокатли муомала йўсини гуноҳкорни гуноҳдан фориғ бўлиш сари йўллайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бирор гуноҳкор инсон билан суҳбатлашганда унга ўзига мос муомала усулини қўллаш лозим. Чунки бандалик ҳаққини поймол этиш, жамият тинчлиги ва фаровонлигига путур етказиш каби золимона қусурларни хуш кўрувчиларга мағфират назари ила боқишни маъқуллаб бўлмайди.

Диннинг фақат ташқи томонларини эътиборга оладиган кишилар гуноҳкорга “ғазаб” туйғуси билан қарайдилар. Уларнинг мақсадлари гуноҳкордан узоқ турмоқ ва қалбларини гуноҳкор билан яқин бўлганда пайдо бўладиган зарарлардан ҳимоя қилмоқдир. Зеро гуноҳлар умрини ғафлатда ўтказаётганларнинг нафсларига ёқимли бир мусиқа каби хуш ёқади. Улар гуноҳнинг оғирликларини сезмай, гуноҳ қилишда давом этаверадилар. Шу боис гуноҳкорнинг гуноҳини қораламаслик, илоҳий мезонларни қадрламаслик ва қалбнинг ўша гуноҳлар билан булғанишига эътиборсиз бўлиш эл-юрт учун жуда таҳликалидир. Яъни гуноҳкорга бўлган бағрикенглик гуноҳга ўтказилмаслиги, гуноҳга бўлган душманлик гуноҳкорга нисбатан қилинмаслиги керак.

Бу фикрларимиз ортидан сўзлайдиган охирги сўзимиз эса:

*“Осонлаштиринг, қийинлаштирманг! Хушхабар беринг, адоват қўзғатманг!..”* (Бухорий, Илим, 11) **ҳадиси шарифидир**.

Албатта, бунда диннинг ўзагига зарар бермаслик ва истиқоматдан айирмаслик шартига амал қилинади.

**Ё Раббий! Бизларни кўнгил оламлари илоҳий ҳикматларга тўла, ҳақиқий ишқ аҳлидан қилгин! Икки жаҳоннинг сирларига ошно эт! Холиқнинг ҳурмати учун қалбларимизни махлуқотга нисбатан марҳамат, шафқат ва ҳамият манбаи қил. Гуноҳларимиз ва қусурларимизни савобларга, гўзалликларга ўзгартир!**

**Ё Раббий! «Раҳматим ғазабимдан ортиқдир» дейилиши сирига мувофиқ ҳаракат ила доимо авф йўлини тутишимизни ва ҳидоят раҳбари бўлган солиҳлар қаторига қўшилишимизни насиб эт!**

**Амийн…**

# УЧИНЧИ БЎЛИМ


# *МАЪРИФАТУЛЛОҲ*
# ва
# ИЛОҲИЙ ИНЪОМЛАР

**А. МАЪРИФАТУЛЛОҲ**

1. Зоти улуҳият
2. Илоҳий сифат ва тажаллилар
3. Маърифатуллоҳ ва орифлардаги тажаллилар

**В. ИЛОҲИЙ ИНЪОМЛАР**

1. Илми лаъдуний
2. Фаросат
3. Тасарруф (каромат)
4. Содиқ тушлар



***“Нафсини таниган Раббисини ҳам танийди”.***

# МАЪРИФАТУЛЛОҲ ВА ИЛОҲИЙ ИНЪОМЛАР

***Жаноби Ҳақ шу қадар зоҳирдир ва Ўз зуҳурининг қувватидан ғойибдир.***

## А. МАЪРИФАТУЛЛОҲ

### 1. ЗОТИ УЛУҲИЯТ

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

*“Аллоҳнинг яратганлари тўғрисида тафаккур қилинг, Зоти ҳақида ўйламанг (фикр юритманг). Зеро сиз Унинг қадрини (Унга муносиб бир шаклда) асло тақдир этолмайсиз...”* (Дайламий, Муснад: -Ж. 5, -Б. 56; Ҳайсамий, Мажмаъ ал-завоид: -Ж.1, -Б.81) дейишлари Аллоҳ таолонинг Зотий моҳиятини қамраб олиш мумкин эмаслигини ифода этади.

Зотан башарият идрокини иймон ва ирфон иқлимига етказадиган ҳамда ҳидоят нурига сабаб бўладиган Аллоҳ ҳақидаги илмлар У Зотнинг моҳиятига эмас, балки сифатларига оиддир. Зеро Аллоҳ таоло замон ва макондан муназзаҳдир. Инсон идроки эса, замон ва макон шартларига мувофиқ бўлганлиги учун унинг мантиқий фикрлаши фақат моддий оламдан олган таассуротлари асосида фаолиятда бўлади. Бир нарсани қамраб олиш учун унинг зоҳирий оламда қиёси бўлиши ва у инсон онгида бирор бир таассурот қолдирган бўлиши лозимдир. Аллоҳ эса, яратганларига ўхшамаслик хусусияти билан муттасиф бўлгандир. Яъни Ҳақ таоло шу хусусияти билан махлуқотга эгалик қилади. Чунки У Зот кейин пайдо бўлган ҳеч бир нарсага ўхшамайди. Бу улардан бутунлай фарқли, устун ва мукаммал эканлигини ифодалайди. Ана шу мантиқий ҳақиқат коинотга ниҳоясига етказилган, ҳеч бир камчилиги йўқ бир низом ҳоким эканлигини идрок этишга асос бўлади. Холиқни ўз асари билан асло таққослаб бўлмаслиги бу оламни яратиш Қудратидаги илк сабабдир.

У барча яратилганларни нурлантирувчи азамат, қудрат ва камол соҳибидир. Бундай бўлиши ақлий ва мантиқий бир заруратдир. Шу нуқтаи назардан инсоннинг ҳеч бир ўхшаши бўлмаган Аллоҳнинг зотий моҳияти ҳақида фикр юритиши тўғри бўлмайди. Бунинг ҳеч бир имкони ҳам йўқ. Яъни бизнинг Аллоҳ таоло олдидаги масъулиятимиз сифатлардан хулоса чиқариб, Зотининг бор эканлигини идрок этиш ва қабул қилишдир. Шунинг учун биз Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Ўзи ҳақида тақдим этган мисоллари ва изоҳлари шу моҳиятга кўра келтирилганлигини билишимиз лозим. Ояти каримада айтилади:

**“.....”** (ан-Нур, 35)

Эътибор берадиган бўлсак, инсон ояти каримада келтирилган тасвирни аввал ўзи англай оладиган таассуротлар билан йўғиради. Сўнг хаёл ва тасаввурдан ташқарида бўлган бир ҳақиқат ила уларни ўз таассуротларидан ажратиб олади. Бу моҳият **“нур устига нур”** дея ифодаланади**.** Яъни Унинг нури тасвирдан билиш мумкин бўлгани каби чекланган бир нур эмас. Фақат бир нур ёки бир неча нурлар эмас, чексиз бир нурдир. У нурни чеклаб ҳам, билиб ҳам бўлмайди. Бироқ ҳамма ҳам бу ҳақ далилни кўролмайди. Ҳақнинг оятларини билолмайди ва Ҳақнинг истаганига эришолмайди.

Зоҳирий нарсани идрок эта олиш нурга боғлиқ бўлгани каби кўрадиган кўзга ҳам боғлиқдир. Чунки кўра оладиган киши кўз билан кўриш мумкин бўлган ҳар бир нарсани нурнинг барокати сабаб кўради. Кўрлар уни асло кўра олмайдилар. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, бундай ҳолатда борлиқ ва ҳақиқатни кўрсатган нур ҳам, уни кўрган руҳ ҳам воз кечиб бўлмайдиган энг муҳим бир рукн кабидир. Чунки фақат кўрадиган руҳгина идрок этувчи ва англовчидир.

Бошқа томондан Жаноби Ҳақнинг ояти каримада Ўзини «Нур» деб тавсифлаши ва «Аллоҳ кўкларнинг ва ернинг нуридир» деб келтириши бутун оламни яратган, коинотнинг кенглигини кўрсатган, очиқ-яширин саноқсиз ҳақиқатларни билдирган, кўзларни ва кўнгилларни қувонтирган борлиқ фақат Ўзи эканлигининг бир ифодасидир. Зеро Жаноби Ҳақнинг бу буюк нури бўлмаса, ҳеч нарса билинмас эди. Ҳеч бир нарсани топиб бўлмасди. Бирор бир ҳақиқат сезилмас ва ҳеч бир кўнгил қувончга тўлмасди.

Шу маънода борлиқларнинг намоён бўлиши ва мушоҳада этилишига таъсир қилувчи барча нурлар У буюк нурнинг бир тажаллисидан иборатдир. Осмондаги нурларнинг даражаларини дунё оламидаги бир мисол орқали билиб олишимиз имкони бор. Масалан, қуёшнинг ёғдуси ойга урилиб, ундан ер юзидаги бир уйнинг ички деворидаги ойнага тушса, сўнгра бундан бошқа девордаги бир ойнада акс этса, сўнгра ундан сув тўла бир тоғорага тушса, кейинроқ уйнинг шифтига ўтса, буларнинг энг кучлиси, илк манба бўлган қуёшдаги нурдир. Иккинчи кучли манба ойдаги, учинчиси- биринчи ойнадаги, тўртинчиси-иккинчи ойнадаги, бешинчиси-сувдаги, олтинчи манба эса шифтдаги нурдир. Буларнинг илк чиқиш нуқтасига яқин бўлгани узоқда бўлганидан кучлироқдир.

Осмондаги бошқа нурларнинг даражаланиши ҳам шу кабидир. Яъни фойдаланилган нур фойда олинганидан анча қувватлидир. Барча нурлар ортиб бориб, энг буюк ва сўнгсиз нурда ниҳоясига эришади. У нур ҳам Аллоҳ таолонинг нуридир.

Яъни ҳар нарсанинг ўртага чиқиши ва аниқланиши фақат само ва ернинг нурлантирувчиси бўлган Аллоҳ таолонинг очиқлаши ҳамда билдириши билан бўлади. Зеро Унинг нури бўлмаган борлиқнинг ўртага чиқиши ва кўриниши мумкин эмас. Кундузги ойдинликдагина баҳорнинг яшиллигига боққан инсон кўзига кўринган турли ранглар қаршисида:

“Яшилликдан бошқа бирор нарса кўролмадим!” деб баҳорги яшилликни кўради. Уларнинг кўринишини таъминлаган нурга эътибор бермайди. Ҳолбуки, у ўзи кўрган барча рангларни нур орқали идрок этган бўлади. Бу ҳолатда нур ошкор бўлишининг шиддатидан ана шундай яширин қолгандир.

Бир маърифат арбоби шу ҳақиқатга асосланиб:

“Аллоҳ таоло ҳақиқатда яширин эмасдир. Фақат бизнинг башарий истеъдодимиз ва идрокимиздаги зуҳурининг шиддатидан яширидир”,-дейди.

Худоий Ҳазратлари айтади:

*Зуҳури парда бўлгандир зуҳурга*
*Кўзи бор ҳеч далил истарми нурга?*

Айтайлик, бир хонада беш минг вольтлик чироқ ёниб турибди. Инсон бундай ёруғлик остида кўзининг қуввати билан ҳеч нарсани кўра олмайди. Шундай экан моҳиятига кўра миллионлаб вольтли ёруғликдан устун нурга эга бўлган Ҳақ таолони ҳам инсон идроки билан илғашнинг имкони йўқдир. Қуръони Каримда бу ҳикмат шундай ифодаланади:

**"..."** (ал-Бақара, 3)

Аммо аҳли басират учун бу ғайб зоҳирдир. Нурининг тажалли шиддати ила энг маълум борлиқлардан ҳам зоҳирроқдир.

Келинг, ҳаво бизни ўраб олгани ҳолда уни кўролмаслигимизга эътибор қаратайлик. Биз ҳавони фақат нафас олиш шаклида ҳис этамиз. Шу боис уни кўра олмасак ҳам, ҳаётий бир зарурат билан шундай деймиз:

"Ҳаво бўлмаса, биз яшай олмаймиз!"

Сувдаги мавжудотлар ҳам биз кабидир. Улар ҳам дарё ичида сувнинг борлигини фарқлай олмайдилар. Ҳолбуки, сув уларнинг атрофини ўраб олгандир.

Демак, биз қаршимиздаги, ўнгу сўлимиздаги ё бошқа йўналишдаги бирор борлиқни фақат идрокимиз орқали била оламиз. Бироқ у ҳар тарафимизни ўраб олганида, ўзининг барча жиҳатларидан маҳрум бўлади. Бундай борлиқнинг борлиги ва намоён бўлиши бизнинг тушунчамиздан юқоридадир. Шу сабаб бу каби йўналишга эга нарсалар кўзимиздан яширин бўлиб қолаверади. Агар шундай бўлмаганида, (яъни ҳаво кўзимизга кўринганида) бу ҳаётда яшаб бўлмас эди.

Туманли бир об-ҳавода барча борлиқлар кўринмас ҳолга келади. Бу пайтда бизга атрофимизни ўраб олган бир борлиқ, яъни фақат туман кўринади. Туман тушганлиги учун бошқа борлиқлар кўринмайди. Жаноби Ҳақ бу оламда кўзларга яширин қолганлиги сабаби ҳам ана шу мисол сингаридир. Агар Аллоҳ таоло зоҳир бўлганида, инсонлар Унинг жамолидаги гўзаллик сабаб ва атрофлари ўраб олинганлиги учун бошқа ҳеч бир нарсани кўра олмасдилар. Табиийки, дунё ҳаёти деган нарса ҳам бўлмасди.

Мутал, яъни хаёл ва идрокдан юқори бўлган Аллоҳ таоло энг яширин ва энг ошкордир. Аниқроқ қилиб айтсак, зот ўлароқ яширин, тажалли ўлароқ ошкордир.

У Зот ошкордир, чунки бутун борлиқлар Зотининг нуридан пайдо бўлади.

У Зот яширин. Асло ўхшаши йўқлиги учун ҳам яшириндир, чунки инсон одатда нарсаларни зиддига қараб таниб олади. Ҳеч қандай зидди йўқлиги ва асло ўзгармаслиги сабаб Унинг яширин бўлиб қолиши ғоятда табиийдир.

У Зот ошкордир. Ундан ўзга не бор бўлса, фақат Унинг сифатлари билан тажалли этади.

У Зот яширин. Зидди йўқлиги ва ўзгармаслиги боис У Зот яширин қолаверади.

Албатта, бирор-бир онгли мавжудот Аллоҳ азза ва жаллани идрок қилиш учун етарли қобилиятга эга эмас. Биз эътиқод қилишимиз Унинг Зоти ҳақиқатини тўлиқ англаш эмаслигини биламиз. Бу Аллоҳнинг мавжуд эканлигига қатъий ишонч билдиришдир. Чунки мавжудлик ёки мавжуд бўлмаслик бошқа- бошқа ҳолатдир. Шунингдек, мавжуд бўлган нарсанинг моҳияти ҳақидаги ҳукм ҳам алоҳида бир нарса саналади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Аллоҳ таоло инсонга фақат Зоти улуҳиятини (Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилинишини) англаш, мавжудлиги ва йўқлигини билиш неъматини ато этган. Бундан ташқари Аллоҳ таоло кузатиладиган бу оламни Ўз сифатларининг тажаллиси ила тўлдириб, инсонларга улардан мутассир бўлмоқлик имконини берган.

Қуйидаги мисол бу ҳақиқатни жуда гўзал акс эттиргандир:

Авлиё зотлардан бўлган Жунайд Бағдодий Ҳазратлари бир куни жуда кўп киши шошиб, қизиқиш билан югуриб кетаётганини кўрдилар. Улардан:

“Нега ҳаяжондасиз? Шошиб қаёққа кетаяпсизлар?” деб сўрадилар.

Улар:

“Фалон жойдан бир олим келган! Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигини минг бир далил билан изоҳ этар экан! Унинг бу далил ва изоҳларини билиб олишга кетаяпмиз. Истасанг, сен ҳам биз билан юр!” дедилар.

Шунда Жунайд Ҳазратлари уларга табассум билан боқиб, ушбу сўзларни айтдилар:

“Кўрадиган кўзлар, эшитадиган қулоқлар ва ҳис этадиган қалблар учун коинотда илоҳий шаҳодатнинг саноқсиз гўзал таърифлари ва далиллари бор. Жаноби Ҳақнинг Ўзи ҳақидаги қанчалаб шаҳодати мавжуд. Кимдир буларга шубҳа билан қараса, бемалол бораверсин! Бизнинг кўнглимизда гумоннинг (шубҳанинг) ҳатто зарраси ҳам йўқдир”.

Қисқаси, Жаноби Ҳақ кўзлар кўриши учун оламнинг моҳияти бўлган инсонда, сўзсиз бир Қуръон бўлган коинотда ва сўзда ифодаланган коинот бўлган Қуръонда саноқсиз илоҳий сифат тажаллиларини бахш этган. Сўнг инсонлар булардан фойда топишлари учун уларга ёрдамчи ва йўл кўрсатувчи сифатида пайғамбарларини юборган. Шу орқали инсониятга зоҳирий ва ботиний оламлар ҳақиқатларини аниқ бир ўлчовлар асосида билдирган. Қуръони Каримда фикр юритилгани каби башар идрок эта оладиган савияга мос “калом” тарзида тақдим этган.

Биз ана шу каломнинг имкониятларидан келиб чиқиб, Аллоҳ ҳақида қуйидагиларни айта оламиз:

Асл моҳият шуки, биз Мутлақ Борлиқни ҳеч қандай ёзув билан ёза олмаймиз. Уни сўз билан таърифлашнинг имкони йўқ. Ўзининг сифатлашидан ташқари ҳеч бир сифат билан ҳам У Зотни тавсифлаб бўлмайди. Ҳатто чекланган идрокимиз ила “мутлақ” дейишимиз ҳам Уни сифатлаш учун етарли бўлмайди. Биз фикримизни англата олмоғимиз учунгина шу шаклда сўзлашимиз керак бўлади. Инсоннинг хаёлига нималар келмасин, Аллоҳ уларнинг баридан бошқачадир. Бундай бир мадҳ эгаси бўлган Мутлақ Борлиқнинг Ўз сифатларини зоҳир этиши Зоти учун зарурдир. Бу худди қандилнинг нури ҳар тарафда акс этишига ўхшайди. Шунингдек, барча мавжудотлар Вужуди Мутлақнинг илмида қисқа бир ҳолатда келтирилган. Коинотнинг ўзи эса, бу ҳақиқатнинг зоҳир бўлишидир.

Шаҳодат олами деб атайдиганимиз бу оламдаги мавжудотлар нисбий бир сифатда мавжуддир. Ўз борлиқлари назаридан уларнинг ҳеч бири бор бўлолмайди. Улар Мутлоқ Борлиқнинг сифатлари, яратганлари, ҳукмлари, қудрати ва яратувчилигининг мазҳари бўлиш (намоён бўлиши) эътиборидан мавжуд саналадилар. Зоти улуҳият барча мавжудотларда яратувчилигини, қудратини, ҳикматини, тадбирини, тасаррufини, сифатларини изҳор этган бўлса-да, борлиқ олами ҳеч қачон

Зотининг зуҳури бўлолмайди. Яъни борлиқ олами Зотининг эмас, сифатларининг зуҳуридир.

Яна У Зот ҳар нарсадан муқаддас ва муназзаҳ (ҳар нарсадан устун) дир. Қуёш бўлмаса, унинг нури ҳам бўлмайди. Бироқ бошқа бир борлиққа эга бўлмаса ҳам, қуёшнинг нурини қуёшдан айро ҳолда қуёш деб айта олмаймиз.

Ҳамма нарсани У деб билиш ва таниш, коинот ҳамда борлиқ оламини илоҳ дея қабул қилиш мулоҳазаси "Бир"ни "ҳар" сифатида тушунадиган моддиятчиларга йўл очиб беради. Афлотун томонидан илгари сурилган пантеизм йўналиши ана шу қўрқинчли ва янглиш тушунча асосида келиб чиққандир. Уларнинг баъзилари Ваҳдати Вужудни ҳам ана шу эътиқод тизимига киритишни истаганлар ва шу тизимга киритганлар. Ҳақиқий сўфийлар эса, бундай бир бузуқ эътиқодни доимо рад этганлар. Чунки ҳар бир нарса Унинг борлиги билан бор бўлгандир. Ҳақиқий Ваҳдати Вужуд[44] га бўлган ишонч эса, У Зотнинг ҳар нарсадан устун қўйилиши сабабидир. Яъни коинот Ҳақнинг сифатлари мазҳари бўлади, аммо Зоти коинот бўла олмайди. Чунки Яратувчи асло яратилмиш шаклида кўринмайди. Бунга зид мулоҳазада бўлиш очиқ-ойдин куфрдир. Жаноби Ҳақ "муҳолафатун ли-л ҳаводис", яъни тенги ва ўхшаши йўқдир. У Зот яратилганларнинг ҳеч бирига ўхшамайди. Қолаверса, У ҳар турли антропоморфик (башарий) сифатлар билан тавсиф қилинишдан баланддадир. Бу ҳақиқатдан узоқлашган яҳудийлар Узайр алайҳиссаломни, насронийлар Исо алайҳиссаломни Аллоҳнинг ўғли дейишга қадар адашишга борганликлари маълумдир. Одам Ато фарзандлари буни ўз хаёлот оламида яратиб, кейин унга ўзи ҳам ишонмоқчи бўлган. Бундай залолатга илоҳий бир жавоб сифатида Аллоҳ таоло шундай буюради:

---

44 Ваҳдати вужуд, Муҳйиддин ибни Арабий ҳазратлари тарафидан тизимлаштирилган тасаввуфий бир кўринишдир. Бу хусусда "Ваҳдати шуҳуд" дейилган бошқа бир кўриниш ҳам борки, бу "Мужаддиди алифи Соний", яъни иккинчи минг йилликнинг янгилатувчиси унвонини олган Имом Раббоний Ҳазратларига тегишлидир. Аслида бу хил икки қараш айни нарсани икки томондан изоҳлашдан бошқа нарса эмас. Зеро ҳар иккиси ҳам Жаноби Ҳақнинг "Вужуд" сифати моҳиятини ва оламдаги борлиқ орасидаги фарқни очиқлашдир. Бир фарқи – Ваҳдатул вужуд тавҳидни ҳис этиш, Ваҳдатул Шуҳуд эса, тавҳиднинг намоён бўлишини тушунишдир. Булар бир ҳол бўлиб, уларни ақл билан бажариладиган фалсафий талқинлар билан аралаштирмаслик шарт.

**“....”** (аз-Зумар, 67)

Диққат қиладиган бўлсак, Ислом ақиданинг асосини ташкил этувчи калимаи тавҳид «ла илаҳа» лафзи билан барча ботил эътиқод ва илоҳларни қалбдан олиб ташлади. Бунинг ўрнига қалбга “илаллаҳ” ифодаси ила хаёл ва идрокдан юқори бўлган Аллоҳ тушунчасини ва мустаҳкам иймонни жойлади. Ояти каримада буюрилади:

**“...”** (ал-Бақара, 255)

**“....”** (аш-Шуъра, 11)

**“....”** (ал-Ихлос, 1-4)

Биз Зот хусусида фақат ўз оламимиздан олинадиган таассуротлар ва ҳикматлар чегарасида Уни билмоқ ва Унга таслим бўлмоқ идрокидамиз. Яъни банда бу фоний оламда ва фоний ўлчовларда қандай юксак бир ҳол ё қобилиятга эга бўлса ҳам, Зотни идрок этиш хусусида ожиздир, ожиздир, ожиздир...

Қуръони Каримда Мусо алайҳиссаломнинг Тур тоғида Жаноби Ҳақ билан сўзлашганлари ва буюк бир маънавий лаззатни ҳис қилганлари билдирилган. Мусо алайҳиссалом бу ҳис ва илоҳий тажалли таъсирида ҳушларини йўқотдилар. Дунёда ё охиратда эканликларини унутиб, қарийб замон ва макон тушунчасидан ташқарига чиқдилар. Буюк бир ишқ, важд ва истиғроқ ичида кўнгилларида Аллоҳнинг буюк Зотини кўриш тўғрисида кучли бир орзу уйғонди. Жаноби Ҳақдан шуни тиладилар. Аллоҳ таоло:

**«....!»** деди ва Мусо алайҳиссаломга тоққа назар солишларини айтди. Агар уни ўз ўрнида кўра олса, Аллоҳни ҳам мушоҳада эта олишини билдирди. Ривоятларга кўра, саноқсиз пардалар ортидан Жаноби Ҳақдан бир нур тажаллиси тоғда акс этди. Тоғ парчаланиб кетди. Бу даҳшатдан Мусо алайҳиссалом ўзларидан кетдилар. Ҳушларига келгач, ҳадларидан ошганларини билдилар. Жаноби Ҳақни поклаб, истиғфор айтдилар.[45]

Бу Қуръоний ҳақиқат башарнинг Зоти Илоҳийни тушунишда мутлақо ожизликка маҳкум эканлигининг очиқ бир далилидир.

Ҳадиси шарифларда ҳам жаннатда мўминлар Зоти Илоҳийни дунёда ўн тўрт кунлик ойни кўрганлари каби кузата оладилар дейилгандир. Бу



45 Қрн. Аъроф сураси,143.ояти карима.

икки ҳақиқат орасида бирор қарама-қаршилик, тазод ҳолати йўқдир. Чунки дунёдаги шартлар билан охиратдаги шартлар бир хил эмасдир. Яъни жаннатда мўминларга Зоти Илоҳийни кузатишларига имкон берадиган бошқа бир истеъдод ва қобилият эҳсон қилинади. Аслини олганда Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Жаброил алайҳиссалом тарафидан кўксилари ёрилиши маълум бир сабаб ила амалга оширилган эди. Бу ҳодиса у зотни дунё шартлари орасида қолдирмаслик мақсадида қилинганди. Шунингдек, бу маънавий амалиётни бошдан кечиришлари Расули Акрам ўзларига топшириладиган ўта оғир вазифаларини бажара оладиган қобилиятга эга бўлишлари учун эди. Бу амалиёт ўтказилмаганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоқатлари оддий бир башарий ҳолатда на бу вазифаларга ва на меърож каби буюк тажаллига кифоя қиларди...

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, **иймондан эҳсонга юксала олганлар** бор илоҳий сирлар нурида ҳақиқат ва маърифатга ноил бўла олганлардир. Бундай бандалар коинотнинг кўз қорачиғи ва моҳиятига айланганлар. Булар ҳақиқий комил инсонлардир. Улар доимо азал оламини, яъни Мутлақ Борлиқ вуслатини излайдилар ва уни соғинадилар. Бизнинг оламимизга, бу нисбий борлик оламига тушиш улар учун бир ғурбатдир. Бироқ улар бу оламда ўз фоний борлиқларидан айрилиб, Ҳақ борлиғи ила мавжуд бўлишларини била олганлар. Иродаларини Ҳақнинг иродасига таслим этганлар.

**Жаноби Ҳақ жумламизни энг тўғри ва яқиний бир иймонга муяссар айласин. Иймон боғимизни ҳам ризоси истиқоматидаги амали солиҳ ғунчалари билан гўзаллаштирсин. Ҳабибига қўшни айлаб, Зотининг Жамоли ва камолига мушарраф этсин!..**

**Амийн!..**

***Ҳақнинг нури билан боққан киши заррада абадиятни кўради, бир қатрада бутун уммонни сайр қилади.*** *(Ҳазрати Мавлоно)*

## 2. ИЛОҲИЙ СИФАТ ВА ТАЖАЛЛИЛАР

Жаноби Ҳақнинг Зоти бирдир, сифатлари эса санаш билан битмайди. Яъни У Зотнинг сифатлари аниқ бир миқдорда эмас, балки сўнгсиздир. Буларнинг барчаси ёлғиз Ўзига аёндир. Улардан бир қисми Пайғамбарларга, бир қисми (Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исми каби) инсонларга билдирилгандир. Олимлар ҳам Аллоҳ таолонинг бу тўқсон тўққиз сифати сирасига кирмайдиган бир қанча илоҳий сифатлардан воқифдирлар.

Барча маълум ва номаълум илоҳий сифатлар аввало, коинотнинг ягона Яратувчиси нуқсон сифатлардан муназзаҳ эканлиги, барча етук сифатларга уйғунлиги ва хаёл қилиб бўлмайдиган даражада мукаммаллигини ифодалаш учун зарурдир. Бу ёндашувга кўра:

**a. Зотий**

**b. Субутий ( барқарор бўлган)**

дея муайян белгилар умумийлиги асосида таснифланган илоҳий сифатларнинг ҳеч бирида нуқсон бўлиши мумкин эмас. Уларга ўзига уйғун бўлмаган бошқа бир сифатни ҳам илова қилиб бўлмайди.

Буни шундай изоҳлашимиз мумкин:

Унинг баркамол бир Борлиқ эканлиги абадий тирик ва мутлақ **ҳаёт соҳиби** бўлганлигидандир. Унинг ҳаёт сифати зидди ўлим бўлган ҳаёт эмас, балки ёлғиз Унгагина хос бир ҳаётдир. Бу ҳақда Қуръони Каримда шундай тасниф этилади:

**“Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга ...”** (ал-Фурқон, 58)

Унинг илми тушунча ва фикр маҳсули бўлишдан юқори туради.

Коинотда ҳеч бир ақл ва ирода эришолмайдиган даражадаги нозик, ҳассос низом ва уйғунлик Жаноби Ҳақнинг нақадар чексиз илм соҳиби эканлигининг энг ишончли далилидир. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, инсон-

лар кичкина бир ихтирони бир қанча киши биргаликда яратадилар. Улар бу ишни асрлар давомида, ҳамкорликда иш кўриб юзага чиқара оладилар. Буларни аввалгилардан ўрганган кўплаб илмлари ва билган қоидалари асосида амалга оширадилар. Масалан, ҳозирда кенг тарқалган қўл телефонлари инсон яратилганидан кейин шунча вақт ўтиб, кўплаб тажрибалар тўпланиши орқали кашф қилинди. Бошқа ривожланиш йўллари ҳам худди шундай тартибда давом этмоқда. Ҳолбуки, бу кашфлар ва ҳали ҳам ечим топмаган саноқсиз ижод сирларини Жаноби Ҳақ илми илоҳийси ила бир онда коинот низомига ўрнатгандир.

Жаноби Ҳақнинг илми билан махлуқотнинг илми орасидаги чексиз фарқни мана бу мисол қандай гўзал ифодалаган:

Ҳизр алайҳиссаломнинг Мусо алайҳиссаломга ажойибу ғаройиб ва ҳикмати номаълум ҳодисаларни кўрсатган саёҳатлари асносида бир чумчуқ келиб, кеманинг чеккасига қўнди. Денгиздан тумшуғига сув олди. Ҳизр алайҳиссалом бу манзарани Мусо алайҳиссаломга кўрсатиб, шундай ташбеҳ келтирдилар:

*“Аллоҳнинг илми ёнида сенинг, менинг ва бутун махлуқотнинг илми шу қушнинг денгиздан тумшуғига олган суви қадардир”.* (Бухорий, Тафсир, 18/4)

Ҳазрати Мавлоно ана шу ҳақиқатлардан келиб чиқиб, инсонга **илм, самъий ва башар сифатларини** ўргатишдаги ҳикматни шундай ифодалайди:

*Жаноби Ҳақ “Қўрқса-да, фасод чиқармасин ва бузғунчилик қилмасин”деб Ўзининг олим, яъни «ҳамма нарсани яхши билган» эканлигини билдирди”.*

*“Чиркин ва ёмон сўзлар учун оғиз очмасин” деб Ўзининг самъий, яъни «ҳар нарсани яхшилаб эшитган” эканлигини билдирди”.*

*“Яширин ёмонликларга булғанмаслиги” учун Ўзининг басир, яъни «ҳар нарсани яхшилаб кўрадиган» эканлигини билдирди”.*

Бор бўлган барча каломлар ҳам Жаноби Ҳақнинг **калом сифатининг** тажаллисидир. Аллоҳ таоло ана шу тарзда калом сифатидаги чексиз қудратни кўрсатмоқда, айниқса Ўзининг мукаррам исмларини саноқсиз таъриф ила зикр қилдирмоқдад. У калом сифати орқали жонсиз

деб қараладиган ҳар бир маҳлуққа уларнинг ўзига хос бир тил берган. Ояти каримада буюрилади:

**“...”** (ал-Исро, 44)

Аллоҳни Ўз исмлари билан улуғлашимиз, нуқсонлардан холи эканлигини айтиб поклашимиз ва Унга ҳамд айтишимиз шубҳасиздир. Инсон учун Аллоҳ таолони танимоқнинг ягона воситаси ҳам Унинг **илоҳий сифатлари тажаллилари**ни идрок эта олиш билан мумкин бўлади.

Аллоҳнинг бу сифатлари уларнинг маънолари тушунтирилганда «сифат», васф қилинаётган Зотнинг далолатлари тасаввур қилинганда «исм» дейилади. Бу сифатларнинг Аллоҳ учун исм даражасида эканлиги Унинг шу юксаклик ўлчамидаги сифатларга эгалиги сабабидандир. Ҳақиқатан инсонлар орасидаги баъзи шахслар ҳам ўз сифатлари билан юксак савияда сифатлансалар, кейинчалик бу сифатлар улар учун исм каби қўлланила бошлайди. Ҳазрати Сиддиқ, Имоми Аъзам, Майитзода сингари исм даражасига етади.

Қолаверса, илоҳий сифат тажаллиларига **“асмо тажаллилари”** ҳам дейилади. Бу сифатлар У Зотнинг Ўзи тарафидан ҳам:

وَلِلّٰهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنٰى

**“Энг гўзал исмлар Аллоҳга оиддир...”** (ал-Аъроф, 180) ояти билан исм сифатида баён қилинган. Шу тариқа Аллоҳ таоло Ўзини илоҳий исмлари васфи воситасида қулларининг идрокига тақдим этган.

Зеро банда улуҳият билан исм орқали робита боғлайди. Бу ҳақиқат Аллоҳни танишда Унинг исми воз кечиб бўлмайдиган бир унсур эканлигини ўртага чиқаради. Бу ёндашув сабаб банданинг Аллоҳ биладиган яхши ва ёмон амаллари улуҳиятнинг ҳақиқатига эмас, исмига йўналади. Шундай қилиб улуҳиятнинг ҳақиқати доимо ҳар нарсадан устун, муназзаҳ бўлиб қолаверади.

Ҳақиқатан ҳам Жаноби Ҳақнинг хос исми бўлмаса, инсон Унга ибодат қилишда қийналар эди. Чунки инсон борлиқни исмда кўриб, исм билан ифодалашга ўрганган. Инсон учун исм борлиқнинг тажаллисидир. Шу боис Жаноби Ҳақ Одам алайҳиссаломни яратганида унга барча исмларни ўргатиб, Ҳазрати Одамнинг малаклардан устунлигини шу билан

ифодалаган. Зеро бир борлиқнинг номини билиш унинг зотий борлиги ҳам тушуниб етиш демакдир. Ахир биз Жаноби Ҳақни буюк исмлари ила билмасак, У ҳақда нимани ҳам билар эдик?

Инсон Раббисининг хусусиятларини билдирган исмларга доимо муҳтождир. Ҳар бир бандaнинг ҳаётида турли ҳолатлар рўй беради. Шунда у Аллоҳни ўзининг ҳолига мос келадиган исми билан чақиришни истайди. Бу исмлар бўлмаганида, банданинг У билан алоқаси нуқсонли бўлиб қолар эди. Балки бундай боғланиш умуман бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Шу ўринда бу исмлар зот ва улуҳият қаршисида банданинг ҳис -туйғуларини ифодалай олган, яъни инсоният идрокининг энг чуқурларини очган калитлар эканлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим.

Аллоҳнинг исмларини зирк қилишнинг ўзи ҳам иймонни озиқлантириб, илоҳий ҳузурни ҳис эттиради. Аллоҳга бўлган ишқ ва муҳаббатни орттиради, Унга нисбатан ҳушъ соҳибига айлантиради. Унга яқин бўлганларга рағбат эттириб, дунёдан ва унинг фоний лаззати ҳамда ҳавасларидан воз кечдиради. Барҳаёт бўлган Зотга йўналтириб, Ҳаққа қайтиш (вуслат) орзусига етказади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам турли ҳолатларда Аллоҳ исмлари билан ўқиладиган дуо ва зикрларни тавсия қилганлар. Чунки бу дуолар Аллоҳнинг исмларига тўлалиги учун ҳам кўплаб фойдалар бера олади.

Илоҳий марҳаматга жуда ҳам муҳтож бўлган бир мўмин Раббисидан ёрдам истар экан, ўзининг ҳолини ифодалай оладиган бир таъбир излайди. Шундай шароитда у: «Роҳман ва Роҳийм» исмларига суянади. Гоҳида гуноҳларининг оғирлиги остида эзилиб, кўнгил боғи вайрон бўлганини ҳис қилади. Бу пайтда Ҳаққа яқинлаштирадиган бир васила излаб: «Ғаффор ва Саттор» исмларига сиғинади. Борлиқ оламида ёки ўз руҳида тажалли этган илоҳий қудрат, илоҳий азаматни кузатар экан, китобларда ифодаланмайдиган туйғуни сўз ила баён этгувчи усулни излайди. «Аллоҳу Акбар» деб, Аллоҳнинг буюклигини тан олганидагина тўлқинланган руҳи ҳузур топади. Хулоса сифатида шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, банда ҳар хил вазиятда Жаноби Ҳақнинг турли (муҳталиф) сифатларини эслайди. Улар воситасида руҳининг қулфланган эшикларини очади ва ўзи дуч келган кўплаб зиддиятли ҳолатларни бартараф этади.

Шунинг учун Жаноби Ҳақ инсонларга Ўзини ҳақиқатга мослаб, улар тушуна оладиган тарзда билдиргандир. Яъни Ўзини Олим, Ҳаким, Қодир, Ғофур каби бир қатор сифатлар воситасида танитган. Аслида инсоннинг Уни шундай сифатлар орқали танишида инсонга оид шахсий бир сабаб бордир. Чунки инсон бу васфларнинг бир қисмини жуда чекланган даражада бўлса-да, ўзидан ҳам топа олади. Бу эса инсоният идрокининг иймон ва ҳидояти учун лутф қилинган бир илоҳий инъомдир.

Бир қарашда Аллоҳнинг сифати ва феълий тажаллиси "башарий тушунчага йўналган илоҳий тавозе босқичлари" дан иборатдир. Зеро тажалли зуҳурланишни изҳор қилади. Фақат бу изҳор Унинг Зотида бўлгани каби эмас, балки бизнинг идрокимиздаги тавозе ҳолида юзага чиқади. Бу ҳақиқат тўғрисида Ҳазрати Мавлоно шундай дейди:

*"Ҳақнинг нури билан боққан заррада абадиятни, яъни сўнгсизлик қуёшини кўради. Бир қатрада бутун денгизни сайр қилади".*

Иброҳим Гулшаний Ҳазратлари эса, бу нозикликни шундай гўзал сўзлар билан ифода қилади:

*Недир бу қатраларда баҳру уммон бўлганинг, эй жон?*
*Недир бу зарраларда шамс -и тобон бўлганинг, эй жон?*

*"Эй жон, бу томчиларнинг ичида бир уммон бўлишинг недан? Эй жон, бу зарралар ичра порлоқ бир қуёш бўлишинг недан?"*

Бу саволнинг жавоби Ҳазрати Мавлононинг шу сўзларида яширинган:

*"Ҳикматига шубҳа қилинмайдиган Ҳақнинг ишини ким англай олади? У ишнинг ҳақиқатига ким ета олади? Бу айтган сўзларим фақат англатиш учун айтилган зарурий сўзлардир".*

*"Аслида дин иши ҳайрон бўлмоқ, шошиб қолмоқдан бошқа нарса эмасдир. Фақат бу ҳайронлик (ақл батамом етиша олмаганлиги сабабли) ҳақиқат қибласига орқа ўгириш билан эмас, аксинча, дўстнинг масту ҳайронига айланмоқ ва ҳайратга тушмоқ билан кечиши керакдир".*

*"Зеро уйқуга борсак, Унинг ишқи ила ўзимиздан кечгаймиз, Унинг учун сархушу маст бўлгаймиз. Уйғоқ бўлсак, У ёзган достонда неча сирларни яшагаймиз".*

*“Агар йиғласак, Унинг ризқлари, барокатларига тўла булутга айланғаймиз. Куладиган бўлсак, Унинг порлоқ чақмоғи бўлғаймиз”.*

*“Агар жаҳл қилсак, жангга кирсак, бу Унинг қаҳрининг акси, жалолининг тажаллиси бўлади. Агар биз ярашиб, узр сўрай олсак, бу ҳам Унинг севгиси юзага чиқишини ва намоён бўлишини билдиради”.*

*“Биз бу мураккаб дунёда киммиз? Биз соя каби бир борлиқмиз, ҳечдан иборатмиз. Ҳеч бир ҳарф билан бирлашмайдиган, ҳеч бир нуқта олмайдиган алиф (ҳарфи) кабимиз. Биз адо этган ҳар амал, биз эришган ҳар ҳол Унинг асмо ва илоҳий сифатларининг зуҳуридир”.*

Ҳазрати Мавлонони шундай бир ҳайрат ва ҳайронлик дарёсига чўмдирган сабаб Жаноби Ҳақнинг сифатлари ва исмларидир. Уларнинг ақлларни ҳайратда қолдирар даражадаги улвий ва сўнгсиз тажаллиларидир. Айнан шу ҳақиқат, яъни Аллоҳнинг исмлари кўплиги Унинг таъсир кўрсатиши ҳам зиёда эканлигини англаб етишга ёрдам беради. Улуҳиятнинг мазмунидаги чексизликни ифодалайди. Уни чекланадиган, тор тушунчалардан устун эканлигини кўрсатади. Хусусан, зид сифатлар улуҳиятни чеклашга мойил қарашларга самарали тўсиқ бўла олади. Баъзилар Уни доим Зоҳир сифати ила кўрмоқни истайдилар. Аммо Зоҳир бўлган Аллоҳ айни замонда Ботин ҳам бўлади.

Аллоҳ таоло “жамиъул -аздод” дир, яъни зид сифатларни борлиғида жамлагандир. Бу буюклик сабаб борлиқлар бир-биридан фарқ қилади. Бунга кўра инсонларни уларнинг идрокига сиғадиган ҳолатлар, зидликлар орқали қамраб олиш мумкин бўлади. Бундан ташқари бир-бирига хилофлик ҳолати қанчалик мукаммал(тўлиқ) бўлса, тушуниш шу қадар аниқ бўлади.

Бу оламда ўзаро келиша олмайдиган инсонлар, зиддиятли қарашларга эга бўлганлар бир- бирларини йўқ қилишга ҳамда сингишга мойил эканликларини айтиб ўтишимиз керак. Бу борлиқнинг асли ягоналигидан келиб чиққан бир ҳолатдир. Бу ҳолат физика оламида ҳам, метафизик ҳақиқатлар соҳасида ҳам айнан бир шаклда мавжуд. Яъни “одатуллоҳ” шартига кўра, бир хил шаклда давом этади. Ойдинлик- қоронғиликни, иссиқлик – совуқликни йўқотиш орқали бир-бирига сингиш тамойилида бўлгани каби тафаккур ва боғланиш орқали майдонга келган руҳий алмашинувлар ҳам ана шу илоҳий қонуннинг талабига бўйсунади. Бироқ

Зоти илоҳийдаги зидликлар дунёдаги каби бир- бирини йўқ қилиш хусусиятига эмас, балки тенг келишиш истеъдоди ва иқтидорига эгадир.

Аллоҳ таолонинг ҳеч бир сифати Ўз зотида зидди билан келмаган. Яъни У ҳаёт соҳибидир. Бироқ Унинг ҳаёти ўлимдан муназзаҳдир. Махлуқот учун эса, ҳаётининг зидди бўлган ўлим бордир.

У Бордир. Борлиги бунинг зидди бўлган йўқликдан муназзаҳдир. У илм соҳибидир. Бунинг зидди бўлган жаҳолатдан муназзаҳдир. У эҳтиёжларни кетказгувчидир, муҳтожликдан муназзаҳдир. Аввалдан то охир сифати илоҳий шундайлигича қолади.

Биз зид сифатларнинг Аллоҳ олдидаги мутлақ мазмунларини билишга қодир эмасмиз. Фақат дунёни кузатиш орқали олган таассуротларимиз асосида тушуниш иқтидорига эгамиз. Шу боис бу ҳолни идрок этиш ва таҳлил қилиш бизнинг тоқатимиздан юқорида туради. Буни шундай мисол билан англата оламиз:

Фойдаланувчининг хоҳишига кўра бир электр симидаги электр токидан музлаткичда совутиш, печда эса иситиш каби иккита қарама-қарши натижага эришиш мумкин. Агар биз уларни бир хонада ишлатиб кўрадиган бўлсак, улардаги иситиш ва совутиш хусусиятлари маълум даражада бир- бирининг таъсирини йўқ қилганини кўрамиз. Бироқ бу ҳолат уларнинг келиб чиқиш манбаи бўлган электр симида ўртага чиқмайди.

Аллоҳ таоло барча мавжудотни аниқ бир қобилият ва иқтидор билан зийнатлаган. Улар ҳам Аллоҳнинг сифатлари намоён бўлгани сингари маълум доирада юзага чиқади. Зидларнинг бир-бири билан мужодаласидаги ғалабадан кўпчилик озчиликни хабардор қилиши абадий давом этаверади.

Бундан кўринадики, оламдаги қарама-қаршиликлар мужодаласида йўқ қилишга нисбатан ғалаба қозонишга интилиш мақсади ортиқроқ экан. Чунки ҳар бир қарама-қарши ҳолат бир ёки бир неча асмога суянганлиги ва асмои илоҳиййа абадий бўлганлиги учун бу зидликни йўқотиб бўлмайди.

Мўъминларда Аллоҳнинг “Ҳодий” (ҳидоят берувчи) сифати илоҳиййаси ғалаба ҳолида тажалли этганлиги бу тушунчанинг табиий бир натижасидир. Кофирларда эса, “Мудилл” (залолатга олувчи) сифати кўринади. Шу ҳолда дунёдаги иймон-куфр зидлиги ҳам қиёматга

қадар давом этади. Булар орасидаги курашнинг “ғалаба” сифатидан ўтиб, бири-бирини тамоман йўқ қилиш шаклида натижаланиши мумкин эмасдир. Зеро **бутун асмои илоҳиййанинг тажаллиси узлуксиз ва абадийдир**.

Бунинг бошқа бир натижаси ҳам бордир:

Кофирлар нақадар қувват ва қудрат соҳиби бўлсалар ҳам, иймонни йўқ қилолмайдилар. Бу ҳақиқат мўъминлар учун ҳам айнан бир хилдир. Башарият амал қилаётган иймон ва куфр учун белгиланган ана шу ҳақиқат коинотдаги барча қарама-қаршиликларда ҳам қўлланади.

❁

Бошқа томондан қараганимизда, асмои илоҳиййа зуҳурининг бирикуви ила вужудга келган коинот бундай бир тажаллига эга бўлиш жиҳатидан ягона эмасдир. Бу ҳолат **инсон ва Қуръон** борасида ҳам кузатилиши маълум.

Коинот бу тажаллида ҳаракатдаги бир оламни ташкил этар экан, Қуръон ундаги далилларни “калом” шаклида ифодаловчи ҳақиқатлар манзумасидир. Инсон бу манбалар орасида худди коинот каби бутун асмои илоҳиййанинг тажаллиларига эга бўлиш жиҳатидан борлиқнинг моҳияти, мағзи ва асли мавқеидадир. Шу туфайли унга “олами сағир”, яъни кичик олам дейилгандир.

Асмои илоҳиййадаги қарама-қаршиликлар мукаммал тажалли макони бўлган инсонда ҳам мавжуд эканлиги аниқдир. Бунга кўра “Ҳодий” сифати илоҳиййаси устун бўлган бир мўъминда зарра миқдорида бўлса-да, “Мудилл” сифати илоҳиййаси ҳам мавжуд бўлади. Бундай шахснинг иймони эътиқодига омил бўлган сифатнинг зафари билан натижаланади. Кофирларда эса, бунинг акси кузатилади.

Бу ҳолатнинг табиий натижасини ҳар бир мўминда куфрга ва ҳар бир кофирда иймонга оз ё кўп даражада бир мойиллик бор эканлигида кўришимиз мумкин. Мўъминлар иймоннинг муҳим бир жиҳати бўлган “байнал- хавфи вар-ижо”, яъни “қўрқув ва умид орасида” яшайдилар. Шу боис мўминлар ҳам ҳар онда оёқлари тисарилиши эҳтимоли борлигини ёдда тутишлари лозим бўлади.

Ҳатто энг садоқатли кофир ҳам бир кун келиб, “Ҳодий” сифати илоҳиййасининг ғалабасини қўлга киритиши мумкинлигини ҳам унут-

маслигимиз лозим. Бунга лойиқ кўрилган инсонни ана шу умид ва эҳтимол нури сабаб қабул қилишимиз керак.

Ҳадиси шарифда шундай таъкидланади:

*“Бир киши узоқ вақт давомида жаннат аҳлининг амалларини бажаради, сўнг амалларини жаҳаннамдагиларнинг амаллари билан тугатади. Бир киши эса, узоқ вақт жаҳаннамдагиларнинг амалини бажаради, сўнгра амали жаннат аҳлининг амаллари билан хотима топади”.* (Муслим, Қадар, 11)

Шунинг учун ҳар бир мўмин кўнглини қўрқув ва умид орасида тутиши, Жаноби Ҳақнинг:

**“...!”** (ал-Ҳажр, 99) амридаги илоҳий дастурни ўзига шиор қилиб олиши керак.

Қадар иймон ва инкорга боғлиқлик томонидан номаълум бўлиб қолаверади. Шу боис бу хусусдаги мутлақ ишонч ҳам, мутлақ қўрқув ҳам куфрдир. Чунки охирги нафасда рўй берадиган ҳолни ҳеч ким билолмайди. Зеро Пайғамбарлар ва улар ишорат қилган зотлар (ашараи мубашшара каби) дан бошқа ҳеч кимса учун кафолат йўқдир.

Юқорида ифода қилганимиз каби зид сифатлар Зоти илоҳиййада бир-бирига боғланган ва сукунли ҳолатда бўлади. Жаноби Ҳақнинг бу сифатлари синов олами бўлган дунёмизда бир-бирларини енгмоққа мойил бўлганлар сифатида намоён бўлади. Яъни вақт -вақти билан “Ҳодий” исмининг тажаллиси билан ҳидоят топганлар ортиб боради. Вақт-вақти билан эса, “Мудилл” исмининг ғалабаси билан куфрдагиларнинг ҳам сони ортади. Ҳатто пайғамбарларнинг бағрикенглик билан қилган саъй-ҳаракатларига қарамай, жамиятда кофир ва фосиқлар доимо учраб турганлигини ҳам биламиз. Кофирлар ва золимлар ҳукмронлик қилган даврларда, эса мўъминлар ўз эътиқодларини ҳимоялашда давом эта олганлар.

Бизга Асҳоби Уҳдуд оташ тўла хандақлар ичига ташланганлари, илк Исовийлар арслонларнинг тишлари орасида жон берганлари ва Ҳабиби Нажжор золим бир қавм тарафидан тошбўрон қилинганлиги маълумдир. Булар ҳақида Қуръони Каримда баён этилган. Шунингдек, Фиръавннинг сеҳргарлари ҳам Мусо алайҳиссаломга иймон келтирганлари учун қўл ва оёқлари кесилиб, хурмо дарахтларига осилганлар. Шунда ҳам улар иймон заифлигига учрамасдан:

رَبَّنَا أَفْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَتَوَفَّنَا مُسْلِمِينَ

**“…!”** (ал-Аъроф, 126) **деб** охирги нафасларигача иймонлари учун курашиб, шаҳид ҳолларида Раббиларига қовушганлар.

Бу ҳақиқатларда биз учун эътиқодий ва тарбиявий бир самара бордир. Бунга кўра бирор киши куфрга қанчалик шиддат билан берилган бўлмасин, уни Исломга даъват этишларидан тўсишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир. Зеро вақти келиб, унинг шуури остидаги “Ҳодий” сифати илоҳиййасининг тажаллиси ривожланиши мумкин. Шахсиятида ўзгаришлар бўлиши эҳтимоли мавжуддир. Яъни йўлдан озган бир кофирда ҳам ҳидоят эҳтимоли бордир. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло Фиръавнни ҳидоятга даъват этиш вазифасини Ҳазрати Мусо ва биродари Ҳазрати Ҳорунга топширганида баён этгандир. Яъни Аллоҳ таоло уларга:

فَقُولاَ لَهُ قَوْلاً لَيِّنًا لَعَلَّهُ يَتَذَكَّرُ اَوْ يَخْشٰى

**“.....”** (Тоҳо, 44) **деб буюради**.

Ҳеч шубҳасиз, бу ояти карима айни вақтда бизга Исломни таблиғ қилиш хусусида мукаммал бир услуб таклиф қилмоқдадир. Бу услубнинг икки асоси мавжуддир:

1. Ҳақиқатни муҳаттабга унинг нафсониятига тегмайдиган юмшоқ бир шаклда таблиғ қилиш;

Фиръавн Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизалари қаршисида кўп марта иймон келтиришга мойил бўлади. Бироқ бунга Ҳомон ва Фиръавннинг атрофидаги бошқа кишилар монъелик қилдилар. Ўзи эса ғурур ва кибрга берилиб иймон келтирмади. Лекин Қизил денгиз ичида ожиз аҳволда қолиб, бўғилаётган онида қўрқув билан “Ҳодий” исми илоҳийсига суянишни истади.

**“....”** (Юнус, 90) деди.

Бироқ бир умр “Мудилл” исмининг тажаллисига толиб ҳолда яшаган Фиръавннинг сакарот (беҳушлик) онидаги бу иймони қабул этилмади. У зулмкор бир кофир сифатида дунёдан ўтди.

Бошқа бир ояти каримада ҳам:

**“!..”** (ан-Наҳл, 125) дея буюрилган. Яна шу услуб хусусида таъкидланган.

2. Қандай ҳолатда бўлишларига қарамай, таблиғнинг барча инсонларга кенг тарқатилиши;

Фиръавн иймон келтиришни истамаган золим ва бадбахт бўлиши билан бирга биргина Мусо алайҳиссаломни йўқотиш учун мингларча гўдакни қатл эттирган ёвуз бир одам эди. Шундай бўлгани ҳолда ҳам илоҳий таблиғга муҳаттаб бўлди. Ҳатто ояти каримада ҳам:

**“.....”** (Тоҳа, 44) деб буюрилди.

Бу илоҳий баён таблиғни қандай ҳолатда бўлсалар ҳам, барча инсонларга тарқатиш шартлигини ўртага қўймоқда.

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Жаҳлга неча марталаб таблиғда бўлганлар. Абу Жаҳл Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг очиқ- ойдин нубувватларига виждонан иқрор бўлгани ҳолда, нафсониятининг ғалабаси ва кибри сабабли буни тан олмади. Бироқ Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу буюк хулқлари Умар бин Ҳаттоб, Абу Суфён, Ҳинд ва Ваҳший каби бошида Ислом душмани бўлган бир неча кишиларнинг ҳидоятига сабаб бўлди.

Бундай ёндашув нафақат исломий хизматларда, балки бутун инсоний муносабатларда ҳам нафосат, мулойимлик ва зукколик билан муомалада бўлиш имконини беради. Бу гўзал хулқ амалий ҳаракатда бўлинган ҳолатларда ҳам, эҳтимолий вазиятларда ҳам эътиборга олиниши лозим бўлади. Мутасаввифларнинг хулқларидаги энг мукаммал ва файзли таъсирга эга бўлган нуқтаи назар ҳам шудир.

Жаноби Ҳақ Ўз Зотий борлиғи ҳамда вахдониятини қалб билан тасдиқ этилиши ва тил билан тан олинишини хоҳлади. Ибодатлар ана шу иймон сабаб пайдо бўладиган табиий ва виждоний бир эҳтиёж сифатида адо қилинишини истади. Сўнг махлуқот орасидан фақат инсонлар ва жинларга буни амалга ошириш истеъдодини берди. Инсонлару жинларни идрок ва ирода ила зийнатлагани учун уларни ана шу идроклари савияси нисбатида масъул ва жавобгар қилиб қўйди.

Жинлар саноқда инсонлардан кўпдир. Шунинг учун Қуръони Каримдаги жинлар бирликда ифодаланган оятларда инсонлардан олдин

жинлар зикр қилинган. Бироқ шунга қарамай, шараф ва буюкликда энг устун мавқе инсонга берилгандир. Ҳолбуки, инсонлар ҳамда жинларнинг яратилишларидан мақсад уларнинг Ҳақ таолога ибодат ва қуллик қилишларидир. Улар бу бандалик вазифаларини бажаришда баробардирлар. Жаноби Ҳақ бу хусусда Қуръони Каримда:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلاَّ لِيَعْبُدُون

**“.....”** (аз-Зорият, 56) ояти жалиласи орқали хабар бергандир.

Раҳмати ғазабидан устун, сўнгсиз марҳамат соҳиби бўлган Аллоҳ таоло инсонлар ва жинларга зиммаларидаги “қуллик” вазифаларини адо этишлари учун ақл, идрок, ирода ва муножот қила олиш қудратини берган. Бунга қўшимча равишда уларни илоҳий рағбатлар билан ҳам қўллаган. Ўз марҳамати ила уларга лутф қилгандир.

Коинот ҳар унсури ила Қодир Аллоҳнинг борлигига гувоҳлик бергувчи далиллар майдонидир. У Зот инсонлар ва жинларнинг Ўзига ибодат қилишларини енгиллаштириш учун Пайғамбарлар ҳамда муршиди комиллар орқали уларга кўмак берди.

Яратган Зот илова қилинган бу ёрдамидан ҳеч бир киши четда қолмаслиги учун уни илк инсонданоқ бошлаган. Аллоҳ таоло инсониятнинг отаси бўлган Ҳазрати Одамни нубувват билан тожлантиргандир. Инсон жинлардан устун бўлганлиги сабабли барча пайғамбарлар инсонлар орасидан танланганлар ва улардан баъзилари жинларга ҳам пайғамбарлик қилганлар.

Пайғамбарларнинг таблиғлари мужаррад ҳақиқатлар нуқтаи назаридан бир-бирига айнан мос келади. Бироқ кейинги ижтимоий ҳукмлар ҳамда инсон ҳаётининг ривожланиш жараёни Охирзамон Пайғамбари ва у зотга юборилган Қуръони Карим билан камолга етказилган.

Энди бу ҳукмлар асло бекор қилинмайди, то қиёматга қадар бир мўъжизавий ҳужжат ҳолида давом этади. Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам инс ва жин оламининг ҳар иккисига маъмур этилганликлари учун у зотнинг сифатлари “Расулус-Сақалайн” дир. Сақалайн инсонлар ва жинлар оламининг ҳар иккисига ҳам умумий бўлган бир номдир.

Асмои илоҳиййанинг таркиби ила вужудга келган, кўзларни қамаштириб юборадиган бу олам қудрати илоҳиййанинг намоён бўладиган жойидир. Илм-фан тараққий этгани сари илоҳий зуҳурлар янада теран ва ҳар томонлама идрок этила бошланди. Аллоҳ таолонинг қудрати заррада акс этишига эътиқод борасида тобора муштаракликка эришилмоқда.

Бизнинг замонимиздаги фазовий изланишлар, генетика илми тараққиётидаги ютуқлар ва компьютер мўъжизасига қадар барча илмий фаолиятлар бу фикримизнинг тўғрилигини исботлайди. Шу сабабдан Қуръонда:

**“....”** (Фотир, 28) деб келтирилгандир.

Зеро илмлар тараққий этиб бориб, башарият идрокига қудрат ва азамати илоҳиййадан янги далилларни тақдим этмоқда. Коинот бу сифати билан инсон идрокининг кашфиётлари учун ҳозирланган чексиз ҳақиқатлар манзумасидир. Бу ҳоли ила у сўзлар тизмасидан яралган бир шеър, муфассал бир китобдир. Илоҳий амрларга риоя этган ҳолда илмга берилган илм соҳиби унинг барча нозикликларидан воқиф бўла олади. Улар сатрларда акс этган ҳақиқатларни ошиб ўтиб, маънавий бир салоҳият ила коинот китобидаги ҳикмат ва сирларни ўқиб бошлайдилар.

Илмий фанлар йўналишидагилар оламга ҳоким бўлган илоҳий низомни “табиат қонунлари” дея қоидалаштиришга ҳаракат қилганлар. Бироқ илоҳий амрларга мувофиқ иш юритадиган илм соҳиблари табиат қонунлари деб қараладиган бу далилларни янада умумий бир мулоҳаза орқали изоҳлайдилар. Яъни буларни коинотга ҳоким бўлган муроди илоҳийга боғлайдилар.

Кичик бир коинот бўлган инсон ҳам башарият идрокига тақдим этилган оламлар каби чексиз бир ҳақиқатлар манзумасидир. Инсонни “зубдаи коинот”, яъни борлиқнинг моҳияти, коинотнинг мағзи дейилишининг ҳикмати ҳам шундадир. Ҳар бир уруғда ўз наслининг хусусиятлари мавжуд бўлади. Шунга ўхшаш коинотнинг барча сирлари ва Қуръондаги бор ҳақиқатлар бир ядро (бир қувват) сингари инсоннинг борлиғига жойлаштирилгандир.

Бошқача қилиб айтганда, Борлиғи яратганларининг борлиғига ўхшамаган, Зотини англаб етиш мумкин бўлмаган, фақат яратганлари ва яратувчилик қудратини идрок этиш йўлини очиқ қолдирган Ҳақ таоло

инсонни ер юзига “халифа” этиб белгилагандир. Уни махлуқотнинг энг шарафлиси ва коинотнинг туб-негизи мавқеида яратгандир. Зеро инсон ўзига жойланган ҳақиқатлар эътиборидан кичик бир коинотдир. Шу жиҳатдан илму маърифат ҳам аввало инсонга ўзини танитиши керак. Борлиғининг мақсадини аён этиб, маърифатуллоҳ эшигини очиши лозимдир.

Юнус Эмро Ҳазратлари ҳам илмнинг асл ғоясини шундай ифода этади:

*Илм илм олмоқдир,*
*Илм ўзни билмоқдир.*
*Ўзлигингни билмасанг,*
*Бу илм бир эрмакдир!*

*Ўқидим билдим дема,*
*Кўп тоат қилдим дема!*
*Агар Ҳақни билмасанг,*
*Бу қуруқ лоф демакдир!*

Аллоҳ таоло инсонга лутф этган бу юксак қадр ва мавқе тасаввуфий муҳитларнинг кенг дунёларида пайдо бўлган кўнгил асарларида ўз ифодасини топгандир. XVIII аср шоирларидан Шайх Ғолибнинг бу мавзудаги машҳур шеъри инсонни ўз қадрига муносиб таърифлар ила битилган илк шеърлардандир. Шоир бу шеърида “инсон”га шундай хитоб этади:

*Сендадир маҳзану асрору муҳаббат сенда,*
*Сендадир маъдану анвору футувват сенда.*

*“Эй инсон ўғли! Муҳаббат сирлари мавжуд бўлган макон (кўнгил) сендадир, сенда... Яратилиш поклиги, карам ва мурувват нурларининг манбаси ҳам сендадир, сенда...”*

*Эҳ, сирли, сирли тағин неча ҳоллар бор сенда,*
*Маърифат сендадир, касбу ҳақиқат сенда.*

*“Фақат сенда қанча яширин ҳоллар бор. Ҳатто маърифат, ҳунар ва ҳақиқат ҳам сендадир...”*

*Назар эт еру осмон, дўзах, жаннат сендадир,*
*Арш сендадир, курси сенда, малак ҳам сенда.*

*“Диққат ила боқар бўлсанг, кўрарсан сен. Еру осмон ҳар вақт сенда, жаннат ҳамда жаҳаннам сендадир. Ҳатто Арш ҳам, курси ҳам сенда. Малак ҳам албатта, сендадир...”*

*Зотингга боқ, кўргил ахир зубдаи – олам сен*
*Мардуми дидаи аквон бўлган одамсан сен.*

*“Шу сабаб борлиғингга яхшилаб боқгил, эй инсон! Сен коинотнинг асли, борлиқнинг кўз қорачиғи бўлган одамсан...”*

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсон Парвардигорнинг бу фоний оламга юборилган улуғвор ҳақиқатлари тажаллисининг чўққисидир. У башарий идроки билан бу кўчиш йўли сабабдан сабаб бўлганга, асардан мусаввирга, санъатдан санъаткорга кўчиш орқали рўй беришини тушунишга интилади. Инсон ана шу моликлик туфайли ўзгача кўринишдаги бир коинотдир ва жонли бир Қуръон бўлишга ягона номзоддир.

Ҳозирда илмий тадқиқотлар орқали Коинотдаги ноаниқ нарсаларни аниқлаш хусусида маълум савия ва муваффақиятга эришилган бўлса-да, ҳали “инсон” борасида бундай ғалаба қўлга киритилмаган. Бунинг сабаби инсонда “руҳ” ва “бадан” бирлашганлиги ва “руҳ” ҳақида инсонларга тақдири илоҳий ила бироз билим берилганлигидир. Зеро коинотдан кўра инсоннинг ички оламида ноаниқ жиҳатлар кўпроқдир. Унинг танасига оид маълумотларга икки минг йил аввалгига нисбатан анча ўзгаришлар киритилди. Бу изланишлар вақт ўтган сайин муваффақиятли бўлиб борди. Бироқ инсоннинг руҳига оид тадқиқотлар бундай йўналишда давом этмади. Бу ҳолат:

**“....”** (ал -Исро, 85) мазмунидаги Қуръоний ҳақиқат ила таъкидлангандир.

Коинот ҳақида фикр юритадиган бўлсак, у одатуллоҳ ёки суннатуллоҳ деб биладиганимиз жуда мураккаб ва мукаммал даражадаги қоидалар асосида, тизимли бир шаклда тузилган. Булар айни замонда Жаноби Ҳақнинг сўнгсиз илм ва қудратига далолат қиладиган физика оламига ҳам, метафизик оламларга ҳам тааллуқли бўлган ҳикматли қонунлардир. Коинотдаги бу ўзгармас ва бир хил хусусиятлар ушбу қонунларни ягона бир Борлиқ жорий этганлигига, коинот асари фақат бир қўлдан чиққанлигига шоҳидлик берадиган бир оят (далил) дир.

Ислом инсонни коинот китобидаги бу тажаллиларни ҳам худди Қуръон оятларини ўқиган каби кўрмоққа даъват этади. Чунки Аллоҳ

таоло Ўзини бандаларига яратганларидаги ҳикмат, ибрат ва сирлар воситасида танитади. Ояти карималарда буюрилади:

**“.....”** (аш-Шуаро, 7)

**“.....”** (ар-Рум, 50)

**“..... ”** (ал-Мулк, 3-4)

**“..?!”** (ал-Ғошия, 17-20)

**“.....”** (Қоф, 6)

Бу чексиз, чегарасиз Коинотда ақлларни ҳайрат ва ожизликка тушарадиган бир низом ҳамда уйғунлик бор эканлиги ошкор бир ҳақиқатдир. Бу низом ва уйғунлик коинот яратилганидан буён жуда мукаммал даражадаги ҳассос мезонлар ила, абадий бир мувозанат ила бир маромда давом этиб келмоқда. Агар дунё сатҳида 23,5 даражали бир эгилиш бўлмаганида, фасллар алмашинуви юз бермас эди. Бундай ҳолатда ёз бўлган жойда абадий ёз, қиш бўлган ерда абадий қиш бўларди. Ёхуд қуёш билан бизнинг дунёмиз орасидаги масофа узоқроқ бўлса, ҳаммаёқ қутбларга айланарди. Аксинча, бироз яқин масофада бўлганида, ҳамма нарса ёниб кетар эди. Бу ва шунга ўхшаш ҳолатлар барча самовий жисмларнинг ҳаракати бир- бирига мувофиқ бир шаклда дастурланган эканлигини исботлайди.

Қисқача изоҳлайдиган бўлсак, кўрадиган кўзлар илоҳий салтанат ва ҳукм қаршисида бу дунё фазода учиб юрган миллиардларча, триллионларча чанглардан бири эканлигини кўра олади. Тоғлар, текисликлар, океанлар ва инсон ҳам шу чангнинг ичидадир. Шу ожизлик сабаб инсон Аллоҳнинг бандаси бўлишдан ташқарида фақат бир ҳечдан иборатдир!..

Жаноби Ҳақ инсонни сўнгсиз даражада мукаммал, мураккаб (ич-ичига қадар), жуда нозик бир тузилишга эга бўлган механизм ила Ўз шаънига лойиқ бир шаклда яратгандир. Шу боис инсонлар илм-фан ривожлангани сари ерлару осмонлардаги қудрат ва азаматни янада яхшироқ англаб етмоқдалар. Ояти каримада буюрилади: (Фуссилат, 53)

Дарҳақиқат, коинот ҳақидаги тадқиқотлар тараққий этгани сайин **Қуръони Карим** оятларидаги нозик қирралар янада кенгроқ шаклда идрок этилмоқда. Чунки илмий фанларнинг ҳар бир янги кашфиёти Қуръонда келтирилган далилларни тасдиқламоқда. Баъзан бу кашфлар Қуръони Каримдаги тушуниш мушкул бўлган оятларга ойдинлик киритмоқда.

Эмбриология, анатомия ва биология соҳаларидаги эътиқодли олимлар Қуръондаги инсоннинг яратилиш саҳифаларига ишорат этадиган оятлар қаршисида ҳайратга тушиб, ҳақиқатга таслим бўлдилар. Қуръони Каримда инсоннинг она раҳмидаги ҳолати хусусида шундай буюрилади: (ал- Мўъминун, 12-14)[46]

Қуръони Карим астрономия, ботаника, биология, геология ва бошқа фанлар каби бир- биридан фарқ қиладиган илмларга оид китоб эмаслиги, жавоимул – калим[47] сифатига эга эканлиги учун илм ёки техниканинг тафсилотларини очиб бериш вазифасидан узоқдир. Бироқ илм ва технология соҳаларидаги ҳар бир янгилик Қуръон сароҳат (аниқлик) билан кўрсатиб берганларни эмас, балки ишорат орқали кўрсатган ҳикматлар, ибратлар ва ҳақиқатларни тасдиқлайди. Илоҳий хабарларнинг кун ўтган сари янада очиқроқ бир ҳолга келишига хизмат қилади. Бу ҳақиқатларнинг энг очиқ ва батафсил шаклда жойлашган ери эса коинотдир.

Қуръонда инсоннинг аслига оид ҳақиқатлар ҳам анча очиқ тарзда берилган. Аммо инсон учун келтирилган бир қатор ҳукмлар очиқланмаган.

Қуръон сўнгсиз ҳақиқатларни ўз ичига олганлиги учун ихчам (мухтасар) шаклда баён этилгандир. Зеро илмий ўрганишлар билан юзага

46 Қуръондаги инсоннинг яратилиш саҳифаларига доир бу оятлар анатомия соҳасида изланишлар олиб борган машҳур профессор Др. Маршалл Консони ҳам ҳайратда қолдирган. Айниқса, “лахта”нинг хусусиятига доир ояти каримада берилган маълумотлар жуда диққатини тортган: “Бир чайнамлик эт (лахта)...” Тишларнинг жойлашишига кўра, тўлиқ шаклланган ҳолатда эканлиги... Худди чайналган бир эт устида қолган тиш изларининг тасвири каби... Ҳаммаси бир сантиметрда (бир чайнамлик). Лахтада инсоннинг барча хусусиятлари мавжуддир. Фақат қайсиси фаол, қайсиси эса ҳали фаолиятини бошламаган! Тиббиёт бу ҳолатни тушунтира оладиган бир таъбир тополмади. Тана аъзолари ишлаяпти деса, ишламайдиган аъзолар ҳам бор эди. Вазифасини бажармаяпти деса, бажарганлари бор. Қуръон буни “ноаниқ (унинг қўл-оёқлари тўлиқ шаклланмаган бўлса-да, қисман шаклланган) бир чайнам гўшт” (ал-Ҳажж, 5) деб сифатлаб, лахтага алоқадор маълумотларни шундай бир аниқлик билан баён этгандир. Қуръонда бу ҳақиқат ҳақида неча асрлар аввал хабар берилган. Қуръони Каримни аввал рад этиб, сўнгра эса тўлалигича қабул қилишга мажбур бўлган профессор. Др. Маршалл Консони бу ҳақиқатлар қаршисида: “Албатта, илм аҳлига ёруғлик тутган бу Қуръон Аллоҳ тарафидан нозил қилинган. Вақти келганида унинг ҳақиқатлари бир- бир очилади ва зуҳур этади. Аллоҳнинг буйруғи: «(Қуръон билдирган саноқсиз ҳақиқатлардан бўлган) ҳар бир хабар юзага чиқадиган бир вақт бордир. Яқинда сиз ҳам ҳақиқатни билиб оласиз» (ал-Анъом, 67) оятида кўринмоқдадир” дейди. (Қрн. Абдулмажид Зинданий, Қуръонда илмий мўъжизалар, с. 31-36)

47 Жавоимул калим: Оз сўз билан кўп маъноларни ифолай олмоқ.

чиққан ҳақиқатлар Қуръонда очиқ ва батафсил бир шаклда жойлаштирилганида иккита ноқулайлик пайдо бўлар эди. Булар:

a. Инсонлар ўзлари яшаган даврларининг илмий савияси эътиборидан уларни қабул қилишга қийналар ва инкор йўлига юзланар эдилар. Зеро Аллоҳ бу ҳақиқатларни раҳмати ва марҳамати ила вақти келганида тушуниладиган қилиб, пардаланган ҳолда бандаларига юборгандир.

b. Агар барча ҳақиқатлар Қуръони Каримда очиқ ва батафсил равишда берилганида, унинг мазмуни имкон қадар кенгаяр эди. Уни эслаб қолиш ва ҳимоялаш у ёқда турсин, бошидан охиригача ўқиб тугатиш ҳам имконсиз ҳолга келарди. Зеро Жаноби Ҳақ ояти карималарда:

**“....”** (ан-Наҳл, 89)

**“....”** (ал-Анъом, 59) деб буюриб, Қуръони Каримда оламдаги бутун ҳақиқатларга моҳият эътиборидан ишорат қилинганлигини баён этган.

**“...?”** (ан-Нисо, 82) ояти каримаси билан эса, қулларини Қуръоннинг ҳақиқий тафаккур иқлимига даъват этгандир.

Қуръони Карим ўз таъбири билан айтилганда, бир “фурқондир”. Яъни ҳидоят билан залолат, хайр билан шарр, нур билан зулмат орасидаги фарқни ўртага қўйиб, уларнинг айри жиҳатларини таъкидлаб кўрсатувчи муқаддас бир Китобдир. Қуръони Карим ўзига яқинлашганларга нияти ва истеъдодига кўра бир улуш беради. Янги далиллардан огоҳ бўлиш орқали унга уйғун бўлмаган бир қалб билан яқин борганларнинг ҳам иймонлари ортади. Бу хусусда оятларда билдирилган. Қуръони Каримда буюрилади: (ал-Анфол, 2)

Баъзан бу ҳолатнинг акси ҳам кузатилади. Яъни Қуръони Каримга салбий назар билан қараганларнинг залолати ортиб боради. Зеро ҳар қандай нарсага муҳаббат ила назар ташланса, ундаги барча гўзалликлар янада ошкор бўлади. Юзаки қаралганда эса, ундаги ҳеч бир фазилатни кўриб бўлмайди. Бу худди Абу Жаҳлнинг Исломга муносабати кабидир. Бундай кимсаларда Қуръони Каримни тиловат қилганлари сари унинг улуғворлигига эриша олмаганлари учун ожизлик ғалаён қилади. Шу боис уларда куфр ва қаршилик ҳислари кучаяди. Яъни улар ўзи ёқтирмаган рақибидан мағлуб бўлганларнинг ҳасад этиши ва ақлдан озишига монанд бир ҳолда бўладилар. Натижада, улар муносиб бўлган жазо ҳам ортади. Бу хусусда ояти карималарда шундай келтирилади:

**“....”** (ал-Исро, 82)

**“….”** (Фуссилат, 44)

Кўриниб турибдики, солиҳлар учун ҳидоят раҳбари бўлган Қуръон ҳақиқат қуёшига қарши қайсарлик билан кўзларини юмган кофирларнинг куфр ва зиёнини янада кучайтиради. Бу илоҳий баён билан мустаҳкамлангандир.

Яна бундай кишилар ҳақида ояти каримада шундай келтирилади:

**“.....”** (ал-Ҳаж, 46)

Юқорида таъкидлаганимиздек, коинот илоҳий сифатларнинг намоён бўлиши билан вужудга келган борлиқлар манзумасидир. Қуръони Карим бу борлиқлар манзумасида мавжуд бўлган боқий ҳақиқатларнинг каломдаги инъикосидир. Инсон эса буларнинг ҳар иккисининг моҳияти, хулосаси ва бир навнинг уруғи бўлганлиги учун барча зид тажаллилардан унга оз ё кўп бир насиба берилгандир.

Коинотни ва унинг ичидагиларни Асмои илоҳиййанинг тажалли таркиблари билан яратган Жаноби Ҳақ бу сифатларнинг комил кўринишларини фақатгина инсониятга насиб этгандир. Инсониятни “ашрафи махлуқот” қилган сабаб ҳам шудир. У ҳам ўз қобилияти нисбатида “жомиул аздод”, яъни зид сифатлар билан сифатланган. Кулади-йиғлайди, севади -нафратланади ва ҳоказолар. Яъни инсоннинг борлиғида раҳмат сифати ҳам қаҳр, гина ва ғазаб сифати ҳам бордир... Шу боис инсонда лутф ва карам ҳам зуҳур этиши мумкин, кудурат ва кин оташи ҳам намоён бўлиши мумкин. Унда ҳилмлик ва ғазабланиш туйғулари ҳамиша тўлқин каби ҳолатда бўлади.

Қисқаси инсон Аллоҳнинг бир қанча сифатидан насибадор бўлган. Бироқ бу сифатларнинг тажалли даражалари ҳар бир инсон учун беҳад фарқли бўлади. Энг оддий инсондан тортиб, энг олий мақомга етган инсонга қадар бу тажаллидан насиба олишлари башарнинг поғонама-поғона мукаммаллашиб боришини вужудга келтиради.

Албатта, ҳар инсонда Аллоҳнинг **Роҳман” ёки “Роҳийм”** сифатидан аниқ бир нисбатда тажалли бордир. Бу ҳар бир инсонга доимий равишда юксалиш ва юқори даражага эришиш имконини тақдим этади. Баъзи кишиларнинг “Роҳман” ва “Роҳийм” сифати фақат ўз нафсига ёки

ўзига яқин оила аъзолари ва биродарлари доирасигагина тегишли бўлади. Бошқа бир кишиларнинг бу сифатлари бутун инсониятни қамраб олади ва ҳатто ҳайвонот оламига ҳам етади. Масалан, “Роҳман” сифатининг комил кўринишларига қуйидаги ҳодисаларни мисол қилиб кўрсата оламиз:

Боязид Бистомий бир жойдан бошқа бир жойга саёҳат қилганларида бир дарахт остида тўхтаб овқат ейдилар. Овқатланиб бўлгач, йўлда давом этган Боязид Бистомий анча йўл юрганларидан кейин хуржунларининг ичида бир чумолини кўриб қоладилар. Ҳазрат:

“Аллоҳнинг бир махлуқини ватанидан жудо қилдим” деб яна орқага қайтадилар. Чумолини қайтадан ўша дарахт остида қолдирадилар.

Ана шундай намуна бўла оладиган тенги йўқ марҳамат соҳибларидан яна бири:

Шаръий Сақотий қуддиса сирруҳу дарсда талабаларига *“Мўъминларнинг дардлари билан дардланмаган улардан эмасдир”* (Ҳоким, Мустадрок, IV, 352; Ҳайсамий, Мажмауз Завоид, I, 87) ҳадисини изоҳлар экан, бир талабалари ҳаяжон билан ичкарига киради. У кишига:

“Устоз! Сизнинг маҳаллангиз ёниб кул бўлди. Фақат сизнинг уйингиз омон қолди” деди.

Шаръий Сақотий қуддиса сирруҳу севинч билан “Алҳамдулиллаҳ” дедилар.

Ўттиз йилдан кейин бир дўстларига:

“Мен ўшанда «Алҳамдулиллаҳ» деб бир он бўлса ҳам ўзимни ўйлаб, фалокатга учраганларнинг изтиробидан узоқлашдим. Мана ўттиз йилдан буён ўша ҳолим учун тавба қиламан” дедилар.

Бинобарин, раҳмат ва муҳаббатнинг эътибор бериладиган нуқтаси кимдан ва қаердан бошлаган бўлса ҳам, у бутун махлуқотни қамраб олиш истиқоматида камолга мазҳар бўлсагина ўз соҳибини комил бир мўъмин ёки бошқа бир таъбир билан айтганда ҳақиқий ошиққа айлантиради. Ишқ куртак ёзаётган гул каби муайян бир меҳр-муҳаббатга мойиллик ва зарурият билан бошлаган бўлса ҳам, Холиқ сабабли бутун махлуқотни қамраб ололганидагина ҳақиқий “**ишқ**”қа айланмоқ сари йўналади.

**“Илоҳий ишқ”** аталмиш марҳамат ва муҳаббат муносабатларининг чегаралари то адоғи йўқ уфқ сари кенгайиб бормагунича, уни марҳамат ва муҳаббат, ишқ дея таърифлаб бўлмайди. У ўз ибтидосидаги шаклларга боғлиқ ҳолда **“ишқи мажозий”** дейилган саҳифада қолиб кетади.

Асмои илоҳиййанинг тажалли таркиблари инсон саноғи қадар фарқли мижозлар ҳосил бўлишига сабаб бўлгандир. Турли бўёқлар бир-бирига аралаштирилганда уларга кўпроқ қўшилган бўёқнинг ранги ҳосил бўлади. Шунга ўхшаш асмо тажаллиларининг таркиби ҳам ғолиб тажалли қайси сифатга яқин бўлса, унга яқин бир мазмунга эгадир. Бу ҳолат мижозга уйғун равишда янада қулай камолот йўлини таъминлаш учун турли хил тариқатларга бўлинишни тақозо этади. Шундай қилиб ҳар бир муриднинг тарбияси учун ўзига хос таълим услуби зарурлиги масаласи юзага чиқади.

Ҳақиқатан, асосий ва устун кўникмалар эътиборидан мижоз ҳам таснифланади. Бу худди яратилганлар инсон, ҳайвон, ўсимлик ва жонсизлар дея умумий жиҳатларига кўра бўлингани кабидир. Бунда умумий жиҳатлари бир хил бўлган икки борлиқнинг сифатларидаги фарқ аниқроқ кўринади. Яъни буларнинг энг оддийси ва юксаги орасидаги фарқ иккита бошқа-бошқа жиҳатларга эга бўлганлар орасидаги фарқдан кўпроқ бўлиши мумкин. Масалан, энг паст даражадаги бир инсон билан олий мартабадаги бир инсоннинг оралиқ масофалари ва савиялари ҳайвон билан инсон орасидаги фарқдан кўра равшанроқдир. Таркибга қувват бўлган тажаллиларнинг муаззам тафовути ана шу фарқни келтириб чиқарувчи унсур саналади. Буни ижобий сифатларда бўлгани каби салбий сифатларда ҳам кўрса бўлади. Зулмнинг ёки куфрнинг энг паст поғонаси билан чўққидай баландда тургани қиёсланганда, улар орасида ақлга сиғдириб бўлмайдиган катта бир фарқли ҳолат борлиги аёнлашади.

Масалан, “Мудилл” сифати ғолиб бўлган энг қуйи поғонадаги бир кофир ўз ҳаёти ҳудудларида ғалаёнли бир шаклда ҳаёт кечиради. Мўминларнинг иймони уни қизиқтирмайди. Бу ҳол у шахсни куфрнинг шиддати сабаб (Абу Лаҳаб ва унга ўхшаганларда бўлгани каби) Пайғамбар алайҳиссалом ҳамда солиҳлар билан мужодалага киришишга қадар олиб боради. Зулм ҳам худди шу кўринишда авж олиб бораверади. Озиқ топиш мақсадида эмас, завқ учун овчилик қилган бир овчининг вақт ўтиб қалби қаттиқлашгани сингари зулм ҳам инсонни садизмга етаклайди.

Ўтмишда Римнинг золим қироллари илк Исовий (насроний) ларни циркларда арслонларга парчалатиб, кулиб томоша қилиб ўтирганлар. Бу Қуръони Каримда келтирилган:

**“....”** оятига бир мисолдир.

Табиат ва инсондаги таркиб (бирлашиш)га қувват бўладиган тажаллиларнинг хилма-хиллиги бу оламнинг асосий қонунларидан бирида “фарқлилик” борлиги ҳақиқатини юзага чиқаради. Бутун оламни эмас, икки борлиқни бир-бирига тенглаштиришга интилиш ҳам бефойда бир машғулотдан бошқа нарса эмас. Зеро сўнгсиз асмо тажаллилари сабаб коинотда эгизак (бир хил) борлиқ йўқдир. Моҳияти ва маънавий жиҳатларига кўра шохи, япроғи ва мевалари саноғи бир хил бўлган дарахт бўлмагани каби том маънода эгизак бўла оладиган инсон ҳам йўқдир. Аллоҳ инсонга коинотни ва ўз борлиғини шу асосга кўра (кўриш уфқидан) қамраб олиш салоҳиятини беради. Уни ўз зидларига сабр этиш ва уларга марҳамат ҳамда бағрикенглик ила боқа олиш етуклигига эриштиради. Айнан тасаввуф ундан насиба ололмаганларга ҳам ана шундай муҳаббат билан қарай олишликдир. Бу зоҳирий тимсолнинг ҳикматига воқиф бўла олиш орқали эришиладиган бир фазилатдир.

Бундай фазилат ва баркамоллик бизларни яна бир қанча ижобий хислатларга муваффақ этади. Гуноҳкорга ғазаб қилиш ўрнига ачиниш ҳисси ила муносабатда бўлишимизни, кофирга маҳрумиятини тушуниб ҳалимлик ҳамда умид билан муомала қилишимизни таъминлайди. Таблиғ учун куч ва жасорат беради. Уларни хавф-хатар олдидан огоҳлантиришимиз лозим бўлган, иршодга муҳтож кишилар сифатида кўрсатади. Қаноти синган бир қушга раҳми келадиган инсонларни кўриб, гуноҳкорга бўлган ғазабимиз мантиқсиз эканлигини тушунишимизга ҳам ана шу комиллик бизга ёрдам беради. Муҳаббат ва марҳаматга тўла ҳисларимиз тўлқинланади. Одатий муносабатлардан баландлай олиш, инсониятни ҳимоя қилиш истиқоматида бўлиш шарафига эриштиради. Бундай инсонлар яшайдиган бир жамиятда жиноят ва жанжаллар ўз ўрнини мушфиқона ёрдам беришларга бўшатиб беради. Ўрнак бўла оладиган солиҳ кишиларнинг саноғи кўпаяди. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўрнак сифатидаги “ахлоқ-и ҳамида”лари

имкон қадар оммалашади. Нуқсонли инсонларга қилинадиган барча муносабатлар мана бу ёрқин мисолдаги каби етуклик ҳолатига эришади:

Тасаввуф тарихининг машҳур сиймоларидан бири бўлган, Балх машойихларидан Ҳотами Асом қуддиса сирруҳу Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маънавий тарбиялари билан нафсини ва руҳини нозиклаштириб, ахлоқини буюк бир мартабага юксалтиришга муваффақ бўлган мустасно бир шахсиятдир. Ҳазрати Пирнинг эшитиш қобилияти ғоят соғлом бўлишига қарамай, "Асом", яъни "кар" лақаби билан машҳур бўлиши жуда ибратли бир ҳодисага таянади:

Бир куни у кишининг ҳузурига қийналган аҳволдаги безовта бир аёл келди. У эндигина ўз аҳволини айта бошлаганида, ғайри ихтиёрий равишда хунук бир овоз чиқарди. Аёл бир шам каби эриб, уятли аҳволга тушиб қолди. Ҳотам Ҳазратлари эса, аёл уялмаслиги учун ўзини эшитмаганга олди. Гуё бир кар киши сингари қўлини қулоғига қўйиб:

"Синглим, бир оз баландроқ сўзласанг! Қулоғим эшитмайди. Гапларингни эшита олмадим..." деди овозини кўтариб. Шунда бу ёш аёл айби яширин қолганини ўйлаб тинчланди. Айтганларини баланд овозда яна бир марта тушунтирди.

Ривоятга кўра бу ҳодисадан сўнг Ҳотам Ҳазратлари аёл хижолат бўлмаслиги учун ўн беш йил давомида (то аёл вафот этгунига қадар) ўзини кар киши каби тутди. Шу туфайли **"Ҳотами Асом"** яъни "Кар Ҳотам" лақаби билан шуҳрат қозонди.

Бу мисолдаги ёрқин нозикликни ва ахлоқий савияни фақатгина китоблардан олинган маълумот билан ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди. Ҳотам Ҳазратлари Аллоҳ таолонинг **"Сатторул уюб",** яъни "айбларни бекитувчи" сифатидан олган ҳиссаси сабаб шундай ҳаракат ва фазилатни кўрсата олди. У зотнинг бу амаллари ахлоқнинг янгилаши сифатида изоҳланади. Бундай ҳаракатлар тасаввуфда "**Аллоҳнинг ахлоқи билан ахлоқланиш**" деб қаралади.

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ҳақиқий дўстлари ўз иродаларини Ҳақ таолонинг юксак сифатлари тажаллиларига мос ҳолда Унинг иродасига боғлайдилар. Унинг ҳар бир муроди ўз ўрнида эканлигини биладилар. Атрофларидаги кишиларни ҳам шу йўлда истиқомат қилишга ундайдилар. Шу мазмунда келган қуйидаги мисол нақадар ҳикматлидир:

Сунбул Синан Ҳазратлари бир кун муридларидан сўрадилар:



“Ўғилларим! Тасаввур қилиб кўринг. Жаноби Ҳақ шу коинотнинг шавқ ва иродасини сизга берса нима қилар эдингиз?”

Ҳар бир мурид ўз фикрини айтди. Бири:

“Барча кофирларни йўқ қилардим!”деди.

Бошқаси:

“Барча ичкилик ичадиганларни йўқ қилардим!” деб айтди.

Кейингиси эса:

“Бирорта ҳам чекадиганни қолдирмас эдим!” деб жавоб берди. Улар шу шаклда жавоб беришда давом этдилар. Муридлар орасида бўлган уламолардан Муслиҳиддин Афанди эса, ҳеч бир жавоб бермасдан жим турганди. Шайх Ҳазратлари бу сафар у кишига мурожаат қилиб:

“Ўғлим! Сиз нима қилардингиз?” деб сўрадилар.

Муслиҳиддин Афанди одоб билан:

“Хожам! Аллоҳнинг иродаси ва бошқарувида бир нуқсонли ҳол бўлса эканки, биз ўзга бир нарсани ўйлаб топишга ҳаракат қилсак! Мен ҳаммасини худди ўзидек давом эттирардим” дея жавоби шундан иборат эканлигини таъкидлади.

Бу жавобдан мамнун бўлган Сунбул Синан Ҳазратлари:

“Ана энди иш ўз моҳиятини топди!” дедилар.

Шу кундан бошлаб Муслиҳиддин Афанди “Моҳият Афанди” номини олди ва устози Сунбул Синан Ҳазратларидан сўнг маънавий омонат у кишига берилди.

Иброҳим Ҳаққи Эрзурумли Ҳазратлари ҳам бу ҳолни хулосалаб, Ҳаққа тавозе этмоқни шундай тилга оладилар:

*Ҳар бир иши аълодир,*
*Бир-бирига лойиқдир.*
*Не қилса мувофиқдир.*
*Мавлом кўрайлик найлар,*
*Найларса гўзал айлар.*

Бу гўзал ва юксак ҳолларга Аллоҳнинг сифатлари тажаллиларига суяниш билангина ноил бўлиш мумкин. Акс ҳолда ўзида ёзилган ёзув-





дан ва чизилган расмдан хабари бўлмаган бир қоғоздан фарқимиз қолмайди. Ҳазрати Мавлоно бу ҳақда гўзал сўзлайди:

*“Бир қоғозга ғамгин бир одамнинг расмини чизсак, у расм ва қоғоз ғамдан ҳам севинчдан хабарсиз ҳолда бўлади”.*

*“Бу расм ғамгин бир кўринишда бўлса ҳам, на расмнинг, на қоғознинг ғамдан ҳеч қандай хабари бўлмайди. Расмий табассум қилаётган одам ҳам, нега кулаётганидан хабарсиз бўлади”.*

Биз инсонлик шарафига ноил бўлганлигимиз боис илоҳий сифат тажаллиларига мазҳар бўламиз. Агар нима сабабдан шундай шараф эгаси эканлигимиздан хабарсиз бўлсак, худди ўша расмга ва куп -куруқ қоғозга ўхшаб қоламиз. Шу сабаб бизга имтиҳон учун берилган барча фоний ва изофий сифатларни Жаноби Ҳақнинг юксак сифатлари тажаллисида эритмоғимиз лозим. Унинг Буюк Зотига оид барча сифатлари таърифга сиғмас даражадаги кенглик ва чексизликка эга эканлигини билишимиз керак. Уларнинг барчаси азалий ва абадийдир. Барчаси Унда мутлақ ва чексиз бир хусусият билан муттасифдир. Яъни ҳеч бир сифатининг ҳудуд ва соҳили йўқдир. Шу жиҳатдан Унинг илми, каломи, қудрати, ибтидоси ва бошқа барча хислатлари бу моҳиятлар ила ҳар қандай ташбеҳ ва изоҳдан муназзаҳдир. Бизнинг ва бу дунёмизнинг хусусиятлари эса, чекланган ва фонийдир. Заволга маҳкумдир. Албатта, бу ҳолдаги ўзини комил маънода танимаган Одам Ато авлодлари Жаноби Ҳақнинг Ўзигагина хос бўлган, яъни хусусий моҳиятда бўлган сифатларини лойиқ даражада идрок этишлари мумкин эмасдир. Агар биз Аллоҳ таолонинг Зоти ҳақиқати ва моҳиятини англай олмасак, сифатларининг ҳам ҳақиқати ва моҳиятини комил маънода тушуна олмаймиз.

Инсонлар бу ҳақиқатга воқиф бўлганларидагина ўзларидаги кўриш, эшитиш, тушуниш, сўзлаш каби барча сифатлар Аллоҳ таолонинг сифатларидан бир зарра эканлигини биладилар. Ҳечлик иқлимида маърифат файзлари ила яшаб, ҳақиқий иймоннинг теран ҳузури ичида фонийлашадилар. Ана шу ҳолга етганларида:

لاَمَوْجُودَ اِلاَّ هُوَ

**“Аллоҳдан бошқа борлиқ йўқдир”** дейдилар.

Уларнинг қалблари ва нафаслари ирфоннинг чўққисида **“Ё Раб! Сен қандай бўлсанг, шундайсан!”** ҳикматига йўғрилади.

Шундагина улар ҳар хил ваҳима ва васвасадан халос бўлиб, қалби салимлик билан Раббиларига етадилар. Валийлар дафтарига қайд этиладилар.

Бир дарвиш Боязид Бистомийга савол берди:

“Тақсир, Аллоҳнинг энг буюк исмлари қайсилар?”

Боязид Бистомий унга:

“Ўғлим, Аллоҳ таолонинг исми қандай қилиб кичик бўлар эди?!. Ғофил бўлма! Аллоҳнинг барча исмлари буюкдир. Агар У талабингни қабул қилишини истасанг, қалбингни мосуво ишғол қилишидан сақла! Унинг асмоси ғофил қалбларда намоён бўлмайди. Бироқ Ўз нуридан мунаввар бўлган қалбга Аллоҳ таоло ҳар онда бир неча асмоси ила назар айлайди!” деб жавоб бердилар.

Аллоҳнинг исмига бир қанча ояти каримада «Буюк» сифати берилгандир:

**“Раббининг буюк исмини тасбеҳ қил!”** (ал-Воқеа, 96)

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиганларида бу амрни рукуда «субҳона Роббиул азийм» (Азамат соҳиби бўлган Раббимни барча нуқсон сифатлардан пок дея тасбеҳ этаман), саждада «субҳона Роббиул аъло» (Буюклар буюги бўлган Раббимни барча нуқсон сифатлардан пок дея тасбеҳ этаман) деб адо этганлар.

**Аллоҳим! Энг гўзал исмларинг ҳамда хос исминг ҳурмати боис бизларга маърифатуллоҳ ва муҳаббатуллоҳ сирридан бир ҳисса насиб айла!**

**Амийн!..**

***Маърифатуллоҳга эришган комил инсоннинг нафсоний мойилликлари Ҳақ ишқи ва Унинг муҳаббати тажаллиси остида бўлгани учун чақмоқ остидаги бир қоғознинг ёниши каби ўз умрини тугатгандир.***

## 3. МАЪРИФАТУЛЛОҲ ВА ОРИФЛАРДАГИ ТАЖАЛЛИЛАР

Маърифатуллоҳ бутун коинотдаги сир ва ҳикматларининг мазмуни чексиз ва сўнгсиз бўлган илми илоҳийдир. Бу илмни туб маънолари билан таърифламоқ инсоният идрокидан баланддир. Фақат ҳар ким ўз иқтидори, истеъдоди ва ғайрати нисбатида бу илмдан фойдалана олади. Ундан насибаланади. Шу сабабдан Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

لاَ أُحْصِى ثَنَاءً عَلَيْكَ أَنْتَ كَمَا أَثْنَيْتَ عَلٰى نَفْسِكَ

*"(Аллоҳим!) Сенга Ўзинг лойиқ бўлган бир шаклда мадҳу сано айтишдан ожизман! Сен Ўзингни қандай мадҳ этган бўлсанг, ўшандайсан!" деб марҳамат қилганлар.* (Муслим, Салот, 222)

Мана бу ҳадис ҳам ҳадиси қудсий сифатида ривоят қилинган. Ҳадисда:

*"Мен яширин бир хазина эдим, маърифатимдан баҳра олишларини (маърифатим тан олинишини) хоҳиш этдим ва Мени танишлари учун махлуқотни яратдим"* [48] дейилиши ҳам маърифатуллоҳнинг аҳамиятига ишора этмоқда.

Маърифатга эришган бандаларнинг ахлоқлари ва сўзлари Қуръони Карим ва Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан кейинги ўринда туради. Зеро бу сўзлардан гўзалроқ ҳеч бир сўз, ҳеч бир хулқ йўқдир. Уларнинг хос амаллари ҳамда сўзлари теран ва ладунийдир. Асло бирор бир йўналишга доир эмасдир. Шу

48 Қрн. Ажлуний, Кашфул Ҳафа, II, 132.



сабабдан уларни “Варосат ул-анбиё” деб биламиз. Бундай хос бандаларнинг амалларини мушоҳада этган ва уларнинг каломларига қулоқ тутган кўнгиллар файзга тўладилар. Табиатларида ғайрат ва шижоат ортади. Уларга барча сирлар аён бўла бошлайди. Шайтоний васвасалардан ва дунёвий эҳтиролардан халос бўладилар.

Бу Ҳақ дўстларининг бир қисми Ҳазрати Одам сифатли, бир қисми Ҳазрати Иброҳим сифатли, бир қисми Ҳазрати Мусо сифатли, бир қисми Ҳазрати Исо сифатли, бир қисми эса Муҳаммадиййул машрабдир.

Муҳаммадиййул машраб бўлганларнинг сифатлари бир хилдадир. Улар маърифат, муҳаббат ва тавҳид аҳлидирлар. Бу зоти киромлар орасида хилма-хил сифатларни ўзларида бир хилда мужассам этганлар ҳам бордир. Яъни улар бу сифатларни мерос қилиб олганлар.

Жаноби Ҳақ Ўзи севган бу бандаларига ҳолларига кўра турли хил тажаллилар бахшида этган. Шу маънода кимнидир Шоҳи Нақшбанд айлаб, тасарруф ҳамда маърифатуллоҳда сўнгсиз ва тенгсиз бир ҳиммат дарёси қилган. Кимнидир Мажнун каби ишқ чўлларида сарсон этиб, ҳайрат водийларида кездирган. Яна кимнидир азамати илоҳиййа қаршисида тилсиз қолдириб, Юнус Эмро каби ишқ булбули этган. Кимнидир Ҳазрати Мавлоно каби тилидан ҳикматлар тошган ва нодир жавоҳирлар сочган бир маъно дарёси айлагандир.

Жаноби Ҳақ бу фарқли тажаллиларга ноил этган жумла валийларини дўстлик иқлимида маърифат илми билан тўлдирган. Уларни олий-мақом раҳбарлар ҳолида бутун инсониятга эҳсон дея марҳамат қилган.

Маърифатуллоҳга эришган комил инсон Ҳақнинг муҳаббати тажаллиси остида бўлгани учун унинг нафсоний мойилликлари линза тагидаги қоғознинг ёниши каби ўз умрини тугатган. Бу комил инсон нурли бир жозибани ўзида жамлаганлиги учун инсонлар ҳам ихтиёрсиз равишда уни севадилар ва эҳтиром кўрсатадилар. У ўткинчи муносабатлар ва алоқалардан ўзини қутқарганлиги учун ғурур, кибр ва манманлик каби салбий сифатлар гирдобига тушмайди. Бундай инсон халқ ичида Ҳақ билан баробардир. “Таъзим ли амруллоҳ”, яъни Аллоҳнинг амрларига ҳурмат билан риоя этадиган, “Шафқат ли халқиллоҳ”, яъни Аллоҳнинг махлуқотига шафқат ва марҳамат туйғулари билан яшайдиган зотдир. Фақат бу комил инсон Аллоҳга муҳаббати сабабли ўзининг зидди бўлган





золиму нонкўрларга асло меҳр кўрсата олмайди. Бироқ марҳамат соҳиби бўлганлиги учун уларга раҳм этади ва ҳидоятларини сўраб дуо қилади.

Мол-давлат ва дунёга оид бутун сарватлар унга фақат инфоқ учун лозимдир. Комил инсон ўзини маърифатуллоҳга ва восили иллоҳ бўлмоқликка атагандир. У бу жаҳонга оид дард ва изтиробларга бефарқ бўлган хос бир бандадир.

Мавлоно қуддиса сирруҳу руҳлар, нафслар ва истеъдодларнинг инсонларда қандай фарқланишини, ҳар бир киши ўз кўзгусида коинот нақшларини турли томондан кўришини ва ҳатто оломон орасида ҳам Аллоҳ билан бирга бўла олиш ҳолларини шу қисса орқали гўзал тарзда ифодалайди:

“Бир сўфий қувонч ила тафаккурга тўлиш учун жуда гўзал бир боғ ичкарисига киради. Сўнг боғнинг ранг-баранг зийнатларига мафтун бўлиб қолади. Кўзларини беркитиб, муроқаба ва тафаккурга берилади.

У ердаги ғофил бир киши сўфийни ухлаган деб гумон қилади. Унинг бу ҳолидан ҳайратланади. Зерикканидан сўфийга:

«Нимага ухлаяпсан? Кўзингни оч! Узум токларини, гуллаган дарахтларни ва ям - яшил чаманларни томоша қил! Аллоҳнинг раҳмати бўлган гўзал асарларга назар қил!» дейди.

Сўфий унга шундай жавоб беради:

«Эй ғофил! Шуни яхши билки, раҳмати илоҳиййанинг энг буюк асари кўнгилдир. Ундан ташқаридагилар бу буюк асарнинг соясига тенгдир. Дарахтлар орасидан бир дарё оқиб ўтади. Унинг тоза сувида икки тарафнинг дарахтлари аксини кўрасан... Сув ичидаги акслар хаёлий бир боғдир. Асл боғлар кўнгилдадир. Чунки кўнгил назаргоҳи илоҳийдир. Уларнинг зарифу латиф акслари сув ва лойдан бўлган дунё оламидир. Агар бу оламдагилар кўнгил оламидаги шодлик сарвининг акси бўлмаганида, Жаноби Ҳақ бу хаёл оламини алданиш олами деб атамас эди.

Оли Имрон сурасининг 185 ояти каримасида:

**«...»** буюрилган.

Ғофиллар ва дунёни «Жаннат шудир!» дея гумон қилганлар бу дарёнинг намойишига алданганлардир. Асл боғлар, яъни авлиё зотлардан узоқда қолганлар ҳам ана шундай хаёлларга берилиб алданадилар. Бир кун бу ғафлат уйқуси ниҳоясига етади. Очилган кўзлар ҳақиқатни кўра бошлайди. Фақат охирги нафасда у манзаранинг қандай фойдаси бўлади? Ўлимдан олдин ўлган, руҳи бу боғнинг ифорини туйган киши нақадар бахтиёрдир...”

Ҳақиқатан, бир киши дунёнинг нафсоний лаззатларига эътиборсиз бўлса ва ундан юз ўгирса, Аллоҳ жалла жалолуҳу у бандanинг руҳини тиниқ, қалбини нурли қилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам *“Ичига нур кирган қалб очилади ва кенгаяди”дея марҳамат қилганлар. Шунда у зотдан:*

“Ё Расулуллоҳ, бунинг аломати нимадир?” деб сўрадилар. У зот:

“*Фоний дунёдан узоқлашмоқ, боқий бўлган охират юртига кўнгил бермоқ ва ўлимдан олдин ўлимга ҳозирланмоқдир*” (Табарий, Тафсир, VIII, 37) дея жавоб берганлар.

Бу шарафли маърифат йўлининг содиқ йўлчилари бўлган аҳлуллоҳ, яъни Ҳақ дўстларининг кўнгиллари найсон ёмғири томчиларидан йирик жавоҳирлар пайдо қилган садафлар кабидир. Улар ўзларига муҳаббат кўрсатган кўплаб ғўр кўнгилларни Аллоҳнинг лутфи ила йирик бир садафга айлантирмоқдан йироқ турмайдилар. Ана шу толиб кўнгилларнинг садаф ичидаги ёмғир томчиларини англай олишлари улар учун етарли бўлади.

Маснавий шарҳида келади:

“Калом соҳиби бўлган Аллоҳ булутнинг қулоғига бир сир сўзлади. Унинг кўзидан сув қобиғи каби ёшлар тўкилди. Гулнинг қулоғига бир сир сўзлади. Уни ранглар ва хушбўйлик салтанати ила гўзаллаштирди. Тошга бир сир сўзлади. Уни маъдан ичида ақиқ этди. Яъни латиф сифати билан тажалли этиб, булутдан сув оқизди. Гулларни гўзаллаштириб, тошларнинг қийматини оширди.

Инсон вужудига ҳам бир сув берди. Сирларни муҳофаза қилган маърифат аҳлини боқийлик ила юксалтирди. Илоҳий оламдан илҳом олган бу Ҳақ дўстлари жисмдан қутулиб, Ҳаққа яқинлик сирига эришдилар”.

Шубҳасиз, бу сирлар фарқли тажаллилар ҳолида маърифатга қувват бўла олган муҳаббат сирридир. Муҳаббат сиррики, ҳар нарсанинг камоли ва гўзаллиги унинг файзли иқлимида гўзаллашгандир.

Юксак савиядаги Аллоҳ дўстларида зотий муҳаббат тажаллилари зиёдалашади. Зотий муҳаббат бир кишининг фоний дунё кишисини ихтиёрсиз равишда севиши ва бир ишқ ила унга боғланишидир. Бу муҳаббат мажозийдир. Ҳақиқий Зотий муҳаббат эса, Раббисига таслимият ва Унда фоний бўлиш ҳолидир.

Бу зотий муҳаббат тажаллиларига мазҳар бўлган Ҳақ дўстлари икром кўрган сари кўпроқ севганлар. Бундай зотларнинг муҳаббатлари қаҳр-ғазабга учраганларида ҳам заифлашмаган. Мана бу мажозий ҳикоя зотий муҳаббатга доир гўзал бир мисол бўла олади:

Мавлоно Жомий қуддиса сирруҳу айтадилар:

“Пиримиз Мавлоно Содаддин Қошғарийнинг суҳбат ҳалқасида бир йигит бор эди. Бу йигитда риёзат, хилват ва ишқ энг юқори даражада эди. У ҳам мен каби бир фоний дунё гўзалига ошиқ бўлганди. Шу тарзда қалбидаги ҳисни бир лаҳзада у томонга қаратганди.

Олтин ва олмос қийматида ҳадя учун бир буюм олиб, у гўзал ўтадиган йўлга қўйиб қўйганди. Сўнг ўша ердан ўтадиганлардан бошқа киши уни олиб қўймаслиги учун бир бурчакка яширинганди. У севгилим шу ердан ўтганида, бу ҳадяни олади. Фақат кимдан эканлигини билолмайди деб ўйлаган эди. Мен вазиятдан хабар топганимда унга шундай дедим:

«Қандай ғалати бир иш қилаяпсан! Қанчалик машаққат билан қўлга киритган нарсангни унинг йўлига ташлаяпсан! Топса, кўрса, олса ҳам, кимдан ва нима учунлигини билмайди. Ҳеч бўлмаганда шундай бир иш қилки, ҳадянинг сендан эканлигини билсин!»

Ошиқ йигит титраб, кўз ёш ила жавоб берди:

«Сен нималар деяпсан? Бу иш нотўғри эканлигини билмайди деб ўйлайсанми! Мен бу ишни қилар эканман, ундан ҳеч бир жавоб кутмаяпман. Зеро ҳадяларим учун мендан миннатдор бўлишини истамайман!»

Бу жавобдан титрадим. Ўткинчи бўлган мажозий бир муҳаббат шу каби теранлик, нозиклик, зарофат ва муомала гўзаллигига эга бўлса, «Ҳақиқий Зотий муҳаббат»га ноил бўлган маърифатуллоҳ қандай улвий тажаллилар ила жилоланар эканлар?”

Қалбнинг бу саҳифаларини изоҳ этишда Мавлоно Жалолиддин Румий Салжуқли мадрасасида зоҳирий илмларнинг чўққисида туриб дарс берар экан, қалбидаги аввалги ҳолни “мен ғўр ҳолда эдим” деб, маърифатуллоҳ тажаллиларига ноил бўлгандаги (коинотдаги сирлар аён бўла бошлагандаги) ҳолини “ўзимни пишира олдим” деб таърифлайди. Зотий муҳаббатда фоний бўлган ҳолини эса, “ёндим” деб ифодалайди.

Маърифатуллоҳга эришмоқ Зоти Улуҳиятга қатъий бир иймон ва башар идрокига сиғадиган мезонлар орқали илоҳий тажаллилар сиридан воқиф бўлиш билан мумкин бўлади.

**Аллоҳим! Бизларга лутф этган омонатларинг ҳаққини лойиқлик билан адо этишни насиб айла! Бизларни охиратда улуғ раҳматингга ноил бўла оладиган даражадаги солиҳ амаллар соҳиби эт! Калбларимизни муҳаббатуллоҳнинг улуғвор тажаллилари ила жилола! Бандаларингга муҳаббат ва марҳаматинг тажаллиси ўлароқ эҳсон қилганинг “аҳсани тақвим” сиррига эриштириб, кўнгилларимизни раҳмат шабнамлари ила иҳё эт ва обод айла!**

**Амийн!..**

***Илоҳий инъомларга ноил бўла олиш қалбнинг ҳолати барқарор эканлигига боғлиқдир.***

## В. ИЛОҲИЙ ИНЪОМЛАР

Аллоҳнинг Ўзидан бошқа барча борлиқлар Унинг “латиф” сифати тажаллиси, яъни лутф этиши билан яратилгандир. Махлуқотнинг бирортаси муносиб эканлиги ёки бадал ўтаганлиги учун бор бўлган эмас. Борлиқларнинг фоний ҳамда нисбий ҳолдаги вужудлари ҳам, яратилиш ҳикматларига боғлиқ бўлган сифатлари ва имконлари ҳам тўлиғича илоҳий бир инъомдир.[49] Демак, бутун мавжудотнинг бор бўлиши Жаноби Ҳақнинг лутфи, карами ва эҳсонидан иборатдир.

Яратилган ҳар бир нарсанинг бор бўлиши ва улардаги соҳиблик сифатлари аслида “илоҳий инъом” дир. Биз ана шу таъбирни тасаввуф йўлига кирган зотларнинг ўзларига мутаносиб равишда босқичма-босқич эриша олган маънавий ноилликлари учун қўллаймиз. Халқ орасидаги истеъдодли зотлар бу йўлда илгарилаганлари сари ҳали охират диёрига кўчмасларидан бир қатор лутф ва фазилатларга ноил бўла бошлайдилар. Бу ноилликларнинг аввалида иродаи жузъиййа қўлланади. Бунда истиҳқоқ (бирор нарсага ҳақли бўлиш, лойиқлик) ҳақида ҳам сўз боради. Бироқ истиҳқоқдан лутф ғолиб келганлиги учун булар бир илоҳий инъомлар сифатида кўрилади. Уларга “инъомлар” калимасини боғлаш ҳам одат саналади. Зеро бу ерда ҳақли ва ноил бўлиш орасидаги буюк фарқ истиҳқоқни “йўқ” деб фараз қилмоқ тамойилини келтириб чиқаради. Бу қараш хато ҳисобланмайди. Чунки истиҳқоқнинг манбаи бўлган шахсий имкон ҳам аслида илоҳий бир инъомдир.

Тасаввуфий таълим орқали руҳий савияси юксалган баъзи истеъдодли шахслар бу маънавий йўлчиликда кўпгина камолот тажаллиларига ноил бўлганлар. Улардан баъзиларига ҳикматлар аён бўлади. Кўплаб сирли тугунлар бир - бир ечилади. Ноаниқликлар кашф бўла боради, муаммолар фатҳ этила бошлайди. Салим бир қалбдаги сунуҳат (инсон-



49 Илоҳий инъом: Илоҳий бахш ва лутфлар.

нинг кўнглига ва хотирасига келган нарсалар) ҳамда илҳомлар бандани Ҳақ ва ҳақиқатнинг асл моҳияти сари йўналтиради. Лавҳи маҳфузнинг истиқболга оид жуда кўп ҳақиқатлари қалбда акс этиши билан пайдо бўладиган содиқ тушлар кўрилади. Банда ҳар бир нарсадаги илоҳий муродни сезадиган фаросатли бир назар ва етук тафаккурга эришади.

Илоҳий лутф ва эҳсонлар бандaнинг самимий шижоатига шижоат қўша олади. Шу сабабли банда ана шу юксак ҳолларга етишади. Бу ҳолларнинг жуда кўп ўзгача тазаҳур (намоён бўлиш) шакллари ҳам бордир. Ана шу ноил бўлишликнинг илм сифатидаги ифодаси эса, “ладуният” дейилади. Ладуний илмлар инсон идроки ва қамровидан баланд бир савияда бўлса ҳам, айрим зотлар Аллоҳнинг лутфу карами ила ундан ҳиссадор бўладилар. Улар ўзлари қайд этганлари каби камолотга мутаносиб бўлган кенг қамровли идрок жилосига эришадилар.

Биз энди ладуний илмнинг мазмунини башарий тоқат ва диний жоизлик нисбатида очиқлашга ҳаракат қиламиз.

***Мен ўз бандамни севганимда (одатда) унинг сўзлагувчи тилига, тушунгувчи қалбига, эшитгувчи қулоғига, кўрадиган кўзига, тутган қўли ва юрган оёғига айланаман. У Мендан нима тиласа, албатта бераман. Менга сиғинса, уни ҳимоя қиламан.*** ***(Бухорий, Риқоқ, 38)***

## 1. ЛАДУНИЙ ИЛМ

Бу илм Аллоҳ таолонинг лутфи ила ноил бўлинган ваҳбий бир илмдир. Ҳақнинг инъомидир.

Қуръони Каримда бу илм ҳақида **“....”**[50] ифодаси қўлланилган. **“Ладуний илм”** таъбири ҳам шу сабабдан келиб чиққандир.

Ҳақ таолонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга билдирган ҳақиқатлари умумий жиҳатлари бир бўлган уч хил ҳақиқатга бўлинади.

Буларнинг биринчисидаги ҳақиқатларни фақат нури нубувват орқали тушуниш мумкин. Шунинг учун бу ҳақиқатлар Аллоҳ таоло билан Унинг буюк Пайғамбари орасида бир сир сифатида қолгандир. Бундай ҳақиқатларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бирорта ҳам асҳобларига ошкор қилмаганлар.

Аллоҳ таоло билан Расули орасида очиқланиши жоиз бўлмаган, очиқ сўзланганида ҳам тушуниш имконсиз бўлган бундай ҳақиқатларнинг мавжудлиги баъзи ҳадиси шарифларнинг мазмунидан англашилади. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига:

*“Агар мен билганларимни билганингизда, кам кулар ва кўп йиғлар эдингиз”* деб айтганлар. (Бухорий, Кушуф, 2; Муслим, Солат, 112)

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса:

50 Қрн Қаҳф сураси, 65. Ояти карима.

*“Менинг Жаноби Ҳақ билан шундай онларим бўладики, улардан на бир муқарраб (яқин турувчи, сирдош) малак, на бир Пайғамбар воқиф бўлолмайди”* деб марҳамат қилганлар. (Муновий , Файзул Қодир, IV, 8)

Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга билдирган иккинчи гуруҳ ҳақиқатлари манзумаси ақлан ва руҳан юксалган, “ҳавос” ёки “ҳавоссул-ҳавос”[51] дея танланган истеъдодли зотлар тарафидан тўғридан тўғри қамраб олинадиган ҳақиқатлардир. Бу турдаги ҳақиқатларни Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Али каби баъзи буюк саҳобаларга нақл қилганлари маълумдир. Бундай ҳолатда ҳақиқатлар садрдан садрга (қалбдан қалбга) кўчиши бир анъанадир. Бироқ бундай анъана йўлга қўйиладиган тақдирда малакаси бўлмаганларнинг булардан хабар топишлари манфаатли бўлмайди. Зеро улар бу ҳақиқатларни янглиш англашлари ҳам мумкин. Шу сабабли хато томонга тортиб кетишлари эҳтимоли бордир. Ҳолбуки, бунга алоқадор кишининг қалбий истеъдоди ва иқтидори каби масъулияти ҳам бўлиши лозим. Банда ўз нажоти учун бу истеъдодини кашф этмоғи зарурдир.

Жаноби Ҳақнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга билдирган ҳақиқатларининг учинчи гуруҳи шаръий ҳақиқатлардир. Бутун инсоният дунёси ана шу тоифадаги билимларга эътиқод ва амал қилмоқ вазифасини олганлар. Шу сабабли Аллоҳ таоло бу ҳукмларни оддий бандаларининг савиясини эътиборга олиб, улар ҳам тоқат қила оладиган бир шаклда билдирган. Бу ҳақиқатларни ҳар бир киши билиши ва уларни бажариши шарт бўлганлиги учун бутун оламга эълон қилингандир.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз асҳобларига вақт-вақти билан қиёматга қадар бўладиган ҳодисалар хусусида турли изоҳлар берганлар. Фақат асҳобнинг кўпчилиги буларни лойиқ бир шаклда тушуна олмас эдилар. Бу изоҳларнинг бир қисми эса, унут бўлиб кетарди. [52]

Бироқ юқорида айтиб ўтганимиз каби баъзи танланган кишиларга бошқалар тушуниши мушкул бўлган бир қатор ҳақиқатларнинг хабари

51 Ҳавос: Танланган муттақий тақводор қуллар. Ҳавоссул ҳавос: Танлангандан ҳам танлаб олинган.

52 Қрн. Бухорий, Қадар, 4.

берилган. Бу хабарларнинг кўпчилиги шаффофлигича садрдан садрга (қалбдан қалбга) кўчганлиги маълумдир. Чунки булар умумга лозим бўлмагани каби жуда кўп кишининг идроки ва қамровидан баланд бўлган ҳақиқатлардир. Бундай ҳақиқатлар истеъдодли зотларга хитоб йўсинида берилмаган. Улар кўп ҳолларда қалбдан қалбга, яъни танланган бир шахсдан бошқа бир шундай шахсга кўчиш шаклида амалга оширилганлиги тарихий бир анъанадир.

Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Али, Ибни Масъуд, Абу Ҳурайра, Муоз бин Жаббал ва Ҳориса бин Молик розияллоҳу анҳумлар ҳам бу хусусий илмга оид баъзи сирларга алоқадор бўлганлар.

❁

Аллоҳ таоло Ўзига содиқ, башарий ирода ва орзуларини илоҳий иродага ром эта олган бандаларининг қалбларига кўзлар кўра олмайдиган, ақллар тарозиси тортолмайдиган бир қатор лутфлар бергандир. Буюк Раббимиз ана шундай тақводор қулларига махсус бир илм ва ҳикмат лутф этганини Қуръони Каримда шу тарзда билдиради:

يَآ اَيُّهَا الَّذِينَ اٰمَنُوا اِنْ تَتَّقُوا اللّٰهَ يَجْعَلْ لَكُمْ فُرْقَانًا
وَ يُكَفِّرْ عَنْكُمْ سَيِّاٰتِكُمْ وَ يَغْفِرْ لَكُمْ وَ اللّٰهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ

**“.....”** (ал-Анфол, 29)

**“...”** (ал-Ҳадид, 28)

Ҳадиси шарифда ҳам:

*“Ўрганган нарсаларига амал қилган кишига Аллоҳ таоло билмаганларини ўргатади”деб буюрилган.* (Абу Нуайм, Ҳулятул Авлиё, X, 15)

Бир ҳадиси қудсий ҳам шу маънодадир:

*“Кимки Менинг бир валий қулимга душманлик қилса, Мен унга қарши уруш эълон қиламан. Бирорта бандам Мен унга буюрган фарзлардан кўра севимли ҳеч қандай нарса билан Менга яқинлаша олмайди.* Бандам фақат тўхтовсиз бажарган (фарзларга қўшимча равишда бажарган) нафл ибодатлари билангина Менга яқинлашади. *Шундагина Мен уни яхши кўраман.* ***Мен бандамни яхши кўрганимда, унинг эшитувчи қулоғига айланаман, кўрган кўзи, тутган қўли, юрган оёги бўламан.***

*Мендан нима тиласа, албатта бераман, агар Мендан паноҳ сўраса, уни ҳимоя қиламан".* (Бухорий, Риқоқ, 38)

Кўриниб турибдики, фарз амаллар ўз одоби ва арконларига риоя қилинган ҳолда ихлос билан адо этилиши шарт. Шундан сўнггина ишқ, шавқ ва важд ила кўнгилдан адо этилган нафл ибодатлар Аллоҳнинг ана шундай улуғвор лутф ҳамда икромларига етиш имконини беради. Шунинг учун ҳам нафснинг тубан орзуларига қарши туриш, ҳаром ва шубҳали ишлардан сақланиш, суннати сонияни ҳаёт тарзи сифатида давом эттириш лозим. Бу неъматларга эришиш учун баданни ўз ҳаддида (зарур бўлган даражада) ушлаб туриш ва руҳий оламни камолга етказиш даркордир. Чунки булар инсоннинг инсоний ожизликлар билан пардаланган идрокини ҳақиқат ва ҳикматга очадиган Аллоҳнинг улуғ неъматларидир. Инсон ҳар ҳоли ва амалида илоҳий иродага кўра қадам қўяди. Ташхис ва башоратларда бардавом бўлади. Сабаб ва баҳоналар, зоҳирий кўринишлар иродаси Ҳақнинг иродасида эриган бундай бандани алдай олмайди. Аллоҳнинг бу каби бандаси ҳодисанинг ички томонини ҳам кўра олади. Етук фаросатга эга бўлади.

Шунингдек, бундай ҳолларда қалбга келадиган илҳомлар ёрдамида аниқ башоратлар қилиш ҳамда ташхислар қўйиш билан бир қаторда хаёлга келадиган (зеҳнда туғиладиган) хуш ва нозик фикрлар ҳам бор эканлигини билишимиз лозим. Қалбнинг аҳволига доир бу рақиқ маънолар танланган зотларга калималар ёрдамида эмас, балки ишора ва рамзлар орқали билдирилган. Булар **"латифа"** ёки **"латоиф"** (кўплик шакли) деб аталади. Бу рақиқ маънолар Ҳақ таолонинг маънавият йўлидаги солиҳ бандаларига лутф этган кўрсатмаларидир.

Аллоҳ солиҳ бандаларига улар мушкул аҳволга тушиб қолганларида ғойибдан келадиган огоҳлантирувчи овозлар билан ҳам ёрдам беради. Бундай соҳиби кўринмайдиган, яширин овозлар **"ҳатиф"** дейилади.[53] Булар соликнинг қалбида ўртага чиққан ва уни Ҳаққа даъват қилган овозлардир.

Мана бу ҳодиса ҳатифдан овоз эшитишнинг бир ҳақиқат эканлигига далолат этади:

53 Телефон ҳозирда шу нафислиги учун араб тилида ҳатиф дейилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин асҳоблари у зотни ғусл этишни истадилар. Улар бошқа вафот этган кишиларга қилганимиз каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларини ечиб ғусл қилдирсакмикин ёки кийимларининг устидан ювсакмикин дея ихтилофга тушдилар. Бу ихтилоф вақтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларини ечмасдан ювилишлари лозимлиги ғойибдан келган овоз орқали билдирилди.[54]

Аллоҳ таоло Пайғамбарлари воситасида инсонларга "Китоб"ини, "Ҳикмат"ини ва бошқа билмаганларини ўргатгандир. Бу таълим баъзан очиқдан очиқ, баъзан эса ладуний илм сифатида туппа-тўғри қалбга келган илҳомлар шаклида англатилган. Бироқ бу ҳоллар кўпинча юқорида ҳам айтиб ўтганимиз каби инсон идроки қамраб олиши қийин бўлган бир ҳолатда тазаҳур этганлиги сабабли аксарият инсонларга номаълумлигича қолади. Ҳолбуки, ладуний илм ҳақ ва ҳақиқат эканлиги Қуръон ҳамда суннат билан мустаҳкамланган.

Қуръони Каримда[55] ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи ҳадиси шарифларида келтирилган қуйидаги Ҳазрати Мусо алайҳиссалом ва Ҳизр алайҳиссаломнинг ораларида бўлган бу ҳодиса ладуний илм мазмунидаги муҳташам порлоқликни акс эттирмоқда:

Ҳазрати Мусо ва унга ишонганларнинг ортига тушган Фиръавн қўшини Исроил ўғилларининг кўз олдиларида Қизил денгизда ғарқ бўлганди. Бу илоҳий лутфнинг ортидан Ҳазрати Мусо алайҳиссалом ўз қавмини тўплади. Уларга жуда аниқ, фасоҳат ила оташин бир ваъз қилди. Шунда тинглаганларнинг қалблари юмшаб, кўзларидан ёш тўкилди. Қавми Ҳазрати Мусонинг илм ва маърифатдаги теранлигига ҳайрон қолди. Ораларидан бир киши бу суҳбатнинг файзидан сархуш бўлиб:

"Эй Аллоҳнинг Пайғамбари! Дунёда сендан ҳам олимроқ киши борми?" деб сўради.

Ҳазрати Мусо алайҳиссалом ўзларига маъқул келган бу саволга "Аллоҳ билгувчи" дейиш ўрнига:

54 Қрн. Абу Довуд, Жаноиз, 27-28; Аҳмад б. Ҳанбал, VI, 267; Ибни Можа, Жаноиз, 10.
55 Қрн. Қаҳф сураси, 60-82. оятлар.

“Йўқ, бундай бир кишини билмайман” деб жавоб бердилар. Шу тарзда заллага йўл қўйдилар.[56] Аллоҳ таоло бу жавобни ёқтирмади ва шу аснода Ҳазрати Мусога ваҳий қилиб:

“Икки денгиз бирлашган жойда бир бандам борки, у сендан ҳам олимроқдир. Унга махсус бир илм (ладуний илм) берганман” деди.

Мусо алайҳиссалом бу илмни ўрганмоқ истагида бўлдилар:

**“–....”** (ал-Каҳф, 60)

Кейинроқ сингилларининг ўғли Юша бин Нун билан йўлга чиқдилар. Саёҳат давомида баъзи тажаллилар бўлиб ўтди. Ниҳоят у зот қидирган кишиларини топдилар. Қуръони Каримда бу учрашув шундай билдирилади:

**“....”** (ал-Каҳф, 65)

Мусо алайҳиссаломга ваҳий орқали билдирилган бу зот бир қоянинг устида яшил ҳирқага бурканган ҳолатда ўтирган эдилар. Ҳазрати Мусо яқинлашиб, у зотга салом бердилар. Кейин:

“Мен Мусоман” дедилар.

Ҳизр[57] алайҳиссалом:

“Демак, Бани Исроил Пайғамбари Мусо сенмисан?” деб сўрадилар.

Мусо алайҳиссалом ҳам:

“Менга Аллоҳ тарафидан инсонларнинг энг олими сифатида билдирилган зот сенмисан?” деб сўрадилар.

Ҳизр алайҳиссалом бунга жавобан:

“Ё Мусо, Аллоҳ сенга бир илм берган, у менда йўқдир. Менга бир илм берган, у эса сенда йўқдир” дедилар.

---

56 Залла: Пайғамбарлар орасида камдан кам содир бўладиган ва илоҳий ризога мувофиқ келмайдиган, беихтиёр айтилган (қасддан қилинмаган) сўз ва ҳаракатлар.

57 Ҳизр калимаси арабчада «яшил» ёки «яшилликка алоқадор» маъноларида келади. Аллоҳ Расули с.а.в.марҳамат қилганлар:
“Ҳизр а.с.га “Ҳизр” деб исм берилишига сабаб шу эди: У киши сарғайган ўтларнинг устига ўтирганларида, улар яшилга айланарди.” (Бухорий, Анбиё, 27; Тирмизий, Тафсир, 18; Дайламий, Муснад, I, 345)
Тобеинлардан Мужоҳид: “Ҳизр, намоз ўқиганда, атрофи яшил бўларди” дейди. Бу баёнлардан тушунилишича, Ҳизр исми асл исм эмас. Кейин берилган исмдир.

Мусо алайҳиссалом Ҳизр алайҳиссаломга:

**“–....?”** (ал-Каҳф, 66) дедилар.

У зот Ҳизр алайҳиссаломдан бу илмни ўрганиш истагини шу тарзда билдирдилар. Кўриниб турибдики, бу илмни ўрганиш учун ояти каримада келгани каби “тобеъ бўлмоқ” лозимдир. Зеро бу илм садрдан садрга (қалбдан қалбга) кўчади. Бунинг учун жисмоний ва маънавий бирлик бўлиши зарурийдир.

Мусо алайҳиссалом Ҳизр алайҳиссаломдан зоҳиран тушуниш мумкин бўлмаган, ўзларига ғаройиб туюлган баъзи ҳақиқатлар ҳикматини сўрадилар. Ҳизр алайҳиссалом эса, Мусо алайҳиссаломга:

**“–....?”** (ал-Каҳф, 67-68) дедилар.

Ҳизр алайҳиссалом аслида ана шу сўзлари биланоқ Ҳазрати Мусонинг руҳий ҳолатлари ҳақида дастлабки фикрга келган эдилар. Мусо алайҳиссаломга ҳар бир ҳолнинг асл натижаси энг охирида юзага чиқишини тушунтирдилар. Чунки бу илм буюк бир сабрни талаб қилар, Мусо алайҳиссалом эса жуда фаол ҳаёт тарзидан келган эдилар. Бу ерда Ҳазрати Мусо илоҳий ҳақиқат илми қаршисида ўз мавқелари ҳамда ожизликларини кўришлари ва ундан сабоқ олишлари керак эди.

Мусо алайҳиссалом қатъий равишда:

**“–.....”** (ал-Каҳф, 69) дедилар.

Ҳизр алайҳиссалом:

**“–....!”** (ал-Каҳф, 70) деб айтдилар.

Шундан кейин улар соҳил бўйлаб бирга юриб кетдилар. Ниҳоят икки ака -укага тегишли бир кемага миндилар. Ҳизр алайҳиссалом улардан тўлов пулини олмаган бу солиҳ кишиларнинг кемасини теша бошладилар. Мусо алайҳиссалом ҳаяжонланиб:

“Кемадагиларни чўктиришни хоҳлайсанми! Нега кемани тешдинг? Унинг эгалари шу кема орқасидан пул топиб тирикчилик қиладиган фақир кишилар экан. Бу ғарибларнинг кемасидан нима истайсан? Тўғриси жуда ҳайрон қоладиган бир иш қилдинг!” дедилар.

Ҳизр алайҳиссалом олдинги огоҳлантиришларини хотирлатиб:

“Сенга мен билан бирга саёҳат қилишга сабр қилолмайсан демадимми?” деган жавобни бердилар.

Мусо алайҳиссалом:

“Унутганим учун мени жазолама, бу иш сабаб мени қийнама” дедилар.

Худди шу пайтда бир чумчуқ келиб, кеманинг чеккасига қўнди. Сўнгра денгиздан тумшуғига сув олди. Ҳизр алайҳиссалом бу манзарани Мусо алайҳиссаломга кўрсатиб, шундай ташбеҳ қилдилар:

*“Аллоҳнинг илми олдида сенинг, менинг ва бошқа махлуқотнинг илми шу қушнинг денгиздан тумшуғига олган суви қадардир”.*

Бир муддатдан сўнг улар кемадан тушдилар ва биргаликда кета бошладилар. Ниҳоят бир ўғил болага дуч келдилар. Ҳизр алайҳиссалом ўша заҳоти у болани ўлдирдилар.

Мусо алайҳиссалом:

“Бир беғубор боланинг жонини олдинг, жони учун қаршилик қилмаган ҳолида қатл этдинг! Ростдан ҳам ёмон бир иш қилдинг!” дедилар.

Ҳизр алайҳиссалом яна айни шаклда жавоб бердилар:

“Сенга мен билан бирга юришга сабр қилолмайсан демадимми?”

Мусо алайҳиссалом берган сўзларида туролмаганларидан хижолат бўлиб:

“Агар бундан кейин бирор нарсани сўрасам, менга ҳамроҳлик қилма. Ҳақиқатан, сен мен айтадиган сабабларнинг сўнгига етдинг” дедилар.

Улар яна йўлларида давом этдилар. Ниҳоят бир қишлоқ аҳли олдига бориб улардан ейдиган бирор нарса беришларини сўрадилар. Бироқ қишлоқ аҳли уларни бир мусофир ўрнида кўрмадилар, ёмон муносабатда бўлдилар. Ҳазрати Мусо ва Ҳизр алайҳиссалом қишлоқдан чиқаётганларида йиқилаётган бир деворни кўрдилар. Ҳизр алайҳиссалом ғишт билан у деворни янгидан териб тўғриладилар. Шунда Мусо алайҳиссалом:

“Олдиларига келганимизда бизга эътибор ҳам қилмаган, қорнимизни тўйдириш учун бир луқмани ҳам раво кўрмаган инсонларга текинга иш қилиб бераяпсан. Агар хоҳласанг, албатта бунинг ҳаққини олар эдинг” дедилар.

Шунда Ҳизр алайҳиссалом бу уч воқеанинг асл маъносини билдирдилар:

“Энди бир-биримиздан ажраладиган вақт етиб келди. Ҳозир сен сабр қилолмаган уч ҳодисанинг тагида қандай маъно ётганлигини айтаман:

Мен тешган кема денгизда ишлайдиган фақир кишиларга тегишли эди. Уни нуқсонли қилиб кўрсатмоқчи бўлдим. Чунки уларнинг орқаларида бутун кемаларнинг ҳаммасини тортиб олмоқчи бўлган бир подшоҳ бор эди.

Ўғил болага келсак, у эртага гуноҳ содир этадиганлардан бўлиб вояга етар эди. Унинг она-отаси эса, солиҳ кишилардир. Бола уларни адашиш ва нонкўрликка етаклаши мумкин эди. Уларга азият етказиши хавфи бор эди. Аллоҳ уларга унинг ўрнига ундан пок ва марҳаматли фарзанд берсин.

Мен тўғирлаб қўйган девор эса, қишлоқдаги икки етим болага қарашли эди. Девор остида уларга оид бир хазина ҳам бор эди. Болаларнинг отаси солиҳ бир киши бўлган. Яратган у икки бола кучли бўлиб улғайишини ва Унинг раҳмати ўлароқ хазиналарини ўзлари чиқариб олишларини истади. **Мен буни ҳам ўзимча қилмадим**. Ана, сен сабр қилолмаган ходисаларнинг асл маъноси шулардир”.[58]

Бу қиссадаги ҳикматли, ибратли ва сирли нуқталарга доир жуда кўп нарсалар ёзилган ва шарҳлар берилган. Бу мавзудаги ҳикмат тўла нуқталардан бир нечтасини шундай ифодалай оламиз:

Ладуний илм ҳодисаларга зоҳирий шартлар ва инсоний мезонлардан ташқари, хусусияти кўп инсонларга номаълум бўлган бир низом ўлчовида қарашдир.

Масалан, барча илмларда “савол” ўрганишнинг энг муҳим калити сифатида қабул қилинган. Бироқ бу илмда савол, эътироз, баҳс ва мунозара йўқдир. Ладуний илмда мувофиқлик, сукут, сабр ва таслимият бордир. Бунда амалларнинг ниҳояси ва натижасига қаралади.

Эрзурумли Иброҳим Ҳаққи Ҳазратлари қанчалар гўзал сўзлайди:

*Ҳақ шаррни хайр айлар,*
*Ўйлама ки ғайр айлар,*
*Ориф уни сайр айлар,*
*Мавло кўрайлик найлар*
*Найларса гўзал айлар!*

58 Бу қисса ривоятлари учун қрн. Бухорий, Тафсир, 18/4; Муслим, Фазоил, 170.

*Сабаб не дема, англа*
*Хайр борлигин ўйла,*
*Бор, сўнгини сайр айла,*
*Мавло кўрайлик найлар*
*Найласа гўзал айлар!*

Қиссада кечган кема саёҳатида ака-ука солиҳ кемачилар Ҳазрати Мусо ва Ҳизр алайҳиссаломдан ҳақ олмаган эдилар. Улар шу тарзда Ҳақ дўстларига қилинган бир кичик яхшиликнинг буюк барокатини кўрдилар. Кемалари тузатиш мумкин бўлган кичик бир зарар билан тортиб олинишдан қутқарилди. Яъни қилинган эҳсон орқали ҳалол сармоя бекорга кетмади. Кема нуқсонли қилиб кўрсатилди. Уни подшоҳ томонидан эгаллаб олинишига йўл қўйилмади.

Бу билан мажозий маънода киши умр дарёсида сузган кема мавқеида бўлган нафсини нуқсонсиз ва қусурсиз деб билса, кибр ҳамда ғурур ҳалокатга тортиши мумкин эканлиги кўрсатилган. Шу йўл билан киши доимо ўз ожизлиги ва қусурларини тан олиб, маънавий йўқотишлардан ҳимояланиши мумкинлиги шарҳ этилган.

Ҳизр алайҳиссаломнинг беғубор бир боланинг ўлдиришида ҳам бир қатор ҳикмат бордир:

Инсон ўз қалбидаги бола-чақа, ота-она, ўртоқ ва биродар севгиси каби башарий маъсум севгисини муносиб ҳолда тутиши, уни Аллоҳ севгисидан юқорига қўймаслиги керак. Бунинг акси бўладиган бўлса, улар инсонни феълий(амалий) мақсадидан чалғитади. Ҳатто уни йўлдан чиқаради.

Жаноби Ҳақнинг буюк исмларидан бири ҳам **“ар-Рақиб”дир**. Бу эса Аллоҳ таоло севган қуллари қалбига Ўз севгисидан устун бошқа севгиларнинг сояси ҳам тушишига рози бўлмаслиги демакдир. Яъни Аллоҳга бўлган муҳаббат ўзига бошқа шерикни қабул қилмайди.

Ҳолбуки, аввалроқ Ёқуб алайҳиссалом ўғли Юсуфнинг пешонасидаги нубувват нурини сезиб, қалбида унга нисбатан қувватли бир муҳаббат ҳис қилганди. Ёқуб алайҳиссаломнинг ўғлига бўлган ҳаддан ортиқ меҳр- муҳаббати ғайратуллоҳга етди. Шу сабабдан Аллоҳ таоло унга бир катта синов беришни мақсад қилди. Натижада улар орасига маълум муд-

дат айрилиқ йиллари кирди. Ҳаддан зиёдалашган муҳаббат ўз ортидан аччиқ бир фироқни келтирди.[59]

Баъзи буюк ҳақиқатлар ижтимоий мерос орқали одамларнинг мулкига айланади ва жамиятнинг умумий маданий ютуқларида акс этади. Аслида ҳаддан ортиқ муҳаббатга доир бу тушунча халқ туркуларида "кўп муҳаббат, тез айрилиқ келтиради" шаклида акс этган.

Албатта, Ҳизр алайҳиссалом ўлдирган боланинг она-отаси ҳам, фарзандлари туғилганда севинчга тўлганлар. Фарзандлари ўлганида эса, қаттиқ қайғуга ғарқ бўлганлар. Бу жуда ибратли ва ҳикматлидир. Агар бола яшашда давом этса, ўзи билан бирга она-отасининг ҳам дунё ва охиратларини барбод этар эди. Шубҳасиз, ота-онаси болалари ёмон хулқи бўлса ҳам, унинг ўлишини асло истамас эдилар. Марҳамати сўнгсиз бўлган Жаноби Ҳақ эса, ўзининг бу солиҳ бандаларини улар ўз боласига ҳис қилган севгидан кўпроқ севди. Шу боис боланинг ўлимини тақдир қилди. Уларга унинг ўрнига солиҳ бир авлод бериш орқали лутф кўрсатди. Маъсум бола бу оламдан охиратга кўчганлиги учун она-отаси билан биргаликда унинг охират ҳаёти ҳам ҳимоя остига олинди. Боланинг фоний дунёсига қаҳр шаклида келган бир лутф сабаб зарарнинг кичиги каттасидан афзал кўрилди.

Бандаларнинг ҳодисаларни баҳолашлари илоҳий ҳикматдан воқиф бўлмаганликлари учун аксарият ҳолда янглиш бўлади.

وَ عَسىٰ اَنْ تَكْرَهُوا شَيْئاً وَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ وَعَسىٰ أَنْ تُحِبُّوا شَيْئاً وَهُوَ شَرٌّ لَكُمْ وَاللّٰهُ يَعْلَمُ وَ اَنْتُمْ لاَ تَعْلَمُونَ

Буюк Раббимиз Қуръони Каримда шундай буюради: (ал-Бақара, 216)

Гуноҳсиз маъсум бир инсоннинг қатли буюк бир жиноятдир ва у қасос талаб қилади. Бироқ бу қиссадаги мисол шаръий ҳукмлар билан тасдиқланмаган бир шаклда ва фақат ботин илмига таяниб амалга оширилгандир. Бу зоҳирий билимлар билан вазифалантирилган уммати Муҳаммад учун мумкин эмасдир. Шу туфайли қалбий илмга эга бўлган буюк зотлар зоҳирий сабаблар шаклланмасидан аввал ҳаракат қилмай-

59 Қрн. Руҳул -Баён, ж. IV, с. 218.

дилар. Улар ҳам сабаб дунёсидан айрилмайдилар. Зеро шаръий ҳукмларнинг чегаралари барча учун воз кечилмайдиган мезонлардир.

Мусо алайҳиссалом шариат соҳиби бўлган ва уни татбиқ қилиш билан вазифалантирилган Пайғамбардир. Ҳизр алайҳиссалом эса, Аллоҳ ўзларига билдирган илмга амал қилганлар. Яъни у зот амалга оширган ишларини ўз истаклари билан эмас, Яратганнинг амри билан адо этганлар. Мусо алайҳиссалом Ҳизр алайҳиссаломга Аллоҳ белгилаган чегараларни сақлаш учунгина эътироз билдирганлар.

Бу қиссани Қуръони Каримда келтирган ҳам Буюк Раббимиздир. Қиссадаги ҳодисалар зоҳиран шаръий ҳақиқатларга мухолиф сингари кўринса ҳам, амалда улар бир-бирини тўлдирган фарқли тазаҳурлардир. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом бу тажаллиларнинг сиррини ўрганганларидан сўнг эътирозни тўхтатдилар. Шариат бадан, ҳақиқат эса руҳ каби эканлигини англадилар.

Шаръий қоидаларни ҳар бир киши билади. Бироқ аксарият инсонлар ботиний ҳақиқатларни билмайдилар. Шунинг учун уларнинг вазифалари ҳам фақатгина зоҳирий сабабларга асосланади.

Ҳизр алайҳиссалом қишлоқ аҳлининг эътиборсизлигига ва ёмон муомалаларига қарамай, ҳеч қандай моддий манфаат кутмасдан қишлоқдаги йиқиламан деб қолган деворни таъмирладилар. Бу ҳолат аслида етимлар ҳимоясининг қанчалик муҳим ва юксак бир фазилат эканлигини кўрсатиш учундир. Ҳалолдан келган маблағ зое кетмаслиги ҳикматининг ифодасидир. Ҳақиқатан, солиҳ бандаларнинг ҳалол йўл билан ишлаб топган маблағлари Аллоҳ тарафидан ҳимояланади. Асло зое кетмайди.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу деворнинг остида бўлган бу хазина ҳақида қуйидаги маълумотларни берадилар:

“Хазина олтиндан тайёрланган бир лавҳа эди. Унинг устида шу етти сатр ёзилганди:

1. Ўлимни била туриб, кулган кишининг ишига ҳайрон қоламан.

2. Дунёнинг фоний эканлигини билгани ҳолда унга рағбат кўрсатган кишига ҳайрон қоламан.

3. Ҳар нарсанинг тақдир билан тайин қилинганлигини билса-да, қўлдан кетганига хафа бўлган кишига ҳайрон қоламан.

4. Ҳисобга тортилишини билгани ҳолда мол тўплаган кишига ҳайрон қоламан.

5. Жаҳаннам оташини билгани ҳолда гуноҳ қилган кишига ҳайронман.

6. Аллоҳни яқиндан билгани ҳолда Ундан бошқасини зикр қилган кишига ҳайрон қоламан.

7. Жаннатни яқиндан билгани ҳолда дунёда истироҳат умид қилган кишига ва шайтонни душман ўлароқ билгани ҳолда унга итоат этган кишига ҳайрон қоламан". (Ибн и Ҳожар ал-Аслақоний, Мунаббиҳат, с. 29)

Бу қиссада яна бошқа бир ишорий маъно бордир. Ҳазрати Мусо ва Ҳизр алайҳиссаломнинг икки денгиз бирлашган ерда учрашишларидан мақсад зоҳир илмида Ҳазрати Мусо, ботин илмида Ҳизр алайҳиссалом теран бир дарё мисоли бўлганликларидир.

Ҳазрати Мусонинг ладуний илмдан таҳсил олиш мақсади ила Ҳизр алайҳиссаломга тобеъ бўлишлари тасаввуфдаги муршид ва мурид муносабатларига ўхшашлик назаридан ҳам жуда аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан қараганда бирор бир киши Ҳазрати Мусо алайҳиссалом қадар илмда теран бўлиши мумкин. Аммо ўзида бўлмаган бир илм таҳсили учун тавозе ва хулқда маъно султони бўлган Аллоҳ дўстларининг олдида тиз чўкиши, уларнинг иршодини талаб қилиши лозимдир.

Севимли Пайғамбаримиздан:

"Ё Расулуллоҳ! Қуръонда ва суннатда ечимини топа олмаган бир масалага тўғри келганимизда нима қилайлик?" деб сўралганда, у Борлик Нури шундай жавоб берадилар:

*"Буни фақиҳлар ва обидлардан (солиҳлардан) сўранг. Улар билан маслаҳатлашинг. Бу борада шахсий фикрингиз билан иш тутманг"* деб марҳамат қилгандилар. (Ҳайсамий, Мажмауз Завоид, I, 178)

Буюк фиқҳ олими, мужтаҳид Имом Шофеъ Ҳазратлари кўнгил аҳлидан бўлган Шайбоний Роий Ҳазратларидан маънавий фойда олиш учун у зотнинг олдиларида бир талаба каби юксак бир одоб билан тиз чўкар эдилар. Баъзи масалаларни у киши билан маслаҳатлашардилар. Талабалари:

“Ё Имом Ҳазратлари! Сиз каби бир олим қаерда-ю, Шайбоний Ҳазратлари қаерда? Бунча ҳурмат ва илтифотнинг ҳикмати нимада?” деб сўраганларида, буюк Имом:

“Ўғилларим! Бу зот бизнинг билмаганларимизни биладилар!” деган эдилар.

Аҳмад бин Ҳанбал ва Яҳё бин Моин ҳам баъзи масалалар хусусида Маъруфи Каҳрийга мурожаат қилар эдилар. У зотдан сўрардилар.

Маъно устозларига зоҳирий илмларнинг эмас, балки қалбий илмларнинг таҳсили учун борилади. Чунки улар Аллоҳга элтадиган йўлларнинг раҳбарларидир. Қанча буюк тафсир, ҳадис, фиқҳ олимлари тасаввуфга кирганлар. Улар ҳам билмаган нозикликлари хусусида Ҳақ дўстларини раҳбар қилиб олганлар. Ибн Обидин, Олусий ва бошқалар каби...

Дунёнинг энг буюк ҳуқуқ билимдонларидан бири бўлган Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Ҳазратлари ҳам Жаъфари Содиқ Ҳазратларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар.

Абу Ҳанифа Ҳазратларининг маънавият аҳлига бўлган юксак ҳурматларини баён этган мана бу ҳодиса жуда ҳам муҳимдир:

Айтишларича, бир куни Ҳақ дўстларидан Иброҳим бин Адҳамнинг йўли Имоми Аъзам Ҳазратлари билан туташди. Абу Ҳанифанинг ёнларидаги талабалар Иброҳим бин Адҳамга писандсиз нигоҳ ташладилар. Имоми Аъзам бу ҳолни кўриб, Иброҳим бин Адҳамга:

“Марҳамат Ҳазратим, мажлисимизга шараф беринг!” дедилар.

Иброҳим бин Адҳам уларга ийманиб салом бердилар. Суҳбатдан сўнг у зот бу ердан узоқлашганларида Имоми Аъзамнинг ёнларидаги талабалар:

“Бу киши ҳазратлик ва буюклик сифатига қандай сабаб ила лойиқ бўлганлар? Сиз каби бир зот нега у кишига ҳазратим дейди?” деб сўрашди.

Шунда Имоми Аъзам юксак бир тавозе билан шу жавобни бердилар:

“У зот доимий равишда Аллоҳ билан машғул, биз эса ишнинг моҳияти билан бандмиз...”

Бошқа томондан ҳар мавзуда бўлгани каби ладуний илмнинг таҳсилида ҳам тайин этилган илоҳий одоб ва арконга риоя қилиш керакдир. Бу одобнинг муҳим жиҳатларидан бири банданинг ожизлик ва ҳечлик шуури ила тавозега бурканишидир.

**«Калимуллоҳ»** шаънига мазҳар бўла олган, “улул-азм” бир Пайғамбар Мусо алайҳиссалом “Қавмим билан шуғулланишим лозим. Менга Таврот кифоядир, зотан ваҳийга муяссар бўлган бир кишиман. Жаноби Ҳақдан тилар бўлсам, У менга бу илмни ўргатишга қодирдир...” деб айтмаганлар. Юксак бир тавозе ила муроди илоҳийга тобеъ бўлганлар. Шу йўл билан кейинги даврларда келадиган инсонларга бу хусусдаги мезонлар ва ахлоқ мукаммаллиги борасида ўрнак бўлганлар.

**“Агар лозим бўлса, у олимни топиш учун йиллар давомида юришга ҳам тайёрман”** дейишлари ҳам бунинг очиқ далилидир. Ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг Ҳизр алайҳиссаломдан тавозе, илм ва маърифатни ўрганганлари ҳар бир киши учун гўзал бир намунадир.

Аллоҳ таоло истаса, Ҳизр билан Мусо алайҳиссаломни бир зумда учраштира оларди. Ҳолбуки, уларни машаққатли бир йўлчилик охирида учраштиришни ният қилди. Демак, бу йўлни босиб ўтишда ишқ ва истиғроқ ичида бўлиш, қатъият, ғайрат ҳамда “лутфи илоҳий” талаб этилади.

Ҳазрати Мусо билан Ҳазрати Ҳизрнинг ораларидаги бу ҳол ботин илми ҳам сабаблар ва усулга уйғун равишда бир устоздан олиниши кераклигига ишора қилмоқда. Яъни бу илмга кўп ҳолларда сабабсиз, раҳбарсиз ва муршидсиз етишиб бўлмайди. Фақат Увайс Қараний Ҳазратлари каби **“Увайсий машраб”** бўлганлар бундан истиснодир. Бу йўлда мақсадга эришиш учун буюк бир азм ва юксак бир ҳимматга эҳтиёж бордир.

Бошқа бир томондан Ҳазрати Мусонинг Ҳизр алайҳиссаломдан илм ўрганишни исташлари “Қандай қилиб бир валий буюк бир Пайғамбарга дарс бера олади?” тарзидаги бир саволни келтириб чиқаради.

Ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг Ҳизр алайҳиссаломдан илм таҳсил олишни исташлари у зотнинг ҳеч бир илм ва маърифатга эга эмасликларини билдирмайди. Бу ўринда у зотга кашф ва илҳомдан насиба лутф қилинмаган деган маъно ҳам йўқ. Албатта, бу ҳолатда шуларга эътибор

бериш керак. Бу комил бир зот ҳар қандай хусусда таҳсил олиши лозим бўлган бир ҳолат кабидир.

Масалан, меъмор Синаннинг ўз соҳасидаги илмий салоҳияти ва қобилияти Сулаймония масжиди қурилишида ишлаган барча мусаввирлардан устун бўлганлиги шубҳасиздир. Шу боис меъмор Синаннинг у жомеъдаги бир мармар устаси сингари мармарга ишлов бериш санъатини билмаслиги унинг қусури ҳисобланмайди. Чунки у ердаги барча ҳунармандлар меъмор Синаннинг кўрсатмалари остида бўлганлар.

Шунингдек, Ҳизр алайҳиссаломнинг Мусо алайҳиссаломга бир муддат устоз бўлишлари Мусо алайҳиссаломдан устун бўлганлар деб айтишимизга асос бўла олмайди. Зеро Мусо алайҳиссалом билан Ҳизр алайҳиссалом қиёслаб бўлмайдиган фарқли водийларда эдилар. Уларни ўзаро солиштиришнинг асло имкони йўқдир. Бу ердаги ҳикмат барча махлуқот, жумладан пайғамбарлар ҳам илоҳий илм қаршисида ожиз эканликларини бутун инсониятга кўрсатишдир.

Пайғамбарлар башариятга дахлдор бўлсалар-да, илоҳий ваҳийга мазҳар бўла олганлар. Улар Аллоҳ таоло томонидан танланганлардир. Жаноби Ҳақнинг бу мустасно бандалари гуноҳ қилмаганлар. Бироқ улар ҳам башар сифатида яратилган бўлганликлари учун айрим ҳолларда “залла” га йўл қўйганлар. Камдан-кам вазиятларда бўлса ҳам, хато қилганлар. Жаноби Ҳақ ана шу тарзда гоҳ аҳком огоҳ бўлсин дея, гоҳ инсониятга дарс бўлсин дея уларга ҳам инсон эканликларининг ожизлигини кўрсатган. Уларни кўпинча бизга номаълум бир ҳолатда тарбия қилган. Бу ўринда ҳам Мусо алайҳиссалом илоҳий илмнинг сўнгсизлиги қаршисида башар эга бўлган илм қанчалар ожиз эканлигини англашлари кераклиги таъкидланмоқда. У зотга билдирилмаган қанча илмлар борлигини тушуниб етишлари лозим бўлганлиги илгари сурилмоқда. Қиёматга қадар келадиган инсонлар ҳам Мусо алайҳиссаломнинг қиссаларидан бир қатор ибратлар оладилар.

Пайғамбарлар нубувват каби буюк бир қудрат ва салоҳиятга воқиф бўлганлар. Уларга Ҳақ таоло лутф қилгани нисбатида ғайб сирлари ҳам очилган. Ладуний илм ваҳбий бўлганлиги учун улар ҳам Жаноби Ҳақнинг билдирганини биладилар. Ўзи билдиришни истамаганини билмайдилар. Шайх Саъдийнинг Гулистонида келтирилгани каби бир киши Ҳазрати Ёкубга:

“Эй қалби мунаввар, доно Пайғамбар! Юсуфнинг кўйлаги Мисрдан келар экан, ҳидини сездинг? Нимага ёнбошингдаги қудуққа ташланганида, Юсуфни кўрмадинг?” деб сўрайди.

Ёқуб алайҳиссалом бунга жавобан:

*“Бизнинг бу хусусда ноил бўлган илоҳий насибимиз чаққан чақмоқлар кабидир. Шу туфайли муроди илоҳийга боғлиқ бўлган ҳақиқатлар биз учун баъзан аён бўлади, баъзан беркилади!..”* дейдилар.

Мусо алайҳиссаломнинг Ҳизр алайҳиссаломдан илм талаб қилганларида қўллаган иборалари **“сенга берилган илм”** шаклидадир. Яъни илм бандаларга эмас, Ҳақ таолога боғланмоқда. Барча илмларнинг мутлақ манбаи Буюк Аллоҳ таолодир. У истаган кишисига истагани қадар бу илмдан эҳсон қилади. Баъзи илмларнинг таҳсили учун бир қатор зоҳирий сабабларни восита қилади, баъзи илмларни бандасининг қалбига Ўзи лутф этади.

Мабодо бир банда рўзадорлигини унутиб бирор нарса еб қўйса, рўзаси бузилмайди. Худди шу каби берган ваъдаларини унутган Ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг Ҳизр алайҳиссаломга эътироз билдиришлари саёҳатни у зот билан бирга давом эттиришларига тўсиқ бўлмаган эди. Фақат Ҳазрати Мусо алайҳиссалом зарурат бўлмаса ҳам, ўз насибаларини (бу илмдан келиши мумкин бўлган насибаларини) хижолатли бир ҳаяжон билан:

**“.....”** (ал-Каҳф, 76) деган шартга боғлаганлари сабабли насибалари шунга қадар чекланган ҳолда қолди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

***“Аллоҳ Мусога раҳм қилсин. Агар у сабр қилса, Аллоҳ таоло улар воситасида бизга (янада кўпроқ сирли ва ажойиб) ҳодисаларни билдирарди”*** деб марҳамат қилгандилар. (Муслим, Фазоил, 170; Бухорий, Тафсир, 18/2)

Демак, бу йўлда сабр ва тамкин (вазминлик) аҳли бўлиш жуда муҳимдир.

Тасаввуф аҳлининг бу қиссага берган баҳоларидан бири қуйидагича:

Ривоят қилишларича, Ҳазрати Мусо алайҳиссаломга бу саёҳатида ҳамроҳлик қилган йигит Мусо алайҳиссаломнинг сингилларининг ўғли эди. У Ҳазрати Мусога иймон келтирганларнинг, яъни саҳобаларнинг

энг кўзга кўринганларидан бири Юшо бин Нун эди. Бу зот Мусо алайҳиссаломнинг вафотларидан сўнг халифага айланди.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳижрат йўлчилиги ҳақида *"учинчилари Аллоҳ бўлган иккининг иккинчиси"* (Бухорий, Асҳобун -Набий, 2) дея умматнинг энг фазилатлиси бўлган Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳуни ҳамроҳ сифатида танланганларини ҳадиси шарифларида келтирганлар. Бу мисоллар Аллоҳ ризоси учун маънавий йўлда ҳақиқий дўст бўлишнинг аҳамиятини маълум қилмоқдадир.

Биз юқорида бир минг бир хил сир ва ҳикматларга тўла бўлган Мусо алайҳиссаломнинг бу қиссалари орқали ладуний илмнинг мазмуни ифодаланган бир неча мисол билан танишдик.

❁

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилгандилар:

***"Шубҳасиз, мен сизларнинг кўрмаганларингизни кўраман ва эшитмаганларингизни эшитаман. Осмон (одатда) ғичирлайди. Унинг ғичирлаши ҳам ҳақдир. (Чунки) осмонда бирор бир фаришта Аллоҳга сажда қилиб, (у ерга) пешонасини қўймаган тўрт бармоқ ер ҳам йўқдир. Аллоҳга қасамки, мен билган ҳақиқатларни билсангиз, оз кулар ва кўп йиғлардингиз... (Уйларингиздан)чиқиб, саҳроларга тўкилар эдингиз. Баланд овозда Аллоҳга ёлворган бўлар эдингиз".***

Ҳадисни нақл қилган Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳу бу сўзлар тўғрисида:

"Аллоҳга қасамки, мен кесилган бир дарахт бўлишни жуда истардим!.." деганди. (Ибн Можа, Зуҳд, 19)

Баъзи саҳобийлар ҳам ладуний ҳақиқатлар қаршисида ҳайратга тушганлар ва даҳшат уммонидаги ожизлик туйғуларини шу калималарга жо этганлар:

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу;

"Қушларнинг тумшуғидаги бир дона хурмо бўлсам эди!" деб айтганлар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу;

“Кошки бир ўт бўлсам эди! Кошки ҳеч бир нарса бўлмасам эди!” деганлар.

Мўъминларнинг онаси Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо эса:

“Кошки шу дарахтдаги бир япроқ бўлсам эди!” деб айтганлар.

Аллоҳнинг қудрат ва азамати қаршисида уларни икки буклаган бу ҳол ожизлик ва хавф мақомидир.

Асҳоби киромдан Ҳорис бин Молик ал- Ансорий розияллоҳу анҳу Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида ҳар вақт важд билан тўлар ва истиғроқ ҳолида бўлар эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир тонг ундан:

*“Ё Ҳориса, қандай тонг оттирдинг?”* деб сўраганларида, Ҳориса розияллоҳу анҳу:

“Ҳақиқий бир мўъмин ўлароқ!” деган жавобни бердилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сафар:

*“Ё Ҳориса! Ҳар ҳол ва ҳақиқатнинг бир далили бордир. Сенинг иймонинг ҳақиқатининг далили нима?”* деб сўрадилар.

Ҳориса розияллоҳу анҳу:

“Ё Расулуллоҳ! Дунёдан этагимни тортган ҳолдаман. Кундузларим сувсиз, кечаларим уйқусиз ҳолга келди. Раббимнинг аршини очиқ ойдин кўрадиган бўлдим. Бир-бирларини зиёрат қиладиган жаннат аҳли ва бир-бирига душман бўлган жаҳаннам аҳлини кўраётгандекман” дедилар.

Шунда Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Бўлди, ё Ҳориса! Шу ҳолингни муҳофаза қил! Сен қалбини Аллоҳнинг Ўзи нурлантирган кишисан”* дедилар. (Ҳасамий, Мажмау-з Завоид, I, 57)

Яна Ҳориса розияллоҳу анҳу ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Бирор киши Аллоҳ қалбини нурлантирган бир шахсни кўришни истаса, Ҳорисага боқсин”деб марҳамат қилгандилар.* (Ибн Ҳожар, ал-Исоба, I, 289)

Ҳазрати Мавлоно ўз байтларида бу ҳодисани қалб тили тамсили сифатида шундай ёзадилар:

*“Ҳориса розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:*

*«Кўрганларимни англатайми?» деб сўради. Чунки бунга аввал у зот изн беришларини истади. Сўнг кўрганларини изоҳлай бошлади:*

*«Ё Расулуллоҳ! Инсонлар эртага бўлади деб ишонаётган маҳшар кунини бугун ошкор этай. Уларга ҳашр ва нашрнинг барча сирларини очиб берай. Амр беринг, бу сирларнинг пардаларини йиртай. Ичимдаги илоҳий ҳикматлар жавҳари осмоннинг қуёши каби порласин!»*

*«Ё Расулуллоҳ! Кимлар дунёнинг кир ва чиркинликлари орасида олтин ва олмос каби қолишга муваффақ бўлишини кўрсатишимга амр этинг. Кимларни куфрнинг қизил ва қора ранги занглатганини айтишимга изн беринг».*

*«Нубувватнинг ўчмас ёғдусида нифоқнинг етти тубсизлигини аён қилишимга ҳам ижозат беринг».*

*«Охиратда бахти қароларнинг (шоқийларнинг) киядиган кийимларини одамларга кўрсатай. У ерда Пайғамбарлар учун чалинадиган довул товуши ва хафа бўлганлар овозини ҳам эшиттиришимга амр этинг».*

*«Жўшқин ва тошқин бир ҳолда бўлган кавсар ҳовузини кўрсатайин, унинг суви одамларнинг юзига сачрасин, овози ҳам қулоқларга эшитилсин!»*

*«Чанқаган кишиларнинг у ҳовуз атрофида югурганларини очиқ кўрсатай! Уларнинг елкалари елкамга тегади. Қичқириқлари қулоғимга келади!»*

*«Жаннатдагилар севинчдан кўз ўнгимда бир-бирлари билан қучоқлашадилар».*

*«Жаҳаннамдагиларнинг инграган овозлари, фарёду фиғонлари қулоғимни кар қилади!»*

*«Мен бир қатор бу ишоратларни ич-ичимдан сўзлаяпман. Бундан кўпроқ нарсаларни ҳам гапиришим мумкин, аммо Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озорланишларидан қўрқаман!..»*

*У сакри маънавийга мустағрақ бўлиб шундай сўзларди. Мисли кўрилмаган бир важд сабаб ўзидан кетар, бутун сирларни ошкор этадиган ҳолга келганди.*

*Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уни бу ҳолдан уйғотиш учун:*

*«Ўзингни қўлга ол! Тинчлан!» дея Ҳазрати Ҳорисанинг ёқасидан ушлаб, шундай дедилар:*

«Ўзингга кел! Тилингнинг тизгинини тут. Чунки сен билдириш лозим бўлмаган сўзларни сўзлайдиган ҳолга келдинг. Сенинг қалб ойнанг танангни тарк этди. Унутмагинки, ўзинг етишган сирларни ошкор қилишинг уларни ҳазм қилолмаганинг сабаблидир. *Аллоҳнинг исмларидан бири Саттордир. Буни англаб етишинг лозим. Бу сифат билан сифатланишнинг саодатини беҳуда бир ҳазм эта олмаслик сифатига қурбон қилма!"*

Коинотнинг ҳар бир заррасида илоҳий бир мувозанат бордир. Шунингдек, банда руҳий оламдаги тажаллилар қаршисида ҳам мувозанат ва мутаносибликни муҳофаза қилиш мажбуриятидадир.

Умматга ҳар хусусда энг гўзал бир намуна бўлган Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам руҳониятнинг чўққисида ҳам ўлчовлардан ташқарига чиқмас ва истиқоматдан айрилмас эдилар.

Баъзи вақтларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маънавий бир файз билан тўлар эдилар. Бу ҳолга узоқ вақт сабр қилиш мумкин эмас эди. Асосан ваҳийнинг нозил бўлиши асносида фавқулодда кучли изтироб чекардилар. У зот марварид томчиси каби тер тўкардилар. Файз ва истиғроқ жуда авжли саҳифаларга етган вақтларда:

*"Ё Оиша, руҳоният мени истило этди. Кел, мен билан бироз гаплашиб ўтир!"*[60] деб инсоний иқлимга мурожаат этардилар.

Бунинг акси бўлиб, дунё ғолиб келганида эса:

*"Ё Билол! Бўл, намозга чақир! Ҳузурланайлик!"*[61]*дея* башарият ва руҳоният иқлимлари орасидаги мувозанатни сақлардилар.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам ички оламлари қандай баланд мезонларда бўлган бўлса, ташқи ҳолатларини ҳам доимо шунга мутаносиб равишда тута олганлар. Аллоҳ таоло у зотга лутф қилган

60 Қаранг: Миновий, Файз ал-қодийр, - Ж. 5, - Б. 228.
61 Абу Довуд, Адаб: 78

ақлга сиғмас юксак ҳақиқатларни аҳлларидан бошқасига билдирмас эдилар. Бунинг муҳимлиги ҳақида Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу:

*“Инсонларга улар тушунадиган шаклда сўзласангиз”*[62] деб айтадилар. Бу ўз ақлингиз етгани қадар эмас, уларнинг ақллари қамрай оладиган даражада сўзланг деган маънода демакдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бу сирли ҳақиқатларга алоқадор баъзи ҳадиси шарифларни кишилар тушунмаслигидан хавотир қилиб, ривоят қилмаганлар. У киши бу ҳолни шундай ифодалайди:

“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан икки қоп (тўла илм) олдим. Булардан бирини халққа ёйдим. Агар иккинчи қопдагиларни ёядиган бўлсам, бўйним кесилган бўлар эди”. (Бухорий, Илм, 42)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай буюрганлар:

*“Ҳикматни ўз аҳлидан бошқасига берсангиз, зулм қилган бўласиз”.* (Доримий, Муқаддима, 34)

Бу жумлани қарама-қарши бир тушунча билан шу маънода ҳам ифодалашимиз мумкин:

“Ҳикмат ва сирларни аҳлидан олиб қўйсангиз, у ҳолда яна зулм қилган бўласиз”.

Ояти каримада буюрилади:

**“.....”** (ал-Бақара, 269)

Тамкин аҳли бўлган буюклар бу илмдан ўзларига берилган насибани саёз идрокли оддий кишиларга таклиф қилишмаган. Зеро ақл қамраб олиши қийин бўлган бу сирлар бошқалардан яширин қолиши лозимдир. Маълумки, Аллоҳ баъзи бир бандаларига лутф этадиган бу мустасно сирларга соҳиб бўлган Мансури Ҳаллож қалбидаги тажаллилардан кичик бир қисмини фош этгач, ўлимга ҳукм қилинди. У зотнинг қони ҳайф кетди.

Ваҳдат дарёсига чўмган Мансури Ҳаллож теран бир важд ҳолида экан, ўзидаги тажаллиларнинг шиддатли гирдобига тушгандир. Кейин “Анал Ҳақ” деб фарёд этган. Хос бир сирнинг бу тарзда тилга кўчиши

62 Бухорий, Илм, 49

инсонлар ақл-идрок мезони ила уни ўлчашларига сабаб бўлган ва ақл бу назокатнинг вазнини тарозида торта олмаган.

Ҳаллождаги бу ҳол бир неча валийда ҳам кўринган. Бироқ бу ҳол аниқланадиган ё ўхшатиладиган ҳол эмасдир. Бу фақатгина вақтинчалик бир ҳол бўлиб, фанофиллоҳ мақомидаги вазминлик ҳолатини муҳофаза эта олмаган, ақл риоятини йўқотган валийларда зуҳур этади. Бундай ҳол зуҳурланганда ақл зоҳирий талаб ва қиёслар оламини тарк айлайди. Яъни ақл-идрок тугаган бу вазиятда унинг соҳибига шаръий бир таклиф айтилмайди. Зеро илоҳий ўлчов ва шаръий масъулиятнинг илк шарти "ақлли бўлмоқлик"дир. Ақлнинг эса бундай сўзларда ҳеч бир ҳиссаси йўқдир. Бу ҳоллар ақл билан идрок этилиши мумкин бўлмаган ҳолларидир.

Бундай ҳоллар жазбанинг ғалабаси ортидан содир бўлганлиги учун бу ҳолга тушганлар тасаввуф таъбири билан "мажзуб"[63] деб айтилади. Уларнинг зоҳирий ўлчовларга сиғмаган бу каби ҳоллари ўз аҳли томонидан маъзур тутилади. Шунингдек, бу ҳолнинг оддий кишилар тарафидан рад этилиши ҳам қораланмайди. Шу боис Мансури Ҳалложнинг мисолимизда зикр этилган сўзи ва ўлимга ҳукм қилиниши ҳақида "Ҳаллож ҳам ҳақли, уни ўлдирганлар ҳам" деган фикр айтилган. Шу сабаб тасаввуф йўлидагиларга вазмин бўла олиш (тамкин) тавсия қилинган. Тасаввуфда ақлни йўқотиш эмас, жозиб бўлиш учун (ўзига жалб этиш учун) ғайрат қилиш маъқул кўрилган.

Ривоятга кўра Абу Ҳорис исмли жаллод Ҳалложни қатл этиш учун олдиларига бориб, у зотга қаттиқ зарба беради. Бу зарба шу даражада кучли бўладики, Мансури Ҳалложнинг юзлари ва бурунлари парчаланиб кетади. Шу лаҳзада Шиблий ҳам жуббаларини йиртиб, атрофдагиларга номаълум бир сабаб ила ҳушдан кетадилар.

Ҳаллождаги бу тажалли бир ҳолдир. Ана шу ҳол кечаётган пайтда Ҳақ Ҳақдир, бошқа нарсалар эса ашёдир. Шайх Шиблий:

63 Илоҳий жозибадорлик қаршисида ақли заифлашган, лекин қалб оламида Мавло азза ва жалла билан боғлиқлигича қолган банда. Мажзублар дунё ҳаётида ғариблар бўлишса ҳам, улар қалбий ва ботиний жиҳатдан кўплаб оддий одамлардан устун бўлган босқичдадирлар. Бу гўё уларнинг иродаси, идроки ва фаҳмлари ҳеч ким тоқат қилолмайдиган токи уриши ҳолатига тушиш кабидир. Ана шундай кишилар Илоҳий Зотнинг тажаллилари қаршисида инсон ожиз эканлигига тирик мисол бўла оладилар.

“Биз Ҳаллож билан айни босқичлардан ўтдик. Бироқ мени мажнун дея ўз ҳолимга қўйдилар. Уни оқил инсон сифатида кўриб, қатл этдилар”.

Шиблий яна шундай дейдилар:

“Ҳаллож қатл қилинган кечада мозорининг бошига бордим. Тонгга қадар намоз ўқидим. Саҳар вақтида муножот этдим:

«Раббим! Бу бандинг Сенинг мўмин, ориф ва муваҳҳид бир бандинг эди. Бу бандангга берган мусибатларинг ҳикмати нимада?»

Шу аснода менда уйқу ғалаба қилди. Тушимда қиёмат қўпганини кўрдим. У ерда Ҳақнинг шу хитобини эшитдим:

«Бизнинг сирримизни аҳллардан бўлмаганлар орасида ёйгани сабаб шу ҳолни унинг бошига келтирдик!»

Ҳақда фоний ўлароқ ҳақиқат сиррига ноил бўлиш эмас, ноил бўлинган ана шу сир келтирадиган маънавий сархушлик ҳолида ўз аҳлидан бошқаларга уни фош этиш эътирозли ҳолатдир. Маълум мезонларга риоя этмаслик оқибатида юзага келадиган тошқин бир ҳаяжон ва истисноли мисоллар билан тасаввуф ва Ҳақ дўстлари ҳақида ўйламай гапириш жуда ҳам нотўғридир. Аллоҳнинг севган бандалари ҳақида ёмон сўзлар сўзламоқлик ва уларнинг қадрини билмаслик жаҳолат ҳамда заковатга эга бўлмаслик сабаблидир. Бир мўмин киши уларни рад этишини эса, асло ақлга сиғдириб бўлмайди.

Шу жиҳатдан бу маънавий йўлдаги энг муҳим асос муқаддас ўлчовларга маҳкам боғлана олиш, аммо боқий сирларни ҳам рад этмасликдир. Қолаверса, Жаноби Ҳақ билан бандаси орасидаги махфий сирларни сўзлар билан баҳам кўрмоқлик зарур бўлади.

Буларнинг барчаси руҳий истиғроқ ҳолларида ва ақлдан ташқарида кечган тажаллилардир. Дарҳақиқат, бундай ўзига хос ҳолдан кейин соғлом ақлга қайтилганда, бу хилдаги шавқ ўз ўрнини сукунат ҳолатига қолдиради.

Баъзи Ҳақ дўстлари ҳам руҳларида зафар кучган мустасно тажаллилар таъсирида турли ноодатий ҳаракатлар қилишга уринганлар. Бироқ ақл ва иродалари ўз ихтиёрларида бўлмаган мазкур оламдаги уйқудан уйғонганларидан сўнг яна ўз истиқоматларида давом этганлар.

Бир сафар Жунайд қуддиса сирруҳуга шундай савол беришади:

“Баъзи авлиё зотлар важд ҳолида бўлганларида ҳар хил ҳаракатлар қиладилар. Уларнинг бу ҳоли ҳақида нима дейсиз?”

Жунайд қуддиса сирруҳу шундай жавоб бердилар:

“Бундай зотларни ўз ҳолларига қўйинг. Улар Аллоҳ ила ҳузур топиб роҳатлансинлар. Шариатнинг очиқ тақиқлаган масалаларидан ташқари ҳолатларда уларнинг ҳолларини танқид қилманг. Бу йўл уларнинг жигарларини ёқиб қовурганлигига, саъй-ҳаракат ва ғайратлари уларни ҳоритганига эътибор беринг. Авлиё зотлар бир қанча машаққатларга сабр қиладилар. Улар ўзлари бошдан кечирган ҳолларидан юқорилаш учун шу йўлни тутадилар. Бунда бирор бир ўнғайсизлик йўқдир”.

Ривоятга кўра Мансури Ҳаллож қатл қилинишларидан олдин шундай дуо қиладилар. Бу дуо у зотнинг ўша пайтдаги маънавий савияси ва ихлосини яққол аён этгандир:

“Аллоҳим! Бандаларинг Сенга яқин бўлганларидан ва динларига боғланганларидан мени ўлдириш учун тўпландилар. Сен уларни кечир. Чунки Сен менга лутф этган сирларни уларга ҳам насиб этганингда, мен ҳақимда бундай ўйламасдилар. Агар Сен улардан яширган нарсаларингни мендан ҳам яширганингда, бундай қилмаган бўлар эдим. Ё Раббий уларни авф эт! Зеро улар мени Сенга қовуштирмоқдалар”.

Ҳалложнинг ҳолини маъно оламида сайр этганлар шундай нақл қиладилар:

У зотни дор тахтасига осганларида, шайтон ёнларига келади. Шайтон:

“Сен бир бор **«ана»**[64] (мен) дединг. Бир бор эса, мен **«ана»** (мен) дедим. Қандай қилиб шу туфайли сенинг устингга раҳмат, менинг устимга лаънат ёғилди!” деб сўради.

Ҳаллож шайтонга шундай жавоб бердилар:

“Сен «Ана» дейиш билан ўзингни Одамдан устун қўйдинг. Кибрга берилдинг. Мен эса, «Аналҳақ» дея ўзимни Ҳақда ифно этдим. “Мен Ҳақман” дедим. Менликни ўртага қўядиган кибр жаҳаннам аломатидир. Менликни ўртадан йўқотиш эса, Ҳақда фоний бўлишнинг, «ҳеч»лик-



64 Ана: Арабчада “мен” маъносидаги шахс отини билдиради.

нинг ифодасидир. Шу сабабдан менга раҳмат, сенга эса лаънат ва зиллат тушди”.

Иброҳим бин Фотиҳ Ҳалложни зиёрат этиш учун борганларида, у зот шундай насиҳат этганликлари нақл қилинади:

“Ўғлим! Агар билсанг, баъзи инсонлар мени куфрга кетган дедилар. Баъзилари валий зот дея қойил қолдилар. Аллоҳ олдида ҳам, менинг назаримда ҳам куфримни эълон қилганлар валий бўлганимни сўзлаганлардан севимлироқдир”.

Шунда мен “Нега бундай деяпсиз?” деганимда у зот:

“Валий бўлганимга ишонганлар менга бўлган ҳуснизанлари туфайли шундай қиладилар. Куфримга қойил қолганлар эса, динларига боғланганлари сабабли шу йўлни тутадилар. Динига садоқат кўрсатган киши Аллоҳ учун ҳуснизан этгандан кўра севимлироқдир” деб марҳамат қилган эдилар.

Ҳаллождаги тажаллилардан ҳам кўпроғини бошдан кечирган Ҳазрати Мавлоно эса:

“Агар Ҳаллож мен билан Раббим орасидаги тажаллилардан хабардор бўлганида, у ҳам мени тошбўрон қиларди” деганлар.

Юқорида келтирилганга ўхшаш баъзи бир ҳоллар Ҳақда фоний бўлишнинг зоҳирий ифодаларидир. Мавлоно Ҳазратлари фанофиллоҳни ўз байтларида шу ташбеҳ ила изоҳлайдилар:

*“Сўнгсиз бўлган ҳаёт дарёсини кўрганингда, косадаги сувни унга қўш. Яъни сен бу фоний умрни сўнгсизлик дарёсига қўшганингда, у сув дарёдан қоча оладими?”*

*“Косадаги сув дарёдаги сувга аралашгач, у ерда ўз борлиғидан қутулади. Дарёнинг сувига айланади”.*

*“Дарё сувига айлангач, косадаги сувнинг хислати, ўз сифати йўқолади. Унинг фақат зоти қолади. Шундан кейин у асло камаймайди. Ё ифлосланиб ҳидланмайди”.*

Ҳазрати Мавлоно ва у зот каби маънавий ҳолга эришган қалб соҳибларининг ҳис-туйғулари ва мулоҳазалари илоҳий ҳикматга монанд бўлганлиги учун Жаноби Ҳақ уларнинг кўрган кўзи, тутган қўлига айлангандир...

Мавлононинг ошиғи бўлган бир мутафаккир у кишининг ички ҳолларини идрок этар экан, инсонларнинг аксарияти ожизлик ичида эканлигини шундай ифодалайди:

“Биз Мавлоно Жалолиддин важдининг фарёдларини тингладик. Бироқ у чўмган ҳузур денгизининг тераникларини кўрмоққа бизнинг имконимиз йўқ. Биз фақат денгизнинг тубидан сувнинг юзасига нима чиқса, ўша нарсани кўра оламиз. Ҳазрати Мавлононинг ишқини эмас, у ишқнинг тилга кўчган фарёдларинигина қўлга киритамиз. Бизнинг нўноқ тил ила тушунтиришга уринишимиз фақат шундан иборат. Ҳузур денгизига ёлғиз у шўнғиди. Бизга унинг важди тўфонидан чиққан овозлар қолди. Ҳайҳот! Биз уни Мавлоно деб биламиз”.[65]

Ишқ, важд ва истиғроқ ҳоли бир уммон кабидир. Бу уммон фақат ўз аҳлига маълум бўлган бир жилваи Раббонийдир.

Шунингдек, аҳлуллоҳ бу сир илмидан бир қисмини мажозий бир шаклда сатрларда акс эттирган Муҳйиддин Ибн Арабийга ҳам юксак баҳо берганлар. Байтлари қатидаги ақл бовар этмас сирлар ҳақиқатини кўргач, у зотни “Шайхул Акбар” деб ёд этганлар. Ботиний оламдан узоқ бўлганлар эса, бу идрок этилиши қийин бўлган илҳом маҳсулини тушуна олмаганлар. Шу сабаб у зотни куфрда айблаб қатл этганлар.

Агар сирларга таҳаммул қила оладиган дўст ва сирдош топилмаса, сукут сақлаган маъқулдир. Чунки ҳар бир кишига унинг ақли қабул қила оладиган ўлчовда сўз сўзламоқ лозим. Зеро маънавий бу ҳолни тушунмаган инсонга ҳикмат ва маърифатдан сўзлаш ҳақиқатга зулм қилмоқ билан баробар бўлади.

Шу боис Муҳйиддин Ибн Арабий қуддиса сирруҳу:

“Ҳолимизга ошно бўлмаганлар бизнинг асарларимизни ўқимасинлар” деб айтганлар.

Ҳазрати Мавлоно ҳам шундай дейдилар:

“Мен бу сирларни яширин ва мухтасар сўзладим. Чунки кенг баён қилишга уринган кишининг тили, тинглаган инсоннинг эса онгу идроки ёнади”.

65 Нуриддин Тўпчи, Мавлоно ва Тасаввуф, с. 139.

Шунингдек, Мавлоно Ҳазратлари бир-биридан фарқли бўлган истеъдод ва қобилиятлар учун тақдим этилган “Маснавий” нинг баён йўсинига алоҳида эътибор қаратганлар. *Саёз идрокли кишилар янглиш йўлларга тушиб қолмасликлари учун* тушунилиши қийин бўлган илоҳий сирларни ва мужаррад ҳақиқатларни икки хил усулда берганлар. Уларни ё содда ва тушунарли қиссалар ёрдамида англатганлар ёки кўчма маънолар ила фақат сир аҳлининг ўзига маълум қилганлар. Шу орқали қалб теранлиги бўлмаганлардан “*Маснавий”даги маъно нозикликларини сатр этганлар.*

Мавлоно қуддиса сирруҳу яна:

“Менинг байтларим байт эмас, бир маъно жаҳонидир. Ҳазилим ҳазил эмас, бир синовдир. Қиссаларим содда ва оддий сўзлар эмас, балки бир таълимдир. Улар сирларни изоҳлаш ва идрок эттириш учун лозимдир” деб айтадилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ўзлари шоҳид бўлган бир ҳодиса ҳақида шундай ривоят этадилар:

“Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдим. У зот Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан тавҳиди илоҳий ҳақида суҳбат қилаётган эдилар. Уларнинг ёнларида ўтирдим. Аммо худди арабчани билмаган бир киши каби бу сўзлардан ҳеч бир нарса тушунмадим. Абу Бакрга:

“Бу қанақа ҳол? Сиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳар вақт шундай суҳбат қиласизми?” деб сўрадим.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу:

“Ҳа, баъзан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ёлғиз қолганимизда шундай суҳбатлашамиз”[66] дедилар.

Кўринадики, ҳатто Ҳазрати Умар каби даҳосидан шубҳага бориб бўлмайдиган даражадаги бир инсон ҳам ўз тилларида бўлиб ўтган суҳбатни идрок этишга қийналган эканлар. Бу ҳолга қиёслаб кўрадиган бўлсак, оддий инсонларнинг қандай ҳолатда қолишларини тушуниш янада осонлашади.

66 Маълумот учун қрн. Аҳмад бин Абдуллоҳ ат Таборий, ар-Риёзун Надра, II, 52.

Бунга ўхшаш суҳбатлардаги ҳақиқатларни қайд этиб қўйиш ва шу тарзда оммага етказиш мақсад қилинмаганлигини ҳам билишимиз керак. Уларнинг тарқатилиши ҳам номақбул иш саналган. Шунинг учун бундай ҳақиқатлар авом учун сир бўлиб қолган. Уларни фақат сир аҳли бўлган кишиларга етказилиши таъминланган. Шу туфайли камолга эришган деб ҳисобланган буюк зотлардан баҳс этилар экан, « سِرَّهُ قَدَّسَ » яъни "Аллоҳ таоло унинг ички оламини ҳар хил маънавий доғлардан халос этсин" .

Тасаввуфнинг мақсади инсонларнинг қалб олами билан машғул бўлишдир. Шунинг учун бу йўлда коинотнинг яратилиш сабаби бўлган **муҳаббат ҳам** табиий равишда қўлланилади. Тасаввуф шу боисдан **"ишқ ва муҳаббат йўли"** дея таърифланади. Бироқ ишқ йўлида шавқ борлиги учун иродага зарар етиши ва оқибатда жазба, важд ҳамда ҳаяжонни назорат эта олмаслик ҳолати ҳам кузатилиши мумкин.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Жаъфари Таййор розияллоҳу анҳунинг ораларидаги жўшқин муҳаббатнинг бир мисоли шундайдир:

Жаъфар розияллоҳу анҳу бир гуруҳ саҳобий билан Ҳабашистон ҳижратидан Мадинага қайтиб келдилар. Шу пайтда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбарда эканликларидан хабар топдилар. Тўхтаб дам олиш ўрнига ҳасрат билан йўлда давом этдилар. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаъфар розияллоҳу анҳуни қаршиларида кўрганларида севинчга ғарқ бўлиб:

*"Ҳайбарнинг фатҳига севинайми? Жаъфарнинг келишигами?.." деб марҳамат қилдилар.* (Ибн-и Ҳишом, ас-Сийра, IV, 3)

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам "умратул- қазо"[67]дан қайтиб келганларида, Саййидуш -шуҳадо бўлмиш Ҳазрати Ҳамзанинг етим қизлари Фотимани ким қарамоғига олиши ҳақида яқинлари билан суҳбатлашиб олдилар. Сўнг уни Жаъфари Тауурнинг қарамоғида омонат қилиб қолдирдилар. Жаъфар розияллоҳу анҳунинг пешонасидан ўпиб, унга:

67 Умратул қазо: Расулуллоҳ с.а.в. Ҳудайбия онтлашуви йилида умрани ният қилганлар. Бироқ уни амалга ошириш бир йил кейинга қолдирилган.

*“Яратилиш ва ахлоқ томонидан менга нақадар ўхшайсан”* (Бухорий, Мағозий, 43) деб илтифот кўрсатдилар.

Жаъфар розияллоҳу анҳу улвий бу илтифот қаршисида жуда қаттиқ ҳаяжонланди. Маъсум бир гўдак каби ўйнамоққа тутинди. Парвоналар сингари важд ичида айлана бошлади. (Аҳмад б. Ҳанбал, Муснад, I, 108; Ибн-и Саъд, IV, 35; Воқидий, II, 739)

Шу аснода Одам Атонинг бу авлоди илоҳий тажаллилар ила икром ва лутфга ноил бўлганча, ташқи оламдан узилди. Истиғроқ ҳолига бурканди. Бу ғоят табиийдир. Муҳими эса, шу ҳаяжон сели ичида ҳам башариятга хос ҳадлардан ташқарига чиқмаган ҳолда мувозанат ва истиқоматни муҳофаза қила олишдир. Тасаввуф тариқатларида бу мувозанат зоҳирий илмларни ва маънавий ҳаётни бирлаштирган кишиларнинг раҳбарлиги остида ҳимоя қилинади.

Иршод вазифасига жавобгар бўлган кишилар зоҳирий илмлар бўйича камолга етмаган бўлсалар, ишқ ва муҳаббат йўлидаги хавф янада ортади. “Нақшбандия” каби баъзи бир тариқатларда муршидлар зоҳирий илмларни ҳам биладиган кишилар бўлганлар. Шунинг учун бу ҳолни бартараф эта олганлар. Шу йўл орқали ишора қилинган таҳликадан ўзларини муҳофаза қилганлар.

Авлиёуллоҳнинг тарбия усуллари турли тумандир. Масалан, тасаввуф тариқатларидан бири бўлган Нақшийлик соликни жазба ҳолига туширмасдан тарбия қилади. Абдулхолиқ Ғиждувоний Ҳазратлари:

“Агар Ҳаллож бизнинг замонамиз ва тарбиямизда бўлганида, уни Аллоҳнинг изни билан сакр ҳолига тушишдан ҳимоя қилардик” деб айтадилар.

Баъзи тариқатлардаги вақт-вақти билан жазба ва жўшқинлик шиддати туфайли намоён бўладиган ҳаяжон тошқинлари шариат назарида оёқ тойишидан иборатдир. Аслида эса булар фақат ана шундай йўллар учун қабул қилинган ҳаяжон ва жўшқинликнинг ошиши билан хавф туғилиши мумкинлигини кўрсатади.

Пайғамбарларнинг муштарак фазилатларига қўшимча равишда уларнинг ўзларига хос бир қатор фарқли хусусиятлари борлиги ҳам аёндир. Авлиёуллоҳ зотлар ҳам бир-бирларига нисбатан айнан шундай

ҳолатда бўлганлар. Масалан, улар жалолий ёки жамолий мижозда бўлишлари мумкин. Фақат уларнинг барчаси қалб оламида Аллоҳ таолони оддий инсоннинг идрок ва қамровидан бошқачароқ бир тарзда танийдилар. Бу фоний дунё ва ундаги барча ўткинчи нарсалардан воз кечиб, Унга яқинлашиш ғайрати ичида бўладилар. Бу чек-чегарасиз маърифатуллоҳ борасида ҳамиша ожиз эканликларини тушуниш ва таҳлил қилиш ҳолида яшайдилар. Бироқ улар бир хил босқичда бўлмаганлари учун айнан бир хил вазифалар учун жавобгар бўлмайдилар. Уларнинг баъзилари сайр ва сулукнинг ниҳоясида халқ орасига қайтадилар. Зеро уларнинг вазифалари иршоддир.

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, улар бир гўдакка тадрижий шаклда дарс берган бир муаллим каби башарий муносабатларда ўзлари воқиф бўлган ҳақиқатларнинг кўпини билмасликка оладилар. Бундай мажозий маънодаги бир нарсани билиб билмасликка олиш ҳолига "тажаҳҳули орифона" дейилади.

Бу йўлдаги баъзи зотларнинг вазифалари иршод бўлмаганлиги учун улар ҳайрат мақомида қоладилар ва доимий сукут ҳолида бўладилар. Бундайлар илоҳий қудрат оқишлари қаршисида ҳайрону лол (тилсиз) каби турадилар. Инсонларга нисбатан вазифали бўлган баъзи зотлар эса, одатда шаршараларга айланадилар. Уларнинг тиллари ва кўнгилларидан илоҳий сиру ҳикматлар тоша бошлайди. Айрим инсонларда бу ҳоллар доимий бўлмайди. Уларнинг ҳаётларида турли хил саҳифалар бўлади. Бу ҳолларга Муҳаммад Порсо Ҳазратларининг қуйидаги тажалли ҳолларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин:

Муҳаммад Порсо Ҳазратлари хуфтон намозидан кейин масжид ҳовлисида бир миқдор таваккуф этар эдилар. Қисқа кечган бу ҳолдан сўнг хоналарига қараб йўл олар эдилар. Баъзан эса у зотда бошқа бир ҳол тажалли этарди. Тонгги намоз азонига қадар масжиднинг ҳовлисида туриб қолар эдилар. Чуқур бир ҳайрат ҳолини бошдан кечирардилар. Бомдод азони эшитилгач, ўзларига келар ва масжид ичига кирар эдилар.

Бу валийларнинг ҳаётни ҳис қилишлари каби ўлимга муносабатлари ҳам турлича бўлган.

Ҳазрати Мавлоно ишқи илоҳий ортидан чеккан машаққатлари туфайли ўлимни "вуслат" ва "шаби арус" сифатида қабул қилган эдилар.

Ҳасан Басрий қуддиса сирруҳу эса, “ҳошиятуллоҳ” тажаллиси таъсирида доимо охирги нафасда қай ҳолда бўлишлари андишасида яшаганлар.

Ладуний илм ҳақида биз билган барча маълумотлар аввалambор Аллоҳ таолонинг пайғамбарлари ва бир оз бўлса ҳам насиби бор валий бандалари ноил бўлган турли хил тажаллиларнинг тилга кўчиши билан олинган насибалардир. Бу илмнинг мутлақ ҳақиқати Жаноби Ҳақ ҳузурида бўлганлиги учун уни ҳақиқий маъноси ила қамраб олиш бизнинг идрокимиз чегараларидан ташқаридадир.

***Фаросат пардалар ортидаги, яъни ташқари томондаги сирларни мушоҳада эта олмоқликдир. Зеро садафнинг ичига назар сола олганлар жавоҳирларнинг фарқига борадилар.***

## 2. ФАРОСАТ

Фаросат Аллоҳ таоло Ўз севган қулларининг қалбларига лутф этган бир нурдир. Яъни оқиллик, устун заковат, сезиш, билиш, англаш каби ҳолларнинг маънавий бир идрок қобилияти сифатида қалбда мавжуд бўлишидир. Қалбда туғилган самимий ҳислар, ноил бўлинган илҳомлар соясида ҳодисаларнинг мағзини ҳамда зеҳнлар ва қалблардаги кечинмаларни тўғри тахмин қилишдир. Ҳодисалар ва кечинмаларга аниқ ташхис қўя олиш ҳам фаросатдир.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

اِتَّقُوا فِرَاسَةَ الْمُؤْمِنِ فَإِنَّهُ يَنْظُرُ بِنُورِ اللهِ

*“Мўминнинг фаросатидан қўрқинг. Зеро у Аллоҳнинг нури билан боқади”* деб марҳамат қилгандилар. (Термизий, Тафсир, 15) Шубҳасиз бундай фаросатга нафс ғуруридан қутулиб, Аллоҳнинг нури билан боққан зотларгина ноил бўла оладилар. Ислом тарихида бу ҳолнинг жуда кўп мисоли бордир:

Ҳазрати Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича, бир куни Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг олдиларига бораётганларида бир аёлни кўриб қоладилар. Аёлнинг гўзаллиги у кишининг ақлини олади. Ҳазрати Анас шу хаёл билан Ҳазрати Усмонинг ёнларига кирадилар. У кишини кўрган Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу:

“Эй Анас! Кўзларингда зино излари бўлгани ҳолда бу ерга кираяпсан” дейдилар.

Бу сўзлардан ҳайратланган Анас розияллоҳу анҳу:

“Аллоҳнинг Расулидан сўнг сизга ваҳий келаяптими?” деб сўраганларида, Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу:



“Йўқ, бу басират ва тўғри бир фаросатдир”[68] дейдилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг жуда кўп масалалардаги мулоҳазалари кейинроқ тушган оятларга мувофиқ келганлиги ҳам машҳурдир.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Сизлардан олдин яшаган умматлар ичида илҳом берилган кишилар бор эди. Агар умматим орасида ҳам улардан бири бўлса, ҳеч шубҳасиз у* ***Умардир****” д*еб марҳамат қилгандилар. (Бухорий, Асҳобун Набий, 6)

Абу Аббос бин Маҳдий шундай дейдилар:

“Саҳрода кетаётганимда ёнида сув учун идиш олмаган, бош кийимсиз ва оёқяланг бир кишининг мендан олдинда кетаётганини кўрдим. Ўз-ўзимга “Ажабо, бу одам намозини қандай ўқир экан?” дедим. Балки бу одам таҳорат олиб, намоз ўқимас деб ўйладим. Шунда у одам ортга ўгирилиб:

**“Билингки, Аллоҳ ичингизда бўлганларни билади. Шу сабабдан ундан қўрқинг”** (ал-Бақара, 235) мазмунидаги оятни ўқиди. Шу аснода ҳушимдан кетиб ерга йиқилдим. Ўзимга келганимда у кишига бундай назар билан қараганим учун Аллоҳдан авф тиладим ва йўлимда давом этдим. Йўлда кетар эканман, у зотга яна кўзим тушди. Кўрганим заҳоти ичимда бир ҳайбат ҳисси пайдо бўлди. Шу ерда ҳаракатсиз туриб қолдим.

У зот яна мен томонга ўгирилиб:

“.....**”** (аш-Шуъро, 25) мазмунидаги оятни ўқиди ва кўздан ғойиб бўлди. Кейин у кишини қайта кўрмадим”.

Зуннуни Мисрий қуддиса сирруҳу ҳам шундай бир ривоятни келтирадилар:

“Бир куни эгнига эски ва ямоқли кийим кийган бир йигитни кўрдим. Нафсим ундан нафрат қилса ҳам, қалбим унинг валий эканлигига шоҳидлик берар эди. Нафсим билан қалбим орасида қолиб, мулоҳаза қила бошладим. Шу пайт йигит сирримга воқиф бўлди ва менга қараб:

«Эй Зуннун! Менга кийимимнинг эскилигини кўриш учун қарама! Жавоҳир садафнинг ичида бўлади» деди ва у ердан шошиб туриб кетди”.

68 Қушайрий, ар-Рисола, с. 238.

Авлиё зотлардан бўлган Абдулхолиқ Ғиждувоний Ҳазратларининг суҳбатига илк бор келган ва насронийлигини яширмоқчи бўлган бир йигит:

“*«Мўминнинг фаросатидан қўрқинг! Чунки у Аллоҳнинг нури билан қарайди!»* ҳадисининг сири нимада?” деб сўради.

Абдулхолиқ Ғиждувоний Ҳазратлари бунга жавобан:

“Белингдаги зуннорни еч! (Насронийлар тақадиган у куфр аломатини ечиб ташла!) Исломга кир!..” дедилар.

Бу очиқ ойдин фаросатга шоҳид бўлган йигит Ҳазрати Пирнинг олдида калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди.

Яна ривоят қилишларича, Жунайд Бағдодий қуддиса сирруҳу ҳам мусулмон кўринишидаги бир йигит аслида яҳудий эканлигини ва тез орада Ислом билан шарафланишини бир қарашда фаросатлари сабаб тушуниб етганлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фаросат қалбдаги иймон ва тақво даражасига кўра ортиб борадиган ёки камаядиган илоҳий бир инъомдир.

***Истиқомат ва ғайрат саноқсиз кашфу каромatдан афзалдир. Бироқ кашф ва каромат диннинг амрларига риоя этишни орттиришга сабаб бўла олмаса, балою фитнадан бошқа нарса эмаслигини билиш лозимдир.*** *(Мавлоно Холиди Багдодий)*

### 3. ТАСАРРУФ - КАРОМАТ

Қодири Мутлақ бўлган Жаноби Ҳақ бирор нарсани истаса, "**Кун**" яъни "бўл" дейди ва у иш рўй беради. Шунга қарамасдан Аллоҳ илоҳий муроди сабаб бир қатор бандаларига айрим ҳодисаларнинг тасарруфини топширгандир. Албатта, тасарруфлар Аллоҳ таоло яратувчи сифатида бир ишга алоқадор бўлмагунича амалга ошмайди. Шундай бўлса-да, Жаноби Ҳақ баъзи бандаларини ана шундай тасарруфларга восита қилиб қўйган. Бу худди тўрт буюк фаришта вазифа топширилгани кабидир.

Масалан, бу фаришталардан Жаброил алайҳиссаломга ваҳийни пайғамбарларга билдириш, Микоил алайҳиссаломга табиат ҳодисаларига иштиёқ этиш ва уларни идора қилиш, Азроил алайҳиссаломга жон олиш, Исрофил алайҳиссаломга эса, Сурга пуфлаш вазифаси берилган.

Албатта, Аллоҳ таоло бу вазифаларни фаришталарига топширмасдан тўғридан-тўғри Ўзи ҳам амалга ошира олади. Бироқ Аллоҳ илоҳий иродаси ила уларга шундай бир вазифа ва салоҳият бергандир. Фаришталарнинг куч ва қудрати ҳам асосан Жаноби Ҳақнинг қудратидандир. Ўша кучни уларга берган ҳам Аллоҳ таолодир. Бутун махлуқотнинг куч ва салоҳияти ҳам шу кабидир.

Бундан ташқари Аллоҳ таоло баъзи тасарруф салоҳиятини пайғамбарларига ҳам тақдим этган. Булар орасида Сулаймон алайҳиссаломнинг ҳайвонларнинг тилини билишлари, шамол ва жинларга ҳукм қила олишлари машҳурдир.

Пайғамбарларнинг имоми Фахри Жаҳон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам жуда кўп тенгсиз салоҳиятлар лутф этилгандир. У зотнинг умматлари орасидан баъзи танланганлар бу лутфлардан

Жаноби Ҳақ бергани қадар ҳиссадор бўлганлар. Масалан, Абдулқодир Жийлоний, Аҳмад ар-Рифоий каби буюк валийларнинг ҳаёт пайтларида ҳам, вафотларидан сўнг ҳам баъзи тасарруфлари бўлганлиги тез-тез нақл қилинади.

Тасарруф бирор шахснинг мустасно бўлган иродаси ила юзага келмайди. Бу ҳол ҳам барча бошқа ҳодисаларда бўлгани каби Аллоҳ таолонинг "Холиқ" сифати тажалли этишига алоқадордир. Яъни тасарруфнинг бошқа ҳар қандай мавжуд бўлганлардан фарқ этадиган томони йўқдир. Фарқ унинг истисноли бўлишидадир. Ҳар банда бунга муяссар бўла олмаслигидадир.

❁

Тасарруфнинг бир тури бўлган каромат Жаноби Ҳақнинг бир икромидир. У комил иймон, маърифат ва тақво натижасида валий бандаларда зуҳур этади. Тасарруф табиат қонунлари билан изоҳлаб бўлмайдиган, физик билимлардан ташқаридаги мўъжизавий ҳодисалардир. Ана шу карорматнинг сир қисмидир. Каромат аҳлуллоҳ назарида истиқоматда яшамоқдир. Бунга ноил бўлган Ҳақ дўстларининг маънавий салоҳият ила кўра олишлари, идроклари ва амаллари ижодкор инсонларнинг салоҳиятидан фарқлидир.

Таърифлардан ҳам кўрингани каби авлиё зотлардан зуҳурланадиган карорматлар икки қисмдир:

1. **Маънавий каромат** илм, ахлоқ, ибодат, маърифат ва тақвода масофаларни босиб ўтмоқдир. Маънавий савия сифатида **"...."** (Ҳуд, 112) ояти каримасининг мазмунидан ҳисса олмоқдир. Яъни истиқоматдир. Масалан, истиқоматда бўлган бир валий сўзлаган сўзлар ҳикмат ва иршод саналади. У сўзлар шундай бир услубда келтириладики, муҳаттаблардан бирор бир кишининг кўнгли ранжишига ҳеч қандай асос қолмайди. Улар суҳбатдошнинг хатосига ишора этиб, огоҳлантириш моҳиятида айтилса ҳам кўнгилни оғритмайди.

Бундай иқтидорни ақл ва тафаккур билан қўлга киритиш мумкин эмасдир. Аллоҳ таоло буни фақат танланган бандаларига эҳсон этади.

2. **Кавний ва сурий каромат** олдида бўлмаган бирор буюмни кўз олдига келтирмоқ, ваҳший ҳайвонларга иш қилдирмоқ каби моддий оламда юзага келадиган мўъжизалардир.

Тасаввуф арбоблари бу хил кароматларга ортиқча эътибор бермайдилар. Зотан бундай карорматнинг изҳори валийликнинг шартларидан эмасдир. Аллоҳ бу хилдаги тасарруфларни ҳам фақат танланган бандаларига беради. Бироқ бундай каромат зарурат деб қаралмаслигини бошқаларга билдириш тўғри эмаслиги айтилади. Валий зот иложи борича бу хилдаги кароматларни кўрсатмасликка уринади. Чунки кароматлар сабаб халқнинг эътибори ва олқиши ортиб боради. Жоҳил кишилар у валийдан ҳар нарсани кута бошлайдилар.

Одамлар бу кароматлардан ҳар иккаласини қабул қилсалар ҳам, аслида мақбул бўлгани биринчисидир. Зеро тасаввуф аҳли "Энг буюк каромат истиқоматдир" деб иттифоқ қилганлар. Истиқоматда бўлмаган бир соликнинг ҳаракати эса беҳудадир.

Мавлоно Холиди Бағдодий Ҳазратлари:

***"Истиқомат ва ғайрат саноқсиз кашфу кароматдан афзалдир. Бироқ кашф ва каромат диннинг амрларига риоя этишни орттиришга сабаб бўлмаса, балою фитнадан бошқа бирор нарса эмаслигини билиш лозимдир"*** дейдилар.

Кароматларнинг улвий бир мақсади бордир. Таъбир жоиз бўлса, унинг асосий вазифаси "шок таъсири орқали" атрофдагиларни истиқоматга йўналтиришдир. Дин илоҳий таклифдан (вазифалардан) иборатдир. У қиёматга қадар шу сифати билан давом этади. Турли ажойиботлар эса, диннинг таклиф сифатига зарар беради. Шу сабабли пайғамбарлар ҳам, валийлар ҳам жуда мажбур бўлмагунларича каромат кўрсатмаганлар.

Ҳақиқий каромат оммага шундай натижалар кўрсатади:

1) Нафсни одоблантириш;

2) Қалбни чиркин хулқ ва майллардан поклаб, файзи илоҳий билан зийнатлантириш;

3) Сирлар ва ҳикматларнинг қалбларга аён бўлиши.

Кароматларнинг зуҳурланишидаги энг муҳим воситалардан бири Жаноби Ҳақнинг бандаларига сир ўлароқ билдирган исми аъзамидир. Исми аъзам илоҳий инъомларни бахш этишда муҳим бир мавқега эга. Қуйида бу мавзуда ҳам қисқача сўз юритиш истагидамиз.

Исми аъзам кишининг ўзи учун қилган дуосини мустажоб этадиган илоҳий исмлардан биридир. Фақат Аллоҳ таолонинг исмларидан қайси бири исми аъзам эканлиги бир сирдир ва бу хусусда жуда кўп ривоятлар мавжуддир. Булар орасида Ҳақ таолонинг Буюк Зотининг исми бўлган ва барча исмларни ўзида жамлаган "Аллоҳ" лафзи Исми аъзам деган фикр энг қувватлидир.

Бу хусусдаги фикрларнинг бири эса шундайдир:

Жаноби Ҳақ башарга **нафҳаи илоҳий** ўлароқ қудратидан бир насиб лутф этганлиги учун илоҳий асмосининг энг кенг тарқалган тажаллисини "инсон"да амалга оширган. Комил инсон ўз фитратидаги кучни, **"билқуввa"** мавжуд бўлган бу илоҳий асмони **қувва**дан феълга чиқариб, Аллоҳнинг ахлоқи билан ахлоқланиш бахтиёрлигига эриша олган кишидир.

Бир бандада қайси илоҳий исм тажаллиси ғолиб бўлса, у киши учун ўша илоҳий исм исми аъзам эканлиги айтилади. Яъни марҳамат ва шафқат туйғулари ривожланган бир бандада буюк Раббимизнинг **"Раҳмон"** ва **"Роҳийм"** исмларининг тажаллиси ҳокимдир. Асл маърифат Аллоҳнинг гўзал исмларини ўзи амал қила оладиган бир ахлоқ ҳолига келтиришдир. Кишилар исми аъзамни китоблардан ёки ёддан ўқийдилар. Бироқ тил "Ё Раҳмон, Ё Роҳийм!.." деган чоғда, қалбнинг марҳаматдан насиби бўлиши лозим. Шундай бўлмаган тақдирда орзу қилинган нарсанинг амалга ошишини кутиш беҳудадир.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу билан бир бадавий орасида бўлган ушбу ҳодиса жуда ибратлидир:

Бир куни фақир бир бадавий Ҳазрати Алидан садақа сўради. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу бу пайтда бошқа имконлари бўлмаганлиги учун ердан бир ҳовуч тупроқ олдилар. Унга бир нималарни ўқиб, тупроққа пуфладилар. Кейин уларни бадавийнинг ҳовучига олтин сифатида тўкдилар. Бадавий ҳайрат ичра қолди. Бунинг қандай бўлганини, ҳовучидаги қумга нима ўқиганлигини унга ҳам айтишлари учун Ҳазрати Алига ёлворди. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу эса, ғоят сокин бир тарзда "Фотиҳа сураси" ни ўқиганларини айтдилар. Буни эшитган бадавий севинч билан ҳовучига ердан тупроқ олиб, "Фотиҳа" сурасини ўқиб тупроққа пуфлайди. Аммо тупроқ худди ўша тупроқ бўлса ҳам, сира

ўзгармайди. Бадавий Ҳазрати Алидан бунинг ҳикматини сўрайди. Ҳазрати Али бу ишнинг моҳиятини хулосалаб:

“Бу қалбларимиздаги фарқ сабаблидир” дейдилар.

Мавлоно Ҳазратлари “*Маснавий”да шундай бир қисса нақл этадилар*:

Бир куни Ҳазрати Исо алайҳиссаломга бир киши ҳамроҳ бўлди. Улар бирга кетаётганларида, ўша киши бурчакда ётган суякларни кўриб қолди. Ҳазрати Исога ёлвориб:

“Бу нимаси энди, эй Исо! Ўзинг биладиган исми аъзамни менга ҳам ўргат. Мана бу суякларни тирилтирай” деди.

Ҳазрати Исо эса бунга жавобан:

“Бу иш сенинг ишинг эмас. Исми аъзамни ўқиб ўликни тирилтириш учун ёмғирлардан ҳам тоза бир нафас соҳиби, банда ҳолида малаклардан ҳам идрокли бир киши бўлиш керак. Исми аъзам пок бир лисон ва тоза бир қалб талаб этади. Яъни у киши нафси ҳаром билан булғанмаган, малаклар каби исён ва гуноҳдан пок инсон бўлиши керак. Чунки бир кишининг нафси пок бўлса, дуоси мақбул бўлади. Ҳақ таоло у кишини хазиналарининг ишончли ҳимоячиси этиб тайинлайди.

Масалан, сен Ҳазрати Мусонинг ҳассасини қўлингда тутиб турибсан деб фараз қилайлик. Бироқ Мусодаги қувват сенда бўлмаса, уни аждарҳога айлантира олмайсан. Уни енгишга қодир бўла олмайсан. Мусонинг ҳассаси аждарҳога айланганида, ҳатто унинг ўзи ҳам қўрққан эди. Аллоҳ унга **“Қўрқма ё Мусо!”** (ан-Намл, 10) деб буюрганди.

Шунга ўхшаш Исонинг нафаси сенда бўлмаса, исми аъзамни ўқишинг ё ёддан айтишингни сенга қандай фойдаси бўлсин” деди.

Бироқ у ғофил яна:

“Ё Исо! Менда бундай истеъдод бўлмаса, ўзинг бу суяклар устида дуони ўқи!” деб айтди.

Исо алайҳиссалом бу нодоннинг сўзларидан таажжубда қолиб:

“Ё Раббий! Бу асрорнинг ҳикмати нимада? Бу нодоннинг бунчалар ошиғич майли нима сабабдан? Ўзининг қалби ўлик, аммо бошқанинг жасадини тирилтиришга уринаяпти. Ҳолбуки, унинг вазифаси аслида ўлик бўлган ўзлигини тирилтиришдир. Ўз аслиятини тирилтириш учун

дуо қилиш ўрнига, ўзгаларни тирилтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу қандай ғафлат!” деди.

Бу ифодалардан ҳақиқий Ҳақ дўстлари кўнгилларида ана шундай бир етукликка эришганлари аён бўлмоқда. Валий бандалардан бир каромат содир бўлганида, уларда Аллоҳнинг лутф ва икромларига шукр туйғулари янада ортади. Уларнинг бу ҳоллари мужодала учун файз манбаси бўла олади. Ҳақиқий валийлар кароматлари сабаб охиратлари кафолатланиши туйғусига берилмайдилар. Аксинча, Аллоҳга нисбатан ожизлик, тавозе ва нафсларини енгиш туйғулари билан тўладилар. Ғурур, кибр ва фитнага тушиш андишасидан хавфсиз бўлмаганлари учун қўрқувга тушадилар.

Аллоҳ жалла жалолуҳу исми аъзамни билдирган Балъом бин Баура тушиб қолган қайғули ҳолат жуда ибратлидир. У Исроил ўғиллари орасида олим ва валий зот сифатида танилганди. Фақат охирида кибр ва дунёга алданиш натижасида ўзининг юксак мақомини йўқотди, ҳатто иймонсиз ҳолда вафот этди. Бу ҳодиса Қуръони Каримда шундай билдирилган:

**“.....”** (ал-Аъроф, 175-176)

Шу боис каромат соҳиби  бўлган бир валийга ортиқча илтифот кўрсатиш ҳаддан зиёд эътирозли ва хавфли саналган. Ҳақ дўстларининг каромат кўрсатишдан сақланишларининг сабабларидан бири ҳам таҳликадир. Каромат ҳал қилувчи охирги бир мартаба эмас. У валийнинг маънавий даражасини кўрсатмайди. Ҳақ дўстлари пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким қатъий ҳимоя остида эмаслигини жуда яхши биладилар. Зеро баъзи инсонлар жаҳаннамга бир қарич қолганда, Жаннатга кирадилар. Айримлар Жаннатга бир қарич қолганда, Жаҳаннамга қараб кетадилар. Шу сабаб ҳар бир мўмин:

**“...Яқин** (ўлим) **келгунга қадар Раббингга қуллик қил!”** (ал-Ҳижр, 99) ояти каримасини ҳаёт дастури деб билмоғи лозимдир.

Ҳар хусусда бўлгани каби каромат шаклида зуҳур этадиган илоҳий лутфлар қаршисида ҳам ягона ўлчовимиз Қуръон ва суннатдир. Шу билан биргаликда кароматнинг ҳақ ва ҳақиқат эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Кароматнинг Қуръондаги далилларидан бир нечтаси қуйидагилардир:

Сулаймон алайҳиссаломнинг вазири Асаф Саъба маликаси Билқиснинг тахти ҳақида **“...Кўз очиб юмгунга қадар уни сенга келтираман...”** (Намл, 40) деб айтган ва буни амалга оширган.

Закариё алайҳиссалом ибодатхонада ибодат билан машғул бўлган Ҳазрати Марямнинг ҳимояси учун жавобгар қилинган эдилар. У зот ибодатхона ичкарисига кирганларида, Ҳазрати Марямнинг ёнларида турли хилдаги егуликлар борлигини кўрадилар. Бунинг ҳикматини билиш учун Ҳазрати Марямдан:

**“Бу ризқлар сенга қаердан келади?”** деб сўрайдилар. Ҳазрати Марям бу саволга:

**“Аллоҳ қошидан…”** (Оли Имрон, 37) деб жавоб берганлар. Бу “Марям” сурасининг 24- 25- оятларидаги Ҳазрати Марямнинг тўғри Аллоҳ тарафидан ризқлантирилган эканликларига доир хабарлар карематнинг Қуръондаги далилларидир.

Бунинг суннатдаги далиллари ҳам жуда кўпдир:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Уч киши бешикда эканлигидаёқ сўзлагандир. Булар:*

*Марям ўғли Исо, Журжида таънага қолган бола ва яна бир боладир”* деб марҳамат қилганлар ва буни изоҳлаб берганлар.[69]

Бошқа бир саҳиҳ ҳадисда эса, саёҳатга чиққан уч киши тунда ўзлари яширинган ғорда бекилиб қолганликлари айтилади. Чунки ғорнинг кириш қисми юқоридан кўчиб тушган қоя тоши билан ёпилиб қолади. Саёҳатчилар бирин-кетин Аллоҳ ризоси учун адо этган бирор амалларига тавассул этиб, яъни ўша солиҳ амал сабабидан ғорнинг оғзи очилишини сўраб дуо қиладилар. Бунинг натижасида илоҳий икром зуҳури ила ғорнинг оғзи очилади.[70]

Саҳобалардан бўлган Анас розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

Усайд бин Ҳудайр ва Аббод бин Бишр бир қоронғу кечада Аллоҳ Расулининг ёнларида эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларидан чиқиб қарасалар, олдиларида икки нур кўринади. Улар бир-бирларидан узоқлашганларида нур ҳам иккига айрилиб, ҳар

69 Қрг. Муслим, Бир, 8.

70 Қрг. Бухорий, Адаб, 5; Анбиё, 53; Зикр, 100.

бирларининг ёнларида билан бирга бўлишда давом этади. (Бухорий, Салот 79, Масожид 78, Маноқиб 28, Маноқибул Ансор 13)

Ҳубайб розияллоҳу анҳу Маккалик мушриклар қўлига асир тушган вақтларида, янгидан мевалар чиқмаган пайт бўлади. Шундай бир пайтда у зотнинг қўлларидаги янги узилган бир бош узумни еганлари кўринганлиги ҳам саҳобанинг кароматга муяссар бўлганларига мисол бўла олади. (Бухорий, Жиҳод 170, Мағозий 10, 28)

Яна бир ривоятда келтирилишича, Умар розияллоҳу анҳу минбарда халққа хутба ўқиб турганларида бирдан "Ё Сория тоққа, тоққа!" деб айтадилар. Хутбадаги мавзу билан ҳеч алоқаси бўлмаган бу сўзни айтган вақтларида Сория Мадинадан бир ойлик масофада Аллоҳ душманлари билан жанг қилаётган эди. Шунда ҳам Аллоҳ жалла жалолуҳу Умар розияллоҳу анҳунинг овозларини Сорияга эшиттиргандир. (Ибни Ҳожар, ал-Исоба, II, 3)

Бунга ўхшаш мисоллар саҳобалар даврида жуда кўп бўлган.

Шунингдек, карорматнинг зидди сифатида кофир, фосиқ ва муташаййих, яъни валий бўлмагани ҳолда валийликни иддао этган баъзи шахсларда ҳам авлиёнинг карорматига ўхшаш бир қатор фавқулодда ҳоллар содир бўлиши мумкин. Буларнинг иддаоларига уйғун ҳолда юзага келган ҳолатлар истидрож деб аталади.

Бундай ҳоллар бир қатор руҳий машқлар соясида бажарилади. Яъни бу каби қобилиятларнинг баъзилари динга боғлиқлиги бўлмаган бир неча таъсирлар орқали қуввадан феълга чиқармоқ ила амалга оширилади. Масалан, Ҳинд фақирлари ҳам аксарият ҳолда риёзат йўли билан руҳни бир қувватга эриштира оладилар. Баъзан эса, бу сеҳр қилмоқ ёки руҳий касаллиги бор инсонларда "ҳуддам"[71] қўлламоқ орқали содир этилади. Бу каби фавқулодда тарзда юз берадиган ҳолларнинг карорматдан фарқини фақат илм ёрдамида аниқлаш мумкин. Биз шу ўринда бундай кишиларнинг ҳаёти тақво мезонлари асосида кечмаслигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Булар Расулуллоҳнинг суннатларига иттифоқ қилишда ноқисдирлар. Илк диққат қилиш керак бўлган нуқта ҳам шудир.

Жунайд Бағдодий қуддиса сирруҳу:

71 Баъзи ҳолларда бирор бир хитойликни итоат эттириб, бир хизматчи каби ишлатишлари мумкин. Шундай хитойликлар "Ҳуддам" дейилади. У ўзини бўйсундирган инсоннинг ҳар бир амрини истеъдоди нисбатида ўрнига келтиради.

“Бирор кишини ҳавода учаётган ҳолда кўрсангиз, у инсоннинг ҳоли Китоб ва Суннатга уйғун келиш-келмаслигига эътибор қилинг. Агар унинг ҳоли Китоб ва суннатга уйғун келмаса, бу истидрож бўлади” деган эдилар.

Илоҳий бир икромга мазҳар бўлган, ўзида фавқулоддалик ҳолатларини мужассам эта олган киши буни бошқалар кўриши учун бажармайди. Чунки ҳақиқий Ҳақ дўстлари намойишкорона иш қилишдан йироқ бўлганликлари учун жуда мажбур бўлмагунларича буларни ошкор этмайдилар. Инсонларга башарий ахлоқ мукаммалликлари ила ўрнак бўлиб кўринишга интиладилар. Бу ҳолат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларига мукаммал бир намуна бўлиш учун инсоний майлларга мувофиқ ҳаракат қилганларига ўхшайди. Зеро Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳам фақат лозим бўлган тақдирдагина Аллоҳнинг изни билан камдан-кам ҳолларда мўъжиза кўрсатганлар. Аллоҳнинг дўстлари эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларидан асло узоқлашмайдилар. Каромат билан истидрожни фарқлаш учун ана шу жиҳатга диққат қилиш кифоядир.

Фиръавн ҳам истидрож соҳиби бўлган инсонлардан эди. Тўрт юз йиллик умри давомида бирор марта ҳам бош оғриғини ҳис қилмаганди. Унинг тишлари бир текис эди. Нишабликдан тушаётганида, отининг олдинги оёқлари узаярди.

Истидрож кофир ҳамда фосиққа ғурур ва кибр беради. Кофирнинг оқибатини янада баттар ҳолга олиб боради. Қиссада Мусо алайҳиссалом Қизил денгизга ҳассаларини уриб, Аллоҳнинг изни билан уни йўл ҳолига келтирадилар. Орқаларидан қувлаётган Фиръавн ўз аскарларига ўгирилиб:

“Қаранг! Жалолатимдан денгиз йўл ҳолига келди” деб айтади. Ҳолбуки, у бу йўлга етиб борганида, йўл қайтадан денгиз ҳолига келади. Фиръавн ўз аскарлари билан бирга ҳалок бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларда Дажжол ҳам бир қанча истидрож кўрсатиб, инсонларни алдашга уринишини билдирганлар.

Фиравъндан бошқа истидрож соҳиблари ҳам ўз салоҳиятлари ҳақида иддао қилган чоғларда, бу ишнинг акси зуҳур этганлиги маълумдир. Бундай ҳолатга “иҳона” (залил қилмоқ) номи берилган. Масалан, пай-

ғамбарлик иддаосида бўлган ёлғончи бир кимса **Мусайламатул Каззоб** қудуқдаги сув кўпайиши учун унга тупурганида, сув кўпайиш ўрнига қуриб қолади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоби киром даврида тасарруф ҳамда карометлар қандай амалга оширилган бўлса, кейинги даврларда ҳам улар шу тарзда содир этилган. Авлиё зотлар кўпчилик инсонларнинг иродаларига ён бериш учун тасарруф ва карометлар кўрсатганлар. Бунга улар ўзлари тобеъ бўлган Пайғамбарнинг барокати сабабли эришганлар. Шунингдек, бу тасарруф ва карометлар у зот кўрсатган мўъжизаларнинг давоми моҳиятидадир.

Асри саодатда ва ундан кейинги вақтларда содир бўлган тасарруф ҳамда карометлар бир қатор ҳидоятларга васила бўлганлиги тарихий бир ҳақиқатдир. Бу каби ҳодисаларга шоҳид бўлган кишилар "Валийси шу даражага етган бир диннинг набийси қай даражада бўлганлигини ким ҳам биларди!.." деб карометнинг асосига урғу берганлар.

**Тасарруф ва карометга доир баъзи хусусий ўрнаклар**

Коинотнинг Холиқи ва Молики бўлган Аллоҳ таоло Борлигини билиши, ибодат ва тоатда бўлиши ҳамда ер юзини яшнатиши учун махлуқотнинг энг шарафлиси сифатида инсонни Ўзига халифа этиб тайинлади. Ояти каримада бу ҳақиқат:

وَ اِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلٰٓئِكَةِ اِنِّى جَاعِلٌ فِى الْاَرْضِ خَلِيفَةً

**". ..."** (ал-Бақара, 30) шаклида баён этилган.

Бу ўринда инсоннинг "халифа" этилиши қуйидаги маъноларда келмокда:

"Унга Ўз иродамдан, қудрат ва сифатимдан баъзи салоҳиятлар бераман. У Менинг халифам ва вакилим сифатида махлуқотим устидан бир қатор тасарруфларга соҳиб бўлади. Ҳукмларимни Мен учун адо этади. Албатта, бу хусусда у олийҳиммат бўла олмайди. Ҳукмларни ўзи ва шахси номидан муносиб равишда бажара олмайди. Бироқ Менинг ноибим ва вакилим бўлади. Иродаси ила Менинг иродамни, Менинг амрларимни, Менинг қонунларимни бажаришга мажбур бўлади. Сўнг

унинг орқасидан эргашганлар ва унга халифа ўлароқ вазифаларни бажара оладиганлар ҳам келади**».**

"..." (ал-Аъном, 165) сирри зоҳир бўлади". (Элмалили, Ҳақ Дини, I, 299-300)

Пайғамбарларда кўринган тасарруф ва мўъжизалар ҳам, Ҳақ дўстларидаги тасарруф ҳамда карометлар ҳам инсоннинг ана шу халифа бўлиш сирининг бир тажаллисидир. Бу тажаллиларнинг саноқсиз мисоллари бордир.

Мансур бин Абдуллоҳ ривоят қилишларича, Абу Абдуллоҳ ибн Жалло ўз ҳолини шундай изоҳлайди:

"Мадинаи Мунаввара келганимда йўқсил аҳволда эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабри шарифларига бордим. У зотга салом бердим ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Фақирлик ва заруратдаман!.. Сизга мусофир бўлдим... Бир муддатдан кейин мени уйқу босди. Уйқуда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга бир нон (чўрек) бердилар. Тушимда у ноннинг ярмини едим, сўнгра уйғониб кетдим. Ноннинг қолган ярмини ёнимда кўрдим".[72]

Ал-Утбий Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин бўлиб ўтган бир ҳикматли ҳодисани шундай ривоят қилади:

"Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабри шарифлари яқинида ўтиргандим. Шу пайтда бир бадавий келиб:

«Салом сизга энг Аллоҳнинг Расули! Мен Аллоҳ таолонинг **"...."** (ан-Нисо, 64) деганини эшитдим. Гуноҳларимни кечиргин деб Ўзига илтижо қилдим. Ундан мағфират тиладим. Мана энди Раббимдан мени шафоатга эришишимни сўрашингизни истаб, олдингизга келдим» деди. Сўнг ҳаяжонли бир шеър ўқиди ва бу ердан кетди. Шу аснода мени уйқу босди. Тушимда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. У зот менга:

*«Эй Утбий! Бадавийга етиб ол ва Аллоҳ уни кечирганлиги хушхабарини етказ!»* деб марҳамат қилдилар". (Ибни Касий, Тафсир, I, 532)

Чаноқ қалъа жанглари кучайган вақтдаги бир суҳбатда мингбоши Лутфи Бей:

72 Қрн. Калабазий, Таарруф, Жев. С. Улудоғ. с. 214.

“Келинг ё Муҳаммад! Китобингиз қўлдан кетаяпти!..”[73] деб фарёд кўтаради, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўмак истайди. Аллоҳ Расулидан ихлос ва самимият ила талаб этилган бу ёрдамнинг қайси шаклда тазаҳҳур этганини қуйидаги воқеа аниқ кўрсатади:

1928 йилда Чаноқ қалъа зафарига тўлиқ 13 йил бўлган эди. Шу йил олим, ориф ва зариф инсон бўлган Аласоняли Жамол Ўғит Хожа афанди ҳажга кетади. У киши Мадинада бир қанча кишилар билан танишадилар. Бу муборак зотлардан бири Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мақбаралари қаровчиси бўлади. Аллоҳнинг ҳақиқий дўсти бўлган бу инсоннинг Усмонлиларга муҳаббати зиёда эди. У ҳаяжон билан “Усмонли” деб қўяр, бошқа бирор сўз айта олмасди. Шунда Жамол Ўғут Хожа афанди бу ҳақда сўрашдан ўзини тўхтата олмади:

“Нима сабабдан уларга бу даражада қаттиқ муҳаббат ҳис қиласан?”

Бу саволга у нуроний зот:

“Усмонлиларни Ислом номидан севишимга бир хотирам сабаб бўлгандир” деб жавоб берди.

Сўнг Хожа афандининг сўрови билан ўзига хос ўша хотирани ҳикоя қилиб берди:

“1915 йилги Ҳаж мавсумида Ҳиндистон уламоларидан бир зот Ҳажни адо этиш учун келган эди. Бу зот ички дунёси жуда бой бўлган Аллоҳнинг дўстларидан эди. Ҳаждан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат қилиш учун Мадинага келди. Жуда маҳзун кўринарди. Кўзининг ёшини тиндиролмаган бу муборак зотдан ғамгинлигининг сабабини сўраганимда, кўз ёшлари янада ортиб шундай жавоб берди:

«Шунча йилдан сўнг насиб этди. Фахри Коинотнинг зиёратларига келдим. Аммо ҳозир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз мақомларида эмаслар деб уйлаяпман. Ё менинг қалб кўзим кўр бўлганми?.. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг борликларини нега ҳис этмаяпман? Мадинага келганимдан буён шу хаёл мени паришон этяпти!»

Ёши улуғ мақбара қаровчиси шу кеча тушида Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрди. Ҳиндистонлик олимнинг айтганларини



73 Қрн. Меҳмад Ниязий, Чаноқ қаъла Маҳшари, с. 352-355.

хотирлади. Аллоҳнинг Расули унга бундан ҳайрон бўлмаслигини айтиб, шундай жавоб берадилар:

“Ҳа, ҳис этганларинг тўғри. Мен ҳозир Мадинада эмасман. Чаноқ қаъладаман... Қийин аҳволда қолган аскарларни ёлғиз қолдиришга кўнглим рози бўлмади. Ҳозир шу авлодларимга ёрдам бераяпман”.[74]

Инглиз генерали Хемильтоннинг Чаноқ қаъла мағлубияти пайтидаги:

“Бизни Туркларнинг моддий кучи эмас, маънавий кучи мағлуб қилди. Чунки уларда тўпларнинг ўқи тугаган эди. Шунда биз осмондан тушган кучларни кўрдик” деган эътирофи ҳам юқоридаги ифодаларнинг бир исботи кабидир.

Бу хил ҳодисалар Жаноби Ҳақнинг ўз пайғамбарларига уларнинг вафотларидан сўнг берган бир тасарруфидир. Улар қабрларида биз дунёвий таассуротлар билан моҳиятини идрок эта олмайдиган бир шаклда тирикдирлар. Қуйидаги ҳадиси шариф ҳам буни очиқ ойдин баён этмоқда.

Авс бин Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Кунларимизнинг энг хайрлиси ва фазилатлиси Жума кунидир. Шу сабабли у кун менга кўп салот ва салом келтиринг. Зеро сизнинг салот ва саломларингиз менга етказилади”* деганларида асҳоби киром:

“Ё Расулуллоҳ! Вафот этганингизда ва Сиздан ҳеч бир асар қолмаганида салоту саломларимиз Сизга қандай етказилади?” деб сўрадилар.

Шунда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Аллоҳ таоло пайғамбарларининг баданларини чиритишни тупроққа ҳаром қилди”* деб марҳамат қилгандилар. (Абу Довуд, Салот, 201; Қрн. Насои, Жума, 5)

Бу тириклик ҳоли шаҳидларда ҳам тажалли этади. Ояти каримада Жаноби Ҳақ шундай буюради:

**“.....”** (Оли Имрон, 169)

74 18 Март 2001 Якшанба тарихи Замон газетасидан.

Албатта, биз буларни қиёслаганимизда пайғамбарлардаги тириклик шаҳидлардаги тирикликдан жуда устун эканлиги кўринади.

Пайғамбар вориси бўлган Ҳақ дўстларида ҳам тасарруф ва каромат тажаллилари бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Бунинг ҳам саноқсиз мисолларидан бир нечтасини келтириб ўтамиз.

Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари Марказий Осиёни тарк этиб, Истанбул фатҳида иштирок этган. Бу воқеа ҳақида у зотнинг эваралари Ҳожа Муҳаммад Қосим шундай нақл қилади:

“Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари пайшанба куни тушдан кейин отларини тайёрлашни буюрадилар. Сўнг отга миниб, шиддат билан Самарқанддан чиқиб кетадилар.

Мавлоно Шайх номи ила машҳур бўлган талабалари у кишини бир муддат кузатиб боради. Кейин у Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари отнинг устида туриб, бир ўнгга бир чапга қайрилиб бирданига кўздан ғойиб бўлганларининг хабарини беради. Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳазратлари бироз вақт ўтгач, қайтиб келадилар. Талабалари ҳаяжон билан бу оний йўлчиликнинг ҳикматини сўрайди. У зот:

«Турк султони Меҳмед Хон мендан ёрдам сўради. Кўмак беришимни истади. Мен ҳам унга ёрдам беришга бордим. Аллоҳ таолонинг изни билан уларга зафар муяссар бўлди» дедилар”.

Хуросондан келиб, Истанбулни зиёрат этган Убайдуллоҳ Аҳрорнинг набиралари Ҳожи Абдулҳодий шундай дейди:

“Истанбулга борганимда, Султон II Боязид бобом Убайдуллоҳ Аҳрорнинг шакл ва шамойилини таърифлаб берди. Кейин шундай ҳикоя қилди:

«Менга отам (Фотиҳ) сўзлаб берган эди: “Жангнинг энг шиддатли вақтида Раббимга илтижо қилиб, замон қутбининг ёрдамга келишини тиладим... Ҳақиқатан, замон қутби бир оқ отнинг устида қаршимга келди:

“Қўрқма, зафар сеникидир!..” деди.

У пири комил зотга: “Кофирларнинг аскари жуда кўп!..” дедим.

У менга жуббасининг ичини очиб:

“Ичига қара!” деб айтди.

Жуббасининг енги ичида сел каби оқаётан бир қўшинни кўрдим:

“Бу қўшин сенга ёрдамга келди...” деди у зот.

Кейин у сўзида давом этди:

“Сен ҳозир шу тепанинг устида туриб, уч марта ерга тўқмоқ ур! Сўнг ҳамма аскарларга ҳужум қилиш ҳақида амр бер!” деб буюрди.

Мен худди шундай қилдим. У пир ҳам ўз қўшини билан бирга жангда иштирок этди. Фатҳи мубин амалга ошди...”[75]

Қисқаси жанг вақтида Фотиҳга жами авлиё зотларнинг руҳониятлари ёрдамга келганлиги тарихий бир воқеадир.

Хусусан, Оқшамсиддин Ҳазратларининг ҳам моддий ва маънавий соҳаларда жуда кўп ёрдамлари теккан.

Азиз Маҳмуд Худойи Ҳазратларининг тасарруфи билан боғлиқ бир ҳодиса қуйидагича:[76]

1975 йил пешин намозига яқин бир вақтда Ҳазрати Пирнинг мақбараси олдида юзлари нурли, буғдойранг ва узун бўйли бир йигит келди. У тасодифан Азиз Маҳмуд Худойи жомеъ масжидининг имомига дуч келиб:

“Афандим! Мен Азиз Маҳмуд Худойини кўришга келдим! У киши билан қандай кўришсам бўлади? Ажабо, у зот ҳозир шу ердаларми?” деб сўради.

Шундай бир савол қаршисида шошиб қолган Имом Муҳаррам Афанди:

“Ўғлим! Албатта, Азиз Маҳмуд Худойи шу ерда!” деб жавоб берди.

Ҳазрати Пирнинг шу ерда эканлигини эшитган йигит, севиниб:

“Илтимос, мени у киши билан кўриштирсангиз!” деди.

75 Қрн. Мавлоно Шайх, Манокиби Ҳожа Убайдуллоҳи Аҳрор, бш. 4b-5a; Маждий Маҳмуд, Ҳадаиқуш Шақоиқ, с. 272-273; Мулла Жомий Нафаҳатул Унс, с. 764-765.

76 Бу ҳодисани имом Хатиб йилларидан талабалик ўртоғим Азиз Маҳмуд Худойи Жомеи имомларидан бўлган Муҳаррам Кир Афандидан шахсан тингладим.

Бунга ҳеч қандай маъно бера олмаган Муҳаррам Афанди мақбара ёнида бўлганликлари учун такроран:

“Ўғлим, Азиз Маҳмуд Худойи шу ерда!” деб айтди.

Йигит эса, талабини такрорлаб:

“Унда мени у киши билан кўриштиринг! Мен у киши билан учрашишни жуда ҳам истайман!” деди тағин.

Муҳаррам Афанди ҳалиги йигитнинг ҳолидан бирор бир нарсани тушунмаганлиги учун:

“Ўғлим! Сен Азиз Маҳмуд Худойини танийсанми?” деб сўради.

Юзи каби қалби ҳам соф бўлган бу йигит гап-сўзлари бунчалик кўпайганидан ва қаршисидаги имом уни Азиз Маҳмуд Худойи билан учрашишига тўсқинлик қилаётганидан ҳайрон бўлди. Имомга:

“Мен Азиз Маҳмуд Худойини яқиндан танийман. Мени бу ерга у кишининг ўзи таклиф қилди. Биз Азиз Маҳмуд Худойи билан зиёрат хусусида келишгандик. Келишимдан хабари бор” деди.

Йигитнинг сўзларидан Муҳаррам Афанди масаланинг фарқли бир сирри борлигини тушунди ва қизиқиб сўради:

“Ўғлим қандай қилиб келишиб олган эдингиз?”

Йигит тушунтира бошлади:

“Афандим, мен 1974 йили Қибрис (Кипр) ҳаракати пайтида парашют билан туширилганлар гуруҳиданман. Бизнинг қўшинимиз денгиздан ҳужум қилган пайтда, Римликлар Бешбармоқ тоғларидан ҳужумга ўтдилар. Жанг давом этаётган бир пайтда биз парашютлар билан сакрадик. Бироқ шамол эсаётганлиги сабаб ҳавода бошқа -бошқа томонларга тарқалиб кетдик. Мен душман ҳудудига тушдим. Дарахтзор ичида икки томондан келаётган жаҳаннамий бир оташ остида қолдим. Нима қилишимни билмай ҳайрон бўлдим. Қаттиқ қўрқувга тушган чоғимда олдимга узун бўйли, салобатли ва ўтганларга ўхшаб кетадиган юзлари нурли бир қария келди. Менга мулойим ва табассумли бир чеҳра билан боқди ва:

«Ўғлим! Бу ер душман ҳудудига киради. Бу ерда нима ишинг бор? Нима учун бу ҳудудга ёлғиз ўзинг келдинг?» деди.

Мен «Отахон! Ўзим келмадим, мени шамол шу ерга туширди» дедим.

Нуроний қария секингина бошини қимирлатди:

«Мен ҳам жанг сабаб келдим. Мени сизлардан аввал юборишди. Бу ерларни яхши биламан. Сен қайси ҳарбий қисмдансан ўғлим? Кел, сени ўз ҳарбий қисмингга олиб борай!» деди.

Биргаликда мудҳиш бир оташ олови остида йўлга чиқдик. У муборак инсон ғоят сокин йўлдан кетаётган каби жуда хотиржам эди. Унинг ҳар бир ҳаракати ҳайратланарли эди. Мендан исмимни, қаерлик эканлигимни ва бошқа бир қанча саволларни сўради. Мен у истаган саволларга жавоб берганимдан сўнг, қизиқиб:

«Отахон! Сиз кимсиз?» деб сўрадим.

У ҳам: «Ўғлим, мени Азиз Маҳмуд Худойи деб чақирадилар» деди.

Сўнгра:

«Ота! Сиз менга катта бир яхшилик қилдингиз? Агар давлатимга соғ-саломат қайтсам, бир садоқат бурчи сифатида сизни зиёрат қилишни истайман. Манзилингизни берасизми?» дедим.

У гўзал юзли муборак инсон манзил ўлароқ фақат:

«Ўғлим! Ускударга келиб кимдан сўрасанг ҳам, сенга менинг манзилимни кўрсатади!» деди.

Шу пайт қисмга етиб келгандик. Миннатдорчилик, муҳаббат ва ҳурмат билан бу гўзал инсоннинг қўлини ўпдим. У билан видолашдим. Сўнгра қўмондоним олдига бордим.

Мени олдида кўрган қўмондоним бир лаҳза карахт бўлиб қолди. У олов чангалидан қандай қутулганимга ва қисмга қандай қилиб соғ-саломат етиб келганимга ҳайрон бўлган эди. Баланд овозда:

«Бу ерга қандай келдинг?» деб сўради.

Унга «Мени ёши улуғ бир қария олиб келди» дедим.

Уруш тугаганидан сўнг ўз юртимга қайтдим. Бироқ Азиз Маҳмуд Худойининг менга қилган яхшилигини ҳеч қачон унутмадим. Ниҳоят ваъда берганим учун зиёрат ниятида Ускударга келдим. Сўраган одамларим шу жойни кўрсатиб:

«У муборак бир зотдир» дея таърифладилар”.

Шу пайт жимиб қолган йигит чуқур бир нафас олиб, Муҳаррам Афандига олдинги истагини яна такрорлади:

“Афандим! Азиз Маҳмуд Худойи билан шундай танишдик. Энди ҳиммат қилинг ва мени у киши билан учраштиринг!” деди.

Шундай қилиб масаланинг барча томонини ўрганган Муҳаррам Афанди ўзи гувоҳ бўлган бу маънавий манзара олдида жуда ҳайратга тушди. Ёлворгандай унинг кўзларига қараб турган бу ёш йигитга бир муддат ҳеч нарса дея олмади. Сўнгра тинчланиб, ички бир титроқ ила тутила-тутила:

“Ўғлим! Азиз Маҳмуд Худойи ҳозир ҳаёт эмас, у зот 1543-1628 йиллар оралиғида яшаган. Азиз Маҳмуд Худойи Аллоҳнинг дўстларидан бўлган буюк бир зотдир. Ҳар ҳолда сени бу ерга Фотиҳа ўқишинг учун чақирган бўлса керак! Бу ер у кишининг мақбараси!” дея олди холос.

Бу ҳақиқатни эшитган аҳдига содиқ ва иймонли йигит бундан жуда ҳам таъсирланди. Ўзини кўрмоқни ният қилиб келган инсонининг, ҳаётини қутқарган буюк валийнинг фақатгина қабрини зиёрат эта олди. Жанг майдонидаги ўша мудҳиш талотўпда ўз бошидан кечирган буюк маънавий тасарруфни шундагина тушуниб етди ва бақириб йиғлай бошлади. Қўллари билан юзини тўсди. Узоқ вақт кўз ёш тўкди.

Худойи масжиди имоми ҳам йиғлади...

❁

Ҳақ дўстларидан Рамазон ўғли Маҳмуд Шомий Ҳазратларининг бир суҳбатларида болалик йилларига доир хотираларини шахсан ўзим тинглаган эдим:

У кишидан икки ёш кичик сингилларининг оёғи қўтир касалига чалинган экан. Улар яшайдиган ҳудудда одамлар тез-тез маслаҳатлашиб турадиган Қоплончи Ота исмли, машҳур бир Ҳақ дўстининг мақбараси бор экан. Бир куни оналари, сингиллари билан бирга шу зотнинг қабрларини зиёрат қилишга борган эканлар. Сўнг улар ўша ерда тунаб қолишибди. Тунда сингилларининг фарёдидан уйғониб кетишибди. Шошиб қолган она қизидан нима бўлаётганини сўрабди. Сингиллари ҳаяжонли ҳолатда мақбарадан бир чол чиқиб келиб, оёқларини ерга бостирганини айтиб берибди.

Бу ҳодисани нақл қилган Шомий Афанди шундан сўнг сингиллари умрининг охирига қадар бирор марта бўлса ҳам, оёқ оғриғидан шикоят қилмаганлигини айтганлар.

Юқорида келтирилган барча ҳолатлар ва ўхшаш ҳодисалар Аллоҳ таоло баъзи бандаларига эҳсон этган тасарруф салоҳиятининг барокати билан юз берган илоҳий лутфлардир. Фақат буларнинг барчасини мутлақ Жаноби Ҳақнинг Ўзи идора этишини унутмаслик лозим. Унинг бандаларига кўрсатаётган ёрдами хоҳ малаклар воситасида бўлсин, хоҳ валий зотлар орқали бўлсин ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда.

***Мўминнинг (содиқ) туши нубувватнинг қирқ олти жузидан биридир.*** ***(Бухорий, Таъбир, 26; Муслим, Туш, 6)***

## 4. СОДИҚ ТУШЛАР

Илоҳий инъомлардан бири содиқ тушлардир. Бундай тушлар ғайб ҳақиқатларидан воқиф бўлишнинг йўлларидан бири деб қаралади. Уйқу пайтида инсоннинг моддий олам билан алоқаси энг қуйи савияга тушади. Баданга қамалган руҳга оид ҳислар кучаяди. Улвий манзараларни беркитган нафсоний булутлар тарқалиб, инсоннинг кўриши шаффофлашади. Шу тарзда баъзи солиҳ бандаларга тушда ғайб оламини сайр қилиш насиб этади. Бу кашфларнинг тўғрилиги эса, уйғонгандан сўнг мушоҳада этилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Нубувватдан (пайғамбарлик хусусиятларидан) фақат мубашширот қолди”* деб марҳамат қилганлар.

Асҳоблари:

“Мубашширот нима ўзи ё Расулуллоҳ?” деб сўраганларида:

*“Содиқ тушдир”* деб жавоб берганлар. (Бухорий, Таъбир, 5; Муслим, Салот, 207-208)

Мубашширот ихлосли мўминларнинг кўнгиллари туш мобайнида илоҳий муждаларга, илҳомларга ва талқинларга очиқ ҳолга келишидир.

Яна Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Улар** (Аллоҳнинг дўстлари, мутаққий мўъминлар) **учун дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам муждалар бордир!”** (Юнус, 64) оятида баҳс этилган “дунёдаги мужда”ни изоҳлаш мақсадида: *“Муслулмоннинг ўзи кўрган ёки унга кўрсатилган содиқ тушдир”* деб марҳамат қилганлар. (Термизий, Туш, 3)

Туш уч қисмдир:

**1. Шайтоний тушлар:** Шайтоний тушлар шайтоннинг инсонни қўрқитиш, руҳий сиқилиш ҳолатига тушириш ёки маҳзун қилиш мақсадидаги илк ҳаракатидир. Бу баланд бир жойдан тушиб кетиш ёки

шовқинли ва фалокатли саҳналарни таъсирланиб кўриш каби бир ҳолатдир. Бундай тушларнинг асоси йўқдир. Асосан чалкаш, ярми хотирланган ва аралаш тушлар кўрганда, бошқаларга айтмаслик керак. Шайтоннинг иғвосидан Аллоҳга сиғиниш лозимдир.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

*"Сизлардан бирортангиз ўзига ёқадиган бир туш кўрса, у Аллоҳ таолодан эканлигини билсин. Аллоҳга ҳамд айтиб, ўша тушини бошқаларга эшиттирсин".*

Бошқа бир ривоят эса шундайдир:

*"Киши ўзига ёққан тушини фақатгина севган кишисига сўзласин. Ўзига ёқмайдиган бир туш кўрса, у шайтондандир. Унинг шарридан Аллоҳга сиғинсин ва уни ҳеч кимга сўзламасин. Ўшанда у туш унга зарар бермайди".* (Бухорий, Таъбир, 3, 46; Муслим, Туш, 3)

Яна бир ҳадиси шарифда эса шундай дейилади:

*"Сизлардан бирортангиз ўзига ёқмайдиган бир туш кўрганида, чап томонига уч марта тупурсин ва уч марта шайтоннинг шарридан Аллоҳга сиғинсин. Ётган томонидан бошқа томонига ўгирилиб ётсин".* (Муслим, Туш, 5)

**2. Ташқи таъсирлар натижасида кўриладиган тушлар:** Руҳий ҳолат ва хаёлга боғлиқ ҳолдаги тушларда кишининг аввалроқ кўрган манзаралари акс этади. Масалан, жуда шўр овқат еган киши тушида кўп сув ичиши мумкин. Кимдир эса тушида зеҳнини узоқ вақт машғул этган бирор масалани кўради. Буларнинг таъбири йўқдир. Бундай тушлар ҳам асоссиз тушлардир.

**3. Содиқ тушлар:** Бу каби тушлар аниқ эсда қолади. Булар Жаноби Ҳақ тарафидан берилган башорат (мужда) ёхуд огоҳлантириш моҳиятидадир. Буларни шу вазифадаги фаришталар уммул -китоб (лавҳул маҳфуз) дан олиб, Аллоҳ таолонинг амри ва рухсати билан ухлаган инсоннинг руҳига етказадилар.

Демак, содиқ тушлар Лавҳул Маҳфуздан олинган, келажакни акс эттирувчи нурлардир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарликнинг аввалида олти ой давомида содиқ тушлар кўрганлар.

Ҳадиси шарифларда буюрилади:

*“Қачонки замон яқинлашса,[77] мўминнинг туши деярли ёлғон чиқмайди (Худди кўргани каби содир бўлади). Мўминнинг (содиқ) туши нубувватнинг қирқ олтидан бир қисмидир. Нубувватдан бўлган бир нарса эса, ҳеч вақт ёлғон бўлмайди”.*[78]

***Туш уч қисмдир**: Биринчиси солиҳ туш бўлиб, у Аллоҳдан келган бир хабардир. Иккинчиси шайтон берган қўрқув ёки ғам-ғуссадир. Учинчиси эса, кишининг ўз-ўзига айтган нарсаларидир. Ким тушида ёқтирмаган бир нарсасини кўрса, уни бошқаларга етказмасин. Бирдан ўрнидан туриб, намоз ўқисин...”* (Бухорий, Таъбир, 26; Муслим, Туш, 6)

*“Сизларнинг энг тўғри туш кўрганларингиз энг тўғри сўзлаганларингиздир”.* (Муслим, Туш, 6)

*“Энг содиқ туш саҳар вақтида кўрилган тушдир”.* (Термизий, Туш, 3/2274)

Содиқ тушларни аҳли тарафидан таъбир этишга, яъни очиқлашга эҳтиёж бордир. Туш таъбири ҳам Ҳақ тарафидан берилган бир илмдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзан намозлардан сўнг асҳобнинг кўрган тушларини тинглар ва таъбир этардилар. Келажакка доир туш шаклида зуҳур этган тажаллиларни изоҳлаб берар эдилар.

Тушларни таъбир қилиш баъзи бир қоидаларга асосланади. Бу илмдан хабардор бўлганлар “муаббир” (таъбирчи) дейилади. Инсониятнинг манфаати учун туш таъбирига алоқадор жуда кўп асарлар яратилгандир. Булардан Ибн Сирин ва Муҳйиддин Арабий Ҳазратларининг таъбирномалари машҳур бўлган. Бугунги кунга қадар улардан иқтибос келтириш шаклида турли китоблар ёзилган. Тушларни фақат шундай китобларда мавжуд бўлган маълумотга асосланган ҳолда таъбир қилиш эътирозлидир. Зеро асл таъбирнинг катта қисми “кашф”дир. Бунинг учун тушни таъбир қилган киши маънавий иқтидор соҳиби бўлиши керакдир. Акс ҳолда инсонлар янглиш таъбирнинг таҳликалари билан юзлашадилар. Зеро Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

77 Ҳадис шарҳида “замон яқинлашиши” ифодаси кеча ва кундуз тенглашиши, қиёматга яқин бўлган вақт маъносида берилган. Тонгга яқин (саҳар вақти) бўлган вақт ёки вақтнинг қисқариши сифатида ҳам очиқланган.

78 Содиқ туш нубувватнинг қирқ олтидан бири бўлиши масаласи шундай ифодаланган-дир: Расули Акрам с.а.в.нинг пайғамбарлик даврлари 23 йил давом этган. Нубувватнинг олти ойи солиҳ тушлар шаклида келганлиги учун бу давр (олти ой) йигирма уч йилнинг “қирқ олтидан бирига” тўғри келади.

*"...Туш илк таъбирчининг таъбирига мос бўлиб қолади"* (Ибн-и Можа, Таъбир,7) деб марҳамат қилганлар. Шу жиҳатдан тушлар аҳли бўлмаганларга эшиттирилмайди. Бу илмдан хабардор бўлган кишилар "Илк таъбир муҳимдир, кейингилари ўз кучини йўқотади" деб айтиб ўтганлар.

*"Мезонун Нуфус"*[79] номли рисолада таъбир илми **"анфусий"** ва "**офоқий**" дея икки қисмга бўлинган. Фақат хослар эмас, оддий одамлар ҳам таъбирлай оладиган тушлар "Анфусий" тушлар дейилади. Яъни бунда кишилар эшитганларига биноан таъбир айтадилар ёки аҳли бўлган зотларнинг таъбирларини турли асарлардан тўплаш йўли билан ўрганадилар. Шунингдек, бир-бирига ўхшаш тушлар ва ўтмишдаги тажрибаларга асосан ҳам таъбир қилинади.

Тушда кўриладиган борлиқларнинг ҳар бири луғатдаги бир сўз кабидир. Яъни у алоҳида бир тилдир. Бу тилда кўрилган борлиққа боғлиқ маъно узоқ бир алоқага таянади. Яъни бутунлай асоссиз ва сабабсиз бўлмайди. Масалан, илон-душман саналади. Бу маъно Одам алайҳиссаломнинг қиссаларига бориб тақалади. Унда кўрилган ҳар ҳол ва ҳаракат душманга бўлган муносабат шаклида изоҳ этилади. Бироқ илон тўғрига кетаётгандек ёки ўликдек (ҳаракатсиз ётгандек) бўлиб кўринса, йўл дея таъбир қилинади.

Туш таъбирида жуда кўп нарсаларнинг таъсири ҳам ҳисобга олинади. Кунлар, мавсумлар, туш кўрилган кечадаги вақт ва бошқалар. Масалан, қиш мавсумида кўрилган туш кечроқ рўёба чиқса, тонгда кўрилган туш тезда амалга ошади. Бироқ ҳар бир туш соҳибининг табиати турлича бўлгани учун кўпинча тушларни тўлиқ бир хилда таъбир қилиб бўлмайди.

"Офоқий" таъбир илми фақат ҳавоссга хос бўлиб, бунда туш кашфга эҳтиёж сезади. Чунки тушнинг шайтоний ё Раҳмоний эканлигини "сунуҳати илоҳиййа" га (қалбга илоҳий илҳомлар берилишига) эга бўлган ҳолдагина фарқлай олиш мумкин бўлади. Бунинг устига инсонлар табиатан бир- бирларидан бутунлай фарқ қиладилар. Шунинг учун айни бир хил туш кўрган икки шахснинг тушлари бир хил таъбир қилинмайди. Бу нозикликни қамрай олиш эса, маънавий салоҳият талаб қилади.

Ибн Сирин Ҳазратларининг олдига икки киши келиб, тушларида нотиқ сифатида хутба ўқиганликларини баён қилишади. Ибн Сирин

79 Боязид Жомеи ваъз айтувчиларидан бўлган Ҳофиз Ҳулусийга оид бу рисола, ҳ. 1305 йили Истанбулда босилган.

буни улардан биринг ҳажга бориши, бошқасининг қатл қилиниши шаклида таъбир қиладилар. Ҳақиқатан орадан бироз вақт ўтгач, у икки шахсдан бири ҳажни адо этади. Иккинчиси эса, қатл қилинади.

Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

“Тушимда ҳужрамга учта ой тушганини кўрдим. Тушимни отам Абу Бакр розияллоҳу анҳуга айтиб бердим. Отам сукут сақлаб, ҳеч қандай жавоб бермадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан сўнг, менинг хонамга дафн этилдилар. Шунда отам Абу Бакр розияллоҳу анҳу:

*«Ана шу (тушингда кўрганинг) уч ойнинг бири ва энг хайрлиси!»* дедилар”. (Муватто, Жаноиз, 30)

Муҳожирлар Мадинага келган вақтларида қуръа ташланганди. Усмон бин Мазъун Уммул Ало ал-Ансория розияллоҳу анҳунинг оиласига тушганди. У киши Усмон бин Мазъунни ўша вақтнинг ўзида уйларига жойлаштирдилар. Бироқ қисқа вақтдан сўнг бу инсон касал бўлиб қолди. Уммул Ало Усмон бин Мазъуннинг касаллигини даволашга кўп уриндилар, аммо унинг дардига даво топилмади. Усмон бин Мазъун вафот этди. Сўнг Уммул Ало Усмон розияллоҳу анҳуни тушларида кўрдилар. Унинг ёнида оқиб турган бир чашма бор эди. Кўрган тушларини Ҳазрати Пайғамбарга айтдилар. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Бу унинг амалидир, у учун оқаяпти” деб марҳамат қилдилар*. (Бухорий, Таъбир 13, Жаноиз 3, Шаҳодат 30, Манокибул Ансор 46)

Асри саодатда содир бўлган бир ҳодиса шундайдир:

Бир аёл Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тушини таъбир қилдириш учун мурожаат қилади. Тушида уйининг ўрта устуни синиб тушганлигини айтади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлдан “Эринг борми? У қаерда” деб сўрайдилар. Аёл эрининг сафарга кетганлигини ва ҳали қайтмаганлигини айтади. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлга эри соғ-саломат қайтиши ва масрур бўлишлари хушхабарини берадилар. Туш худди таъбир қилинганидек рўёбга чиқади.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида бу аёл яна эри сафардалигида айни тушни кўрганлигини айтади. Бу сафар

тушининг таъбирини халифадан сўрайди. Ҳазрати Сиддиқ розияллоҳу анҳу айни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам каби олдин аёлнинг эри бор-йўқлиги ҳақида сўраб, сўнг эри сафарда вафот этганлигини айтадилар.

Аёл ҳайрат ва қўрқув билан Абу Бакр розияллоҳу анҳуга:

“Худди шу тушни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эринг соғ-саломат қайтади деб таъбир қилгандилар” деганида, Ҳазрати Сиддиқ:

“Тўғри, у зотга шундай кашф бўлганди. Менга эса бошқача илҳом бўлди” дейдилар. Орадан кўп ўтмай, бу таъбир тўғри эканлиги аёнлашади.

Туш кўраётганда дунёвий мисолдаги ақл ҳамда фикрдан ташқари хаёлий ва ноаниқ бир қанча ҳоллар юз беради. Шу сабаб тушнинг тўғри таъбири жуда мураккаб ишдир. Уни маънавий бир машаққатсиз амалга ошириш мумкин эмас.

Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда бу илмни Юсуф алайҳиссаломга ҳам берганлигини билдиргандир.[80]

Ҳазрати Юсуф алайҳиссалом зиндонда бўлган вақтларида бир новвой билан сарой соқийсининг тушларини тинглайдилар. Новвой тушида бир сават нонни бошида кўтариб кетаётганида, қушлар унга ҳужум қилиб нонларни еб кетишганини сўзлаб беради. Шунда Юсуф алайҳиссалом новвой подшоҳ томонидан қатлга ҳукм қилинишини ва осмондан учиб келган қушлар унинг бошини чўқишини айтадилар. Бу тушни шундай таъбир қиладилар. Соқий эса тушида олдингидай подшоҳга соқийлик қилганини кўрган эди. Ҳазрати Юсуф унинг бу тушини:

“Сен яна подшоҳга соқийлик қиласан” деб таъбирлайдилар. Ҳақиқатан бу кашфлар худди таъбирда айтилганидек амалга ошади.

Юқорида ҳам ифода этганимиз каби таъбир илмининг буюк бир қисми кашфга таянади. Бунинг учун таъбирчи юқори маънавий даражада бўлиши керак. Истанбулдаги Имом Хатиб Мактабида ўқиганимизда бизга дарс берган Марҳум Жалолиддин Ўктан Афанди ўз даврида туш таъбири бўйича ҳақиқий бир устоз бўлган. У киши тушни фақат шаффоф ва руҳоний бир қалб билан таъбир қилиш мумкинлигини айтар эди. Таъбирнинг амалга ошишини эса, таъбирчининг тақвосига алоқадор дерди.

80 Қрн. Юсуф сураси, 6 ва 111. оятлар.

Жалолиддин Ўктан устоз раҳматуллоҳи алайҳ ёшлик йилларида мактабларда диний дарсларни ўқитар ва тирик бир кўнгил ҳамда тақводорлик ила ҳаёт кечирарди. Ўша йилларда у ҳаққоний таъбирлари билан шуҳрат қозонганди. Ижобат бўлган таъбирларга доир жуда кўп мисоллар айтиб берар эди. Сўнг устозимиз:

“Бир вақтлар бу парда мен учун беркилди. Чунки дин дарслари бекор қилинди. Мени фалсафа фани ўқитувчиси этиб тайинладилар. Ақл маҳсули бўлган фалсафий назариялар орасида юришни бошлаганимда, кўнгил булоқларим қуриди” деб айтиб берар эди.

Солиҳ тушларга оид машҳур мисоллардан яна бири қуйидагича:

Машҳур “**Қасидаи Бурда”** муаллифи Имом Бусирий бир кун уйига кетаётганида, йўлда юзлари нурли бир кекса кишига дуч келади. Нуроний киши ундан:

“Ё Бусирий! Бу кеча тушингда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдингми?” деб сўрайди.

Имом Бусирий:

“Йўқ, кўрмадим” деб жавоб беради.

Нуроний киши бу қисқа суҳбатдан сўнг ҳеч нарса демасдан ўз йўлига кетади. Фақат унинг бу сўзлари Имомнинг кўнглидаги Ҳазрати Пайғамбарга бўлган ишқ ва муҳаббатни жўштиради.

Шу кеча Имом тушида Ҳазрати Пайғамбарни кўради ва уйғонганида қалби қувонч ва ҳузурга тўлганини ҳис этади.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни мадҳ этиб, Пайғамбар ошиқларини муҳаббат дарёсига чўмдирган бир қанча мадҳиялар ёзади.

Бир қанча вақтдан сўнг унинг ярим танаси фалаж бўлиб қолади. Юра олмайдиган ва ҳаракат этолмайдиган ҳолга келади. Бу вақтда муаллиф “Қасидаи Бурда”ни ёзиб бўлган эди. Шунинг ҳурматига Жаноби Ҳақдан ўзига шифо тилайди.

Қасидани битирган кечаси тушида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўради ва қасидани У кишига ўқиб беради. Қасиданинг ҳаммасини ўқиганидан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак қўллари билан Имом Бусирийнинг фалаж аъзоларига

масҳ тортадилар. Ана шундай кучли бир муҳаббатнинг таъсири сабабли Имом Бусирий уйғонганида хасталиги тузалганини кўради ва Аллоҳга шукр келтиради.

Тонгда соғлом ҳолда сурур билан жомеъга чиқади. Йўлда Шайх Абу Ражо Ҳазратларини учратиб қолади. Ҳазрат унга:

“Ё Бусирий! Фахри Оламни мадҳ қилган қасидангни ўқиб бермайсанми?” дейдилар.

Имом Бусирий:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мадҳ этиб ёзган қасидаларим жуда кўп. Қайси бирини ўқиб беришимни истайсиз?” деб сўрайди.

Шайх Абу Ражо:

“Ҳазрати Пайғамбарнинг ҳузурларида ўқиганингни ўқиб беришингни хоҳлайман. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу қасидадан жуда мамнун бўлганларини кўрдим” деб айтадилар.

Бу қасидани ҳали бирор киши эшитмаганлигини билган Имом Бусирий жуда ҳайратланади.[81]

Ислом оламида кашф, фаросат, илҳом ва солиҳ тушлар василаси орқали танланган зотларга ғайб оламига оид сирлар билдирилганлиги кўплаб мисоллар орқали аён бўлмоқда. Ҳолбуки:

**“.....”** (ан-Намл, 65) баёни илоҳий бир ҳақиқатдир. Шу боис бу ўринда бир изоҳга эҳтиёж бордир.

Бу изоҳ *“...Бир бандамни севганимда, Мен унинг эшитган қулоғи, кўрган кўзи, тутган қўли бўламан...”* (Бухорий, Риқоқ, 38) қудсий ҳадисининг мазмунида мужассамдир. Кашф ва илҳомнинг асоси Аллоҳнинг инсонга пуфлаган руҳидир. Бунга зоҳирий томондан қаралганда ҳам (яъни инсоннинг кўзи орқали қаралса ҳам), у кўзда мавжуд бўлган “илоҳий нур” қаршисидаги ғайб пардалари Аллоҳ хоҳлаган даражада бекор этилишини идрок қилиш мумкин бўлади. Шундай экан, яна такрор ғайбни кўрсатадиган Аллоҳдир деймиз. Чунки бандада ғайбни кўрадиган, эшитадиган ва биладиган бир қудрат йўқдир. Банданинг огоҳлиги фақат Аллоҳ таолонинг унга лутф этиб билдириши орқалидир.

Ояти каримада Жаноби Ҳақ:

81 Қрн. Илҳом Армутўғли, Қасида-и Бурда Манзум Таржимаси, с. 7-10.

**“**(Расулим!)**...”** (Ол-и Имрон, 44) деб буюриб, баъзи ғайб ҳақиқатларини билдирганини хабар бермоқдадир.[82]

Яна ғайб икки хил эканлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Яъни:

**Мутлақ ғайб ва изофий ғайб** бордир. Аллоҳдан ўзгасини билмайдиган ғайб **мутлақ ғайбдир**. Бир кишининг мутлақ ғайбдан бирор нарса билолмаслиги, ўз ғайратига боғлиқ эмасдир. У фақат Аллоҳнинг билдириши билан билинади. Бу билиш ҳам Унинг лутфи қадардир.

**Изофий ғайб** баъзиларга маълум, баъзиларга мажҳул бўлган ҳолатлардир. Масалан бир кишининг чўнтагидаги пулни фақат ўзи билади, бошқа киши билмайди. Баъзи кишилар учун ғайб бўлган нарса, баъзи кишилар учун ғайб бўлмаслиги мумкин.

Бу ерда Аллоҳнинг валий қуллари учун асосий мавзу бўлган ғайб, мутлақ ғайбдир. Уни фақат Аллоҳ билдирса, билдиргани қадар эгаллаш мумкин бўлади.

82 Аллоҳ таоло Ўзининг баъзи сифатларини бандаларига боғлиқлик нисбатида берган-дир. У бандасига Ўзи хоҳлаган нарсани бериб, уни Ўзи хоҳлаган тарзда сийлайди. Буни бирор қатъий ва мажбурий бир сабабсиз амалга оширади. У Ўзи хоҳлаган кишини икром қилади. Хоҳлаганининг мақомини кўтаради ва уни бошқа мавжудотлардан устун қилади. Лекин бу унга илоҳий сифатлар берганини англатмайди.
Агар биз Аллоҳ азза ва жалланинг сифатларидан бири бандасида борлигини кўрсак, демак бу сифат инсон қобилияти чегараларига муносиб равишда намоён бўлишини билишимиз лозим. Ундан ошиб кетолмайди. Бу банданинг ҳаракати натижаси эмас, балки Аллоҳ азза ва жалланинг бир лутфидир. У ҳар вақт Худонинг иродаси ва изнига боғлиқ бўлган масаладир. Бу худди ҳар бир масалада бўлган ҳолат кабидир. Масалан, ғайб илми ушбу сифатларнинг биридир. Чунки Аллоҳ таоло айтади:
“Айтинг: «Осмонлар ва ердаги бирор борлиқ ғайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)»”. (Намл: 65)
Шу билан бирга Аллоҳ таоло ўз пайғамбарларига ғайб масалалари ҳақида хабар берганини ҳам унутмаслигимиз керак. Бошқа оятлардан қуйидагиларни топамиз:
“Аллоҳ мўминларни покидан нопокини ажратмасдан, сиз турган ҳолда қўйиб қўймас. Аллоҳ сизларни ғайбдан хабардор қилмас. Лекин Аллоҳ Ўз пайғамбарларидан кимни хоҳласа, танлаб оладир. Бас, Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига иймон келтиринглар! Агар иймон келтирсангиз ва тақво қилсангиз, сизларга улуғ ажр бордир”. (Оли Имрон: 179)
“У зот ғайбни билувчидир ва ҳеч кимни Ўз ғайбидан хабардор қилмас. Илло, Ўзи рози бўлган пайғамбарнигина огоҳ этар. Албатта, Аллоҳ унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатиб юрувчи қўйиб қўяр”. (Жин: 26-27)

Ҳақиқий Ҳақ дўстларининг башорат ва ташхислари қанчалик тўғри бўлмасин, улар ўзларининг кашф ва фаросат соҳиби эканликларини даъво қилмайдилар. Яна шундай инсонлар борки, уларнинг юзларига қараган киши Аллоҳни хотирлайди. Уларнинг тилларидан ҳикмат ва маърифат томчилари тўкилади. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўзлари сўзламайдилар. Балки сўз айтишга буюриладилар. Шунга қарамай, улар Ҳақнинг лутфлари олдида икки букилган ҳолда бўладилар. Зеро инсон заиф бир борлиқдир. Ҳаддини ошиб, ғурурга бориши мумкин. Инсоннинг ўзини устун кўриши эса, энг катта фалокатдир. Шундай бўлган тақдирда Жаноби Ҳақ ҳам бандасини огоҳлантириш учун унга ожизликни торттириши мумкин.

Дарҳақиқат, фаросат, кашф ва содиқ тушлар Аллоҳнинг солиҳ бандаларига ҳақиқатларни илҳом этиш ила лутф кўрсатишидир.


# ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

# БАЪЗИ ТАСАВВУФИЙ МАСАЛАЛАР

**А. ТАВАССУЛ**

**В. ТАБАРРУК**

**С. ҚАБР ЗИЁРАТИ**




***“Қалблар фақат Аллоҳни зикр қилиш билан ором топур”.*** ***(ар-Раъд, 28)***

# БАЪЗИ ТАСАВВУФИЙ МАСАЛАЛАР

***Эй иймон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқинг ва Унга яқинлашиш учун васила (сабаб) қидиринг.*** *(ал-Моида 35)*

## А. ТАВАССУЛ

Бандани ўз яратилишининг асосий ғояси ва мақсадига эриштирадиган турли йўллар ҳамда воситалар бир василадир. Аллоҳга яқинлашиш учун бу василаларга суянишга тавассул дейилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу дуо қабул бўлиши умиди билан энг аввало асмои ҳусна, Қуръони Карим, солиҳ амаллар, пайғамбарлар ва солиҳ зотларни васила қилишдир. Шу йўл билан Аллоҳдан бирор нарса сўраш, орзу қилинган бир нарсанинг қўлга киритилиши ёки исталмаган бир нарсанинг даф қилиниши учун Унга дуо ва илтижо қилиш лозимлигидир.

يَآ اَيُّهَا الَّذِينَ اٰمَنُوا اتَّقُوا اللّٰهَ وَ ابْتَغُوا اِلَيْهِ الْوَسِيلَةَ

Моида сурсининг 35- ояти каримасида:

**“!..” деб буюрилмоқда**.

Бу ояти каримада “васила” калимаси мутлақ бир сифатда, яъни ҳеч қандай таҳдидсиз сўзланган. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, намоз, рўза, жиҳод ва шунга ўхшаш солиҳ амаллар ҳам Аллоҳга яқинлашиш мақсадидаги василалардир. Баъзи муфассирлар эса, бу саналганлар қаторига Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари билан ахлоқланишни ҳам киритганлар. Яъни Набий алайҳиссаломнинг ахлоқлари ила ахлоқланиш мақсадида бир муршиди комилнинг тарбиясига киришиш ҳам **васила** эканлигини айтиб ўтганлар.

Олимлар ва солиҳларнинг инсонларни Раббининг йўлига йўналтиришлари руҳоний моҳиятдаги бир фаолият эмасдир. У бир иршод ва

огоҳлантиришдир. Босиб ўтиладиган йўлларда йўлчиларга раҳбарлик қилишдан иборатдир. Шунга ўхшаш насроний динида ҳам руҳонийлик бор. Уларнинг қарашларига кўра руҳоний Аллоҳ билан банда орасида зарурий бир восита ҳолидадир. Ислом эса буни рад этади. Чунки Аллоҳ билан банда орасида учинчи шахс борлигини тасаввур қилиб бўлмайди. Исломда банданинг ўзи Раббисига ҳар лаҳзада бевосита йўнала олади. Унга ибодат қилади.

Бу борада муршидлар маънавият йўлида фаол бўлган муридлар билан Аллоҳнинг орасида руҳонийликдаги каби воситачилик қиладилар деган фаразлар ҳам айтилган. Баъзида уларнинг бу вазифаларига эътироз билдирилган ҳолатлар ҳам бўлган. Насронийларнинг руҳонийлик тушунчаларига кўра роҳиб бўлмаган киши Жаноби Ҳаққа қуллик қилолмайди. Бузилган насронийликда ана шу қараш мавжуддир. Аслида уламо ва машойихлар бажарадиган вазифани роҳибларники билан асло қиёслаб бўлмайди.

Бу хусусдаги танқидлар тавассулнинг фақат луғавий маъносига эътибор қаратиб, ўринсиз ва асоссиз равишда айтилган сўзлардир. Бундай танқид қилувчилар тавассулнинг ҳақиқий моҳиятини назардан четда қолдирадилар. Бу хилдаги эътирозлар кўпроқ ҳақиқий муршиди комилларнинг ҳолларидан хабардор бўлмаган, тасаввуфий муҳитлардан бехабар инсонлар орасида пайдо бўлмоқда.

Тасаввуфий услубларни лойиқ равишда қабул қила олмаган айрим изланувчиларнинг ҳаракатларидаги хатоликлар ҳам шундай хулосага келишга сабаб бўлади. Бироқ буни тўғри деб билишнинг имкони йўқ. Чунки даъвога алоқадор киши заиф, нолойиқ ёки ёмон ниятли бўлгани учун даъвонинг ўзига эътироз билдириб бўлмайди. Ўша шахсларнинг баъзи айбларини уларнинг даъволарига қўшимча қилиш ҳам нотўғридир. Шунингдек, бу каби шахсий қусурларни улар илгари сураётган юксак қадриятларга боғлаш мантиқан тўғри эмас. Зеро ақлли инсон мусулмонларнинг камчилиги учун Исломни жавобгар қилмайди.

Юқорида айтиб ўтилгани каби аслида ҳақиқий муршидлар уламонинг зоҳирий илмлар таълимидаги раҳнамоликларига ўхшаш бир вазифани бажарадилар. Улар буни руҳий йўллар билан амалга оширадилар. Бу банда билан Аллоҳ орасига кириш эмас, муршиди комилнинг тажриба ва ҳикматларига асосан инсонларни Аллоҳга элтадиган йўлга ҳидоят

этишдир. Уларни огоҳлантириш ва иршод ила хавфдан қутқариш ҳамда бу йўлларни бехатар босиб ўтишларини таъминлаш ғайратидан иборатдир. Бизнинг йўлчилик асносидаги уловимиз ғоя эмас, балки восита бўлиши керак. Муршиди комил муридни қалбий етукликка эриштириб, унинг ички дунёсини Аллоҳ ва Расулининг ахлоқи билан зийнатлаган бир муаллим демакдир. Ҳатто баъзи муридлар насиб ва истеъдодлари сабаб ўзларига қатиъят билан йўл кўрсатган, уфқлар очган муршидларини тез орада ортда қолдиришлари ҳам мумкин. Бунга зоҳирий бир қиёс учун Шамс Табризий билан Ҳазрати Мавлонони мисол қилиб келтиришимиз асосли бўлади.[83]

Яъни муршиди комиллар шундай мавқе ва мақомда бўлишларига қарамай, асло ғоя эмас, бир восита ҳукмидадирлар.

Демак, тавассул етук ва тажрибали бир мўмин бўлган муршиди комилни йўл кўрсатувчи деб билмоқликдир. Оёқлар тисарилиши эҳтимоли зиёда бўлган нозик йўллардан зарарсиз ўтиб олишга уринишдир. Уларнинг раҳнамоликларига таяниб, иршод ва файзларидан фойдаланишга ҳаракат қилишдир. Тавассул бошқа бир маънода меҳрибон Зот бўлган Жаноби Ҳақ севган бандаларнинг ҳурматини қилиш, Унинг Ўзига муножот этиш ва дуо қабул бўлиши учун ғайрат кўрсатишдир. Бу асло Ҳақ таолонинг солиҳ қулларига қудсиятни юклаш эмасдир.

Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳ:

“Тилакларингизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилинг!..” *деб айтадилар*.

Имом Жазарий қуддиса сирруҳу:

“Дуоларингиз қабул бўлиши учун пайғамбарлар ва солиҳ кишиларни васила қилинглар!..” деган эдилар.

Қуйида мавзуга доир тавассул мисолларини келтириб ўтамиз. “Шифо ус -сақом” номли асарда Имом Субкий шундай дейдилар:

“Набийи Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тавассул ҳар ҳолатда жоиздир. У зот алайҳиссалом билан яратилишларидан аввал,

83 Мавлоно Жалолиддин Румийнинг руҳида яширинган маънавият денгизини кашф этган зот – Шамсиддин Табризий эди. У катта оловни ёқиб юборган учқунга ўхшарди. Бу унинг хизмати ва вазифаси эди. Ушбу буюк маънавият тошқинига дуч келган Табризий ўзини чексиз уммон қаршисида эканлигини сезди.

яратилганларидан сўнг, дунёвий ҳаётлари асносида, вафотларидан сўнгра барзаҳ оламида бўлганларида, қайта тирилгандан сўнг қиёматнинг Аросат майдонида ва жаннатда бўлганларида тавассул қилиш мумкин бўлади".[84]

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

Ҳайбар яҳудийлари билан Ғатафон қавми орасида урушлар бўлиб турар эди. Ҳайбар яҳудийлари улар билан тўқнашганларида, ҳар сафар мағлуб бўлар эдилар. Ахийри:

"Эй Аллоҳимиз! Сендан бизга юборишни ваъда қилганинг охирзамон пайғамбари, уммий Пайғамбар Муҳаммаднинг ҳаққига улар устидан ғалаба беришингни сўраймиз" дуоси билан ўзларига музаффарлик беришини сўрашга қарор қилдилар. Ғатафон қавми билан юзма-юз келганларида, шу дуони ўқидилар. Жанг қарши томоннинг мағлубияти билан якунланди.

Фақат улар дуоларида васила қилганлари Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар қилиб юборилганларидан сўнг, у зотни инкор қилдилар. Шу туфайли Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани ваҳий қилди:

وَكَانُوا مِنْ قَبْلُ يَسْتَفْتِحُونَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا
فَلَمَّا جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ فَلَعْنَةُ اللهِ عَلَى الْكَافِرِينَ

**"..."** (Бақара: 89)[85]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин Мадинада қаттиқ очарчилик бўлди. Бу мушкул ҳолатда Мадина аҳолиси Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳога мурожаат қилдилар. Оиша волидамиз уларга шу тавсияни бердилар:

*"Набиййи Муҳтарамимизнинг қабри шарифларига боринг, оёқ томонларидан бир туйнук очинг. У зот билан само орасида бирор бир парда бўлмасин!"*

84 Имом Субкий, Шифо ус-сиқом, -Б. 360.
85 Қуртубий, - Ж. 2, - Б. 27; Воҳидий, Асбоб ан-нузул, - Б. 31.

Шундай қилинганидан кейин анча вақт ёмғир ёғди. Ўт-ўланлар яшнаб, туялар янгидан семирди. Ҳатто бу йилга “Омул -Фатк”( тўкин -сочинлик йили) деб ном берилди. (Доримий, Муқаддима: 15).

Бир киши Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига тез-тез ўз эҳтиёжлари сабаб бориб турарди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эса, унга кўп ҳам эътибор бермас эдилар. Унинг эҳтиёжларига ҳам қарамасдилар. Шунда у Усмон ибн Ҳанифга учрашди ва бу ҳақда у кишига шикоят қилди. Усмон ибн Ҳаниф унга шундай дедилар:

“Сиз таҳоратхонага бориб, таҳорат олинг. Сўнгра масжидга ўтиб, икки ракат намоз ўқинг. Кейин эса:

“Эй Худоё, мен Сендан раҳмат Пайғамбари бўлган набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаққи сўрайман ва Сен томон юзланаман. Аллоҳим! Уни мен учун шафоатчи қил!

Ё Муҳаммад, мен сизни васила қилган ҳолда ушбу эҳтиёжим раво бўлиши учун Раббимга юзланаман” дегач, ҳожатингизни айтинг. Шундан сўнг менинг олдимга келсангиз, сиз билан бирга бораман”.

У киши чиқиб кетиб, ўзига айтилганларни адо этди. Кейин Усмон розияллоҳу анҳунинг эшиклари олдига борди. Эшикбон унинг қўлидан тутиб, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига олиб кирди. Ҳазрати Усмон унга ёнларидаги ўринга ўтиришни буюрдилар. Кейин Усмон розияллоҳу анҳу:

“Сизнинг қандай эҳтиёжингиз бор?” деб сўрадилар. Шунда у ўз эҳтиёжларини айтди. Усмон розияллоҳу анҳу унга ёрдам бергач:

“Сизнинг бирор нарсага эҳтиёж сезишингиз мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган эди. Агар бундан кейин бирор нима керак бўлса, бизнинг ёнимизга келинг” дедилар.

Эҳтиёжманд киши Усмон ибн Аффоннинг ёнларидан чиқиб, Усмон ибн Ҳунайф билан учрашди. Сўнг у кишига:

“Аллоҳ сени хайр билан мукофотласин, сен мен ҳақимда Халифа билан гаплашмагунингча, менинг эҳтиёжларимга эътибор қилмас эди. Менга илтифот ҳам кўрсатмас эди” деди.

Шунда Усмон бин Ҳунайф розияллоҳу анҳу:

“Валлоҳи, мен Халифа билан гаплашганим йўқ. Лекин шундай бир ҳодисага шоҳид бўлганман. Бир кўр одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб:

«Ё Расулуллоҳ! Аллоҳга ёлворинг. У кўзимдаги хасталикни кетказсин! Кўзимнинг кўрлиги менга жуда оғирлик қилаяпти!..» деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*«Сабр қилишинг сен учун янада хайрлироқдир»* деб марҳамат қилдилар.

Кўр одам эса:

«Ё Расулуллоҳ! Мени қўлимдан тутиб олиб юрадиган кишим йўқ. Бу ҳол менга жуда машшақатлидир. Илтимос, кўзларимнинг очилиши учун дуо қилинг!» деганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар:

*«Бориб таҳорат ол! Сўнгра икки ракат намозни адо эт! Унинг ортидан шундай дуо қил:*

*“Аллоҳим! Раҳмат Пайғамбари бўлган Набийинг Муҳаммаднинг ҳурматига Сенинг Зотингдан тилаяпман ва Сенга йўналаяпман... Ё Муҳаммад! Эҳтиёжимнинг берилиши учун Сен билан Раббимга йўналаяпман!.. Аллоҳим! Уни менга шафоатчи қил!..”* (Термизий, Даовот, 118; Аҳмад бин Ҳанбал, Муснад, IV. 138)

Ҳокимнинг ривоят қилишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом дуони ўргатганларидан кейин кўр киши у зотнинг айтганларини қилиш учун ўтирган ўрнидан туради. Бу пайтда унинг кўзи кўраётган эди. (Ҳоким, Мустадрок, I, 707-708)

Утба бин Ғазвон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

*“Сизлардан бирортангиз ҳеч ким йўқ бир жойда бирор нарсасини йўқотса ёки ёрдам сўрашга мажбур бўлса:*

*“Эй Аллоҳнинг қуллари менга ёрдам қилинг» деб нидо қилсин. Зеро Аллоҳ таолонинг сиз кўрмайдиган қуллари бордир”.* (Ҳайсамий, Мажмауз Завоид, X, 132; Имом Нававий, ал-Азкар, 201)

Бу ҳадиси шарифни нақл қилган Имом Нававий Ҳазратлари бўлиб ўтган бир ҳодисани шундай зикр этадилар:

“Менга бу ҳадисни нақл этган зот, шунга ўхшаш бир ҳодисани бошидан кечирганини ва Расулуллоҳнинг амрлари бўйича ҳаракат қилганида натижа худди айтганларидек рўй берганини билдирганди. Мен ҳайратлангандим. Кейинроқ менга ҳамроҳ бўлган бир кишининг туяси қочиб кетди. Шунда мен ана шу ҳадиси шарифни айтдим. Сўнг бирдан туя томонга қарадик. Туя ҳеч бир сабабсиз қочишдан воз кечди. Эгаси бемалол туяни тутиб олди”. (Имом Нававий, Азкор, с. 201)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ривоят этишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

***“Аллоҳ таолонинг ер юзида ҳафаза фаришталар (инсонни кузатиб турувчи фаришталар) идан ташқари дарахтдан тушган япроққача ҳамма нарсани ёзиб борадиган бир қатор бошқа фаришталари ҳам бордир. Агар сизлардан бирортангиз ҳеч бир из бўлмаган чўлда бирор қийинчиликка учраса, «Эй Аллоҳнинг қуллари ёрдам беринг!» деб нидо қилсин”***. (Ҳайсамий, Мажмауз Завоид, X, 132)

Шу каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам дуоларида кўпинча:

*“Пайғамбаринг ва мендан аввалги пайғамбарлар ҳаққи (тилагимни қабул эт!)”* жумласини зикр қилганликлари ривоят этилган. (Ҳайсамий, Мажмауз Завоид, IX, 257)

Бошқа бир ҳадиси шарифда Ҳабиби Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай буюрганлар:

*“Одам алайҳиссалом жаннатдан чиқарилишига сабаб бўлган айбни қилганида, хатосини англаб:*

*«Ё Раббий! Муҳаммад ҳаққи Сендан мени кечиришингни тилайман» деди. Аллоҳ таоло:*

*«Эй Одам! Ҳали Муҳаммадни яратмаган*[86] *бўлсам, сен уни қаердан биласан?» деб сўради. Одам алайҳиссалом:*

86 Азалда ёлғиз Ўзи бор бўлган Жаноби Ҳақ инсонлар ва жинларнинг идроклари савиясида билинишни ирода этганида мосуводан, яъни Ўзидан бошқа ҳамма нарсани яратган. Бу яратишнинг аввали “Нури Муҳаммаддир”дир. Зеро Аллоҳ Расули: “Одам руҳ билан жасад орасида бўлганида, мен набий эдим деб марҳамат қилган-

*«Ё Раббий! Сен мени яратиб руҳингдан пуфлаганингда бошимни кўтариб, Аршнинг устунларида "Ла илаҳа илаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ" жумласи ёзилганлигини кўрдим. Сен Ўз Борлиғингни фақат яратилганларнинг энг севимлисига боғлаганингни билдим!» деди. Шунда Аллоҳ таоло:*

*«Тўғри айтдинг, эй Одам! Ҳақиқатдан ҳам у Мен учун махлуқотнинг энг севимлисидир. Унинг ҳаққи учун Менга дуо қил. ( Дуо қилсанг), Мен ҳам сени кечираман. Агар Муҳаммад бўлмаса, сени яратмас эдим!» деди".* (Ҳоким, Мустадрак, II, 672)

Аслида исломий ибодат дуо, ҳамд ва саломлар билан бошланиб, охирида ҳам улар билан якун топади. **Салавотлар** Пайғамбар алайҳиссалоту вассалам ҳақда Жаноби Ҳаққа бир дуо ва ниёздир. Пайғамбаримиз учун қилинган дуонинг (салавотнинг) рад этилмай қабул қилиниши ҳақида ишонч ва қаноат мавжуддир. Дуоларимизнинг боши ва охирини салоту салом билан безашимиз ҳам шу ҳақиқатга асослангандир. Шундай ҳолатда икки мақбул ва қабули муҳаққақ бўлган дуонинг орасига ўз дуоларимизни қўшишимиз уларнинг ҳам қабулини таъминлаш маъносидадир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоздан сўнгра Аллоҳга ҳамд айтмаган, Унинг Пайғамбарига салот ва салом келтирмасдан дуо қилган бир кишини кўрдилар. Шунда:

*"Бу киши шошқалоқлик қилди"* дедилар. Сўнгра у одамни ёнларига чақириб: *"Сизлардан бирингиз дуо қилаётган пайтида олдин Аллоҳ таолога ҳамду сано айтсин, сўнгра Пайғамбарга салот ва салом келтирсин. Кейин эса истаган шаклида дуо қилсин" деб марҳамат қилдилар.* (Термизий, Даовот, 64)

Банда дуо қилаётганида, энг аввал пайғамбарларни, уларнинг ворислари бўлган авлиё зотларни ва Ҳақ наздида юксак мавқеда бўлган солиҳларни эъзозлаб эсламоғи лозимдир. Зеро банданинг Аллоҳ таоло севган зотларни васила қилиб, жўшқин туйғулар ила Ҳаққа илтижо

лар". (Термизий, Маноқиб, 1) Бунга кўра Пайғамбар алайҳиссалоту вассаламнинг жавҳари бўлган Нури Муҳаммад яратилишда илк бўлиш билан бирга, баданда гавдаланмоқлари (юборилишлари) анбиё силсилада энг охиргидир. Юқоридаги ифодада Нури Муҳаммад эмас, башар сифати ила мерос қилиб олинган "Зоти Муҳаммад" қасд қилингандир".

этиши марҳамати илоҳиййани жалб этади. Бу ҳол дуонинг мустажоб бўлишидаги муҳим таъсирлардан биридир. Бироқ дуо ёлғиз Аллоҳ таологадир. Шу туфайли дуода **Аллоҳнинг севганлари васила қилинганда, уларнинг шахсидан эмас, ёлғиз Аллоҳ таолодан сўраш керак.**

**Дуо**да Жаноби Ҳақнинг севган зотларини зикр этиш Аллоҳга қилинган дуо қабул бўлиши учун мурожаат этиладиган бир усулдир.

Фазилат соҳиби бўлган солиҳ зотлар ила тавассул қилмоқлик аслида уларнинг солиҳ амаллари ва устун салоҳиятлари ила тавассул этмоқ демакдир. Чунки уларнинг Ҳақ қошидаги юксак мартаба ва баланд мавқелари ана шу солиҳ амаллари сабаблидир.

Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Аллоҳдан зафар ва ёрдам сўрар эканлар, фақир муҳожирлар василасида ниёз қилар,[87] шундай деб айтар эдилар:

*“Менга заифларни чақиринглар. Чунки сизлар фақат заифларингиз (нинг дуо ва барокати) ила ризқлантириласизлар ва ёрдам оласизлар”.*
(Абу Довуд, Жиҳод, 70; Аҳмад бин Ҳанбал, Муснад, V, 198)

Зеро жамоат наздида эътиборга молик бир мақом ва мавқелари бўлмаган, бўйни букик, қалби синиқ, фақат қаноат ва тақдирга розилик сабаб қалбан бой бўла олган солиҳ инсонларнинг тавассули ила қилинадиган дуонинг лойиқ даражада қабул бўлиши муҳаққақдир.

Синиқ ва маҳзун қалбларни васила этиб, ризои илоҳиййага восил бўла олиш мақсадидаги Молик бин Динорнинг ушбу ривояти жуда маънолидир:

“Мусо алайҳиссалом Жаноби Ҳаққа бир илтижосида:

«Ё Раб! Сени қаердан қидирай!» деди. Аллоҳ таоло:

«Мени қалби синиқларнинг ёнидан қидир» дея марҳамат қилди”.
(Абу Найм, Ҳиля, II, 364)

❁

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик йилларида қурғоқчилик рўй беради. Шунда Ҳазрати Умар Расули Акрамнинг амакилари Ҳазрати Аббос розияллоҳу

87 Қрн. Бухорий, Жиҳод, 76; Табароний, Муамул Кабир, I, 292.

анҳуни ёнларига чақирадилар. Ёмғир ёғиши учун Жаноби Ҳаққа у зотни васила қиладилар:

“Аллоҳим! Пайғамбаримиз билан Сенга тавассул этганимизда, бизга ёмғир берар эдинг. (Ҳозир эса) Пайғамбаримизнинг амакилари билан Сенга тавассул этамиз. Бизга ёмғир бер!” деганлар. Шунда ёмғир ёққан ва халқ сувга етишган. (Бухорий, Истисқо, 3)

Бошқа бир ривоятга кўра Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу:

“Аллоҳим! Булут ҳам, сув ҳам Сенинг қошингдадир. Бизга булут юбориб, ёмғир ёғдир” дея тавозе ва кўз ёшлар ҳамда ҳаяжон ила узоқ дуо қилганлар. Аллоҳ таолога илтижо этганлар. Бу дуонинг ортидан осмонда ҳар тусдаги раҳмат булутлари тўпланиб, уларга барокатли ёмғирлар етказган. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бу илоҳий икром тўғрисида:

“Эй инсонлар! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари Аббос розияллоҳу анҳуни бир бола ўз отасини севгани каби севар эдилар. У кишига ҳурмат кўрсатар ва у кишининг қасамини ўзларининг қасамлари деб билар эдилар. Эй инсонлар! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларига кўрсатган бу ҳурматларига сиз ҳам риоя этинг! Бошингизга ҳар хил мусибат келганда, Аллоҳга (дуоларингизда) уни васила қилинг!” деб айтадилар. (Ҳоким, Мустадроқ, III, 377)

Ибн Абдил Баррга кўра мана бу ривоят ҳам айнан шу масалага ойдинлик киритувчи бир моҳиятга эга:

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу истисқода қатнашиш учун Аббос розияллоҳу анҳу билан бирга (мусаллога) чиқиб, шундай дуо қилдилар:

“Аллоҳим! Биз Пайғамбаримизнинг амакиси билан Сенга яқинлашамиз (такарруб) ва унинг шафоатчи бўлишини тилаймиз (истишфо). Пайғамбаринг учун унга ёрдам бер! Чунки Сен она-отаси яхши ва солиҳ бўлганлиги туфайли икки етим болани асрагансан.[88] Биз истиғфор айтиб ҳамда шафоат тилаб Сенга келдик!”

Сўнгра Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу инсонларга ўгирилиб, шу ояти карималарни тиловат қилдилар:

88 Бу сўзи билан Ҳазрати Умар р.а. Ҳизр а.с.нинг Мусога муносабатидан баҳс этган шу оятга ишорат этмоқдадир. “..... ” (ал-Қаҳф, 82)

**“....!”** (Нуҳ, 10-12)

Кейин Аббос розияллоҳу анҳу ҳам туриб дуо қилдилар. Ҳазрати Аббоснинг кўзларидан булоқ каби ёш оқар эди. Халқ бу васила орқали Аллоҳ ёмғир эҳсон қилганидан сўнг:

“Сени табриклаймиз, эй Ҳаромайн соқийси!” деб Ҳазрати Аббосга ҳурмат ва иззат кўрсатдилар. (Ибни Абдил Барр, Истиноб, II, 814-815)

Бу ҳодиса саҳобаларнинг бир саҳоба билан тавассул кўрсатганларига очиқ ойдин бир далилдир. Бироқ айрим инсонлар тавассул фақат солиҳ кишилар ҳаёт эканликларида мумкин бўлади деган фикрни айтадилар. Вафот этган солиҳ кишилар билан тавассул қилиб бўлмайди дея иддао этадилар. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан фақат вафотларидан олдин тавассул қилинган деб айтиш ҳақиқатни кўрсата олмайдиган бир қарашдир. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг “Ё Раббий! Биз Сенга Пайғамбаримиз билан тавассул қилардик” шаклидаги илтижоси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фақат вафотларидан олдинги вақтга эмас, балки вафотларидан кейинги даврга ҳам алоқадордир. Зотан Ҳазрати Умар Ҳазрати Аббос розияллоҳу анҳу билан ҳам бошқа бир инсон эмас, Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари бўлганликлари сабабли тавассул этганлар. Яъни у киши Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қариндош эдилар. Шунинг учун тавассул нисбат этилган мақом вафот этган бўлсалар-да, яна шахсан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлмоқдалар. Демак, бу ҳодиса орқали авлиё зотлардан бўлган баъзи буюклар билан ўлимдан кейин тавассул қилиш имкони борлиги аёнлашмоқда. Унинг ижобат бўлиши ҳам аниқдир.[89]

Бунинг энг очиқ мисолларидан бири шудир:

Олимлар ва эҳтиёж соҳиблари салафи солиҳиннинг буюкларидан Имоми Аъзамнинг қабрларини зиёрат этар ва у киши билан тавассул қилиб бунинг фойдасини кўрар эдилар. Булардан бири бўлган Имом Шофеъий Ҳазратлари шундай дейдилар:

89 Мавзу тўғрисида тафсулот учун қрн. Закариё Гулар, “Васила ва Тавассул Ҳодисларининг Манба қийматиі”, İLAM Изланишлар журнали, с. II, №1, с.83-132.

“Бир эҳтиёжим бўлган вақтда икки ракат намоз ўқир эдим. Сўнгра Абу Ҳанифанинг мозорига борар ва у ерда Аллоҳга дуо қилардим. Унинг барокати билан эҳтиёжим дарҳол қондириларди”.

Солиҳ амаллар мушкуллардан қутулиш учун ҳам василадир. Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтган умматлардан сафарга чиққан уч ўртоқнинг ҳолини шундай билдирадилар:

“Сафар асносида ёмғирга тутилган уч ўртоқ кечани ўтказиш учун бир ғорга кирадилар. Шу пайт тоғдан улкан бир қоя парчаси тушиб, ғорнинг оғзини беркитади. Шунда улар:

“Энди бизнинг солиҳ амалларимиз билан Аллоҳга дуо қилишдан бошқа чорамиз йўқ. Бу ердан Аллоҳдан ўзгаси бизни қутқаза олмайди” дедилар.

Сўнг улардан бири она-отасига бўлган итоатини васила этиб, дуо қилади. Қоя бироз ўз ўрнидан қўзғолади, фақат бу ёриқ ғордан чиқиш мумкин бўлган даражада эмасди. Иккинчиси, Аллоҳ қўрқувини, ҳаё ва иффатини васила қилади. Қоя яна бир оз қимирлайди, аммо бу ҳам ҳали етарли даражада эмас эди. Учинчиси эса, банда ҳаққига бўлган риоятини васила қилиб, Аллоҳга ёлворади. Шунда қоя ғорнинг оғзидан бутунлай қўзғолади ва улар ташқарига чиқадилар”.

Дуонинг қабулига ва мустажоб бўлишига васила бўладиган яна бошқа бир таъсир этувчи восита эса, асмои илоҳиййадир.

Жаноби Ҳаққа бир қатор талабларнинг қабули йўлида асмои илоҳиййани кўп зикр этиш орқали илтижо қилиш ҳам тавассулнинг кенг тарқалган бир йўлидир.

Ояти каримада: “.....!” (ал-Аъроф, 180) деб буюрилади.

Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо волидамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай дуо қилганларини билдирадилар:

“Аллоҳим! Мен тоҳир, таййиб, муборак ва Ўзингга энг севимли бўлган исминг билан (у исминг ҳурматига) Сендан тилайман. У шундай бир исмки, у билан Сенга дуо қилинганда ижобат қиласан ва Сендан исталган вақтда берасан. Сендан марҳамат талаб қилинганда раҳмат этасан ва

қийинчиликдан қутулиш учун у билан Сендан ёрдам сўралганда, чиқиш йўли ва кенглик берасан”.

Бу ҳадиси шарифнинг давомида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳодан:

“Ё Оиша! Сен Аллоҳ таоло менга қайси исм билан дуо қилинганида, у дуони қабул қилишини ўргатганлигини билармидинг?” деб сўрайдилар. Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо:

“Отам-онам Сизга фидо бўлсин ё Расулуллоҳ! Уни менга ўргатинг!” деганларида у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“У исм сенга ўргатилмаслиги лозим ё Оиша!” деб марҳамат қиладилар. Шунда Ҳазрати Оиша волидамиз у ердан узоқлашадилар. Бироз муддат ўтиргач, қайтиб келадилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларини ўпиб:

“Ё Расулуллоҳ! Илтимос, уни менга ўргатинг” дейдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса такроран:

“Ё Оиша! У исмни сенга ўргатмаслигим лозим! Чунки сенинг у исм билан дунёга доир бир нарса сўрашинг (ҳеч ҳам) тўғри бўлмайди!” деб айтадилар. Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо бунинг давомини шундай ҳикоя қилиб берадилар:

Шунда мен ўрнимдан туриб, таҳорат олдим. Икки ракат намоз ўқиганимдан сўнг, Жаноби Ҳаққа шундай ёлвордим:

“Ё Раббий! Мен Сени «Аллоҳ» дея чақириб, дуо қиламан. «Ар-Раҳмон», «ал-Барр» ва «ар-Роҳийм» дея чорлайман. Билган ва билмаганим асмоул ҳусна билан Сенга илтижо этаман. Мени кечиришинг ва марҳамат этишинг учун Сенга дуо қиламан!”

Оиша розияллоҳу анҳо волидамиз шундай давом этадилар:

“Мен буларни айтиб бўлганимдан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. Кейин:

«Шубҳасиз, у исм сенинг дуоингдаги исмлар орасидадир!» дея марҳамат қилдилар”. (Ибни Можа, Дуо, 9)

Анас бин Молик розияллоҳу анҳу ҳам шундай бир ҳадиси шарифни ривоят қилганлар:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир одамнинг:

“Аллоҳим! Мен «Ҳамд Сенга хосдир. Сендан бошқа илоҳ йўқдир. Сен ўртоғи бўлмаган ягона Зотсан. Сен кўп неъмат бергансан (Маннон). Осмонни ва ерни яратгансан (Бадийъ). Жалол ва икром соҳиби ҳам Сен!» деб Сендан тилайман!” шаклида дуо қилганини эшитдилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Валлоҳи, бу одам Аллоҳнинг Исми аъзами билан тилади. У шундай бир исмки, Аллоҳ таоло у билан сўралганида беради. У билан дуо қилинганида ижобат этади” дедилар. (Ибни Можа, Дуо, 9; Насоий, Саҳв, 58)

Шу ва шунга ўхшаш ҳадиси шарифлардан англашилганидек, асмоул ҳусна билан тавассул қилиш ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннати сонияларидандир.

❁

Баъзи олимлар асосан тасаввуфий истилоҳлар сифатида зикр қилинадиган “тавассул, истиона, истиғоза, истишфо, ташаффу, таважжуҳ ва табаррук” лафзлари орасида муҳтаво назаридан фарқ бўлмаганини айтганлар.

Бу лафзлар ёрдам исташ маъносида келади. Улар тасарруф салоҳиятига эга бўлган Ҳақ дўстларининг хоҳ ҳузурларида, хоҳ йўқликларида ҳиммат талаб қилишни ифода этади. “Ҳиммат талаб қилиш” маънан юқори даражада эканлигига ишонч билдирилган солиҳ зотлардан мақсадга эришиш йўлида васила бўлишларини исташдир. Бу эса уларнинг дуолари, таважжуҳ этишлари ва яқин муносабатда бўлишлари билан амалга ошади.

Ҳиммат калимаси аксарият ҳолда валий зотларнинг ёрдамларига нисбатан қўлланилади. Аллоҳнинг ёрдами эса, “нусрат” ва “тавфиқ” каби калималар билан ифодаланади.

Ёрдам берадиган ёлғиз Аллоҳ таолодир. Унга қилинган дуоларда василаларга тавассул қилмоқни Аллоҳдан бошқасидан ёрдам талаб қилиш шакли деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмасдир. Зеро тавассулда ўз-ўзидан йўналтирилган Зот фақат Ҳақ таоло бўла олади.

Ояти карималарда айтилади:

وَمَا النَّصْرُ اِلاَّ مِنْ عِنْدِ اللهِ

“.....” (ал-Анфол, 10)



“.....” (Оли-Имрон, 160)

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

Бир куни Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим. У зот менга шундай дедилар:

***“Ўғлим! Сенга бир неча сўзни билдираман. Сен Аллоҳни (яъни Унинг амр ва тақиқларини) кузатгин. Шундай қилсанг, Аллоҳ ҳам сени кузатиб ҳимоя қилади. Аллоҳнинг (ризосини) ҳар ишда кўз олдингда тутгин. Шунда Аллоҳни олдингда топасан. Бир нарса сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Ёрдам тиласанг, Аллоҳдан тила! Билгинки, барча инсонлар тўпланиб, сенга фойда беришга ҳаракат қилсалар ҳам, фақат Аллоҳ сен учун тақдир қилган фойдани таъминлай оладилар. Яна агар барча инсонлар сенга зарар беришга ҳаракат қилсалар ҳам, фақатгина Аллоҳ сен учун тақдир қилган зарарни бера оладилар...”*** (Термизий, Қиёмат, 59)

Бу ҳақиқатни барча мўминлар худди шу тарзда қабул қиладилар. Шунингдек, улар намозларининг ҳар ракатида тиловат қилинадиган Фотиҳа сурасидаги:

**“.....”** ояти каримаси билан бу ҳақиқатга иқрор бўладилар.

Ҳатто Бадр жангида душманга қарши кўрсатилган илоҳий ёрдам ҳақида Аллоҳ таоло ояти каримада Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга:

اِيَّاكَ نَعْبُدُ وَاِيَّاكَ نَسْتَعِينُ

**“...”** (ал-Анфол, 17) деб келтиради. Яъни бўлиб ўтган ҳар турли маънавий ёрдам ҳамда лутфларда ҳақиқий ва мутлақ ягона воситачи (фоили мутлақ) Аллоҳ таолодир.

Ширк ва куфрдан узоқ бўлган баъзи мўминлар Аллоҳга яқинлашиш орзусида холисона дуо қиладилар. Дуоларида солиҳларнинг маънавий ёрдамларидан умидвор бўладилар. Уларни кўкдан инадиган раҳмат умиди билан бир табаррук неъмат каби хотирлайдилар. Шунингдек, бу ҳол маънавий иқлимнинг файз ва барокати ҳосил бўлишига ҳам сабаб бўлади. Ҳар нарса фақат ва фақат Аллоҳнинг истаги билан юзага чиқади. Зотан василаси ила ёрдам тилаш учун эсланган киши мутлақо фоил

эмас (у бирор ёрдам беролмайди). Аслида ёрдам қиладиган фақат Аллоҳ таолодир.

Баъзи кишиларнинг солиҳлар йўқлигида ёки уларнинг қабрларини зиёрат қилиш асносида: “Эй фалон зот! Менга шифо бер! Менинг шу эҳтиёжимни кетказ!” каби хитоблар билан бевосита уларга мурожаат қилиб, тилак тилашлари жуда янглиш ва ширкка яқинлаштириш эҳтимоли бўлган истиғоза (ёрдам тилаш) сирасига киради. Баъзида ана шундай ёрдам исташлар тўғрисида айрим изоҳлар берилади. Нима бўлган тақдирда ҳам жуда нозик саналадиган тавҳид ақидасининг ўзагига зарар бериши мумкин бўлган шу ва шунга ўхшаш жоҳилона ҳаракатлардан сақланиш лозимдир. Аллоҳдан ўзганинг мутлақ тасарруфи бўлиши мумкин деган таассурот қолдирадиган бу хил ифодалар мухолифларни бартараф қилиш ва оламни идора этиш борасида асло қўлланмаслиги лозим.[90]

90 Бу хил ифодалар ҳам қўлланилиши мумкин дейдиганлар бундай сўзлар балоғат илмидаги “мажози ақлий” дан эканлигини илгари сурганлар. Мажози ақлий феълнинг ҳақиқий фоил ва муассирига эмас, у фоилнинг макон, замон, сабаб билан алоқаси бўлган бир томонига иснод этилиши демакдир. Бу адабий санъатга доир масала “Ер юзи оғирликларини ташқарига чиқарганида” (аз-Зилзал, 2) оятидаги оғирликларни ташқарига чиқарган Аллоҳ бўлгани ҳолда, феъл фоилга эмас, феълнинг маконига иснод қилинган, фақат Аллоҳ мурод этилган. Сўфийлар ҳам у билан истиғоза қилинган зотнинг ҳақиқий фоил эмаслиги, ҳақиқатда ёрдам этган Аллоҳ эканлигига ишонганлари ва Ундан истаганлари айтилмоқда. (Акс ҳолда улар ҳам бунинг очиқ бир ширк эканлигини қабул қиладилар). Бу масалада Муҳаммад Абу Заҳро шундай дейди:

Авомнинг ва жоҳил мусулмонларнинг сўзлари энг яқин бўлгани билан таъвил қилинади... Уларни Расули Акрамнинг қабрларини зиёратини тақиқлаш эмас, иршод қилиш тўғридир. Уларни такфир ёки ширкга нисбат бериш эмас, англатиш ва ўргатиш уйғун бўлади. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло тавҳидни қиёматга қадар муҳофаза қилади. Пайғамбар с.а.в. умрларининг охирида шайтоннинг бу ҳудудда Ўзига ибодат қилишини умидини узганини билдириб мўминларга хушхабар берганди. Шунинг учун Ибн Таймийя тавҳиддан андиша қилмаслиги лозим”. (Абу Заҳро, Ибнул Таймиййа, с. 326).

Диний адабиётдаги турли василалар орқали тез -тез такрорланган Мадад Ё Расулуллоҳ!” нидолари эса, Расули Акрамнинг охиратдаги шафоатларидан умид қилиб, у зотга мурожаат қилиш маъносидадир. Баъзи инсонларнинг бунга ширк кўзи билан қараши ўринсиздир. Чунки ҳар мўмин Ҳазрати Пайғамбар с.а.в. нинг шафоатлари ҳам фақат Жаноби Ҳақнинг тилаши билангина амалга ошиши мумкинлигига олдиндан ишонади.

***Аллоҳ Расулининг азиз хотираларига кўрсатилган ҳурмат у зотга бўлган муҳаббат ва кўнгил робитасининг маҳсулидир.***

## В. ТАБАРРУК

Табаррук асосан барокат истамоқлик маъносидадир. У бирор нарса воситасида барокат ва файзга ноил бўлмоқликни ифода этади.

**Егуликлар билан боғлиқ табаррук**

Авлиё зотлар еган таомнинг қолган қисмини еб-ичмоқ руҳ тасарруфи учун мурожаат қилинадиган воситалардан биридир. Баъзилар хаёл қилгани каби бу ҳолат маснадсиз (қўллаб-қувватлаб бўлмайдиган) ва бидъат қабилидаги нарса эмасдир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида бунинг бир қатор фойдалари кўрилганлиги ҳадис ва сияр китобларида турли хил мисоллар орқали келтирилган.

Саҳобалар ҳар хил вақтларда ва ҳар хил жойларда (айниқса, Ҳудайбия сафарида) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам еган таомларининг муборак қолдиқлари билан барокатланганлар.

Ҳазрати Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

“Ҳудайбия куни инсонлар чанқаб, Пайғамбаримизнинг олдиларига келдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида теридан тайёрланган сув идиши бор эди. Пайғамбаримиз шу идишдаги сувдан таҳорат олдилар. Шу пайт бошқалар ҳам тўғри у зотнинг олдиларига келишди. Пайғамбар алайҳиссалом:

*«Сизларга нима бўлди?»* деб сўрадилар. Саҳобалар:

«Таҳорат олиш ва ичиш учун сизнинг олдингиздагидан бошқа сувимиз қолмади» деб жавоб беришди.

Аллоҳ Расули дарҳол қўлларини идишнинг устига қўйдилар. Шу онда бармоқлари орасидан сув оқиб чиқа бошлади. Бу худди булоқдан сувнинг қайнаб чиқиши каби эди. Ҳаммамиз ундан ичдик ва таҳорат олдик”.

Ҳазрати Жобирдан:

“У кун неча киши эдингиз?” деб сўрашди. У киши:

“Агар юз минг киши бўлсак ҳам, сув етар эди. Фақат биз бир минг беш юз киши эдик!” дея жавоб бердилар. (Бухорий, Манақиб, 25)

Шубҳасиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бармоқларидан оққан бу сув замзам сувидан ҳам шифоли ва афзалдир. Чунки у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нурли қўлларидан ва муборак жисми шарифларидан оққанди.

Баъзи ҳадиси шарифларда баён этилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сут ичган пайтларида идишда қолганини бошқа саҳобийларга ҳам икром этардилар. Улар ҳам ундан ичиб файзланар эдилар. Сутда бир барокат ҳосил бўлганлиги сабабли у сира камаймас эди.

Саҳл бин Саъд розияллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир ичимлик келтирдилар. У зот ундан бироз ичдилар. Бу пайтда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўнг томонларида бир бола ўтирган эди. Чап тарафларида эса, асҳобнинг буюкларидан ёши катта кишилар ўтирардилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг томонларидаги болага жуда бир нозиклик ва назокат билан:

*“Сен рухсат берсанг, бу ичимликни аввал шу кекса кишиларга берар эдим”* дедилар.

Ақлли бу бола ҳаммани ҳайрон қолдириб, оламга ибрат бўлишга арзирли бир жавобни берди:

“Ё Расулуллоҳ! Сиздан менга икром бўлган насибамни ҳеч кимга бермайман!”

Шунда Севимли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак қўлларидаги ичимликни биринчи у болага узатдилар. (Бухорий, Ашриба, 19)

Асмо бинти Абу Бакр шундай сўзлайдилар:

“Мен Абдуллоҳ бин Зубайрга ҳомиладор пайтимда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига ҳижрат қилгандим. Мадинага бордим ва Қубода тунадим. Абдуллоҳ ўша ерда туғилди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бордим. У зот

уни кучоқларига олдилар ва бир хурмо сўрадилар. Хурмони оғизларида бироз чайнагандан сўнг, бир парчасини Абдуллоҳнинг оғзига солдилар. Абдуллоҳнинг меъдасига тушган илк луқма шу бўлди. Уни дуо қилдилар ва Аллоҳдан барокат тиладилар".[91]

Абу Айюб ал-Ансорий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни меҳмон қилиш ниятида овқат пишириб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга юборарди. Овқатнинг қолган қисмини қайтариб олиб келишганда, Оламлар Пайғамбарининг бармоқлари теккан жойни сўрар, сўнг ўша жойни топишга уринарди. (Муслим, Ашриба, 170-171)

Ҳазрати Жобир розияллоҳу анҳу ҳам Хандақ жангидан олдинги қийин бир даврларда бўлиб ўтган воқеларни шундай ҳикоя қиладилар:

Биз хандақ қазиётган пайтимизда жуда мустаҳкам бир тошга дуч келдик. Асҳоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳолатни билдирганларида, у зотнинг шахсан ўзлари хандақ ичига тушдилар. Белкуракни қўлларига олиб, тошга теккиздилар. Мустаҳкам тош бирдан қум каби тўкилди. Бу мўъжизавий тажалли содир бўлаётган пайтда, Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам очликдан қоринларига тош боғлаганларига кўзимиз тушди. Зеро бу ерда биз уч кун давомида бирор нарса емаган эдик. Шунда:

"Ё Расулуллоҳ! Уйга бориб келишимга рухсат беринг" дедим. У зот изн бердилар. Уйга бордим ва аёлимга:

"Мен Расули Акрамнинг ҳолларига чидай олмайман. Уйимизда ейдиган бирор нарса йўқми?" дедим. Аёлим:

"Бир оз арпа ва бир эчки боласи бор" деди.

Мен эчки боласини сўйдим, қолганлар арпани туйиб нон пиширишди. Гўштни қозонга солдик. Тошларнинг устидаги қозонда овқат пишаётган вақтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига бориб:

"Бироз егулигимиз бор. Бир икки киши билан бизникига боринг" деб таклиф қилдим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Неча кишилик егулигингиз бор?" деб сўрадилар. Борини сўзладим.

91 Қрн. Бухорий, Ақиқа, 1.

“Кўп экан, жуда яхши! Сен оилангга биз боргунимизча қозонни олов устидан туширмаслигини ва нонни тандирдан олмаслигини тайинлаб қўй” деб буюрдилар. Асҳобларига эса: “Туринглар!” деб амр бердилар. Муҳожир ва ансорлар ўринларидан турдилар. Уйимга ҳаммалари биргаликда борадиган бўлдилар.

Мен оилам олдига бориб (озуқанинг озлиги ҳамда зоҳиран кифоя қилмаслигининг андишаси ва ўша пайтдаги бир ҳайронлик билан):

“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳожир, ансор ва бошқа ҳамроҳлари билан бирга келаяптилар” дедим.

Оилам:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таомимиз қанча эканлигини сўрамадиларми?” деди.

“Ҳа, сўрадилар” дедим. У эса:

“Майли, унда борига эътиборли бўлинг” деди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам келганларга:

*“Киринглар, сиқилишманглар*” дедилар. Ўзлари нонни кесдилар. Сўнг нон устига гўштни селаваси билан қўйиб чиқдилар. Ниҳоят ҳамма асҳоб тўйди. Овқатдан бир миқдор ортиб ҳам қолди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом оиламга хитоб қилиб:

*“Буни енглар ва қўшниларга ҳам икром қилинглар. Чунки очлик атрофни қоплади”* деб марҳамат қилдилар” (Бухорий, Мағозий, 29; Муслим, Ашриба, 141)

Бошқа бир ривоят эса шундайдир:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (Тоиф сафаридан қайтишларида) Макка билан Мадина орасидаги Чийрона деган жойда эдилар... Бир қисми ишлатиб бўлинган сув идишни Абу Мусо ал-Ашрорий билан Билол розияллоҳу анҳумога бераётиб:

*“Бу сувдан ичинг ва юзингизга, кўксингизга суринг! Сизларга хушхабарни билдираман!”* деб марҳамат қилдилар. Абу Мусо билан Билол розияллоҳу анҳумо сув идишини олдилар ва Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг айтганларини бажардилар. Расулуллоҳнинг аёллари Умму Салама онамиз парда орқасидан:



“Ўғилларим, ўша сувдан онангизга ҳам икром этинг!” дедилар. Улар ундан бир миқдор Умму Салама онамизга ҳам икром этдилар. (Бухорий, Мағозий, 56)

**Ашё (буюм) билан табаррук**

Севимли зотнинг буюми ўша зотни эсга солиши ва ҳис-туйғуларни жўштириб юбориши аниқдир. Бунинг оқибатида ўртадаги робита ҳам кучаяди. Бу аслида инсон табиатида мавжуд бўлган хусусиятнинг талабидир. Бироқ бундай туйғулар ва муносабатлардаги муболағали ҳолат бутпарастликка қадар етиб бориши тарихий бир ҳақиқат эканлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим.[92]

Инсон табиий бир мойиллик сабаб севимли кишисини хотирлатадиган буюмга муҳаббат қўяди. Бундай ҳолатда ҳаддан ошмаслик жуда муҳимдир. Зеро мавҳум тушунчалар яратилганларда ҳол ва сифат ўлароқ акс этади.

Ашёдаги ҳол ва сифат тажаллисининг Қуръони Каримда зикр этилган энг жонли мисоли шундайдир:

Мисрда бўлган Юсуф алайҳиссаломнинг кўйлаклари Каънон юртидаги Яъқуб алайҳиссаломга бериб юборилади. Кўйлакни олиб бораётганлар йўлга чиққан пайтдаёқ, Яъқуб алайҳиссалом унинг ифорини сезадилар. Кўйлакни қўлларига олгач, кўр кўзларига суртадилар. Шунда у зотнинг кўзлари кўра бошлайди.[93]

Бундай ашё орқали таъсир кўрсатиш муршиди комилнинг соликни аниқ ва изчил бир ҳолатда тутиб туриш учун қўллайдиган воситалари-

92 Динлар тарихида “фетишизм” деб номланадиган ва вафот этган миллий қаҳрамонлардан қолган ашёга топиниш, уларга улуҳиётни қўшимча этиш залолати бу башарий ҳис ва тамойилнинг табиийлик ҳудудига тажовузидан туғилган тарихий хатоликдир. Зеро нотўғри тушунчаларни қамраб олиш жуда қийиндир. Бу қийинчилик туфайли энг ҳақиқий борлиқ бўлган Яратувчини баъзи инсонлар моддий борлиқларда кузатиб қабул қилиш йўлига ўтганлар. Бутпарастлик ана шу башарий заифликдан келиб чиққан. Ҳақиқатларда эса, маънавий бир тажалли мавжуддир. Соғлом муҳокама эгалари учун асардан муассирга ўтишда мавҳум ҳақиқатларнинг жисмоний борлиқлардаги акслари, нақшлари ва тажаллиларини қамрай олиш энг тўғри йўлдир. Аллоҳ ҳам шундай билинади, руҳ ҳам... Бошқа мавҳум тушунчалар учун ҳам ҳолат худди шундайдир.

93 Қрн. Юсуф сураси, 93-96.





дан биридир. Зеро бу таъсирларга мойиллик робитани қувватлантиради. Айни вақтда бу ҳадялашиш суннатининг ҳам бир ифодасидир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Соида маҳалласида асҳоблари билан ўтирган эдилар. Саҳл бин Саъд розияллоҳу анҳуга:

“Эй Саҳл, бизга сув бера оласанми?” дедилар. Шунда у бир коса сув узатди. Шундан кейин Саҳл бу косани умри давомида асраб юрди. Абу Ҳозим розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

“Саҳл бу косани олиб чиқиб, бизга кўрсатди. Биз ҳам ундан сув ичдик. Кейинроқ Умар бин Абдулазиз бу муборак косани Саҳлдан ўзларига совға қилишини сўрадилар. Саҳл косани Умар бин Абдулазизга ҳадя қилди”. (Бухорий, Ашриба, 30)

❁

Саҳл бин Саъд розияллоҳу анҳу шундай ҳикоя қиладилар:

Аёллардан бири Пайғамбаримизга бир ҳирқа келтирди.

“Ё Расулуллоҳ! Буни сизга ҳадя қилишни истайман” деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ҳадясини қабул этдилар ва устларига кийдилар.

Асҳобдан бири:

“Ё Расулуллоҳ, бу қандай бир гўзал кийим экан, уни менга ҳадя қила оласизми?” деди.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам “Албатта” дея ҳирқани дарҳол устларидан ечиб, унга бердилар. Ҳазрати Пайғамбар у ердан кетганларидан сўнг, асҳоби киром у одамни айблай бошладилар. Унга:

“Сен яхши иш қилмадинг. Аллоҳ Расули уни эҳтиёжлари борлиги учун олгандилар. Сен эса уни сўраб олдинг. Оламларга Раҳмат бўлган Пайғамбаримиздан бир нима сўралганида, асло рад этмасликларини ўзинг ҳам яхши биласан-ку!” дедилар.

Шунда у киши:

“Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳирқани кийганлари учун у билан табаррук этишни хоҳлаган эдим. Мени шу кийим билан кафанлаб кўмишларидан умид қиламан” деди. (Бухорий, Адаб, 39)

❁

Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо:

“Маккада қурайшлар учун сарир устида ухлашдан кўра ёқимли бир иш йўқ эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларидан кейин Абу Айюбнинг уйига жойлашдилар. Ундан:

“Эй Абу Айюб! Сизнинг сарирингиз йўқми?” деб сўрадилар.

Абу Айюб розияллоҳу анҳу:

“Валлоҳи йўқ” деб жавоб берди.

Ансорлардан бўлган Асъад бин Зурора бунинг хабарини эшитгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тиргаклари соч дарахтидан тайёрланган, усти канопдан тўқилган бир сарир келтириб берди.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам шу саридан фойдалана бошладилар. Сўнг ўзларининг уйларига кўчиб ўтдилар. Умрларининг охиригача худди шу сарирда истироҳат этдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафот этганларида ҳам шу саринг устига қўйилдилар. Ювиб кафанландилар. Ана шу сарир устида жаноза намозлари ўқилди.

Одамлар ўлган кишиларни қабристонга олиб бориш учун уни биздан сўрар ва у билан табаррук қилардилар. Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Умарнинг жасадлари ҳам унинг устида кўтарилди”. (Балазурий, Ансобул Ашраф, I, 525)

Бунга ўхшаш яна бир ҳодиса шундайдир:

Саҳобалардан энг кўп ҳадис ривоят қилган Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу доимо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида бўлар эдилар. У зотнинг ҳар ҳол ва ҳаракатларини кузатардилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бир куни Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламга:

“Ё Расулуллоҳ! Сиздан жуда кўп ҳадис эшитаман. Фақат уларнинг кўпини хотирамда сақлолмайман” деб шикоят қилдилар.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳурайрага:

*“Ёпинчиқни ерга тўша!”* деб буюрдилар. У киши уни ерга тўшадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дуо ўқидилар. Муборак қўллари билан бир нарсани ҳовучларига олиб, уни ёпинчиқнинг ичига отган каби ҳаракат қилдилар. Шундан сўнг:

*“Ёпинчиқни йиғиштир” деб марҳамат қилдилар.*

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бу амрни бажарганларида, Аллоҳ таоло у кишига жуда қувватли ҳофиза эҳсон этди. Бирор бир нарсани эшитсалар, уни асло унутмайдиган бўлдилар. (Термизий, Маноқиб, 46)

❁

Фироз исмли бир саҳобий ҳам Пайғамбаримизга тегишли бирор нарсага эга бўлишни истар эди. У киши бир куни Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига борганида, у зотнинг бир товоқдан овқат еганларини кўрди. Сўнг Пайғамбар алайҳиссаломдан шу товоқни ўзига ҳадя қилишларини илтимос қилди. Ҳеч қачон бирор кишининг истагини қайтармаган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам товоқни у кишига ҳадя этдилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу вақт-вақти билан Фирознинг уйига борар эдилар. Кейин:

“Ўша муборак товоқни келтир” дердилар. Ҳабибуллоҳ Расулимизнинг муборак қўллари теккан бу товоқни замзам билан тўлдириб, қониб-қониб сув ичардилар. Ортган сувни юз-кўзларига сепар эдилар. (Ибн-и Ҳожар, ал-Исоба, III, 202)

❁

Абу Жуҳайфа розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туш вақтидаги иссиқда Батҳога чиқдилар. Таҳорат олдилар. Пешин ва аср намозини икки ракатдан ўқидилар. Олдиларида унча узун бўлмаган бир найза бор эди... Ўша жойдаги кишилар ўринларидан туриб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак қўлларидан тутаётганларини ва юзларига суртаётганларини кўрдим. Мен ҳам қўлларидан тутиб, у муборак қўлни юзимга суртдим. Қўллари қордан ҳам совуқроқ эканига эътибор қилдим. Бироқ бу муборак қўллар мушкдан ҳам хушбўйроқ эди. (Бухорий, Маноқиб, 23)

❁

Анас бин Молик розияллоҳу анҳу Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳажлари ва асҳоби киром Расулуллоҳнинг сочлари билан табаррук учун бир-бирларидан олдинда бўлишга ҳаракат қилганлари тўғрисида шундай баён этадилар:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шайтонга тош отишни тугатганларидан сўнг қурбонликларини сўйдилар ва соч соқолларини олдирдилар. Сартарош аввал ўнг тарафдаги сочларини ушлаб қирди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Талҳани чақирдилар ва бу сочларни унга бердилар. Кейин сартарошга чап тарафдаги сочларини тутдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам “кес” дедилар. Сартарош сочларини кесди. У зот алайҳиссалом буларни ҳам Абу Талҳага бериб:

*“Буларни инсонлар орасида тақсимла”* деб марҳамат қилдилар. (Муслим, Ҳаж, 326)

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўзим тушганда, сартарош у зотнинг сочларини оларди. Асҳоблари ҳам одатдагидек, атрофларида парвона эдилар. Пайғамбар алайҳиссалом бир тола соч ҳам ерга тушмаслигини, муҳаққақ бир кишининг қўлига етишини истардилар. (Муслим, Фазоил, 75)

Саҳобаи киром Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюмлари ҳамда соч ва соқолларининг муборак толалари ила табаррук ҳолини яшар эдилар.

Улар жангларда ҳам бу табаррук ҳаяжонини бошдан кечирардилар. Бунинг энг гўзал мисолларидан бири қуйидагича:

Холид бин Валид розияллоҳу анҳу ҳам Ҳазрати Пайғамбарнинг сочларидан бир қанча муборак толасини ҳамёнларида сақлар эдилар. Ривоятга кўра сартарош Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг пешоналаридаги сочларини кесганида, Холид бин Валид розияллоҳу анҳу:

“Ё Расулуллоҳ! Пешонангиз сочини менга беринг! Бу хусусда ҳеч кимни мендан афзал кўрманг! Она-отам Сизга фидо бўлсин!” деб ёлворди.[94]

Сочлар берилганида, уларни олиб кўзларига суртди. Сўнг ҳамёнининг ўнг қисмига жойлаштирди. Шу туфайли у жангда тўқнашиб, мағлуб қилмаган бирор жамоат қолмади. Холид розияллоҳу анҳу:

94 Шу аснода Ҳазрати Абу Бакр р.а. Холид р.а.нинг Уҳуд, Хандақ ва Ҳудайбияда ҳам шундай қилганларини ўйлар, ўша ондаги ҳолларидан ҳайратланар эдилар. (Ибн-и Саъд, II, 174)

“Мен уни қайси тарафга йўналтирсам, ўша томонда фатҳ бўларди!” деганди.[95] (Воқидий, III, 1108; Ибни Асир, Усду-л-Ғоба, II, 111)

Яна Холид розияллоҳу анҳу Ярмоқ жангида бир саллани йўқотиб қўядилар. Аскарларига ўша саллани топишни буюрадилар. Бироқ улар қанча қидирсалар ҳам, уни тополмайдилар. Ҳазрати Холид яна излашларини айтадилар. Охири салла топилади. Улар бу салла ғоятда эски бир салла эканлигини кўрадилар. Саҳобийлар Холид розияллоҳу анҳу шу бир эски салла учун бу қадар қатъиятда бўлганларидан ҳайрон қолишади. Шунда Холид розияллоҳу анҳу қуйидагиларни сўзлаб берадилар:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сочларини кесган эдилар. Асҳоб у сочларни талашиб олдилар. Мен ҳам улардан бир неча тола олиб, шу салланинг ичига қўйгандим. Бу мен учун жуда барокатли бўлди. У билан кирган барча жангларим зафар билан натижаланди. Зафарларимнинг сирри ҳам менинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатимдир”. (Ҳайсамий, Мажмауз Завоид, IX, 349)

95 Аллоҳ Расулининг соч ва соқоллари билан табаррук хусусидаги жонли бир мисолни Ҳикмат Атан бей
шундай ҳикоя қилади: “Бу ҳодисани 1983 йилда Офлу Али Юсел Афандидан эшитганман. У Сулуованинг асосий жомеъ масжидида имом ва хотиблик қилган пайтларда қўшни қишлоқдан бир имом ёнига келади. Унга
“Хожам бошимдан бир воқеа ўтди, унинг маъносини чиқаролмадим» дейди. Сўнг ўша воқеани айтиб беради:
«Бир куни мен имомлик қилган қишлоққа яқинроқ бўлган қишлоқдан бир қучоқ китоб кўтарган кишилар келиб: “Устоз, отамиз вафот этди. Унинг китоблари бизга қолди. Фақат биз бу китобларни ўқий олмаймиз. Сиз ўқимишлисиз, улардан фақат сиз фойдалана оласиз. Бу китобларни сизга ҳадя қиламиз” дедилар.
Китобларни олдим. Уларни кузатиб юборганимдан сўнг, гуриллаб ёниб турган печ ёнига бориб ўтирдим. Китобларни кўриб чиқа бошладим. Уларнинг ичидан вафот этган имомнинг хатлари ва бир қанча қоғозлар чиқди. Шахсий мактублар бўлгани учун уларни тўплаб, оловга ташладим. Гуриллаб ёнаётган печдаги олов бирданига “тис” этиб ўчиб қолди. Даҳшатга тушдим ва қўрқиб уйдан ташқарига қочдим. Сўнг ортимга қайтиб, яна уйга кирдим.
У қоғозларнинг ичида соқоли шариф бўлганлигини бир қанча вақт ўтганидан кейин билдим”. Мен «Сиз буни қаердан билдингиз?” дедим. Имом: “Китобларни менга ҳадя қилган кишилар кейинроқ келиб:
“Устоз биз билмаган эканмиз, отамизнинг китоблари орасида қоғозлар бор эди. Уларнинг ичида соқоли шариф бор экан, уни бизга берасизми?” дейишди. Мен уларга ўша кундаги даҳшатли онлар ҳақида ҳам айтиб бердим”.

Асҳобнинг кўз ўнгида бўлиб ўтган бу ҳодисалар маънавият ва ҳис-туйғулар борлиқда моддий бир шаклда тарқалиши мумкинлигига яна бир далилдир. Муҳими, ҳаддан ошмаган ҳолда лойиқлик ила ўша инъикосдан файз оладиган уйғоқ қалб соҳиби бўлмоқликдир.

Асҳоби киромдан кейин салафи солиҳин ҳам (Аллоҳ улардан рози бўлсин) ўз даврларида табаррук билан боғлиқ бу хил ҳаракатларни давом эттирганлар. Қуйидаги ҳодисалар бунга ёрқин бир мисолдир.

Ибн Сирин айтадилар:

“Абидийга: «Бизда Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари бор. Уни Анаснинг оиласидан олганмиз» дедим.

У кучли бир ҳаяжон билан:

«Валлоҳи, у зотнинг бир тола сочларига эга бўлиш мен учун дунёдан ҳам, унинг ичидагилардан ҳам севимли ва қийматлидир» деди”. (Бухорий, Вуду, 33)

Аҳмад бин Ҳанбалнинг ўғли Абдуллоҳ шундай ҳикоя қилади:

“Отам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг соч толаларидан бирини олар ва уни лабларига қўйиб ўпар эдилар. Гоҳида кўзларининг устига қўярдилар.

Яна отам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг соч толаларини сувга ботирар ва у сувни ичардилар. Шу сув билан (табаррукан) Аллоҳдан шифо тилардилар.

Бир куни у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сув косаларини олдилар. Уни челак ичидаги сувда ювдилар. Кейин ўша сувдан ичдилар.

Отам тағин шифо нияти билан замзам сувидан ҳам ичар эдилар. Ундан қўлларига ва юзларига суртардилар”. (Зайнабий, Сиёрул Аъламин-Нубало, Байрут 1986-1988, XI, 212)

Абдуллоҳ отаси Аҳмад бин Ҳанбалдан Пайғамбаримиз минбарларининг юмалоқ қисми (Пайғамбаримиз алайҳиссалом хутба ўқиганларида қўлларини унинг устига қўйганлар) ва Ҳужраи Набавий (табаррукан) га қўл суртиш хусусида сўрайди. У киши бу ҳақда:

“Бунда бир зарар кўрмаяпман” деганлар. (Зайнабий, Сияр, XI, 212)

Қози Иёз айтадилар:

“Ибн Умар розияллоҳу анҳонинг қўлини Пайғамбаримиз минбарда ўтирган жойга қўйиб, сўнг юзига суртганини кўрган эдим”.[96]

Имом Аҳмад бин Ҳанбал билан Имом Шофеиъй Ҳазратлари орасида кечган ушбу ҳодиса ҳам бу хусусда гўзал бир мисолдир:

Имом Шофеиъйнинг талабаларидан бўлган Робий бин Сулаймон шундай сўзлайди:

Бир куни Имом Шофеиъй менга:

“Робий, бу мактубни ол. Уни Аҳмад бин Ҳанбалга юбор. Сўнгра унинг жавобини менга келтир” деди.

Мен мактубни олгач, ўзим Бағдодга бордим. Бомдод намозида Аҳмад бин Ҳанбал билан учрашдим. У киши билан бирга бомдод намозини адо этдим. Имом Аҳмад бин Ҳанбал масжиддан чиққанида, мактубни унинг ўзига бердим. Унга:

“Бу Мисрдаги биродарингиз Имом Шофеиъйнинг сизга юборган мактубидир” дедим. У мендан:

“Мактуб нима ҳақида эканлигини биласизми?” деб сўради. Мен:

“Йўқ” деб жавоб бердим. Шунда Аҳмад бин Ҳанбал мактубнинг устидаги муҳрни очиб, уни ўқий бошлади. Кейин бирдан кўзлари ёшланди. Мен унга:

“Эй Имом! Нима бўлди! Мактубда нима ёзилган экан?” дедим. У:

“Имом Шофеиъй тушида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрибди. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

*«Аҳмад бин Ҳанбалга бир мактуб ёз ва мендан ҳам салом айт. Шубҳасиз, у буюк бир фитнага учрайди ва ундан “Қуръон махлуқдир дейишини талаб қиладилар(!)” Ҳеч ҳам бу талабга бўйин эгмасин! Аллоҳ унинг исмини қиёматга қадар унуттирмайди. Бу исмни Ўзи юксалтиради»* дея марҳамат қилибдилар”.

Мен:

“Ё Имом! Бу сиз ҳаққингизда қандай буюк хушхабардир” дедим.

Шунда Имом Аҳмад бин Ҳанбал севинчдан менга устидаги кўйлагини ечиб берди. Мен эса мактубнинг жавобини олганимдан кейин



96 Қози Иёз, Шифо, II, 47, 71; Ибни- Таймия, Мажмаул Фатаво, I, 230.

Мисрга қайтдим. Мактубни Имом Шофеиъйга тақдим этдим. Шунда Имом Шофеиъй менга:

“Биз имом ҳадя этган бу кўйлакни олиб қўйиб, сени хафа қилмоқчи эмасмиз. Бироқ ҳеч бўлмаганда уни бир бор сувга ботир ва у сувни бизга бер. Биз ҳам у кўйлакнинг барокатига шерик бўлайлик” деди.[97]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жомеъ минбарларида минг бир авайлашлар ила муҳофаза қилинган соқоли шарифлари мавжуд. У асри саодатдан бугунги кунга қадар файзли малҳам каби етиб келган бир раҳматдир. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг азиз хотираларига кўрсатиладиган бундай буюк ҳурмат у зотга бўлган ишқ ва муҳаббат сабаблидир. Бу ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳис қилинган кўнгил робитасини қувватлантиради. Ахир қанчадан қанча Пайғамбар ошиғи бўлган мўминлар бу азиз хотираларнинг барокатидан фойдаланганлар.

Усмонли султонлигининг ҳеч бир Ислом давлатига насиб этмаган қарийб олти юз йиллик тарихи асл маънавиятга эътибор қаратганлиги сабаб янада юксалгандир. Усмон Ғозийдан машҳур бир ривоят келтирилган:

Ёвуз Султон Салим Хон ўзи меҳмон сифатида қолган бир уйда Қуръони Карим борлиги сабабли бутун кеча давомида оёқ узатиб ётмаган. У Хоннинг муқаддас омонатларини буюк бир эҳтиром билан Истанбулга келтирган. Бу муқаддас табаррукларга қирқ ҳофиз тайинлаб, уларнинг бошида асрларга татийдиган равишда узлуксиз Қуръони Каримни тиловат қилдирган. Ёвуз Султон Салим Хон Усмонли Давлатининг тилларга достон буюклигининг асосий маънавий соиқларидандир.

Истамбулда бугунги кунда ҳам Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳирқалари борлиги, мўминлар Тўпқопи Саройидаги муқаддас омонатларни зиёрат эта олишлари турк миллати ҳамда Ислом дунёси учун шараф ва табаррук василасидир.

97 Қрн. Ибнул Жавзий, Маноқибул Имом Аҳмад бин Ҳанбал, с. 609-610.

***Сизларга қабр зиёратини тақиқлаган эдим. Энди зиёрат қилаверинг. Чунки қабр зиёрати сизга охиратни хотирлатади.*** *(Термизий, Жаноиз, 60; Муслим, Жаноиз, 106)*

***Қабристонлар бир ҳикмат ва ибрат дарсхонасидир. Қабр зиёрати эса, энг таъсирли тафаккури мавт таълимидир.***

## С. ҚАБР ЗИЁРАТИ

Инсон ҳаёт оқимида яшаш қувончи ва ўлим қўрқуви сингари икки мудҳиш зидликнинг орасида тўлқинланиб туради. Доимий ўзгаришда бўлган ҳаёт ва ўлимнинг ҳақиқий маъноларини англамай туриб, инсоннинг асл моҳиятини, унинг яратилишдаги асл сир ва ҳикматни идрок этиб бўлмайди.

“Дунёга келиш ва дунёни тарк этиш” каби икки муаззам мажҳулликнинг орасида қолиб кетган идрок бу дунёнинг ҳақиқий баҳосига ета олмайди. Бунинг учун инсоннинг ҳол ва амаллари ўткинчи дунёнинг ёлғон кўланкалари оламидан қутулмоғи лозим. Шундан сўнггина ҳақиқат дунёсига қараб маънавий бир йўлчиликка чиқилади.

Мўминга келадиган ўлим Аллоҳдан вуслат саломи, шодлик, роҳат ва илтифотлар ичида бир ҳолдан бошқа бир ҳолга кўчишдир. Кофирлар ва фосиқлар учун эса, ўлим хорлик ва изтироб ичида жон беришдир. Дўзах олови денгизидан келадиган азоб пўртанасидир.

Башариятнинг энг муҳим ирфони тупроқнинг остидаги муаммони ечишдан бошланади. Инсон ўз мулоҳазалари, изланишлари, тадқиқотлари, қалбий теранлик ва чуқур туйғулар ила ўлим ҳақиқати атрофида парвона каби айланмагунича, “қабр” деб аталган бу сирли ўлканинг ҳақиқати унга аён бўлмайди.

Дарҳақиқат, ҳаётда инсон учун жуда муҳим икки насиҳатчи бордир. Булардан бири сўзлайди, бири жим туради. Инсон билан сўзлашадиган



насиҳатчи Қуръони Карим бўлса, чуқур жимлиги ила насиҳат берадиган бу ўлимдир.

Аждодларимиз қабристонларни ана шу ҳақиқат асосида шаҳар ўрталарида ва масжидларнинг кириш ҳамда чиқиш йўлларида қурганлар. Улар насиҳатчилардан бири бўлган ўлимдан етарли даражада ибрат олиниши учун шундай қилганлар. Шунингдек, қабристонларда узоқ вақт яшайдиган сарв дарахти экилган. У қишин-ёзин барглари сўлимайдиган, яшил рангини ўзгартирмайдиган бир дарахт бўлганлиги учун боқий дунё рамзи деб қаралган.

Ўлимнинг биз биладиган бир тили йўқдир. Бироқ у чуқур бир сукут ичра қанчалар муаззам маъноларни кўмгандир! Қабристонлар фоний ҳаётини тугатган она-ота, бола-чақа, ёр, хеш ақрабо ва дўстлар манзилидир.

Аллоҳнинг амрларига уйғун бир ҳаётни яшаган яшамаганимизга кўра шаклланадиган қабр олами ҳақида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Қабр ё жаннат боғчаларидан бир боғча ёки жаҳаннам чуқурларидан бир чуқурдир”* деган таъбирни қўллаб, ўлим билан ҳаёт орасида маҳкам боғланган бир робита борлигига ишора қилганлар. (Термизий, Қиёмат,26)

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу бирор қабрнинг ёнида туриб, соқоллари ҳўл бўлиб кетгунча йиғлар эдилар. У кишидан:

“Нега жаннат ва жаҳаннамни хотирлаганда йиғламайсиз, фақат қабрни хотирлаганда йиғлайсиз?!” деб сўрадилар.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу бу саволга шундай жавоб бердилар:

“Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман. У зот алайҳиссалом:

*«Қабр охират манзилларининг биринчисидир. Киши ундан қутула олса, кейингилари осондир. Ундан қутула олмаса, қабрдан кейинги манзиллар янада қийин ва янада шиддатлироқдир… Мен кўрган манзараларнинг бирортаси қабр қадар қўрқитувчи ва даҳшат берувчи эмасдир!»”* (Термизий, Зуҳд, 5/2308; Аҳмад, I, 63-64)

Бир куни Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳонинг олдиларига бир яҳудий аёл келди ва қабр азобидан баҳс этиб:





“Аллоҳ сени қабр азобидан асрасин!” деди.

Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қабр азоби тўғрисида сўрадилар. Пайғамбаримиз алайҳиссаллоту васаллам:

*“Ҳа, қабр азоби ҳақдир”* деб марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Оиша волидамиз айтадилар:

“Мен кейин ҳам Расулуллоҳнинг намоз ўқиганда, қабр азобидан истиоза этмаган вақтларини (“Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм” ни айтмаган вақтларини) кўрмаганман”. (Бухорий; Жаноиз, 87; Муслим, Масожид, 123)

Баро розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

“Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир жанозада бирга эдик. Пайғамбаримиз алайҳиссалоту васаллам қабр четида ўтириб йиғладилар. Шундай йиғладиларки, (кўз ёшларидан) тупроқ ҳўл бўлиб кетди. Сўнгра:

*«Эй биродарларим! (Ҳаммамизнинг бошимизга келадиган) шу ўлимга яхши тайёрланинг!»* деб буюрдилар”. (Ибни Можа, Зуҳд, 19)

Дарҳақиқат, қабристонлар бир ҳикмат ва ибрат дарсхонасидир. Қабр зиёрати эса, энг таъсирли тафаккури мавт таълимидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан аввал охиратга кўчган асҳобларининг қабрларини бир вафо ўрнаги ўлароқ тез-тез зиёрат этганлар ва уларга хайрли дуолар қилганлар.

Ҳатто Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуддаги шаҳидларнинг қабрларини зиёрат қилар ва шундай дер эдилар:

*“Сизларга сабр этган нарсаларингизга мос салом бўлсин! Сизлар учун охират юрти нақадар гўзалдир!”* (Табарий, Жомеъул Баён, XIII, 186; Ибни Касир, Тафсир, II, 529)

Яна у зот алайҳиссалом вақт- вақти билан Бақиъ қабристонига борар, уларга салом берар ва шундай дуо қилардилар:

*“Эй мўминлар юртининг сокинлари! Салом сизга. Бизлар ҳам иншааллоҳ сизларга қовушамиз. Аллоҳ таолодан ўзимизга ҳамда сизларга офият ва саломатлик тилайман”.* (Муслим, Жаноиз, 104)

Бир сафар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Оишанинг хоналарида ухлаб ётган эдилар. Тун ярмида Жаброил алайҳиссалом у зотни уйғотди ва келтирган амрини таблиғ қилди. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ алайҳиссаломни Бақиъ қабристонига боришларини ва у ерда дафн этилганлар ҳаққига дуо қилишларини истаган эди.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳони уйғотмасликка ҳаракат қилиб, секингина ўринларидан турдилар. У зотнинг ҳолатлари ҳануз ухламаган Оиша онамизнинг эътиборларини жалб қилди. Шу сабаб Оиша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан Жаннатул Бақиъ қабристонига қадар бордилар.

У ерда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўзларидан икки чашмадан оққан каби ёш оқизиб, умматларини дуо қилдилар. Оиша онамиз бу ҳолни кўриб, ўзларининг қилган ишларидан уялиб кетдилар. Ўша ерда бироз туриб, Пайғамбари Зишоннинг бу маҳзун ҳисларга тўла ҳолларини кузатдилар. Сўнг тезда уйга қайтдилар. Кўрпани бошларига тортиб, ўзларини ухлаётган каби кўрсатдилар. Ҳазрати Оишанинг ортларидан дарҳол уйларига қайтган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳолатни кўриб, ҳаммасини тушундилар. Оиша розияллоҳу анҳога:

*“Аллоҳ ва Расули сенга ҳақсизлик қилишидан қўрқдингми?”* (Муслим, Жаноиз, 103) дея танбеҳ бердилар. Шу тарзда бу амаллари Аллоҳ таоло тарафидан эканлигини билдирган бўлдилар.

Муоз бин Жабал розияллоҳу анҳу айтадилар:

“Пайғамбаримиз мени Яманга валий сифатида юборганларида, ўзлари Мадинанинг ташқарисига қадар кузатиб қўйдилар. Мен улов устида эдим. У зот эса, яёв эдилар. Менга баъзи тавсияларни айтганларидан сўнг:

*«Эй Муоз! Балки кейинги йилда мени кўрмассан! Эҳтимол шу масжидим ёки қабримга келарсан!»* дедилар.

Бу сўзларни эшитгач, Аллоҳ Расулидан айрилиқ сабаб етадиган ҳузунни ўйлаб йиғлай бошладим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*«Йиғлама, эй Муоз!»* дедилар ва юзларини Мадинага қаратиб:

*«Менга энг яқин бўлган инсонлар ким ва қаерда бўлса ҳам, Аллоҳга нисбатан тақво соҳиби бўлган тақводор инсонлардир»* деб марҳамат қилдилар". (Аҳмад, V, 235; Ҳайсамий, IX, 22)

Довуд бин Абу Солиҳ шундай дейдилар:

Марвон кунлардан бир кун юзини Расулуллоҳнинг қабри шарифларининг тошига қўйган бир кишини кўрди ва унинг ёқасидан тутиб:

"Нима қилганингни биласанми?" деди.

Кейин тошга бош қўйган киши Абу Айюб ал- Ансорий розияллоҳу анҳу эканликларини билди. Пайғамбар ошиғи бўлган бу саҳобий шундай дедилар:

"Ҳа, нима қилганимни биламан. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келдим, бу тошнинг олдига эмас. Зеро у зот алайҳиссаломнинг шундай деганларини эшитганман:

*«Динни ўз аҳли бошқарса, дин учун қайғурма. Бироқ аҳли бўлмаганлар динни тадбир қила бошласалар бундай қилолмайсан. Бундай пайтда дин учун қанча андиша қилсанг ҳам, йиғласанг ҳам ўринли бўлади»".* (Аҳмад бир Ҳанбал, V, 422)

Бу ҳодисада бир саҳобийнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабри шарифларига юз суртиб, у зотни зиёрат қилганини кўрмоқдамиз. Зеро Фахри Коинот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам тез-тез қабр зиёратида бўлганлар. Асҳоблари ва умматларини:

*"Мен сизга қабр зиёратини тақиқлагандим. Энди зиёрат қилаверинг. Чунки қабр зиёрати сизга охиратни хотирлатади"* (Термизий, Жаноиз, 60; Муслим, Жаноиз, 106)[98] дея бунга ташвиқ этганлар.

Тобеиндан Имом Шобий шундай дейдилар:

"Ансорлар яқинларидан бири вафот этганида, тез-тез зиёратга борар эдилар. Қабр ёнида Қуръон тиловат қилардилар". (Абу Бакр б. Ҳаллол, ал-Қироя индал қубур, №:7)

98 Жоҳилият даврида инсонлар аждодларига оид руҳларни муқаддас деб билганлар. Бу билан фахрланганлар. Қабрларни зиёрат қилганлар. Жаноби Пайғамбар ана шу ботил жоҳилият одатидан бирор бир асар қолмаслиги учун илк даврларда қабр зиёратини ман қилган эдилар. Бу таҳлика зоил бўлгач, бевосита тафаккури мавт мақсадида зиёратга изн берганлар.

Қабр зиёрати зиёрат қилган киши учун бир ибрат василаси бўлса, зиёрат қилинганлар учун ҳам бир раҳмат василасидир. Зеро қабрга кирган киши ботқоққа тушган инсон каби ёрдам кутади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар:

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қабрнинг ёнидан ўтаётганларида:

*"Иккиси ҳам азоб чекмоқда, фақат оғир бир гуноҳдан эмас. Бири сўз ташиганлиги ва бошқаси таҳоратни бузганида эҳтиёт бўлмаганлиги туфайли бу азобни кўраяпти"* дедилар.

Кейин хурмо новдаси олиб беришни сўрадилар. Уни иккига бўлиб, қабрларнинг бошига бир- бир суқиб қўйдилар. Сўнг сўзларида давом этиб:

*"Бу новдалар қуриб қолмагунча уларнинг азобларини осонлаштириши умид қилинади" дедилар.* (Муслим, Таҳорат, 111)

Муфассир Қуртубий бу ҳадиси шарифни шундай изоҳ қилади:

Ҳадиснинг "Қуриб қолмагунча" дейилган қисми новдалар яшил ҳолатдалик пайтида Аллоҳни васф этишларига ишора қилмоқда.

Уламолар бу ҳақда шундай дейдилар:

"Қабрларга дарахт экилиши ва қабр ёнида Қуръони Карим тиловат қилинишидан шу манзилда ётганлар фойда кўрадилар. Дарахт экилишининг ўзи бу манзилдагиларнинг азобларини шунчалар енгиллаштирар экан, бир мўминнинг Қуръон тиловат этишидан уларга қанчалар наф етиши аён бўлади. Бундан ташқари ўтганларга қилинадиган бундай ҳадя сабаб мўминларнинг ўзларига ҳам савоб етади". (Қуртубий, Тафсир, X, 267)

Вафот этган кишиларга Қуръон тиловати туфайли илоҳий раҳматдан фойда етиши учун асосан Ёсини Шариф ўқилади. Бу барча биладиган ва тадбиқ этадиган бир услубдир.

Ҳадиси шарифларда буюрилади:

*"...Ёсин Қуръоннинг қалбидир. Бир киши уни Аллоҳнинг ризосини ва охират юртини талаб қилиб ўқиса, муҳаққақ гуноҳлари кечирилади. Шундай экан, бу дунёдан ўтганларга ҳам Ёсин сурасини ўқинг".* (Аҳмад б. Ҳанбал, Муснад, V, 26)

*“Сизлардан бирор киши вафот этса, кўп куттирманг. Уни қабрга қўйинг. Дафн қилган вақтингизда бирортангиз унинг бош тарафида Фотиҳа сурасини, оёқ тарафида Бақара сурасининг охирги қисми (Аманар Расулу) ни ўқинг”.* (Табароний, ал-Мужамул Қабр, XII, 340; Дайламий, Муснад, I, 284; Ҳайсамий, Мажмауз Завоид, III, 44)

Ало бин ал-Лажлож асҳоби киромдан бўлган отаси Лажлож вафот этаётганида, уларга шундай васият қилганлигини айтади:

“Мени қабрга қўйганингизда, шу насиҳатларимга амал қилинг:

«  ..» (Бисмиллаҳ ва ало суннати Расулуллоҳ)[99] деб, устимга тупроқ ташланг. Бош тарафимда Бақара сурасининг аввали ва охирини ўқинг. Шубҳасиз, мен Абдуллоҳ бин Умар шундай қилишни жуда гўзал амал деганига гувоҳ бўлганман”. (Вайҳақий, ас-Сунанул Қубро, IV, 56)

Саҳобаи киромдан Амр бин Ос розияллоҳу анҳу вафот этаётган чоғида атрофдагиларга васият сифатида айтган қуйидаги сўзлар ҳам диққатни жалб этади:

“Мени қабримга дафн қилган вақтингизда, бир туя сўйинг. Туянинг гўштини бўлишга кетадиган вақт давомида бошимда кутинг. Зеро сизнинг борлигингизда янги ҳаётимга ўрганиш имконини топай ва Раббимнинг элчиларига берадиган жавобларимни тайёрлай”. (Муслим, Иймон, 192)

Бу ҳадисни ўз китобида келтирган Нававий Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳнинг шу сўзларини ривоят қилган:

“Мозорнинг бошида Қуръондан оят ва суралар ўқиш мустаҳабдир. Қуръоннинг ҳаммаси ўқилиши (хатм қилиниши) эса, янада гўзалдир”. (Нававий, Риёзус- Солиҳийн, 293)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ривоятларига кўра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб марҳамат қилганлар:

*“Қабрдаги ўлик денгизда чўкаётганида бўғилаётган ва даҳшат ичида қолиб ёрдам сўраган киши кабидир. У отасидан, онасидан, биродаридан, самимий ва содиқ дўстидан келадиган дуони кутади. Агар унга бир дуо келса, бу унинг учун дунё ҳамда дунёнинг ичидагилардан ҳам қийматли ва севимли бўлади. Шубҳасиз, Аллоҳ қабр аҳлига, дунёдагиларнинг*

99 Аллоҳнинг номи билан ва Расулуллоҳ с.а.в. нинг суннатларига асосан (Сени Ҳаққа омонат қилаяпмиз)

*дуоси барокати билан тоғлар қадар ажр беради. Тириклар ўликларга юбора оладиган энг яхши ҳадя, улар учун истиғфор айтиш ва улар номига садақа беришдир".* (Дайламий, Муснад, IV, 103/6323; Али ал-Муттақий, XV, 694/42783; XV, 749/42971)

Усмон бин Аффон розияллоҳу анҳунинг ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор ўлик дафн этилганидан сўнг, қабр бошида шу сўзларни айтар эдилар:

*"Биродарингиз учун истиғфор айтинг ва Аллоҳ қабрда бериладиган саволлар қаршисида уни тўғри жавоб беришга муваффақ қилиши учун дуо қилинг. Чунки у шу онда сўроқ қилинмоқдадир".* (Абу Довуд, Жаноиз, 67-69/3221)

Жобир бин Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу айтадилар:

Саъд бин Муоз розияллоҳу анҳу вафот қилганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бордик. Пайғамбаримиз Саъднинг жаноза намозини ўқиб, уни қабрга қўйдилар. Қабр устига тупроқ тортилгач, узоқ вақт дуо қилдилар. Биз ҳам дуо қилдик. Сўнгра такбир келтирдилар. Биз ҳам шундай қилдик. Кейин:

"Ё Расулуллоҳ! Нега дуо қилдингиз? Нима сабабдан такбир келтирдингиз?" деб сўралди. У зот алайҳиссалом:

*"Аллоҳ кенглик бергунга қадар қабр бу солиҳ қулни сиқиб турган эди" деб жавоб бердилар.* (Аҳмад бин Ҳанбал, Муснад, III, 360)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

"Саъд бин Муоз дафн қилинганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қабри бошида оёқда туриб, шундай марҳамат қилдилар:

*"Агар бирор киши қабр фитнасидан қутуладиган бўлганида, шубҳасиз, Саъд бин Муоз қутуларди. Бироқ қабр уни олдин сиқди. Кейин Аллоҳ унга кенглик берди".* (Табароний, Муъжамул Кабир, X, 334)

Бу ривоятлардан қабрларни зиёрат этиш, у ердагиларга салом бериш, дуо қилиш, истиғфор айтиш, улар номига хайр ва ҳасанот қилиб Қуръони Карим тиловат этиш майитлар учун бир раҳмат василаси эканлиги тушунилмоқда. Қуръони Каримда Раббимиз биздан олдин охиратга

кўчган мўмин биродарларимиз учун шундай дуо қилишимизни баён этмоқда:

**“.....”** (ал-Ҳашр, 10)

Қабр зиёратининг диққат қилиниши лозим бўлган бошқа бир томони эса, баъзи янглиш амаллар ва бидъат ҳаракатлардан қочишдир.

Аҳли суннат уламоси мўминлар ифрот ва тафритдан ҳимояланишлари учун қабр зиёратига боғлиқ жуда кўп нарсаларни ёзиб қолдирганлар. Бу ҳақда айтиб ҳам ўтганлар. Афсуски, бу хусусдаги янглиш татбиқотларнинг ҳар икки томони, яъни ифрот (бўрттириб кўрсатиш) ҳам, тафрит (камайтириб кўрсатиш) ҳам бугунги кунга қадар етарлича бартараф этилмаган.

Қабр зиёратига оид қарашлар саёз диний билимга эга бўлган кўплаб инсонларни чалғитади. Шу сабаб бундай зиёратларга боғлиқ ҳиссиётлар ҳамда одатларни ифрот ва тафритдан поклаш жуда мушкул ишга айланган. Зеро Одам Ато авлодлари қабр зиёрати ҳақиқатларини етарлича қамраб ололмаганлар. Бу ҳол баъзилар қабр зиёратига ширк мазмунини беришларига олиб келган. Бунга қабрларнинг бошида шам ёқиш, латта боғлаш ва бевосита қабрда ётган зотдан сўраш кабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин... Бу худди насронийларнинг ягона Аллоҳ тушунчасини қамраб олишдаги кифоятсизликлари сабабли маъсум бир набий бўлган Ҳазрати Исога улуҳият беришлари каби бир заифлик ва ожизликнинг тазаҳҳуридир. Қабр зиёратини “ширк” деб қарашни илгари сурадиганлар эса, ифротнинг акси бўлган тафритга уйғун бир ҳаракат билан айни хатони такрорламоқдалар.

Ислом ҳар масалада бўлгани каби қабр зиёрати хусусида ҳам итидол (ўртачалик) тамойилини асос қилиб олмоқда. Юқорида баён қилинганидек, Ҳазрати Пайғамбар ва асҳоби киромнинг қабр зиёрати билан боғлиқ сўзлари ҳамда амаллари бизга бу хусусда ифроту тафритга тушмасдан қандай ҳаракатланиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шундай дейдилар:

Саъд бин Убода розияллоҳу анҳунинг онаси вафот этганди. У киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб:

“Эй Аллоҳнинг Расули! Онам ёнида бўлмаган пайтимда вафот этди. Мен онамнинг номидан садақа берсам, унга фойдаси тегадими?” деб сўради.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Ҳа”* деб жавоб бердилар. Шунда Саъд розияллоҳу анҳу:

“Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз ҳам шоҳид бўлинг, мен мева боғимни онам номига тасаддуқ қиламан” деди. (Бухорий, Васайо, 15)

Абдурраҳмон бин Абу Амронинг айтишича, онаси бир қул озод қилишни ният қилиб, буни тонгда амалга оширишни режалаштирганди. Бироқ тонг отмасдан вафот этади. Абдурраҳмон Қосим бин Муҳаммаддан:

“Мен онамнинг номидан бир қул озод қилсам, бунинг онамга фойдаси тегадими? Савоби унга етадими?” деб сўрайди. Қосим бин Муҳаммад унга:

“Саъд бин Убода Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келиб:

«Онам вафот этди. Мен унинг номига бир қул озод қилсам, унга фойдаси тегадими?» деб сўраганди. Аллоҳ Расули: «Ҳа!» деб марҳамат қилдилар” деб жавоб берди. (Муватто, Итк, 13)

Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ўғли, Оиша онамизнинг биродарлари Абдурраҳмон ухлаб ётганида тўсатдан вафот этганди. Оиша розияллоҳу анҳу бу биродарининг хайрига жуда кўп қул озод қилдилар. (Муватто, Итк, 14)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар:

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб:

“Ё Расулуллоҳ! Онам вафот этди. Онамнинг бир ойлик рўза қарзи бор эди. Мен унинг номидан шу қарзни тўлайми?” деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Онангнинг мол қарзи бўлса, унинг номидан тўламасмидинг?” деб сўрадилар*.

У “Албатта, тўлар эдим!” деганида, Пайғамбаримиз алайҳиссалоту васаллам:

*“Аллоҳнинг қарзи тўланишга янада лойиқдир”* деб марҳамат қилдилар. (Муслим, Сиём, 155)

Бошқа бир ривоятда ҳам Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Онангни қарзи бўлса ва уни сен тўласанг, бу қарз унинг ўрнидан тўланган бўлармиди?”* деб сўрадилар.

Муҳаттаблари “албатта” деганида эса:

*“Ундай бўлса, унинг ўрнидан рўза тут!”* деб буюрдилар. (Муслим, Сиём, 156)

Ҳидоят раҳбаримиз Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Инсон ўлганидаёқ бутун амаллари кесилади. Фақат шу уч нарса бундан мустаснодир:*

*Садақаи жория, фойдаланилган илм ва ўша инсон учун дуо қиладиган хайрли авлод”* деб марҳамат қилгандилар. (Муслим, Васиййат, 14)

Бу ҳадиси шарифлар мўминлар омонлик пайтларида адо этган амаллари ва вафотларидан кейин ҳам давом эттирилган хайрли амаллардан фойда кўришларини баён этмоқда. Айниқса, уларга ҳаётликларида яқин бўлган инсонларининг ҳамда мўмин биродарларининг дуолари ва инфоқларидан манфаат етиши билдирилмоқда. Ҳар бир инсоннинг яқинлари ва биродарлари бу хайрли амалларни бажаришлари лозимлигини таъкидламоқда.

Ҳақиқатан, охиратга кўчган бир мўминнинг ортидан савоби унга етишини ният қилиб, бир қатор хайрлар амалга оширилиши керак. Юқоридаги ҳадиси шарифнинг ҳукмига кўра вафот этган бир мўминнинг хайрли амаллари давом эттириладиган муддатда унинг ажри ҳам давом этади. Амал дафтари ёпилмайди.

Бу дунё билан видолашиб, ёлғиз ўзи қабр оламига кирган мўминнинг ворислари ва ҳақиқий дўстлари бир вафо қарзи ўлароқ турли хайрлар қилишлари энг фазилатли амаллар сирасига киради. Жумладан, майитнинг қарзларини тўлаш Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан ташвиқ этилган амали солиҳдир. Пайғамбари-

миз соллаллоҳу алайҳи васаллам жанозага борганларида, ўша инсоннинг қарзлари ҳақида сўрар эдилар. Агар унинг қарзлари бор бўлса, бу қарзлар тўлангандан сўнг жаноза намозини ўқирдилар. Бу ҳол майитларимизга осонлик бўлиши учун бизларга берилган нозик бир марҳамат таълимидир.

Бу хусусда Имом Муҳаммаднинг заруратлар туфайли рўзасини тута олмаган ва унинг қазосини тутишга ҳам кучи етмаган киши учун бир ижтиҳоди мавжуддир. Рўзанинг ўрнига фидя берилишига ўхшаб кетадиган ва ўқилмай қолган намозлар авф этилишидан умид қилинадиган бу ижтиҳод "исқоту салот" дейилади. Бунга кўра ўқилмаган ҳар вақт намоз учун фақир кишига бир кунга етадиган озиқ -овқат ёки шунга мувофиқ келадиган аниқ бир маблағ инфоқ этилиши керак. Фақат бу инфоқ муҳтож кишига миқдор жиҳатидан ҳеч бир ўзгаришсиз етказилиши лозимдир.

Имом Муҳаммад Ҳазратларининг бу ижтиҳодида муҳим фойдалар бордир:

a) Инфоққа ташвиқ қилиниши ва инфоқ қилганнинг ажрга ноил бўлиши;

b) Муҳтожларнинг майитнинг ҳаққига самимий дуо қилишлари;

c) Майит учун Жаноби Ҳақнинг авф ва раҳматидан умид қилиниши.

Майитнинг хайрига бериладиган "исқот",[100] яъни майитнинг ибодатларига каффорат берилиши бугунги кунда "давир"[101] дея амалга оши-

100 Соқит бўлиш: Бу – вафот этган шахс ибодатларининг каффорати учун камбағалларга нақд бадал (пул ёки таом) беришдир. Яъни марҳумнинг намози, рўзаси, қурбонлиги, назри ва каффоратларини унинг ўрнига адо этмасдан шариатда белгиланган муайян маблағни эҳтиёжмандларга эҳсон қилишдир. (Ҳайратдин Караман, Абадият йўлчисини кузатаркан, с. 81-85)

101 Давир: Бу – маълум миқдордаги пулни ҳамёнга солиб, кейин уни камбағалларга бериш. Сўнгра ўша пул (келишувга кўра) камбағаллардан ҳадя сифатида қайтариб олинади. Бу иш то қарздорлик тугагунча давом эттирилади. Бу каби татбиқот Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳам, тобеъин ёки табаъа тобеъинларининг даврларида ҳам бўлмаган. Фақат ҳижрий иккинчи асрининг охирларига келиб, давр тақозосига кўра "Соқит қилиш" жоиз ҳисоблана бошлади. Аммо "соқит қилиш"нинг "таҳвил" кўриниши ҳижрий бешинчи асрдангина урфга кирди. Бугунги кунга келиб эса, "таҳвил"ни одамлар Исломий манбаларга асосланган деб ўйлашлари одатга айланди. Аслида у инсонни эҳсонда бахилликка, ибодатда дангасаликка ундайдиган бидъатдир. Шунинг учун мусулмон киши бу одатдан воз кечиши керак. Бунинг ўрнига марҳум номидан

рилмоқда. Бу шаклда у асл мақсадидан узоқлашиб, Исломнинг руҳига зид бир моҳият касб этмоқда.

**“Давир”** номи берилган бу амал татбиқ этилгани сайин ўзига хос бир ҳийла-найрангга айланиб бормоқда. Бу хил янглиш амаллар татбиқи сабаб адо этилмаган ибодатларнинг каффорати худди инфоқ этилмаган садақага ўхшаб қолмоқда. Охират диёрига кўчган бир кишининг устида ноаниқ намоз қарзлари[102] бўлса, бу қарз у инсоннинг бўйнидан соқит бўлиши учун ўртага бир миқдор пул қўйилади. Аслида бу пул холис ният ила эҳтиёжмандларга берилиши керак. Бироқ ўша пул кўпинча бир неча киши орасида *« قَبِلْتُ олдим, қабул қилдим; وَهَبْتُ ҳиба қилдим»* ифодалари билан қўлдан қўлга ўтаётганлиги афсусланарлидир. Гўё шу йўл билан инфоқ қилинган маблағнинг миқдори оширилмоқда.

Бундай инфоқ қилишда кўпчиликка олдиндан аниқ бўлган бир ният билан оз миқдордаги пул берилади. Кейин бу пул қайтариб олинади. Шу пул яна бошқа бир кишига бериб, ундан ҳам қайтариб олинади... Бунда бу маблағ ҳозир бўлганларнинг адади қадар кўпайишига ва хайр ортишига ишонилади. Бу ишни қиладиганлар фақат ўзларини алдайдилар, холос. Чунки бу чиркин бир бидъатдир.

Айниқса, бадавлат инсонларнинг бундай йўлга ўтиб олишлари ва ундан бир натижа умид қилишлари ҳайратланарли бир ҳолатдир. Устига устак бу ҳолат ташқаридан қараганда, ўта мантиқсизлик билан амалга ошириладиган ва Аллоҳни алдашга уриниш деб қараладиган беҳуда бир машғулотдан бошқа нарса эмасдир.

**Ё Раб! Ниятларимизни Ўз ризоинг ила зийнатла! Бизни дунёга шўнғиб, ўзини шу кўлмак ичра ҳалок қилинганларнинг оқибатидан асра! Эй марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси бўлган Раббимиз! Ҳаётимиз ва ўлимимизни солиҳ қулларингга лутф қилинган баро-**

---

садақа бериши, унинг учун хайрли ишлар қилиши ва бу амалларни марҳумнинг гуноҳлари кечирилиши учун васила қилиши лозим. Шу йўл билангина мусулмон киши суннатга мувофиқ иш қилади. Унинг молиявий ибодатлари, яхши амаллари ва садақалари уларнинг ҳақиқий эгаларига, яъни муҳтожларга етиб боради. (Ҳайратдин Караман, Абадият йўлчисини кузатаркан, с. 81-85)

102 Бундай намозлар вафот этган бир кишининг ҳаётлик вақтида бажара олмаган ёки ихлос ва ҳушуъ каби ботиний шартларга лойиқ равишда риоя қилолмаган намозларидир. Бу жойда ўрнига тўлаш йўлига ишониб, дангасалик ва танбаллик сабабли адо қилинмаган намозлар қасд этилмаган.

**катинг, неъматинг, улвий гўзалликларинг ҳамда Ўзингга вуслат этмоқ ила музайян ва мукаммал айла!**

**Ё Раб! Коинотни илоҳий муҳаббат назари ила кўрмоқликни, унда шуур, туйғу, виждон титроқлари ва иймоний ҳаяжонлар савияси ила сайр этмоқликни, кўзлардан оққан надомат шабнамлари ила ғуфрон иқлимига етишмоқликни, Сенинг ҳузурингга ёруғ юз ва виждон ҳузури ила бормоқликни жумламизга насиб эт!**

**Амийн.**

# БЕШИНЧИ БЎЛИМ

# ҲАҚ ДЎСТЛАРИДАН НАСИҲАТЛАР




*“Хуш кўр”*

***Ҳақ дўстларининг танбеҳлари ҳамда насиҳатлари Қуръон иқлимидан ва Расулуллоҳнинг суҳбатларидан бир аксдир.***

# ҲАҚ ДЎСТЛАРИДАН НАСИҲАТЛАР

Тасаввуф йўлида зоҳири ва ботинини камолотга етказа олган, қалби босқичма-босқич босилган қадамлар ила ахлоқ мукаммаллигига эришган Ҳақ дўстлари “Варосат ул-анбиё” номи ила шарафланган бахтиёр зотлардир. Улар набавий иршод ва хулқ мукаммаллигининг даврлар оша юксалган чўққилари ҳисобланадилар. Яъни улар Пайғамбар алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобаларини кўриш шарафига ета олмаганлар учун амалий жиҳатдан аниқ бир йўл кўрсата олган раҳбарлардир.

Ҳадиси шарифда келтирилади:

“(Зоҳири ва ботинини камолга етказа олган, илмини ирфон ҳолига келтирган) олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир”. (Абу Довуд. Илм, 1)

Аллоҳ таолонинг Раҳмон ва Роҳим исмларининг кашф зуҳурларига ноил бўлган бу комил мўминларнинг табиатлари моҳиятан марҳамат ва шафқат туйғуларига уйғун ҳолатдадир. Яна бу солиҳ мўминлар “нафсий, нафсий” демоқликдан, яъни ўз ғамини ўйламоқликдан қутулиб, “уммати, уммати” дея ўзгалар қайғусини ўйламоқлик ҳолига эришадилар. Инсонларни тўғри йўлга йўллаб, иршод ила ҳаёт кечирадилар. Уларнинг иршод ила ўтган умрлари вужудлари бу фоний дунёни тарк этганидан кейин ҳам давом этаверади. Бундай комил зотлар ўз нафсларини ислоҳ этиш натижасида руҳларини кўприк айлаб, илоҳий вуслатга етадилар. Умматни ҳам шу йўлдан олиб ўтиб, Раббиларига эриштирмоқ ғайрати ичида бўладилар. Улар нажотга ошиққан авом халқнинг муаллимларидир. Аллоҳ ва Унинг бандалари қаршисида башарнинг масъулиятини ўз зиммасига олган қаҳрамонлардир.

Ҳақ дўстларининг танбеҳлари ва насиҳатлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатлари аксидир. Зеро маънавий истеъфоданинг маркази у зотдир. Руҳий ҳаяжонга тўла суҳбатлар, танбеҳлар ва

насиҳатлар ўша марказдан келаётган тасодиф чақмоқларининг чақинларидир. Шу боис Ҳақ дўстларининг бундай мажлисларини ғанимат билмоғимиз лозимдир. Чунки улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йигирма уч йиллик пайғамбарликда кечган ҳаётларини ўз сўзлари, ўз амаллари ва ҳассосиятлари ила умматга акслантириб бера олган ўрнак шахсиятлардир.

Ҳақ дўстлари нур атрофида айланадиган капалаклар сингари Мавло муҳаббати ила ўзларини унутар ҳолга келгандирлар. Уларнинг кўрар кўзлари ва эшитувчи қулоқлари Мавлодир. Улар Ҳақ ишқи ва муҳаббатининг тажаллиси остида бўладилар. Шунинг учун бир парча қоғоз ёруғлик акси таъсирида ёнгани каби уларда ҳам нафсоний мойилликлар ўз умрини тугатгандир. Шундай бир нур чулғаган жозиба маркази ҳолига келганликлари сабаб бошқа инсонлар ҳам гоҳ ўз хоҳишлари ила, гоҳ беихтиёр уларга муҳаббат қўядилар. Кўнгиллари тўғри улар томонга оқади. Уларнинг танбеҳлари ва насиҳатлари руҳларига малҳам ва шифо бўлади.

Ана шундай улвий уфқ ва маънавий фаросатга ноил бўлган Ҳақ дўстларининг танбеҳлари, иршодлари ва насиҳатлари ғофил кўнгилларни уйғотишда илмига амал қилмаган кимсаларнинг насиҳатидан кўра қадрли ва таъсирлидир. Шу жиҳатдан уларнинг беқиёс таъсирга эга насиҳатларини бир неъмат деб билмоқ ва ана шундай мулоҳаза билан уларнинг иршодларига кўнгил бермоқ лозимдир. Бундай самимият ва меҳр ила улар кўрсатган йўлдан бориш эса, руҳларга ором бағишлаши аниқдир.

**Энди эса Ҳақ дўстларининг саодат йўлини абадий ёритиб турадиган истиқомат қандиллари мавқеидаги насиҳатларидан бир нечтасини келтириб ўтамиз**:

**Ҳасан Басрий қуддиса сирруҳу (д. 642, в. 728)**

Эй Одам фарзанди! Ҳақиқий мўмин эҳсон соҳиби бўлса ҳам, барибир ҳар тонг қўрқув билан уйғонади. Зотан бу унга муносибдир. Бундай мўмин оқшомга ҳам худди шундай қўрқув билан етади. Ҳа, у ҳар вақт ана шу икки қўрқув орасида бўлади.

1. Ўтган гуноҳлар: Бу гуноҳлари туфайли Аллоҳ таоло унга қандай муносабатда бўлишини билолмайди.

2. Келажакдаги ҳаёти: Қандай ҳаёт кечиради? Қандай жон беради? У доимо шу саволларнинг жавоблари ҳақида фикр юритади.

Эй инсонлар! Бу ҳақиқатни англаб етинг. Солиҳ амаллар қилинг. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўриб турибди. Сиз бир кун ғайбни ва ошкорни билувчи Аллоҳга қайтарилурсиз. У ўша кунда қилган барча амалларингиз ҳақида сизга бирма-бир билдиради.

Қалбларингизга эътиборли бўлинг. Уларни доимо Аллоҳ зикри билан янгиланг. Зеро қалб тезда занглайди. Нафсларингизни ҳам тозгинланг. Чунки у жуда очдир. Агар нафсларингизнинг ёмон ниятларига моне бўлмасангиз, у сизни бир кун қўрқинчли тубсизликка тушириб юборади.

Ўз хатоларингиз турганда, бошқаларни айбламанг. Бундан воз кечмагунингизча, мукаммал эътиқодга эга бўлолмайсиз. Шундай экан бировнинг айбига қарашдан олдин, ўз айбингизга назар ташланг. Аввал уларни тузатиб, кейин ишга киришинг!

Эй инсонлар! Қуръони Карим мўминлар учун шифо, тақводорлар учун раҳбардир. Ким унга амал қилса, ҳидоятга эришади ва тўғри йўлда бўлади. Ким ундан юз ўгирса, бадбахт бўлади ва фалокатларга тортилади.

Эй Одам фарзанди! Ёлғиз бир ўзинг ўласан, ёлғиз ўзинг тириласан ва ёлғиз ўзинг ҳисобга чақириласан!

❁

**Молик ибн Динор қуддиса сирруҳу (в. 748)**

Дунёда бу икки нарсадан бошқа сафоли ҳолат қолмаган:

1. Биродарлар билан учрашиш ва суҳбатлашиш;

2. Таҳажжуд намозига туриш ҳамда ўша муборак вақтда тўйиб-тўйиб зикр қилиш ва Қуръон билан машғул бўлиш.

❁

**Жаъфар Содиқ қуддиса сирруҳу (д. 699, в. 766)**

Агар бир солиҳ амал қиладиган бўлсанг, ўша амални кам деб бил ва уни сир тут. Чунки ўз амалингни кичик деб билсанг, ужубга кетмайсан. Агар уни сир тутсанг, камчилиги билинмайди ва фазилати ортади. Агар шошилсанг, тезроқ ўша солиҳ амалга етасан. Чунки нафс заифлашиб, уни кечиктириши ё ундан воз кечтиришга ҳаракат қилиши мумкин.

Агар мўмин биродаринг ҳақида ўзингга ёқмайдиган бирор нарса эшитсанг, унинг бу ҳаракатини оқлайдиган узри борлигини тушун. Билмасанг, балки мен тушунмайдиган бир узри бордир деб айт. Ёхуд унинг айбини сир тут!

❁

**Суфён Саврий қуддиса сирруҳу (д. 713, в. 777)**

Илм Аллоҳга нисбатан итоатда бўлиш, Унинг амрларини ўрнига қўйиш ва Ундан қўрқиш учун ўрганилади. Илмнинг фазилатлар жиҳатидан устунлиги инсон ўзига англатилган юксак туйғуларга соҳиб бўла олиши учундир. Агар шундай бўлмаганида, у ҳам бошқа нарсалар қаторида саналар эди.

Хуросонга бориб таблиғда бўлмоқ сен учун Маккада қўшни бўлиб яшамоқ (у ерда иқомат этмоқдан) дан фойдалидир.

Билим олишнинг биринчи шарти уни қандай эгаллаш йўлларини излашдир.

Қачон илм қўлга киритилса, ана шунда амалнинг вақти келади...

Кейин сукунат ва тафаккур...

Ундан кейин эса, коинотга ибрат назари ила боқмоқ...

❁

**Жунайд Бағдодий қуддиса сирруҳу (в. 909)**

Аллоҳ ила суҳбат, яъни У билан бирга бўлиш гўзал одоб, улуғворлик ва муроқаба ҳолининг бардавомлиги биландир;

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан суҳбат у зотнинг суннатларига ва сияр (суннатнинг кўплик шакли) га риоя қилиш биландир;

Авлиё зотлар ила суҳбат эҳтиром ва хизмат биландир;

Аҳли аёл ила суҳбат гўзал ахлоқ биландир;

Ихвон (биродарлар) ила суҳбатлашиш доимо очиқ юзли бўлиш ва уларни хурсанд эта олиш биландир;

Оддий одамлар билан суҳбатлашиш дуо ва раҳмат орқалидир.

**Имом Ғаззолий қуддиса сирруҳу (в. 1111)**

Ўғлим! Шу уч ибодатда қалбинг тўлиқ ҳушёр ҳолатда бўлсин, ақлинг ва қалбинг бошқа жойда бўлмасин! Булар:

Қуръон тиловат қилаётганингда, Парвардигорни зикр этаётганингда, намоз ўқиётган вақтингда.

Бу уч ҳолатда бир лаҳзага бўлса ҳам, ақлинг ва қалбингни бошқа жойга берма. Аллоҳнинг ҳузурида эканлигингни унутма!

Мабодо юзингни қиблага бурганингда ақлинг бошқа нарсалар атрофида бўлса, унинг қадри заифлашади. Юзингни Ислом учун илк муқаддас жой бўлмиш Каъбага қарат, қалбингни эса Аллоҳга боғла!

Агар орифлардан бўлишни истасанг, сукутинг фикр, назаринг ибрат ва тилагинг итоат бўлсин. Зеро бу уч хислат орифларнинг аломатидир.

Ўғлим! Банданинг қарзидан жуда ҳам эҳтиёт бўл! Арзимас бир қарз сабаб ҳам кўплаб қабул қилинган ибодатларнинг савоби бекор кетади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қарздор ҳолда вафот этганларнинг жаноза намозини ўқимас эдилар. Бадавлат кишилар марҳамат кўрсатишлари ва олган қарзларидан воз кечишлари учун шундай қилар эдилар. Мўмин беҳудага қарзга ботмайди. Аммо зарурат туфайли қарздорлик ҳолатига тушиб қолган ва уни қайтариш ниятида олган бўлса, Аллоҳ таоло унга албатта ёрдам беради. Ҳатто қарздор киши қарзини қайтара олмай вафот этадиган бўлса, Аллоҳ таоло унга қиёматда ёрдам беради.

Инсон қийинчиликлар келганида ҳам шукр қилиши керак. Чунки куфр ва гуноҳлардан бошқа бало йўқ. Келган қийинчиликнинг ичида сен билмаган яхшилик бўлиши мумкин! Аллоҳ сен учун нима яхши эканлигини сендан кўра яхшироқ билади. Ўзинг ёмон деб ўйлаган кўп нарсалар

борки, у сен учун хайрли бўлиши мумкин. Ўзинг яхши деб ўйлаган кўп нарсалар борки, аслида у сен учун ёмондир. Энг бехавотир йўл илоҳий инъомга рози бўлмоғинг ва ҳар ҳолингга шукур келтирмоғингдир.

Ўғлим! Агар сен эҳтиёт бўлишинг керак бўлган бир жиҳат бор бўлса, у кимлар билан ҳамнафас бўлганлигингдир. Шуни яхши билингки, бир савat нуқсонсиз олма савat ичидаги бир дона чириган олмани тузата олмайди. Лекин битта чириган олма саватдаги барча олмаларни чиритади. Шунинг учун ҳамиша солиҳлар билан ҳамнафас бўл!

Яхши дўст ҳам гул ёғи сотадиган сотувчига ўхшайди. Ундан гул ёғини ё сотиб оласан ё у сенга бироз гул ёғи суртади. Ҳеч бўлмаганда, сен унинг олдида бўлган вақтингда ўзинг билан хушбўй бир ифорни олиб юрасан.

Инсон севган инсонлари билан бирга бўлади. Дунёда кимни севсанг ва ким билан бирга бўлсанг, қиёматда у билан бирга қайта тириласан. Шу сабаб ўз илмига амал қиладиган уламолар ва солиҳларнинг суҳбатида бўлишни давом эттир!

Ўғлим! Ҳаётда ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг тақсими биландир. Аллоҳ кимга молу дунё ва кимгадир фақирлик берган. Кимни соғлом ва кимнидир ногирон қилиб яратган. Айрим инсонларга илм берган ва айрим инсонларни жоҳиллигича қолдиргандир. Фақат шу шаклда дунё тартибига эришилади.

Ўзингдан пастроқ одамларни учратган вақтингда, ғурурланиб уларни ҳақир кўрма! Сен уларнинг ўрнида, улар сенинг ўрнингда бўлишлари мумкин. Шундай экан буни англаб етиб, фақир кишилар билан дўстлаш! Уларга доимо самимият ила муомала қилишга ҳаракат қил! Инсонлик ва Исломлик виқорини асра! Саодат фақат шу йўл билан қўлга киритилади.

Дунё ва охират ҳузурини истасанг, ҳеч кимни ранжитма!

Ўзингдан ёшроқ инсонни кўрган вақтингда унга “Бунинг гуноҳи менинг гуноҳимдан камроқ” деган ўй билан боқ! Ўзингдан ёши улуғ кишини кўрган вақтингда эса, унга “Бунинг савоби менинг савобимдан ортиқдир, балки у мен билмаган хислатлари ила мендан фазилатлидир” деган тушунча билан назар сол!

Бир олимни кўрганингда “Унинг илми бор, ўзини қутқара олади” дея тафаккур қил! Ўзингдан жоҳил одамни кўрганингда “У билмайди, Аллоҳ уни кечиради” дея фикр эт!

Ҳатто бир кофирни кўрган вақтингда охирги нафасингни қай тарзда олишинг маълум бўлмаганлиги учун *“Аллоҳ таоло бунга ҳидоятини насиб этса, бутун гуноҳлари кечирилган ва ҳеч бир ғуборсиз илоҳий ҳузурга чиқа олади. Ажабо! Менинг сўнгги нафасим қандай бўларкин?”* дея оқибатини ўйла! Ўзингни нақадар яхши таний олсанг ва нақадар паст кўрсанг, Аллоҳ қошидаги мавқеинг ҳам шу нисбатда юксалади.

Ўғлим! Қўлингдан келганича дин биродарларинг эҳтиёжини қондир! Зеро Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар*:*

*“Ким мўмин биродарининг бир эҳтиёжини кетказса, Аллоҳ таоло ҳам унинг бир эҳтиёжини кетказади*”. (Бухорий, Мазалим, 3)

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

*“Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ таоло ҳам дунё ва охиратда унинг айбини беркитади”.* (Муслим, Бирр, 72)

Ақли бор инсон ўз нафсига қуйидагиларни айтиши лозим:

Менинг сармоям фақат ўз умримдир. Бошқа бирор нарсам йўқдир. Бу сармоя мен учун жуда ҳам қадрлидир. Зеро бизга берилган сармояга, тақдим этилган ҳар нафасимизга бошқа ҳеч қандай шаклда эришиб бўлмайди. Бизнинг олаётган нафасимиз ўлчовли ва у озайиб бормоқда. Шундай экан олаётган нафасинг қадрини бил ва бу фоний дунёга эртага ўладиган киши каби назар сол. Бутун аъзоларингни ҳаромдан сақла ва тақвога суян.

Аллоҳим! Умримизни саодат ила поёнига етказ. Ризои илоҳийга ва Жамолуллоҳга ноил бўлмоқликни насиб эт! Тонгларда ҳам, оқшомларда ҳам бизни офиятдан айирма! Тақвони бизга озиқ эт, таваккул ва ишончимизни Ўзингга йўналтир! Бизни ҳақ йўлда собит қил! Ибодатга лойиқ фақат Сенсан. Сени нуқсон сифатлардан пок санайман. Сенга лойиқ равишда бандаликни адо эта олмаганим учун золимлардан бўлдим.

Ҳамд оламларнинг Рабби Аллоҳ таолога, салот ва салом Фахри Жаҳон Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога бўлсин!

**Абдулқодир Ғийлоний қуддиса сирруҳу (д. 1077, в. 1166)**

Эй ўғил! Сенга тақво лозим. Шу сабаб қалбинг ички адоват ва ёмон одатлардан халос бўлиши учун тақвонинг заруратларини бажаришга ғайрат эт. Қалбинг хайр билан истиқоматлансин.

Эй ўғил! Мол-дунё тўплар экансан, тунда ўтин йиғадиган ва қўлига нима илинганини билмайдиган кишига ўхшама. Қўлингга келган мулкинг ҳалол ёки ҳаром, шаръий ёки ношаръий эканлигига эътибор бер. Барча амалларингда тавҳид ва тақво қуёши билан бирга бўл.

Эй ўғил! Қуръонга амал қилмоқ сени Қуръон мавқеига кўтаради, ўша ўринда барқарор қолдиради. Суннатга амал қилмоқ эса, сени Аллоҳнинг Расулига яқинлаштиради. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбий ва маънавий ёрдамлари ила Аллоҳ дўстларининг маънавий гулшанларидан бир лаҳза ҳам айрилмайсан. Ҳақ дўстларининг қалбларини гўзаллаштирган эса, яна Унинг Ўзидир.

Эй ўғил! Ҳаром луқма қалбингни ўлдиради. Ҳалол луқма эса, жонлантиради. Баъзи луқмалар сени дунёга боғлайди. Айримлари эса, охират билан машғул этади. Яна бошқа бир луқмалар борки, сенга дунё ва охират Яратувчисини эслатади.

Эй ўғил! Нафсингга қарши жиҳодга киришганингда ёрдами тегадиган киши билан дўст тутин. Унинг суҳбатларида бўл. Нафсинг талабларини эслатадиган одам билан дўст бўлма. Аввало ўз нафсинг билан шуғуллан, ўз нафсингга фойда келтир ва ўз нафсингни тузат. Кейин бошқалар билан машғул бўласан. Ўзгаларга ёруғлик улашиб, ўзи эриб кетадиган шамга ўхшама.

Эй Аллоҳ йўлида савобли амаллар қилишни истаган инсон! Ихлосли бўл! Акс ҳолда бекордан- бекорга ҳориганинг қолади.

Инсонларни иршод этмоқ сўз билан эмас, балки кўнгилдан холис бир ишонч ва иштиёқ билан амалга оширилади. Яна буларнинг барчасига хилват, ибодат, зикр, риёзат ва мурокаба билан эришилади. Уларни асло юзаки ва зоҳирий кўринишга эга бўлган амаллар, ботинга нафи тегмайдиган қатор уринишларнинг натижаси деб бўлмайди. Шу сабабли Аллоҳ йўлидаги йўлчисининг тили ва қалби, ботини ва зоҳири, сўзи ва ўзи бир-бирига мос бўлмоғи, уларнинг ҳаммаси айни бир нарсани сўзламоғи лозим.

**Аҳмад ар-Рифоий қуддиса сирруҳу (т. 1118, в. 1182)**

Азизларим! Авлиё зотлар билан орангизда яқинлик пайдо бўлишига ҳаракат қилинг. Чунки Аллоҳнинг валийсини севган киши Аллоҳни севган бўлади. Унга душманлик қилган киши Аллоҳга ҳам душманлик қилган кабидир.

Зикр айтишда давом этинг. Чунки зикр вуслати илоҳий учун бир оҳанрабо ва қурби илоҳий учун мустаҳкам арқондир. Зикр қилишда давом этганлар Аллоҳга яқин бўлганлардир. Ким Аллоҳ билан орасида қурби илоҳий ўрната олган бўлса, Унга етишади. Зикр суҳбатнинг барокати билан қалбда жойлашади. Чунки инсон дўстининг йўлида бўлади.

Тафаккур Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи амалларидир. Дарҳақиқат, барча фарзлардан аввал у зотнинг ибодатлари Аллоҳ таолонинг махлуқотлари ва неъматлари ҳақида фикр юритишдан иборат эди. Шундай экан тафаккур этмоқликни хайрли бир амал дея қабул қилинг ва ибрат василаси деб билинг.

Эҳтиёт бўлинг! Элак каби унни тўкиб ташлаб, кепагини ўзингизда қолдирманг. Оғзингиздан ҳикмат оқиб чиқаётганида, қалбингизда ҳийла ва фасод бўлмасин. Шундай қиладиган бўлсангиз “Одамларни яхшиликка буюриб, ўзингизни унутасизми?” (Бақара, 44) ояти бўйича ҳисоб сўралади.

Қалбларингизни ғуборлардан сақланг, чунки қалбни поклаш эгнингиздаги либоснинг тозалигидан ҳам муҳимдир. Зотан Аллоҳ таоло кийимга эмас, қалбларга назар солади. Истиқомат ҳудудини кузата туриб, Аллоҳдан бошқасини талаб қилманг.

Азизларим! Эшик тавозе ва сакинат ила тақиллатганларга очилади. Улар ичкарига қабул қилинадилар. Ичкарига бўйни эгик ҳолда кирган кишигагина иззат кўрсатилади.

❁

**Абдулхолиқ Ғиждувоний қуддиса сирруҳу (в. 1189)**

Эй ўғил! Сенга васиятим барча ҳолларингда илм, одоб ва тақво устида бўлгин! Олдин ёзилган асарларни ўқи ва Аҳли суннат вал-жамоат йўлидан боргин! Фиқҳ ва ҳадис ўрган, ўжарлик йўлини тутган сўфийлардан қоч! Намозни албатта жамоат билан ўқи! Қалбингда шуҳратга мойиллик бор бўлса, имом ё муаззин бўлма! Имкон қадар шон-шуҳрат-

дан узоқлаш! Шон-шуҳратда бир офат бордир. Баланд мақомларга кўз тутма, доимо ўзингни паст тут. Тоқатинг етмайдиган ишга кафолат берма! Одамларнинг сенга алоқаси бўлмаган ишларига аралашма! Фосиқ ҳукмдорлар йўриғига юрма! Ҳар қандай масалада мувозанат сақлашга ўрган! Ўлчовли вақтингни гўзал овоз тинглаш билан ўтказма. У қалбни қорайтиради ва охир-оқибат ихтилофни келтириб чиқаради. Гарчи шундай бўлса-да, гўзал овозни инкор қилма. У билан азон ва Қуръон эшитиш қалбни жонлантиради.

Камроқ овқатлан, кам гапир, кам ухла ва ғафлатдан шердан қочган каби қоч! Фитна ёйилган вақтда ёлғизликни афзал кўр. Ўз манфаатини ўйлаб фатво берадиганлардан, динга эътиборсизлик қиладиганлардан, мағрур бойлар ва жоҳиллардан узоқ бўл! Ҳалол ризқ топ, шубҳали ишлардан сақлан ва никоҳда тақвога эътибор қарат. Акс ҳолда дунёга боғланиб қоласан ва шу сабабдан динингга зарар етказасан...

Кўп кулма. Айниқса, қаҳ-қаҳ отиб кулишдан эҳтиёт бўл! Кўп кулиш қалбни ўлдиради. Бироқ табассумдан воз кечма.

Ҳар кимга шафқат кўзи билан боқ ва ҳеч кимни ҳақир кўрма!

Ташқи кўринишингни ҳаддан ташқари безама, чунки зоҳирнинг безалиши ботин хароблигидандир.

Баҳслашма, ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрама! Ўз фикрингга эга бўл. Қаноат ила бой бўл. Қадрингни баланд тут!

Сенга ёрдам берганлар ва сени тарбиялаганларга содиқ бўл. Уларга молингу жонинг билан хизмат қил. Уларнинг ҳоли ила ҳоллан! Ундай кишиларни қоралаган ғофил кимсалар нажот топмайдилар. Дунёга ва дунёнинг ғафлатига мойил бўлма!

Қалбинг ҳамиша маҳзун, танинг бандага хос кучли, кўзинг ёшли, қалбинг рақиқ бўлсин. Амалинг холис, дуоинг илтижо ва либосинг мутавозелик, сармоянг зоҳирий ва ботиний диний илмлар, уйинг масжид, йўлдошинг ва яқинларинг Ҳақ дўстлари бўлсин!

❁

**Фаридуддин Аттор қуддиса сирруҳу (т. 1119, ваф. 1220)**

Сени ранжитганларнинг узрларини қабул қил. Аллоҳ ўзгаларни ранжитган инсонларни севмайди. Бундай бир хулқ диндор кишига яраш-

майди. Зулм ила бировнинг қалбни яралаган инсон у ярани ўз вужудида очган бўлади. Ўз айбини кўра олганларнинг руҳларида бир қувват бордир.

Нодонликнинг аломатлари:

Ўз айбини кўрмай, бошқаларнинг қусурини қидириш;

Кўнглига очкўзлик уруғини сочиб, сахийлик кутиш.

Ахлоқи билан инсонларни хушнуд қилолмаган кимсанинг Аллоҳ олдида ҳеч бир қиймати йўқдир.

Хасталарни зиёрат қил, чунки бу Пайғамбар суннатидир. Қўлингдан келса, сувсизларни сувга қондир. Мажлисларда инсонларга хизмат қил. Етимларнинг аҳволидан хабар олсанг, Аллоҳ сени азиз айлайди. Зеро етимнинг бир онлик йиғиси ҳам, Арши Аълони титратишга қодирдир. Бир етимни йиғлатган золим жаҳаннам оташига ўтин бўлади. Хаста бир етимни севинтирган киши ўзи учун жаннат эшигини очади.

Аллоҳ йўлида нима берсанг, ўз молинг ўшадир. Қолганининг ҳисоби бордир.

❁

**Муҳйиддин Ибнул Арабий қуддиса сирруҳу (т. 1165, ваф. 1240)**

Қалбингни Аллоҳнинг зикрига одатлантирсанг, қалбинг албатта зикр берадиган нур билан нурланади. У нур қалб кўзи очилишига имкон беради.

Аллоҳнинг бандаларига шафқат ва марҳамат ила муомала қил. Марҳаматингни бутун жонлиларга соч. “Бу ўт жонсиз, фойдаси йўқ” дема. Ҳа, уларнинг фойдаси ва бир қанча хайри бордир. Яратилганни ўз ҳолида қолдир ва унга Яратувчининг марҳамати ила марҳамат эт.

Бирор нарса сўраганни бўш қайтарма, гўзал сўз билан бўлса ҳам унинг кўнглини ол. Юзингда табассум бўлсин. Бир кун келиб, Аллоҳ ҳузурига боришингни ўйла.

Дунёда Аллоҳдан ўзга сени қул қилмасин. Чунки сени бандаси дея қабул қилган Аллоҳгагина қуллик қилишинг лозим.

Аллоҳнинг мўмин қулларига салом бериш, овқат едириш, амалларини кузатиш орқали муҳаббат кўрсат. Шуни яхши билки, мўминларнинг ҳаммаси бир инсон, бир вужуд кабидир.

Ўзингни жамоат билан бирга бўлишга одатлантир. Сени Аллоҳ қўрқуви йиғлатсин. Аллоҳга боғлан. Аллоҳ севиб хушнуд бўладиган нарсаларга рағбат кўрсат.

**Ҳазрати Мавлоно қуддиса сирруҳу (т. 1207, ваф. 1273)**

Аллоҳ таоло пайғамбарлари ва валийларини оламларга раҳмат ўлароқ юборгандир. Шу туфайли улар одамларга тинимсиз равишда насиҳат қиладилар. Бу насиҳатларни тингламаган ва қабул қилмаганларни ўйлаб, “Ё Раббий! Сен уларга раҳм қил, улар учун раҳмат эшигини ёпма!” деб ёлворадилар.

Сен ақлингни тўпла ва валийларнинг ўгитларини жон қулоғинг билан эшит! Уларни тинглаб қайғудан ва қўрқувдан қутул. Маънавий роҳатга, ҳузурга эриш!

Имкон борида ўйлаб ўтирмай, бу фоний оламнинг ёлғонларидан узоқлаш. Ўзини бутунлай Ҳаққа таслим этган комил инсоннинг этагини тут. Шунда охирзамон фитналаридан, фасодга кетган бу дунёдан қутуласан!

Валийларнинг сўзлари об-и ҳаётга тўла, тўғри бир йўл очиб кетаётган ирмоқ кабидир. Имконинг борида ундан қона-қона ич. Кўнглингда маънавий чечаклар, гуллар очилсин.

Билгинки, одоб инсоннинг баданидаги руҳ кабидир. Яна ҳам тўғрироғи, Аллоҳ дўстларининг кўзи ва кўнгил нуридир. Агар шайтоннинг бошини эзишни истасанг, кўзигни оч ва шайтоннинг қотили одоб эканлигини кўр.

Кўзингни очиб, Аллоҳ каломи бўлган Қуръони Каримга қара! Қуръони Каримнинг бутун оятлари одоб таълимини беради, одобни ўргатади.

Сен бору йўғингни, молу мулкингни бер ва бир кўнгил ол. Бу кўнгил олишинг қабрда, у зимистон тунда сенга нур берсин, нур берсин...

Ҳақ дўсти бўлган бир инсон билан бир лаҳза бирга бўлиш бир умрга тенгдир. Ундан тушган бир қил эса, қийматли бир маъданга баробардир. Бироқ Ҳақ дўстларининг зидди бўлган шундай бағритош инсонлар ҳам борки, улар билан бир ерда ўтирмаслик, сўзлашмаслик, уларни кўрмаслик ва улардан узоқ туриш жаҳон мулкига тенгдир.

Кўнглимга дедим: “Олдинда бўлишга ҳавас қилма, лутф маҳрами бўл. Озор берадиган тикан бўлма. Бирор кишидан сенга бир ёмонлик келишини истамасанг, ёмон сўз сўзлайдиган, ёмонликни ўргатадиган, ёмонликни ўйлайдиган инсон бўлма. Ҳар ҳолингда амали солиҳда бўл.

**Иброҳим Дасуқий қуддиса сирруҳу (ваф. 1277)**

Ўғлим! Авлиёларнинг дуосини олишинг сен учун энг керакли нарсадир. Табаррукан уларнинг ҳимматига ноил бўлишни орзу қил.

Эй Қуръони Каримни ёдлаган киши!... Уни ўқиб ёдлаганинг учун кўп ҳам мақтанма... Ўз ҳолингга бир боқ. Унинг қиймати билан амал қилаяпсанми? Ё амал қилмаяпсанми?

Эй ўғлим! Нақл ва чиройли сўзлар каби фойдасиз нарсалар билан машғул бўлишни қўйиб, сукут аҳли бўл. Ихлосни танла, бу йўлда солиҳ амал қил ва нафсингга эргашма.

Шундай киши билан ўтириб тургинки, у киши шариат ва ҳақиқатни ўзида жамлаган бўлсин. Бу йўлда сенга энг кўп ана шундай инсонларнинг ёрдами тегишини унутма.

Ўғлим! Менинг истагим доимо суннатга амал қилишинг ва бу йўлда лозим бўлган одоб асосларига риоя этишингдир.

Жасур бўл. Соясидан ҳам қўрқадиганлардан бўлма. Ҳар қандай қийинчилик илк лаҳзалардаёқ сени синдирмасин.

Мавлонинг севгиси билан тўл. Ҳатто у билан важд ҳолида бўл.

Ўғилларим! Ғийбат қилиш учун бировни қидирсангиз, она-отангизни қидиринг. Чунки улар яхшиликларингиздан олишга бошқалардан кўра лойиқдирлар.

Аллоҳ таоло бир кеча- кундузда етмиш икки бор қулларининг қалбига назар солади. Шу боис қалбингизни тоза тутинг ва уни гўзал ҳамда мунаввар этинг. Чунки у ер Раббингизнинг назаргоҳидир.

Эй қардошим! Асло ўзингга ўзинг бир нарса қилдим деб ўйлама. Билгинки, рўза тутганингда уни сенга Аллоҳ туттирди. Намоз ўқиганингда уни сенга Аллоҳ ўқитди. Бир иш қилганингда уни сенга Аллоҳ қилдирди. Тақво даражасига етган бўлсанг, сени Аллоҳ унга етказгандир. Моддий -маънавий бир нарсага эга бўлган бўлсанг, Аллоҳ сени мазҳар қилгандир.

Эй ўғилгинам! Инсонларнинг ва жинларнинг амали қадар амалинг бўлса ҳам, “мен” дейишдан чекин! Зеро Аллоҳ “мен” иддаосида бўлганларни ожизлик ичкарисига ташлайди. Менлик даъвосида бўлсанг, моддий ва маънавий даражанг тушиб кетади. Буни асло унутма!

**Баҳовуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳу (т. 1318, ваф. 1389)**

Бизнинг йўлимиз Аллоҳ таоло кўрсатган қутулиш йўлидир. Бу йўл суннатга эргашмоқ ва асҳоби киромга тобе бўлмоқдир. Шу сабабдан йўлимизда оз вақт ичида кўп фойда қўлга киритилади.

Йўлимиз суҳбат ва муҳаббат йўлидир. Бу саҳобаи киромнинг йўли суҳбат бўлгани кабидир... Хайр ва барокат бирга бўлмоқликдадир. Баробарлик эса, суҳбатда бўлади. Ёлғизликка (инзивоя) чекинишда шуҳрат таҳликаси бўлиши мумкин, шуҳрат эса офатдир.

Бизнинг йўлимизда бўлган кишилар шу уч нарсага диққат қилишлари керак. Биринчиси:

Бу Аллоҳ таолога нисбатан адабдир. Яъни зоҳири ва ботини билан тамоман бандалик мақомида бўлиш, Аллоҳ таолонинг барча амрларини бажариш, Унинг тақиқларидан сақланиш, Аллоҳ таолодан бошқа ҳар нарсани кўнгилдан чиқариш ва неъматларни Аллоҳ йўлига сафарбар этишдир.

Иккинчиси:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан кўрсатиладиган адабдир. Бу ибодатларда, табобат йўлида ва амалларда у зотга муҳаббат билан эргашишдир.

Учинчиси:

Сени иршод қилган Ҳақ дўстига нисбатан адабдир.

Ейиладиган бирор егулик ё бирорта таом лоқайдлик ҳамда ғазаб билан тайёрланадиган бўлса, унда хайр ва барокат бўлмайди (Киши ўзи истамай қиладиган бошқа нарсалар ҳам шундайдир). Зеро унга нафс ва шайтон йўл топади. Оқибатда бундай бир таомни еган кишида файз ва ҳузурини бузадиган бир ҳолат пайдо бўлади. Хотиржамлик билан ҳозирланган ҳамда Аллоҳ таолони эсга олиб ейиладиган ҳалол ва тоза таомдан хайр юзага келади. Инсонларнинг холис ва солиҳ амалларни бажаришга муваффақ бўлмасликларининг сабаби ейиш ва ичишда ҳаромга, шубҳали нарсаларга ҳамда банда ҳаққига риоя қилмасликларидандир.

Айниқса, намозда ҳушуъ ва ҳузур ҳолида бўлмоқлик, уни шавқ ва кўз ёши тўкиб ўқимоқлик ҳалол луқмага ҳамда таомни Аллоҳ таолони хотирлаб пишириш, Унинг ҳузурида бўлган каби ейишга боғлиқдир. Вужудини ҳаром луқма билан озиқлантирган киши намоздан бир шавқ туя олмайди.

Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

“Намоз мўминнинг меърожидир” (Суютий, Шарҳу Ибни Можа, I, 313) деб келтиришларида ҳақиқий намознинг даражаларига ишорат бордир. Намозга турган киши ифтитоҳ такбирини айтар экан, Аллоҳ таолонинг азамати ва буюклигини ўйлаши, ҳушуъ ва ҳузур ичида бўлиши керак. Бу ҳолини истиғроқ, яъни ўзидан кечиш ҳолига етказиши лозим.

Бу ҳолнинг чўққиси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдадир.

“Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтишнинг ҳақиқати Аллоҳ таолодан бошқа нимаики бўлса, ҳеч бирини қалбда бут ҳолига келтирмасликдир. Ислом динининг ҳукмларини амалга ошириш, яъни амрларни бажариб, тақиқлардан сақланиш лозим. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни (ҳатто мубоҳларнинг зиёдасини ҳам) тарк этиш, тақиқланган нарсалардан узоқ туриш, мубоҳларни зарурат миқдорича қўллаш нур ва сафо келтиради. Буларга риоя этиш авлиёлик даражасига эриштирадиган бир воситадир. Зеро валийлик даражасига шулар орқали эришилади. Буларга эътибор қилмаган инсонлар бебаҳра ҳолда бундан четда қоладилар. Улар фақат ўзларининг мақсадларига мос йўлга эргашадилар. Чунки Аллоҳ таолонинг файзи ҳар он келиб турса-да, бундан баҳра ололмайдилар.

**Мавлоно Холид Бағдодий қуддиса сирруҳу (ваф. 1826)**

Эй инсон! Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тоат ва тақвода бўлмоғинг лозим. Сенга бировларга азоб бермаслик ва жафо келтирмасликни, айниқса, Ҳарамайн Шарифайнда бунга янада эътиборли бўлишни тавсия этаман.

Сени ғийбат қилсалар ҳам, сен ҳеч кимнинг ғийбатини қилма. Ҳеч кимнинг мол-дунёсидан бир нарса олма. Шариат олишни ҳалол қилганини ол ва уни хайр йўлларига сарфла. Мўмин қардошларинг оч ва фақир ҳолда бўлганида, молингни шаҳватинг учун сарфлаб лаззатланма. Асло ёлғон сўзлама. Ҳеч кимни хор кўрма. Нафсингни бировдан устун деб ўйлама.

Қалбий ва баданий ибодатларда бутун қувватингни сарфла. Яна нафсингга “Ҳеч қачон мақбул бўладиган хайр қилмадим” тушунчасини қабул қилдир. Чунки ибодатларнинг руҳи ниятдир. Ният эса, фақат ихлос билан мумкиндир. Ихлос сендан буюк инсонларга лозим бўлган экан, нега сенга лозим бўлмасин. Аллоҳ таолога қасамки, онам мени дунёга келтирганидан буён У Зот олдида мақбул ва мўътабар бўлган, ҳисоби сўралмайдиган бирор хайр қилганимни билмайман.

Агар ўз нафсингни барча хайр амаллар борасида барбод бўлган деб ўйламасанг, бу жаҳолатнинг энг охирги нуқтаси бўлади. Агар барбод бўлган деб билсанг, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлма.

❁

**Мусо Афанди қуддиса сирруҳу (т. 1918, ваф. 1999)**

Бир мўминнинг кўнгил олами ва камоли унинг хулқида кузатилади. Бу гўзалликларнинг энг муҳимлари шундайдир:

Ҳамиша камтарин бўлиш;

Ўтаётган вақтимиз ва олаётган нафасимизнинг қадрини билиш, уларни исроф қилмаслик;

Аллоҳнинг бандаларини севиш ва улар билан мунозарага бормаслик;

Муҳаттабларга диний савияларига кўра муомала қилиш;

Айбларни беркитувчи бўлиш;

Ҳалол ва ҳаромга эътибор бериш;

Бошқалар кичик деб билган ўзининг гуноҳларига катта бир маъсият деб қарай олиш.

Зеро ўз гуноҳини кичик деб билган банда Жаноби Ҳақнинг буюклигини кўра олмаган бўлади.

Мавломизнинг ризоси йўлида саҳар вақтларини намоз, зикр ва дуолар билан зийнатлантирайлик. Аввало оила аъзоларимизнинг ва оила катталарининг хизматларида бўлайлик. Дунё ҳаётига берилганлар билан улфатчилик ва алоқани камайтириб, солиҳлар билан ҳамнафас бўлишга уринайлик. Қариндошларимизга ва муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсата олмасак, ҳеч бўлмаганда улардан ширин сўзимизни аямайлик. Энг асосийси, ҳалол ва ҳаромга эътиборли бўлайлик. Айниқса, бандаликни зое этмаслик учун бозор-ўчар ишларига ҳам диққатли бўлайлик.

Барча хатолар, исёнлар, сиқилишлар зикрдан ғофил бўлган онларга тўғри келади. Зикрнинг маънавий ҳолини давом эттирганларда дунё қайғуси ҳам, дунёвий ташвишлар ҳам, керагидан ортиқча дунёвий завқ ҳам бўлмайди. Доимий ҳузур, саховат ва махлуқотга шафқатли бўлиш у бўшлиқнинг ўрнини тўлдиради. Яъни севги, доимо севги... Аллоҳ таоло Ўзини севган бандасини севги дарёсига ботиради. Сўнг у инсон Жаноби Ҳақ севдирган нисбатда севилмоққа лойиқ бўлганларни севади.

Ҳар бир инсон ўзи мансуб бўлган жамиятга ризойи илоҳий учун хизмат қилишни энг муҳим вазифаси деб билиши керак. Бир жамиятнинг яшаши, интизоми ва фаровонлиги учун хизмат қилган киши ўша жамиятда жуда юксак бир мавқега эришади. Шунга биноан унинг ажру мукофоти ҳам катта бўлади.

Ҳадиси шарифда:

سَيِّدُ الْقَوْمِ خَادِمُهُمْ

“Бир қавмга хизмат қилган киши (ажр ва мукофотга ноил бўлиш эътиборидан) уларнинг энг буюгидир” деб келтирилади. (Дайламий, Муснад, II, 324)

Кўп инсонлар ибодат ва тоатга катта эътибор берадилар. Бироқ Аллоҳ таолонинг сифати бўлган “сатторул-уюб”, яъни “айбларни беркитувчи ва қусурларни авф этувчи” хислатига нисбатан лоқайдлик қиладилар. Шу сабабли улар ўзлари истаганлари каби юксала олмайди-

лар. Ҳолбуки, кечиримлилик ва қусурларни беркитиш гўзал ахлоқнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Кечирувчи Зот бўлган Аллоҳ таоло биз бандаларининг саноқсиз қусурларимиз ва айбларимизни беркитади. Бизларни авф этади. Худди шу каби биз ҳам авф қилувчилардан бўлишимиз лозимдир. Зеро Аллоҳ севгисига соҳиб бўлганлар авф қилишни биладиган кишилардир.

Бу ғала-ғовурли дунё минг бир турдаги иш ва юмушларга тўладир. Шулар орасидаги бандanинг кўнглига хуш ёқадиган энг гўзал ҳолат бу Ҳақ билан бирга бўла олиш ҳолатидир. Яъни бу лаҳзалар Аллоҳнинг бандаларига бир ҳадясидир. Агар биз ўзимизни ана шу улвий вазифага бағишлай олсак, дунёнинг ўткинчи ўйинчоқларига алданиб қолишдан қутуламиз.

Аллоҳнинг бандасига лутф этган энг буюк неъматларидан бири у бандага ожиз эканлигини билдиришидир. Менинг ҳам маънавият йўлида қўлга киритган энг буюк неъматим ўзимнинг хатоларимни кўришим бўлди. Раббимга нисбатан муфлислигимни идрок этдим. Бундай кишининг хатосини кўришга ва у билан овора бўлишга тоқатим қолмади. Аллоҳга ҳамд бўлсин, мен энди бутунлай шу неъматларнинг шукри ичраман...

**Ё Раббий! Ҳақ дўстларининг кўнгилларидаги муҳаббат оташидан бизларга ҳам бир насиба лутф айла! Ҳақ дўстларининг маънавий ҳимматлари ёрдамида гуноҳлардан тўсилишимизни, уларнинг файзли танбеҳлари, иршодлари ва насиҳатлари ила истиқоматда бўлишимизни насиб айла!**..


**Амийн!..**

# ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

## ТАСАВВУФИЙ ҚИССАЛАР ВА ИБРАТЛАР

Ҳақиқий таҳсил
Маънавий  тарбияда услуб
Иброҳим бин Адҳам ва жайлон
Ҳақ йўлига доғ туширмаслик
Каромат
Ғофил қалбларнинг таъсири
Дўст эшиги
Итоат, хизмат, насиҳат
Махлуқотга хизмат
Ҳақ дўстларидаги латифлик
Ҳузурда ирода
Адаб
Хизматда адаб
Илло, бу адабдир
Бир Ҳақ дўстининг ахлоқи ва хизмати
Фонийлар эмас, боқий бўлган билсин!
Ҳеч кимни паст кўрма!
Ҳеч кимни айблама!
Етимни севинтириш
Дўстлик
Дўстликдан мақсад
Тўлиқ таслимият
Мўминнинг дуосини олиш
Бир маҳжуб ва кўнгил дориси
Фаришталi сиймолар
Хайрда қалбий ҳолат
Арши аълога етган амали солиҳ
Доимо ҳақни фарқлай билиш
Менга Карим лозим
Пешқадам инсонларнинг маъсулиятлари
Аллоҳнинг даъватига ижобат
Ҳалолнинг аҳамияти
Ҳалол фойда

**ХУЛОСА**


ادرباهلو
١٤
٢١

***Дўстликнинг моҳиятига етган, Мавлога эришган Ҳақ дўстлари абадул абад инсониятнинг дўсти бўлиб қоладилар.***

# ТАСАВВУФИЙ ҚИССАЛАР ВА ИБРАТЛАР

Олдинги бўлимларда вақти-вақти билан айтиб ўтганимиз каби тасаввуф қолдан кўра кўпроқ ҳол, яъни сўздан кўра кўпроқ моҳият ва хулқ мукаммаллигига алоқадор бир илмдир. Ана шу сабабдан авлиё зотларнинг кўнгил иқлимлари ҳаётимизни ўз акси ила файз ва гўзалликларга тўлдиргандир. Муҳаттабларга “қисса”, “манқаба” каби номлар остида етказилган бундай гўзалликлар иймонларни етуклаштирган ва ахлоқан мукаммал ҳолга етказгандир. Бу нафосат қиссалари илоҳий ишқ ва муҳаббат булоқларини жўштирган. Улар марҳамат, авф, ғамхўрлик каби улвий ҳисларни озиқлантирадиган жиҳатлари билан инсонларга истиқомат берувчи таъсирга эга бўлган воситалардир. Дарҳақиқат, Қуръони Каримдаги ора-орада келтирилган қиссалар ҳам ҳаётдан олинганлиги учун ўша ҳодисаларни очиқ ойдин кўрсатиб беради ва кўнгилларга бевосита таъсир этади. Бундан ташқари инсоннинг камолоти учун илоҳий бир услуб беради.

Биз ҳам ушбу илоҳий услубга асосланиб, бундан олдинги бўлимларда тез-тез турли мисолларга ўрин берган эдик. Бу бўлимда эса шу мавзу ва ҳақиқатларга доир бир неча аниқ мисолларни келтириб ўтдик. Шу йўл орқали тасаввуфий ҳақиқатларнинг фақат сатрлардаги эмас, балки садрлар (қалблар) даги ҳолини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилдик. Айниқса, бу қиссалардан чиқариладиган ҳиссаларга оид таъвил, тафсир ва танбеҳ мақсадида айтилиши лозим бўлган масалаларни ҳам қисқача бир шаклда баён этишни истадик.

Қисқаси, бу бўлимда ўқувчиларимизга мутасаввифларнинг кенг бир дарё каби бўлган ахлоқ ва фазилат дунёларидан бир неча қатрани тақдим этишни хоҳладик.

**Ҳақиқий таҳсил**

Сомий Афанди Ҳазратлари Дорулфунуннинг Ҳуқуқ факультетини яқинда тугатганди. Унинг гўзал ҳолини ва пок сийратини жуда ҳам қадрлаган бир Аллоҳ дўсти:

“Ўғлим, бу таҳсил жуда гўзалдир, аммо сен асл таҳсилни ўрганишинг керак. Сени ирфон мактабига ёздирайлик, у ерда кўнгил илмлари ва охират сирларини ўрган” деди.

Бунинг ортидан қўшимча қилиб:

“Ўғлим, у мактабда қандай таҳсил беришларини, нимани ўргатишларини билмайман. Аммо билганим бир нарса борки, бу таҳсилнинг илк дарси озор етказмаслик бўлса, охирги дарси озорланмасликдир...”

**Ҳисса:**

Ранжитмаслик нисбатан қулай ишдир. Аммо ўзгани ранжитмаслик кишининг қўлида эмас. Зеро бу бир кўнгил ишидир. Қолаверса, бу ўткинчи дунёнинг кишилари санчадиган заҳарли ўқлар бетаъсир бўлсагина, қалбларга жароҳат етмаслиги мумкин. Бу эса нафс тазкияси ва қалб тафсиясида эришилган савия нисбатидадир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифда тошбўрон қилиниб, ҳақоратланганларини кўрган малаклар:

“Эй Аллоҳнинг Расули! Агар истасанг, шу икки тоғни бир- бирига уриб, бу ернинг золим халқини ҳалок қиламиз” дегандилар.

Бироқ оламларга раҳмат ўлароқ юборилган у буюк Пайғамбар фаришталарнинг бу таклифини қабул қилмадилар. Муборак юзларини шафқат ва марҳамат туйғулари ила Тоиф томонга бурдилар. У ердаги аҳоли ҳидоят топиши учун дуо қилдилар.

Пайғамбар ошиғи бўлган Мансур Ҳаллож ҳам тошбўрон қилинаётганларида:

“Аллоҳим! Булар билмайдилар, мендан аввал уларни авф эт!” деб дуо қилгандилар.

Бу ҳақиқий таҳсил, яъни маънавий тарбия натижасида қўлга киритилган қалби салимга оид бир ҳолдир.

Абул Қосим ал-Ҳакимдан қалби салимнинг сифатларини сўраганларида шуларни айтгандилар:

“Қалби салимнинг шу уч сифати бор:

Биринчиси озор бермайдиган қалб,

Иккинчиси озорланмаган бир қалб,

Учинчиси эса яхшиликни Аллоҳнинг ризолиги учун қилиб, жавоб кутмайдиган бир қалб...

Зеро бир мўмин Жаноби Ҳақнинг ҳузурига ҳеч кимни озорламасдан (варо билан), қалбини Раббисига йўналтирганча ҳеч кимдан озорланмай (вафо билан), бажарган солиҳ амалларига ҳеч қандай фоний дунё кишисини ўртоқ қилмай ихлос билан боради...”

Шоир қандай гўзал айтади:

*Жаҳон боғида эй ошиқ будир мақсуди инсу жиннинг,*
*На кимса сендан озорлансин, на сен бир кимсадан озорлан!*

**Маънавий тарбияда услуб**

Шоҳи Нақшбанд Ҳазратлари тасаввуфда қалб тасфияси ва нафс тазкияси хусусида эътибор қилинадиган жиҳатларни шундай баён қилганлар:

“Бизлар муридни лозим тарзда, яъни унинг ботиний ҳолига кўра тарбия қиламиз. Лозим бўлганида жазба, зарур бўлганида сулук йўлини танлаймиз. Суҳбатимизга келган баъзиларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи борлигини ҳам, баъзиларида бу уруғ йўқлигини ҳам, дунёвий ва нафсоний алоқалар таъсирида уларнинг кўпи қуриб қолганлигини ҳам яхши биламиз. Шу боис бизнинг вазифамиз бу фоний муносабатларга мусаффолик бермоқ, кўнгилга муҳаббат уруғини қадамоқ ва ундан униб чиққанларни Ҳақиқат замзами билан суғориб камол топтирмоқ, маърифатуллоҳ қуёши ила бир ихлос кўчати ҳолига келтирмоқдир.

Зикр талқинига келадиган бўлсак, у бир кишининг қўлига чақмоқ тош бериш кабидир. Бундан кейинги натижа эса, яъни чақмоқ тошни чақиб ишқ пилтасини туташтирмоқ муриднинг ўзига қолади”.

**Маъноси:**

Баданга оид хасталиклар қандай турли хилда бўлса ва уларни даволаш йўллари бир-биридан қандай фарқли бўлса, руҳимиз ҳамда қалбимизга оид хасталиклар ҳам худди шундай турфа хилдир. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, маънавий тарбияда фаросат ва басийрат соҳиби бўлган Аллоҳ дўстлари ташхис ва даво йўлини муҳаттабларнинг ҳолатларига кўра танлайдилар.

Бу Иброҳим бин Адҳамда кўрилгани каби:

«Тожингни ва тахтингни тарк эт!» дея тавсия қилиниши мумкин.

Эҳтимол кимдир Фотиҳ Султон Меҳмед Хонда бўлгани каби:

«Агар бу вазифани ташлаб қўйсанг ва ўрнингга сендан лаёқатлироғи келмаса, вабога йўлиқасан!» дея огоҳлантирилади. Бунда улар иршод ва таважжуҳларини ўзларининг мақомларида туриб давом эттирадилар.

Кимни сув ила яна кимнидир олов ила имтиҳон қиладилар. Айтайлик, бадани бир хасталикка учраган киши шифо топиш учун табибга мурожаат этиши ва белгилаб берилган даволаш тартибига риоя қилиши қанчалик зарурий бўлса, қалбий хасталикларда ҳам ҳолат айнан шундайдир. Ҳатто янада қатъийдир. Зеро баданни даволашда қилинган эътиборсизлик фақат бу дунёга оид бир зарар бўлса, кўнгил давосидаги эътиборсизлик бир ҳаётни абадий барбод этади.

❁

**Иброҳим бин Адҳам ва жайлон**

Иброҳим бин Адҳам Балхда салтанат ва дабдабага ғарқ бўлган бир ҳукмдор эди. У киши бу ҳолатдан қутулиши ҳамда охиратини иҳё этиши учун даврнинг орифлари ва сўфийлари вақт-вақти билан ибратли огоҳлантиришлар берар эдилар. Машҳур ривоятга кўра бир кеча Иброҳим Адҳам саройнинг томидан келаётган ажойиб товушларни ва шовқинни эшитадилар. Бу шовқин остида уйқулари қочиб, томдагилардан қизиқиш билан сўрайдилар:

“У ерда нима қилаяпсизлар?”

Ғалати бир жавоб берилади:

“Туямизни йўқотдик, уни қидираяпмиз!”

Иброҳим бин Адҳам ғазабланиб:

“Томда ҳам туя қидириладими?” дейдилар.

Бу сафарги жавоб жуда маъноли ва ибратли эди:

“Эй Иброҳим! Томда туя қидирилмаслигини биласану шу саройда сен яшаётган дабдаба ва ҳашамат ичида абадий саодат қидирилмаслигини билмайсанми?”

Бу сўзлар бошқа ибратли танбеҳларга қараганда, Иброҳим бин Адҳамга бироз таъсир қилди. Бироқ бир муддат ўтгач, у киши бу ҳодисани унутиб юбордилар. Шу сабабли ҳолларида бирор бир ўзгариш сезилмади.

Кунлар шу тарзда ўтиб борар экан, Иброҳим бин Адҳам бир куни атрофларидаги кишилар билан жайлон овига чиқдилар. Бир пайт ўзлари сезмаган ҳолда суворийларидан айрилиб, бошқа томонга от чоптириб кетдилар. Жуда диққат билан бир ов орқасидан бораётганларида, қулоқларига “Уйғон” деган бир овоз келди. Бунга эътибор қилмадилар. Айни овоз яна такрорланди, кейин яна бир марта... Сўнгра ҳар томондан шунга ўхшаш овозлар кела бошлади. Овозлар:

“Ўлим сени уйғотмасдан аввал ўзинг уйғон!” дерди.

Иброҳим бин Адҳам ҳам ҳайрон қолдилар, ҳам қўрқдилар. Шу пайт олдиларидан гўзал бир жайлон чиқди. Шунда Иброҳим бин Адҳам у нозик ҳайвонни овлаш ҳаяжонига тушдилар. Бироз аввал эшитилган овозларни эсдан чиқардилар. Садоқдан ўқ чиқариб, ёйга тиздилар. Сўнг нишонга олдилар. Энди ўқни отаётганларида у нозик жайлон кўзларини Иброҳим бин Адҳамга тикиб, тилга кирди:

“Эй Иброҳим! Сени Раҳмон бўлган Аллоҳ мени овлаш учун яратдими?”

Иброҳим бин Адҳам бошдан оёқларигача титрадилар. Кўзлари пирпир этиб, отларидан сакраб ерга тушдилар. Саждага бош эгиб, тавба қилдилар. Жаноби Ҳаққа ёлвориб:

“Эй лутфу карами сўнгсиз бўлган Аллоҳим! Менинг ҳолимга ҳам назар сол! Қанча вақтдан буён дабдаба ичида умрим нафасини зое қилганман... Эй Аллоҳим! Лутфинг билан кўнглимни ю в, қалбимда муҳаббатингдан ўзга нарса қолдирма!” дедилар.

Иброҳим бин Адҳам энди кўзларини бошқа бир оламга очган, илоҳий бир иқлимнинг томошасига ғарқ бўлган эдилар. Бу тафаккур саҳнаси у кишидаги бошқа гўзаллик кўринишларини бутунлай йўқ қилиб юборган эди. Ана шу лаҳзаларда ҳар тонгда авайлаб киядиган салтанат эгасига тегишли бўлган либослари ҳам, кўксиларини тўлқинлантирадиган Балх султонлиги ҳам у кишининг қалбидаги ўз ҳашамати ва кўркини йўқотди. Кўзларига ўткинчи нарсалар бўлиб кўрина бошлади.

Кўзлари тавба ёшларидан намланган, қалблари надомат оташи билан ёнган Иброҳим бин Адҳам шу ҳолатда тўғри саҳро тарафларга қараб йўл олдилар. Анча вақт юрганларидан сўнг бир чўпонга кўзлари тушди. Дарҳол унинг ёнига бордилар ва ўз либослари эвазига унинг чопонини олиб эгниларига кийдилар. Шу онда қалбларида буюк бир роҳатни ҳис этдилар. Чўпон эса бу ҳол қаршисида шошиб қолганди. Ичида: «Подшоҳимиз ақлини йўқотган бўлса керак...” дерди.

Иброҳим бин Адҳам эсларини йўқотмаган, аксинча ақллари энди жойига келганди. Фақат у киши жайлон овига чиққач, Аллоҳ таоло у кишини жайлон сабаб уйғотганди...

**Қиссадан ҳисса:**

Дунё ва охиратдан бирининг танлови олдида қолиб, охиратни танлаганлар абадият султони ўлароқ сўнгсиз мукофотга ноил бўладилар. Бироқ дунёни танлаганлар бу оламда зоҳиран султон бўлсалар ҳам, ҳақиқатда боқий дунёнинг қўлларидан ҳеч нарса келмайдиган тиланчилари ҳукмидадирлар. Бу сирни англаб етган Иброҳим бин Адҳам ўз ислоҳи ҳукмронликни тарк этиш билан бўлганлигини кўргач, ўз фидокорлиги ва фароғатларидан воз кечдилар. Убудият султони бўлдилар. Қаршиларидан чиққан огоҳлантирувчи сабаблар у кишининг қалбларидаги ихлос ва самимият жавҳарининг бир барокатидир. Аниқроғи, кўнгилларидаги ҳол илоҳий иқлимга қадам бостирувчи сабаблар олдинга чиқишига ва Ҳақнинг буюк тажаллиларига ноил бўлишларига, султонликни тарк этиш каби буюк бир фароғатни у кишига осонлаштиришга ва ниҳоят бир лаҳзада бир неча эҳсонларга эришишларига васила бўлгандир. Шоир бу ҳолни нақадар гўзал таърифлайди:

Ҳақ тажаллий айласа, ҳар ишни осон этур,

Халқ қилур, асбобини бир лаҳзада эҳсон этур.



**Ҳеч кимни паст кўрма**

Ривоят қилишларича:

Бир куни Исо алайҳиссалом Исроил ўғилларидан бўлган зоҳид бир киши билан шаҳар ташқарисига чиққан эдилар. Халқ орасида фосиқлиги билан танилган гуноҳкор бир одам ҳам чуқур қайғу билан уларнинг орқаларидан келганди. Улар дам олаётганларида бу гуноҳкор банда пушаймон ва кўнгли синиқ ҳолда улардан узоқроқ жойга ўтирди. Сўнг марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси бўлган Ҳақ таолонинг буюк авфига сиғиниб:

“Раббим! Шу буюк Пайғамбаринг ҳурматига мени авф қил!” деб дуо қилди.

Бошқалар солиҳлардан деб ўйлайдиган киши эса, унинг бу ҳолини ҳақир кўрди. Қўлларини кўкка кўтариб:

“Аллоҳим! Эртага қиёмат куни мени бу одам билан бирга ҳашр қилма (тирилтирма!)” деб илтижо қилди.

Шунда Жаноби Ҳақ Исо алайҳиссаломга шундай ваҳий қилди:

“Ё Исо, бандаларимга айт. Уларнинг иккаласини ҳам дуоларини қабул айладим. Бўйни букик бандамни авф этиб, жаннатий қилдим. Халқ солиҳ деб ўйлаб юрган кишини эса, авф қилган бандам билан бирга бўлишни истамагани учун жаннат аҳли сирасига киритмадим”.

**Қиссадан ҳисса:**

Илоҳий лаънат ва ғазабга учраганлардан ташқари қандай сабаб билан бўлса ҳам, Аллоҳнинг бандаларига нисбатан истиҳкор этмоқ (хор ва ҳақир кўрмоқ) қалб жиноятидир. Бу жиноят содир этилса, қалб илоҳий муҳаббатдан узоқлашади. Бир тош каби насибасиз қолади. Ўзгаларни менсимаган, уларни хор кўрган киши аслида ўзини хақир ва паришон этган бўлади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

بِحَسْبِ امْرِئٍ مِنَ الشَّرِّ أَنْ يَحْقِرَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ

“Бир кишининг ўз дин биродарини хор ва ҳақир кўриши унинг учун бир гуноҳ кабидир”. (Муслим, Бирр, 32)





Шоир гўзал айтади:

Харобот аҳлини хор кўрма, эй зоҳид,

Чун дафинага (хазинага)қиёс вайроналар бор!

❁

**Ҳеч кимни айблама!**

Ҳамдун Кассор қуддиса сирруҳу шундай дейдилар:

“Йиқилган ва қалқиб туриб кетаётган бир сархуш кишини кўриб қолсанг, эътиборли бўл. Асло уни айблама! Эҳтимол сен ҳам айни балога мубтало бўлишинг мумкин!”

**Маъноси:**

Тасаввуфий тушунишда ҳам, иршодда ҳам марҳамат ва шафқат бордир. Айбламоқ, хор кўрмоқ ва ҳамсуҳбатни ранжитмоқ йўқдир. Зеро Жаноби Ҳақ бандаси Ўз қудратидан бир сир эканлигини баён этади. Шу сабабдан гуноҳкорга лойга тушган бир жавҳарни зоил бўлмоқдан қутқариш тушунчаси ила қарамоқлик асл тушунчадир... Хор кўрмоқ эса, йўқолган жавҳарни иккинча марта зое қилишдир! Шу боис Жаноби Ҳақ бандалари бундай хатоликка тушиб қолмасликлари учун ояти каримада:

**“...”** (ал-Ҳужурот, 11)

деб буюрган ва бандаларининг гуноҳларини ҳисоб-китоб этишни Ўз ҳукмига қолдирган. Инсонларнинг бу доирага киришларини тақиқлаган.

Бошқа томондан ўзгаларни айблаган, хору ҳақир кўрганларнинг ўзлари ҳам айни айб ва хато чуқурига тушиб қолишлари кўп кузатилган. Бу ҳолат:

**“Қўшнингни устидан кулма, ўз бошингга ҳам шу келар!”** шаклида бир зарбулмасал ҳолига келгандир.

❁

**Етимни севинтириш**

Сирри Сақотий шундай ҳикоя қиладилар:

“Бир байрам куни Маъруфи Каҳрийни кўчаларда хурмо уруғларини тераётган ҳолда кўрдим. Бу уруғларни нима қилишини сўрадим. У:

«Шу ерда кичик бир боланинг йиғлаганини кўрдим. Ёнига яқинлашиб нима сабабдан йиғлаётганини сўраганимда, етим эканлигини, ўртоқларининг кийимлари каби кийими ва уларнинг ўйинчоқлари каби ўйинчоқлари йўқлигини айтди. Яна йиғлай бошлади. Унинг ҳоли юрагимни доғлади. Бу хурмо уруғларини ўша бола учун тўплаяпман. Буларни сотиб, у бола истаган кийимлар ва ўйинчоқларни олиб бераман...» деди”.

Бу сўзлар менинг ҳам юрагимни доғлади ва Ҳазрати Пирдан илтимос қилдим:

«Рухсат берсангиз, мен ўша бола билан ўзим шуғулланаман, кўнглингиз хотиржам бўлсин!» дедим. Сўнгра болани бозорга олиб бориб, барча эҳтиёжларини қондирдим”.

Бу гўзал амали солиҳ барокати билан ноил бўлган ҳолни Сарри Сақотий шундай ифодалайдилар:

“Кўнглимда бу хизматнинг барокати билан шундай бир нур пайдо бўлдики, у билан бутунлай бошқа ҳолларга мазҳар бўлдим ва неча-неча маънавий лаззатларни тотдим...”

**Қиссадан ҳисса:**

Етимни севинтириб, уларни қарамоғига олмоқлик динда жуда кўп ташвиқ этилган ва мукофоти буюк бир амали солиҳдир. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу хусусдаги ушбу ваъдалари ошиқ кўнгилларни маст этадиган бир мазмундадир:

*“Ўз етимини ёки бошқанинг қарамоғидаги бир етимни ҳимоя қилган киши билан жаннатда шундай ёнма-ён бўламиз”.*

Бу ҳақда “Ҳадиснинг ровийси Молик бин Анас Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатганлари каби ишорат бармоғи билан ўрта бармоғини жипслаштириб кўрсатди” дейилади. (Муслим, Зуҳд, 42)

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса, шундай келтирилади:

*“Бирор бир киши фақат Аллоҳ ризоси учун бир етимнинг бошини силаса, қўли теккан ҳар бир тола соч учун савоб бордир”.* (Аҳмад б. Ҳанбал, Муснад, V, 250)

Ҳадиси шарифда ишорат қилинган етимнинг бошини силашдан мақсад, унинг моддий ва маънавий ҳар масаласи билан яқиндан шуғулланишдир.

**Дўстлик**

Саҳл бин Иброҳим шундай дейдилар:

Иброҳим бин Адҳам билан дўст эдик. Бир сафар оғир бир хасталикка дучор бўлгандим. Шунда Иброҳим бин Адҳам қўлида бор бўлган бутун сармоясини менинг соғайишим учун сарфлади. Сўнгра соғайишни бошладим. Бир марта ундан жуда ҳам егим келган бир нарсаларни сўрадим. Қўлида бирор нарсаси қолмаганлиги учун уловини сотиб, менга айтганларимни олиб келди. Соғайиб кетганимдан сўнг бир жойга бориш учун улов лозим бўлди ва:

“Эй Иброҳим, улов қаерда?” деб сўрадим.

Иброҳим бин Адҳам:

“Сотдик” деди.

Соғлиғим юришга йўл бермаганлиги туфайли:

“Яхши, аммо энди мен нимага миниб бораман?” дедим.

У орифлар султони:

“Елкамга минасан, биродарим!” деди ва мени уч сарой орасидаги масофагача елкасида олиб борди.

**Қиссадан ҳисса:**

Иззат ва икромга тўлиқ бўлган яхши кунларда ҳамма дўстдир. Бироқ асл дўстлик қийин кунларда юзага чиқади ва унинг қиймати ҳеч бир ўлчов билан ўлчанмайди. Шу жиҳатдан валийликнинг сири неча ёмонликларга тўла бу дунёмизда Аллоҳга, Расулига, солиҳ мўминларга дўст бўла олиш ва дўст бўлиб қолишдадир.

Шунингдек, муҳтожликда бўлган мўминларга қилинган яхшилик ва фидокорлик Жаноби Ҳақнинг раҳматини жалб этади. Чунки Жаноби

Ҳақ бандаларига нисбатан чексиз бир раҳмат ва марҳамат соҳибидир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам оламларга раҳмат ўлароқ юборгандир. Ҳадиси шарифда буюрилади:

*"Шафқат ва марҳамат аҳлига Раҳмон бўлган Аллоҳнинг Ўзи ҳам марҳамат кўрсатади".* (Абу Довуд, Адаб, 58)

**Дўстликдан мақсад**

Абдуллоҳ бин Муборак Ҳазратлари ёмон хулқли бир киши билан йўлга чиққан эдилар. Саёҳатлари тугаб айрилганларида, Абдуллоҳ бин Муборак ич-ичларидан йиғлай бошладилар. Бу ҳолга ҳайрон бўлган дўстлари:

"Нимага йиғлаяпсан? Сени бундай маҳзун қилган нарса нима?" деб сўрадилар.

У қадри буюк Ҳақ дўсти хўрсиниб, намли кўзлари билан:

"Шунча вақт бирга сафар қилганимизга қарамай, унинг ёмон хулқларини тузатишга муваффақ бўлмадим. У бечоранинг ахлоқини гўзаллаштира олмадим. Балки нуқсонларим туфайли унга фойдам тегмагандир? Агар у мендаги бирор хато сабабли истиқоматга келмаган бўлса, эртага ҳолим нима бўлади?!.." деди ва ҳиқичоқ тутган ҳолда йиғлашда давом этди.

**Қиссадан ҳисса:**

Дўстона муносабатлар доимо маънавий жиҳатдан манфаатли бўлган бирор мақсадга асосланиши керак. Бунга кўра солиҳ кишиларга улардан фойда олиш учун дўст ва улфат бўлинади. Солиҳлардан бўлмаган, маънан заиф ҳамда нуқсонли кишиларга эса, фойда етиши учун дўст ва улфат бўлиш лозимдир. Зеро маънавий фойдадан узоқ бўлган, ғафлат ила киришилган дўстликлар икки дунёмизни ҳам маҳв этадиган бир зарар кабидир. Бу зарарнинг энг енгили ҳам:

"Кир отнинг ёнида турган унинг ё хулқидан ё сувидан кирланади!" масали каби бир оқибатга олиб келади.

Нуқсони ва камчилиги бўлган кишиларни истиқоматга йўналтирганда, салбий бир натижа сабаб уларни ранжитмоқ тўғри бўлмайди. Аксинча, менинг бирор қусурим бордир дея олдин ўз нафсини назорат қилмоқ услубини танламоқ керакдир. Зеро ўзимизнинг хато-ю камчили-

кларимиз туфайли ҳамсуҳбатимизни тўғри йўлга чақиролмаган бўлсак, бунинг ҳисоби ва уволи жуда оғир бўлади. Бизнинг мақсадимиз парда тутмоқ эмас, пардаларни очиб ҳақиқатни кўрсата билмоқликдир.

❁

**Тўлиқ таслимият**

Ривоят этилишича, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломни Фиръавннинг олдига юборади. У зотга:

**“...”** (Тоҳо, 24) деб буюради.

Мусо алайҳиссалом оила аъзоларини ва молини зоҳирда омонат қиладиган бирор кишини тополмаганидан Аллоҳга:

“Ё Раббий! Уйим, аҳлим ва молларим нима бўлади?” дедилар.

Шунда Жаноби Ҳақ **«муҳофаза қилганларнинг энг хайрлиси”** эканлигини эслатиб, шундай буюрди:

“Эй Мусо! Мени топганингдан кейин яна нима истайсан? Сен Менинг амримни адо этишга шошил! Менга боғлан ва таслимият кўрсат! Агар хоҳласам, бўрини қўйларингга чўпон ва малакларимни оилангга қўриқчи қиламан.

Эй Мусо! Бу ўйлаганинг нимаси? Онанг сени денгизга отганида, ким сени қутқарди? Сўнг қайтадан онанг билан ким топиштирди? Сен тасодифан бировни ўлдирганингда, Фиръавн сени қидиришга киришди. Кейин ўлдиришга қарор қилди. Ўшанда сени ундан ким ҳимоя қилди?..”

Мусо алайҳиссалом бу айтилганларни тинглар ва ҳар жумланинг охирида:

“СЕН, СЕН, СЕН Ё РАББИЙ!..” дер эдилар.

**Қиссадан ҳисса:**

Албатта, Мусо алайҳиссалом бутун пайғамбарлар каби таслимиятнинг чўққисида эдилар. Фақат пайғамбарлар инсонларга бир ўрнак шахсият бўлганидан Жаноби Ҳақ бизлар учун муҳим бўлган баъзи масалаларни уларда тажалли қилдирарди. Шу тарзда бундай ҳолатларда қандай ҳаракатланишимизга ишора этиб, кўнгилларни иршод қилар эди. Аслини олганда бу қиссада Оламлар соҳиби ва Рабби бўлган Аллоҳ

таолонинг амрларига кўра бирорта ҳам башарий сабаблар ҳақиқий бўлмаслиги баён этилган. Чунки Унинг амрини ўрнига қўйишга қарор қилганларнинг турли хил эҳтиёжлари бўлади. Уларга ёрдам бериш, эҳсон этиш ва муҳофаза қилишга қодир бўлган ягона Зот яна Аллоҳдир. Агар банда Ҳақнинг амрларини ихлос ва самимият билан Унинг ризосига биноан бажаришга ғайрат кўрсатса, ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳ ўзига ёр ва ёрдамчи эканлигини тушунади. Ахир Ҳофизи Мутлақ бўлган Зот Мусо алайҳиссаломни Фиръавннинг саройида улғайтирганлигини, Намруднинг оташлари ўртасини Иброҳим алайҳиссалом учун гулистон айлаганлигини, Асҳоби Каҳф номи берилган солиҳ йигитларни қарийб уч юз йил мобайнида бир ғорда, уйқу ҳолатида золимларнинг шарридан муҳофаза қилганлигини ва Муҳаммад Мустафо алайҳиссалоту васалламни ҳам бир неча хавф-хатардан қўриқлаганлигини, Савр ғорида у зотни душманларининг кўзидан яширганлигини жуда ҳам яхши биламиз. Шоир қандай гўзал айтади:

*Ҳеч кимдан иноят кутмайман, ҳимоячим бўлсин Худо,*
*Мен таваккул этарман:* ***«Фаллоҳу хайрун ҳафиза»***[103]

*Сайрий*

❁

**Мўминнинг дуосини олиш**

Маъруф Каҳрийнинг рўзадор бўлган кунлари эди. Пешин вақтига яқин бозордан ўтаётганларида бир сув сотувчининг:

“Бу сувдан ичган кишига Аллоҳ раҳмат ва барокати билан муомала қилсин!” деб дуо қилгани учун рўзаларини буздилар. Ёнларидагилар:

“Ҳазратим, рўзангизни нима учун буздингиз?” дедилар.

Маъруф Ҳазратлари:

“Сув сотувчининг дуосидаги барокатга ноил бўлишни истадим” дедилар.

Бир солиҳ инсон Маъруф Каҳрий вафот этганларидан сўнг у кишини тушида кўриб:

103 Юсуф, 64: “Аллоҳ энг хайрли ҳимоя қилган ва қўриқлагандир”.

“Аллоҳ сенга қандай муомала қилди?” деб сўради.

Маъруф Каҳрий:

“Сув сотувчининг ўша холисона дуоси барокати ила Раббим мени кечирди. Менга марҳамат билан муомала қилди” деб жавоб бердилар.

**Қиссадан ҳисса:**

Кўнгли Аллоҳга боғланган кўп ғарибларнинг дуолари нафл ибодатдан ҳам самаралидир. Бироқ жуда ҳам муҳим бирор фазилат туфайли бузилган нафл рўзаси кейинчалик қазо сифатида тутиб берилиши кераклигини билишимиз лозим. Зеро у энди вожиб ҳукмида бўлади. Бу ерда айтилаётган масала муҳим (янада муҳимроқ) ни муҳимдан афзал кўришдир. Чунки арзимас туюлган бир қанча нарсаларда жуда катта фойдалар борлиги вақти келганда аён бўлиши мумкин. Гоҳида вайрона ҳолидаги баъзи жойларда хазиналар яширин бўлгани каби бандалар орасида ҳам зоҳиран вайронага ўхшаш бўлса-да, ботинан жавоҳир бўлганлар бордир. Буларга нисбатан ҳеч вақт ғофил бўлмаслик лозим.

Шоир қандай гўзал сўзлайди:

*Ҳар кечани қадр де сен, ҳар кўрганинг бил Ҳизр,*
*Кўргил дийдор сенга ҳозир, саккиз жаннати ҳозир!..*

*Сайрий*

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

*“Сизларга жаннатдагиларни билдирайми? Уларга ожиз бўлганликлари сабаб бошқалар эътибор қаратмайдилар. Бироқ Аллоҳ уларнинг “шундай бўлади” деб ичган қасамлари ва истакларини рўёбга чиқаради.*

*Сизларга жаҳаннамдагилар кимлар эканлигини айтиб берайми? Улар бағритош, қўпол, бахил ва манманлик билан юрадиган кибрли кишилардир”.* (Бухорий, Аймон, 9; Муслим, Жаннат, 47)

❁

**Бир мажзуб ва кўнгил дориси**

Боязид Бистомий Ҳазратлари дори тайёрлаб ичиб юрар эдилар. Шундай пайтда бир ҳакимни учратиб қолиб:



“Эй табиб! Менинг хасталигимга ҳам бирор дори топиб бера оласанми?” деб сўрадилар.

Ҳаким:

“Сенинг қандай хасталигинг бор?” деди.

Боязид Ҳазратлари:

“Гуноҳ хасталиги...” деб жавоб бердилар.

Ҳаким қўлларини икки ёнга очиб:

“Мен гуноҳ хасталигини даволайдиган ҳеч қандай дорини билмайман” деб айтди.

Шу аснода ўша ерда ўтирган бечора ҳол бир йигит сўзга аралашиб:

“Ота, сенинг хасталигинг давосини мен биламан” деди.

Боязид Ҳазратлари ҳам севиниб:

“Сўзла, эй йигит!” дедилар.

Халқ мажзуб (дунё ҳаётида ғариб бўлиб кўринса-да, қалбий ва ботиний жиҳатдан кўплаб оддий одамлардан устун бўлганлар) деб биладиган, бироқ ҳақиқатда ориф бўлган йигит гуноҳнинг дорисини шундай таъриф қилди:

“Ўн дирҳам тавба илдизи ва ўн дирҳам истиғфор япроғини ол! Буларни қалб ҳовончасига сол! Тавҳид тўқмоғи билан ур! Инсоф элагидан ўтказ! Кўз ёшларинг билан қориштир! Ишқ тандирида пишир! Шунда ҳосил бўладиган маъжундан ҳар кун беш қошиқ ич. Хасталигингдан асар ҳам қолмайди!..”

Буларни тинглаган Боязид Бистомий хўрсиниб:

“Сени мажнун деб ўзларини ақлли санаганларга афсуслар бўлсин!..” дедилар.

**Қиссадан ҳисса:**

Банда халқнинг назаридан кўра Ҳақнинг назарини афзал кўрганидагина камолот ва ирфон йўллари очилади. Энди унинг қарашларида, ҳис-туйғуларида бутунлай бошқа бир сир ва теранлик касб этади. Шундай бандалардан бири Увайс Қараний бўлиб, халқ уни лоқайдлик билан

мажнун деб билган эди. Аслида у Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларининг хусусий дўстликларига ноил бўлганди.

Бошқа тарафдан бу қисса **«Солиҳлар билан бирга бўлинг!»** (ал-Тавба, 119) илоҳий амридаги барокатни акс эттиради. Ориф йигитда кўрингани каби солиҳларда пайдо бўладиган кўнгил малҳамларининг рўйхати ҳам қанчалаб маънавий хасталикларга шифо бўлади. Қалбларни тирик ва пок бир шаклда Ҳаққа боғлайди.

Бу ўринда Боязид Бистомийнинг тирик ва огоҳ бир қалбга эга бўлганлари ҳолда кўнгил малҳамини исташлари у кишидаги тавозени намоён этмоқда. Шу билан бирга бу истакнинг яна бир сабаби у киши суҳбатдош бўлган ҳакимнинг қалби ҳам даво топиши учундир.

❁

**Фариштали сиймолар**

Сомий Ҳазратлари ва у кишининг компанияларидан бўлган падарим Мусо Афанди қуддиса сирруҳу билан Бурсадан Истанбулга қайтаётгандик. Яловада пароходга чиқишимиз керак эди. Шу сабаб машинамизга навбат олиш учун кутиб тургандик. Машиналарнинг шовқинига эътибор бермасдан тартибли равишда навбат бериш билан шуғулланаётган кузатувчи машинамизга жой кўрсатаётиб, орқа ўриндиқда ўтирган Сомий Ҳазратлари ва Мусо Афандиларга кўзи тушди. Ҳайратланиб тўхтаб қолди. Сўнгра яқинроқ келди. Машинанинг деразасидан ичкарига диққат билан кўз ташлади. Кейин чуқур нафас олиб, шундай деди:

**“Аллоҳ! Аллоҳ! Қандай ажаб дунё! Юзлар борки, худди малак каби... Юзлар бор Намруд каби...”**

**Хулоса:**

Бу ҳодисадан ҳам кўринмоқдаки, Аллоҳга дўст бўлишнинг аломати Унинг илоҳий нури кўнгиллар ва чеҳраларни мунаввар этиши экан. Дарҳақиқат, авлиё зотлар кўрганимизда Аллоҳни хотирлатадиган тенгсиз сиймолардир. Чунки уларнинг йўллари Аллоҳ йўлидир. Улар ҳақиқат карвонининг буюк раҳбари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари йўлидадирлар. Юксак бир ҳоллари эса, ҳарфсиз ва сўзсиз бир шаклда фақат сиймолари ила Аллоҳга даъватчи

бўла олганларидир. Ҳатто яҳудийларнинг машҳур уламоларидан бўлган Абдуллоҳ бин Салом у гул юзни кўрганида:

“Бу юз ёлғончининг юзи бўлиши мумкин эмас!” дея, шу сабаб ортидан иймон келтирганди. (Термизий, Қиёма, 42; Аҳмад бин Ҳанбал, Муснад, V, 451)

Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ҳар бир банда ўзи ўтадиган, сайр этадиган жойларидаги нарсаларга бўлган муносабатини ўз ҳолати орқали билдиради. Сўзсиз бир шаклда у нарсаларнинг баъзиларини қабул қилади, баъзиларини эса маъқулламайди. Ўзи билар билмас минг бир таассурот қолдиради. Саноқсиз назарларга муҳаттаб бўлади. Эҳтимол қанча нотаниш кишилар унинг ўтириши, туриши, сўзлашиши, қарашлари ва ўзгалар билан муносабатини, яъни ҳолини кузатиб борадилар. Ўз фитратларига уйғун деб билиб, ундан ўрнак оладилар.

Албатта, биз бу олам илоҳий бир шавқнинг манбаи эканлигини билмоғимиз лозим. Инсон деган гўзал бир жумбоқ эса, ана шу илоҳий шавқнинг тажаллисидир. Бу шавқнинг туб мағзини англаб етган солиҳ ва комил зотларни тарих асло унутмайди. Зеро улар ибратли ҳаёт кечирганлари учун бу дунёдан кўз юмсалар ҳам, ҳаётлари давом этаверади.

❁

**Хайрда қалбий ҳолат**

Мусо Афанди қуддиса сирруҳу айтадилар:

“Сомий Афанди Ҳазратлари билан саёҳатга чиққандик. Ургупда бир одам машинамизни буриб бериб, у кишидан сигарет учун пул сўради. Сомий Ҳазратлари баъзи ҳамроҳларимиз жим қараб турганларида:

«Модомики сўраган экан, бериш лозим!» дедилар ва сўраганнинг тилагини бажардилар.

Бундан хурсанд бўлган фақир киши ниятини ўзгартириб:

«Ҳозир бориб, бу пулга нон оламан» дея у ердан узоқлашди”.

**Қиссадан ҳисса:**

Фақат Аллоҳ ризоси учун қилинган ҳаракатларгина суҳбатдошларнинг қалбларига ижобий таъсир этади ва уларнинг ахлоқини гўзаллаштиради. Бундай хайрлар амалга оширилганда, у инсоннинг қалбий

ҳолатидан кўра кўпроқ ўзимизнинг қалбий ҳолатимизни эътиборга олишимиз лозим. Бу жуда муҳим эканлигини унутмаслигимиз керак. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

*«(Вақтида) бир одам:*

*«Мен албатта, бир садақа бераман» деди.*

*Кечаси уйдан садақасини олиб чиқиб, уни билмасдан ўғрининг қўлига тутқазди. Эртаси куни қишлоқ аҳли:*

*«Ажабо! Бу кеча бир ўғрига садақа берилибди!» деб суҳбатлаша бошлашди.*

*У одам:*

*«Аллоҳим! Сенга ҳамд бўлсин. Мен албатта, яна бир садақа бераман» деди.*

*Тағин садақасини олиб уйидан чиқди. Уни (бу сафар ҳам билмасдан) бир фоҳишанинг қўлига тутқазди. Эртаси куни одамлар:*

*«Шундай ҳам бўладими? Бу кеча бир фоҳишага садақа берилибди!» деб гапира бошладилар.*

*У одам:*

*«Аллоҳим! Бир фоҳишага бўлса ҳам садақа берганим учун Сенга ҳамд бўлсин. Мен албатта, яна бир садақа бераман» деди.*

*(Ўша кеча яна) садақасини уйидан олиб чиқди. Уни (бу сафар ҳам билмасдан) бир бойнинг қўлига тутқазди. Эртаси куни одамлар:*

*«Бу қандай иш бўлди? Тунда бир бойга садақа берилибди» деб сўзлаша бошладилар.*

*У одам энди:*

*«Аллоҳим! Ўғрига, фоҳишага ва бойга (бўлса ҳам) садақа берганим учун Сенга ҳамд бўлсин» деди.*

*(Шу ихлоси туфайли) тушида у одамга:*

*«Ўғрига берган садақанг балки уни уялтирар. Ўғрилик қилишдан воз кечишига сабаб бўлар. Балки фоҳиша ҳам бу ишдан воз кечиб, иффатли бир аёл бўлар. Бой киши балки бундан ибрат олиб, Аллоҳнинг унга берган молидан муҳтожларга тарқатар» дейилди".* (Бухорий, Закот, 14; Муслим, Закот, 78)

Қолаверса, садақа берган киши Раббига шукр ҳолида бўлиши керак. Чунки садақанинг таъсири берганнинг ихлосига кўра тажалли этади.

❁

**Арши аълога етган амали солиҳ**

Бир куни Довуди Тоий Ҳазратларининг хизматларини қиладиган муридлари у кишига:

“Бир оз гўшт пиширдим ейсизми?” деб сўради. Сўнг устозининг сукут сақлашини розилик деб билиб, гўштни келтирди.

Довуди Тоий қуддиса сирруҳу олдиларига қўйилган гўштга қараб:

“Фалончи етимлардан хабар борми?” деб сўрадилар.

Мурид уларнинг аҳволи яхши эмаслигини билар эди. Шу сабабли чуқур нафас олиб:

“Билганингиз каби ҳазратим!” деди.

У буюк Ҳақ дўсти:

“У ҳолда бу гўштни уларга олиб бориб бер!” дедилар.

Ўзи тайёрлаган бу таомни устози ейишини орзу қилган мурид:

“Ҳазратим, сиз ҳам узоқ вақтдан буён гўшт емадингиз!..” деб туриб олди.

Бироқ Довуди Тоий Ҳазратлари унинг икромини қабул қилмадилар. Унга:

*“Ўғлим! Бу гўштни мен есам ташқарига чиқади, холос. Агар у етимлар ейишса, Арши Аълога чиқади!..”дедилар.*

**Қиссадан ҳисса:**

Қуёш учун иситмаслик қандай имконсиз бўлса, юксак руҳлар учун ҳам инсонларнинг изтироб ва уқубатларига бефарқ бўлмаслик, қайғули бир ҳол қаршисида туйғусиз қолиш шундай имконсиздир. Зеро марҳамат туйғуси бутун оламга маълум бўлган илоҳий бир жавҳардир. Ҳақ дўстларининг юраги эса, марҳаматнинг битмас-туганмас хазинасидир. Уларнинг назарида нафсни озиқлантирадиган фоний рағбат ва муносабатларни бир четга суриб қўймоқ лозимдир. Чунки ўз амалларини руҳни

озиқлантирадиган гўзал хулқ ила абадийлаштира олганларнинг фойдалари ҳам абадий бўлади. Янада гўзал ҳолатга келади. Инсон бу дунёда қўлга киритадиган энг қийматли нарса ҳам ана шу амали солиҳлардир. Бошқа фойдалар эса, бирма-бир қайтариб бериладиган ўткинчи омонатлардир. Бу ҳақда ҳадиси шарифда ҳам келтирилади:

Расули Акрамнинг оилаларида бир қўй сўйилади. Унинг гўштидан бир сира тарқатилгандан сўнг, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қанча гўшт қолганини сўрайдилар. Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо:

“Фақат битта курак суяги қолди” дейдилар.

Шунда Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

*“Шундайми? (Ё Оиша) бир курак суягидан ташқари ҳаммаси бизники бўлди!”* деб марҳамат қиладилар. (Термизий, Қиёма, 33)

❁

**Доимо ҳақни фарқланг билиш**

Абдулқодир Ғийлоний Ҳазратлари бошларидан ўтган бир ҳолни шундай ифодалайдилар:

“Бир кун кўз олдимда бир нур пайдо бўлиб, бутун уфқни қоплаб олди. Бу нима экан дея қараб турганимда, нурдан бир овоз келди:

“Эй Абдулқодир, мен сенинг Раббингман. Бугунга қадар қилган амали солиҳларингдан жуда мамнун бўлдим. Бундан кейин сенга ҳаромларни ҳалол қилдим” деди.

Бироқ бу хитоб тугар-тугамас овоз эгаси шайтон алайҳи лаъна эканлигини англадим ва:

“Кет, эй маълун! Кўрсатган нуринг мен учун абадий бир зулматдан бошқа нарса эмас” дедим.

Шунда шайтон:

“Сен Раббининг эҳсон қилган ҳикмат сабаб яна менинг қўлимдан қутулдинг! Ҳолбуки, мен шундай тарзда юзларча кишиларни йўлдан чиқарган эдим” дея узоқлашди.

Қўлларимни дуога очдим. Бу Раббимнинг бир фазли эканлигини билиб, Унинг Ўзига шукурлар қилдим.

Жамоат орасидан бу ҳолни тинглаганлардан бири:

“Эй Абдулқодир унинг шайтон эканлигини қаердан билдинг?” деб сўради.

Абдулқодир Ғийлоний қуддиса сирруҳу жавоб бердилар:

“Сенга ҳаромларни ҳалол қилдим деганидан билдим!..”

**Қиссадан ҳисса:**

Ҳар замон ва ҳар маконда Аллоҳнинг динини хиралаштирмоққа уринганлар мавжуд бўлиб келган. Бу ҳолат кенг тарқалган вақтда ҳар бир мўмин учун форуқиййат, яъни ҳақ билан ботилни, тўғри билан янглишни, хайр билан шаррни, гўзал билан хунукни бир-биридан ажрата олиш зарурияти туғилади.

Бугунги кунларда ҳам юқоридаги қиссанинг бошқа бир кўринишлари мавжуд. Ҳозир ҳам бир қатор “илм арбоблари” қасддан Исломнинг ҳалолларини ҳаром, ҳаромларини ҳалол ҳолга келтириш ғайратидалар. Улар шу орқали жамиятга зарар беришга уринмоқдалар. Айниқса, Абдулқодир Ғийлоний Ҳазратларининг фаросатли муомалалари ва форуқиййат сифатлари ҳаммамиз учун буюк аҳамият касб этади. Зеро Ғийлоний Ҳазратларининг дастури ғоят очиқ дастурдир: **Жаноби Ҳақ пайғамбарига бермаган бир ҳақни бошқаларга сира ҳам бермайди. Ҳалол ва ҳаром, тўғри ва янглиш, гўзал ва хунукнинг нима эканлигини пайғамбар эмас, шайтон биладими? Ё буни инсонлар ичидаги шайтоннинг билимини тарқатаётганлар яхши биладиларми? Асло...**

Жаноби Ҳақнинг бундай ғофилларга хитоби жуда қатъийдир:

**“ ...?”** (ал-Ҳужурот, 16)

❁

**Менга карим лозим**

Боязид Бистомий шундай дейдилар:

Бир кун Дажла дарёсининг нариги томонига ўтмоқчи эдим. Унинг яқинига боргач, Дажланинг икки қирғоғи менга йўл бериш учун бирлашди. Дарҳол ўзимни қўлга олдим ва Дажлага шундай дедим:

“Қасамки, мен бунга алданмайман. Зеро кемачилар бир кишидан ярим танга олиб, дарёдан ўтказадилар. Сен эса ўттиз йиллик амалимни истаяпсан! Мен асло маҳшар учун ҳозирлаган амали солиҳларимни бу ерда ярим тангага бериб, ўзимга зиён қилмайман. Менга Карим лозим, каромат эмас!”

**Ҳисса:**

Каромат ҳақиқий Ҳақ дўстлари учун нафсга хуш келадиган бир амал сифатида буюк ҳассосият ила киришиладиган масаладир. Кароматни бир четга суриб қўйиш гоҳида бир қанча машаққатларга чидашнинг бадали, гоҳида тезда ўтиб кетувчи чарчоққа тенг бўлиши мумкин. Бироқ каромат уч-тўрт сўмлик харажатнинг ёки бандалар кўзига ёмон кўриниб қолишнинг бадали бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Ҳамма вақт карроматга суянишнинг бадали эса, шу пайтга қадар қилинган барча амали солиҳларга тўғри келиши ҳам мумкин. Бу инсонни абадият оламига бўш қўл билан олиб борадиган, кўнгилни вайрон этадиган йўқотишдир. Шу туфайли орифлар Ҳақ мурод қилганидан бошқа вақтда, халқнинг ризоси ва тақдирини асло карроматга алмаштирмаганлар. Ҳар вақт Карим бўлган Мавлонинг ризосини танлашга ғайрат қилганлар.

Авлиё зотларнинг буюкларидан Саҳл бин Абдуллоҳ ат-Тустарий шу маънони жуда гўзал ифодалайдилар:

“Карроматларнинг энг буюги ёмон хулқларни яхши хулқларга алмаштирмоқдир. Бунинг устига баъзи карроматлар йиғлаган болага ўйнаши учун берилган бир ўйинчоқ кабидир. Бу валийларга эмас, ғафлат арбобларининг орзуларига хосдир. Уларнинг ўзлари ҳам шунга алданадилар. Бошқаларни ҳам овора қиладилар”.

Шунинг учун ҳар доим энг муҳим масала Аллоҳ таолонинг:

**“...!”** (Ҳуд, 112) буйруғини адо этмоқлик бўлиб келгандир.

❁

**Пешқадам инсонларнинг масъулиятлари**

Бир куни Абу Ҳанифа Ҳазратлари лой устида ўйнаб юрган бир болани учратдилар. Унга марҳамат ва шафқат билан табассум қилиб:

“Болам, эҳтиёт бўл! Тағин йиқилиб тушма!” дедилар.

Бола ақл ва басират порлаган кўзлари билан Имомга қаради ва кутилмаганда ибратли бир жавоб берди:

“Эй Имом! Менинг йиқилишим оддий бир ҳолдир. Мен тойиб йиқилсам, фақат ўзим зарар кўраман. Бироқ сиз эътиборли бўлинг. Агар сизнинг оёғингиз тойиб кетса, ортингиздан эргашганлар ҳам оёқлари тойиб йиқиладилар. Уларнинг ҳаммаларини турғазиш эса, жуда мушкулдир”.

Боланинг сўзларидан ҳайратланган Имом йиғлай бошладилар ва талабаларига:

“Агар сиз бирор масалада қувватли бир далилга эга бўлсангиз, бу хусусда менга эргашманг. Исломда камолнинг аломати шудир. Менга бўлган муҳаббатингиз ва боғлиқлигингиз ҳам фақат шу шаклда юзага чиқади...” (Ҳашияту Ибни Обидин, I, 217-219, Дамашқ, 2000) дедилар.

**Ҳисса:**

Ҳақ йўлида олдинги сафларда бўлиш барокатли ва масъулиятли вазифадир. Бундай пешқадам инсонлардаги гўзалликлар бошқа кишиларга ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек, улардаги ножўя ва хунук ҳаракатлар ҳам атрофдаги бошқа кишилар томонидан тўғри дея қабул қилинади. Инсонлар уларга тақлид қилиб, бу ҳаракатларни амалда қўллашга киришадилар. Шу боис Имоми Аъзам каби динимизнинг буюк зотлари ўзлари берадиган фатволарда бу ҳассосиятга риоя қилганлар. Тақво ўлчовларига мос ҳаёт кечирганлар. Бир сафар кийимларидаги жуда кичкина бир доғни тозалаганларини кўрганлар у кишидан:

“Ё Имом! Берган фатвоингизга кўра бу кичкинагина доғ намозга монелик қиладиган доғ эмас. Сиз нима сабабдан заҳмат чекиб, шу кичкинагина доғни кетказишга ҳаракат қилаяпсиз?” деб сўрайдилар.

Ҳазрати Имом уларга жавобан:

**“У фатво, бу тақво!..”** дейдилар.

Бундай зотларнинг бандалар ва Ҳақ олдидаги хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин барча масъулиятни зиммаларига олишлари, яъни Аллоҳ таоло ва Унинг бандалари олдида жавобгар эканликларини ҳис этиб яшашлари боқий оламларининг ободлиги учундир. Бу уларнинг ягона дастурлари саналади!..



**Аллоҳнинг даъватига ижобат**

Ҳасан Басрий қуддиса сирруҳу шундай дейдилар:

“Қўй инсондан кўра сезгирдир. Чунки у чўпон чақирганида ўтлашни тўхтатиб, келаётган овозга диққат қилади. Шундай экан бу ҳақиқатдан ибрат ололмаган, Аллоҳнинг даъватига бегоналигича қолган инсонга нима дейсиз?!.”

**Маъноси:**

Даъватлар турли хилдир. Бир кишига “кел” дейилганида, севмаган бир кишиси чақираётган бўлса, ҳолат бошқача бўлади. Дўсти бўлса, бошқа ҳолат кўринади. Онаси чорлаганда, яна ўзга бир ҳолат кузатилади. Севган кишиси бўлса, умуман ўзгача бир ҳолат юз беради. Шундай бўлгач, Аллоҳнинг даъватига ижобат жуда фарқли бир кўнгил ҳаяжони ва таслимият ҳолатида бўлиши лозимдир.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, бир кунда беш вақт осмонлару ерларни тўлдирадиган

« حَيَّ عَلَى الصَّلَاة » (Намозга кел!) даъватига муносабатимиз жуда гўзал ҳолда бўлиши керакдир. Кўнглимиздаги шавқу ҳаяжонимизни ҳамиша Ҳаққа боғлиқлик ва муҳаббат тарозисида ўлчашимиз лозим. Ҳазрати Мавлоно қандай гўзал ифода этадилар:

*“Ақлингни йиғ!.. Модомики, Жаноби Ҳақ сени талаб қилар экан, сен бу талабга жавобан бошингни оёқ қил ва Унга қараб югур!..”*

*“Зеро Унинг кел дейиши инсонга улуғлик ва маънавий жўшқинлик беради. Чексиз эҳсонлар бағишлайди. Абадий нур сочади. Буюк бир дастурхон тузайди...”*

**Ҳалолнинг аҳамияти**

Абу Аббос Ниҳовандийнинг олдига тижорат билан шуғулланадиган бадавлат талабаларидан бири келиб, закотини кимга бериши тўғри бўлишини сўради. Абу Аббос қуддиса сирруҳу:

“Кўнглинг кимга қарор қилса, ўшанга бер!” дедилар.

Бу жавобни олган талаба устозининг олдидан чиққач, йўл устида тиланчилик қилаётган бир кўрни кўрди. Кўнгли унга исинди. Закоти







бўлган бир коса олтинни унга берди. Косани қўли билан силаган кўр киши севинганича у ердан узоқлашди. Эртаси куни айни жойдан ўтаётган талаба бир кун олдин ўзи закот берган кўзи ожиз кишининг бошқа бир кўзи ожиз инсон билан сўзлашаётганига эътибор қилди. Қулоғига шу жумлалар келди:

“Кеча менга бир бойвачча бир коса олтин берди. Майхонага бориб тўйиб ичдим...”

Бу ҳолат талабага азоб берди. Унинг юраги сиқилди. Тўғри Абу Аббос Ҳазратларининг ёнига борди. Бўлган ҳодисани устозига айтиб бермоқчи бўлди. Бироқ устози сўзлашга имкон қолдирмади. Кулоҳи (бош кийими) эвазига олинган бир ақчани эҳсон қилиш учун унга узатди. Кейин:

“Олдингдан чиққан илк кишига шу ақчани бер!” деб таъкидлади.

Талаба бирор сўз айтмасдан берилган вазифани бажариш учун у ердан чиқди. Устози айтгани учун олдидан чиққан биринчи одамга ақчани берди. Фақат ички бир қизиқиш билан ўша одамни таъқиб эта бошлади. У одам шаҳарнинг энг чекка бир қисмига борди ва бир харобага кирди. Сўнгра кийимининг остидан ўлик бир какликни чиқариб, уни ерга ташлади. Энди у ердан кетмоқчи бўлиб турганида, талаба унинг олдига келиб сўради:

“Эй йигит! Аллоҳ учун тўғрисини айт, бу қанақа ҳол! Нега ўлик какликни ерга ташладинг?”

Қаршисида ўзига ақча берган талабани кўриб, у одамни ҳиқичоқ тутиб қолди. Кейин шуларни сўзлади:

“Етти кундан буён бола-чақамга бирор нарса топиб едиролмагандим. Аёлим иккимиз сабр қилаётган эдик, аммо болаларим очликка бошқа чидай олмай қолгандилар!.. Бироқ инсонлардан ҳеч нарса сўрамадим. Мен асло бундай қилолмайман. Минг бир изтироб ичида қийналаётганимда, сен кўрган, чиришни бошлаган ўша ўлик какликни топгандим. Зарурат туфайли уни ейишлари учун болаларимга олиб бормоқчи эдим. Ичимда Аллоҳга ёлвориб: “Ё Раб, ҳолимга иноят қил!” деб дуо қилаётгандим. Кейин сен келиб, шу ақчани бердинг. Мен ҳам Раббимга шукр қилиб, еб бўлмайдиган аҳволдаги қушни вайронага ташладим. Энди бозорга бориб, берган ақчангга егулик оламан...”





Бу ҳолдан шошиб қолган талаба дарҳол Абу Аббос Ҳазратларининг ёнига борди. Ҳазрати Пир у ҳали гапирмасидан:

“Ўғлим! Демак, ўзинг топган пулингга шубҳали ё ҳаром бир нарса қўшилмаганига эътибор бермагансан. Шу туфайли ҳам диққат қилганинг ҳолда закотинг шаробга кетди. Зеро ишлаб топилган нарсалар қаердан ва қандай топилган бўлса, айни шаклда қўлдан чиқади. Сенинг бир коса олтининг эмас, менинг бир ақчам солиҳ бир инсоннинг қўлига бориб етишининг ҳикмати бордир. Бу унинг қўл меҳнатидан келганлигидан, яъни ҳалоллигидандир...” дедилар.

**Қиссадан ҳисса:**

Ҳар бир нарса ижобий ёки салбий хусусиятларига кўра бир қийматга эга бўлади ёхуд ўз қийматини йўқотади. Бу ҳақиқат ҳалол ва ҳаром масалаларида  янада қийинлашади. Шунинг учун олдингилар мол ва мулк тўғрисида:

“Ҳайдан келган ҳуйга кетади!” деганлар.

Бу икки маънода келади. Биринчи маъноси “Ҳай” бўлган Аллоҳдан келган яна “Ҳу” бўлган Аллоҳга кетади демакдир. Иккинчиси эса ҳаводан топилган, шубҳа ва ҳаром аралаш нарсалар яна ҳавога кетади деганидир. Қисқаси, ҳалол ҳалолга васила бўлади. Ҳаром эса ҳаромга турли сабаблар беради. Бу ҳақиқатни ифодалаш учун Абу Бакр Варроқ Ҳазратлари бир суҳбатда:

“Тонгда уйғонганимда инсонларга қараб, ким ҳалол, ким ҳаром еганини тушуниб етаман!” дедилар.

У кишидан:

“Буни қандай англайсиз?” деб сўрадилар.

У киши шундай дедилар:

“Тонгда уйғонганида тилида беҳуда сўзлар, ғийбат ва мақтанишлар бўлган киши ҳаром егулик еганлигини биламан. Шунингдек, саҳардан тилини Аллоҳ таолонинг зикри, калимаи тавҳид ва истиғфор билан машғул қилган кишининг еган егулиги ҳалол йўлдан келганлиги ҳам аниқдир... Чунки ҳалол ҳам, ҳаром ҳам ўзи эга бўлган хусусиятларига кўра инсонларнинг феълларига таъсир этади...”

**Ҳалол фойда**

Абу Ҳанифа Ҳазратлари умри тижорат билан ўтган, катта мулк соҳиби бўлган бадавлат бир киши эдилар. Илм билан машғул бўлганлари учун тижоратни вакил воситасида юритар, ўзлари эса тижоратлари ҳалол доирасида бўлишини назорат этардилар. Бу хусусда жуда эътиборли бўлганлари сабаб бир марта ўртоқлари Ҳафс бин Абдураҳмонни мато сотишга юборганларида унга:

“Эй Ҳафс! Молда шу ва шу узрлар бор. Шунинг учун буни муштарийга айт ва арзонга сот!” дегандилар.

Ҳафс молни Имом тайинлаган нархда сотган бўлса-да, харидорга молнинг камчилигини айтишни унутган эди. Ҳолатни ўрганган Абу Ҳанифа Ҳазратлари Ҳафс бин Абдураҳмондан:

“Матони олган муштарийни танийсанми?” деб сўрадилар.

Ҳафс уни танимаслигини айтганида, Имом ҳалолнинг фойдаси булғаниши андишаси билан сотилган молдан қўлга киритилган фойданинг ҳаммасини садақа ўлароқ тарқатган эдилар. У кишининг бу тақвоси моддий ва маънавий тижоратига зиёдаси билан барокат келтирди.

**Ҳисса:**

Бир кишининг покдил инсон, ихлос соҳиби ва аҳли истиқомат эканлигини англаш учун унинг ибодатларидан кўра ибодатларга бўлган муносабатига эътибор бериш лозим. Яъни у инсон ибодатларини қандай қалбий савияда, қандай ҳол ила амалга оширганини билиш керакдир. Унинг амаллари Ислом ахлоқига уйғун келишини ва фойдаси ҳалолми, йўқми эканлигини кузатиш зарур бўлади. Шу мазмунда келган ривоятда Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бир кишини мақтаган шахсдан шу уч нарсани сўраган эдилар:

“Сен у билан қўшни бўлдингми? Сафарга бирга чиқдингми? Ё бирга тижорат қилдингми?”

Суҳбатдошлари бу ишларни қилмаганлигини айтганида:

“Ундай бўлса, уни мақтама. Чунки сен уни лойиқ даражада таний олмагансан” дедилар.

Шунинг учун Суфён Саврий қуддиса сирруҳу:

“Кишининг диндорлиги нонининг ҳалоллиги нисбатидадир” деганлар.

Бир кун у кишига:

“Ҳазратим! Намозни биринчи сафда ўқишнинг фазилатини тушунтириб берсангиз” деганларида, ҳалол луқмага эътибор қаратиб:

“Биродарим! Сен нонни қаердан топаяпсан, шунга эътибор бер! Фойданг ҳалол бўлгандан кейин қайси сафда намоз ўқишни истасанг, ўша ерда намозингни ўқийвер. Сенга бу хусусда ҳеч қандай қийинчилик бўлмайди” дея жавоб берганлар.

Тижоратда ҳалолдан фойда олишга диққат қилиб, унга ҳаром аралаштирмасликнинг аҳамияти ва барокатини марҳум падарим Мусо Афанди қуддиса сирруҳу шу ҳодиса билан тушунтирар эдилар:

“Ғайри муслим бир қўшним бор эди. Кейинроқ шу қўшним мусулмон бўлганди. Бир кун ундан ҳидоятга эришиши сабабини сўраганимда, шуларни сўзлади:

«Ажибодомда дала қўшним Робий Мулланинг тижоратдаги гўзал ахлоқи василасида мусулмон бўлдим. Мулла Робий сут сотиб кун кечирар эди. Бир куни кечки пайт у бизникига кириб келди. Менга:

“Олинг, бу сут сизга!” деди.

Ҳайрон қолдим:

“Қандай қилиб? Мен сиздан сут сўрамадим- ку!” дедим.

Нозиктаъб ва эътиборга сазовор бу инсон:

“Ҳайвонларимдан бири сизнинг далангизга кириб кетганини сезмай қолибман. Унинг ўша ерда ўтлаб юрганини кейин кўрдим. Шунинг учун бу сут сизники. Ўша ҳайвоннинг таҳавулот даври (еган ўтларининг вужудидан бутундай чиқиши) тугагунича соғилган сутини сизга келтираман...” деди.

Мен:

“Қўшни, бундай қилишингиз шарт эмас. Ахир ўша ҳайвонингиз оддий бир ўтни еган эмасми? Ҳалол бўлсин!..” десам ҳам, Мулла Робий:

“Йўқ йўқ, бундай бўлмайди! Унинг сути сизнинг ҳаққингиз!..” деб, ҳайвонининг таҳавулот даври тугагунча сутини бизга келтирди.

Ана шу муборак инсоннинг бу ҳаракати мени жуда таъсирлантирди. Натижада кўзимдаги ғафлат кетиб, ичимга ҳидоят қуёши кирди. Ўз -ўзимга:

“Бундай буюк ахлоқли бир инсонинг дини албатта, энг буюк бир диндир. Бундай назокатли, ҳақиқатгўй инсонлар етиштирган диннинг тўғрилигидан шубҳа қилинмайди!” дедим ва калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлдим”.

Бу ҳикматли қиссалар ҳалол ва ҳаром фойда масаласида қанчалик эътиборли ва эҳтиёткор бўлишимиз кераклигини англатмоқда. Зеро ҳалол фойда тақвонинг асосларидандир. Шунга биноан ҳадиси шарифда:

*“Тўғри сўзли ва ишончли тожир (савдогар) набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан баробардир” деб марҳамат қилинган*. (Термизий, Сеҳр 4)

Чунки набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан баробарлик сифатини қўлга киритган, кўнгли ҳассос бир савдогар ён- атрофидаги кишиларнинг ҳузур ва барокатига васила бўлади. Ўзи эса, дунёвий ва ухровий саодатга мазҳар бўлишга эришади. Аммо дунё эҳтиросига мағлуб бўлганлар бу оламда ҳоким каби кўринсалар ҳам, боқий оламда абадий бир бечора ва фақир бўлиб қолишдан ўзларини қутқара олмайдилар.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

*“Шундай бир замон келадики, киши ўз молининг ҳалолдан ё ҳаромдан келганига эътибор бермайди”*. (Бухорий, Сеҳр-жоду, 7, 23)

Ҳозирда ҳадиси шарифда ишорат қилингани каби кўп ҳолларда ғафлат зуҳур этмоқда. Кўнгиллар ҳаромларни тарк этишга уринсалар ҳам, бундан кеча олмаяптилар. Бундай вазиятда ҳалолга риоя қила олиш энг муҳим масала ва энг буюк ибодатдир.

Бу буюк ибодатни бажаришда Аллоҳнинг амрига бўйсунувчи, таслимият ва ризо ҳолидаги қалблар тиканлар орасида ўсиб чиққан ҳамда ранг-баранг очилишга муяссар бўлган гуллар мисоли хайр ва файз манбаи бўлиб қоладилар. Аксинча, ҳаромга ҳамда шубҳали нарсаларга ботиб қолган қалблар гулларнинг акси бўлган тиканлар орасига қўшилиб, минг бир ёмонлик манбаи ва ахлоқсизлик ўчоғи ҳолига келадилар. Жаноби Ҳақнинг Ўзи муҳофаза қилсин!

Амийн!..

**Ҳақ йўлига доғ туширмаслик**

Бу йўл, яъни тасаввуф йўли Ҳақ нури тажалли қилган жуда ёрқин бир уфқдир. У асло доғ қабул қилмайди. Бу йўлнинг моҳияти ва руҳини кўра олганлар унда асло дини мубинга қарши бир ҳол тополмайдилар.

Шоҳи Нақшбанд Ҳазратларининг маънавий ҳалқаларида авому хос бўлган ҳар табақадан саноқсиз талаба бор эди.

Ҳусомиддин Ҳожа Юсуф каби Бухоронинг энг таниқли олимлари ҳам у кишининг мажлисларига қўшилиш учун қаттиқ ҳаракат қилардилар. Бироқ уламодан баъзилари буни ўз ораларида ғийбатга сабаб этиб, Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳу ҳақида ҳар хил гаплар тарқата бошладилар. Ниҳоят мухолифлар Нақшбанд Ҳазратлари билан бир мажлисда учрашиб қолиб, ўзларининг танқидий мулоҳазаларини айтдилар. Баҳоуддин қуддиса сирруҳу уларга:

“Келинглар, йўлимизни сизга тушунтириб ўтаман. Агар унда Қуръон ва суннатга қарши бирор масала бўлса, ундан воз кечайлик!..” дедилар.

Ҳазрати Пирнинг айтганларини тинглаган ва бу буюк тасаввуф йўлини батафсил тушунган уламо ўзлари яқиндан шоҳид бўлганлари бу улвий ҳақиқатлар қаршисида эътироз этадиган бирор нарса топа олмадилар. Камоли одоб билан:

“Ҳазратим, йўлингиз сироти мустақим экан, бошқа бирор эътирозимиз йўқ!..” дедилар.

**Ҳисса:**

Бу ҳодисадан ҳақиқий тасаввуф йўли Қуръон ва суннатга эргашишда жуда эътиборли ҳамда латиф қалбга эга бўлишни тақозо этиши англашилмоқда. Соликларга ҳам шу асосда ҳаракат қилишларини ишора қилган Шоҳи Нақшбанд зоҳирий илмларда уламо билан баҳслашмаганлар. Аксинча, у кишининг “Агар Қуръон ва суннатга тескари бирор масала бўлса, айтинг ундан воз кечайлик” дейишлари, истиқоматнинг бу йўлдаги аҳамиятини ифодаламоқда. Қолаверса, айнан шу йўлнинг соликларига лозим бўлган ҳассосиятни кўрсатиб бермоқда. Бу яна ана шу соф бир йўлга доғ туширмасликни ҳам англатади. Юқорида уламо деб тилга олинганлар солиҳ олимлардир. Асло «Уламои биъс-суъ» деб

ном олган, қалблари ва илмлари фасодга учраган, Ҳақ йўлига тескари ҳаракат қилган, ихлос ва тақвони аҳамиятсиз санаган, Аллоҳ дўстларининг фазилатларини инкор этган ва Қуръоний ифода ила озгина дунёвий фойда эвазига Аллоҳнинг оятларини сотган ғофиллар эмасдир.

❁

**Каромат**

Бир куни Шоҳи Нақшбанд Ҳазратларининг муридлари у кишидан каромат истадилар. У киши:

“Бизнинг карoматимиз очиқдир. Қаранг, биз елкамиздаги шунча гуноҳлар юкига қарамай, оёқда тура оламиз ва ер юзида юра оламиз. Бундан ҳам катта каромат бўладими?..” дедилар.

Кейин тасаввуфда муҳим бўлган масала каромат эмас, истиқомат эканлигини яна бир марта хотирлатиб:

“Бир киши бу боғчага қадам қўйганида, у ердаги ҳар бир дарахтнинг япроғи «Эй Аллоҳнинг валийси марҳабо!” дея тилга кирганини эшитса, зоҳиран ҳам, ботинан ҳам бу овозга асло эътибор бермаслиги лозим! Аксинча, бандаликдаги ғайрат ва азмни янада зиёдалаштириши керакдир” деб айтдилар.

Баъзи муридлари:

“Тақсирим, қанча бекитишни истасангиз ҳам, сиздан вақт-вақти билан каромат зоҳир бўлмоқда!..” дейишди.

У улкан тавозе обидаси:

“Мушоҳада қилганларингиз муридларимнинг карoматларидир” дедилар.

Чунки у киши бир махфият (ҳолини яшириш) ҳолида эдилар. Муридлари Ҳусомиддин Ҳожи Юсуф у кишининг ҳикматлари ва карoматларини ёзишни истаганида унга рухсат бермаганлар.

**Дастур:**

Ислом буюклари Ҳақ йўлида доимо карoматни эмас, истиқоматни дастур этиб юксак мақомларга ноил бўлганлар. Улар каромат соясида ҳавода учган қуш ва сувда сузган балиқнинг маҳоратидан ортиқ бирор

қиймат топмаганликларини тилга олганлар. Кишилардан қуш билан балиққа тақлид қилишга уринмасликни сўраганлар. Уларга Ҳақнинг ризосига интилиш ва юксак бир бандалик шуури ичида истиқоматда бўлиш лозимлигини айтганлар. Буларни васила билан ифода этганлар ва ўз ҳоллари билан кўрсатганлар.

❁

**Ғофил қалбларнинг таъсири**

Ҳижрий 1340 йилнинг муборак бир кунида Истанбул Аё София масжидида Қуръони Карим ва мавлуди шариф ўқиладиган бўлди. Масжид то остонасигача одамлар билан тўлди. Уламо ва талабалар масжидда ҳозир бўлдилар. Замоннинг машҳур ҳофизи Қуръонлари Қуръони Карим ва мавлуди шариф ўқишни бошладилар.

Бейларбейлик Одилбей исмли маънавий ҳол соҳиби ва кашфи очиқ бир зот ҳам курсига яқин бир жойда ўтириб, ўқиётганларни тингларди...

Бироздан кейин Одилбейда маънавий бир сиқилиш ҳоли юзага келди. Руҳий тангликдан диққат бўла бошлади. Ундаги маънавий иқлимда Қуръон ва мавлид ўқилаётган чоғда бундай кўнгил ғашлиги бўлмаслиги керак эди. Одилбей қизиқсиниб атрофга назар солди. Шундоқ рўпарасида қалби хиралашган бир ғофил ўтирганлигини кўрди. Одилбей билан бу ғофил кимса ўзлари билмаган ҳолда тўғрима-тўғри ўтириб қолган эдилар. Ўзидаги кўнгил ғашлиги ана шу хиралашган ва ғофил қалбдан акс этаётганлигини англаган Одилбей дарҳол ўрнини алмаштирди. Бундан бироз енгил тортган бўлса ҳам, ўзидаги ўша таъсирни бир муддат кетказолмади.

**Қиссадан ҳисса:**

Солиҳ кишилардан кўнгилларга ҳузур ва кенглик акс этгани каби ғофил кишилардан ҳам ҳузурсизлик ва кўнгил хиралиги акс этади. Зеро гул боғчасида сайр этган қалблар минг бир ифордан маст бўлар эканлар, тарассубот (чиркинлик) доирасига тушган руҳлар тааффун этган (чириб бузилган) нарсалардан ёйилган ёмон ҳидлар билан булғанадилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло кўнгиллари чириган ва ўз атрофларига доимо ёмон таъсир кўрсатадиган мункирлар (инкор этувчилар) тўғрисида ояти каримада шундай буюради:

“.....” (ал-Анъом, 68)

Бу илоҳий амрдаги нозикликни қалбий ҳассосиятга соҳиб бўлган хос бандалар янада яхши англайдилар. Зеро қалб ҳассосияти ортган сайин ўлчовлар теранлашади, назарлар парда ортидаги ҳақиқатларни кўра бошлайди, ҳислар ҳодисалардаги ҳар ким ҳам сеза олмайдиган нарсаларни сезади. Бунга мисол ўлароқ Сайфи Бобонинг шу ҳоли жуда ибратлидир:

Сомий Ҳазратлари жуда яхши кўрадиган Сайфи Бобо Ҳақ дўсти ва ҳол соҳиби бўлган бир зот эдилар. У киши Тўпқопида яшардилар. Бир куни Сайфи Бобо Сомий Ҳазратлари қуддиса сирруҳуни зиёрат қилиш учун келадилар. Бироқ давлатхонага кирар кирмас бехос йиқилиб, ҳушдан кетадилар. У кишини ичкарига таклиф қилиб, устозининг ҳузурига олиб бориши керак бўлган йигит шоша-пиша юзларига сув сепиб, ўзларига келишларига ёрдам беради. Кейин:

“Бирорта шифокорни чақирайлик!” дейди. Сайфи Бобо унга ғариб бир ҳолда:

“Йўқ ўғлим! Шифокор чақириб ўтирма, ҳолимнинг моддий бир хасталик билан алоқаси йўқ! Менга Тўпқопидан Эренкўйга келгунимга қадар йўлларда учраган исён аҳли ва исён жойларидаги нохушлик таъсир қилди. Бу топ -тоза эшикдан кирганимдан сўнг, ичкаридаги руҳониятга ноил бўлдим. Кўнглим бундай таъсирга чидай олмади. Бироқ бу ердаги маънавий иқлимнинг барокати ва орифлар султони Сомий Афандининг ҳиммати ила бироздан кейин мендаги ҳолатдан асар ҳам қолмайди” дейдилар.

Қисқаси, ғофиллардан салбий таъсирлар зуҳурланиб, қалбларни торайтиради. Солиҳлардан эса ижобий ва файзли таъсирлар ҳосил бўлиб, кўнгилларга кенглик беради. Шу сабаб кўнгил кишилари ҳолларининг муҳофазаси учун иложи борича ғофиллардан узоқ ва солиҳларга яқин бўлишлари лозим. Ҳазрати Довуд алайҳиссалом Аллоҳ таолога вақт-вақти билан худди шу мазмунда илтижо қилар эдилар:

“Аллоҳим! Мени ғофилларнинг мажлисига йўналган ҳолда кўрсанг, ҳали у ерга бормасимдан оёқларимни синдир. Мен уларнинг ёнларига етиб бормай. Шундай қилишинг мен учун буюк бир лутф бўлади”.

**Дўст эшиги**

Абу Саид Нишопурий Ҳазратлари бир кун талабаларига:

“Уловларни тайёрланг, қишлоққа кетамиз” дедилар.

Сўнг бунга ҳозирлик кўрилди. Ҳазрати Пир бир гуруҳ талабалари билан бирга йўлга чиқдилар. Нишопурдаги бир қишлоққа етиб борганларида:

“Бу қишлоқнинг номи нима?” деб сўрадилар.

Қишлоқдагилар бунга жавобан:

“Дари дўст, яъни дўстнинг эшигидир” дедилар.

Шунда Абу Саид қуддиса сирруҳу шу ерда тунашга қарор қилдилар. Бир кун меҳмон бўлганларидан сўнг баъзи талабалари:

“Ҳазратим, биз қишлоққа бормоқчи эдик, йўлимизда давом этамизми?” деб сўрашди.

Кўнгли маънавий сирлар билан тўла Абу Саид Ҳазратлари уларга:

“Ошиқ дўст эшигига етиш бориши учун кўп йўлларни босиб ўтиши керак бўлади. Модомики, биз “дўст эшиги” га етиб келган эканмиз, яна қаёққа ҳам борардик?” дедилар.

Улар қирқ кун ўша ерда қолишди. Бир қанча маънавий ҳоллар рўй берди. Қишлоқ аҳлидан кўплаб кишилар Абу Саид қуддиса сирруҳунинг муборак ва файзли суҳбатлари ёрдамида тавбага ноил бўлдилар. У кишининг содиқ талабаларига айландилар. Аслида ҳам Ҳазрати Пирнинг “**дўст эшиги**” дейишларининг маъноси кўнгилларни фатҳ этиш эди... Зеро дўстнинг ризо саройи эшигини кўнгил олишга қодир бўлиш билангина очиш мумкин бўлади.

**Ҳисса:**

Барча бағри ёниқ ошиқлар, асл Ҳақ дўстларининг энг буюк иноят ва юксак вуслатга (дийдор) ҳозирлайдиган амали солиҳлари занжирида кўнгилни фатҳ этиш ҳамда дўст эшигини очиш сингари муҳаббат дастурлари бўлган. Шундай зотлар сирасига кирадиган Шоҳи Нақшбанд Ҳазратлари ўзлари масъул бўлган иршод вазифаларини жуда эҳтиёткорлик ва алоҳида ғайрат билан бажарардилар. У киши талабаларининг ҳар ҳолидан огоҳ эдилар. Ҳазрати Пир бирор кишининг зиёратига борган-

ларида, аввал у кишининг ўзидан ҳол-аҳвол сўрардилар. Сўнг у зотнинг оила аъзолари, қариндошлари, минадиган уловлари, ҳатто товуқлари ҳақида ҳам сўраб чиқар эдилар. Ҳар бир кишининг кўнглини топишга уринардилар. Кўпчилик йиғилганида бирор таом тайёрласалар, у таомдан шахсан ўзлари икром қилардилар...

❁

**Итоат, хизмат ва насиҳат**

Довуди Тоийнинг суҳбатларида бўлиб турадиган солиҳ бир зот Маъруфи Каҳрийга шундай дедилар:

“Асло амалларингни тарк этма! Зеро амал сени Аллоҳ таолонинг ризосига яқинлаштиради”.

Маъруф Ҳазратлари:

“Амал деб нимани назарда тутаяпсиз?” деб сўрадилар.

У зот:

“Ҳар қандай ҳолатда ҳам Раббига итоат ҳолида қолишни ҳамда мусулмонларга хизмат ва насиҳатда бўлишни...” деб жавоб бердилар.

**Маъноси:**

Ҳақ наздида итоат ва таслимият билан адо этилган озгина ибодат ҳам, итоатсиз ва таслимиятсиз бажарилган тоғлар қадар ибодатдан хайрлироқдир. Зеро бандалик итоат ва таслимиятдан бошланади. Шайтон буюк даргоҳдан ибодати камлиги туфайли эмас, итоат ва таслимияти нуқсонли эканлиги сабабли қувилмадими?

Хизмат эса барча пайғамбарлар ва авлиё зотлар суянган асл бир фазилатдир. Зеро у буюк шахсиятлар хаста ҳолларида ҳам, ҳатто ўлим тўшагида бўлганларида ҳам хизматни қолдирмаганлар. Бу ҳолат хизматга қандай суяниш кераклигини ифодалаш масаласида аҳли ирфон учун етарли бир мисол бўла олади. Қисқаси, хизмат марҳаматли ва сахий кўнгилларнинг шиорларидир.

Камолотга етган бир мўмин хизмат аҳлидир. Бундай мўмин фоний борлиғидан айро бир ҳолда ўзини хизмат карвонининг энг охирида деб биладиган кўнгил навкаридир. У дардлилар ва хасталар ёнида, мотам-

лилар атрофидадир. Умидсизларга йўлбошчи, изтиробда ва ёлғизликда қолганларга эса дўстдир.

Насиҳат бериш ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу фақат аҳлига оид ҳолат саналади. Зеро берилган тавсия бошидан кечирилганлик нисбатида таъсир этади. Шу сабабдан ҳар кимнинг насиҳат бериши тўғри эмасдир. Бунга лаёқатли кишилар набавий услуб ва ахлоққа эга бўлган кишилардир. Фақат уларгина насиҳат қилишга салоҳиятли бўладилар. Шу билан бирга бу салоҳиятга ноил бўлгани ҳолда ундан қочишнинг ҳам масъулияти ва ҳисоби оғир бўлади. Чунки ҳадиси шарифда:

“Дин насиҳатдир” деб айтилган. (Бухорий, Иймон, 42)

Шу боис насиҳатни тарк этиш “Аср сураси”да бир ҳусрон (зиён, зарар) нинг сабаби ўлароқ баён қилингандир. Табиийки, насиҳатни тингламаслик ҳам шу маънодадир. Яъни бу ҳусрон сабаблидир.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ҳақ йўлининг соликлари итоат, хизмат ва насиҳатни ўзлари учун воз кечиб бўлмайдиган дастур қилиб олишлари лозим бўлади. Шунингдек, айтиб ўтилган абадий саодат воситалари орқали Ҳақ ризосига эришиш ғайратини ҳам эгаллашлари керак.

❁

**Махлуқотга хизмат**

Истанбулнинг Оқсаройидаги Волида масжидини қурдирган Партавниҳол Волида Султон вафот этганида, уни солиҳ бир киши тушида гўзал бир мақомда кўрди. Ундан:

“Аллоҳ сени қурдирган масжидинг туфайли шу мақомга кўтардими? деб сўради.

Партавниҳол Волида Султон:

“Йўқ” деб жавоб берди.

У солиҳ зот ҳайрон бўлиб:

“У ҳолда қайси амалинг билан бу мартабага эришдинг? деди.

Волида Султон шу ибратли жавобни берди:

“Жуда қаттиқ ёмғирли бир ҳаво эди. Айюб Султон масжидига зиёратга кетаётгандик. Йўл четида пайдо бўлган сув кўлмагида бир

мушук боласи азобланаётганини кўриб қолдим. Фойтунни тўхтатиб, ёнимда ўтирган хизматкор аёлга:

«Бор шу мушукчани ол. Йўқса, сувнинг ичида ўлиб қолади!..» дедим.

Хизматкор аёл эса:

«Эй, Султон хоним! Уст-бошимиз ифлос бўлади» деб мушукни олиб келишни истамади.

Мен мушукни қутқариш учун ўзим аравадан тушиб, лой ичига кирдим. Мушук боласини қутқардим. Мушукча титраётган эди. Унга жуда раҳмим келди. Қучоғимга олиб, уни яхшилаб иситдим. Кўп ўтмай жонивор тинчланди.

Аллоҳ таолонинг бу юксак мақоми мушукка кўрсатган шу кичик хизматим ва марҳаматим туфайли менга эҳсон этилди".

**Қиссадан ҳисса:**

Инсон руҳи ўзи эриша оладиган етуклик самосига марҳамат ва хизмат зинапояларидан чиқиб боради. Шу нуқтаи назардан ҳар бир мусулмон хизмат ва марҳаматни ўзининг хос сифатига айлантириши, бу унинг энг фазилатли сифати бўлиб қолиши лозим.

❁

**Ҳақ дўстларидаги латифлик**

Мусо Афанди қуддиса сирруҳу айтадилар:

"Бир ҳаж мавсуми эди. Муҳтарам Устозимиз Сомий Афанди Ҳазратлари ва у кишининг фарзандлари билан бирга Маккаи Мукаррамада, Байтуллоҳ Масжидига яқин бўлган Сиёд ҳудудидаги Туркистонлик Абдусаттор Афандининг уйида эдик. Сомий Ҳазратларининг хоналари кўчага қараганди. Бизнинг хонамиз эса ичкарида эди.

Бир пешин намози вақтида Сомий Ҳазратлари бизнинг хонамизга ташриф буюрдилар ва:

«Назаримда, ташқарида турган кишининг таомга эҳтиёжи бор!» дедилар.

Камина дарҳол бериладиган егуликларни ҳозирлаб, эшикдан чиқиб борганимда ташқарида ҳеч ким кўринмади. Кутмай кетиб қолгандир деган тахмин билан хонага қайтиб келдим. Ўн дақиқалар ўтгач, Абдусаттор Ҳазратлари такрор эшикда кўриндилар:

«Ўша муҳтож киши қайтиб келиб, ичкарига қараяпти!» дедилар.

Яна егуликларни қўлимга олиб, эшик олдига чиқдим. У ерда тилини осилтириб, ичкарига қараётган очиққан итни кўрдим. Дарҳол овқатларни унинг олдига тўкдим. Ит жуда оч экан. Тўкилган овқатларнинг ҳаммасини еб тугатди".

**Қиссадан ҳисса:**

Буюкларнинг латифлик сифатлари ва тавозелари шундай бўлади. Сомий Ҳазратлари кучукни жинс исми билан чақирмай, унга нисбатан "киши" таъбирини келтирдилар. Ҳатто у зот кўпинча ҳайвонларга ҳам "махлуқ, яратилган" дейиш ўрнига, "Аллоҳнинг қули" таъбирини қўллар эдилар.

Чунки Яратган туфайли яратилганларга кўрсатилган ахлоқ гўзаллиги аслида Яратганга тақдим этилган, Унга ихлос билан боғланган салим бир қалбнинг гўзаллигидир.

Салим бир қалб эгаси дўстликнинг битмас-туганмас манбасига эришгандир. Энди у илоҳий бир лаззат ҳолидадир. Чунки салим қалблар Ҳақнинг тажалли қилган маконларидир. Бундай қалблар сахийликнинг, марҳаматнинг шоҳ асарларидир.

**Ҳузурда ирода**

Сўнгги даврларнинг мутасаввифларидан бўлган Шайх Муҳаммад Нурул Арабийнинг "башарий иродани", яъни жузъий иродани инкор этганлиги тўғрисида миш-мишлар тарқалади. Буни эшитган Султон Абдулмажид Хон Ҳазрати Пирни ҳузур дарсларига чақиришни ва ўша ерда у кишидан бу масала ҳақида сўрашни буюради. Фармонни бажариш учун Шайх Муҳаммад Нурул Арабийни ҳузур дарсига чақирадилар. Шу ерда юқоридаги масаланинг хос жиҳати ҳақида берилган саволга Ҳазрат шундай жавоб берадилар:

"Бандада албатта жузъий бир ирода мавжуд бўлади. Масъулиятнинг манбаси ҳам шундадир. Бироқ бунга бу ҳар бир киши учун деб қарал-

майди. Бу доимий ҳам эмас. Масалан, мен албатта жузъий бир иродага эгаман. Лекин ҳозир подшоҳнинг амри билан келдим. Бу ердан туриб кетиш менинг қўлимда эмас. Чунки биз «кел» деганда, етиб келамиз, «кетавер» дейилса, қайтиб кетамиз. Демак, бу ерда иродам “аниқ бир масала” бўйича йўқ ҳукмидадир. Бундай ҳолатда, яъни подшоҳнинг ҳузурида бўлганлигим учун ҳаракатларим ҳам чегаралангандир... Баъзи одамлар ҳам худди шу мисолдаги каби ҳар доим Раббилари ҳузурида эканликларини идрок этган ҳолда ҳаёт кечирадилар. Аллоҳ ҳар ерда ҳозиру нозирдир. Бироқ жуда кўп инсонлар ўзларини фақат ибодат қилаётганларида ҳузури илоҳийда деб биладилар. Ҳолбуки, аниқ бир маънавий мартабага юксалганлар ҳар доим ҳузури илоҳийда эканликларини англаб яшайдилар. Бундай зотларда жузъий ирода бор ё йўқлиги хусусида сиз ҳукм қилишингиз керак”.

Бу жавоб султонга маъқул келади. Шайх Муҳаммад Нурул Арабийга эҳсон ва икромлар қилади.

**Маъноси:**

Банда бир ирода соҳибидир. Бу ирода ёки қудрат унга Аллоҳ таоло тарафидан бахш этилган. Ҳар бир ҳодисада албатта Аллоҳ таолонинг иродаси бордир. Бироқ ризоси фақат хайрда бўлади. Бир устознинг мақсади талабаси илм билан зийнатланиб, юқори синфга кўчишидир. Талаба вазифани бажармаса, устоз ҳеч нима қила олмайди. Шифокорнинг вазифаси эса, беморни даволашдир. Бемор шифокор тайинлаган дорилардан фойдаланмаса, натижа учун фақат ўзи жавобгар ҳисобланади. Бунда ҳеч бир айбни шифокорга боғлаб бўлмайди.

Биз иродани ҳузурида бўладиганимиз Зотга таслим этмоғимиз лозим. Бу таслим этилганидан кўпроғи эҳсон қилинишига васила бўлади. Яъни бир банда ихлос мезонлари доирасида ўзининг қарашларини Жаноби Ҳақнинг сўнгсиз назарига, қўлларини Унинг сўнгсиз “...икки кунда етти осмонни барпо этган” қудратига, тилини Унинг сўнгсиз калом сифатига, қулоқларини Унинг номутаҳоний эшитишига таслим қилса, кўриши, сезиши ва идрок этиши бутунлай ўзгаради. Яъни берган нарсаларидан ўзи асло маҳрум бўлиб қолмайди. Аксинча, ҳар таслим этган нарсаси ўзи учун боқийлик аро абадий давом этадиган насибаларга айланади. Шу сабабли Аллоҳ таоло доимо ҳузури илоҳийда бўлишлик

идроки ила юксак иродага таслим бўла олган солиҳ бандалари ҳақида мажозан:

“Уларнинг кўрган кўзи, эшитган қулоғи, тутган қўли бўламан...” деб марҳамат қилгандир. (Бухорий, Риқоқ, 38)

**Одоб**

Довуд Тоий шундай дейдилар:

“Йигирма йил Абу Ҳанифа Ҳазратлари билан бирга бўлдим. Шу вақт мобайнида у кишини қанча кузатсам-да, на ёлғизлигида, на олдида биров бўлганида боши очиқ ҳолда ўтирганини ё дам олиш учун оёқларини узатганини кўрмадим. У кишидан:

«Ёлғиз бўлган пайт оёқни узатишда қандай ноқулайлик бор? “ деб сўрадим.

У киши менга:

«Аллоҳ таоло қаршисида одобли бўлиш янада афзалдир» деб жавоб бердилар”.

**Маъноси:**

Султоннинг ёки юксак мавқедаги бир кишининг ҳузурида бўлганлар ўзларини бошқа пайтдаги ҳолатлари каби тута олмайдилар. Шу жой ва шу мақомга уйғун ҳаракатланишга уринадилар. Аслида ҳам бирор бир кишининг ҳузурида бўлиш шунга муносиб бир одобга бурканишни талаб этади. Аҳлуллоҳ ҳам ҳар он Аллоҳнинг ҳузурида турганликлари тушунчаси билан яшаганлари учун одобни асло тарк этмайдилар. Шу боис одобнинг бу ҳоли уларнинг бутун ҳаётларини қамраб олади. Зеро улар ҳар замон ва ҳар маконда Буюк Ёрнинг ҳузурида бўлганликларини пардасиз кўрган ва далилсиз ҳис этган ориф кўнгиллардир. Яъни улар:

وَهُوَ مَعَكُمْ اَيْنَ مَاكُنْتُمْ

“...” (ал-Ҳадид, 4) сирринг ошнолари сифатида ҳар лаҳзаларини Аллоҳ билан бирга бўлиш сурури ичида ўтказадилар.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, баъзилар ўзларини фақатгина намозларида Аллоҳнинг ҳузурида деб ҳис этадилар. Бу ҳис этиш уларни ҳеч

бўлмаганда, намознинг аркони ўлчовида одобга чақиради. Аҳлуллоҳ эса ҳар он бу туйғу ва тушунча ичида бўлганликлари туфайли уларнинг намоздан ташқаридаги ҳоллари ва одоблари ҳам айнан намоздаги кабидир. Аслини олганда бундай зотлар:

اَلَّذِينَ هُمْ عَلٰى صَلاَتِهِمْ دَائِمُونَ

“....” (ал-Маориж, 23) намозларини эътиборсиз қолдирмаганлари учун давомий намоз ҳолидадирлар деб марҳамат қилинган. Бу эса намозларни эътиборсиз қолдириб бўлмаслигини ва намоздан бошқа пайтларда ҳам давомий ҳузур ҳолини муҳофаза қилишни ифодалайди.

❁

**Хизматда одоб**

Абу Абдуллоҳ Ригандий:

“Асло ўзингга топширилган ҳар қандай бир хизматни кичик кўрма! Чунки хизмат бу хизматдир ва сенга аҳамиятсиз кўринган бир хизмат турли сабабларга кўра Аллоҳ наздида жуда аҳамиятли бўлиши мумкин. Аллоҳнинг ризоси қайси хизматда бўлиши биз учун номаълумдир! Шунинг учун муродига, Аллоҳнинг ризолигига етгунга қадар ҳар хил хизматда бардавом бўл. Бу орада сен ноил бўладиган неъматлар ҳамда имтиёзлар фақат шукр ва хизматингни орттирсин”.

**Маъноси:**

Кишилар учун аҳамиятли бўлган бир хизматни бажариб қўя қолиш эмас, балки ихлос билан энг гўзал бир шаклда адо этиш зарурдир. Қолаверса, хизмат иштиёқида бўлганларнинг мақсадлари фақат хизмат қилиш эмас, Аллоҳнинг ризосига эриштирадиган амалларни бажариш бўлиши лозим. Бирор мартаба илинжида манфаати тегадиган кишиларнинг эътиборини тортадиган хизматларни бажариш, ундан бошқа кўплаб хизматларга орқа ўгириш боқий дунёнинг инқирозга юз тутишига сабаб бўлади. Бундай одамлар зоҳиран бошқаларнинг кўзига яхши кўринсалар ҳам, Жаноби Ҳақнинг раҳмат назари уларни тарк этади ва ғазаби илоҳий тажаллий қилади. Зеро хизматнинг муҳим жиҳати бу оламдаги кишилар кўришлари учун кўз қамаштирувчи натижаларга эришиш эмас. Аксинча,

кишини охират диёрида маънавият султони бўлишига ёрдам берадиган амаллар ва хизматларни юзага чиқариш муҳим саналади.

Шу боисдан солик ҳар турли хизматни ўзи учун ғанимат билиши шартдир. Эҳтимол ҳамма кичик деб ўйлаган бир хизмат замирида ерлару кўкларга ҳам сиғмайдиган буюк ажр ва илоҳий мукофотлар яширин-дир. Зеро Аллоҳ таоло биз истаган қанча дарёларни ихлос ва самимият имтиҳони сабаб бир томчининг ичида яширади. Кўнгилларнинг нимага йўналганлигига ҳам назар солади.

❁

**Илло, бу одобдир**

Ибн Ато қуддиса сирруҳу шундай дейдилар:

“Бу маънавий йўлда камолга етганлар фақат намоз ва рўза каби фарз ибодатлар билан бу улуғликка эришмаганлар. Аксинча, буларни қусурсиз ва нуқсонсиз шаклда бажариш билан бирга фазилатли амаллар соҳиби бўлиш ва гўзал хулқ ила юксалганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни менга яқин бўладиганингиз хулқи ва одоби энг гўзал бўлганингиздир» дея марҳамат қилганлар”. (Термизий, Бирр, 71)

**Маъноси:**

Шоир қандай гўзал айтади:

*Одоб бир тож эмиш нури Худодан,*
*Кий у тожни, омон бўл ҳар балодан!*

Ориф шоирлардан бири эса, шундай дейди:

*Турли эллар ичра излаб, мен яна этгум талаб,*
*Ҳар ҳунар мақбул эрур, илло одобдир илк талаб.*

Ҳақиқий одоб ва ахлоқнинг қаҳрамонлари пайғамбарлар ва валий-лардир. Улар буюк бир ахлоққа эргаша олиш иродасини кўрсатганлар. Ахлоқнинг асоси диннинг етуклигидан ажралган бир нарса эмас. Ахлоқ ҳайвоний сифатлардан қутулиб, инсоний салоҳият билан зийнатланиш-

дир. Етук бир мусулмон бўлмоқлик Ислом ахлоқига соҳиб бўлмоқликдир. Бу яна улвий гўзалликларни ҳол ва хулқ ила ташимоқни билмоқликдир.

Ақл ва ҳикмат назари билан қаралганда, Қуръони Каримдан ўрин олган энг буюк ҳамда асосий мавзу одобу ахлоқ эканлиги кўринади. Ундаги тарихий қиссаларнинг мақсади ҳам ахлоқни, яъни муносабат мукаммаллигини талқин қилишдир.

Ҳазрати Мавлоно бу ҳақда шундай дейдилар:

“Қалбим: «Иймон нима?» деб ақлимдан сўради. Ақлим ҳам қалбимнинг қулоғига эгилиб: «Иймон одобдан иборатдир» деб пичирлади”.

“Шунинг учун одобсиз кишилар фақат ўзларига ёмонлик қиладилар деб бўлмайди. Улар одобсизликлари туфайли бутун дунёни оташга ташлайдилар”.

❁

**Бир ҳақ дўстининг ахлоқи ва хизмати**

Аҳмад ар-Рифоий Ҳазратлари кимни кўриб қолсалар, салом берар эдилар. Бир қишлоқда бирор кишининг касал бўлганини эшитсалар, зудлик билан унинг зиёратига борардилар. Шу йўлчилик асносида учраган ожизларнинг қўлидан тутар, уларни борадиган жойларига қадар олиб бориб қўярдилар. Бирор кекса кишига дуч келсалар, унинг қўлидаги юкни кўтаришар эдилар. Атрофдаги дўстларига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифлари билан насиҳат қилардилар:

“Ким бир кекса кишига ҳурматини жойига қўйиб ёрдам берса, Аллоҳ таоло ҳам унга кексайганида ҳурмат билан хизматини қиладиган бир кишини эҳсон қилади”. (Термизий, Бирр, 75)

Рифоий Ҳазратлари шаҳар ташқарисига саёҳатга борсалар, қайтишда ўрмонга кирар эдилар. У ерда ўтин кесар, уни уловларига юклаб шаҳарга олиб келардилар. Сўнг бу ўтинларни бева-бечораларга, фақир ва муҳтож кишиларга тарқатардилар.

Тағин мажнунсифат кишилар ва ногиронларнинг хизматларига шошилар эдилар. Уларнинг кийимларини ювар ва суҳбатлашиб ўти-

рардилар. Таомларини ўз қўллари билан олиб келиб, едириб қўярдилар. Кейин улардан дуо қилишларини сўрар эдилар. Муридларига ҳам:

“Бу каби ожизларни зиёрат этиш мустаҳаб эмас, вожибдир!..” дердилар.

Аҳмад ар-Рифоий бир куни болалар ўйин ўйнаётганларида уларнинг ёнларидан ўтадилар. Бир неча бола Аҳмад ар-Рифоий Ҳазратларининг маънавий ҳайбатидан қўрқиб қочади. Ҳазрати Пир дарҳол болаларнинг ортидан бориб, уларни шафқат ва муҳаббат билан бағриларига босадилар. Болаларнинг кўнгилларини кўтариб:

“Болаларим! Ахир кўрмаяпсизми, мен ҳам ожиз бир бандаман?! Сизларни чўчитиб юборган бўлсам, ҳаққингизни ҳалол этинг!” дея улардан узр ҳам сўрайдилар.

**Хулоса:**

Ҳақнинг ризоси ва вуслатидан таҳсил берадиган маърифатуллоҳ йўли оппоқ бир саҳифага ўхшайди. Унда ёзилган барча ёзувлар ҳам оппоқдир. Уни ёлғиз Ҳақ таоло ўқийди. Шу боис аҳлуллоҳ умр бўйи ўша саҳифага бирор дона ҳам қора доғ томмаслигига уринадилар. Ҳатто бир чумолини хафа қилиб қўйишдан ҳам эҳтиёт бўладилар. Ризои илоҳийга ноил бўлиш учун ахлоқлари ва хизматларини тоза бир ҳолда Ҳаққа таклиф қиладилар. Зеро Аллоҳ таоло шундай буюради:

اِنَّ اللّٰهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ

” (ал-Бақара, 222)

**Фоний эмас, боқий бўлганлар билсин!**

Ислом тарихининг илк йилларида Мадинаи Мунавварада номаълум бир киши баъзи фақирларнинг эшиклари остига ҳар тонгда бир қоп егулик нарса қолдирар эди. Бир тонгда фақирлар уйғониб қарасалар, эшиклари тагида қоплар йўқ. Улар бунинг сабабига қизиқаётганларида маҳзун бир сало овози эшитилди. Мадинаи Мунаввара Ҳазрати Али

розияллоҳу анҳунинг набиралари Зайнал Обидин Ҳазратларининг вафоти билан тўлқинланди. Ҳамма чуқур бир мотамга бурканди.

Бу Пайғамбар авлодига кўрсатиладиган охирги вазифалар ҳам эътибор билан бажарила бошланди. Навбат муборак тананинг ювилишига келганида, бу шарафли вазифани бажарадиган киши майитнинг орқасидаги ичига сув тўпланган яраларни кўриб қолди. Бундан жуда ҳайрон бўлди. Бироқ бунинг сабабини билолмади. Бу ҳақда майитнинг яқинларидан сўради. Шунда Зайнал Обидин Ҳазратларининг сирига ошно бўлган киши қуйидагиларни айтиб берди:

“Зайнал Обидин Ҳазратлари ҳар тонг егулик тўлдирилган қопларни орқаларида кўтариб бориб, ҳеч кимга кўринмасдан фақирларнинг эшиклари тагига қўйиб қайтардилар. Одамлар бу қопларни ким келтирганлигини билмас эдилар. Орқаларида кўрганингиз у яралар қопларни ташиганда пайдо бўлган яралардир”.

**Қиссадан ҳисса:**

Амалларини ёлғиз Ҳақ таолонинг ризоси учун адо этганлар уларни ошкор қилиш ҳаром этилган бир сир каби одамлардан яширишга уринганлар. Зеро Ҳаққа оид бўлгани ҳолда халққа билдирилган амалларда Аллоҳга олиб борадиган бирор бир фазилат қолмайди. Чунки уларни ужуб (манманлик) ва ғурур билан бошланган минг бир турдаги нафсоният қоплаб олади.

Ҳақ йўлида қилинадиган ҳар солиҳ амал «Фоний эмас, Боқий бўлганлар билсин!» тушунчаси билан адо этилгани маъқулдир. Бу амаллар ортидан бериладиган ажру мукофотларни ёзишга на қаламлар кифоя қилади, на бир сиёҳ дош беради.

Аллоҳнинг бандаларини самимий ҳамда фидокорона хизматлар ила мамнун этишга ғайрат қилган, ўз нафсини ўйламай Ҳақ ризосига эриша олган бу каби исмлари номаълум бўлган ҳақиқий қаҳрамонлар нақадар бахтлидир!




## ХУЛОСА

Аллоҳ таолонинг Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга:

**“(Эй Расулим!) Уни (Қуръонни) Жаброил инзор[104] қилганлардан бўласан дея сенинг қалбингга туширгандир”** (аш-Шуаро, 193-194) деб келтиришида саноқсиз ҳикматлар бордир.

Бу ҳикматларнинг асл моҳияти уларнинг кўнгил иқлимига оидлигидир. Барча илмлар ҳам шу тарзда ривож топгандир. Айниқса, илоҳий илм ва ирфон кўнгил иқлимида бўй чўзиб, илдиз отгандир. Яъни ҳар бир илмий ҳақиқат фақат ишқ, важд ва обод қалблар орқалигина ўзидаги теран маъно ва гўзалликларни оламга фош эта олади.

Тасаввуфда “Илм асосдир. Ана шу асоснинг ғояси эса, амали солиҳдир. Қисқача айтганда, бу таъзим ли амруллоҳ (Аллоҳнинг амрларини буюк бир таъзим ила адо этиш) ва шафқат ли-халқуллоҳ (бутун махлуқотга марҳаматли бўлиш) сиррида яшириндир. Акси бўлган тақдирда илм фойдасиз бир кулфатдан иборат бўлар эди” деган нуқтаи назар бордир. Бундай қарашнинг мезони ҳам юқорида келтириб ўтилган ҳақиқатга асосланган дир. Яъни барча китобий билимлар аслида бир уруғ кабидир. Агар бу уруғлар ерга экилмаса ва омборларда қолса, орадан йиллар ўтганида ҳам улар уруғдан бошқа нарса бўлолмайди. Китобий билимлар ҳам фақат сатрларда ё китоб жавонларида қоладиган бўлса, худди шу ҳолат кузатилади. Тупроққа кўмилган уруғлар эса, ўз сифатларига кўра кўкаради. Масалан, улардан бири улкан чинорга айланади. Шу каби кўнгил тупроғига экилган илм уруғлари ҳам қалбларни бир маънавият боғчаси ҳолига келтиради. Илм ва ирфоннинг ҳақиқий мевалари ана ўшанда қўлга киритилади.

104 Инзор: Абадий оламдаги маҳзун натижаларнинг ваҳмияти билан қўрқитиб амр ва насиҳатда бўлиш.

Шунинг учун Қуръони Карим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак кўнгилларига туширилгандир. Асҳоби киром илоҳий иршодлар ва маълумотларни сатрлардан кўра кўпроқ Борлиқ Нурининг кўнгил оламларидан ўқиганлар. Уларнинг кўзлари-ю кўнгиллари илоҳий каломнинг у муборак кўнгилдаги қанчадан-қанча улвий ва беқиёс тажаллилари ила нурлангандир. Исломнинг улвий ва теран ҳақиқатлари, сир ва ҳикматлари бутун гўзалликлари ила уларнинг руҳларида акс этгандир. Аслида ҳам саҳобалар Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жонли бир Қуръон ҳолидаги тенгсиз шахсият ва хулқларидан ҳайратланиб иймон келтирганлар. У зотнинг атрофларида парвона бўлганлар. Тасаввуф ҳам бу аксдан насиба олиб, Исломни руҳоният ва файз оламида яшамоғини дастур қилгандир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нур манбаи бўлган кўнгилларидан таралган ёғду авлиё зотларнинг кўнгилларида ҳам акс этгандир. Улар эса бу кўнгил ёғдусини асрларга ва наслларга етказишда ғайрат кўрсатганлар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, диннинг фатво томони бир бинонинг асосий устуни бўлса, тақво жиҳати бу устунлар атрофидаги бир-бирини тўлдирувчи қисмлардир. Улар гўзаллик ва нафосат унсурларидир. Тасаввуф гўзал амал ва ахлоқ мукаммаллигига илова ўлароқ инсонни, ҳаётни ва коинотни ҳам очиқлаб беради. У инсонлар зиммаларидаги масъулиятни ҳикмат орқали янада кенгроқ идрок этишлари ва уни амалга оширишларини таъминлайди. Тасаввуф ана шу жиҳати билан муҳаббатуллоҳ ва маърифатуллоҳ баҳсида бандалар учун кўнгилдан меърожга томон очилган маънавий бир дарича моҳиятидадир.

Ўрни келганда айтадиган бўлсак, тасаввуф ихлос, тақво, зуҳд, эҳсон, муроқаба, самимият, таслимият ва муҳаббат каби мезонлар ила яшашдан иборатдир. Унинг энг муҳим масаласи ҳам бу ҳақиқатларни сўзда эмас, имконимиз ва истеъдодимиз нисбатида ҳаётимизда қўллай олишимиздир.

Аввалги солиҳ олимлар ҳар бир ваъзу насиҳатлари, англатган ҳар бир илоҳий гўзалликлари ва ахлоқи ҳамидаларидан сўнг:

**“Сўзлаш осон, тинглаш осон, фақат муқтазосига асосан бажариш қийин!..”** деганлар. Буни кўнгилларнинг камолга етиши йўлида талқин этганлар.

Агар биз ҳам айнан шу маънавий даричадан қарайдиган бўлсак, бу нарсаларни ёзиш ва ўқиш жуда қулай эканлигини кўра оламиз. Бироқ

лозим бўлгани каби яшаш ва у гўзалликларни ҳаётимиз мўъжизаларига айлантириш анча мушкул. Яъни қисқа бир шаклда “сабр эт” дейилганда, на сўзлаган тил, на эшитган қулоқ ва на ўқиган кўз чарчайди. Аммо бунинг кўплаб синовлар, азоб-уқубатлар, изтироблар, минг бир қарамлик ва сиқилишларга дучор бўлган кўнгиллардаги тажаллиси ҳақида гап кетганда, инсонлар одатда қийин бир ҳолга тушиб қоладилар. Буларга сабр қилишни ҳам истамайдилар.

Қолаверса, тасаввуфий билимларни фақат ўрганишимиз ва ўргатишимиз эмас, уларни кўнгилларимизда ҳаёт ва саодат эликсири ҳолига келтира олишимиз муҳимдир.

Зеро Жаноби Ҳақ Қуръони Каримда:

**“У Аллоҳки, ҳаётни ва ўлимни қайси биримиз янада гўзал амаллар қилишимизнинг имтиҳони учун яратган...”** (ал-Мулк, 2) деб келтириб, бандаларни амали солиҳга даъват қилгандир.

Эътибор қилинса, ояти каримада “янада гўзал ўрганиш”, “янада гўзал англатиш” ё “янада гўзал тинглаш” тарзидаги ифода қўлланмаган. Аксинча, **“янада гўзал бандалик қилиш” (амали солиҳ)** ҳақиқати баён қилинмоқда.

Шунинг учун тасаввуфнинг асосий мақсади ирфон замзами, тақво кавсари, ишқу муҳаббат оби ҳаёти билан кўнгил ғунчаларини суғоришдир. Ғафлат чўли бўлган бу дунёда бандалар ҳусронга тушмасликлари ва восили иллаллоҳ бўла олишларидир. Ана шу ҳақиқатни англаган ва шу ҳақиқат ила яшай олганлар тасаввуфни англаган, унда яшаган бўладилар. Тасаввуф буюклари айтганлари каби:

**“Тасаввуф бир ҳолдир, уни фақат тотган билади!..”**

Демак, шу ерга қадар англатиб келганларимизга кўра тасаввуф Аллоҳга энг гўзал бир шаклдаги бандалик ва абадий оламга жиддий бир ҳозирлик экан. Яъни тасаввуф бандаликни энг гўзал бир тарзда яшай олишдир. Зеро Жаноби Ҳақ инсонни Ўзига бандалик қилиши учун яратгандир. Тасаввуф бандаликка моне бўлган тўсиқларни ўртадан олиш ва бандаликка васила бўладиган имконларни таъмин этишдан бошқа нарса эмас. У қанча яраларни тузатмоқда, қанча қуруқ тупроқларни ям-яшил бир гулистон ҳолига келтирмоқда. Қанча вайрон бўлган кўнгилларни маъмур бир саройга айлантирмоқда. Қисқаси, тасаввуф бу ғурбат оламидан чексиз вуслат оламига борадиган бандаларни Ҳақ ҳузурида « الْعَبْدُ نِعْمَ » **«нақадар гўзал банда»** рутба ва мукофотига мазҳар қиладиган нурли бир йўлдир.

Энг муҳим масала нафсоний менлик иддаосини тарк этиб, азамати илоҳиййа қаршисида ҳечлик ҳолида яшай олишдир. Бу ҳиссиёт бандага ожизлик ва таваккулдан таълим берган шундай бир улвий ҳолдирки, у кўнгилни албатта камолот чўққисига қадар юксалтира олади. Ҳечлик саройида яшаган кўнгиллар асло маҳрумият ва зиллатга тушмайдилар. Аксинча, виқор ичра тавозе ҳамда маҳвиятда бўлиш нисбатида Ҳақ қошида юксак мақомларга ноил бўладилар. Шоир қандай гўзал айтган:

*Мазҳари файз бўлолмас тушмаса хокка набот,*
*Айлар улуғ хок бўлганни Раҳмон раҳмати биззот.*

*“Ўсимлик маҳвият сирри билан тупроққа уруғ ҳолида тушмагунича, файз, тўкинлик ва барокатга мазҳар бўлолмайди. Фақат мутавозе, яъни ҳечлик ҳолида тупроқ билан бир бўла олса, Раҳмон раҳматининг ўзи уни кўкартиради. Минг бир барокатга мазҳар қилади...”*

**Ё Раббий! Бизларни ҳам «нақадар гўзал банда» дея тақдирлаган бандаларингдан айла!**

**Аллоҳим! Ҳузурингда ҳечлик иқлимига кириб, менлик ва иддаонинг қурғоқчилигидан ҳимоя қилишга уринаётган кўнгилларимизни сўнгсиз раҳматинг ила яшат! Сўзларимизни моҳиятимизга, моҳиятимизни эса сўзларимизга мувофиқ қил! Сўнгсиз калом сифатинг тажаллиси ила ожизона ҳолда қаламга олишга журъат қилганимиз ҳақиқат ғунчаларини кўнгилларимизда яшат!**

**Жумламизни севган бандаларингдан айлаб, солиҳлар жумласига дохил эт ва улар ила ҳашр айла!**

**Бизни Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг нурли изларидан айирма! У зотнинг улкан шафоатларига мазҳар қил! Ўзинг рози бўладиган ҳол ва ахлоқни эҳсон этиб, доимо Ўзинг рози бўладиган амалларни бажаришга муваффақ қил! Барча ҳисларимизни шариф розилигинг ила таълиф эт! Ўзинг севмайдиган ҳол ва ҳаракатлардан узоқлаштир! Сўнгги нафасимизгача сироти мустақим бўйича яшат! Шу ножиз асаримизни хайрга, ҳидоятга, ҳикматга, ҳақиқат ва маърифатга васила айла!**

**АМИЙН!..**

# МУНДАРИЖА

**СЎЗ БОШИ ..... 7**

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

**ТАСАВВУФНИНГ МОҲИЯТИ ..... 13**

**А. ТАСАВВУФНИНГ ТУҒИЛИШИ ..... 13**

**Б. ТАСАВВУФНИНГ ТАЪРИФИ ..... 29**

**В. ТАСАВВУФНИНГ МАВЗУСИ ..... 49**

**Г. ТАСАВВУФНИНГ ҒОЯСИ ..... 51**

**Д. ТАСАВВУФНИНГ ЛОЗИМЛИГИ ..... 54**

**Е. ТАСАВВУФНИНГ БОШҚА ИЛМЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ ..... 71**

**1. ТАСАВВУФ ВА БОШҚА ИСЛОМИЙ ИЛМЛАР ..... 71**

а. Тасаввуф ва Калом ..... 72

б Тасаввуф ва Тафсир ..... 73

в. Тасаввуф ва Ҳадиси сияр ..... 76

г. Тасаввуф ва Фиқҳ ..... 78

**2. ТАСАВВУФ ВА ИЛМИЙ ФАНЛАР ..... 81**

**3. ТАСАВВУФ ВА АДАБИЁТ ..... 85**

**4. ТАСАВВУФ ВА ГЎЗАЛ САНЪАТЛАР ..... 88**

а. Мусиқа ..... 88

б. Меъморчилик ..... 90

в. Ҳуснихат ..... 92

**5. ТАСАВВУФ ВА ФАЛСАФА ..... 95**

**Ж.ИЛМИ НАФИЙ (ФОЙДАЛИ ИЛМ) ..... 99**

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

**ТАСАВВУФИЙ ТАРБИЯ (Сайру сулук)..... 111**
**1. НАФСНИНГ МОҲИЯТИ .....115**
**2. НАФС ТАЗКИЯСИ.....120**
**3. НАФСНИНГ МАРТАБАЛАРИ.....135**
**Б. ҚАЛБ ВА УНИНГ ТАСФИЯСИ .....155**
**1. ҚАЛБНИНГ МОҲИЯТИ .....155**
**2. ҚАЛБНИНГ ТУРЛАРИ.....162**
**3. ҚАЛБНИНГ ТАЗКИЯСИ .....171**
**4. ОЛАМГА МУСАФФО БИР ҚАЛБ БИЛАН БОҚИШ... 237**
**В. ТАСАВВУФИЙ ТАРБИЯНИНГ ПОЙДЕВОРИ .....243**
**D. МУРШИДИ КОМИЛ ВА ИРШОД ЙЎЛЛАРИ.....250**
1. Китоб ва суннатга тўлиқ эргашмоғи .....251
2. Сўзи ва ҳоли билан Аллоҳни эслатмоғи.....251
3. Маънавий тайинга асосланиши .....253
**2. ИРШОД УСУЛЛАРИ .....258**
**Е. ТАСАВВУФИЙ УСЛУБ .....293**
**1. ҲИДОЯТ ВА РАҲМАТ УСЛУБИ .....293**
**2. ҲИЛМ ВА ШАФҚАТ УСЛУБИ.....304**

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

**МАЪРИФАТУЛЛОҲ ВА ИЛОҲИЙ ИНЪОМЛАР.....319**
**А. МАЪРИФАТУЛЛОҲ.....319**
**1. ЗОТИ УЛУҲИЯТ.....319**
**2. ИЛОҲИЙ СИФАТ ВА ТАЖАЛЛИЛАР .....328**
**3. МАЪРИФАТУЛЛОҲ ВА ОРИФЛАРДАГИ ТАЖАЛЛИЛАР .....354**
**В. ИЛОҲИЙ ИНЪОМЛАР .....360**
**1. ЛАДУНИЙ ИЛМ.....362**

**2. ФАРОСАТ ..... 394**
**3. ТАСАРРУФ - КАРОМАТ ..... 397**
**4. СОДИҚ ТУШЛАР ..... 416**

**ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ**

**БАЪЗИ ТАСАВВУФИЙ МАСАЛАЛАР ..... 429**
**А. ТАВАССУЛ ..... 429**
**В. ТАБАРРУК ..... 445**
**С. ҚАБР ЗИЁРАТИ ..... 458**

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

**ҲАҚ ДЎСТЛАРИДАН НАСИҲАТЛАР ..... 475**

**ОЛТИНЧИ БЎЛИМ**

**ТАСАВВУФИЙ ҚИССАЛАР ВА ИБРАТЛАР ..... 495**
**Ҳақиқий таҳсил ..... 496**
**Маънавий тарбияда услуб ..... 497**
**Иброҳим бин Адҳам ва жайлон ..... 498**
**Ҳеч кимни паст кўрма ..... 501**
**Ҳеч кимни айблама! ..... 502**
**Етимни севинтириш ..... 502**
**Дўстлик ..... 504**
**Дўстликдан мақсад ..... 505**
**Тўлиқ таслимият ..... 506**
**Мўминнинг дуосини олиш ..... 507**
**Бир мажзуб ва кўнгил дориси ..... 508**
**Фаришталари сиймолар ..... 510**
**Хайрда қалбий ҳолат ..... 511**
**Арши аълога етган амали солиҳ ..... 513**
**Доимо ҳақни фарқланг билиш ..... 514**

**Менга карим лозим ..... 515**
**Пешқадам инсонларнинг масъулиятлари ..... 516**
**Аллоҳнинг даъватига ижобат ..... 518**
**Ҳалолнинг аҳамияти ..... 518**
**Ҳалол фойда ..... 521**
**Ҳақ йўлига доғ туширмаслик ..... 524**
**Каромат ..... 525**
**Ғофил қалбларнинг таъсири ..... 526**
**Дўст эшиги ..... 528**
**Итоат, хизмат ва насиҳат ..... 529**
**Махлуқотга хизмат ..... 530**
**Ҳақ дўстларидаги латифлик ..... 531**
**Ҳузурда ирода ..... 532**
**Одоб ..... 534**
**Хизматда одоб ..... 535**
**Илло, бу одобдир ..... 536**
**Бир ҳақ дўстининг ахлоқи ва хизмати ..... 537**
**Фоний эмас, боқий бўлганлар билсин! ..... 538**
**ХУЛОСА ..... 540**